

У-34

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

(I қисм)

ТОШКЕНТ
«УНИВЕРСИТЕТ»
1997

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўтмиш тарихимизга бўлган қизиқиш янада кучайди. Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, Марказий Осиё халқлари ниҳоятда бой моддий-маънавий маданиятга эга бўлганини кўрамиз. Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган ушбу китоб Ўзбекистон халқларининг қадимги тош асридан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган катта даври ўз ичига олган биринчи қисмдир.

Китоб талабалар, ўқитувчилар ва умуман Марказий Осиё қадимги тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар: А. С. Сагдуллаев, тарих фанлари доктори, профессор, Б. Ж. Эшов, катта ўқитувчи.

Муҳаррир: З. Т. Тоҳиров, филология фанлари номзоди.

КИРИШ

Ўзбек халқининг эзгу орзуси рўёбга чиқиб ўз мустақиллигини қўлга киритди. Мустақиллик туфайли унинг бой маданий ўтмишидан сабоқ олиш, Ватан тарихини чуқурроқ ва изчил тадқиқ этиш ва қимматли хулосалар чиқариш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президентимиз И. А. Қаримовнинг, тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган кишининг келажаги ҳам бўлмайди деганлари, айти ҳақиқатдир.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети факультетлараро Ўзбекистон тарихи ва Урта Осиё археологияси кафедраларининг профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган ушбу ўқув қўлланмаси Ўзбекистон тарихининг илк тош давридан бошлаб XIX асрнинг ўрталаригача бўлган катта даврни ўз ичига олади. Унда Ватанимиз ҳудудида бўлиб ўтган тарихий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни ўрганиб ва таҳлил қилиб, бу жараёнлар ҳақида объектив хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Ўқувчилар шунга эътибор қаратмоқлари лозимки, узоқ йиллар давомида ўрта тош даврига оид бўлган Тешиктош ёдгорлиги энг қадимги тарихимизни ўрганишда тадқиқотчилар диққат-марказида турди. Аммо, сўнгги 15—20 йил ичида олиб борилаётган археологик тадқиқотлар натижасида Ватанимизнинг энг қадимги даврларига — илк тош асрига оид бўлган Селунғур, Қўлбулоқ, Қўтир булоқ, Учтут каби маконлар очилдики, улардаги топилмаларга қараб, ҳақли равишда Марказий Осиё одамзоднинг илк аждодлари пайдо бўлган минтақага киради деган ғояни илгари суриш имконияти туғилди. Ундан ташқари ибтидоий жамоа тузумининг кейинги даврларида Марказий Осиё ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари анча кучаяди. Бу минтақада яшаган қадимги қабилалар табиий шароитдан келиб чиқиб ўзига хос бўлган турли—

овчилик, балиқчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятларини яратадилар.

~ Мезолит ва неолит, узоқ давом этган тош даврининг сўнгги ва якунловчи босқичлари бўлиб ҳисобланади. Бу босқичлар кишиларнинг энг катта ютуқларидан ҳисобланган ўқ ва ёйни кашф этилиши, чорвачилик, деҳқончилик, кулолчилик ва тўқимачиликнинг ривожланиши, бинокорликнинг вужудга келиши билан изоҳланади. ~

Милоддан аввалги IV—III минг йилликларда қабилалар металл билан танишадилар. Худди шу даврдан бошлаб уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётларида улкан ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Металлнинг ҳаётга кириб келиши натижасида ҳунармандчилик, деҳқончилик ва чорвачилик янги асосда ривожланиб борди. Меҳнатнинг дастлабки йирик тақсимоти рўй берди.

Милоддан аввалги II минг йилликда Ўзбекистон ҳудудида дастлабки деҳқончилик қишлоқлари пайдо бўлиб, уларнинг атрофида суғориш иншоотлари барпо этилди. Маҳаллий суғориш тажрибасида сойлардан канал ва ариқлар чиқариш катта аҳамиятга эга бўлган. Сополлитепа, Жарқўтон ва Муллалитепа бронза даври қишлоқлари жумласидандир.

Сўнгги бронза ва илк темир даврларида Марказий Осиё халқлари тарихида ибтидоий жамоа тузуми муносабатлари емирилиб, мулкий тенгсизлик юзага келди. Илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлади. Талабалар диққатини яна шу нарсага алоҳида жалб этиш лозимки, Марказий Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши ёзувсиз даврларга тўғри келади. Дастлабки ёзув бундан V—VI минг йил илгари Миср ва Икки дарё оралиғида пайдо бўлган бўлса, Марказий Осиёда милоддан аввалги IV—III асрларда пайдо бўлади. Марказий Осиёдаги энг қадимги вилоятлар ҳақида тўла маълумотлар берувчи дастлабки ёзувлар бизгача етиб келмаган. Илк давлат уюшмалари ҳақида маълумот берувчи ёзма манбалар кам, борлари ҳам Марказий Осиёдан четда ёзилган. Бу ўринда олимлар мавжуд ёзма манбаларни археологик тадқиқотлар билан солиштиришга катта эътибор қаратадилар.

«Авесто» маълумотлари ва археологик тадқиқотлар натижаларини таққослаб шундай хулосага келиш мум-

кинки, Марказий Осиё ҳудудида милоддан аввалги IX—VIII асрларда Арёшайёна ёки Арёнам Вайжо ва милоддан аввалги VII—VI асрларда Қадимги Бақтрия ва Қадимги Хоразм давлатлари мавжуд эди. Милоддан аввалги VI—IV асрларда Сўғдиёна, Марғиёна, Уструшона, Фарғона ва Парфия каби вилоятлар ҳам гуллаб яшнадики, улар Марказий Осиёнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Форс подшоларининг миҳхат ёзувлари, юнон-рим тарихчи ва географларининг асарлари орқали Марказий Осиёдаги маданий вилоятларнинг тарихий географияси, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданиятига доир қимматли маълумотларни олиш мумкин.

Милоддан аввалги VI асрда Эроннинг аҳмонийлар сулоласи подшолари Марказий Осиё вилоятларини босиб олдилар. Уша даврдан бошлаб бу ҳудудда яшаган қадимги халқлар ва қабилалар чет эл босқинчиларига қарши тинимсиз кураш олиб бордилар. Тўмарис, Широқ, Фрада, Суқунҳа ва бошқалар шу халқларнинг мард фарзандлари эканлиги билан талабалар фахрланишлари лозим. Аҳмонийлар даврида Марказий Осиё вилоятлари ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан бирмунча ривожланиш жараёнини бошдан кечирди. Хусусан бу даврда (мил. ав. VI—IV а.) Марказий Осиёнинг қадимги қўҳна шаҳарлари — Афросиёб, Ерқала, Қизилтепа, Ерқўрғон, Кўзалиқир қабилар анча кенгайиб ривожланган.

Марказий Осиёнинг дашт ва тоғли ўлкаларида яшаган кўчманчи қабилалар ҳўжалигида чорвачилик айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Кўчманчиларнинг ёдгорликлари Қуйи Зарафшон, Амударё ва Оролди, Помир ва Тангри тоғ ҳамда бошқа жойлардан топилган. Улар асосан мазор қўрғонлардан иборатдир.

Милоддан аввалги IV асрнинг сўнги чорагида Марказий Осиё халқлари юнон-македон зулми остига тушиб қолдилар. Маҳаллий суғдий халқ вакили бўлган Спитамен бошчилигидаги ватанпарварлар икки йилдан зиёдроқ босқинчиларга қарши кураш олиб бордилар. Македониялик Искандар Шарқдаги кўпгина давлатларни эгаллаб ҳеч қаерда Сўғдиёнадагидек қаттиқ қаршиликка учрамаган эди.

Искандарнинг ворислари бўлган салавкийлар ҳукм-

ронлиги даврида марказий ҳокимият сиёсатидан норози бўлган юнонлар маҳаллий зодагонлар билан биргаликда Юнон-Бақтрия давлатига асос солдилар. Милоддан аввалги III асрга келиб Марказий Осиёнинг жануби-ғарбида Парфия, шимоли ва шарқида Қанғ, Довон каби давлатлар ривожлана бошлади. Айни мана шу даврда қадимги халқлар тарихида этник жараёнлар билан боғлиқ бир қатор ўзгаришлар ҳам юз берди.

Бу ўзгаришлар милоддан аввалги II асрда Шарқий Туркистондан кириб келган юечжи қабилалари билан боғланиб кетди. Бу кўчманчи қабилалар Фарғона, Уст-рушона ва Сўғдиёна орқали Амударё бўйларига келиб Юнон-Бақтрия подшолигига чек қўйдилар ва қадимги Бақтрия ҳудудига жойлашиб олдилар. Эрамизнинг бошларида эса улар орасидаги энг обрўли ва кучли гуйшун қабиласи Кушон подшолигига асос солди. Кадфиз II, айниқса Қанишка ҳукмронлиги даврида Кушон подшолиги сарҳадлари кенгайиб, дунёдаги энг кучли давлатлардан бирига айланди. Айниқса, кушонлар даврида бутун Марказий Осиё бўйлаб ўтган буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши бу ҳудудда иқтисодий ва маданий алоқаларнинг юксак даражада бўлишини таъминлайди.

Милодий IV асрнинг ўрталарига келиб жануби-ғарбдан Эрон сосонийлари, шимоли-шарқдан эса кўчманчи кидарийлар зарбалари остида кушонлар салтанати инқирозга юз тутди. V асрга келиб эса кушонлар давлати ҳаробаларида эфталитлар давлати ташкил топди. Эфталитлар даврида Марказий Осиё ҳудудига феодал ер эгаллиги муносабатлари жадаллик билан кириб келди. Эфталитлар давлати ҳам узоқ яшамай VI асрнинг ерталарида Турк хоқонлиги зарбаларидан қулади.

VII асрнинг ўрталаридан бошлаб Марказий Осиё ерларига араб босқинчилари босқичма-босқич равишда ҳарбий ҳаракатлар бошладилар. VIII асрнинг 20-йилларидан бошланган араб ҳукмронлигига қарши озодлик ҳаракатлари шу асрнинг 70—80 йилларида ниҳоятда авжига чиқди. Бу ҳаракатларга Ғурак, Диваштич, Абу Муслим, Муқанна каби тарихий шахслар бошчилик қилдилар.

Арабларга қарши олиб борилган тинимсиз курашлар натижасида IX асрнинг 2-ярмидан бошлаб Марказий Осиёда мустақил давлатлар ташкил топди.

Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида Сомонийлар даври (IX—X асрлар) катта аҳамиятга эга бўлди. Бу давр илм-фан ва маърифатнинг ривожланган даври бўлди. Бу даврда Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Форобий, Исмоил Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд каби улуғ мутафаккир олимлар ва алломалар етишиб чиқдилар.

XII асрнинг ўрталарига қадар Марказий Осиё ерларида қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ва қорахитойлар ўртасида ўзаро сиёсий курашлар борди. XII асрнинг ўрталарида хоразмшоҳлар ҳокимиятни қўлга олиб мамлакатни марказлаштиришга ҳаракат қилдилар. Аммо, XIII асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё шаҳар ва қишлоқлари яна уруш алангаси ичида қолди. Мўғулистонда кўчманчиларнинг улкан давлатини барпо этган Чингизхон бу ҳудудга юриш бошлади. Мўғул босқинчиларига қарши курашда Темур Малик, Жалолиддин, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Таробий каби маҳаллий халқ вакиллари қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Бир ярим аср давом этган муғуллар ҳукмронлиги даврида Марказий Осиёда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш орқага кетди. Бу жараён айниқса, XIV асрнинг биринчи ярмида мўғул хонлари ўртасида ўзаро курашлар авж олганда янада кучайди. Айни шундай бир шароитда Соҳибқирон Темур тарих саҳнасида пайдо бўлди.

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий ҳаёт мислсиз даражада тараққий этди.

Афсуски, 1449 йилда Улуғбек вафотидан сўнг Темурий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт учун кураш авж олди. Бу курашларга Абу Саид ҳукмронлиги даврида бир оз барҳам берилган бўлса-да, унинг вафоти билан яна авжига чиқди. Натижада XVI асрнинг бошларида Шайбонийхон бошчилик қилган қўшинлар феодал тарқоқлик ҳукм сураётган мамлакатни босиб олдилар. Бир аср давом этган шайбонийлар ҳукмронлиги ҳам ўзаро курашлар остида ўтди. Аммо шу давр иқтисодий ва маданий ҳаётида янги жараёнларни кузатиш мумкин.

XVII асрнинг бошида ҳокимиятни қўлга олган аштархонийлар узоқ вақт ҳукмронлик қилган бўлсалар

ҳам мамлакат аслида кичик-кичик мустақил вилоятларга бўлиниб кетган эди. XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Марказий Осиё ҳудудида учта мустақил давлат пайдо бўлди. Улар ўртасида ўзаро низоларга қарамай, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва маданий жа-раёнлар бирмунча ривожланди. Бу давр тарихига оид манбалар ва адабиётлар анчагина бўлиб, улардан чуқур ўрганиш лозим.

Ушбу ўқув қўлланмаси Ўзбекистон тарихининг I қис-мидир.

Қўлланмани ёзишда қуйидаги муаллифлар жамоа-си иштирок этди:

I мавзу, 1—2-§ лар—А. Сагдуллаев, З. Эшонхўжа-ева, Б. Эшов, II мавзу, 1-§—А. Сагдуллаев, Б. Эшов, 2-§—Э. Жаббарова, Б. Эшов, Ч. Кучаров, 3-§—Ш. Пи-даев, У. Рахмонов, Б. Эшов, III мавзу, 1—2-§ лар—А. Одилов, IV мавзу—1-§—Ш. Пидаев, У. Рахмонов, Б. Эшов, 2-§—Р. Мамажонова, У. Мавлонов, Б. Яку-бов, 3-§—Р. Мамажонова, Б. Эшов, Б. Якубов, V мав-зу, 1 ва 3-§ лар—М. Тожиева, Б. Аминов, Б. Эшов, 2-§—М. Тожиева, К. Зиётов, Б. Аминов, VI мавзу, 1-§—Т. Ходжайов, Б. Жолдасов, 2-§—Б. Эшов, Н. Полво-нов, Б. Якубов, 3—4 § лар Р. Муртазаева, Б. Эшов, Н. Полвонов, Б. Якубов.

Қўлланмада айрим жузъий камчиликлар бўлиши та-бий. Шунга кўра ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган-ларга муаллифлар жамоаси аввалдан миннатдорчилик-ни изҳор этадилар.

А. С. САГДУЛЛАЕВ
тарих фанлари доктори,
профессор

I МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ

1-§. ОДАМНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ. ПАЛЕОЛИТ, МЕЗОЛИТ ВА НЕОЛИТ ДАВРИ ЕДГОРЛИҚЛАРИ

Антропогенез — одамнинг пайдо бўлиши ва
ривожланиши

2-с. Ибтидоий жамоа тузуми—кишилик жамияти тараққиётидаги энг узоқ давом этган даврдир. Бу даврнинг Марказий Осие ҳудудида қачон бошланганлиги тадқиқотчилар орасида ҳамон баҳсларга сабаб бўлаётган бўлса-да, кўпчилик тадқиқотчилар ибтидоий жамоа тузумини бундан миллион йиллар олдин бошланган эди дейдилар. Шуни назарда тутиш лозимки, ибтидоий жамоа тузумининг бошланиши дунёнинг турли ҳудудларида турли даврларга тўғри келади. Масалан, Африкада бу давр 2,5—3 миллион йил илгари бошланган бўлса, Америкада 20—30 минг йил илгари деб тахмин қилинади.

Марказий Осие ҳудуди минглаб йиллар давомида одамларнинг меҳнати туфайли обод бўла борган. Агар биз узоқ ўтмишга, кекса тарихга, фикран назар ташлайдиган бўлсак, ер юзида қандай ўзгаришлар пайдо бўлганлигини, одамлар қиёфаси ўзгариб борганлигини, бир ижтимоий тузум ўрнига бошқаси келганлигини тасаввур қилишимиз мумкин.

Ўзбекистон тарихи Марказий Осие халқлари тарихий тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Турли даврларда Ўзбекистон ва умуман Марказий Осие ҳудудида мавжуд бўлган тарихий — маданий вилоятлар ўзаро жуда яқин алоқада бўлган.

Ибтидоий жамоа тузуми даври одамзоднинг пайдо бўлиши, одамнинг турли географик шароитдаги ўлкаларга тарқалиши, хўжалиги ва ижтимоий фаолиятнинг пайдо бўлиши, моддий ва маънавий маданиятнинг вужудга кела бошлаши билан изоҳланади.

Ибтидодий жамоа тузуми тарихини ўрганаётган тадқиқотчилар бу тузумнинг ўзига хос қонуниятларини ва асосий хусусиятларини аниқлаш, унинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва инқирозга юз тутиши даврлари ва сабабларини тушуниб етиш, ибтидодий тузумдан синфий жамиятга ўтиш шароитлари ва кўринишларини ўрганиш борасида катта ишларни амалга оширдилар ва оширмоқдалар.

Бевосита Марказий Осиёда ибтидодий жамоа тузуми даврига оид тадқиқодлар хусусида тўхталар эканмиз, айниқса, А. Окладников, В. Массон, В. Ранов, У. Исомов, А. Асқаров, М. Қосимов ва бошқа олимларнинг Марказий Осиё ҳудудида ибтидодий одамнинг тарқалиш жараёни, қадимги маконларнинг географик жойлашуви, тошдан меҳнат қуролилари ясаш услублари, хўжаликнинг ривожланиши ва оилаларнинг пайдо бўлиши, ибтидодий мафкура, хўжалик турлари, металнинг хунармандчиликка кириб келиши масалаларига бағишланган тадқиқодларни кўрсатиб ўтиш зарур.

Ибтидодий жамоа тузуми инсоният тарихининг энг қадимги даври бўлиши билан бирга, у энг узоқ давом этган давр ҳамдир. Бу даврни ўрганиш маълум хусусиятга эга. Уни қадимги муаллифлар қолдирган ёзма манбалар асосида ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу давр тарихини чуқур ўрганишда археология, антропология, этнография каби фанларнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, улар асосий манбаа вазифасини ўтайди.

Инсониятнинг ибтидодий жамоа тузуми давридан дарах берувчи манбалар турли-тумандир. Одамзод ўз фаолияти даврида атроф-муҳитга таъсир кўрсатиб, кундалик ҳаётда ўзига зарур бўладиган меҳнат қуролилари ясаган, яшаш учун маконлар танлаган, кейинчалик эса бошпаналар қурганлар. Ўз навбатида бу нарсалар инсон фаолиятига таъсир ўтказган. Манбалар орасида айниқса ашъвий далиллар, яъни моддий маданият буюмлари катта аҳамиятга эга.

Ашъвий далиллар — меҳнат қуролилари, қадимги иншоотлар қолдиқлари, безаклар ва тақинчоқлар, идишлар ва бошқа нарсалардан иборат. Моддий маданият топилмаларининг тарихий манба сифатидаги аҳамияти шундан иборатки, улар маълум давр маҳсули сифатида шу давр турмуш шароитини акс эттиради. Фақат буюмлар эмас, балки турар жойлар қолдиқ-

лари, мозор-қўрғонлар, ғор-маконлар ва қоятош суратлари ҳам археологик ёдгорликлар ҳисобланади.

Ибтидоий ғор — маконлар ва турар жойлардаги маданий қатламлардан, шунингдек кўҳна қабрлардан археологлар турли-туман меҳнат ва жанговар қуроллар, суякдан, сополдан, темирдан ясалган, буюмлар топадилар. Уларнинг барчаси ибтидоий одам хўжалигининг ривожланиш даражаси, ҳунармандчилиги ва моддий маданияти ҳақида маълум хулосалар чиқариш имкониятини яратади.

Антропологик манбалар ҳам катта аҳамият касб этади. Антропология — одам ҳақидаги фан бўлиб, инсон суяклари қолдиқларини тош даври одамидан тортиб, кейинги давр одамларигача бўлган аждодларнинг жисмоний қиёфасини тиклаш имконини беради.

Археологик ва антропологик манбалар ибтидоий жамият ва маданиятнинг маълум томонларинигина очиб бериб, барча саволларга жавоб бера олмайди. Бу ерда тадқиқотчиларга жаҳоннинг турли бурчакларидаги халқларнинг, биринчи галда, ибтидоий жамиятнинг турли томонларини маълум миқдорда ўзида сақлаб қолган халқларнинг турмуш ва маданиятини ўрганувчи этнография фани ёрдамга келади. Археологик ва этнографик манбаларни солиштириш усули билан узоқ ўтмишдаги моддий ва маънавий маданиятнинг кўпгина томонларини тиклашимиз мумкин.

Марказий Осиё ибтидоий тузуми даврини ўрганишдаги энг катта муаммолардан бири — жуда катта тарихий даврни ташкил этувчи бу босқични даврларга бўлиш муаммосидир.

Марказий Осиё ибтидоий тарихини даврларга бўлиш ҳақида фанда ягона фикрлар бўлмаса ҳам, кўпчилик тадқиқотчилар фикрларига кўра у бир неча 100 минг йилни ўз ичига олади. Тарихий жараён ривожланишининг Евроосиё ҳудудида нотекислиги, айниқса, турли даврлардаги моддий маданият ўзгаришларининг мос келмаслиги (меҳнат қуроллари яшаш, хўжалик юритиш, ҳунармандчилик қилиш ва б.) даврлаштиришда аниқ бир фикрга келиш имконини бермайди.

Меҳнат қуроллари ва ҳунармандчилик буюмларининг такомиллашувига асосланган ибтидоий тарихнинг даврларга бўлиниши археологик тузилишда энг муҳим ва барқарор ҳисобланади. Умумий кўринишда булар — тош даври, мис-тош даври, бронза ва темир давридир.

Тош асри — инсоният тарихида энг узоқ давом этган давр бўлиб, бу давр дастлабки қазилмалар ўтказилиб, топилмалар топилган жойлар номларига қараб алоҳида даврларга ва маданиятларга ажратилади. Ҳозирги пайтда Марказий Осиё ҳудуди ибтидоий жамият ривожланишининг алоҳида босқичлари қуйидаги умумий тартиб бўйича даврларга бўлинади:

1. **Палеолит** (қадимги тош даври—«палайос»—«қадимги», «литос»—«тош»); а) одам миллоддан 3,—3,5 миллион йил аввал пайдо бўлади. Энг қадимги топилмалар Шарқий Африканинг Олдувай дарасидан топилган бўлиб, Олдувай маданияти деб юритилади. Одамзоднинг пайдо бўлиши даври 3,5 млн.—700 минг йилни ўз ичига олади; б) илк палеолит. Ашел даври—700—100 минг йилни ўз ичига олади. Марказий Осиёдаги илк палеолит даври ёдгорликлари миллоддан 500—100 минг йил аввалги даврларга оид бўлиб, ашел даври деб аталади; в) Урта палеолит. Бу давр Мустье даври маданияти (миллоддан аввалги 100—40 минг йилликлар) деб юритилади;

г) Юқорӣ (сўнгги) палеолит — миллоддан аввалги 40—30—12 минг йилликлар.

2. **Мезолит** (ўрта тош даври—«мезос»—«ўрта», «литос»—«тош») — миллоддан аввалги 12—7 минг йилликлар.

3. **Неолит** (янги тош даври—«неос»—«янги», «литос»—«тош») — миллоддан аввалги 6—4 минг йилликлар.

4. **Энеолит** (мис—тош даври) — миллоддан аввалги 4—3 минг йилликлар.

5. **Бронза даври** — миллоддан аввалги 3—2 минг йилликлар.

6. **Темир даври** — миллоддан аввалги 1 минг йилликнинг бошлари.

Шуни алоҳида назарда тутиш керакки, ҳар бир янги давр ва янги тартибдаги маданиятнинг нотекислиги туфайли Марказий Осиё ҳудудида ривожланиш жараёни ҳам бир вақтда рўй бермаган ёки бир хил бўлмаган. Масалан, неолит даври деҳқончилик хўжалигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жанубий Туркменистонда миллоддан аввалги 6 минг йилликда бошланган бўлса, бу даврда Марказий Осиёнинг қолган ҳудудларида деҳқончилик ҳали номаълум эди.

Ер тарихида энг буюк воқеа одамзоднинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишидир. Ибтидоий жамоа тузу-

ми тарихини ўрганишнинг муҳим муаммоларидан бири — антропогенез — одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши муаммосидир. Турли мамлакатларда қадим замонларда яшаган илғор мутафаккирлар одамнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий таърифга яқин фикрларни баён қилганлар. Хитой, юнон файласуфлари милоддан аввалги VI—V асрлардаёқ одамнинг келиб чиқиши тамомла табиий ҳодиса деб таърифлашга уринганлар. Юнон файласуфи Арасту (мил. ав. 384—322 йй.) «одам — ҳайвонот дунёсида табиат эришган барча нарсаларнинг чўққисидир», деб ёзган эди.

Қадимги Римда яшаган машҳур врач ва анатом Клавдий Гален (милоднинг II асри) одамнинг бадан тузилиши маймунникига жуда ўхшаш эканлигини кўриб маймун анатомиясини ўргана бошлади. «Одам» деган тушунчанинг кенг маъносини дастлаб очиб берганлардан бири XVIII аср машҳур француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо бўлди. Машҳур швед табиатшуноси Карл Линней (1707—1779 йй.) ҳайвонот дунёси «тартиби»да одамнинг табиатдаги ўрнини топишга ҳаракат қилди ва одамни ҳайвонот дунёсидаги олти гуруҳдан бири — сут эмизувчилар гуруҳига киритди. К. Линнейнинг тирик жонлар дунёсини билиш соҳасидаги асарларида кўпгина камчиликлар бўлишига қарамай, улар одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги билимларнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

1956—60 йилларда инглиз олими Лики Шарқий Африкадаги Олдувай дарёсидан одамсимон маймунларнинг қолдиқларини, дарё ёнидан эса оддий тош қуроллар топиб олиб, улар бундан 1 млн. 750 минг йил илгари ясалган деган фикрларни айтади. Ликининг ўғли Ричард Лики Кения ва Эфиопияда қазилган ишлари олиб бориб жуда кўплаб одамсимон маймунларнинг қолдиқларини топди ва уларни бундан 2,5—3 млн. йил илгари яшаган деган хулосага келди. Жуда кўплаб олимларнинг фикрича Африкадаги бу топилмалар ер юзидagi энг қадимги қазилма одамларнинг дастлабки вакиллари ҳисобланади.

Одам ҳайвонот дунёсидан узоқ вақт давом этган ривожланиш жараёни натижасида ажралиб чиққан.

1891—1892 йилларда голландиялик олим Дюбуа Индонезиядаги Ява оролидан маймун — одамнинг (питекантроп) суяк қолдиқларини топишга муваффақ бўлди. Бу топилмаларнинг ёши 1,5 млн. йил деб тахмин қилин-

ди. 1927 йил канадалик олим Д. Блек топган хитой одами (синантроп) ҳам энг қадимги одамлардан ҳисобланиб, улар бундан 400—500 минг йил илгари яшаганлари аниқланган.

Энг қадимги одам қолдиқлари Германиянинг Гейдельберг, Венгриянинг Будапешт шаҳри яқинидан ҳам топилган. Узлуксиз меҳнат жараёнида синантроплар жисмоний жиҳатдан ривожланиб, қадимги одамларнинг пайдо бўлиш учун замин ҳозирладилар.

Энг қадимги одамлардан фарқланувчи одамлар (архантроп) кейинги босқич фанда қадимги одамлар номи билан машҳур бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрларича улар замонамиздан 100—50 минг йил илгари яшаганлар. Қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари дастлаб Германиянинг Неандертал водийсидан топилган бўлиб, фанда қадимги одамларни неандертал типигаги одамлар деб аташ расм бўлган.

Неандертал қиёфали қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари Африкадан, Урта Ер денгизининг шарқий қирғоқларидан, Марказий Осиё, Яқин ва Урта Шарқ ҳудудларидан, Шарқий Европа ва Осиёдан кўплаб топилган. Ибтидий жамоа тузумининг ўрта тош асридаги турли сабабларга кўра, б иринчи навбатда меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфасидаги одамлар ҳозирги қиёфали одамларга айлана борадилар. Улар жисмоний жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфадаги кишилар вужудга келди ва шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига етди. Одамнинг пайдо бўлиши ердаги энг буюк ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий тўқмоқ ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, интилиш натижасида юксак маданият яратиш даражасига етиб келди.

Марказий Осиёнинг қулай географик шароити ибтидий даврнинг илк босқичлариданоқ кишилар диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган. Жанубий Қозоғистоннинг тоғ ва тоғ олди туманларидан, Қирғизистоннинг тоғ водийларидан, Жанубий Туркманистонда, Қизилқум ва Қорақум ичкарасидаги қадимги кўллар атрофида, Ўзбекистондаги Оҳангарон, Чирчиқ дарёлари водийларида, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё водийлари, Фарғона водийси ва унинг тоғлик ҳудудларидан ибтидий жамоа тузумининг барча даврларига оид

ёдгорликлар топилган. Бу топилмалар Марказий Осиёни антропогенез жараёни содир бўлган вилоятларга қўшиш имконини беради.

Ҳозирги даврда олимларнинг катта гуруҳи одамзоднинг дастлабки ватани Африка деган фикрни илгари сурса, яна бир гуруҳ олимлар Европа дейдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса одам илк марта Осиёнинг жанубида пайдо бўлган деган ғояни илгари сурадилар. Умуман олганда, одамзоднинг дастлабки ватани ҳақида олимлар орасида ягона фикр ҳозирча йўқ.

Қадимги тош даврида (палеолит) Марказий Осиё

Ибтидоий жамоа тузумининг дастлабки ва энг узоқ давом этган босқичи палеолит деб аталади. Қадимги тош даври уч даврга бўлинади: илк палеолит, ўрта палеолит, сўнгги палеолит, Селунгур (Фарғона), Учтут (Бухоро), Унарча (Қирғизистон), Қоратоғ (Тожикистон) каби маконлар илк палеолит даврига оиддир. Бу маконлардан, умуман бутун Марказий Осиё ҳудудидан ҳозиргача илк палеолит даври одамларининг қолдиқлари топилмаган. Бу даврга онд маконлардан ибтидоий аждодларимизнинг тош қуроллари топилган холос. Бундай қуроллар қўпол чопқилар, учриндилар, нуклеуслар, қирғичлар, тешгичлар, бутун-бутун қайроқ тошлардан иборатдир.

Илк палеолит даври тарихи билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг фаразларига кўра, бу давр ёдгорликларининг санаси мил. ав. 800—100 минг йил, баъзилариники 500—100 минг йил аввалги қадимий даврга бориб тақалади. Бундан Марказий Осиёга одамлар жуда эрта келиб жойлаша бошлаганлар, деган хулосага келиш мумкин.

Мазкур давр кишиларининг қуроллари ўзининг содалиги, қўполлиги, турларининг камлиги жиҳатдан кейинги даврлардан кескин фарқ қилади. Илк палеолит даври одамлари жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам ҳозирги қиёфадаги ақл-идрокли одамлардан фарқ қилардилар. Улар асосан термачилик ва овчилик билан тирикчилик ўтказганлар, табиат олдида жуда ожиз бўлиб, унда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотларни ўзлаштириб яшаганлар. Улар на диний тушун-

чани, на ҳунармандчиликни ва на чорвачиликни билганлар.

Ўрта палеолит (мустье маданияти) — қадимги тош даврининг ажралмас ва таркибий қисми бўлиб, узоқ давом этган илк палеолитнинг бевосита давомидир. Марказий Осиёда бу даврнинг энг машҳур ёдгорликларига Тешиктош, Обираҳмат, Хўжакент, Қўлбулоқ, Қўтирбулоқ, Учтут каби бир қатор маконларни киритиш мумкин. Уларнинг жами 300 га яқинлашиб қолади. Бу даврда шимолдан жанубга томон музлик силжиб келади. Ҳайвонот ва ўсимлик олами ўзгаради.

Обираҳмат макони Тошкент шаҳридан 100 км. шимоли — шарқда, Тангри Тоғ Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори оқимидан топилган. Ғор-макон ёйсимон шаклда бўлиб, жанубга қараган, саҳни кенг, қуруқ ва ёруғ. Ғорда 10 метр қалинлигидаги 21 та маданий қатлам аниқланган бўлиб, улар бу ерда одамларнинг узоқ вақт яшаганлигидан далолат беради. Маданий қатламлардан оҳак тошли чақмоқ тошдан ясалган хилма-хил меҳнат қуроллари ва буюмлар, жумладан, нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли сихчалар, қирғичлар ва куракчалар, учриндидан тайёрланган кесгичлар топилган бўлиб, уларнинг умумий сони 30 мингдан ошади. Обираҳматдан ҳайвон суякларидан ясалган бигизлар, шунингдек буғу, тоғ эчкиси, тўнғиз, жайрон, архар ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари, гулхан, кул, кўмир ва бошқа нарсалар қолдиқлари ҳам топилган. Олимларнинг тахминларича Обираҳматда одамлар милоддан 120—40 минг йил илгари яшаб, тоғ меваларини териб еб, ёввойи ҳайвонларни овлаб тирикчилик қилганлар.

Қўтирбулоқ макони бутун Марказий Осиёга машҳур бўлиб, Самарқанд вилояти Каттақўрғон ҳудудидан топилган. Бу ерни қазिश натижасида 5 та маданий қатлам аниқланган. Қатламнинг қалинлиги ҳар хил бўлиб, топилмалар ҳам бир хилда тарқалмаган. Бу қатламлардан ўткир учли пойконлар қирғичлар, тешгичлар, икки томонига ишлов берилган баргсимон қурооллар ва бошқа турли-туман тош қурооллар топилган. Шунингдек, кўплаб ёввойи ҳайвонлар — фил, буғу, ёввойи от, қуён кабиларнинг суяк қолдиқлари топилган.

Ўзбекистоннинг жанубида ўрта палеолит даврига оид Тешиктош ғор-макони очиб ўрганилган. Ғор шимол-шарққа қараган бўлиб, кенлиги 20 м, баландлиги

9 м, чуқурлиги 21 м. Бу ерни ковлаш натижасида 5 та маданий қатлам аниқланган. Жами 2859 та тош қуро­лар топилган. Бу қуро­лар орасида қирғич-тарашла­гичлар алоҳида ўрин эгаллаб, уларнинг баъзилари кес­гич қурол вазифасида ҳам ишлатилган бўлиши мумкин. Қуро­лардан ташқари фордан гулхан излари ва кул қолдиқлари топилиб, гулхан ўрни ва атрофларидан тоғ эчкиси суяк қолдиқлари ҳам топилган. Юқори қатлам­ларнинг 25 см. чуқурликдаги жойидан 8—9 яшар бола­нинг склет суяк­лари топилган. Унинг ёнида эса бир неча жуфт тоғ эчкиси шохлари ҳам топилган. Тешик­тош одами ўрта палеолит даврига мансуб ҳозирча яго­на одам бўлиб, бошқа ҳали топилганича йўқ.

Ўрта тош даврига келиб ибтидоий кишилар Марка­зий Осиёнинг бутун майдони­га кенг тарқалади. Ўрта палеолитда, айниқса унинг сўнгги босқичида ибтидоий кишилар турмушида ва меҳнат қуро­ларида янги ун­сурлар пайдо бўла бошлади. Энг муҳими, ибтидоий тў­дадан уруғчилик жамоасига ўти­ла бошланди. Ҳозирги замон одам­ларига ўхшаш одамлар (кроманён) вужуд­га келиши учун замин ҳозирланди. Бу шарт-шароитнинг негизида меҳнат билан бевосита боғлиқ меҳнат қуро­ларининг такомиллашуви ва шу асосда у давр киши­ларининг хўжалик ҳаётидаги илгари томон қилинган дастлабки силжишлар ётади. Бу давр ишлаб чиқариш қуро­лари такомиллашаётган, нутқ маданияти ўсиб бо­риб, фикрлаш анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошланган, овчилик анча ривожланиб, кенг ҳудудларга тарқалган давр эди.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ўрта палеолит даврда шимолдан музликнинг силжиб келиши натижа­сида ибтидоий кишилар турмуш тарзида катта ўзгариш­лар содир бўлди. Жанубдаги иссиқсевар ҳайвонлар қи­рилиб кетиб шимол буғу­лари, мамонтлар, улкан айиқ­лар пайдо бўлди. Улкан ҳайвонларнинг пайдо бўлиши эса ўз навбатида жамоа бўлиб овчилик қилишнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Совуқ иқлим туфайли палеолит одамлари оловни кашф этдилар. Сунъий олов чиқариш ва уни сақлашни ўзлаш­тирдилар. Учоқ — ибтидоий одамларнинг бир ер­га тўпланишларида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу давр ибтидоий кишилари форлар ва ун­гурларда ўзларига маконлар танлай бошладилар.

чани, на ҳунармандчиликни ва на чорвачиликни билганлар.

Ўрта палеолит (мустье маданияти) — қадимги тош даврининг ажралмас ва таркибий қисми бўлиб, узоқ давом этган илк палеолитнинг бевосита давомидир. Марказий Осиёда бу даврнинг энг машҳур ёдгорликларига Тешиктош, Обираҳмат, Хўжакент, Қўлбулоқ, Қўтирбулоқ, Учтут каби бир қатор маконларни киритиш мумкин. Уларнинг жами 300 га яқинлашиб қолади. Бу даврда шимолдан жанубга томон музлик силжиб келади. Ҳайвонот ва ўсимлик олами ўзгаради.

Обираҳмат макони Тошкент шаҳридан 100 км. шимоли — шарқда, Тангри Тоғ Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори оқимидан топилган. Фор-макон ёйсимон шаклда бўлиб, жанубга қараган, саҳни кенг, қуруқ ва ёруғ. Форда 10 метр қалинлигидаги 21 та маданий қатлам аниқланган бўлиб, улар бу ерда одамларнинг узоқ вақт яшаганлигидан далолат беради. Маданий қатламлардан оҳақ тошли чақмоқ тошдан ясалган хилма-хил меҳнат қуроллари ва буюмлар, жумладан, нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли сихчалар, қирғичлар ва куракчалар, учриндидан тайёрланган кесгичлар топилган бўлиб, уларнинг умумий сони 30 мингдан ошади. Обираҳматдан ҳайвон суяқларидан ясалган бигизлар, шунингдек буғу, тоғ эчкиси, тўнғиз, жайрон, архар ва бошқа ҳайвонларнинг суяқлари, гулхан, кул, кўмир ва бошқа нарсалар қолдиқлари ҳам топилган. Олимларнинг тахминларича Обираҳматда одамлар милoddan 120—40 минг йил илгари яшаб, тоғ меваларини териб еб, ёввойи ҳайвонларни овлаб тирикчилик қилганлар.

Қўтирбулоқ макони бутун Марказий Осиёга машҳур бўлиб, Самарқанд вилояти Каттақўрғон ҳудудидан топилган. Бу ерни қазिश натижасида 5 та маданий қатлам аниқланган. Қатламнинг қалинлиги ҳар хил бўлиб, топилмалар ҳам бир хилда тарқалмаган. Бу қатламлардан ўткир учли пойконлар қирғичлар, тешгичлар, икки томонига ишлов берилган баргсимон қуроллар ва бошқа турли-туман тош қуроллар топилган. Шунингдек, кўплаб ёввойи ҳайвонлар — фил, буғу, ёввойи от, қуён кабиларнинг суяк қолдиқлари топилган.

Ўзбекистоннинг жанубида ўрта палеолит даврига оид Тешиктош фор-макони очиб ўрганилган. Фор шимоли-шарққа қараган бўлиб, кенглиги 20 м, баландлиги

9 м, чуқурлиги 21 м. Бу ерни ковлаш натижасида 5 та маданий қатлам аниқланган. Жами 2859 та тош қуроолар топилган. Бу қуроолар орасида қирғич-тарашлагичлар алоҳида ўрин эгаллаб, уларнинг баъзилари кесгич қуроол вазифасида ҳам ишлатилган бўлиши мумкин. Қурооллардан ташқари ғордан гулхан излари ва кул қолдиқлари топилиб, гулхан ўрни ва атрофларидан тоғ эчкиси суяк қолдиқлари ҳам топилган. Юқори қатламларнинг 25 см. чуқурликдаги жойидан 8—9 яшар бола-нинг склет суяклари топилган. Унинг ёнида эса бир неча жуфт тоғ эчкиси шохлари ҳам топилган. Тешиктош одами ўрта палеолит даврига мансуб ҳозирча ягона одам бўлиб, бошқа ҳали топилганича йўқ.

Ўрта тош даврига келиб ибтидоий кишилар Марказий Осиёнинг бутун майдониغا кенг тарқалади. Ўрта палеолитда, айниқса унинг сўнгги босқичида ибтидоий кишилар турмушида ва меҳнат қуроолларида янги унсурлар пайдо бўла бошлади. Энг муҳими, ибтидоий тўдадан уруғчилик жамоасига ўтила бошланди. Ҳозирги замон одамларига ўхшаш одамлар (кроманён) вужудга келиши учун замин ҳозирланди. Бу шарт-шароитнинг негизида меҳнат билан бевосита боғлиқ меҳнат қуроолларининг такомиллашуви ва шу асосда у давр кишиларининг хўжалик ҳаётидаги илгари томон қилинган дастлабки силжишлар ётади. Бу давр ишлаб чиқариш қурооллари такомиллашаётган, нутқ маданияти ўсиб бориб, фикрлаш анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошланган, овчилик анча ривожланиб, кенг ҳудудларга тарқалган давр эди.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ўрта палеолит даврда шимолдан музликнинг силжиб келиши натижасида ибтидоий кишилар турмуш тарзида катта ўзгаришлар содир бўлди. Жанубдаги иссиқсевар ҳайвонлар қирилиб кетиб шимол буғулари, мамонтлар, улкан айиқлар пайдо бўлди. Улкан ҳайвонларнинг пайдо бўлиши эса ўз навбатида жамоа бўлиб овчилик қилишнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Совуқ иқлим туфайли палеолит одамлари оловни кашф этдилар. Сунъий олов чиқариш ва уни сақлашни ўзлаштирдилар. Учоқ — ибтидоий одамларнинг бир ерга тўпланишларида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу давр ибтидоий кишилари ғорлар ва унғурларда ўзларига маконлар танлай бошладилар.

Сўнги палеолит узоқ давом этган қадимги тош асрининг охирги босқичидир. Бу даврга оид ёдгорликлар нисбатан кам ўрганилган. Жой-маконлар ҳам унча кўп эмас. Оҳангарондан сўнги палеолитга оид Қўлбулоқ макони очилган. Тош қуроллари ва ҳайвон суяклари топилган. Тошкентнинг ғарбидан Бўзсув I макони очилган. 1939 йилда Самарқанд шаҳридан шу даврга оид макон очилган. Бу ердан топилган қурооллар (7,5 минг) хилма-хил. Улар орасида қирғичлар, кесгичлар, сиччалар, пичоқлар, ушатгичлар, болталар ва ҳ.клар бор. Маданий қатламлардан гулхан қолдиғи, кўмир парчалари ва атрофидан ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар қолдиқлари топилган. Бу топилмалар бу ерда яшаган кишиларнинг овчилик ва термачилик билан шуғулланганликларидан далолат беради.

Сўнги палеолитдан бошлаб ибтидоий одамлар ғорлардан чиқиб, енгил турар жойлар қура бошлаганлар. Натижада улар фақат тоғли ҳудудларда яшаб қолмай воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар соҳилларига келиб жойлаша бошлайдилар. Сўнги палеолитнинг энг катта ютуғи антропогенез жараёнининг тугалланиши ва ҳозирги замон одамларининг (кроманён) пайдо бўлишидир. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ибтидоий тўдадан уруғчилик тузумига (матриархат) ўтилишидир. Уруғчилик ибтидоий жамият тарихининг алоҳида босқичини ташкил этиб, бу ижтимоий ҳаётдаги қатор ўзгаришларнинг пайдо бўлишига замин яратиб берди. Лекин дастлабки уруғчилик тузуми нисбатан ривожланишининг юқори босқичида бўлишига қарамай бу давр кишилари овчилик, термачилик ва балиқчилик билан кун кечирар эдилар.

Палеолит даврига хулоса ясаб шуни айтиш мумкинки, бу даврда одамнинг пайдо бўлиши жараёни асосан тугади. Ибтидоий одамлар хўжалик юритишнинг энг оддий йўлларида (териб-термачлаб) мураккаброқ кўринишларига (овчилик, балиқчилик)га ўтдилар. Олов кашф этилди. Инсоният ибтидоий пода давридан уруғчилик тузумига ўтди. Меҳнат қуроллари такомиллашиб, турлари кўпая борди.

Бу даврда ибтидоий кишилар орасида дастлабки диний қарашлар пайдо бўлди. Тешиктошда болани махсус қабр қазиб кўмилиши; унинг ёнига тоғ эчкисининг шохлари ва тош қурооллар қўйилиши мутлақо тасодифий эмас. Бу Тешиктош ғорида яшаган неандертал

одамлар гарчи содда бўлса-да, кўмиш маросимларига рноя қилганликларидан далолат беради.

Урта тош (мезолит) ва янги тош (неолит) даври ёдгорликлари. Ибтидоий маданият.

Марказий Осиёда мезолит даври нисбий тарзда мил. авв. 12—7 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу даврга келиб музлик шимолга силжиб, иқлим барқарорлашадн. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ўзгаради. Бу даврнинг катта ютуқларидан бири — камон ва ўқнинг кашф этилишидир. Шунингдек бу даврда ибтидоий санъат пайдо бўлди. Марказий Осиёдан мезолит даврига оид кўплаб ёдгорликлар топилган. Шулардан бири Ўзбекистоннинг жанубидаги (Бойсун) Мачой ғор-маконидир. Мачой маконі кўп қатламли бўлиб қазишмалар натижасида кўплаб тош ва суякдан ясаган қурооллар топилган. Булар орасида тош пичоқлар, аррасимон қурооллар, кескичлар, ушатгич тошлар, найза ва ўқ учлари кабилар бор. Ғордан одам бош суякларн, тишларн топилган. Тадқиқотчилар бу бош суякларн европоид ирқига мансуб кишилар деган хулосага келдилар. Одам суякларидан ташқари бўри, тулки, барс, мўйнали сувсар, қуён, жайра, олмахой каби ҳайвонларнинг ҳам суякларн топилган. Олимлар фикрича ғордан 20 хилдан ортиқ ҳайвон суякларн топилган бўлиб, уларнинг аксарияти майда, синдирилган, оловда куйдирилган. Демак, мачойликлар оловдан кенг фойдаланганлар, ҳайвон гўштларини оловда пишириб еганлар.

Фарғона водийсидан мезолит даврига оид Обишир ғор-макони топилган. Ғор-маконнинг маданий қатламларидан майда тош қурооллар, бигизлар, қирғичлар, пичоқ қадамаларн топилган. Ёввойи ҳайвонларнинг майдаланган ва синдирилган суякларн ҳам топилган. Топилмалар орасида балиқ тутишда ишлатиладиган қадоқ тошлар ҳам бор. Топилган ашёларга асосланиб обиширликлар балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланган дейишимиз мумкин.

Кейинги 30 йил ичида Марказий Фарғонадан Шўркўл, Аччиқкўл, Янгиқадам, Бекобод, Замбар, Тойпоқкўл каби 80 га яқин мезолит даври ёдгорликларн топилган. Уларнинг кўпчилиги кўл ёқаларидан топилган бўлиб афтидан бу жойлар мезолит даври кишиларининг яшашлари учун кўпгина қулайликларига эга бўлган.

Бу ерлардан топилган кўп қурол ва тош буюмлар ўзининг нисбий нозиклиги, ихчамлиги билан палеолит даври қуролларидан ажралиб туради. Марказий Фарғона мезолит даври ёдгорликлари очиқ ҳолдаги жой маконлари бўлиб уларда маданий қатламлар йўқ.

Мил. авв. XI—VII минг йилликларда Каспий бўйларидан Помир тоғларигача, Қўхитонг ва Копеттоғдан Марказий Қозоғистонгача бўлган кенг майдонда мезолит даври қабилалари яшаганлар. Бу жойларнинг географик шароити хилма-хил бўлиб, тоғли ўлкаларда яшаган қабилалар ва уруғлар ўзига хос маданият (Вахш) яратиб, улар асосан овчилик, термачилик билан шуғулланганлар. Улар хўжалигида хонаки ҳайвонларнинг ҳам излари кўринади.

Дашт ва текисликларда, денгиз, кўл ва дарё соҳилларида яшовчи мезолит қабилалари эса асосан овчилик, балиқчилик ва термачилик билан шуғулланганлар. Мезолит даври ўзидан олдинги ўтган қадимги тош асрига нисбатан қуролларнинг ривожланиши ва одамлар тафаккурининг ўсиши жиҳатидан ҳам жиддий натижаларга эришган. Бу ҳол ибтидоий жамоа тузумининг кейинги ривожига шарт-шароит вужудга келтирган.

Неолит узоқ давом этган тош асрининг сўнгги ва якунловчи босқичидир. Неолит тушунчасини фанга археолог Леббок олиб кирган.

Неолит даврида иқлим ҳозиргига анча яқин бўлиб, ўша давр кишилари ер юзи бўйлаб анча кенг тарқала бошланганлар. Турли табиий шароитдан қелиб чиқиб неолит даври одамлари турли маданият яратганлар.

Географик муҳит ва шарт-шароитнинг турли-туманлиги, неолит даври қабилаларида меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, турар жойлар ва хўжаликларнинг турлича бўлишига олиб келди. Бу шунда кўринадикки, Марказий Осиёнинг жанубидаги неолит даври қабилалари хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик шакллари ривожлантириб юборганлар. Шимолдаги ўлкалар эса табиий шароитнинг ноқулайлиги туфайли узоқ вақт ривожланишдан орқада қолиб кетган.

Неолит даври қабилалари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, кўл бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда балиқчилик ва овчилик ёки деҳқончилик ва чорвачилик, айни вақтда қисман ҳунармандчилик билан шуғулланганлар.

Неолит даври одамлари қаерда ва қандай шароитда яшамасинлар, уларнинг меҳнат қуроллари мезолит давридагига нисбатан такомиллаша борган.

Неолит даврига келиб, мезолитнинг сўнгги босқичида кашф этилган тош болталар анча кенг тарқалган. Парракчалар, найза ва камон ўқларининг учлари, पि-чоклар, тешгичлар, пармалар, қирғичлар, ёрма тошлар, ўроқ ранда ва бошқа қуроллар такомиллашган.

Неолит даври кишиларининг энг катта ютуқларидан яна бири кулолчилик бўлиб, улар лойдан ҳар хил идишлар ясашни ва уларни оловда пиширишни ўрганиб олдиларки, бу ўша давр учун ниҳоятда катта кашфиёт эди. Шунингдек неолит даврида тўқимачилик ва дастлабки сувда сузиш — қайиқсозлик ҳам пайдо бўлди.

Марказий Осиёнинг жанубий ерларида, хусусан, Копетдоғ этакларида суғорма деҳқончилик ва илк чорвачилик қарор топиб, даштларда, катта-кичик дарё ва кўлларнинг соҳилида овчилик ва балиқчилик ривож топа бошлайди. Яъни ўзига хос маданият пайдо бўлади. Марказий Осиёнинг баланд тоғли ва тоғ олди туманларида эса ўзига хос бошқача маданият ривожланади.

Марказий Осиёда яшаган неолит даври қабилалари хўжалик шаклларига кўра Жойтун, Қалтаминор ва Ҳисор маданиятларига бўлинадики, улар санасининг юқори чегараси мил. авв. VI минг йиллик, қуйи чегараси эса IV—III минг йилликларни ўз ичига олади.

Жойтун маданияти: Жанубий Туркменистонда, Ашхобод шаҳридан 25 км. шимолдаги Жойтун манзилгоҳидан топилган бўлиб, бу маданият қолдиқлари фақат Туркменистон эмас, балки бутун Марказий Осиёда машҳурдир. Копетдоғ билан Қорақум оралиғидаги ялангликлардан Жойтундан ташқари Болён, Найзатёпа, Қадимтепа каби қатор неолит даври манзилгоҳлари Жойтун маданияти номи билан аталади. Жойтун қишлоғи бир неча уйдан ташкил топган бўлиб, уйларнинг майдони 25—30 кв. м. ни ташкил этади. Уй деворлари сомон аралаштирилган пахсадан қурилган. Уйлар тўғри тўртбурчак бўлиб, бир хоналик ва ҳар бир хонада алоҳида ўчоқ излари топилган. Уйлар ёнида омборхона, сарой ва хўжалик учун ўралар ҳам бор. Олимлар орасида Жойтун қишлоғида 30 га яқин уй бўлиб, унда 150—180 киши яшаган деган фикрлар бор. Ҳар бир уйда 5—6 кишилик оила яшаб, она уруғи ҳукмрон бўлган.

Уйлардан аёлларнинг лой ва тошдан ясалган ҳайкалчалари, шунингдек ҳар хил тақинчоқ ва безаклар топилган. Жойтун харобаларидан буғдой, арпа излари, ёрма тош, тош болталар, парракчалар, қурол сифатида ишлатиладиган ўткир учли тошчалар, тешгич парчалар, қирғичлар, камон ўқларининг учлари — пойконлар топилган.

Жойтундаги уйлардан лойдан ишланиб пиширилган, одамлар ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари кўплаб топилган. Маконда сопол идишларнинг парчалари ҳам бўлиб, улар Марказий Осиёдаги дастлабки сопол намуналаридир. Жойтунликлар милоддан аввалги VI—V минг йилликларда яшаб асосан деҳқончилик, чорвачилик, қисман эса овчилик билан шуғулланганлар. Уларда она уруғи ҳукм суриб, хўжаликда аёлларнинг мавқеи баланд бўлган. Жойтун яна шуниси билан машҳурки, бу ерда Марказий Осиёдаги илк деҳқончилик маданияти ривожланди.

Неолит даври ўзига хос маданиятларидан яна бири Қалтаминор маданиятидир. Қалтаминорга оид маконлар дастлаб Амударё этаклари ва Хоразм ҳудудидан топилган. Булар орасида Хоразмдаги Ёнбошқалъа макони диққатга сазовор. Бу ерни қазिश вақтида чайла шаклидаги макон очилган. Бу макон ёғоч устун, синчлар билан кўтарилган. Устига кўндаланг ёғочлар ташланиб, усти қамиш билан беркитилган. Чайла ўртасидан катта марказий ўчоқ қолдиғи, атрофида майда ўчоқ қолдиқлари очилган. Макондан найза пойконлар, камон ўқларининг учлари ва бошқа тош қуроллар топилган. Маконнинг қатламларидан балиқ, ёввойи чўчқа, қирғовул суяклари ва жийда данаклари ҳам топилган. Ёнбошқалъа топилмалари орасида сопол идиш парчалари ҳам бўлиб, тадқиқотчилар фикрича бу сополлар мил. авв. V—IV минг йилликларга оиддир.

Қалтаминор маданиятига оид ёдгорликлар, Зарафшон этакларидаги Дарвозақир маконидан ҳам топиб ўрганилган. Бу ердан топилган сопол идиш намуналари Ёнбошқалъа сополларига жуда ўхшашдир. Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидаги Дарвозақир, Катта ва Кичик Тузкон, Қоронғишўр, Пойкент маконларидан топилган тош қуроллар ва сопол буюмлар ҳамда бошқа ашёларни чуқур ўрганиш, Яқин Шарқ, Қозоғистон, Урал ва бошқа жойлардан топилган неолит даври ашёлари билан қиёслаш натижасида тадқиқотчилар

юқорида эслатилган маконлар Қалтаминор маданиятига мансуб бўлиб мил. авв. IV—III минг йилликларга оид деган хулосага келдилар. Бу маконларда яшаган неолит даври одамлари термачилик, жайрон, ёввойи от, ёввойи чўчқа, буғу ва бошқа ҳайвонлар, балиқ овлаб кун кечиршган.

Кейинги 25—30 йил ичида Марказий Осиёнинг неолит даври Ҳисор маданиятига оид ёдгорликларини ўрганишда катта ютуқларга эришилиб шарқий туманларда асосан Ҳисор — Помир тоғларидан топилган, неолит даври маконлари Ҳисор маданияти номи билан аталади. Бу маданият тоғ маданияти бўлиб Тожикистоннинг ғарбидан, Ҳисор-Боботоғ оралиғидан топиб текширилган. Ҳисор маданиятига мансуб ёдгорликлар 200 дан зиёд бўлиб, уларнинг энг машҳурлари Тутқовул, Сойсайёд, Қуйи Булён ва бошқалардир. Сўнгги вақтда Тожикистоннинг Вахш, Қофирниҳон дарёлари, Кўлоб шаҳри атрофидан топилган неолит даври ёдгорликлари ҳам Ҳисор маданиятига мансуб бўлиб, милоддан аввалги V—III минг йилликларга бориб тақалади.

Ҳисорликлар сопол идишлар ясаб, асосан чорвачилик, овчилик, қисман термачилик билан шуғулланганлар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ҳисор маданиятига оид ёдгорликлар қолдирган неолит даври қабилалари мезолит маданиятининг бевосита авлодларидир.

Шундай қилиб, неолит энг узоқ давом этган тош асрининг энг сўнгги ва якунловчи босқичи ҳисобланади. Ибтидоий жамоа тузумининг дастлабки даврида қўлга киритилган барча ютуқлар неолит даврига келиб якунланади. Неолит даври одамлари ўзларининг тинимсиз меҳнати, кузатувчанлик қобилияти, ибтидоий билимларини сафарбар қилиб, хўжаликнинг илғор, унумдор шаклини деҳқончилик ва чорвачиликни кашф этдилар. Археолог олимлар бу жараёни «неолит инқилоби» деб баҳолайдилар.

Неолит даврида қадимги аجدодларимиз лойдан идишлар ясаб, уларни оловда пиширишни ўргандилар, ип йигириш ва тўқимачиликка асос соладилар. Одамлар ёғоч ва қамишдан қайиқ ясаб, сувда сузишни ҳам ўргандилар. Хилма-хил буюмлар ясайдиган бўлдилар. Шу тариқа дастлабки ҳунармандчиликка асос солдилар. Марказий Осиёда неолит даврига келиб, кулолчиликнинг пайдо бўлиши, сопол идишлар тайёрланиши озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса гўштни сувда қайнатиб

пишириш ва ҳар хил масалиқлар солинган қуюқ ва суюқ овқатлар тайёрлаш имконини берди.

Ибтидоий санъатнинг янги асосда ривожланган босқичи ҳам неолит даврига тўғри келади. Қалтаминор, Ҳисор, айниқса Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг намуналари топилган. Утмиш тарихимизнинг хилма-хил ёдгорликлари орасида Марказий Осиёнинг тоғлик туманларида кенг тарқалган қоятош расмлари ишланиш усулига кўра 2 хил. Бир хиллари бўёқ (оҳра) билан, иккинчи хиллари эса —уриб-ўйиб ишқалаш, чизиш усули билан ишланган расмлар (петроглифлар) кенг тарқалгандир.

Республикамиздаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўкса-рой, Такатош, Тераклисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёддир. Мазкур жойлардаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллари-нинг расмларини кузатиш мумкин. Улар ибтидоий буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайрон кабилардир. Аммо расмлар орасида ўқ-ёй, узун қилич, ханжар, дубулға, қопқон каби нарсалар тасвирлари ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Ўзбекистондаги қоятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жиҳатидан хилма-хилдир. Унда одамлар, ов, йиртқич ҳайвонлар тўқнашуви манзаралари тасвирланган.

Республикамиздаги энг қадимги расмлар Зараутсойда (Сурхондарё) бўлиб, бу расмлар мезолит-неолит, яъни мил. ав. VIII—IV минг йилликка оиддир. Қоятош расмлари орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуроолларини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек қоятош расмлар қадимги авлодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

1-§. МЕТАЛДАН ФОЙДАЛАНИШГА УТИЛИШИ ВА БРОНЗА ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ

Энеолит даври. Металдан фойдаланишга ўтилиши

Энеолит кўп мамлакатларда, жумладан Марказий Осиёда ҳам неолитдан фарқ қилади. Энеолит — лотинча «энеос»—«мис», юнонча «литос»—«тош» сўзларидан таркиб топган. Тош ва бронза даврлари ўртасида мис

даври бўлганлиги металдан ясалган энг қадимги меҳнат қуроли ва яроқларини кимёвий таҳлил қилиш йўли билан исбот этилган. Тадқиқотлар натижасида бу қуролининг барчаси бронзадан қилинмай, соф мисдан ясалганлиги маълум бўлди.

Мис қуролилар дастлаб ердан соф ҳолда топилган мисдан ясалган. Бу қуролилардан энг қадимгилари металл эритилмасдан, совуқ ҳолда уриб ясалган. Уша даврда одамлар мисни тошни бир хили деб билганлар. Мил. ав. IV минг йилликка келиб металлнинг ғоят қimmatли хусусиятларини — кучли оловда суюқликка айланишини ва ҳар хил шаклга кириб, совугандан кейин шу шаклни — сақлаб қолишини билиб олганлар.

Энеолит-мис-тош даврида ибтидоий одамлар металл билан танишадилар. Унгача ибтидоий одамлар 2,5—3 мил. йиллар давомида (палеолит, мезолит, неолит давларида) фақат тошдан, ёғочдан ва суякдан ясалган қуролилардан кенг фойдаланганлар.

Мис даврига ўтилиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада юксалганини кўрсатади. Мисдан ишланган қуролилар тош қуролиларга нисбатан анча такомиллашган бўлса-да, лекин мис чидамли ва оғир қуролилар (айниқса меҳнат қуролилари) яшаш учун яроқсиз бўлган. Мисдан асосан та қинчоқлар, ҳарбий қуролилар ва уй-рўзгор буюмлари ясалган. Бундай мис қуролилар тошдан ясалган меҳнат қуролиларини ибтидоий ҳаётдан бутунлай сиқиб чиқара олмаган. Шу сабабли энеолит даври қабилалари, тош қуролиларнинг хўжаликда биргаликда ишлатилиши, қадимги хўжалик тармоқларининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Мезолит охирида ва неолит даврида териб-термачлаб овқат топишдан ёввойи ўсимликларни экиш ва ўтказиш йўли билан маданийлаштириш орқали вужудга келган деҳқончилик энеолит замонида юқори хўжалик турига айланиб борди. Деҳқончилик билан уй чорвачилиги ортиқча маҳсулот етиштиришга ва мол айирбошлашни тартибга солишга асос бўлган.

Энеолит даври маконлари Хитойдан Дунайгача бўлган катта ҳудудда тарқалган бўлиб, ҳамма жойда ижтимоий тараққиётнинг бир хил босқичи кузатилади. Марказий Осиёда қуйидаги янги маданий-тарихий жараёнлар энеолит даври билан боғлиқ:

1. Хўжаликнинг бошқа ҳамма турларига қараганда ҳайдама деҳқончиликнинг устунлик қилиши;

2. Тошдан ишланган қуроллар кўп бўлган ҳолда мис қуролларининг пайдо бўлиши;
3. Катта-катта ибтидий жамоаларнинг пахсадан ва хом ғиштдан тикланган катта-катта уйлари;
4. Кулолчиликда муҳим техника ютуғи-хумдонларнинг ишлатилиши;
5. Утроқлик хўжалигининг ривожланиши, ибтидий жамоа бирлашмаларининг уйлари ва қурилишида хом ғиштининг пайдо бўлиши;
6. Турли ҳайвонларнинг лойдан ясалган ва она уруғи тузуми (матриархат)га хос ҳайкалчалар;
7. Рангдор сопол буюмлар, яъни турли тасвирлар ишланган сопол буюмларнинг мавжудлиги.

Икки дарё оралиғида (Месопотамия) ва Олд Осиёда энеолит даврининг бошланиши илк бор шаҳар-давлатларнинг вужудга келиши билан изоҳланади. Миллоддан аввалги IV минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб, Қадимги Шарқнинг маданияти юқори даражада ривожланган ўчоқларида ва илк қулдорлик давлатларида мисдан ишланган меҳнат қуроллари ва зеб-зийнатлар кенг тарқалди.

Ибтидий қабилаларнинг ижтимоий ва маданий тараққиёти бир хил даражада бўлмаган. Неолит даври қабилалари орасида вужудга келган маданий нотекислик мис-тош даврида анча кучайди. Мазкур даврда Европа ва Осиё аҳолиси хилма-хил хўжалик турларига бўлинади. Хўжалик турлари асосида эса ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланади.

Маданий жиҳатдан орқада қолган жамиятлар овчилик ва балиқчилик асосида ривожланади. Улардаги ижтимоий муносабатларда тош даври тузумига хос хусусиятлар сақланиб қолган. Қадимги Шарқ юқори маданият ўчоқлари чегараларида яшовчи қабилалар синфий жараёнлардан анча узоқлашган ва улар ибтидий уруғчилик тузумининг кўпгина хусусиятларини сақлаб қолганлар. Бу худудларда деҳқончиликда ортиқча маҳсулот яратилиши ва мулкый тенгсизликни тартибга солиниши учун кенг миқёсда асос бўлмаган эди. Уруғчилик қабилавий тузум хусусиятлари сақланиб қолган ҳолда, одамлар маҳсулотни умумий мулкка айлантирар ва маҳсулотлар баравар тақсимланар эди. Тузумнинг мустаҳкам бўлганлиги, истеъмол воситалари бараварлиги,

меҳнат унумдорлиги пастлиги ва хўжаликни бутун уруғ аъзолари биргаликда бошқарганлиги ибтидоий тузумнинг асосий белгиларидир.

Энеолит даврида Марказий Осиё аҳолисининг маданияти бир босқич юқорига кўтарилади. Лекин, бу ердаги қабилаларнинг маданий ва ижтимоий тараққиёти бир хил даражада эмас эди. Археологик тадқиқотлар натижалари Марказий Осиё аҳолиси орасида нотекис ривожланиш бўлганлигини кўрсатади. Унумдор хўжаликларга асосланган қабилалар тезроқ ривожланган, қўшимча хўжаликлар билан машғул бўлганлари эса маданий жиҳатдан бир неча юз йилликлар орқада қолган.

Маданий нотекислик жараёни билан боғлиқ равишда Марказий Осиёнинг турли вилоятларида неолит билан энеолит бир вақтда бўлган. Туркменистоннинг жанубида мис-тош даврининг бошланиши мил. авв. IV минг йилликка оид бўлса, ўша даврда Марказий Осиёнинг шимолий дашт ва шарқий тоғли ҳудудларидаги қабилалар асосан овчилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шуғулланганлар. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу икки давр хронологик жиҳатдан эмас, маданий хўжалик ривожланиш даражалари жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади.

Металчиликнинг кашф этилиши ва хўжаликда мис қуроллариининг жорий қилиниши бир неча аср давомида содир бўлган. Одамлар ўз меҳнат қуроллариини ясаш учун ҳар хил мустаҳкам тошлар қидириш жараёнида табиий мисга дуч келдилар. Дастлабки металл қуроллари ердан соф ҳолда топилган мисдан ясалган. Кейинчалик мис эритилиб турли шакллар берилган. Марказий Осиё ва Марказий Қозоғистонда очиқ руда конлари ва улар атрофидаги металл эритиш устахоналари топилган.

Маълумки, Марказий Осиёнинг жанубий қисмида (Туркменистонда) мил. авв. VI минг йилликда деҳқончилик хўжалиги пайдо бўлади. Жойтун қабилалари ҳаётида неолит даврининг ундан олдинги даврларга нисбатан янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни кузатиш мумкин. Бу илғор тарихий омиллар мис-тош даврида сақланади ва анча юксак даражада ривожланади.

Қадимги қабилалар мис-тош даврига ўтгач, маданий хўжалик ва ишлаб чиқариш тараққиётининг янги босқичи бошланади. Янги хўжалик турлари деҳқончи-

лик ва уй чорвачилиги аввалгидек Туркменистоннинг жануби-ғарбида қулай географик шаронда ривожланади. Бу пайтда Қуйи Зарафшон ва Амударё ҳавзаларида яшовчи қабилалар ҳали маданий ўсимликлар ўстиришга ўтмаган эдилар. Марказий Осиёнинг шарқий қисмидаги тоғли ҳудудлар аҳолиси ибтидоий хўжалигида эса овчилик устунлик қилар эди. Демак, илк ва ривожланган мис-тош даврида Марказий Осиё қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида катта фарқлар ва нотекислик сақланади.

Дашт ва тоғ конларидан топилган хилма-хил моддий манбаларни ўрганиш натижалари (сопол идишлар, тош қурооллар, ҳайвонлар ва қушлар суяклари) қабилаларнинг иқтисодий ҳаётида қўшимча хўжаликлар овчилик ва балиқчилик асосий манбаа бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга дашт одамлари тарихида чорвачиликнинг илк босқичи бошланади, дейиш мумкин; лекин неолит замони анъаналари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аҳолининг асосий қисми дарёларнинг irmoқлари соҳилида ва кўллар атрофида яшаган. Табиий бойликлар энеолит даври одамлари учун ҳаёт манбаи эди.

Мис-тош даври маданиятини ўрганишда археологик ёдгорликлардан топилган хилма-хил моддий манбалар катта имконият яратади. Кўпгина турар-жой қолдиқлари, меҳнат қурооллари, сопол идишлар, зеб-зийнат ва бошқа ашёвий буюмлар узоқ ўтмиш тарихий жараёнлардан далолат беради.

Мис-тош даврига оид муҳим археологик ёдгорликлар Жанубий Туркменистонда топиб текширилган. Шимол томонида Қорақум чўли, жануби-ғарбда Копетдоғ билан чегараланган Туркменистон ерлари қуруқ ва иссиқ иқлимли ўлкадир. Неолит даврида вужудга келган Жойтун маданияти асосида Анов I—II ва Намозгоҳ I—III энеолит маданияти кенг ҳудудга ёйилди.

XIX асрнинг охирида олд Каспий вилоятининг ўша пайтдаги бошлиғи генерал Комаров Анов тепаликлари билан қизиқиб биттасида қазиш ишлари олиб борди. Лекин ўша пайтда қазиш услубининг ўта пастлиги туфайли бу тепаликнинг ва ундан чиққан ашёларнинг аҳамиятига генерал тушуниб етмади ва улар ҳақида тўғри хулоса чиқара олмади. 1903 йилда Ановга америкалик археолог Р. Пампелли ва немис археологи Г. Шмидтлар келади. Улар бу ерда қазиш ишлари

олиб бориб, бир-биридан кескин фарқ қиладиган тўрта та маданий қатлам борлигини аниқладилар. Топилмалар орасида сопол буюмлар анчагина бўлиб, сопол парчаларининг юзасига солинган нақшлар қадимги деҳқончилик ўчоқлари — Яқин ва Урта Шарқ, Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида тарқалган маданиятни (шунингдек, Украина ва Молдавиядаги Триполье маданияти) эслатар эди.

Жанубий Туркменистонда кенг кўламдаги қазишма ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида турар жойлар, қадимги суғориш тармоқлари ва суғориладиган ерларнинг чегаралари аниқланди, мис-тош даври маданияти ва тарихи ҳар томонлама ўрганилди. Копетдоғ атрофидаги ерлар ўзининг табиати ва иқлими жиҳатидан деҳқончилик учун жуда қулайдир. Энг қадимги суғориш тармоқлари шундай шароитга эга бўлган сойлар этакларида вужудга келган. Тоғ дарёлари бўйларида яшовчи қабилалар қадимдан суғорма деҳқончиликда арпа, буғдой, беда, полиз ва бошқа экинлар экиб асосан сойлар сувларидан фойдаланганлар.

Анов ва Номозгоҳтепа уй-жойлари хом ғиштдан қурилган. Моддий топилмалар орасида мис қурооллар кам учрайди. Бу маконларда тошдан ясалган жуда кўп қурооллар — ўроқ ва пичоқ қадамалари, қирғичлар, тешгичлар, найза ва ўқ пойконлари, ёрғучоқлар ва бошқа қурооллар топилган. Аввалгидек, мис-тош даврида ҳали тошдан ишланган қурооллар хўжалик ҳаётида катта аҳамиятга эга эди. Шунингдек, бу маконлардан топилган гулдор сопол буюмлар кулолчиликнинг ҳам анча ривожланганлигидан далолат беради. Сопол идишлар асосан коса, тувак ва бошқалардан иборат. Уларнинг сирти қора бўёқда геометрик чизиқлар ва ҳайвон ёки қуш расмлари билан безатилган. Бу топилмалар милoddан аввалги IV минг йилликка оиддир.

Жанубий Туркменистон ҳудудида ҳозирги кунга қадар 30 дан зиёд энеолит даври ёдгорликлари маълум. Уларнинг асосий қисми Ашхободга яқин жойда ва Геоксюр воҳасидан (Қуйи Мурғоб ва Тажан дарёлари оралиғи) топиб ўрганилган. Бу ёдгорликлардан топилган ўтроқлик маконлари, қадимги суғориш иншоотларининг излари, меҳнат қурооллари, тошдан ишланган ёрғучоқлар ва ўроқлар, дон қолдиқлари бу ҳудудда энеолит даврида деҳқончилик анча ривожланганлигидан далолат беради. Деҳқончиликда арпа ва буғдой экиш кенг

расм бўлган. Арпа ва буғдой катта-катта хум идишларда сақланган.

Жанубий Туркменистон энеолит даврида қурилиш техникаси ҳам анча ривожланган. Уй-жойлар асосан хом ғиштдан қад кўтарган бўлиб поллари ва деворлари сомонли аралашма билан сувалган. Эшиклар учун ёғоч ишлатилмай, улар ҳайвон терилари билан тўсилган. Сўнгги энеолитга келиб ёғоч эшиклар пайдо бўлган. Уйлар ичида тўртбурчак ёки халқа шаклида ўчоқлар ўрнатилган. Уй-жойлар ёнида махсус хўжалик хоналари қурилган. Бинолар асосан тўртбурчак ва думалоқ шаклда бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида энеолит даврида ёдгорликлари яхши ўрганилмаган. Археолог С. П. Толстов Қуйи Амударё этақларида неолитдан металл даврига ўтиш босқичи даврини аниқлашга эришди. Шунингдек, Зарафшон воҳаси энеолит ёдгорликларини ўрганишда ҳам талай ишлар амалга оширилди.

Милоддан аввалги IV—III минг йиллик бошларида Амударё ва Зарафшон қуйи оқимларида Қалтаминор маданияти тош қуроллари, сопол идишлари ва уй-жойлари кенг тарқалади. Марказий Осиёнинг шимоли-шарқ даштларида ва Орол денгизи соҳилларида ибтидоий овчилик, балиқчилик ва илк чорвачилик хўжаликларига асосланган қабилалар яшаган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича Бухоро вилоятининг Лавлакон, Бешбулоқ мавзеларида ва Замонбобо қабристонининг энг пастки қатламлари энеолит даврига оиддир. Бу ёдгорликлардан сўнгги Қалтаминор маданияти топилмаларига ўхшаш сопол идишлар бўлаклари ва чақмоқтош билан бирга мисдан ясалган игналар ва мунчоқлар топилди.

Қуйи Зарафшоннинг Каптарқуми ва Каттатузкон мавзелари атрофида тўрт жойдан энеолит даврига оид ёдгорликлар текширилди. Тақир ва қум устида сочилиб ётган тош ёрғучоқлар, ўроқ ва пичоқ қадамалари билан бирга мисдан ишланган қурол синиқлари топилди.

Юқори Зарафшоннинг Панжикент шаҳридан 15 км ғарбда топилган Саразм қишлоғи харобаси муҳим археологик ёдгорликдир. У деҳқончилик қабилаларининг Марказий Осиё шимоли-шарқига ёйилганлигидан далолат бериб, қадимги деҳқончилик аҳолисининг географик чегараларини ҳам кўрсатади.

Саразм қишлоғи харобалари 10 та тепаликда жойлашган бўлиб, умумий майдони 90 га. Саразм ёдгорлиги тарихи тўрт даврга бўлиниб, улар муҳим топилмаларга қараб бир-бирдан фарқ қилади. Дастлабки икки давр энеолит, кейинги икки давр эса бронза даврига оиддир.

Саразм I даври сопол идишлари рангли нақшлар билан безатилган бўлиб, Туркменистоннинг Анов II, Геоксюр типидagi моддий буюмларига анча ўхшайди. Идишлар сиртида қора ва қизил буёқлар билан ишланган турли геометрик нақшлар бор. Шунингдек, топилмалар орасида мисдан ясалган қурооллар ҳам учрайди. Бу топилмалар милоддан аввалги IV минг йилликнинг охири — III минг йилликнинг бошларига оиддир.

Саразм I даври қурилишлари кўп хонали уй массивларидан иборатдир. Улар катта жамоа уйлари ҳамдир. Ҳозирги вақтгача бу ердан 48 та пахсадан қад кўтарган хоналар топиб текширилди. Умумий турар жойлар якка кичик оилаларга мўлжалланган бўлиб, 2—3 хонали қилиб қурилган. Улар уй-жой ва рўзғор-хўжалик иншоотлари вазифасини бажарган. Турар жойларга мослашган хоналарда думалоқ шаклда ишланган ўчоқлар ҳам топилган.

Маълумки, онла жамоаси жамиятнинг иқтисодий асоси бўлган, у уруғ ерида хўжаликни биргаликда олиб борган. Уй жамоаси аъзолари умумий турар-жойда яшаганлар ва мол-мулкка биргаликда эгалик қилганлар. Археологик топилмаларга қараганда (қурилишлар, сопол идишлар, металдан ва тошдан ишланган қурооллар, зеб-зийнат буюмлари ва б) Зарафшон воҳасининг юқори қисмида деҳқончилик маданиятининг ёйилишига Жанубий Туркменистоннинг Геоксюр туридати аҳолиси сабаб бўлганлигидан далолат беради, дейиш мумкин. Лекин Саразм моддий топилмаларида Жанубий Афғонистон, Эрон ва Қалтаминор маданиятларига мансуб буюмлар ҳам бор. Улар энеолит даври қабилалари ўртасидаги кенг маданий ва иқтисодий алоқалардан далолат беради.

Юқори Зарафшон воҳасининг табиий шароити дастлабки деҳқончилик ривожланиши учун унча қулай эмас эди. Шунинг учун тоғларга яқин жойлашган Саразм аҳолиси ҳаётида металл ишлатиш муҳим аҳамият касб этган бўлиши мумкин. Дастлабки металл даврида мис

жуда қимматли хом ашё бўлган ва соф мис (руда) фақат айрим жойларда учраган. Деҳқончилик қабилаларнинг узоқ ҳудудларга тарқалиши янги ерларни ўзлаштиришдан ташқари қазилма бойликлар, металл рудаси конларини қидириш билан боғлиқ бўлган.

Бронза даври ёдгорликлари

Маълумки, ибтидоий одамлар миснинг жуда яхши хусусияти — чўзилувчанлигини кашф қилган бўлсаларда, бу металл қадимги қабилаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига катта ўзгаришлар кирита олмаган. Аммо, бронзанинг кашф этилиши (90 фоиз мис ва 10 фоиз қалай) ибтидоий ҳаётда олға қараб ташланган қадам бўлди. Чунки бронза ўз хусусиятлари жихатдан мисдан анча устун туради. У мисга қараганда тез эрийди, унчалик мўрт ҳам эмас, мисдан кўра анча қаттиқ ҳам. Шунинг учун ҳам бронзадан ясалган қуроллар мис қуролларга қараганда пишиқ ва чидамли бўлган.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда бронзанинг ватани Кичик Осиё ва Мессопотамия бўлган. Қадимги Миср, Мессопотамия, Кичик Осиё ва Эроннинг жануби-ғарбида милоддан аввалги III—II минг йилликнинг бошларида қулдорлик жамияти кенг раванқ топади. Бу даврда Марказий Осиё ҳудудида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар анча ривожланган ва жанубий ҳудудларда Қадимги Шарқ маданиятларига мансуб маданий хўжалик турлари тарқалган. Марказий Осиёда бронза даври милоддан аввалги III минг йилликдан I минг йилликнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта ютуқларидан бири қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ва милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишидир. Мазкур даврда ишлаб чиқариш муносабатлари тез ривожланиб, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга катта таъсир қилади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида моддий маданият ҳам янги асосда тараққий этади.

Бронза даврига мансуб маданият излари Ўзбекистонда дастлаб Хоразм, кейинчалик эса Зарафшон ва Қашқадарё ҳамда Фарғона водийларидан топилган. Бу ҳудудлардаги манзилгоҳларни ўрганиб шундай хулоса

чиқариш мумкинки, бу даврда икки хил маданият хукм сурган. Биринчиси, деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилалар маданияти. Қадимги қабилалар деҳқончилик қилиш учун қўлай ерларга жойлашиб олиб юксак деҳқончилик маданияти яратганлар. Иккинчиси, худди биринчи маданият соҳиблари даражасида ишлаб чиқарувчи кучларга эга бўлган ҳолда қурғоқчилик ерларда, тоғ олди яйловларда чорвачилик билан шуғулланганлар.

Металлдан ишланган қуроллар қадимги ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни тезлаштиргани туфайли Марказий Осиё дашт ва тоғ олди ҳудудларида яшаган аҳоли бошқа аҳолидан (деҳқонлардан) ажралиб чиқади ва асосан чорвачилик билан машғул бўлади. Бу тарихий жараён — кишилик жамияти тараққиётидаги дастлабки йирик меҳнат тақсимоти эди.

Бронза даври билан шуғулланган тадқиқотчилар бу даврни учта катта йилнома даврга: илк, ривожланган ва сўнгги бронза даврларига бўладилар. Марказий Осиёнинг шимолий ва шарқий ҳудудларида мавжуд бўлган бронза даври ёдгорликлари маданияти жанубий ҳудудлардаги ўтроқ маданиятдан ажралиб туради.

Ўзбекистон ҳудудида бронза даврида асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларнинг моддий-маданий ёдгорликлари Хоразмда Тозабоғёб маданияти (шу номли канал атрофидан топилган) номи билан машҳур. Бу даврга мансуб сопол буюмлар Қозоғистон ва Сибирь чўл ҳудудларидаги сополларга анча ўхшаб кетади. Лекин, Тозабоғёб маданияти ўзига хос хусусиятлари билан Шарқий Европадаги чорвадорлар яратган Ёғочбанд маданиятидан, Қозоғистон ва Сибирдаги Андроново маданиятидан ҳам фарқ қилади. Бунга асосий сабаб, тозабоғёбликлар орасида деҳқончилик кенг тарқалган.

Тозабоғёб маданиятига мансуб Кўкча макони атрофидан қадимий мозорлар очилган. Қабрлардаги ўликлар букчайтириб, бошлари ғарбга қаратиб қўйилган. Бош томондан идишлар ва бронза зеб-зийнатлар топилган. Умуман олганда, Тозабоғёб маданиятига мансуб ёдгорликлар Хоразмда 50 дан зиёд ўрганилган. Улар ярим ертўлалар уйлардан иборат бўлиб, атрофида каналлар ва қадимги суғориш майдонлари топилган. Ертўлалар тўғри бурнакли ёки думалоқ шаклга яқин қурилган. Уйларнинг марказий қисмларида жойлашган

Ўчоқлар оддий тўртбурчакли чуқурлардан иборат. Ертўлалардан ҳайвон суяклари, сопол идишлар, тошдан ва бронзадан ишланган қурооллар топилган. Тозабөгёб сопол идишлари қўлда ишланган. Улар асосан қозон ва туваксимон идишлардан иборат бўлиб, хилма-хил геометрик чизиқлар билан нақшланган.

Хоразмда текширилган сўнгги бронза даври ёдгорликлари Амиробод маданияти номи билан аталган. Амиробод маданияти милоддан аввалги IX—VIII асрларга оиддир. Бу давр ёдгорликлари Тозабөгёб маданияти хусусиятларини сақлаб, ярим ертўла, турар-жой, суғориш иншоотлари излари ва қўлда ясалган сопол идишлар билан изоҳланади.

Хоразмдаги бронза даври аҳолисининг асосий тирикчилик манбаи деҳқончилик ва чорвачилик бўлган. Табиий шароит канал қазиб, сув чиқаришга имкон берган ҳудудларда суғорма деҳқончиликнинг турли кўринишлари вужудга келган. Чорвачилик ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Илмий адабиётларда қуйи Зарафшон бронза даври ёдгорликлари Замонбобо номи билан аталади. Бу даврга мансуб ёдгорликлар орасида Замонбобо кўлининг шимолий соҳилидан топилган ибтидоий деҳқонлар қабристонини айниқса диққатга сазовордир. Бу қабристон 50-йиллар бошларида Я. Фуломов томонидан очилиб, дастлабки натижалар фанга жорий этилди.

Очилган 46 та қабр қолдиқларидан 8 тасида жуфт, 28 тасида эса якка ҳолда дафн этилган жасад скелетлари қайд этилди. Ҳатто икки қабрда катталар ёнига ёш бола жасади қўйилгани аниқланди. Сақланиб қолган скелетларнинг ҳолатига қараганда жасадларнинг деярли ҳаммаси ўнг ёки чап ёни билан ёнбошлатиб гужанак тарзда дафн этилган.

Қазишмалар жараёнида эркаклар дафн этилган қабрларда асосан ўқ-ёй пойконлари, пичоқлар, пичоқсимон тош қурооллари ва турли шаклдаги сопол идишлар; аёлларга мансуб қабрларда эса сопол идишлар билан бир қаторда бронза кўзгу, упадон, сурмадон каби пардоз буюмлари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан турли шаклда ишланган мунчоқ ва маржонлар қайд этилди.

Замонбоболиклар асосан деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан кун кечириб, чайласимон кулбаларда истиқомат қилганлар. Топилган кўпдан-кўп тош асбоб-

лардан ҳамда сақланиб қолган жайдари арпа ва буғдой каби бошоқли ўсимлик қолдиқларидан шу нарса маълум бўлдики, улар тошқинлардан ҳосил бўлган захерларда деҳқончилик қилиб, ўзлари етиштирган донлик зироатларни қадама тош ўроқларда ўриб, донларини ёрғучоқларда ёрма қилиб, арпа ёки буғдой гўжа, ўмоч, қўғирмоч каби емаклар тайёрлаганлар. Қазошмалардан чиққан уй ҳайвонларининг суякларига қараганда, замонбоболиклар эчки, қўй ва қорамол боқиб, чорвачилик маҳсулотларидан ҳам кенг фойдаланганлар. Топилган айрим урчуқ тошлар ҳамда суякдан ясалган сўзан ва игналарга қараб хулоса чиқарсак, улар қўй ва эчки жунларидан ип йиғириб, кийим-кечаклар учун мато тўқиганлар.

Замонбоболиклар жамоасида ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари, хусусан, кулолчилик, бронзани эритиб ундан ҳар хил ашёлар яшаш, айниқса тошни ишлаш техникаси анча ривожланган.

Сопол идишлар асосан қўлда ясалган нақшсиз, тухумсимон ва ясси тубли бўлиб, улар орасида қисман чархда ишланганлари ҳам учрайди. Топилмалар орасида қўшни Бақтрия ёки Марғиёнада ясалган идишлар ёки Бадахшон қимматбаҳо тошларидан ишланган безаклар бўлиб, улар шубҳасиз замонбоболикларнинг ўзларидан жануброқда яшаган ўтроқ деҳқон жамоалари ҳамда шимолроқда истиқомат қилувчи чорвадор аҳоли билан ҳам маҳсулот айирбош қилиб маданий алоқада бўлганидан далолат беради.

Замонбобо маданияти жанубдаги ўтроқ деҳқончилик жамоалари таъсирида шаклланган, у хонаки чорвачилик ва мотиға (кетмонча) деҳқончилиги билан кун кечирган Бухоронинг туб маҳаллий аҳолисига мансубдир. Ҳозирги кунда Замонбобо маданияти даврига бирмунча аниқликлар киритилиб, у милоддан аввалги II минг йилликнинг ярми билан белгиланмоқда. Бу даврда Бухоро воҳасининг дарё адоқларида эндигина ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланувчи илк қишлоқлар пайдо бўлиб, улар ярим ертўла ва чўпқори енгил чайлалардан иборат турар жойлардан ташқил топган. Бу илк қишлоқларда хонаки ҳунармандчиликнинг кулолчилик, мисгарлик, тоштарошлик, тўқимачилик каби турларигина мавжуд бўлса-да, аммо ҳали улар касб-ҳунарнинг ривож топган мустақил соҳаси даражасига етиб бормаган эди.

Ўзбекистон ҳудудида бронза даври қабилалари бир хилда тараққий топмаган. Тараққий топган ҳар қайси ўлканинг маданий ривожланишида ўзига хос хусусиятлари бўлган. Бу маданиятлар деҳқончилик — хонаки чорвачилик ва яйлов чорвачилиги билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Улар бир-бирларидан ажралган ҳолда тараққий қилган эмаслар ва қабилалар ўртасида кенг маданий алоқалар бўлган.

Ўзбекистоннинг жанубидаги Сурхондарё воҳаси ибтидоий аҳолининг ўтроқ маконларидан бири ҳисобланади. Воҳадаги бронза даври ёдгорликлари қадимги суғориш ҳудудлари — Улонбулоқсой, Шеробод, Бандихон ва Миршодида топиб текширилган. Қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган қишлоқларда истиқомат қилганлар. Бу аҳоли асосан сойлар бўйида жойлашиб, суғорма деҳқончиликда уларнинг сувларидан фойдаланганлар.

Сурхондарё иссиқ иқлимли ўлка бўлиб шимол, шимол-ғарб ва шарқда Ҳисор, Қўхитанг, Боботоғ, жанубда Амударё билан чегараланади. Қадимги суғориш ерлари тоғ тизмаларига анча яқин. Бу ҳудудда 1968 йил Термиздан 70 км. шимоли-ғарбдаги Сополлитепа бронза даври манзилгоҳи топиб текширилди.

Тўрт гектар жойдан иборат Сополлитепанинг марказий қисмида тўртбурчакли истеҳком қазиб очилди. Истеҳком ичида турар жойлар, рўзғор ва хўжалик хоналари, ҳунармандчилик устахоналарининг қолдиқлари аниқланди.

Олиб борилган археологик тадқиқотларга қараганда Сополлитепа тарихи 3 та маданий қатлам ва қурилиш даврига бўлинади. Биринчи давр уйларида 30 та кичик оила, иккинчи даврида 61 та оила ва учинчи давр уйларида эса 47 та оила яшаган. Тадқиқотчилар фикрларига қараганда бутун Сополлитепадаги ўтроқ қишлоқлар аҳолиси 155—315 кишидан иборат бўлиши мумкин.

Сополлитепада 8 та қадимги гузар уй-жой қолдиқлари топиб текширилган. Бу ерда қурилиш, ҳунармандчилик ва иқтисодий муносабатлар анча ривож топган. Учоқлар турар жой хоналари ичидаги девор ичига ўрнатилган. Асосий қурилиш хом ашёси пахса ва хом ғиштдир.

Сополлитепадаги уй-жой деворлари тагидан умумий сопи 138 та бўлган бронза даври қабрлари очилган. Бу қабристондаги 125 тасида жасад якка кўмилган, 13 та

қабр жамоа қабри вазифасини бажарган. Мурдалар турли-туман ашёлар — сопол идишлар, қурол-яроғлар ва зеб-зийнат буюмлари билан бирга кўмилган. Аёллар қабрларидан топилган буюмларнинг кўпчилиги тақинчоқлар бўлса, эркаклар қабрларидаги буюмлар асосан металл қуроллардан иборат. Сопол идишлар деярли нақшланмаган бўлиб, кулолчилик чархида тайёрланган.

Сополлитепа топилмалари милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми ва ўрталарига оиддир. Аҳолининг хўжалиги деҳқончилик ва уй чорвачилигига асосланган. Шунингдек, дарё тошларидан ва қумтошдан ишланган ёрғучоқлар ва ҳовончалар ҳам кўплаб учрайди. Бу топилмаларнинг барчаси Сополлитепада деҳқончилик анчагина ривожланганлигидан далолат беради.

Сополлитепа моддий манбалари бу ерда уй ҳунармандчилиги юқори даражада бўлганлигини кўрсатади. Сополлитепаликлар лойдан, суякдан тошдан, ёғочдан ва чармдан хилма-хил буюмлар ясаганлар. Шунингдек улар матолардан кийимлар тикканлар. Тўқимачиликка оид сопол ва тошдан ишланган урчуқлар бунинг далилидир.

Патриархат уруғининг ривожланиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан катта жамоа оилаларининг бойлик орттиришлари учун қулай вазият яратилган дейиш мумкин. Чунки, қабрлардан топилган буюмлар дастлабки мулкӣ тенгсизликдан далолат беради. Баъзи қабрларда қуроллар, идишлар, тақинчоқлар кўп топилган бўлса (бой қабрлар), баъзиларида бундай топилмалар камчиликни ташкил этади (қашшоқ қабрлар).

Умуман олганда Сополлитепадан топилган моддий манбалар илмий адабиётларда «Сополли маданияти» номи билан машҳур бўлиб, Ўзбекистоннинг жанубидан бу маданиятга оид бошқа яна кўплаб бронза даври маконлари аниқланган. Олимларнинг фикрича, Сополлитепа — Ўзбекистоннинг жанубидаги дастлабки деҳқончилик қишлоғидир.

Ўзбекистон ҳудудида чорвадор қабилаларга мансуб бронза даври қабристони Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан топиб ўрганилган. Бу ердаги қабрлардан хилма-хил моддий манбалар — сопол идишлар, бронза кўзгу, мис билагузук ва бошқа буюмлар топил-

ган. Мўминободдаги қабрларнинг тузилиши кўпгина майда шохли ҳайвонлар суяқларининг топилиши бу ерда чорвадор аҳоли яшаганлигини кўрсатади.

Қуйи Қашқадарёда сўнгги бронза даврига мансуб бўлган Гужайли қабристони топиб ўрганилган. Гужайли қабрларидан бронза буюмлар ва нақшли сопол идишлар топилган. Бу топилмаларда Замонбобо маданияти таъсирини кўриш мумкин. Аввалгидек, қуйи Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида чорвачилик ва деҳқончилик жамият тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўзбекистоннинг дашт ҳудудларига чорвадор қабилалар келиб ўрнаша бошлайдилар. Уларнинг маконларидан топилган моддий манбалар Жанубий Сибирь ва Қозоғистоннинг чўлларидаги Андроново маданиятига ўхшаб кетади. Дашт қабилалари тарқалганлигидан айниқса, сопол идишлар, металл буюмлар ва чорвадор қабилаларга мансуб қадимги қабрлар тузилиши далолат беради. Бу ўринда тадқиқотчилар бронза даврида Марказий Осиё ҳудудида маълум даражада этник-маданий жараёнлар бўлиб ўтган деган фикрни илгари сурадилар.

Ўзбекистон ҳудудида сўнгги 10—15 йил ичида олиб борилган археологик тадқиқотлар шундан далолат берадики, бронза даврида кишилик жамияти маданий тараққиётида катта-катта ўзгаришлар содир бўлади. Бу жараёнларда бронзанинг аҳамияти катта бўлди. Аҳоли хўжалик юритишнинг маълум кўринишларига, яъни воҳаларда, кўллар ва сойлар бўйларида деҳқончиликка, дашт ва тоғ олди ҳудудларида чорвачиликка (қисман овчилик) ўтиб олди.

Бронза даврида Марказий Осиёнинг ижтимоий тузумида ҳам ўзгариш жараёнлари бўлиб ўтди. Палеолит замонида вужудга келган уруғчилик тузуми бронза даврида ҳам давом этган. Аммо, бу даврда она уруғи (матриархат)нинг мавқеи йўқолиб борди. Металл эришиш ва хўжаликнинг ривожланиши натижасида жамиятда эркаклар меҳнат ва мавқеи биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин, бронза даври жамият тараққиётида, деҳқончилик чорвачилик, овчилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишида эркаклар етакчилик қилганлар. Хотинлар эркаклар ишлаб чиқарган нарсаларни истеъмол

қилишда иштирок этсалар ҳам, унга эғалик қилишдан маҳрум бўладилар. Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик қилиш шу тариқа эркаклар қўлига ўтади ва она уруғи тузуми ўрнини ота уруғи (патриархат) тузуми эгаллайди.

Ота уруғи тузумининг ривожланиб бориши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши айрим онлаларнинг бойлик орттиришлари учун шарт-шароитлар яратиб борди. Жамоалардаги баъзи шахслар қўлида бойлик (деҳқончилик қуроллари, деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқалар) тўпланиб борган бўлса, баъзи шахслар қасшоқлашиб уларга қарам бўлиб борди. Шундай қилиб, сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб Марказий Осиёда дастлаб мулкӣ табақаланиш, кейин эса ижтимоӣ табақаланиш жараёнлари рӯй бериб, уруғчилик тузуми харобаларида синфий жамият пайдо бўлади.

II МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1-§. ИЛК ДАВЛАТ УЮШМАЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА АҲМОНИЙЛАР ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ

Қадимги аҳоли. Марказий Осие ҳудудида илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши

Милоддан авв. II минг йилликнинг охири—I минг йилликнинг бошлари Марказий Осие ҳудудидаги ҳаёт ҳақида маълум тассавурларга эга бўлишда археологик топилмалар ва уларни ёзма манбалар билан солиштириш катта аҳамиятга эгадир. Бу даврда Марказий Осие ҳудудида мураккаб этник маданий жараёнлар бўлиб ўтди. Марказий Осиенинг жанубий ҳудудларидаги ҳосилдор воҳалар ўтроқ деҳқончилик аҳоли томонидан ўзлаштирила бошланган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқала бошлайди. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ аҳолининг узвий муносабатлари асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар бўлиб ўтди.

Бу даврдаги ривожланиш жараёни биринчи навбатда энг муҳим хом ашё бўлган ва меҳнат қуроллари-нинг такомиллашувида катта аҳамият касб этган темирнинг кенг тарқалиши билан боғлиқ эди. Мил. ав. X—VIII асрларда Марказий Осиенинг жанубида темир буюмлар пайдо бўлган бўлса, VII—VIII асрларга келиб ўлканинг барча ҳудудларида темирдан меҳнат қуроллари ясаш кенг расм бўлади.

Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда Евросиёдан Олтойгача бўлган ҳудудда яшовчи барча кўчманчи қабилалар умумий ном билан скифлар деб аталади. Маҳаллий қабилалар ичида энг йириги ва ёз-

ма манбаларда кўп тилга олинувчилари — массагетлар ва саклар эди.

Аҳмоний миҳхат ёзувларида скифлар таркибига кирувчи учта сак гуруҳи эслатилади:

1. Сака — хаумаварка — тадқиқотчилар бу гуруҳни Геродотнинг «скиф-аморглари», Ктесий Книдскийнинг «шоҳ Омарг скифлари» билан айнан бир деб ҳисоблайдилар.

2. Сака — тиграхауда — тадқиқотчилар бу номни айнан таржимаси «ўткир учли қалпоқ кийувчи саклар» даб атадилар ва у юнон матнларидаги «ортокорбант» ларга тўғри келади.

3. «Сака — тиай-тара-дарайё» — «дарё ортидаги саклар», яқин даврларгача кўпчилик тадқиқотчилар уларни европалик скифлар сафига қўшардилар. Лекин кейинги йилларда, улар Марказий Осиё «дарё орти саклари» деган нуқтаи назар анча кучайди.

Қабилаларни жойлашуви анчагина мунозарали мавзу. Баъзи тадқиқотчилар сака — хаумаваркалар Мурғобда яшаган десалар, баъзи бирлари Помирда ёки қисман Помирда ва Фарғонада яшаган дейдилар. С. П. Толстовнинг фикрича, сака — хаумаваркалар Қорақум, Хоразм воҳаси, Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Хоразм — массагет ҳарбий иттифоқининг асосини ташкил этган. Сака — тиграхаудалар эса улардан шарқда, аниқроғи — Сирдарёнинг ўрта оқими, Тошкент вилояти, жанубий Қозоғистонда жойлашган. Сака — тиай-тара — дарайёлар Марказий Осиёнинг жанубидаги тоғ ва чўл воҳаларида. Амударёнинг ўнг қирғоғида сундийлар билан қўшни бўлиб яшаганлар.

Массагетлар ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Баъзи фикрларга қараганда массагетлар мил. ав. VII—IV асрларда бир неча сак қабилаларини бирлаштириб турган йирик қабилалар иттифоқи эди. Массагет қабилалари дастлаб скифлардан фарқ қилганлар ва тил жиҳатдан Шарқий Европанинг фракокиммерий халқларига яқин бўлганлар деб ҳисоблашга жиддий асослар бор. Баъзи тахминларга қараганда «маза-гета», «улуғ гетлар» («буюк» ёки «катта гетлар») деб таржима қилинади. Бошқа бир тахминларга қараганда «массаката» — «катта сак уюшмаси» деб таржима қилинади. Массагетлар жанговар халқ бўлиб, найза, қалқон, чўқморлар билан қуролланиб юрардилар, жангда мардонавор ўлиш ёки узоқ яшаш массагетлар учун

фахр ҳисобланган. Утроқ аҳоли ўзлари яшайдиган жойларнинг номлари билан ҳам аталган. Масалан: хоразмийлар, суғдийлар, бақтрияликлар, марғиёналиклар ва бошқалар.

Шарқнинг ҳамма жойларидаги каби Марказий Осиёда ҳам иқтисодийнинг асосида сунъий суғориш ётар эди. Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлар табиий шароитга қараб суғоришнинг турли йўллари қўлланилганини кўрсатади. Тоғли ўлкаларда сой суви билан суғориш кенг тарқалган бўлиб, бунда қор ва ёмғир сувларидан ҳосил бўлган сойлардан фойдаланилган. Текисликларда дарё сувлари билан суғориш мавжуд эди, яъни катта дарёлар, уларнинг ирмоқлари ва тармоқларидан фойдаланилган. Тоғ этакларидаги воҳаларда суғориш ишлари «кориз» ёрдамида амалга оширилди, яъни бир-биридан маълум масофада жойлашган, кузатиб туриш қудуқлари билан таъминланган сув тўпловчи ер ости каналлари ёрдамида ер ости сувлари юзага чиқариларди. Полибий берган маълумотларга қараганда, Аҳмонийлар даврида ер ости каналлари (коризлар) хусусий кишилар маблағига қурилди ва бунинг эвазига шу йўл билан суғориладиган ерлар уларга беш авлод давомида фойдаланишга бериларди.

Мил. ав. VIII—VII асрлардаёқ Хоразмда сунъий каналлар қазилиш жараёни давом этиб, суғориш ишлари шунга асосланган эди. Масалан, қадимги Хоразм ҳудудидан очилган канал қолдигининг узунлиги 200 км. бўлиб, бу канал ~~Чарманоб~~ деб аталади. Олимлар фикрига кўра, шунга ўхшаб каналлар фақат марказий ҳокимият томонидан бошқарилаётган жамоалар томонидан қурилиши мумкин.

Авесто маълумотларига кўра, илк қулдорлик даврида Марказий Осиё жамияти алоҳида оилалардан («нмана») ташкил топганини кўрамай. Ерга уруғ жамоаси («вис») эгалик қилган, бир нечта уруғлар қабилага («занту») бирлашган, нисбатан йирик қабилалар бирлашиб вилоят («дахё») бўлган, бу вилоятларни бошлиқ («кави») бошқарган. Қабила бошлиқлари маълум вақтда тўпланиб, кенгашиб туришган. Авесто қадимги жамиятни қоҳинлар, ҳарбийлар, деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар каби табақаларга бўлади. Қадимги хўжаликда чорвачилик ва деҳқончиликка алоҳида эътибор берилган. Бу ҳақда Авестода шундай дейилади «... Ахурамазда томонидан яратилганлар орасида чорва

асосий ўриндадир. ...Кимдаким ерида чорва боқса мен уни эркин ҳаёт билан таъминлайман» ...Деҳқончилик ҳақида: «...Ким ерга чап қўли ва ўнг қўли билан, ўнг қўли ва чап қўли билан ишлов берса, у ерга катта фойда келтиради.»

Археологик маълумотлар Марказий Осиёнинг қадимги тарихи ва маданияти ҳақидаги тасаввурларимизни анча кенгайтиради. Аҳмонийларгача бўлган даврда баъзи бир воҳалар, асосий ўтроқ аҳоли жойлашуви ўлкалари эди. Уларнинг ҳудудларида манзилгоҳлар, суғориш иншоотлари, ўзлаштирилган ер майдонлари бор эди. Бир қанча шунга ўхшаш, дарёлар воҳаларида жойлашган ва умумий аҳоли жойлашув ҳудудлари билан боғлиқ бўлган ерлар Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразм каби тарихий вилоятларни ташкил этган.

Сўнгги 10—14 йил ичида Марказий Осиёнинг жанубида мустақкам деворлар билан ўралган, ичида ҳокимларнинг қароргоҳлари, мудофаа буржлари ва ўқ отадиган махсус туйнук-шинаклари бўлган қалъалар мавжуд кўҳна шаҳарлар, шунингдек, мил. ав. VII—IV асрларга оид қишлоқ уйқўрғонлари ҳам топиб текширилди.

Булар орасида Сурхон воҳасидаги Қизилтепа ва Кучуктепа, Қашқадарё воҳасида Ерқўрғон ва Узунқир, Амударёнинг Ўрта Оқимидаги Одойтепа, Бойсунтоғ этакларидаги Бандихон ва Қизилчаларни санаб ўтиш мумкин. Бу ҳудудлардан турар жойлар, омборхоналар, ишлаб чиқариш устахоналари очилган бўлиб, улар хом ғишт ва пахсадан қад кўтарган. Уйларнинг ичига ва супаларига қамиш бўйра, ҳайвон терилари тўшалган. Уйлар очиқ усулда, яъни унча катта бўлмаган чуқурча қазилиб, сандал шаклида ичига кўмир ёндириш усули билан иситилган.

Турар жойлардан археологлар бронза ва темир ўроқлар, пичоқлар, идишлар, ўқ учлари ва сопол идишлар топганлар. Аҳолининг асосий машғулотлари деҳқончилик ва чорвачилик эди. Қадимги каналлар ва ариқлар қолдиқлари, ҳосилни йиғиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган меҳнат қуроллари деҳқончиликдан далолат беради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ортиқчаси махсус жойларда, хўжалик ўралари ва йирик хумларда сақланган. Бу ерларда ғаллачиликдан ташқари боғдорчилик, полизчилик ҳам ривожланган.

Қадимги хўжаликда ихтисослашган ҳунармандчилик

катта аҳамиятга эга бўлиши ҳақида металлни қайта ишлаш ва металл буюмларни ишлаб чиқариш, сопол пиширувчи қулолчилик хумдонлари далолат беради. Шу билан биргаликда жанубда тўқимачилик ва тикувчилик, ёғоч ва темирга ишлов бериш, бўйра тўқиш ва бўёқ тайёрлаш ҳам анчагина ривожланган.

Қурилиш ҳам анча юқори даражада ривожланиб борган. Кўҳна шаҳарлардаги мустаҳкам ва қалин мудофаа деворлари, меъморчилик бинолари ўрганилган. Қалъа деворлари ичкари томонида туйнуклар ва махсус ўқ отиш йўлаклари бўлган. Ташқи ҳимоя мақсадига манзилгоҳлар ва кўҳна шаҳарлар атрофи чуқур ва кенг хандақлар билан ўралган.

Бу даврда деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар орасида турли ҳунармандчилик буюмлари, хош ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини алмаштириш кенг расм бўлган эди. Илк темир даврида пул муомаласи йўқ бўлганлиги сабабли турли маҳсулотлар озиқ-овқат ва ҳунармандчилик маҳсулотлари тўлов вазифасини бажарарди. Металл, ҳунармандчилик буюмлари ва қимматбаҳо заргарлик буюмлари пул вазифасини бажарарди. Афтидан, қимматбаҳо ашёлар ва заргарлик буюмлари вилоятлар ва қўшни давлатлар билан бўлган муносабатлардагина ишлатилган. Кейинроқ, мил. авв. V—IV асрларда Марказий Осиё аҳолиси дастлабки пуллар аҳмонийлар олтин дариклари (пул бирлиги) ва юнон тангалари билан танишади. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш жоизки, 1877 йилда Кофирниҳон (Тожикистон) воҳасидан топилган ва ҳозирги кунда Британия музейида сақланаётган машҳур «Амударё хазинаси» орасида форс дариклари ва юнон тетрадрахмлари (пул бирлиги) ҳам бор.

Ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мил. ав. I минг йилликнинг бошларида Марказий Осиёнинг нисбатан ривожланган вилоятларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлайди. Сўнги бронза даврида меҳнатнинг дастлабки йирик тақсими рўй беради. Чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиқади. Иқтисодий ҳаётдаги силжишлар туфайли ортиқча маҳсулот пайдо бўлиб, бу маҳсулот маълум шахслар қўлида тўплана бошлайди. Қишлоқлар кенгайиб шаҳарларга айланиб борар экан, бу шаҳарлар энг қадимги вилоятлар ва давлат уюшмаларининг маъмурий маркази бўла боради. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш

лозимки, Марказий Осиедаги илк давлат уюшмалари ҳақидаги ёзма маълумотлар жуда кам. Мавжуд ёзма манбалар археологик тадқиқотлар билан солиштирилганда бирмунча ишончли бўлади.

Утган асрнинг охири ва асримизнинг бошларида, Авестодаги маълумотлар (вилоятларнинг Арешайёна бўйича бирлашиши), Геродот ва Гекатей асарлари («Катта Хоразм»), шунингдек, Ктесийнинг Қадимги Бақтрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари Марказий Осиеда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлуб хизмат қилади. Тадқиқотчилар бу давлатларнинг шаклланиш жараёнини ахмонийларгача бўлган даврда деб ҳисоблайдилар ва мил. ав. IX—VII асрлар билан белгилайдилар. (М. Дункер, В. Томашек, Ф. Альтхайм, С. П. Толстов, М. М. Дьяконов, И. М. Дьяконов, В. М. Массон, М. Дандамаев, Б. Ф. Ғофуров, Б. А. Литвинский, Э. В. Ртвеладзе, И. В. Пьянков, А. Сагдуллаев ва б.). Илмий адабиётлар Марказий Осиеда ахмонийларгача бўлган даврда мавжуд бўлган қуйидаги давлат уюшмалари ҳақида сўз юритади:

1. Арешайёна — Қадимги вилоятларнинг «дахіёсасті» уюшмаси.

2. Арёнам Вайжо—бу ҳам Арешайёнадек, ёки унинг маркази Ария ва Марғиёнада бўлган «Катта Хоразм», ёки Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм давлати.

3. Қадимги Бақтрия давлати.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, бу масалада кўплаб илмий ишлар ёзилган, мунозаралар бўлган бўлсада, муаммо ҳозиргача тўла ечимини топмаган. Бу масалада «Катта Хоразм» муаммосига бир оз аниқлик киритилган. Геродотнинг маълумотларига қараганда, Марказий Осиедаги «ҳар томони адирлар билан ўралган текисликда қачонлардир хорасмийлар яшаган». Кўпчилик тадқиқотчилар бу марказни ҳозирги Хоразм ўрнида бўлмасдан жануброқда, Марв (Туркменистон) ёки Ҳиротда (Афғонистон) бўлган дейишади. Лекин, мил. ав. I минг йилликнинг ўрталарига яқин даврда «Катта Хоразм» давлати мавжуд бўлганлиги шубҳасиз.

Марказий Осиедаги яна бир илк давлат уюшмаси Қадимги Бақтрия давлатидир. Баъзи маълумотларга қараганда унинг таркибига Суғд ва Марғиёна ҳам кирган. Юнон муаллифи Ктесий Бақтрия ҳақида қимматли маълумотлар беради. Тарихчи давлатдаги кўплаб ша-

ҳарлар, мустаҳкам пойтахт шаҳар Бақтро (Балх), Бақтрия подшоси Оксирт, унинг битмас-туганмас бойликлари ҳақида ҳикоя қилади. Геродотда Бақтрия халқи Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга олинади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Қадимги Бақтрия қудратлилиги жиҳатдан қўшни вилоятлардан анча устун бўлиб, улар орасида алоҳида мавқега эга эди. Бақтриянинг табиий бойликлари ундан ташқари ҳудудда ҳам олд Осиёга қадар машҳур эди. Айниқса Бадахшон ложуварди (лазурит), лаъли жуда қадрланган.

Юқорида эслатилган вилоятлардан ташқари Суғдиёна (Қашқадарё ва Зарафшон воҳалари), Марғиёна (Мурғоб дарёси воҳаси) каби йирик давлат уюшмалари ҳам бор эди. Бу вилоятларнинг аҳолиси ўтроқ ҳаёт кечириб деҳқончилик, уй чорвачилиги ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Марказий Осиёда энг қадимги давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши жуда муҳим масаладир. Давлат тузуми вужудга келишини ёритиб берадиган асосий ёзма манба «Авесто» ва қадимги дунё муаллифлари қолдирган маълумотлардир.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича суғорма деҳқончилигининг ривожланиши ва ихтисосланган ҳунармандчилик бронза давридаёқ Марказий Осиёда ижтимоий табақаланиш ва мулкӣ тенгсизлигининг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Марказий Осиёнинг жанубидаги вилоятларда ибтидоий жамоа муносабатларининг емирилиши фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Яқин Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ эди. Бақтрия ҳудудидан топилган юқори сифатли олтин, кумуш ва бронза буюмлари бундай алоқалардан ва уларнинг вилоятда ташқи савдонинг пайдо бўлишида таъсир кўрсатганидан далолат беради. Ҳар бир жамоанинг ривожланиши унинг ички қонуниятларидан келиб чиқса ҳам, дастлабки марказлардан келиб чиққан ташқи таъсир четдаги вилоятларнинг тақдирида катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди.

Сўнгги 10—15 йил ичида Бақтрия, Суғдиёна ва Марғиёнадан олинган янги археологик маълумотлар илк давлат уюшмалари пайдо бўлишини янада кенгроқ изоҳлаш имконини яратади. Бу маълумотларга қараганда илк темир даври Бақтрия, Марғиёна, Хоразм ва Суғдиёна умумий жамоаларидаги асосий ишлаб чиқа-

рувчи кучларни бир неча кичик оиладан иборат уй жамоалари ташкил этган, Маконлар жойлашувининг ташқи белгиларинёқ катта оилали уй жамоалари анча йирик уюшмаларга кирганлигидан далолат беради. Бошқарув тартибида катта оилалар жамоаси бошлиқлари ёки уй хўжайинлари, шунингдек, алоҳида қишлоқ қўрғонларини бошқарувчи эски жамоалар катта ўрин тутган. Ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошлик алоқаларига қарамасдан алоҳида уйга, ишлаб чиқариш буюмларига эга бўлишган, ўзининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захиралари ва чорвалари бўлган ёки ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликни акс эттирган.

Катта оилали жамоалар шакли жамоа ишлаб чиқариш ва хўжалик ҳаракатига мувофиқ эди. Маълумки, у жамоанинг, иқтисодий жиҳатдан мустақамланишига олиб келди.

Синфларнинг ва дастлабки вилоятларнинг пайдо бўлиши муаммоларини ҳал этишда археологик ва ёзма манбалардан ташқари этнографик маълумотлардан ҳам кенг фойдаланилади. Этнографиянинг кўрсатишича, ижтимоий ютуқлар ҳам ижтимоий манбаларни эгаллаш жамоа ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий меҳнат тақсимооти билан боғлиқ эди. Мулкӣ ва ижтимоий тенгсизликнинг ўсиши учун ташкилий бошқарув фаолияти, ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва жамоа маҳсулотлари имтиёзлар яратади. Бу эса мероснинг тақсимланишига олиб келди. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Марказий Осиёда илк давлат уюшмалари деҳқончилик, чорвачилик, ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ажралиши ва шаҳар марказлари шаклланиши асосида пайдо бўлади.

Ҳозирги археологик маълумотлар Марказий Осиёдаги илк давлатлар шаклланишининг муҳим муаммоларини ёритиш, шунингдек, улар ривожланишининг қуйидаги даврларини аниқлаш имкониятини яратади:

1. Бронза даври. Унчалик катта бўлмаган деҳқончилик воҳалари асосида илк давлат уюшмаларининг шаклланиши. Улар жамиятнинг ижтимоий табақаланишини акс эттирувчи қишлоқ хўжалик жамоаларининг ҳудудий бўлиниши, турли хил манзилгоҳларга бўлинган суғорма деҳқончиликиннинг жамоа ташкилоти, тоғкон хом ашёси ва ихтисослашган ҳунармандчиликка

асосланган алмашинув ва савдо-сотиқ билан изоҳланади.

2. Бронза асридан темир асрига ўтиш даври (милоддан аввалги X—VIII асрлар). Этник-маданий ва ғоявий вазиятларнинг ўзгариши шароитида «Авесто»даги Арешайёна туридаги вақтинчалик ҳарбий-сиёсий уюшмалар, баъзи вилоятларда бўлиб ўтган кўчиш жараёнлари давридаги ўтроқ манзилгоҳлар сонининг қисқариши ва илгари одамлар яшамаган жойларда янги аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши, ҳарбийлар ва ҳарбий бошлиқларнинг ижтимоий қатламларга бўлиниши. Бундай уюшмаларнинг асосини, археологик жиҳатдан тасвирланган Марғиёна каби майда давлат ташкилотлари мисолида кўришимиз мумкин. Бу уюшмалар, ўз эски жойларини ҳимоя қилувчи ёки янги воҳаларни эгалловчи чорвадорлар ва деҳқонлар ҳаракати бир-бирига мос тушган пайтда доимий ҳарбий иттифоқлар тавсифига эга эди.

3. Илк темир даври (милоддан аввалги VII—VI асрлар). Қадимги Бақтрия мисолидаги (айнан, Бақтрия, Суғд ва Марғиёна) йирик давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши. Бундай давлат уюшмалари пайдо бўлишининг тезлашувига ички ижтимоий-иқтисодий сабаблардан ташқари кўчманчилар томонидан ҳарбий ҳужумлар ва афтидан, Шимоли-ғарбий Эрон чегараларигача келган Мидия ҳарбий сиёсати яна бир сабаб эди.

Аҳмонийлар даврда Марказий Осиё.

Форс подшоларининг энг қадимги сулоласи подшо Аҳмон давридан бошланади. У милоддан аввалги VII асрнинг бошларида Форс қабилаларига бошчилик қилади. Форс қабилаларининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлган. Шунингдек улар, қўшни қабилалар устига тез-тез юришлар қилиб турганлар. Милоддан аввалги VI асрнинг бошларига келиб форс подшолари Шарқдаги Мидия, Элам, Лидия каби қадимги давлатларни босиб оладилар.

Милоддан аввалги VI асрнинг ўрталарига келиб, Аҳмонийлар подшоси Қир II ўз лашкарбошиси Гарпага Кичик Осиёдаги шаҳар-давлатларни босиб олишни буюради. Ўзи эса Бобил, Марказий Осиё ҳудудидаги вилоятларни (Бақтрия, Хоразм, Суғдиёна, Марғиёна ва бошқалар) ва Мисрни босиб олишга тайёргарлик кўра бошлайди.

Геродотнинг ёзишича, «Қир Бобилни, бақтрияликларни, сакларни ерларини ва Мисрни босиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу юришни саркардаларига топширди...» Унинг бу режаси тасодифий ҳол эмас эди, албатта. Қир II Марказий Осиё халқларининг кучли ва ҳарбий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрганлигидан хабардор бўлиб, уларга қарши юришни ҳатто энг яхши лашкарбошларига ҳам ишонмади.

Қадимги дунё муаллифлари Геродот, Ксенофонт маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, милоддан аввалги 545—539 йилларда Қир II Шарқий Эрон вилоятлари ва Марказий Осиёдаги Хоразм, Суғднёна, Марғиёна вилоятлари ва сак қабилаларини ўзига бўйсундиради. Аммо, шунинг таъкидлаш лозимки, Қир II Марказий Осиёни қай тарзда босиб олганлиги ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Шунга қарамастан форсларнинг бу юришлари узоқ ва шафқатсиз бўлганлиги аниқ.

Милоддан аввалги 539 йилда Қир II Бобилни бутунлай ўзига бўйсундиради ва Мисрга юришга тайёргарлик кўра бошлайди. Аммо, Аҳмонийлар давлатининг шимоли-ғарбидаги, яъни Марказий Осиёдаги аҳвол туфайли у Мисрга юришни кейинга қолдиришга мажбур бўлади. Марказий Осиёдаги кўчманчи массагет қабилалари Аҳмонийлар давлатига ҳужумлар қилар ва ўтроқ Эрон қабилаларига анчагина зиён етказардилар.

Қир II нинг Марказий Осиёга иккинчи юриши ҳақида қадимги давр муаллифлари Геродот, Юстин, Страбонлар маълумот бериб, улар бу воқеаларни турлича тасвирлайдилар. Бу муаллифларнинг маълумотларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Қир II нинг қўшинлари Марказий Осиёга қилган иккинчи юришларида маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига учраган ва кўчманчи массагетлар томонидан тор-мор этилган.

Трог-Юстин маълумотларига қараганда, Қир II массагетлар устига юриш қилганда уларга малика Томирис (Тўмарис) бошчилик қиларди. Тўмарис Қир II ни дарёдан (Амударёдан) ўтишига тўсқинлик қилиш имкони бўлса ҳам у душманни массагетлар ўлкасига ўтишига қаршилиқ қилмади. Чунки Тўмарис ўз ерида душманга қарши курашиш осон бўлади деб ўйларди. Массагетлар ерига ўтгач Қир II ҳийла ишлатиб Тўмариснинг ўғли Спарганисни асир олишга эришади ва уни ўлдиради.

асосланган алмашинув ва савдо-сотиқ билан изоҳланади.

2. Бронза асридан темир асрига ўтиш даври (милоддан аввалги X—VIII асрлар). Этник-маданий ва ғоявий вазиятларнинг ўзгариши шароитида «Авесто»даги Арешайёна туридаги вақтинчалик ҳарбий-сиёсий уюшмалар, баъзи вилоятларда бўлиб ўтган кўчиш жараёнлари давридаги ўтроқ манзилгоҳлар сонининг қисқариши ва илгари одамлар яшамаган жойларда янги аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши, ҳарбийлар ва ҳарбий бошлиқларнинг ижтимоий қатламларга бўлиниши. Бундай уюшмаларнинг асосини, археологик жиҳатдан тасвирланган Марғиёна каби майда давлат ташкилотлари мисолида кўришимиз мумкин. Бу уюшмалар, ўз эски жойларини ҳимоя қилувчи ёки янги воҳаларни эгалловчи чорвадорлар ва деҳқонлар ҳаракати бир-бирига мос тушган пайтда доимий ҳарбий иттифоқлар тавсифига эга эди.

3. Илк темир даври (милоддан аввалги VII—VI асрлар). Қадимги Бақтрия мисолидаги (айнан, Бақтрия, Суғд ва Марғиёна) йирик давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши. Бундай давлат уюшмалари пайдо бўлишининг тезлашувига ички ижтимоий-иқтисодий сабаблардан ташқари кўчманчилар томонидан ҳарбий ҳужумлар ва афтидан, Шимоли-ғарбий Эрон чегараларигача келган Мидия ҳарбий сиёсати яна бир сабаб эди.

Аҳмонийлар даврда Марказий Осиё.

Форс подшоларининг энг қадимги сулоласи подшо Аҳмон давридан бошланади. У милоддан аввалги VII асрнинг бошларида Форс қабилаларига бошчилик қилади. Форс қабилаларининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлган. Шунингдек улар, қўшни қабилалар устига тез-тез юришлар қилиб турганлар. Милоддан аввалги VI асрнинг бошларига келиб форс подшолари Шарқдаги Мидия, Элам, Лидия каби қадимги давлатларни босиб оладилар.

Милоддан аввалги VI асрнинг ўрталарига келиб, Аҳмонийлар подшоси Кир II ўз лашкарбошиси Гарпага Кичик Осиёдаги шаҳар-давлатларни босиб олишни буюради. Ўзи эса Бобил, Марказий Осиё ҳудудидаги вилоятларни (Бақтрия, Хоразм, Суғдиёна, Марғиёна ва бошқалар) ва Мисрни босиб олишга тайёргарлик кўра бошлайди.

Геродотнинг ёзишича, «Кир Бобилни, бақтрияликларни, сақларни ерларини ва Мисрни босиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу юришни саркардаларига топширди...» Унинг бу режаси тасодифий ҳол эмас эди, албатта. Кир II Марказий Осиё халқларининг кучли ва ҳарбий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрганлигидан хабардор бўлиб, уларга қарши юришни ҳатто энг яхши лашкарбошларига ҳам ишонмади.

Қадимги дунё муаллифлари Геродот, Ксенофонт маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, милоддан аввалги 545—539 йилларда Кир II Шарқий Эрон вилоятлари ва Марказий Осиёдаги Хоразм, Суғдиёна, Марғиёна вилоятлари ва сак қабилаларини ўзига бўйсундиради. Аммо, шунинг таъкидлаш лозимки, Кир II Марказий Осиёни қай тарзда босиб олганлиги ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Шунга қарамасдан форсларнинг бу юришлари узоқ ва шафқатсиз бўлганлиги аниқ.

Милоддан аввалги 539 йилда Кир II Бобилни бутунлай ўзига бўйсундиради ва Мисрга юришга тайёргарлик кўра бошлайди. Аммо, Аҳмонийлар давлатининг шимоли-ғарбидаги, яъни Марказий Осиёдаги аҳвол туфайли у Мисрга юришни кейинга қолдиришга мажбур бўлади. Марказий Осиёдаги кўчманчи массагет қабилалари Аҳмонийлар давлатига ҳужумлар қилар ва ўтроқ Эрон қабилаларига анчагина зиён етказардилар.

Кир II нинг Марказий Осиёга иккинчи юриши ҳақида қадимги давр муаллифлари Геродот, Юстин, Страбонлар маълумот бериб, улар бу воқеаларни турлича тасвирлайдилар. Бу муаллифларнинг маълумотларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Кир II нинг қўшинлари Марказий Осиёга қилган иккинчи юришларида маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига учраган ва кўчманчи массагетлар томонидан тор-мор этилган.

Трог-Юстин маълумотларига қараганда, Кир II массагетлар устига юриш қилганда уларга малика Томирис (Тўмарис) бошчилик қиларди. Тўмарис Кир II ни дарёдан (Амударёдан) ўтишига тўсқинлик қилиш имкони бўлса ҳам у душманни массагетлар ўлкасига ўтишига қаршилиқ қилмади. Чунки Тўмарис ўз ерида душманга қарши курашиш осон бўлади деб ўйларди. Массагетлар ерига ўтгач Кир II ҳийла ишлатиб Тўмариснинг ўғли Спарганисни асир олишга эришади ва уни ўлдиради.

Бундан ғазабланган Тўмарис бошлиқ массагетлар форсларга қарши қаттиқ жанг қилиб уларни тор-мор этдилар. Бу жангда Кир II ҳам ҳалок бўлди.

Бу ҳақда Геродот янада батафсилроқ маълумот беради. Унинг хабар беришича, Кир дастлаб махсус одамлар орқали Тўмарисдан ўзига хотин бўлишини сўрайди. «Аммо Тўмарис Қирнинг ўзига эмас, балки массагетлар ерига эгалик қилмоқчи бўлганини тушуниб, унинг таклифини рад этади». Массагетлар ва Аҳмонийлар ўртасидаги жанг тафсилотлари ҳақида шундай ҳикоя қилинади: «Бу жанг варварлар (массагетлар) иштирок этган жанглар орасида энг даҳшатлиси эди... Дастлаб ҳар иккала қўшин бир-бирларини узоқ масофадан туриб камондан ўққа тутдилар. Камон ўқлари тугагач, қўл жанги бошланиб найза ва қилич билан курашдилар. Қўшинлар жанги узоқ вақт давом этди. Ниҳоят массагетлар ғалаба қозондилар. Форс қўшинларининг катта қисми, жумладан Кир ҳам жанг майдонида ҳалок бўлди». Кир II қўшинларининг массагетлар томонидан тор-мор этилиши милоддан аввалги 530 йилга тўғри келади.

Милоддан аввалги 530 йилнинг августида Аҳмонийлар тахтига Қирнинг ўғли Қамбиз ўтиради. У отасига нисбатан тахтни бирмунча қаттиқ қўллик билан бошқаради. Беҳистундаги Доро I ёзувларига қараганда, Қамбиз Мисрга юриш қилишдан олдин ўз укаси Бардияни ўлдиради. Бундан қандайдир маг Гаумата унумли фойдаланди. У 522 йилда ўзини Бардия деб эълон қилди ва аҳмонийлар давлатининг марказий қисмини эгаллаб олди. Бу ҳақдаги хабарни Мисрда эшитган Қамбиз Гауматага қарши юриш бошлади ва йўлда вафот этди.

Милоддан аввалги 522 йилнинг сентябрида 7 ойлик ҳукмронлигидан сўнг Гаумата фитначилар томонидан ўлдирилди. Фитначилардан бири, аниқроғи Доро I Аҳмонийлар тахтига ўтирди.

У тахтга ўтириши биланоқ босиб олинган кўпчилик вилоятларда, жумладан, Парфия, Марғиёна ва «саклар ўлкасида» қўзғолонлар кўтарилади. Беҳистун ёзувларига қараганда, милоддан аввалги 522 йилнинг охирида Марғиёнада кўтарилган қўзғолонга Фрада исмли киши бошчилик қилади. Доро I Бақтрия сатрапи Дадаршиш бошчилигидаги қўшинларни қўзғолончиларга қарши жўнатади. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилиб, 55 минг

марғиёналик қатл этилади. Етти мингга яқин киши асир олинади. Қўзғолончилар бошлиғи Фрада дастлаб қочиб кетади ва кейинроқ қўлга олиниб ўлдирилади.

Марғиёна қўзғолони омма ўртасида кенг тарқалиб Доро I уни бостиришга бежиз катта кучларни ташламаган эди. Марғиёна ўлкаси ўша даврда турли бойликлари (ривожланган деҳқончилик, чорвачилик, узумчилик ва бошқалар) ва кўп сонли аҳолиси билан Аҳмонийлар давлатида етакчи ўринлардан бирини эгалларди.

Парфиядаги ва «саклар ўлкасидаги» қўзғолонлар ҳам шафқатсизларча бостирилади. Беҳистун ёзувларига қараганда милоддан аввалги 519—518 йилларда Доро I Марказий Осиёдаги сак қабилалари устига юриш қилади. Бу урушда саклар форслар томонидан мағлубиятга учрайдилар. Сакларнинг кўпчилиги ўлдирилиб, кўпчилиги асир олинади. Улар йўлбошчиси Скунҳа ҳам асир олиниб, Доро I унинг ўрнига бошқа йўлбошчи тайинлайди.

Қадимги давр муаллифи Полиен ўзигача етиб келган сак афсоналаридан фойдаланиб, жасур Широқ образи орқали сакларнинг Аҳмонийларга қарши қаҳрамонона курашини ҳикоя қилади.

Кўпгина манбаларнинг маълумот беришларича, Марказий Осиёнинг катта қисми Аҳмонийлар давлати таркибига кирган. Хоразм, Парфия, Бақтрия, Марғиёна, Суғдиёна, «Суғд ортидаги сак қабилалари» ва бошқа вилоятлар шулар жумласидандир.

Аҳмонийлар подшолари босиб олган барча ҳудуд сатрапия-ҳокимликларга бўлинган бўлиб, уларни форс подшолари томонидан тайинланиб қўйилган сатраплар-ҳокимлар бошқарардилар. Геродотнинг маълумотларига қараганда Марказий Осиё вилоятлари тўртта сатрапияни ташкил этарди. Каспий бўйларида яшовчи кўчманчи қабилалар XI—сатрапия бўлиб, форс подшоларига 200 талант (бобил кумуш пул бирлиги: 1 талант 30 кг. кумушга тенг), Бақтрия XII сатрапия бўлиб, 360 талант, саклар XV сатрапия бўлиб, 250 талант, Хоразм; Суғд ва Парфия XVI сатрапия бўлиб, 300 талант миқдорида йиллик солиқ тўлар эдилар. Шунингдек, Суздаги (Эрон) ёзувларга қараганда Марказий Осиёликлар солиқ сифатида қимматбаҳо тошлар, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини ҳам форс подшоларига бериб турганлар.

1 Марказий Осиёдаги энг катта вилоят Бақтрия (Жа-

нубий Узбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон) аҳмонийлар давлати инқирозга учрагунга қадар унинг таркибида бўлиб, аҳмонийларнинг шарқдаги энг муҳим марказларидан бири эди. Бу вилоят Авестода Баҳди, қадимги форс ёзувларида Бақтриш, юнон манбаларида Бақтриёна номи билан эслатиб ўтилади.

Қадимги Бақтрия халқлари ҳақида юнон, рим муаллифлари Геродот, Ктесий, Ксенофонт кабилар қимматли маълумотлар беради. Ктесий Қир II нинг бақтрияликлар билан бўлган уруши, Қир II босқинчилик режалари ҳақида маълумотлар беради. Тарихчи Диодор Ктесийнинг манбаларидан далил келтирар экан Бақтриядаги кўп сонли манзилгоҳлар, мустақкам пойтахт Бақтро ва Оссурия подшоси Ниннинг уни қамал қилгани ҳақида эслатиб ўтади.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг жанубида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида Қадимги Бақтрия ҳудудидан ўттиздан зиёд Аҳмонийлар даврига оид манзилгоҳлар очилган. Уларнинг ҳар бирида ўзлаштирилган майдонлар ва суғориш тартибидан ташқари турар жойлар ва хўжалик хоналари, меҳнат ва ҳарбий қуруллар, кулолчилик буюмларининг қолдиқлари мавжуд эди.

Қадимги Бақтрия аҳолисининг асосий машғулотидеҳқончилик эди. Қалаимир, Кучуктепа, Қизилтепа, Қизилча, Бандихон, манзилгоҳидан кўплаб меҳнат қуруллари — ўроқлар, кетмонлар, ёрғучоқ ва деҳқончилик маҳсулотлари қолдиқларининг топилиши деҳқончиликдан далолат бериб, деҳқончилик асосан сунъий суғоришга асосланганлигини кўрсатади.

Бақтриянинг пойтахти қадимги Бақтро (ҳозирги Балх) шаҳрида қазиш ишлари олиб борилиб, у ердан топилган кулолчилик буюмлари кўҳна шаҳар энг қадимги қатламлари милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига оид эканлигидан далолат беради.

Жуда кўп ўтроқ манзилгоҳлар ва улардаги топилмалар вилоятда аҳоли кулолчилик, темирчилик, бронза қуйиш, тўқимачилик, шунингдек суғорма деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганидан далолат беради.

Бақтриядаги бадий ҳунармандчилик ҳам юксак даражада бўлган. 1877 йилда Кобадийён беклиги (Тожикистон) аҳолиси, суғориш канали қазилаётган пайтда тилла ва кумушдан иборат катта хазина топиб олади. Маҳаллий аҳоли бу ҳазинани Бухоролик савдогарларга

сотиб юборадн. Савдогарлар уни Хиндистонга олиб бордилар ва у ерда хазина олимлар қўлига тушадн. Ҳазина қадимги Бақтрия усталарининг юксак маданиятидан далолат беради. Ҳазинада олтин ва кумушдан қуйилган жанг аравалари, жангчилар қиёфаси, ҳайвонлар тасвирларини учратиш мумкин. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича Кобадийн хазинаси маҳаллий усталар ижоди бўлиб милоддан аввалги V—IV асрларга оиддир.

Милоддан аввалги VI—IV асрларда эронликлар Сўғуда деб атаган давлат ҳақида форс подшолари ёзувлари, юнон-рим тарихчиларининг асарлари маълумотлар беради. Аҳмонийлар даврида Сўғдийнада (Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари) кўплаб шаҳар ва қишлоқлар бўлиб, улар форс подшоларига катта-катта солиқлар тўлаб турардилар. Археологик тадқиқотлар натижасида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидан милоддан аввалги VI—IV асрларга оид Узунқир, Ерқўрғон, Даратепа, Сангиртепа, Лолазор, Хўжа-Бўстон, Афросиёб, Қоровултепа, Қўрғонча каби 50 дан зиёд кўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар очиб ўрганилган.

Сўғдийнанинг пойтахти бўлган Афросиёб (Самарқанд) кўҳна шаҳри асримизнинг 40-йилларидаёқ очилган эди. Афросиёбда милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида аҳоли яшаганлигининг излари жуда кўп. Кўҳна шаҳар аҳолиси асосан ҳунармандчилик ва савдотчилик билан шуғулланган. Афросиёб атрофидаги аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, душман ҳужум қилган пайтларда улар чорва молларини ва молмулкларини қалъа ичида сақлаганлар.

Афросиёбда шаҳар ҳаётининг ривожланиши Сўғдийна ва бутун Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг юксалиши ва инқирози билан мувофиқ тарзда кечган, чунки Самарқанд ўша давр мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг муҳим маркази эди. Самарқанд жаҳон савдо ва маданий марказларидан бири сифатида ўз мавқеини тўла даражада, лекин узилишлар билан ўрта асрларда ҳам сақлаб қолди.

Сўғдийнанинг «иккинчи пойтахти» бўлган Ерқўрғон (Қашқадарё) тадқиқотлари дастлаб М. Е. Массон томонидан бошланиб, кейинчалик унинг шогирдлари томонидан давом эттирилади. Милоддан аввалги VI—IV асрларда умумий майдони 40 гектарга яқин бўлган маъмурий марказ Ерқўрғонни кўпчилик тадқиқотчилар

юнон-рим тарихчилари томонидан эслатилган Ксениппа вилоятининг марказий шаҳри деб ҳисоблайдилар. Милоддан аввалги VI—IV асрларда Ксениппа вилоятида йирик ҳимоя деворлари билан ўралган шаҳар туридаги катта манзилгоҳлар мавжуд эди.

Маъмурий марказ вазифасини ўтовчи бош шаҳар вилоят номи билан аталиб Аҳмонийлар даврида шаклланди. Шаҳар қалин деворлар билан ўралган бўлиб, маълум масофада баланд миноралар ҳам бўлган. Уша даврда шаҳар дарвозаси иккита бўлиб бири шимолишарқ томонда, Зарафшон воҳасининг ўрта қисмига борувчи йўл томонга қаратилган. Иккинчиси, жанубишарқ томонда бўлиб Шарқий Қашқадарё томон кетувчи-йўлга томон қаратилган. Ерқўрғон кўҳна шаҳридан топилган моддий маданият буюмлари аҳолининг деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик билан шуғулланганидан далолат беради.

Сўғдиёна ҳаётида деҳқончилик катта аҳамиятга эга эди. Шуниси муҳимки, деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб бу ҳақда ёзма манбалардан маълумотлар олишимиз мумкин. Страбоннинг ёзишича, Политимет (Зарафшон) дарёси воҳадаги энг катта сув манбаи бўлиб, суғориладиган ерларга каналлар орқали сув чиқарилган.

Қишлоқларнинг ривожланиши натижасида шаҳар кўринишидаги манзилгоҳлар ва шаҳарлар пайдо бўла боради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Афросиёб, Ерқўрғон, Хўжа-Бўстон, Узунқир Сўғдиёнадаги асосий марказлар бўлиб, бу қўҳна шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ айниқса ривожланиб борган.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Хоразм ҳам ривожланиш жараёнини бошдан кечиради. Хоразм тадқиқотлари натижасига қараганда милоддан аввалги VI—IV асрларда бу ерда йирик-йирик манзилгоҳлар мавжуд эди. Бу даврда Хоразмда иншоотлар қурилишида хом ғишт, пахса ишлатилган. Манзилгоҳлар ва турар жойларидан топилган топилмаларнинг бой ва қашшоқлиги бу ерда мавжуд бўлган ижтимоий ва мулкий тенгсизликдан далолат беради. Шаҳарлар аҳолисининг асосий машғулоти ҳунармандчилик бўлган. Кўплаб топилган сопол, бронза, темир буюмлар фикримиз далилидир. Хоразмда аҳмонийлар даврида маҳаллий ўтроқ аҳолидан ташқари кўчманчи чорвадорлар ҳам яшаган, бўлиб улар ўртасида доимий ҳарбий тўқнашувлар, иқтисодий муносабатлар бўлиб турган.

Икки юз йилдан зиёдроқ давом этган аҳмонийлар ҳукмронлиги Марказий Осиёнинг, умуман Шарқ халқларининг ҳар томонлама ривожланишида, улар ўртасида турли муносабатларнинг пайдо бўлиши ва барқарорлашувида катта аҳамиятга эга бўлди.

Марказий Осиё вилоятларининг аҳмонийлар Эрони ва унга тобе бўлган мамлакатлар билан савдо ва маданий алоқалари ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Марказий Осиё халқлари аҳмонийлар маданият ёдгорликлари бунёд этилишида катта ҳисса қўшдилар. Доро ёзувлари маълумотларига қараганда Сузадаги подшо саройини қуришда олтин Бақтриядан, ложувард ва қимматбаҳо тошлар Сўғдиёнадан, фируза Хоразмдан олиб келинган.

Марказий Осиё вилоятларининг аҳмонийлар давлати таркибига кириши муносабати билан Эроннинг худуди анчагина кенгайди, ғарбий эронликлар, юнон ва бошқа халқларга маълум даражада ижобий таъсир кўрсатди.

Бу даврда Ҳинд дарёсининг юқори оқимидаги вилоятлар ва Марказий Осиё халқлари давлат ишларида оромий ёзувидан фойдаланганлар. Кейинроқ эса оромий ёзувдан тўртта ёзув тартиби ажралиб чиқди. Булар парфия, сўғд, бақтрия ва хоразм ёзувлари бўлиб, улар Марказий Осиё худудида салкам минг йил (араблар келгунга қадар) сақланиб қолди.

Аҳмонийлар даврида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланиши натижасида Марказий Осиё худудида кўпгина шаҳарлар ва шаҳар кўринишидаги манзилгоҳлар пайдо бўлди ва жадал ривожланди. Самарқанд (Афросиёб), Марв, Балх, Кўзалиқир, Ерқўрғон, Қизилтепа кўҳна шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари эди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда Марказий Осиё халқлари илк марта зарб қилинган танга пуллар билан танишдилар ва муомала қилдилар. Марказий Осиё худудидан аҳмонийлар пул тартибига оид олтин дариклар ва бошқа тангалар топилган.

Аҳмонийлар даврида кўпгина Шарқ халқларининг сиёсий бирлиги — бутун жаҳон тарихида, иқтисодий ва маданий ривожланишида муҳим давр бўлиб қолди. Бу ўринда Марказий Осиё худудидаги халқлар ва қабила-ларнинг ҳам ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди.

3-с Марказий Осиёдаги турли халқларнинг қадимги даврлардаги диний қарашлари ва эътиқодлари, пайғамбарлари ва улар таълимотларининг ёйилиши кўпгина олимлар орасида илмий мунозараларга сабаб бўлаётган масаладир. Маълумки, Аҳмонийлар даври Марказий Осиё халқлари орасида кенг ёйилган ва асосий дин зардуштийлик эди. Бу таълимотнинг асосчиси Заратуштра ва унинг фаолияти, бу диннинг муқаддас китоби «Авесто» ва у пайдо бўлган ҳудуд ҳақидаги масалалар ҳам ҳозирги кунда кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди.

Жуда кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Заратуштра афсонавий бўлмасдан тарихий шахс ҳисобланади. У юнон манбааларида Зороастр номи билан эслатилади. Заратуштра номи қадимги Эрон «Зара-уштра» сўзидан келиб чиққан. «Зар»— олтин, «уштра»— туя, ёки уч хил маънода —«Олтин туяли», «Олтин туя эгаси», «Олтин туя етаклаган одам» деб таржима қилинади. У Спитама авлодидан (сўғдийча Спитаман деган исм ҳам шундан келиб чиққан) бўлиб, отасини Порушасп, онасини Дугдова деб аташган. Заратуштранинг отаси қоҳинлар табақасига мансуб бўлиб, у туғилган мамлакат бизга номаълум. Буларнинг барчаси Заратуштра ҳаёти тарихи, айниқса унинг туғилган жойи ва санаси ҳақида тўла маълумот беролмайди. Бунга янада аниқликлар киритиш мақсадида зардуштийларнинг муқаддас диний китоби ҳисобланган ва энг эски қисмлари Заратуштра томонидан битилган «Авесто» китобига мурожаат этишимиз лозим. Авестонинг махсус боблари Заратуштрани тарихий шахс сифатида ёритади.

Заратуштранинг қайси йилда туғилганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Тадқиқотчилар фикрларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, унинг туғилган йили кенг тарихий саналар билан боғланади (мил. ав. 1500—1000 йиллардан бошлаб мил. ав. VII—VI асрларгача). Юнон муаллифлари ҳам Заратуштра қачон туғилганлиги ҳақида аниқ маълумот бермайдилар. Фақатгина, Лидиялик Ксанф (мил. ав. II-аср). Заратуштранинг фаолиятини Ксерксдан 600 йил аввал эди, деб беради. Бошқа юнон муаллифларининг маълумотлари янада ишончсиз. Бир сўз билан айтганда, юнон муаллифлари маълумотларида Заратуштранинг туғилган йили ҳақида аниқ маълум

мот йўқ. Сосонийлар даври (III—VII аср) зардуштийлар анъаналарига эътибор берадиган бўлсак, Заратуштранинг ҳаёти мил. ав. VII асрнинг охири — VI асрнинг бошларига тўғри келади.

Ал-Беруний Заратуштранинг туғилган йилини македониялик Искандардан 258 йил олдин эди, деб белгилайди. Баъзи тадқиқотлар бу санани тўғри деса, баъзилари нотўғри деб ҳисоблайдилар. Мил. ав. 330 йилда Аҳмонийларнинг сўнгги вакили бўлган Доро III вафот этади. Ҳокимият македониялик Искандарнинг қўлига қўлига ўтади. Агар Беруний маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак ($330 + 258 = 588$), Заратуштра мил. ав. 588 йилда туғилган В. И. Абаев ва И. М. Дьяконов хулосаларига кўра Заратуштра яшаб ўтган вақт — бу мил. ав. VII—VI асрлардир. Олимлар фикрига кўра, Заратуштра мил. ав. 553—541 йиллар атрофида 77 ёшда вафот этган. Бу сана ҳисобидан Заратуштра 630—553 й. ёки 618—541 йиллар давомида яшаган бўлиши мумкин.

Заратуштранинг туғилган жойи ҳақида ҳозиргача ҳам баҳслар давом этаётган бўлишига қарамасдан, бу муаммога аниқликлар киритилмаган. У ҳақда турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар Заратуштрани ҳозирги Озарбайжон ҳудудида туғилган деб ҳисоблайдилар. Бу гуруҳ олимлар «Авестода» келтирилган Аръёнам Вайжо (форсча «Эрон ёж» — айнан таржимаси, «эрон текислиги» дегани, бу вилоят — Заратуштра таълимоти дастлабки тарқалган вилоят ҳисобланади) вилоятини ўзларига асос қилиб оладилар. Яна бир гуруҳ олимлар Заратуштрани Бақтрияда (ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё воҳаси, Тожикистоннинг жануби, шимолий Афғонистон) туғилган деб ҳисоблайдилар. Бу гуруҳ олимлар юнон тарихчиси Ктесий (мил. ав. V аср охири — IV асрнинг боши) маълумотларига асосланадилар. Ундан ташқари, бу гуруҳ тадқиқотчилар «Авесто»нинг энг қадимги қисмлари Бақтрияда ёзилган дейдилар. Яна бошқа бир олимлар гуруҳи Заратуштранинг ватани — қадимги Хоразм деб ҳисоблайди. Пайғамбар Заратуштра туғилган жой ва ватани ҳақида «Авестода» ҳеч қандай маълумот йўқ.

«Авесто»да келтирилган географик ҳудудларни ўрганишдан хулоса чиқарган кўпчилик ҳозирги тадқиқотчилар Заратуштранинг Марказий Осиё вилоятларидан

бирида, ҳеч бўлмаганда бу ҳудудга қўшни бўлган ши-моли-ғарбий Эрон ҳудудида туғилган дейдилар. Уму-ман олганда, Заратуштранинг ватани Марказий Осиё деб ҳисобловчи олимлар кўпчиликни ташкил этади.

Заратуштранинг диний ислоҳотлари ўз ватанида та-рафдорларини топмаган. Шунинг учун ҳам пайғамбар ўз юртидан кетишга мажбур бўлган. Заратуштра эъти-қодини қабул қилган биринчи тарафдорлари — бу қа-димги Бақтрия подшоси Кави Виштасп, малика Хута-оса ва уларнинг яқин қариндошларидир.

Заратуштра динининг ёки аниқроқ қилиб айтганда диний ислоҳотнинг моҳияти нимада? Кўп худонликдаги эроний халқлардан қайбирлари унга кўпроқ кирган?

Заратуштра ўз ғояларида қонли қурбонлик (мил. ав. VII асргача бўлган динларда одамлар ва ҳайвонлар худоларга қурбонлик қилган) қилишни қатъиян қоралай-ди. Заратуштра яна шуни таъкидлайдики, одамзод яшашга ҳақли бўлиб, бу ҳуқуқдан уни маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Заратуштра ўз ғояларини тарғиб қила бошлаган давр Марказий Осиё ва Эрон халқлари тарихида энг муҳим давр эди. Ибтидоий жамоа муносабатлари ўзга-риб, синфий муносабатлар қарор топмоқда эди. Янги дин бу ўзгаришларни ўзида акс эттирар ва туғилаётган синфий жамиятга хизмат қиларди. У синфий жиҳатдан бирлашишга ва кучли марказлашган ҳокимият тузиш-га, ўша даврда ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи водий аҳолиси учун «худонинг қамчиси (тиғи)» ҳисоб-ланган кўчманчи халқларга қарши кескин курашга ча-қирди.

Заратуштра ислоҳотлари диний жиҳатдан ҳам, иж-тимой жиҳатдан ҳам битта — улуг ва донишманд худо Ахурамиздага (сўзма-сўз таржимаси «жаноби доно») сиғинишга ва Ахурамазданинг душманлари деб эълон қилинган собиқ қабила худолари — асуралар ва дев-ларга қарши курашга олиб келди.

Зардўштиларнинг диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш худолар ўртасида бошланиб, табиатда ва инсоният ҳаётида ҳам давом этган. Ушандан бошлаб яхшилик ва ёмонлик, рост ва ёлғон, ёруғлик ва зулмат ўртасида доимий ва муросасиз кураш бошланган. Улар ўртасидаги кураш бутун коинотга ёйилади ва зардўштиларнинг асосий фалсафий таълимоти бўлиб қолади. Ёруғлик, яхшилик

кучларини Ахурамазда (Ормуз), қора ва зулмат кучларни Анхро-Манё (Ахриман) бошқаради.

Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, соғлиқ, бахтлиқ келтирувчи худо бўлиб ҳисобланган. Заратуштра бундай хабар қилади: «Биз Ахурамаздани улуғлаймиз, у чорвани, сувни ва ўсимликларни, ёруғликни ва ерни яратган...» Шунингдек, Ахурамазда ҳаётни ва дастлабки одамни яратувчи худо деб фараз қилинган. Анхро Манё ёмонлик, касаллик, ўлим ва зулмат келтирувчи худо бўлиб ҳисобланган.

Тўғри, Заратуштра дини вақт ўтиши билан аста-секин, эрон тилига мансуб халқлар ўртасида тарқалар экан; ўз асосини сақлаган ҳолда бир оз ўзгарди. Ахурамазда ва Анхро-Манё худоларидан ташқари, Авесто бир қатор бошқа худолар улуғ фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Митра, Хоума, Анахита, Аши ва Зурвон шулар жумласидандир. Воху Манаҳ (олиҳиммат фикр) чорвага, Аши Ваҳишта (энг яхши ҳақиқат) эса оловга ҳомийлик қилади ва ҳоказо. Ўтмишнинг энг аҳамиятли динларидан бўлган зардуштийлик диний фалсафий иккиликни (дуализмни), қадимги урф-одатлар ва тарихий ривоятларни ўзига сингдиради ва бундан ташқари зардуштийлик, пайғамбар Заратуштрадан олдинги даврларга оид қадимги эроний қабилаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ҳам ўз ичига олган.

Зардуштийлик Сосонийлар даврида (милоднинг III—VII асрлари) узил-кесил расмийлашган. Бу даврда зардуштийликнинг адабиёти ҳам кенг тарқалди. Шунини айтиб ўтиш керакки, дастлабки пайтларда зардуштийлик динининг муқаддас матнлари авлодлардан оғзаки етказилган ва Заратуштра ўлиmidан кейин бир неча аср ўтгач маълумотлар тўпланиб ягона матн ёзилган.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто» шу тариқа юзага келган. Бир қатор олимлар зардуштийлик ақидаларига таяниб «Авесто»ни илк Сосонийлар (милоднинг III—VI асрлари) даврига боғласаларда, шунга қарамай унинг биринчи таҳрири милоддан олдинги I асрларда бўлиб ўтган деб ҳисобланади. «Авесто» жумласи ҳам ўша пайтда пайдо бўлган бўлиб, у ўрта форс тилида, «апастан», яъни «асос», «асосий матн» деган маънони билдиради.

Мусулмонларда «Қуръон», насронийларда «Библия» бўлганидек, «Авесто»— зардуштийлик динининг матнлари тўпламидир. Бу тўпламлар турли вақтларда ва тур-

ли жойларда вужудга келган. Эронда ислом дини қабул қилинган, Авестонинг катта қисми йўқ бўлиб кетди. Бизгача унинг кундалик диний амалиётлари учун зарур бўлган матнларигина етиб келган холос.

Энг қизиғи Видевдат бўлиб, тўплам маъноси — «девларга қарши қонун» демакдир. У қоҳинлар мажмуи бўлиб, покланиш маросимлари қоидалари, гуноҳларни ювиш ва саҳоватли бўлиш, ҳар хил урф-одат қоидалари, шу билан бирга дафн этиш маросимлари ҳақидаги бўлимдир.

Зардуштийлик мураккаб ва ғоят ўзига хос дафн маросимини ишлаб чиқди. Авестодаги ерга, сувга, оловга ўликни теккизиб ҳаром қилишни қатъий таъқиқлаш — унинг асосини ташкил этади. Қимки инсонни ёки итни ерга кўмса, катта гуноҳ қилган ҳисобланиб, бу гуноҳи учун «отнинг қамчиси» билан 500 марта урилган. Инсон ёки итнинг ўлиги кўмилган ерга бир йилгача экин экиш таъқиқланган.

Унда нима қилиш керак? ўликни қандай кўмиш керак? Видевдатда ёзилганидек, зардуштийлик қоҳинлари мураккаб дафн маросими ақидаларини ишлаб чиққанлар. Ёзилишича, ўликнинг танаси албатта «катага» — унча катта бўлмаган иморатга қўйилиши керак. Кейин эса уни даҳмага (табiiй ёки махсус бинога) олиб бориш керак. У ерда ўликни, қушлар, ёввойи ҳайвонлар, ёки ўргатилган итлар ейди. Фақат ана шундан кейингина тозаланган суякларни тош, лой ёки оҳакдан ясалган махсус суяк сақлагич жойларга қўйишга рухсат этилган.

Видевдатда бу суяк сақланадиган жой «исдона» деб юритилади, ундан қадимгироқ паҳлавий матнларида эса, «остодан» дейилади. Унинг таржимаси ҳалигача аниқ эмас ва икки хил маъно беради. Айрим олимларнинг фикрича исдона—остодан, сопол тобутча—оссуарий бўлиб, улар Марказий Осиёда тез-тез учраб туради. Бошқалар, шунингдек, В. Б. Хеннинг бу сўзни «ер остидаги сағана» деб таржима қилган. Мил. ав. VI—IV асрларга оид остоданлар Марказий Осиё ҳудудида кўплаб топилган. Дафн маросими билан алоҳида одамлар гуруҳи шуғулланган бўлиб, уларни «ристокаша», «ифлос ва тоза бўлмас одамлар» деб ҳисоблашган. Улар олов, сувдан 30 м. узоқда юришлари керак бўлган. Одамларга 3 м. гача яқин юрмаслиги лозим эди. Умуман зардуштийлик таълимоти ер, сув, ҳаво ва оловни муқаддас деб

ҳисоблаган. Бу анъаналардан баъзилари бизгача етиб келган (сувга тупурмаслик ва пешоб қилмаслик, тўйларда келинни оловдан айлантириш ва ҳ. к.).

«Авесто»нинг яна бир қимматли томони шундаки, у Ўзбекистон халқлари қадимги тарихини ўрганишда дастлабки ёзма манбалардан бири ҳисобланади. «Авесто»ни тўплам ҳолида йиғган олим Анкетил Дюпперон (Франция) бўлиб, у XVIII асрнинг ўрталарида уни Ҳиндистондаги Гужарат вилоятидан келтиради ва Француз тилида чоп эттиради. Бизгача «Авесто»нинг айрим китоблари етиб келган. Тадқиқотчилар уни қуйидаги қисмлардан иборат деб ҳисоблайдилар. «Ясна» «қурбонлик келтириш», «Яшт» (қадрлаш), «Видеват» (девларга қарши қонунлар). «Виспрат» (ҳамма ҳукмронлар). «Ясна» даги 72 бобдан 17 таси пайғамбар Заратуштрага тегишли. Улар — «Гота»лар номли «муқаддас қўшиқлар»дир. Видевдатда Марказий Осиёдаги вилоятлар ва давлатлар ҳақида қуйидагича маълумотлар берилади: «Мен, Ахурамазда энг яхши ерлар ва мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Ванхви Даити бўйида (кўпчилик тадқиқотчилар уни Амударё дейдилар) Арёнам Вайжони яратдим, шунда ўлим келтирувчи Анхро Манё ... девлар ва қишни яратди... Мен Ахурамазда энг яхши ерлар ва мамлакатлар орасида иккинчи бўлиб суғдийлар яшайдиган Гава маконига асос солдим». Шундан сўнг Моуру (Марғиёна), Баҳди (Бақтрия) каби кўплаб давлат ва вилоятлар эслатиладик, бу «Авесто»нинг тарихий манбаи сифатида қимматини янада оширади.

Баъзи олимлар, македониялик Искандар қадимги форслар сулоласини тор-мор этганидан сўнг «Авесто»нинг энг эски қисмларини йўқ қилган деб ҳисоблайдилар. Аммо, Парфия подшоси Вологез I даврида (милоднинг 51—78 йиллари). «Авесто»нинг қолган-қутган қисмларини тўпланади.

Авестонинг энг қадимги қисмлари кенг ҳудудда жойлашган жамиятни тасвирлаб, бу жамият ҳақида ёзувсиз замонларга оид тасаввурларни ҳам сақлаганлар. Авесто китоблари турли хил маълумотларни ўз ичига олади, шулар жумласидан — қадимги географик тушунчалар — дарёлар, тоғлар, кўллар номлари, ҳудудий этник-қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ҳақида ижтимоий ва сиёсий тузум, диний насиҳатлар, зардуш-

тийларнинг фалсафаси, дунё тарихи ривожланиши ҳақида маълумотлар ва бошқалар.

VII—VIII асрларда араблар Марказий Осиё ва Эронни босиб олгач бу ҳудудларда Заратуштра таълимоти йўқ қилиниб ислом дини ёйилди. Зардуштийларнинг катта қисми XVIII асрда Ҳиндистонга кўчиб ўтдилар. Ҳозирги кунда зардуштийликка сифинувчи халқлар фақат Ҳиндистон ва Эронда яшайдилар. Заратуштра ўз замонасида ва ундан кейин ҳам тарихий шахс бўлиб қолди. У яратган таълимот эса маълум муддат деярли Шарққа ва Марказий Осиёга ёйилиб, кўпчилик давлатлар динига айланди.

2-§. МАКЕДОНИЯЛИК ИСКАНДАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЮРИШЛАРИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Аҳмонийлар давлатининг қулаши.
Македониялик Искандарнинг Марказий Осиёга
юришлари

4:С Мил. авв. IV асрда қадимги дунё тарихида бир қанча сиёсий ўзгаришлар бўлиб ўтди. 360 йилда Филипп II Македония тахтига ўтирди. У бутун Македонияни бирлаштириб, мил. ав. 349 йилдан бошлаб юнон шаҳарларини ўз давлатига қўшиб ола бошлади. Филипп II ҳарбий ислоҳот ўтказиб, тартибли ва яхши қўролланган қўшин тузишга муваффақ бўлди. Македония Болқон ярим оролидаги кучли давлатга айланди. Бу даврга келиб Македония билан Аҳмонийлар ўртасидаги зиддиятлар кучайиб кетган эди. Мил. ав. 337 йилда Филипп II Коринф шаҳрида умумюнон анжумани ўтказиб ўзини Юнонистон подшоси деб эълон қилди. Мил. ав. 336 йилда Аҳмонийлар давлатига қарши кураш бошланди. Аммо, ўша йили Филиппнинг ўлдирилиши туфайли бу уруш тўхтаб қолди. 336 йилда тахтга Филиппнинг ўғли 20 ёшли Искандар ўтирди.

Македониялик Искандар тахтга ўтирганидан сўнг Аҳмоний ҳукмдорларига зарбалар беришдан олдин ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишга қарор қилди. Чунки у тахтга ўтирган пайтда Болқон ярим оролидаги юнон шаҳар—давлатлари ёш подшога қарши қўзғолон кўтаришга тайёр эдилар. Искандар ҳеч кимга раҳм-шафқат

қилмасдан уларнинг қаршилигини енгиб, Болқон ярим оролида ўзининг мавқеини анчагина мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлди. Юнон шаҳарларидаги кўпгина Искандарга қарши бўлган маҳаллий амалдорлар сўнгги Аҳмоний подшоси бўлган Доро III ҳузурига қочдилар.

Искандар аҳмонийлар Эронига қарши урушга қаттиқ тайёргарлик кўриш зарурлигини яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам у Кичик Осиёдан Парменион бошлиқ қўшинларни чақиртирди. Ҳарбий кенгаш тузиб қуруқликда ва сувда ҳаракат қилаётган қўшинлар олдига аниқ вазифалар қўйди. Қўшинлар ва флот саркардалари тажрибали ва Искандарнинг яқин ҳамда ишончли одамларидан тайинланди. Қуруқликдаги қўшинларнинг отлиқ қисмларига ва уларнинг қуролланишига катта аҳамият берилди. Хуллас, икки йил давомида Искандар форслар билан ҳал қилувчи урушлар олиб бориш учун қаттиқ тайёргарлик кўрди.

Мил. ав. 334 йилнинг баҳорида македон қўшинлари «уруш оловини Осиёга, Осиё бахтини эса ўзимизга қаратамиз» шиори остида форсларга қарши юриш бошлади. Юнон-македонлар ва форслар ўртасидаги дастлабки тўқнашув 334 йилнинг май ойида Граник дарёси ёнида бўлиб ўтди. Бу жангда форс қўшинлари мағлубиятга учраб, уларнинг қолган-қутганлари Милетга қочиб кетдилар. Бу ғалабадан сўнг Искандар Кичик Осиё портларига чиқиш имкониятига эга бўлди. Ундан ташқари бу ғалабадан сўнг Кичик Осиёдаги кўпгина шаҳарлар Искандар томонига ўтдилар. 333 йилнинг ёзига келиб бутун Кичик Осиёда македониялик Искандар ҳукмронлиги ўрнатилган эди.

Мил. ав. 333 йилнинг ноябрида Исса шаҳри (Сурия чегарасида) ёнида қаттиқ жанг бўлди. Ниҳоятда даҳшатли бўлган бу жанг форсларнинг мағлубияти билан якунланди. Доро III жангни натижасини ҳам кутмасдан туриб қочиб кетди. Исса ёнидаги жанг ҳал қилувчи бўлмаса ҳам, Искандар юришлари нима билан тугашини аниқ қилиб қўйган эди. Исса жангидан кейин форслар қўшинлари тартибсиз равишда чекина бошладилар. Мил. ав. 331 йилнинг баҳорига қадар македониялик Искандар қўшинлари шиддатли жанглар олиб бориб Фаластин, Финикия, Миср каби давлатларни барт (Сир-Аҳмонийлар давлатининг марказий қисми) аврда дарё-гогида эса бир

Мил. ав. 331 йилнинг октябрида Гавгамела ёнида (Шимоли-Шарқий Месопотамияда) навбатдаги жанг бўлди. Антик муаллифлар маълумотларига қараганда бу жангда 30 мингга яқин форслар ҳалок бўлдилар. Ўз давлати тақдирини аниқ ҳис қилган — Доро III Мидияга қочиб кетди. Македониялик Искандар қўшинлари тобора форс давлати ичкарасига кириб борарди.

Искандар билан аҳмонийлар ўртасидаги урушда аҳмонийлар сулоласи тўла мағлубиятга учради. Аҳмонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Доро III мамлакатининг шимоли-шарқий чегараларига қочиб кетди ва Бақтриядан паноҳ топди. Юнон тарихчиси Аррианнинг ёзишича, Бақтрияда Доро III га қарши фитна уюштирилди. Бу фитнага Доро III нинг яқин қариндоши, Бақтрия сатрапи Бесс бошчилик қилади. Оқибатда Доро асрга олиниб Бесс томонидан қатл этилади. Бесс эса ўзини аҳмонийларнинг Осиёдаги подшоси деб эълон қилади ва Артаксеркс деган ном олади. Бесс Марказий Осиё вилоятларидаги (Бақтрия, Суғдиёна, Марғиёна ва бошқ.) қўшинларни тўплаб юнон-македон боқинчиларига қарши чиқмоқчи эди.

Мил. ав. 330—329 йилнинг қишида Искандар қўшинлари Афғонистоннинг жанубий томонини эгаллаб Ҳиндиқуш довони орқали шимолга ҳаракат қила бошлади. Бесс тўпланган қўшинлари билан Искандарга қарши чиқди. Кучлар нисбати тенг эмас эди. Шунга қарамадан Бесс қўшинлари сафидаги Сатибарзан бошлиқ орийлар отлиқ қисмлари қаттиқ туриб жанг қилдилар. Аммо, тажрибали юнон-македон қўшинлари Бесснинг қўшинларини тор-мор этишга муваффақ бўлдилар. Македониялик Искандар Бақтриянинг пойтахти Бақтро шаҳрига (ҳозирги Балх) кириб борди. Шунингдек, Бақтриядаги Аорн, Драпсак, каби мустаҳкам қалъалар ҳам эгалланди. Ёзма манбаларнинг маълумот беришича, Бесс ўзига яқин кишилар билан Суғдиёнага қочиб кетади. Буни Курций Руф шундай таърифлайди: «Унинг ўзи девор панасига ўтган каби Окс ортига, суғдийлар ҳузурига бориб душмандан яширинишга қарор қилди».

Мил. ав. 329 йилнинг баҳорида македониялик Искандарнинг қўшинлари Окс (Амударё) бўйларига етиб келди. Тахтга ўтиришнинг келиши дарёнинг серсув даврига тўғшаҳар—давлат даврда дарё тўлиб оқарди. Шунга қарашига тայёр эдилар дарёдан сузиб ўтишга қарор қилди. Иккинчича, Искандар қўшинлари қопларга

қуруқ хашак тўлдириб қайиқлар ясайдилар ҳамда беш кун давомида Оксдан сузиб ўтадилар. Утиш давомида кўпчилик жангчилар сувга фарқ бўлдилар. Искандарнинг буйруғи билан ясама қайиқлар ёқиб юборилади. Афтидан, Искандар юнонларнинг чекинишларини хоҳламаган бўлса керак. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда сузиб ўтиш жойи Термизнинг ғарбий томонида бўлган.

Оксдан сузиб ўтган юнон-македон қўшинларининг дастлаб Птолемей Лаг бошчилигидаги илғори, кейин эса асосий қўшинлар Навтака вилоятига кириб бордилар. Бу ердан эса Искандар қўшинлари Суғдиёنانинг пойтахти Мароқанда (Самарқанд) шаҳрига йўл оладилар. Курций Руфнинг маълумот беришича, юнон-македон қўшинлари Мароқандани эгаллашда унчалик қаршиликка учрамадилар ва «шаҳарда ўзларининг гарнизонларини қолдириб, яқин атрофдаги қишлоқларни ёндириб ва вайрон этиб», шимоли-шарққа томон ҳаракатлана бошладилар.

Аммо, Мароқанддан сўнг юнон-македон қўшинларининг юришлари ниҳоятда оғир кечди. Суғд аҳолиси бир тан-бир жон бўлиб босқинчиларга қарши чиқди. Улар ўз ерларининг озодлиги ва мустақиллигини мардонавор туриб босқинчилардан ҳимоя қилдилар. Бу кураш Ўзбекистон қадимги тарихининг ёрқин сафиҳаларидан бири ҳисобланади. Шундан сўнг оғир жанг кўринишларидан бири Уструшонанинг (Самарқанд ва Жиззах оралиғидаги ерлар) тоғли ҳудудларда бўлиб, ўтди. Маҳаллий аҳоли юнон-македон қўшинларининг сиқуви остида тоғларга чекинишга мажбур бўлдилар. Жанг жуда оғир шароитда тоғ дараларида ва қояларида бўлиб ўтди. Суғдийлар энг сўнги дамга қадар курашни давом эттирдилар. Аррианнинг ёзишича, асирга тушиш шароитида бўлган суғдликлар ўз-ўзларини ўлдирганлар. Искандар ниҳоятда катта қийинчилик билан маҳаллий аҳоли қаршилигини синдиришга эришди. Тоғли ҳудудлардаги жангларда юнон-македон жангчилари кўплаб ҳалок бўлган. Искандарнинг ўзи ҳам оғир ярадор бўлди.

Юнон-македон қўшинлари Уструшонадан сўнг ўша даврда дашт кўчманчилари (саклар) ва ўтроқ аҳолиси (суғдийлар) ўртасида чегара ҳисобланган Яксарт (Сирдарё) томон ҳаракат қила бошладилар. Бу даврда дарёнинг ўнг қирғоғида саклар яшар, чап қирғоғида эса бир

нечта кичик шаҳарлар бор эди. Искандар дарё бўйида тўхтаб юнон-македон қўшинларидан шаҳарларга гарнизонлар жойлаштирди. Кўп ўтмай бу шаҳарлар аҳолиси босқинчиларга қарши қўзғолон кўтарди. Ўнг қирғоқдаги кўчманчи саклар эса қўзғолон кўтарган суғдийларга ёрдам бериш мақсадида ўз ҳарбий кучларини бир ерга тўплай бошладилар. Худди шу пайтда Бақтрия ва Суғдиёнанинг бошқа жойларида ҳам Искандарга қарши қўзғолонлар кўтарилди.

Юнон-македон босқинчиларига қарши курашлар

Марказий Осиёнинг катта ҳудудида Искандарга қарши қўзғолонлар кўтарилгач у қийин аҳволда қолди. Бундай қийин аҳволдан чиқиш учун у дастлаб Яксарт бўйларида ўз мавқеини мустаҳкамлашга қарор қилди. Аррианнинг ёзишича, юнонлар икки кунда Яксарт бўйида жойлашган бешта шаҳардаги қўзғолонни шафқатсизларча бостирди. Искандарнинг буйруғи билан «барча эркаклар қириб ташланди, хотинлар, болалар ва бошқа ўлжалар аскарларга берилди».

Юнонлар қўзғолоннинг маркази бўлган Киропол шаҳрини қамал қилдилар. Унга ҳужум қилишда Искандарнинг шахсан ўзи ҳам иштирок этди. У бир гуруҳ жангчиларни олиб қуриб қолган дарё ўзани орқали шаҳарга киришга муваффақ бўлди ва қўшинларга шаҳар дарвозаларини очиб берди. Шаҳар кўчаларида олиб борилган шиддатли жанглар натижасида саккиз мингга яқин маҳаллий аҳоли ҳалок бўлди. Юнонлардан ҳам ўлганлар кўп эди. Искандарнинг ўзи ҳам ярадор бўлди. Қўзғолоннинг маркази шу тариқа бостирилди.

Юнон қўшинлари Кирополни қамал қилиб турган пайтда Яксартнинг ўнг қирғоғида саклар куч тўплаётгани ҳақида хабар келди. Шунингдек Суғдиёнанинг марказида ҳам қўзғолон кўтарилган эди. Мил. ав. 329 йилнинг кузида бошланган бу қўзғолонга маҳаллий саркардалардан бўлган Спитаман (грекчада Спитамен) бошчилик қилди. Спитаман Мароқандда Искандар қолдириб кетган гарнизонни қириб ташлаб шаҳарни эгаллади. Искандар Мароқандага ҳарбий саркарда Фарнуҳ (асли ликиялик бўлиб, у маҳаллий тилни ва урф-одат-

ларни яхши биларди) бошлиқ 3 минг пиёда ва 800 от-лиқ қўшинлар жўнатди.

Ёзма манбалар маълумотларига кўра Искандарнинг Яксарт бўйида қолган асосий қўшинлари бу ерда янги шаҳар барпо этилди. Курций Руфнинг ёзишича шаҳар 17 кунда, Аррианнинг ёзишича эса 20 кунда қуриб битказилди ва Александрия Эсхата (Чеккадаги Искандария, ҳозирги Бекобод ва Хўжанд оралиғида) деб ном берилди. Бу шаҳарни қуришдан мақсад, Искандар ўз давлатининг шимоли-шарқида ўзига таянч нуқтаси барпо этиш эди. Шунингдек, Чеккадаги Искандария юнон-македон қўшинларининг Марказий Осиёдаги сўнгги таянч нуқтаси эди.

Дарё ортидаги саклар янги шаҳарнинг қурилишни саклар мустақиллигига катта хавф солиши мумкин деб ҳисоблардилар. Шунинг учун ҳам саклар йўлбошчиси ўз акаси Картасисга дарёдан ўтиб шаҳарни вайрон этиш, юнон-македонларни эса дарёдан узоқроққа ҳайдаш ҳақида буйруқ берди. Искандар уларнинг юришларини кутмасдан дарёдан ўтиб (Хўжанд ва Бекободо оралиғида) саклар устига юриш қилди. Лекин бу юришни узоқ давом эттирмай орқага қайтди. Дашт шароити унга юришни давом эттиришга имкон бермади.

Юнон-македон қўшинлари Уструшона ва Фарбий Фарғонани эгалаш учун курашаётган бир пайтда қўзғолон алангаси бутун Суғдиёна ва Бақтриянинг бир қисмини қамраб олди. Фарнух бошчилигидаги қўшинлар Мароқандага яқинлашиб қолганда Спитаман Политиметнинг (Зарафшон) қўйи оқимидаги дашт ерларга чекинди. Бу ерда кўчманчиларнинг отлиқ қўшинлари билан бирлашиб ҳужумга ўтди. Тўсатдан қилинган ҳужум натижа-сида юнон-македон қўшинлари қаттиқ саросимага тушиб қолдилар. Уларнинг катта қисми қириб ташланди. Қолган-қутганлари эса шаҳар қалъасига беркиниб олдилар. Спитаман яна Мароқандани қамал қилди. Искандар қўшинлари кўп урушлар олиб бориб ҳали бунчалик кўп талофат кўрмаган эди. Шунинг учун ҳам Искандарнинг шахсан ўзи асосий кучлар билан Мароқандага, Спитаманга қарши қўшин тортди.

Искандарнинг ўзи асосий кучлар билан келаётганини эшитган Спитаман яна ҳарбий ҳийла ишлатиш мақсадида Мароқандани ташлаб чўлнинг ичкарасига чекинди. Кўп урушлар кўрган Искандар унинг ҳийласига учмади. Шунинг учун ҳам унинг ортидан таъқиб қил-

мади. Бунинг ўрнига у Зарафшон воҳаси аҳолисидан қаттиқ ўч олди. У юнон-македон қўшинларининг бутун кучини тинч аҳолига қаратди. Искандарнинг буйруғи билан кўплаб қишлоқлар вайрон этилиб ёқиб юборилди. Катта ёшдаги барча аҳоли қиличдан ўтказилди. Бу қайғули воқеалар ҳақида юнон тарихчиси Диодор маълумотлар беради. Курций Руфнинг маълумотларига қараганда қўзғолонда иштирок этган 30 та суғдий ёшлар ўлимга маҳкум этилгач, қўшиқ айтиб ўлимга тик борадилар. Уларнинг жасоратларига тан берган Искандар кўпгина суғдий зодагонларга авфи умумий эълон қилади.

Суғдиёна, Бақтрия ва саклар ўлкасида кўтарилган қўзғолонлар юнон-македон зулмидан озод бўлишга қаратилган бўлиб, Искандарнинг «варвар»ларни осонликча босиб олмоқчи бўлган режаларини чиппақка чиқарди. Қўзғолон олови ўтроқ аҳоли орасидан ташқари, кўчманчи саклар ва массагетлар ўртасида ҳам ёйилган эди. Искандар Суғдиёнадаги бир неча қалъаларда ва пойтахт Мароқандада каттагина қўшинларини қолдириб ўзи маълум қўшинлар билан 329—328 йилнинг қишловини ўтказгани Бақтрияга (баъзи маълумотларда Навтакага дейилган) қайтади.

Суғдиёнадаги тоғли ноҳиялардаги босқинчилар қадами етмаган жойларда қўзғолончилар яшириниб олган эдилар. Суғдиёнанинг деярли барча аҳолиси Спитаман томонида бўлиб, унинг муваффақиятларига катта умид боғлаган эдилар.

Искандар Бақтрияда қишловни ўтказар экан вақтни беҳуда кетказмади. У бу ерда Хоразм ҳукмдори Фарасман билан музокаралар олиб борди. Искандарга саркарда Неарх бошчилигидаги каттагина янги кучлар келиб қўшилди.

Мил. ав. 328 йилда Искандар яна Спитаман билан кураш олиб борди. Бу пайтга келиб Суғдиёна ва Бақтрия халқларининг Спитаман бошчилигидаги озодлик курашининг иккинчи босқичи бошланган эди. 328 йилнинг баҳорига келиб кўпгина суғдийлар турли қалъаларда тўпланиб юнонлардан қўйилган ҳукмдорларни тан олмадилар.

Искандар аҳолининг оғир бўлаётганини тушуниб 30 минг қўшинни 5 гуруҳга бўлди. Бу гуруҳларга энг ишончли саркардалар — Гестеион, Птолемей Лаг, Пердикка, Қен ва Артабазлар бошчилик қилардилар. Ис-

кандарнинг ўзи бошчилигидаги алоҳида қўшинлар яна Мароқандага юриш қилди. Саркардалар эса алоҳида қалъаларга ҳужумлар бошладилар.

Кўпчилик ёзма манбалар Суғдиёнадаги македон босқинчиларига қарши олиб борилган озодлик кураши ҳақида батафсил маълумотлар бермайди. Баъзи бир кам сонли, узуқ-юлуқ хабарлар орқалигини қўзғолоннинг кенг миқёсда бўлиб, уни бостириш осонликча кечмаганлигини билишимиз мумкин. Афтидан, Суғдиёнанинг кўп жойлари қўзғолон ўчоғи бўлган. Искандарнинг қўшинлари беш гуруҳга бўлиши бежиз ҳол эмас, эди. Аррианинг гувоҳлик беришича, Гефестионга Суғд шаҳарларига одамлар жойлаштириш ҳақида буйруқ берилади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қўзғолон натижасида кўп одамлар қирилиб кетади. Уларнинг қолганлари ҳам тоғли ноҳияларда курашни давом эттирдилар.

Спитаман бу пайтда янгидан зарбалар беришга тайёргарлик кўрарди. У доимо рақибларининг заиф жойларини излар ва айнан ўша жойлардан зарбалар берарди. Искандар қишлоғни ўтказаетган пайтда, у, рақибининг орқа томонига айланиб ўтиб 600 отлик билан ҳужумлар қилди. Бақтрияда юнонларга қақшатқич зарбалар бериб турди. Искандарнинг ҳарбий бошлиқларидан бири Кен Спитаманга қарши туришга муваффақ бўлди. Спитаман даштга яширинишга мажбур бўлди. Юнонлардан чекинар экан у Зарафшоннинг қўйи оқимлари томонга кетиб қолди. Мил. ав. 328 йилнинг кузида Спитаман бу ердаги қалъалардан бирини эгаллаб олди ва 3 минг отлик билан Суғдиёнанинг пойтахтига томон юрди. Юнонлар барча кучларини Спитаманга қарши ташладилар ва уни асир олишга ҳаракат қилдилар. Лекин бунга эриша олмадилар. Шавқатсиз жангда юнонлар ғалаба қилдилар. Суғдий ва бақтриялик зодагонлардан бири қисми Спитаманга хиёнат қилиб юнонлар томонига ўтиб кетдилар. Спитаман саклар ерларига қочиб кетди. Бақтриялик ва суғдий зодагонларнинг юнонлар томонига ўтишларини Курций Руф, «варварлар орасида бирлик йўқ эди», деб изоҳлайди. Лекин маҳаллий зодагонлардан баъзилари (Оксиарт, Хориен) қаршилиқ ҳаракатини тўхтатишга қарор қилиб Искандар томонига ўтганларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Спитаманга хиёнат ҳақида гап кетар экан, унинг ўлими ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Бу ҳақда турли

фикрлар бор. Курций Руфнинг ёзишича, Спитаманнинг хотини уни ўлдириб, калласини Искандарга элтади. Чунки, доимо таҳликали ҳаёт кечириш, хавф-хатарли кўчиб юришлар унинг жонига теккан эди. Аррианнинг ёзишича, кўчманчи саклар йўлбошчилари Спитаманга хиёнаткорона ҳужум қилиб бошини танасидан жудо қилдилар ва «калласини Искандарга жўнатиб ўз хавфсизликларини сақлаб қолмоқчи бўлдилар». Спитаман ўлими ҳақида шу нарса аниқки, у хиёнатнинг қурбони бўлди. Бу воқеа мил. ав. 328 йилнинг охирида содир этилди.

Спитаман тажрибали давлат арбоби ва саркарда бўлиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у босқинчиларни она-Юртидан ҳайдаб чиқариш учун имконияти бўлган барча тадбирни кўрди, чоралардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. У мағлубиятга учради. Шунга қарамасдан у моҳир жангчи бўлиб, душманнинг кичик хатосидан ҳам унумли фойдаланар ва унинг заиф томонларини топишга ҳаракат қиларди. Аммо, ҳарбий куч-қудрат жиҳатдан Искандар жуда устун эди.

Спитаманнинг ҳалокати билан юнон-македон босқинчиларига қарши озодлик ҳаракати тугаб қолмади. Ҳаракатнинг иккинчи босқичи якунланди холос. Суғдиёна халқи бўйсунини истамас эди. Боқинчилар учун Суғдиёнадаги аҳвол хавfli бўлиб қолаверди. Шунинг учун ҳам Искандар мил. ав. 328—27 йиллар қишлоғини Суғдиёнада ўтказишга мажбур бўлди.

Босқинчиларга қарши қўзғолоннинг учинчи босқичи бир оз бошқача хусусиятга эга эди. Бу даврда текисликларда мағлубиятга учраган қўзғолончилар тоғ қалъаларида курашни давом эттирдилар. Тоғ қалъалари қўзғолон ўчоғларига айланган эди. Ҳозирги тадқиқотлар натижаларига қараганда улар жануби-шарқий ҳудудларда жойлашган.

Қадимги ёзма манбаларда ҳам аҳоли яширинган қоялар ва қалъалар ҳақида маълумотлар берилади. Шундай қоялардан бири «Суғд қояси»дир (ёки «Аримаз қояси»), Қоядаги қўзғолончиларга Аримаз бошчилик қиларди. Искандар Аримазга авф ва бойликлар ваъда қилиб таслим бўлишини сўрайди. Суғдийлар масхара қилиш билан жавоб берадилар. Тунда моҳир қояга чиқувчилар арқонлар ва болталар ёрдамида тепага чиқиб оладилар. Фафлатда қолган қўзғолончилар қириб ташланади.

Қўзғолончиларнинг яна бир қароргоҳи «Хориен қояси» бўлиб (Ўзбекистоннинг жанубида деб тахмин қилинади), қўзғолончиларга маҳаллий зодагонлардан бўлган Хориен бошчилик қиларди. Бу қоя ҳужум қилиш нуқтаи назаридан жуда ноқулай жойда жойлашган бўлиб, юнонлар катта қийинчилик ва моҳир муҳандислик санъати туфайлигина қояга кўтарилишга муваффақ бўлдилар. Қўзғолончиларнинг бир қисми қириб ташланди, бир қисми эса ўз хоҳиши билан Искандар томонига ўтди (жумладан Хориен ҳам).

Қўзғолон давом этарди. Ниҳоят, Искандар маҳаллий аҳолини куч билан қаршичилигини енга олмаслигига, босиб ололмаслигига ишонганидан сўнг турли йўллар билан уларга яқинлашишга, муносабатларига илиқлик киритишга ҳаракат қилди. У маҳаллий халқ вакилларига писбатан сиёсатини тубдан ўзгартиришга қарор қилди. Зардуштий қоҳинларига бирмунча эркинликлар бериб, ўзи ҳам зардуштийлик динини қабул қилди. Тоғли ҳудудлардаги қўзғолонларни бостирад экан, уларнинг бошлиқлари Оксиарт, Сисимитр, Хориен кабиларни фақат кечириб, жонини сақлабгина қолмасдан бутун молмулкини ҳам қайтариб берди. У фақатгина маҳаллий зодагонларни тақдирлабгина қолмасдан, ўзига қарши қўзғолонга қатнашганларга ҳам мукофотлар тарқата бошлади. Искандар маҳаллий аҳоли билан муносабатларни янада чуқурлаштириш мақсадида улар билан қариндошлик алоқаларини ўрнатди. Оксиартнинг қизи гўзал Роксанага (Роҳшанак) уйланди. Маҳаллий зодагонларнинг деярли барчаси Искандар ҳокимиятини тан олиб унинг хизматига ўтиб кетдилар. Мил. ав. 327 йилнинг охирларида Суғдиёна Искандар томонидан батамом босиб олинди, қўзғолон бостирилди.

Шундай қилиб, Суғдийларнинг юнон-македон босқинчиларига қарши уч йил давомида олиб борган кураши тугади. Искандар Марказий Осиё ерларига бостириб кирар экан бу ердаги халқлар, табиий шароити ҳақида кам тасаввурда бўлиб, умумий хулосаларга эга эди холос. Юнонлар Марказий Осиё халқларининг маданияти жуда орқада қолган деб ҳисоблар эдилар. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё ерларини тезлик билан босиб олиб, кейин улар учун афсонавий туюлган Ҳиндистон устига юрмоқчи эдилар. Юнонларнинг хом хаёли туфайли Ҳиндистон юриши уч йилга кечикди.

Юнон-македон босқинчиларига қарши кураш олиб бо-

рар экан, Марказий Осиё халқлари мислсиз жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар юнонлар ўйлаганидек «варварлар» ва маданиятдан орқада қолган эмас, ўз даврининг юксак ҳарбий санъати ва маданиятига эга эканликларини намойиш этдилар. Искандар қўшинлари бутун Шарқ давлатларини ўзларига бўйсундирганларида Суғдиёна ва Бақтриядаги каби қаттиқ қаршиликка учрамаган эдилар. Бу ҳолни Искандар тарихини ёзган кўпгина антик давр тарихчилари ҳам эътироф этадилар.

Суғдиёна мағлубиятга учради. Лекин унинг халқи, Спитаман каби фарзандлари озодлик учун курашнинг жасур қаҳрамонлари сифатида тарих саҳифаларида абадий қолди.

Искандар давлатининг қулаши. Марказий Осиёдаги эллин давлатлар

Суғдиёнада ва Марказий Осиёнинг қолган вилоятларида ўз ҳокимиятини мустақкамлаганидан сўнг Искандар иккинчи марта Ҳиндикуш довоидан ошиб Ҳиндистон ерларига ҳужум қилди. Мил. ав. 326 йилда у ҳинд подшоларининг умумлашма қўшинларини тор-мор этиб, Панжоб вилоятини босиб олди. Сўнгсиз ва қийин юришлардан ҳориган юнон қўшинлари орасида норозилик чиққанлиги сабабли Искандар ғарбга, Бобилга қайтишга мажбур бўлди.

Мил. ав. 324 йилда Искандар ўз қўшинлари орасида бир қанча ислоҳотлар ўтказиб, ўзгаришлар киритди. Қўшинлар таркибидаги форслар ва марказий осиеликлар тенг ҳуқуққа эга бўлдилар. Ундан ташқари маҳаллий зодагонларнинг фарзандларидан иборат 30 минг кишилиқ қўшин тузилди. Фақат ёшлардан иборат бу қўшин юнонлар одатлари бўйича кийинтирилиб, қуроллантирилди ва ҳарбий юришларга ўқитилди. Искандар янги юришларни режалаштира бошлаган эди. Аммо, мил. ав. 323 йилда у Бобилда тўсатдан (касаллик туфайли) вафот этди ва режалари амалга ошмай қолди.

Искандар юнон-македон ҳокимиятини мустақкамлаш мақсадида Марказий Осиёда кўплаб таянч нуқталари барпо этади. Ёзма манбаларда Александрия Эсхата, Александрия Ария (Хирот), Ойхоним, Бақтрия Александрияси (афтидан Бақтро бўлса керак) Марғиёна Александрия (Марв), Окс бўйидаги Александрия (Кўлоб ёки Термез атрофларида) каби шаҳарлар эслатиб

Ўтилади. Бу шаҳарларда бир неча минглаб юнон-македон қўшинлари заҳирада турар эдилар.

Македониялик Искандарнинг ҳарбий юришлари натижасида Болқон ярим ороли, Эгей денгизи ороллари, Кичик Осиё, Миср, Олд ва Марказий Осиё, Ҳинд дарёсининг қуйи оқимигача бўлган ҳудудни қамраб олувчи улкан давлат ташкил топди. Бундай улкан ва қудратли давлат тарихда биринчи марта ягона сиёсий тартиб донрасида бирлаштирилди. Аммо Искандар барпо этган давлат ҳам аҳмонийлар давлати каби турли халқлар ва қабилаларнинг тасодифий йиғиндисидан иборат бўлиб, фақат қўрқитиш ва қурол кучи билан идора қилинарди. Македониялик Искандар вафот этиши билан кўп ўтмасдан у тузган давлат Миср, Македония ва Салавкийлар давлатига бўлиниб кетди.

Мил. ав. IV асрнинг охири III асрнинг ўрталарида Бақтрия Македониялик Искандарнинг энг ишончли саркардаларидан бири Салавка асос солган Салавкийлар давлати таркибига кирар эди. Мил. ав. 312 йилда Салавка атрофидаги саркардалар билан қаттиқ кураш олиб бориб Бобилни босиб олди. У бир неча йил давомида урушлар олиб бориб давлати чегараларини Фарбга ва Шарққа томон кенгайтириб Эрон ва Марказий Осиё ҳудудларини ҳам босиб олишга эришди.

Юнон тарихчиси Помпей Трогнинг ёзишича, «Салавка баъзи жойларни музокаралар йўли билан эгаллади, аммо, Бақтрия, Парфия, Сўғд ерларида у қаттиқ қаршиликка учради ва оғир жанглар олиб боришга тўғри келди». Бу маълумотни қадимги тарихчи Арриан ҳам тасдиқлайди: «Салавка I бақтрияликлар, суғдийлар парфияликлар ва гирканияликлар билан кўп урушлар олиб боргач, улар ерларига ҳукмронлик қила бошлади».

Ҳозирги тадқиқодчиларнинг фикрларига кўра, Марказий Осиё жанубий вилоятларининг салавкийлар томонидан босиб олиниши мил. ав. 306 йилга тўғри келади. Марказий Осиёдаги вилоятлар салавкийлар давлати сиёсий тарихида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Аммо, мил. ав. III асрнинг охири — II асрнинг ўрталарига оид манбаларнинг ниҳоятда камлиги туфайли биз салавкийлар давридаги Марказий Осиё ҳақида кам маълумотларга эгамиз.

Салавка Искандар даврида Спитаманнинг қизи Апамага уйланади. Қариндошчиликни ҳисобга олибми ёки бошқа мақсадни назарда тутибми, Салавка мил. ав.

293 йилда ўгли Антиох I ни Шарққа, жумладан Марказий Осиё ерларига ҳоким этиб тайинлайди.

Баъзи бир аниқ бўлмаган маълумотларга қараганда мил. ав. III асрнинг бошларида Марказий Осиёда Салавкийларга қарши қўзғолон кўтарилади. Бир пайтнинг ўзида Марказий Осиёдаги Салавкийлар ерларига кўчманчи қабилалар ҳужум қила бошлайдилар. Бунинг натижасида эллинларнинг таянч нуқталари ҳисобланган Александрия Эсхата ва Александрия Марғиёна шаҳарлари вайрон этилади. Бу шаҳарлар салавкийлар томонидан қайта тикланади.

Юнон олими Плинийнинг ёзишича, Сирдарё ортидаги кўчманчи қабилалар чиқишларини бостириш учун Салавкий саркардаси Демодам бошчилигидаги қўшинлар жўнатилди. Антиох I нинг ҳарбий-сиёсий ва дипломатик маҳорати туфайли салавкийларга қарши ҳаракатлар тез орада бостирилади.

Марказий Осиёнинг бир қатор муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воқеалар Салавка I, айниқса Антиох I ҳукмронлиги билан боғлиқ. Бу даврда Бақтрия ҳаётида дастлабки тангалар — олтин, кумуш, мис драҳм ва тетрадраҳмлар (пул бирлиги) зарб қилина бошланади. Узининг узоқ йиллик ҳукмронлиги даврида (мил. ав. 293—261 й) Антиох ғарбга қилган кўпгина юришлари билан шуҳрат қозонди. У ўз давлатининг шарқига, жумладан Марказий Осиё ерларига кам эътибор қаратди. Бу пайтда унинг вилоятларида иқтисодий ўзгариш юз беради. Анча тинч ҳаёт бошланиб қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ анчагина ривожланади.

Салавкийлар давлати марказидан четда бўлишига қарамай, Марказий Осиё улар давлатининг энг муҳим қисми эди. Марказий Осиё ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга эди. Улар Марказий Осиё бўйлаб ўтган савдо йўллари бўйида шаҳарлар ва қишлоқлар қурдиргани бежиз эмас.

Салавкийлар давлатида ҳукмрон синф вакиллари аралаш эди. Юнон ҳокимлари ва улар атрофида тўпланган юнон-зодагонлар билан бирга маҳаллий зодагонлар ҳам ҳокимлик қилар эдилар. Албатта, Салавкийлар ҳокимияти, Марказий Осиёдаги ҳарбий манзилгоҳларда (катойкияларда) жойлашган ҳарбий кучларга таянган эди. Аммо, аҳолига жабр-зулм қилишда маҳаллий, яъни Марказий Осиёлик ҳукмрон синф вакиллари ҳам иштирок этардилар. Икки ёқлама зулм остида қолган ма-

ҳаллий аҳоли Салавкийларга қарши норозилик чиқишлари қилиб турганлар.

Лекин шунга қарамасдан, «Марказий Осиёнинг Салавкийлар давлати таркибига кирган даври, юнон-македон юришлари пайтида вайрон бўлган ишлаб чиқарувчи кучларнинг тикланиши ҳамда бақтрияликлар, сугдийлар, парфияликларнинг босқинчиларга қарши бирлашув даври бўлиб қолди».

Салавкийлар давлатида ҳокимият учун, тахтни бошқариш учун ўзаро кураш авж олиб кетди. Бу давлатдаги баъзи бир ҳокимлар ҳокимиятни мустақил бошқаришни орзу қилар эдилар. Бу эса салавкийлар давлатининг парчаланишига олиб келди.

Мил. ав. 250 йилларга келиб, Марказий Осиёда салавкийлар давлатидан иккита — дастлаб Парфия, кейин эса Юнон-Бақтрия давлатлари ажралиб чиқади. Юнон-Бақтрия давлати салавкийлар сулоласидан бўлган Диодат даврида ташкил топади. Бу давлатнинг асоси Бақтрия бўлиб, баъзи ҳокимлар даврида (Евтидем, Деметрий, Евкратид) Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисми, Амударё ва Сирдарё ўртасидаги катта ерлар қўшиб олинади. Давлатнинг пойтахти Шимолий Афғонистондаги Бақтро шаҳри эди. Бу давлатнинг гуллаб-яшнаган даври мил. ав. III асрнинг иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Юнон-Бақтрия давлати марказлашган давлат бўлиб, ҳокимиятни подшо бошқарар эди. Давлат бир неча вилоятларга бўлинган бўлиб, бу вилоят ҳокимлари подшога бўйсунар эдилар. Юнон-Бақтрия подшолиги даврида Марказий Осиёда қишлоқ хўжалиги, маданий ҳаёт, ҳунармандчилик ва шаҳарлар ривожланганлигини кўриш мумкин.

Аммо мил. ав. II асрнинг ўрталарига келиб Юнон-Бақтрия давлати ҳарбий-сиёсий қудратини йўқота бошлайди. II асрнинг учинчи чорагига келиб бу давлат Шарқий Туркистон орқали кириб келган юечжи ва сак қабилалари ҳужуми натижасида бутунлай инқирозга учради.

Езма манбаларда, салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшолиги даврида Бақтриянинг шимолий қисми, унинг Амударёдан шимол томондаги чегаралари ҳақидаги жуда кам маълумотлар сақланган. Баъзи тадқиқодчи, ав. Сўғд ва Фарғона ҳам Юнон-Бақтрия подшолари таълибига кирган десалар, айримлари бу давлатнинг чегаралари Амударёдан нарига ўтмаган дейдилар. Лекин Марказий Осиё ҳудудидан кўплаб топилган салавкийлардан

Юнон-Бақтрия даврига оид тангалар, бу ерда ҳукмронлик қилган салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшолари ҳақида маълумотлар берадилар.

Салавкийлар даврига оид мис тангалар Термез, Тахти-Сангин, Денов, Кампиртепа, Афросиёб қазишмаларидан топилган. Шунингдек, Юнон-Бақтрия даврига оид тангалар Қашқадарё ва Бухоро ҳудудларида ҳам учрайди. Бу топилмалар Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшолари ҳукмронлиги даврида товар-пул муносабатларининг ривожланганлигидан далолат беради.

Сўнгги йилларда олиб борилган қазишмалар натижасида топилган жуда кўплаб археологик топилмалар Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоғи аҳолисининг мил. ав. III—II асрлардаги ўзаро алоқаларидан дарак берибгина қолмай, бу ерларни Юнон-Бақтрия давлати таркибига кирганлигидан, бу ҳудудда эллинизм маданияти ёйилганлигидан, шунингдек, Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси эллинизм таъсири остида бўлган давлатлар билан ўзаро муносабатда бўлганлигидан далолат беради.

Юнон-Македон юришлари натижасида Марказий Осиёга юнон маданияти кириб келди, маҳаллий моддий ва маънавий маданият билан қўшилиб кетди. Бунинг натижасида ҳам юнон, ҳам маҳаллий маданият янги босқичга кўтарилди.

3-§. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АНТИК ДАВР ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТАШҚИЛ ТОПИШИ (Мил. ав. III—мил. IV асрлар)

**Қадимги Парфия, Довон, Қанғ давлатлари.
Юечжи қабилаларининг Марказий Осиёни босиб олиши**

Ҳозирги Туркменистон ва Эроннинг бир қисмини ўз ичига олган қадимги Парфия давлати мустақил давлат ва империя сифатида 500 йилдан зиёдроқ яшаган. Шу давр мобайнида Марказий Осиёда, Яқин Шарқда ўзининг сиёсий ва иқтисодий таъсирини ўтказган. Ўзбекистон ҳудудидаги Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна каби қадимий давлатлар билан узвий алоқада бўлган. Шунга қатъийасдан манбаларнинг камлиги туфайли Парфия давлатининг тарихи кам ўрганилган.

Марк Страбоннинг ёзишича, «...дай (дах)ларнинг Оҳу (Тарок) дарёси бўйларида яшовчи апарнлар (парнлар)

деб аталган бир қисмига Арсак (Аршак) бошчилик қилиб, у Парфияга ҳужум қилди ва уни босиб олди». Шунингдек антик давр тарихчилари парилар қабиласини Парфия империясининг асосчиси сифатида тилга оладилар. Бу қабила ҳақида Аҳмонийлар даврига онд ёзма манбаларда ахборот берилмайди.

Парфия ҳақида дастлабки маълумотлар милоддан аввалги VII асрларга онд Оссурия ҳужжатларида учрайди. Мил. ав. VI асрнинг бошларида Парфия кучли Мидия ҳукмронлиги остига тушиб қолади.

Парфия қўшни Бақтрия, Марғиёна ва Суғдиёна каби серҳосил ерларга эга эмас эди, шаҳарлари ҳам кам эди. Шу ўринда В. М. Массоннинг «Қорақум — Парфия подшолигининг бешигидир» деган сўзларини келтириш мумкин. Бироқ мамлакат ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим ерда жойлашганди. Мидияликларга у скифлар ҳужумидан сақланиши учун зарур бўлса, Кир учун бой Хоразм воҳаларига чиқиш йўлидаги дарвоза вазифасини ўтар эди. Македониялик Искандарнинг Парфияни истило қилишига сабаб шимолдаги кўчманчи қабилаларни итоатда тутиш бўлса, салавкийлар учун Парфияни қўлда сақлаш шимолӣ чегараларнинг хавфсизлигини таъминлаш демак эди.

Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарига келиб Марказий Осиёдаги Бақтрия ва Парфия давлатлари салавкийлар давлатидан ажралиб чиқади. Парфия тарихида дуч келинадиган чалкаш, лекин қизиқарли масалалардан бири Аршакийлар сулоласи тўғрисидаги муаммодир.

Мил. ав. 247 йилда Аршак бошчилигидаги парилар қабиласи салавкийлардан ажралиб чиқади ва Нисога ҳужум қилиб уни эгаллайди. Шу йили парилар Аршакни ўзларига подшо қилиб сайлайдилар. Қадимги муаллифлар маълумотларига қараганда тахтга ўтирган Аршак узоқ мўддат подшоҳлик қилган ва катта обрўга эга бўлган. Сулола асосчиси ўзининг ташкилотчилиги, жасурлиги ва моҳир дипломатлиги сабабли қисқа вақт ичида мустақил давлат тузишга эришган. Мил. ав. 235 йилдан бошлаб Парфия подшолари ўз давлатлари ҳудудларини кенгайтириб бордилар.

Митридат I ҳукмронлик қилган йилларда (мил. ав. 171—138 й.) у Парфия давлатини Бақтрия ва салавкийларнинг бошқа ерлари ҳисобига кенгайтириб борди. 155 йилда Мидия подшолиги ишғол этилди. Мил. ав. 141 йилда Бобил босиб олинди. Митридат I вафотидан

сўнг унинг ўғли Фраат (Аршак IV номи билан) тахтга ўтирди. У подшолигининг кўп даврини империянинг шарқий ноҳияларида ўтказган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бунга Марказий Осиё кўчманчи қабилаларининг фаол ҳаракатлари сабаб бўлган.

Мил. ав. II асрнинг ўрталарида юечжилар сак қабилаларини Парфиянинг шарқий чегараларига суриб борган. Саклар билан бўлган жангларда Фраат III ва Артабон II лар ҳалок бўлдилар. Мил. ав. 128 йилда Митридат II тахтга ўтирди. Унинг ҳукмронлик давридан бошлаб Рим ва Парфия кучли рақибларга айланади. Икки кучли давлатнинг ўзаро муносабатлари Шарқ ва Ғарбдаги сиёсий жараёнларни белгилаб бера бошлайди. Мил. ав. 88 йилда Митридат II вафот этиб Аршак IX номи билан Готраз тахтга ўтиради. Унинг ҳокимият тепасига келиши мамлакат ичидаги сиёсий инқирозлар даврига тўғри келади. Баъзи давлатлар Парфиядан ажралиб кета бошладилар. Умуман, милоднинг III асрига қадар Парфия давлатига Аршакийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Милоднинг 207—222 йилларида Парфияга Вологез V ҳукмронлик қилди. Унинг ҳукмронлик даврида давлат иккига бўлиниб кетди. Булар (213 й.) Вологез V ҳукмронлигидаги Мессопатамия ва Артабон V ҳукмронлигидаги Мидия эди. Худди шу вақтга келиб Форс ерларида янги кучли давлат — сосонийлар вужудга келмоқда эди. Ўзини ўнглаб, оёққа туриб олган бу ёш давлат кўҳна ва улкан Парфия салтанатини ағдариб ташлади.

Парфиянинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида Нисо шаҳридан топилган ҳужжатлар хабар беради. Нисо ҳужжатларида подшонинг ерларидан тушган солиқларнинг ҳажми, ким томонидан ва қачон, қаердан келтирилганлиги ёзиб қўйилган. Ёзувлар оромий усулда ёзилган бўлиб, солиқлар солинган хумларга битилган. Қишлоқ хўжалигида қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Помпей Трог маълумотларига кўра «Парфияда қуллар кўп эди, қулларни озод қилиш давлат томонидан ман қилинганди». Аскарларнинг кўпчилиги қуллардан эди. Бутун Парфияда қуллар меҳнатидан суғориш иншоотларини қуриш мақсадида кенг фойдаланилган. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотиқ ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Парфия давлати беш аср давомида Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Хитойнинг Ғарб

мамлакатлари билан қилган савдо алоқаларида воситачилик қилган.

Парфия ҳарбий кучларининг доврўғи ҳатто ўрта асрлар Европасини ҳам ёдидан чиқмаган. Мишель Монитон ўзининг «Тажрибалар» асарини бутун бир бобини парфиялик жангчиларнинг римликлардан афзаллигини кўрсатишга бағишланган.

Археологик маълумотларга қараганда парфияликларнинг ҳақиқий она юртлари бўлмиш Жанубий Туркманистонда қадимги маданият, хусусан, амалий санъат анча ривожланган. Парфияликлар оромий ёзувидан фойдаланганлар. Давлатда парфияликлар тили билан бир қаторда юнон тили расмий давлат тилидан бири ҳисобланган. Мамлакатда ягона диний эътиқод бўлмаган. Лекин зардуштийлик кучли ўрни эгаллаган. Парфияликлар даври зардуштийликни Эронда ўз мавқени мустаҳкамлаб олишида муҳим босқич бўлган. Зардуштийликнинг таъсири аршакийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида кучайган ва сосонийлар даврида ўз ривожининг энг юқори нуқтасига кўтарилган.

Мил. ав. II—I асрлар Хитой манбаларида кенг, бой ва кўп аҳолили деб эслатилган Довон давлатини тадқиқодчилар қадимги Фарғона деб ҳисоблайдилар. Мил. ав. III асрларда бу давлат «Довон», кейинроқ эса «Бохан» ва «Полона» номлари билан эслатилади. «Полона» бу, шубҳасиз «Фарғона»нинг хитойча талаффуз этилишидир. Хитой маълумотларига кўра мил. ав. II асрда Фарғонада 300 минг аҳоли яшаган. Воҳада шаҳарлар кўп бўлиб, пойтахти Эрши шаҳри (ҳозирги Марҳамат) эди. Қадимги фарғоналиклар ҳақида: «одамлари чуқур кўзли ва серсоқол; савдо-сотикда моҳир ... хотинларни ҳурмат қилади. Хотинини айтганини эри албатта бажаради», деб маълумот берилади.

Довон қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган мамлакат эди. Деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли арпа, шоли, беда каби турли экинлар экканлар. Шунингдек улар узумчилик ҳам қилганлар. Винони катта сопол хумларда узоқ йиллар сақлашни ҳам билганлар. Хитой сайёҳи Чжан Цзянь (мил. ав. II аср) маълумотларига кўра «Довон мамлакатада ҳамма жойда узумдан вино қиладилар. Бадавлат оилалар винони жуда кўп миқдорда заҳира қиладилар ва бу вино ўнлаб йиллар давомида бузилмай сақланади». Фарғона водий-

сида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу маълумотларни тасдиқлайди.

Чжан Цзянь Довондан олган таассуротлари ҳақида гапирар экан, уларнинг маданий савияси, урф-одатлари жиҳатдан бир-бирларига тенг эканликларини кўрсатади. Демак, хитой сайёҳи Фарғонада ҳам ўтроқ аҳолини учратган ва бу аҳолининг деҳқончилик соҳасида эришган ютуқлари уни ҳайрон қолдирган. Деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли билан бир қаторда, Фарғонанинг чўл ва дашт ҳудудларида кўчманчи чорвадор аҳоли ҳам яшаган. Манбалар бу кўчманчиларнинг от устида туриб камон отишга жуда моҳир эканликлари ҳақида эслатиб ўтади.

Ўша даврда Довон давлати ўзининг «афсонавий» ва «самовий» отлари билан шуҳрат қозонган. Довон арғумоқлари мамлакатдан ташқарида ҳам, айниқса Хитойда жуда ҳам қадрланган. Хитойликлар Фарғона отларини илоҳийлаштириш даражасига бориб етганлар.

Милоддан аввалги II асрнинг охирларида Хитой императорлари Довонни босиб олишга ҳаракат қиладилар. Довон халқи боқинчиларга қарши узоқ муддатли оғир урушлар олиб борди. Милоддан аввалги 104—101 йилларда Хитой императорининг 60 минг кишилик қўшини Довонга бостириб киради. Манбаларга қараганда «бир неча ўн минг кишилик хитойлик ёш жангчилар» бу қўшинга ёрдамчи куч сифатида қўшиладилар. Дастлабки ҳужум Хитой императори қўшинларининг мағлубияти билан якунланади. Хитой қўшинлари ўтиб бўлмас истеҳкомга айлантирилган Довон қалъалари қаршилигини синдиришга ожизлик қиладилар.

Милоддан аввалги 101 йилда кўп минг кишилик император қўшинлари Довонга иккинчи марта юриш қиладилар ва Эрши шаҳрини қамал қиладилар. Уларнинг бу сафарга уринишлари ҳам муваффақиятсиз чиқади. Эрши аҳолиси бўйсунитишни хоҳламагач, хитойликлар шаҳарга келадиган сув йўлларини беркитиб қўядилар. Шаҳар аҳолиси эса ўзлари қазиган қудуқлардан сув олиб, ҳимояни мардонавор давом эттирадилар. Шундай шароитда Довоннинг ўша пайтдаги ҳукмдори Муғва қўшни давлат ҳукмдорлардан ёрдам сўрайди.

Қаттиқ қаршиликка учраган хитойликлар Довондан чекинишга мажбур бўладилар. Лекин Довонга «самовий» арғумоқлар бериш мажбуриятини қўядилар. Бу мажбуриятни бажариш борасида доvonликлар орасида низо

чиқади ва натижада Муғва ўлдирилади (афтидан у хитойликларга солиқ тўлашга қарши бўлган бўлса керак). Хитойликлар бир неча ўн «самовий» арғумоқ ва 3 минг бошқа отларни олиб Довонни ташлаб чиқадилар. Довон тахтига Муғванинг укаси Мотсой ўтиради.

Шундай қилиб қўшни давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган доволиклар, милоддан аввалги II асрда хитойликлар таъсирига тушмасдан ўз мустақилликларини сақлаб қолдилар.

Милоддан аввалги III асрнинг бошларида пайдо бўлган яна бир давлат — Қанғ давлати эди. Юнон-македон ҳукмронлигига қарши курашлар ва ички низоларнинг кескинлашуви натижасида пайдо бўлган бу давлат ҳудуди дастлаб Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерлардан (Тошкент воҳаси ҳамда унга туташ тоғ ва чўл зоналари) иборат эди. Мил. ав. II асрнинг бошларига келиб Қанғ давлатининг ерлари бирмунча кенгайиб, шарқда Фарғона водийси (Довон), шимоли-шарқда усун, юечжи қабиалари билан, шимоли-ғарбда Сарису дарёси, ғарбда, Сирдарёгача борган. Бу катта ҳудуд Тошкент воҳасини, Талас водийсини ва қисман Чу дарёсининг қуйи оқимидаги ерларни ўз ичига олиб Қанғ давлатининг асосий ерлари ҳисобланган. Мил. ав. II—I асрларда қанғликлар Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни ва Хоразмни ўзларига бўйсундирадидлар.

Мил. ав. I ва милодий II—I асрларда Қанғ давлати иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланган давлат эди. Давлатнинг ташқи сиёсати қўшни давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш кескинлашган вазиятнинг олдини олиш ва ўз чегарасида осойишталик ўрнатишга қаратилган эди. Шу билан бирга пайти келганда кучсизланиб қолган қабиаларга, вилоятларга ҳужум қилиб уларни қарам қилиш эди.

Қанғликларнинг энг ашаддий душманлари усун қабиалари эди. Милоддан аввалги II—I асрларда усунлар Хитой императорлари билан яқинлашиб хуннлар ва қанғликлар билан кураш бошлайдилар. Хитой императори эса кўчманчиларнинг бундай келишмовчилигидан фойдаланиб ўз давлати ерларини кенгайтиришга ҳаракат қилади ва Қашғар, Ёркент, Довон ерларига ҳужум қилади. Қанғликлар хитойликларнинг мақсадларини тушуниб уларни ўз чегараларига яқин йўлатмайдилар. Шунинг учун ҳам Хитой қўшинлари милоддан аввалги 104 ва 101 йилларда Довонга ҳужум қилганида қанғ-

ликлар ёрдамга келиб, босқинчиларга қарши курашда фаол иштирок этадилар.

Қанғ давлатининг асосий аҳолиси ўтроқ ва ярим ўтроқ бўлиб унинг ҳудудида кўчманчи чорвадорлар ҳам яшар эди. Ўтроқ аҳоли асосан водийда яшаб, деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган. Деҳқончиликда мол қўшиб, омоч билан ер ҳайдаш кенг тараққий этган эди. Бу даврда ерни суғориб экин экиш, катта ва кичик каналлар қозиш ҳам ривожлангани, Тошкент воҳасида яшаган қанғлилар асосан арпа, буғдой, тарик, нўхот, шоли ва бошқа донли маҳсулотларни етиштирганлар. Бу экинлардан юқори ҳосил олиниб, маълум қисми бозорга чиқарилган.

Воҳада яшовчи ўтроқ аҳоли деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик билан ҳам шуғулланган. Ёзма манбаларда қанғлиларнинг сут-қатиқлари мўллиги ва кўплаб зотли отлари борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Чорва молларининг кўпчилиги қисман кўчманчи ва ярим ўтроқ ҳолда яшовчи аҳоли ихтиёрида эди. Кўп сонли чорва молларини эса мавсумга қараб, бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаб боққанлар.

Қанғ подшолари, яъни ҳоқонлари ва уларнинг хонадонига яқин кишилар бой чорвадорлардан бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Қанғ ҳукмдорларининг марказий шаҳарлари иккита эди. Ҳукмдорлар ёзни Ўтрорда (ҳозирги Арис ва Туркистон оралиғида) қишлоғини эса Қанғда (унинг харобалари ҳозирги Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани) да ўтказар эдилар.

Қанғлиларда кўплаб шаҳар ва қўрғонлар бўлиб, улар душман қамалига бардош берадиган қилиб қурилган. Аҳоли яшайдиган уйларнинг аксарияти паҳса ва хом ғиштдан қурилган. Шаҳар ва қўрғонларда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари анчагина ривожланган. Қанғ харобасидан, Жўнариқ бўйларидаги тепаликлардан, Қовунчитепа, Чоштепа ва Тошкент воҳасидаги бошқа тепақўрғонлардан топилган археологик топилмалар Қанғ давлати маданиятининг намунаси ҳисобланади.

Юнон-Бақтрия давлати инқирозга юз тутгандан кейин Марказий Осиёдаги иқтисодий-сиёсий вазият ҳақида кўпгина олимлар изланишлар олиб бордилар. Улар тадқиқотларининг асосий таянчи унчалик тўлиқ бўлмаган хитой маълумотлари ва юнон-рим ёзма манбаларидан иборат эди.

Қадимги Хитой манбаларига қараганда мил. ав.

II асрда Бақтрияни асли Ватани Марказий Осиё бўлган юечжи қабилалари босиб олади. Мил. ав. III—II асрларда Хитойнинг шимоли-ғарбида содир бўлган сиёсий воқеалар хитой бўлмаган кўчманчи қабилалар катта гуруҳларининг кучайиб кетиши билан боғлиқ эди. Хунн, сак-усун, юечжи қабилалари ўртасидаги қонли урушлар натижасида кўчманчилар бир неча оқим бўйлаб кўчиб юрадилар. Сак-усун қабилалари жанубга томон жуда ичкари кириб бориб, Ҳиндистонда бир неча сак-ҳинд мулкларини барпо этадилар. Иккинчи оқим Хитой билан душман бўлган юечжи (Шарқий Туркистон ва Тибетда) ҳаракати билан, учинчи оқим эса хуннлар ҳаракати билан боғлиқ эди.

Мил. ав. II асрнинг иккинчи чорагида хуннлар ва юечжилар ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб, юечжилар Марказий Осиё ерларига суриб чиқарилади. Улар Хитой манбаларида «да-юечжи»—«буюк» ёки «катта юечжилар» деб аталади.

Чжан Цзяннинг маълумотларига кўра, Шарқий Туркистон орқали хуннлар сиқуви остида келган юечжилар Довон (Фарғона) ва Суғдни эгаллагач жанубга томон ҳаракат қиладилар ва Бақтрияни босиб олиб юнон-Бақтрия давлатига чек қўядилар. Юечжилар кириб келган вақтда Бақтрия инқирозга юз тута бошлаган давр бўлиб бу ердаги «бир қанча майда ҳокимликлар ўзларини мустақил ҳисоблар эдилар». Юечжиларнинг Юнон-Бақтрияга кириб келиши милоддан аввалги 140—130 йилларга тўғри келади. Улар бу ерда «Катта Юечжи» давлат уюшмасини ташкил этадилар. Бу уюшмага бешта юечжи ҳокимлиги (Хи-хэу) бўйсунган бўлиб, улар Хюми, Шаунми, Гуйшуан, Хисе ва Думи ҳокимликлари эди.

Баъзи тадқиқотчилар, юечжиларнинг Бақтрияни босиб олиши мамлакатнинг кучсизланиши ва парчаланишига олиб келди дейдилар. Аммо юечжилар келгунига қадар инқирозга яқинлашиб қолган Бақтрияда улар келганидан сўнг, бешта ҳокимликдан иборат бўлса-да, маълум даражада марказлашган уюшма ташкил топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Марказий Осиёнинг жанубидан топилган тангалар Хитой манбалари маълумотларини тасдиқлабгина қолмай юечжилар тарихи билан билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳам бирмунча аниқлик киритади. Тангашунослик маълумотларига кўра, Катта юечжи давлатининг ташкил топиши бирданига юз бермасдан хийла узоқ жараёни ўз ичига

олади. Дастлаб Шимолий Бақтрияда (Афғонистонда) иккита ҳокимлик, кейинроқ унинг жанубида (Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон) яна учта ҳокимлик пайдо бўлади.

Кушон давлатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Кушон давлатининг пайдо бўлиши узоқ вақт олимлар орасида катта илмий мунозараларга сабаб бўлиб келганди. Бу афсонавий туюлган подшолик тарихини ўрганиш ўтган асрдаёқ бошланган эди.

Ўтган асрда Лондон ва Париж, Вена ва Петербург тангашунослари қўлига баджаҳл ва серсоқол Шарқ подшолари ва антик давр худолари тасвирланган тангалар туша бошлади. Уларда юнон алифбосида, номаълум тилда ёзувлар ёзилган эди. Шунингдек, инглиз офицерлари, врачлар ва саёҳатчилар Ҳиндистоннинг Шимоли-ғарбий районларидан антик даврга оид шарқий услубда ишланган ҳайкалчалар ва турли буюмлар топиб ола бошлайдилар.

Булар қандай тангалар ва ҳайкалчалар, улар қаерда ва қайси подшолик даврида пайдо бўлган? Олимлар олдидан ечилиши зарур бўлган жумбоқлар ва муаммолар ниҳоятда кўп эди. Бизнинг давримизга келиб бу муаммоларнинг кўпчилигига анчагина аниқликлар киритилди.

Мил. ав. I асрга келиб Катта Юечжи уюшмасидаги бешта ҳокимликда Гуйшуан (Кушон) ҳокимлиги анча кучайиб ва ҳудуди кенгайиб борди. «Сўнги Хан сулоласи тарихи» (Хитой) маълумотларига кўра, «Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю қолган тўртта ҳокимликни бирлаштириб ўзини Гуйшуан ҳокими деб эълон қилди».

Киоцзюкю (Кужула Кадфиз) ҳамма мулкларни бирлаштириб, Қобулистон ва Қандаҳорни забт этади. Милодий I аср бошларига келиб Кушон давлати ўз аҳамиятига кўра антик давр Хитойдаги Хан давлати, Парфия подшолиги, Рим салтанати билан рақобатлаша оладиган қадимги дунёнинг энг қудратли ва забардаст давлатларидан бири сифатида ташкил топди. Хитой манбаларидаги «Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю», илк кушон даврига оид топилма тангаларда акс эттирилган «Кушон подшоси Кужула Кадфиз»га айнан мос тушади.

Кужула Кадфиз ёки Кадфиз I ўз подшолик сиёсатини ҳокимият ерларини кенгайтириш билан бошлайди.

Унинг даврида Кушон давлати ерлари анчагина кенгайди. Кадфиз I ҳукмронлик қилган давр Кушон подшолиги ҳақида тангашунослик тадқиқотлар орқали бирмунча маълумотлар олиш мумкин. Баъзи бир гуруҳ тангалар борки, уларнинг бир томонида энг сўнгги Юнон-Бақтрия подшоси Гермей тасвири туширилиб, унинг номи ёзилган, иккинчи томонида эса, Геракл сиймоси ва «ўз ишончига қатъий кушонлар ёбғуси Кужула Кадфиз» деган сўзлар бор.

Бундай танга зарб этилишини олимлар турлича талқин этадилар. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Кадфиз I дастлаб Юнон-Бақтрия подшоси Гермей ҳокимлигини тан олади ва улар биргаликда танга зарб этадилар. Бошқа гуруҳ олимлар фикрига кўра, Кадфиз I нинг Гермей тангаларига ўз исмини қўйиб зарб қилишга сабаб, Гермей тангалари Бақтрияда кенг тарқалган эди.

Текширувлар шуни кўрсатадики, кейинроқ Кадфиз I ўз номини «ёбғу»дан «шоҳлар шоҳи» фахрий унвонигача кўтариб тангалар зарб этади. Яна бир гуруҳ Марказий Осиёдан (кўпроқ Тожикистондан) топилган тангаларда «шоҳлар шоҳи, буюк халоскор» деган ёзув учрайди. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, бу тангаларни Кадфиз I зарб қилган.

Кужула Кадфиздан сўнг тахтга унинг ўғли Вима Кадфиз (Кадфиз II) ўтиради. У мамлакатда пул ислоҳоти ўтказиб олтин тангалар зарб қила бошлайди. Шунингдек Кадфиз II Ҳиндистоннинг бир қисмини Кушон давлатига қўшиб олади ва Рим салтанати билан алоқалар ўрнатади.

Кушон подшолари ичида энг машҳури Канишка ҳисобланади. Унинг ҳокимлик даврида Кушонлар салтанати янада гуллаб-яшнади. Канишка даврида Панжоб, Қашмир вилоятлари мамлакатга қўшиб олинади. Мамлакатнинг пойтахти эса Пешовар (Афғонистон) атрофида эди.

Мамлакатнинг ҳудуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Марказий Осиёдаги кўпгина вилоятлар, Шарқий Туркистондан иборат эди. Сюань Цзяннинг ёзишича, «Канишка подшолик қилган даврда унинг шон-шўхрати қўшни мамлакатларга ёйилди. Мамлакатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик томондан тан олинди. Хитойнинг ғарб томонидагилар ҳам Канишканинг ҳокимиятини тан олиб, унга ўз ғаровга қўйилган одамларидан юборар эдилар».

Канишка даврида зарб этилган тангаларда Будда

худоси, зардуштийлар худолари Веретрагна, Анахита, Митра ва бошқаларни учратиш мумкин. Айнан шу даврда зарб этилган тангаларда юнон алифбосидаги Бақтрия тилида ёзилган тангалар (Европа тадқиқотчиларини ҳайратга солган тангалар) зарб этила бошланди. Канишка даврида Кушонлар давлатида буддийлик динига катта эътибор берилди (Канишканинг ўзи ҳам шу динда эди). Бақтрия тилининг аҳамияти янада ошди. Ҳунармандчилик ва савдо юқори даражага кўтарилди. Кушон давлати ўзининг энг ривожланган чўққисига кўтарилди. Ҳинд манбаларининг маълумотларига қараганда, Кушон давлатига Канишкадан сўнг Васишка подшолик қилади. У ва Васудева подшолиги даврида қудратли кушонлар салтанати инқирозга учрай бошлайди.

Кушон подшолиги давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга назар ташласак, бу даврдаги йирик шаҳарлардан бири Термез шаҳри эди. Термез асосан Кушонлар даврида юксак ривожланди. Бу даврда шаҳар Ҳиндистон билан ғарб, шимол, шарқ мамлакатларини боғлайдиган савдо йўлларидаги йирик шаҳарга айланган. Шаҳарнинг майдони анчагина катта бўлиб, унинг ҳудудидан Қоратепа, Фаёзтепа каби Будда ибодатхоналари қазиб очилган. Улар ибодат қилиш жойи бўлиши билан биргаликда, ажнабий савдогарлар савдо-сотиқ қиладиган манзил ҳам ҳисобланган. Ибодатхоналар қошида турли ҳунармандчилик устахоналари бўлиб, улар фақат қоҳинлар эҳтиёжини қондирибгина қолмай, бозор, учун ҳам хизмат қилган. Ибодатхоналардан кулолчилик устахоналарининг топилиши шундан далолат беради.

Сўғдиёна, Фарғона ва Чочнинг Кушон даврига оид кўҳна шаҳар ва қишлоқлари яхши ўрганилмаган бўлса-да, бу ерларда ҳам катта-катта ўзгаришлар ва шаҳарлар ривожини кузатиш мумкин. Йирик шаҳарлардан бири Самарқанд эди. Сўғдиёнада ундан ташқари майда манзилгоҳлар ҳам кўп эди. Манзилгоҳлар мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўралган эди. Фарғона водийсида ҳам моддий маданиятнинг ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Хоразмда кўпгина шаҳарлар ва манзилгоҳлар мавжуд эди. Шулардан бири Тупроққалъа кўҳна шаҳридир. Шаҳар тузилишига кўра тўғри бурчакли бўлиб, қалин деворлар билан ўралган. Шаҳар ўртасида тор кўча ўтган. Шаҳардан Кушон даврига оид кўплаб нарсалар топилган. Бу ерда подшо саройи очилган бўлиб, шаҳар

деворларида ажойиб тасвирларни учратиш мумкин. Шунингдек, Тупроққалъадан Хоразм подшоларининг архивидан намуналар ҳам топилган.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Кушон даврида Марказий Осиёнинг деярли барча вилоятлари қишлоқ хўжалигини яхши ўзлаштириб олган эдилар. Текисликларда суғорма деҳқончилик билан биргалікда чорвачилик ҳам ривожланади. Бу даврда Хоразмда, Зарафшонда кўплаб суғориш иншоотлари қурилди. Деҳқончилик қуролиларида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Масалан Кушон даврига оид Талибарзу ёдгорликларидан (Самарқанд) ер ҳайдайдиган оочнинг темир учи топилган.

Тоғ этаклари ва тоғ олди воҳаларида бу даврда чорвачилик ривожланиб боради. Айниқса, Фарғонада чорвачилик билан шуғулланувчи ярим кўчманчи аҳоли кўп эди. Уларнинг зотдор отлари қўшни давлатларда ҳам машҳур эди.

Ҳунармандчилик фақат йирик шаҳарларда эмас кичикроқ манзилгоҳларда ҳам ривожланди. Айниқса, қурол-аслаҳа устахоналарида ҳарбий қурооллар яшаш ривожланди. Кушонлар даврида пайдо бўлган ва мураккаб тузилишга эга бўлган Марказий Осиё камони кейинчалик Эронда кенг тарқалди. Найзалар ёғочдан ясаларди. Ўқлар ва найза учлари темирдан ясаиб бир неча кўринишга эга эди. Учи учбурчакли ўқлар кенгроқ ёйилган эди. Ҳарбийлар ханжар ва қиличлар билан қуроолланар эдилар. Милоднинг бошларида Марказий Осиёда дудама қиличлар расм эди. Қурол-аслаҳалардан қалқон, жанг болтаси ҳам тақиб юриларди.

Кушонлар даврида савдо-сотик, ички ва ташқи савдо айниқса ривожланди. Савдо муносабатларининг ривожланишида «Буюк ипак йўли»нинг аҳамияти катта бўлди. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда «Буюк ипак йўли» милоддан аввалги III асрнинг охири—II асрларда шакллана бошлайди. Кўпчилик олимлар милоддан аввалги II асрда Марказий Осиёга келган Хитойлик сайёҳ ва савдогар, император саройи офицери Чжан Цзянни Хитойдан бу йўлни бошлаб берган дастлабки сайёҳ деб ҳисоблайдилар. Милоддан аввалги II асрнинг охириларида Хитой қўшинлари Довон (Фарғона) ерларига бостириб кирдилар. Уша даврдан бошлаб Марказий Осиё ва Хитой ўртасида савдо ва маданий алоқалар ривожланиб борди. Фарғона, Сўғд ва Бақтрияга ипак-

чилик кириб келди. Карвон йўли ривожланиб борган сари савдо-сотиқ ишлари ҳам ривожланиб борди. Хитой савдогарлари Марказий Осиёга асосан хом ипак ва ипак матолари, олтин, тери ва бошқа буюмлар келтирган бўлса, марказий осийлик савдогарлар Хитойга шиша буюмлар, қимматбаҳо тошлар, зеб-зийнат буюмлари ва бошқалар элтганлар.

Милоднинг бошларида қадимги дунёнинг илғор маданиятли давлатлари асосан тўрттага: Ўрта ер денгизидаги Рим, Яқин Шарқдаги Парфия, Хитойдаги Хан давлати ва ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Марказий Осиёни бирлаштирган қудратли Кушонлар салтанатига бўлинар эди. Ғарбда Британ оролларида шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган бу тўртта забардаст салтанат инсоният тарихида биринчи бўлиб «Буюк ипак йўли» деб номланувчи бир йўл билан боғландилар. «Буюк ипак йўли» Хитойдаги Хан империяси пойтахтидан Кушон ва Парфия давлатлари ҳудуди орқали Ўрта Ер денгизининг шимолий қирғоқларигача чўзилди. Бу йўл туфайли кўп минглаб (умумий узунлиги 12 минг км) километр масофадаги давлатлар ўзаро алоқа боғлашга эришдилар. Подшоларнинг ўзаро элчилар юборишлари, бир-бирларига ҳар хил совғалар инъом этишлари анъанага айланди. Савдо-сотиқ ривожланди. Шарқ билан Ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучайди. Уша даврдаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келди.

«Буюк ипак йўли» бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Бу йўлдан бораётган савдогарлар кўпинча йўлнинг охиригача бормас эдилар. Марказий Осиё вилоятлари бу йўлнинг ўртасида жойлашганлиги сабабли савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термез ва бошқа жойларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қилардилар. Уша давр Марказий Осиё бозорларида четдан келтирилган кўплаб маҳсулотлар мавжуд эдики, ҳозирги кунда ипак йўли устидаги кўҳна шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги археологик қазилмалар натижасида топилаётган топилмалар фикримизни далилларидир.

Кушон даври иқтисодий ҳаёт ҳақида гап кетар экан яна Кушон подшолари тангаларига тўхталамиз. Бу тангалар давлатда ривожланган пул тартиби бўлганидан дарак берибгина қолмасдан, товар-пул муносабатлари ривожланганини ҳам кўрсатади. Жуда кўплаб мис тан-

галар, пул муносабатларининг кундалик ҳаётда ва давлатнинг турли бурчакларидаги савдо алоқаларида муҳим ўрин тутганидан далолат беради. Шунингдек, бошқа давлатлар билан ҳам савдо алоқалари авж олди. Айниқса Кушон давлатининг Рим салтанати ва Хан давлати ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари энг юқори даражага кўтарилди. Кушон давлати ҳудудидан рим тангаларининг топилиши, Рим салтанати ҳудудидан кушон тангаларининг топилиши ҳам буни тасдиқлайди.

Рим манбалари, кейинроқ эса араб географларининг маълумотларига қараганда, Рим салтанатига Кушон давлатидан асосан темир ва темир буюмлар олиб кетилган. Хитойликларни эса биринчи навбатда «узоқ ва оғир йўлларни босиб ўтишга қодир бўлган» Фарғонанинг отлари ҳайратга солган. Шунингдек Хитойга жун ва жун газламалар, қўй териси, қуrollар ва қимматбаҳо тошлар сотилган. Уз навбатида Хитойдан ипак, турли Хитой газламалари, чинни буюмлар келтирилган.

Кушон давлати ундан ташқари катта ва кичик вилоятлар, дашт ва тоғ олди кўчманчилари билан савдо-сотиқ муносабатлари олиб борган. Юқорида қайд этганимиздек бу муносабатларда «Буюк ипак йўли»нинг аҳамияти беқиёс бўлди.

Кушон даври ёки милодий I—III асрлар кўпгина Ғарб ва Шарқ маданий мамлакатлари билан қизғин иқтисодий, маданий ва сиёсий муносабатларда бўлган қудратли ва мустақил давлатнинг ҳар томонлама гуллаб яшнаган даври бўлди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу салтанат қулдорлик муносабатлари анча тараққий этган бир шароитда ҳаёт кечирган турли халқларнинг аралашмасидан иборат эди. Айни пайтда, кушон даврининг охирига келиб Марказий Осиёда қулдорлик тузумининг емирилишига сабаб бўлган омиллар пайдо бўла бошлайди.

Ёзма манбалар ва сўнгги археологик маълумотлар шундан далолат берадики, милоднинг бошларида Кушон давлати ривожланишида шундай ижтимоий-иқтисодий жараёнлар бўлиб ўтдики, бу жараёнлар шу даврда Рим салтанатида ҳам, Парфия ва Хан давлатида ҳам бўлиб ўтган жараёнларга ўхшаб кетади.

Қудратли Кушон салтанати синфий қарама-қаршиликнинг ниҳоятда кескинлашуви натижасида пайдо бўлиб, ўз даврида Шарқ ва Ғарбдаги каттагина ҳудудни ларзага солган салтанат эди. Салтанатни ташкил этган

турли халқларнинг ҳукмрон синфлари халқ ҳаракатларини маълум муддатгача бостириб туришга ва салтанат атрофини ўраб турган кўчманчи қабилалар ҳужумини қайтаришга ва тўхтатишга қобил бўлган олий давлат ҳокимият фойдасига давлат мустақиллигидан воз кечган тақдирдагина синфий курашда ғолиб чиқиши мумкин эди.

Кушонлар ҳукмронлиги даври Марказий Осиё тарихида ўчмас из қолдирди ва катта аҳамиятга эга бўлди. Шарқ ва Ғарбга қатнаб турган элчилар ва карвонлар билан бирга маданий анъаналар ҳам кириб келди. Бу анъаналар маҳаллий маданий жараёнлар билан аралашиб ўзига хос Кушон маданияти ва санъатининг пайдо бўлишига олиб келди. Кушон маданияти ўз навбатида қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятида чуқур ва ўчмас из қолдирди.

Кушон даври маданияти

Кушон даври Марказий Осиё халқларининг моддий ва маънавий маданиятида жиддий ўзгаришлар бўлганлиги билан изоҳланади. Буюк Кушонлар салтанатининг тақдири, маънавияти нуқтаи назаридан аянчли тугади, яъни ўз даврида унинг тарихи ва маданияти деярли ёзилмади. У ҳақда қадимги маълумотлар жуда кам, ёзув (эпиграфик) ёдгорликлар ҳам унчалик кўп эмас.

Маълумки Марказий Осиёда милoddан аввалги IV—II асрларда оромий ёзув асосида Хоразм, Парфия ва сўғд ёзувлари пайдо бўлади. Кушон даврига келиб улар сафига яна бир ёзув — Кушон (Бақтрия) ёзуви пайдо бўлади. 22 ҳарфдан иборат ва кўпинча тангаларда учрайдиган бу ёзув, олимлар фикрича, Канишка даврида пайдо бўлади. Тангаларда зарб қилинган миниатюра тасвирларда баджаҳл ва серсоқол подшолар сиймоларини, юнон, ҳинд, форс, Марказий Осиёнинг турли ҳудодлари ва улар исмлари, подшоларнинг номлари ва унвонлари юнон ва ҳинд алифбосида, маҳаллий тилда битилганини кўришимиз мумкин. Кушон тангалари маданиятнинг ўзига хос томонлари, ёзув, тил, диний қарашлар ҳақида маълум хулосалар чиқариш имкониятини яратади. Аммо, тангалар Кушон маданияти қай даражада бўлганлиги ҳақида тўла маълумот беролмайди. Бунинг учун санъат ёдгорликларига мурожаат этамиз:

Санъат ёдгорликлари дастлаб Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида кўплаб очилди ва бу туркум санъат ёдгорликлари «Қандаҳор ҳайкалчилик мактаби» деб номланди. Бу ҳудуддан жуда кўплаб санъат асарлари топилган бўлиб, бу асарларда буддийлик худолари, монархлар тасвирланган. Ундан сўнг кушон даврига оид буддийлик манзилгоҳлари Ходда ва Шотарака (Афғонистон), Бутқара (Покистон) дан юзлаб ҳайкаллар топилиб, кушон маданияти ҳақидаги тасаввурлар бирмунча кенгайди. Аммо, Марказий Осиё Кушон даври маданияти қай даражада бўлган эди?

Марказий Осиёнинг жануби ва Шимолий Афғонистондаги археологик тадқиқотлар Юнон-Бақтрия ва Кушон-Бақтрия маданияти гуллаб яшнаганидан далолат беради. Дастлабки ёдгорликлар Айритом ва Кўҳна Термизда 30- йилларда очилиб, 60- йилларда давом эттирилди. Кейинчалик кўҳна Термез яқинидаги Қоратела буддийлик ибодатхонаси, Фаёзтепа, Холчаён ва Далварзин кўҳна шаҳарчалари очилиб ниҳоят даражада юксак бўлган кушон маданияти бутун дунёга машҳур бўлди.

Айритом кўҳна шаҳридан топилган уйларнинг пештоғига ишланган тош тасвирлар (шарафа) асримизнинг 30—40 йилларидаёқ маълум эди. Бу пештоқларда гулларга бурканган, мусиқа асбоблари чалиб турган қизлар ва дўмбира чалиб турган болаларнинг тасвири тўширилган. Қазималар натижасида ибодатхона ва иншоотларнинг меъморий жиҳатдан ниҳоятда моҳирлик билан барпо этилганини кўрамиз. Сурхондарё вилоятининг Денов ноҳияси пахта далаларининг бирида қачонлардир йирик шаҳар бўлган Холчаён ёдгорлигининг қолдиқлари сақланиб қолган. Шаҳарнинг пайдо бўлиши мил. ав. I минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Ривожланиш жараёни Кушон даврига тўғри келиб, бу давлат инқирозга юз тутиши билан шаҳар ҳам емирила бошлайди. Қазиб очилган бино ичида I асрда қурилган, унчалик катта бўлмаган сарой алоҳида қизиқиш уйғотади. Саройда деворий расмлар яхши сақланиб қолмаган. Инсоннинг юзи ва ёмон сақланган қомати, гуллар тасвири бор холос.

Лекин саройдаги бадий маданият намуналари кўплаб топилган. Ҳайкаллар лойдан ишланиб устки қисми бўялган. Ҳайкаллардан энг каттаси 2 метрга яқин бўлиб, кичик ҳайкаллардан ўнлаб топилган. Бу санъат асарларида подшо Герай авлодлари тасвирланган (ҳай-

каллар тангалардаги тасвирлар билан солиштирилган). Марказда тахтларда ўтирган подшо ва унинг хотини, уларнинг ўнг ва чап томонларида подшо оиласи аъзолари, хотинлар ва эркаклар, шунингдек маҳаллий зодагонлар ва Геракл ҳамда Афина ҳайкаллари жойлашган.

Термез—Душанба катта йўлининг ўнг томонида катта майдон бўлиб у ерда табиат ва вақт таъсирида емирилиб тепаликка айланган қўрғон бор. Шаҳарнинг мустаҳкам деворлари, ҳоким саройининг харобалари, иморатлар қолдиқлари — булар йирик Кушон шаҳри қолдиқларидир. Бу Далварзин кўҳна шаҳари бўлиб, у Кушон давлатининг дастлабки пойтахти бўлган деган фикрлар ҳам мавжуд.

1972 йилги қазишмалар пайтида бу ердан умумий оғирлиги 30 кг. дан ортиқ тилла буюмлар хазинаси топилган. Бу хазинада ҳаммаси бўлиб 115 та билагузук, халқалар, тўғалар, бўйин тақинчоқлари, олтин қўймалар бор эди.

Далварзин кўҳна шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойдан жуда қизиқ ва ўзига хос қабр топилди. Бу қабрдаги кўмиш анъаналари буддийлардан фарқ қилган ҳолда, баъзи ҳолларда Марказий Осиё анъаналарига ҳам ўхшамайди. Сағаналарда уч хилдаги дафн мавжуд бўлиб, улардан охиргиси мил. ав. I—III асрлардаги зардуштийларнинг дафн анъаналарига тўғри келади. Далварзин сағанаси қабрлари ўзига хос гўзаллиги билан, дафн маросими иншоотининг барча-меъморлик ўхшашликлари билан зардуштийлик дафн маросимларига мўлжалланган бўлиб, «зардуштийлик дунёси» майдонидаги энг қадимги дафн этиш жойидир. Тўғри, Хоразмда ҳам бу даврга оид эҳтимол бу даврдан ҳам илгарироқ даврларга оид қабрлар топилган, лекин улар даҳмалар эмас, уларда инсон суяклари сопол астодонларда кўмилган. Милоднинг I асрларига оид астодон қўйилган сағаналар Марв ва Марғиёнадан топилган. Худди шу тарздаги қабрлар Эрон археологлари топилмаларида ҳам учраб, улар ҳам мил. ав. I асрларга оиддир. Далварзин даҳмаси ноёб меъморлик иншооти, ўзига хос бўлиб, гумбаз шаклидаги ҳужра, нафис терилган пештоқли кириш жойи билан кушон даври Шимолий Бақтрия меъморлик санъатини акс эттирувчи иншоотдир.

Кушон даври маданияти намуналаридан яна бири қадимги Хоразм ҳудудидаги Тупроққалъа шаҳридир.

Милоднинг III—IV асрларига оид қин, юқоридаги фикрлардан алоҳида бўла бошлаган дастлабки асарлар ва қачароқ эканликларидан бири қурдирган. Қазилмалар натижада турли деворий суратлар ва ҳайкаллар билан безатилган тантанали заллар ва бой хонадон уйлари очилди. Тупроққалъа топилмалари, Марказий Осиёнинг чекка вилоятлари ҳунармандлари ҳам кушон санъати ва маданиятини маҳаллийлаштириб олганликларини ва бу маданиятдан саройлар, ибодатхоналар, уйлар қуришда кенг фойдаланганликларини кўрсатади.

Археологик жиҳатдан Сўғд ва Фарғона ерлари Кушон даври Марказий Осиёнинг Жануби ва Хоразмга нисбатан камроқ ўрганилган. Лекин Сўғд ва Фарғона аҳолиси бошқа давлатлар санъати ва маданиятидан хабардор бўлган, шунингдек улардан маҳаллий маданият намуналари топилган. Милоднинг I асрларида Сўғдиёнада оромий ёзувининг маҳаллий кўриниши мавжуд эди, бу даврда Фарғона водийсининг ўз ёзуви бўлмасада, фарғоналиклар ўз тангаларини чиқариб турганлар. Сўғдиёнадан Кушон даврига оид кўплаб сополчилик бадий маданияти намуналари, идишлар, ҳайкалчалар топилган.

Сўнгги йилларда бу минтақада археологик текширув ишлари айниқса қизғин тус олди. Шу муносабат билан Афросиёбда тадқиқот ишлари олиб бораётган ҳамда таркибида бутун дунёга машҳур археолог тадқиқотчилар турган ўзбек-француз ҳамкорликдаги экспедициясини алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур. Демак, агар яқин орада дунё қадимий Сўғдиёна заминида яна бир фикр-ни лол қолдирувчи антик даврга оид кашфиёт тўғрисида эшитса ҳеч ажабланмаслик керак.

III МАВЗУ: ИЛК ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ

1-§. ЭФТАЛИТ ДАВЛАТИ. ТУРК ҲОҚОНЛИГИ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ.

Кидарийлар, хионийлар, эфталитлар.

Милодий IV—VI асрлар Марказий Осие тарихи кўчманчи қабилаларнинг кириб келиши, қабилалар иттифоқи юзага келиши — янги сиёсий кучларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Кидарийлар хусусидаги асосий маълумотлар Хитойнинг Бэйши солномасида ҳамда ғарб муаллиф — тарихчилардан бири Приск Панийский маълумотларида учрайди. Бэйши солномасида берилишича юечжилар ҳукмдори Цидоло (Кидар) жужанлар ҳужуми туфайли ўз қароргоҳини Боло (Балхан)га кўчирган. Кейинчалик шу манба хабар беришича Кидар Шимолий Ҳиндистонга юриш қилиб Гандҳардан шимолидаги 5 та давлатни ўзига бўйсундирган. И. Маркварт, М. Мартинларнинг шу масала юзасидан тадқиқотларига кўра (кўпроқ тангашунослик маълумотларга таяниб), Кидар давлати кушонларнинг қолдиғи бўлиб, ўзларига пойтахт этиб жужанлар ҳужумидан сўнг Каспий бўйидаги Балханни танлашган дейилади. Юқоридаги тадқиқотчилар фикрича Кидар (баъзан Кидара) IV асрда ҳукмронлик қилган. Аввал бошда у Эрон шоҳи Шопур II га бўйсунган. Оқ хунлар бостириб келиши билан ўз ўғли Пирони Пешаворда қолдириб Шимолга йўл олган. Оқ хунлар билан кураш 400- йилларга тўғри келди, дейилади.

Кидар Шопур II (309—379) нинг замондоши бўлиб аввал бошда кушонлар ҳокимиятининг давомчиси сифатида уларга бўйсуниб келган Хионийлар ёрдамида Бақтрияда уларнинг ҳокимиятига чек қўйган. Хионийлар ёрдамида Эрон сосонийлари Бақтрияни қайтариб ўз қўлларига тобелikka олишган. Баъзи бошқа тарихчи-тадқиқодчи олимларнинг фикрича Кидарийлар шимолдан келган қабилалар иттифоқидан ажралиб чиққан

гуруҳлар деб тушунтирилади. Лекин, юқоридаги фикрлар ва бошқа хулосалар аҳволни бошқачароқ эканлигини кўрсатади.

Кидарийлар масаласи анча кам ўрганилган, тадқиқодлар давом эттирилиши керак бўлган масаладир. Чунки юқоридаги манбалардаги маълумотларни (жумладан, Бэйши) кейинчалик бошқа манбалар тилга олмайди. Ҳиндистонга (456 й.) кетиб Гупта давлатини босиб олганларидан кейинги кидарийлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам деярли йўқ ҳисоби. Фақатгина улар Ҳиндистонда 75 йил ҳукмронлик қилганлари, 477 йилда Гандҳардан Хитойга элчилар юборганликлари маълум холос. Баъзи тадқиқотчилар уларни Шарқий Туркистондан кириб келган кушонлар қолдиғи деб ҳам тушунтириш беришади. Шунингдек, кидарийларнинг Марказий Осиёнинг жанубида хионийлар билан бирга Эронга қарши иттифоқчилик ҳаракатлари, тўғрисида ҳам турли тахмин ва фикрлар мавжуд.

IV аср ўрталарида Марказий Осиё ерларига шимолдан кўчманчи хион қабилаларининг ҳужуми бошланади. Тарихда улар «хионийлар» номи билан танилганлар. Хионийлар қадимги туркий хунну қабилаларига қардош бўлганлар ва ғарбда кўпинча тарихчилар уларни «оқ хуннлар» деб атаганлар. Илк бор хионийлар (хонлар) Аммиан Марцеллин асарида тилга олинади. Унинг ёзишига қараганда 346—47 йилларда Эрон шоҳи Шопур II ўз давлатининг шарқий қисмида бўлганлиги вақтида, унга қарши кушонлар ва хионийлар иттифоқи жанг олиб борган. Марцеллиннинг кейинги хабарига кўра Шопур «узоқдаги халқлар хионий ва геланлар билан» иттифоқчилик шартномасини тузган. Шунингдек, хионийларнинг 353 йилда Сўғд устига юриш қилганликлари ҳам маълум.

IV асрнинг 60—70 йилларида Эрон билан муносабатлар яна кескинлашиб, Шопур II хионийлар билан кураш олиб боради ва икки маротаба енгилади.

Ездигард II (438—457) даврида шимолдаги кўчманчилар билан кураш яна кучаяди. Шу жангларда қатнашган ва унинг замондоши бўлмиш арман тарихчиси Егише Вардапетнинг ёзишича, уларнинг Сосоний шоҳи «тўсатдан хонлар (яна, кушонлар деб ҳам аташарди) юртига ҳужум қилди ва улар билан икки йил курашди ва уларни ўзига бўйсундира олмади». «Едгор Зарерон» да ҳам хионийларни кушонлар билан бир деб кўрсати-

лади. Ёздигард II ҳатто ўз қароргоҳини кўчиришга ҳам мажбур бўлган. Лекин чегарадаги кескинлик узоқ вақт сақланиб турган. Вардапетнинг ёзишича 457 йил «Ёздигард катта қўшин билан кушонлар юртига ҳужум қилади. Кушон шоҳи курашмай орқага чекинади». Ёздигард «кушонлар юртини» талаб орқага қайтади. Бошқа бир тадқиқодчилар фикрича Ёздигард 2 маротаба хионийлар устига юриш қилган. Иккинчи жангда хионийлар томонидан ўлдирилган.

✓ Хитой манбаларида эфталитларни «ида, йеда, идан, идян» деб, сурия ва лотин манбаларида эса «эпталит, эфталит, адбал», арман ёзувларида «идал, тетал, хептал», араб ва форс муаллифлари «ҳайтал, йафтал, ҳетал», ҳинд манбаларида «хуна» ва ҳоказо деб эслатиб ўтилади.

Хитойлик муаллифлар эфталитларни турклар (тукюе) билан боғлиқ равишда таърифлайдилар. Византиялик тарихчилар, масалан Проколий (VI аср) эфталитларни хунлардан деб кўрсатар экан, «улар (яъни эфталитлар) хунлардандир, таналари эса оқ» деб эслатади.

Эфталитлар билан сосонийлар ўртасидаги биринчи тўқнашувлар V аср 30 йиллардаёқ содир бўлган эди. Арман тарихчиси Вардапетнинг маълумотига кўра V асрнинг 50-йилларига келиб эфталитлар иттифоқи ниҳоятда кучайиб кетади. 456 йилдаёқ эфталитлар ўз элчиларини Хитойга жўнатадилар. Эфталитлар тобора жанубга қараб силжий бошлайдилар ва ўз навбатида жанубдаги қўшни Эрон билан муносабатлар кескинлаша боради. Сосонийлар билан ҳал қилувчи курашлар даври шоҳ Перуз (Феруз) даврига (459—484 йй.) тўғри келади. Тахминан 457 йили Вахшунвор (Ахшунвор) Эфталон бошчилигидаги эфталитлар Чағониён (Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрининг шимолидаги ерлар), Тоҳаристон, Бадаҳшонда ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар. 459 йили Эрон тахтига номи тилга олинган Перуз чиқади.

Манбаларда Перузнинг ҳокимиятга келиши эфталитлар билан боғлиқ равишда баён қилинади. Нафақат Перуз, балки унинг акаси Хўрмўзд (457—459) ҳам эфталитлар ёрдамида тахтни қўлга киритгани маълум. Бундай ҳолат бекорга юзага келмаган эди. Чунки Хўрмўзд ва Перуз ўз вақтида тахт вориси сифатида сосонийлар давлатининг шарқий вилоятларини (Сейистондан Марғиёнагача бўлган ҳудуд) бошқарганлар. (Хўр-

мўзд 420—457 йиллари, Перуз 457—459 йиллари). Шу муносабат билан қўшни ўлка сиёсий, савдо доиралари билан яқиндан муомалада бўлганлар.

Перуз эфталитларнинг кучайиб боришини вақтинчалик деб билиб, улар кучидан Эрон тахтига келиш учун фойдаланган бўлиши керак. Аммо эфталитлар қудрати ошиб тез орада улар сосонийларга ҳам қарши туришларини англаган Перуз эфталитларга қарши жангга киради. Бу тўғрисидаги маълумотлар «Бахман—Яшта» да ҳам, араб тарихчиси ат-Табарийнинг асарларида ҳам учрайди. Перуз (459—484) 3 маротаба эфталитларга қарши юриш қилади.

Биринчи курашдаёқ Перуз мағлубиятга учрайди ва асирга тушади. Византия императори Зенон ўртага тушиб, уни озод қилиб олади. Перуз чегарадаги Талқон (Таликон) шаҳрини эфталитларга топшириш ва Варахрон V Баҳромгўр белгилаган чегарадан ўтмаслик мажбуриятини олади. Бу мағлубиятдан хулоса чиқариб олмай, у яна 2-маротаба эфталитлар устига юриш бошлайди.

3-чи урушга баҳона бўлиб Приск Панийскийнинг маълумотича, Перузнинг эфталитларни алдаши хизмат қилган. Перуз ўлпон тўлаб бўлгач, эфталитлар билан муносабатни яхшилашга ҳаракат қилади. У эфталитларга сулҳ тузишни ва ўзининг эфталитларга тинч мақсадларини намоён этиши мақсадида «хунлар ҳукмдори»га ўз таклифини кафолати сифатида синглисини унга турмушга беришлигини таклиф этади. 484 йили эфталитлар ва сосонийлар ўртасида охириги кураш бошланиб кетади. Бу кураш Марв яқинида сосонийларнинг тугал мағлубияти билан якунланади.

Араб тарихчилари Деноварий ва Табарийларнинг ёзишича Перуз ўз қўшинининг бир қисми билан пистирмадаги чуқур ҳандаққа тушиб кетган ва эфталитлар томонидан тошлар билан уриб ўлдирилган экан. Унинг бутун лагери, хонадони, мол-мулки эфталитлар қўлига тушиб мусодара қилинган. Бу курашдан сўнг Эрон устига оғир ўлпон солинган.

Сосонийлар қудратига эфталитлар томонидан шундай қилиб чек қўйилди. Эроннинг ўзида шу вақтга келиб ички сиёсий аҳвол кескинлашиб кетди. Оғир иқтисодий аҳвол, қулчиликнинг емирилиши, солиқларнинг ўсиши, қуйи табақаларнинг қашшоқланиши, урушдан кейинги хонавайронликлар натижасида норозилик ҳара-

катлари бошланиб кетди. Халқ ғалаёнлари дини. олиб, бу ҳаракатларга Маздак бошчилик қилди.

Маздак Ҳамдадон (470—529) зардуштийликнинг асл ғояларини ҳаётга тадбиқ қилмоқчи бўлиб, ўз ҳаракат мафкурасини яратди. Унинг таълимотича кишилар бу дунёнинг неъматларидан баробар фойдаланишлари лозим, шунингдек у ижтимоий ҳаётга жамоа ҳуқуқларини тиклаш, ер-сув, мол-мулкка баробар эгалик қилиш, ҳам-манинг ўзаро тенглигига эришиши лозим, деган ғояни илгари суради. Маздак тарафдорларининг сони Эронда жуда кўплаб одамларни ташкил этди. Берунийнинг хабарига кўра, унинг ортидан минглаб кишилар эргашдилар. Маздакийлик янги ижтимоий-иқтисодий муносабат — феодализмнинг талабларини олға сура бошлади. Маздакийлик ҳаракати ниҳоятда кучайиб кетгач Кубодшоҳнинг (489—531) ўзи у билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Кубод Маздак тарафига ўтиб уни Эроннинг бош қоҳини этиб тайинлайди. Маздак ҳокимиятни ўз қўлига киритиб олгач, унинг тарафдорлари охир-оқибатда Кубодни 496 йил тахтдан ағдариб ташлаб зиндонга ташлайдилар.

Унинг ўрнига укаси тахтга чиқади. Кубод зиндондан қочиб, эфталитлар даргоҳидан паноҳ топади. У ўз вақтида эфталитлар ҳукмдорининг синглисига уйланган эди. Суриялик муаррих Иешу Стилит эфталитлар ҳузуридagi Кубоднинг аҳволини шундай таърифлайди: «... у кўзида ёш билан ҳар куни (эфталитлар ҳукмдоридан) лашкар билан қўллаб-қувватлашни илтимос қилардики, то... яна давлат бошқарувини қўлга олсам» деб. Кубод эфталитлардан етарлича ҳарбий ёрдам олиб 499 йил Эронга юриш қилди. Чегарага етган пайтдаёқ укаси бунга эшитиб тахтни ташлаб қочиб кетади. Кубод шоҳ I яна тахтга ўтиради. Аввал маҳфий, кейинчалик ошкора маздакийликка қарши кураш олиб боради. 529 йилда Маздак қатл этирилиб, унинг тарафдорларига қарши аёвсиз кураш олиб борилади.

Кубоднинг ўғли Хусрав I Анушервон (531—579) даврида кенг миқёсли ислохотлар ўтказилиши билан бирга маздакийлар ҳаракатига буткул чек қўйилади. Эфталитлар эса ўз қўллари остида Тоҳаристон, Бадахшон, Сўғд, Шарқий Туркистон ва Марказий Осиёнинг бошқа баъзи ерларини бирлаштирдилар.

Кубодшоҳ эфталитлар билан деярли тинч-тотув яшайди. У 502—506 йилларда эфталитлар билан иттифоқчи-

ликда Византияга қарши юришларда қатнашади ҳам. Эфталитлар Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Эронни бирлаштирган улкан давлатга асос соладилар. Кушон подшоҳлиги ҳудудларини ҳам яна ўз қўллари остида бирлаштирадилар. Эфталитлар сосонийларнинг Ўрта Шарқдаги ҳукмронлигига чек қўядилар.

Эфталитлар давлати Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутиб, кейинчалик ўз ўрнини 563—567 йиллардаги курашдан сўнг тарих майдонидаги янги снёсий куч — Турк ҳоқонлигига бўшатиб берди.

✓ Эфталитлар давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва маданият

Илк ўрта асрлардаги Хитой манбаларида эфталитларнинг кўчманчи қабилалар эканлиги, уларнинг юртида шаҳарлар йўқлиги, ўзлари ўтлоқларда яшаганликлари таърифланади. Кейинги давр тарихчилари хусусан ғарб манбаларида бошқача маълумотлар келтирилади.

Византиялик муаррих Прокопий Кесарский (VI аср) шундай деб ёзади: «эфталитлар (салтанати) бир ҳукмдор орқали идора этилиб, ўз қонуний (адолатли) давлатчиликларига эгадирлар. Ўзаро ва қўшнилари билан (муносабатларда) адолат меъёрини сақлашда византияликлар ва форслардан ҳеч бири қолишмайдилар». Демак, эфталитлар даврида ҳам кушонлар давридаги каби салтанат якка ҳукмдор томонидан бошқарилган.

Ҳали кушонлар давридаёқ ер ва қўрғонларга эга бўлган аслзодалар ажралиб чиқа бошлаган, деҳқонлар маҳаллий зодагонларга кўпроқ тобе бўла бошлаган. Эфталитлар улкан ҳудудда бошқарувни қўлга киритгач обод деҳқончилик воҳаларига, ривожланган шаҳарларга, савдо йўлларига эга бўладилар. Вақт ўтиши билан эса маҳаллий аҳоли билан аралашиб кета бошлайдилар. Натижада уларнинг бевосита ворисига айланадилар. Шу боисдан 568—569 йилларда Византия императори Юстин II ҳузурида бўлган турк элчиси императорнинг «эфталитлар шаҳарларда яшайдиларми ёки қишлоқлардами?» деган саволга «улар шаҳарлик сулолалар, олий ҳазратлари» деб жавоб берган.

Эфталитларнинг бир қисми кўчманчи чорвадор бўлса, асосий каттароқ қисми шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган ўтроқ аҳоли бўлган. Тоҳаристон ва Сўғдда деҳ-

қончилик ва боғдорчилик ривож топган. Қашқадарё ва Зарафшон водийларида ғалладан ташқари шолӣ ҳам етиштирилган. Хитой манбаларида қайд этилишича V—VI асрларда хусусан Шарқий Туркистон ва Туркистон ерларида кўплаб ғўза экилар эди. Марказий Осиёнинг пахта толаси Хитоида ҳам машҳур бўлган. Тоғ ва тоғ олди ерларидаги аҳоли йилқичилик билан шуғулланган. Фарғона водийсида зотдор арғумоқлар кўпайтирилар эди. Феодал муносабатларнинг таркиб топа бошлаши билан суғориладиган ер майдонларини маълум бир қисми мулкдор зодагон табақа вакиллари — «деҳқонлар» қўлида тўплана бошланган эди.

Бунинг натижасида қишлоқ жамоасининг эркин деҳқонлари маълум даражада зодагон деҳқонлар асорати-га тушиб, уларга қарам «кадивар»ларга айланмоқда эди. Суғорма ерларнинг бир қисми ибодатхоналар мулки ҳисобланган. Бундай ерлар «вағнзе» деб юритилган эди. Яйловларнинг асосий қисми оқсоқол зодагонлар қўлида бўлган. Эфталитлар орасида мол-мулк табақаланиши ҳам кучли бўлган. Улар орасида феодал муносабатлар шаклланиши билан бир қаторда ибтидоий жамоа тузуми сарқитлари ҳам сақланиб қолган эди.

Хитой солномаларида қайд қилинишича эфталитларда полиандрия (кўп эрлик) ҳам тарқалган эди. Бир неча ака-укада умумий битта хотин бўлиб, унинг бошидаги қалпоғининг бурчаклари сонига кўра ака-укалар нечта-лигини билиш мумкин эди. Олий табақа вакиллари ичида кўп хотинлик одати айниқса кенг тарқалган.

Энг бой зодагонлар доимий ҳамроҳ сифатида 20 ва ундан ортиқ дўстларга эга бўлишган. Зодагон вафот этганда, қоида бўйича дўстлари ҳам тириклигича қабрга қўйилган. Бэйши солномасида ёзилишича, зодагонлар қазо этган вақтда махсус тайёрланган тош даҳмаларга, оддий эфталит мурдаси эса тупроққа қўйилган. Бу икки хил кўмиш жамиятнинг синфий табақаланишидан далолат беради.

Зодагонлар қимматбаҳо кийимларда юришган. Бу ҳақда Сон Юн ўз эсдаликларида қайд қилиб ўтади. Жиноятчилик юзасидан жазо ниҳоятда қаттиқ бўлган. Ўғрилиқ қилган шахс ким бўлишидан қатъий назар боши кесилган, ўғирланган мол-мулк миқдоридан қатъий назар ўн баробар қилиб ундириб олинган.

Эфталитлар кучли қўшинга эга бўлишган. Лашкарнинг асосий қисмини суворийлар ташкил этган. Суворий-

лар асосан гурзи ва қилич билан қуролланганлар. Хитойликлар уларни моҳир камонбоз деб ҳам таърифлаган. Отлиқ қўшин асосий аҳамият касб этган.

V—VI асрларда деҳқончилик воҳаларида эфталитларнинг ўтроқлашуви кучаяди, бунинг оқибатида суғорма ерларга бўлган муҳтожлик ортади. Кичик-кичик суғориш каналлари қазиб чиқарилиб, минглаб гектар янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Суғориш услуги такомиллашади, шоҳариқлар чуқурлашиб, серсув суғориш тармоқларига айланади. Ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган Заҳариқ, Бўзсув, Дарғом каналлари V асрда барпо этилган энг йирик суғориш тармоқларидан бўлган. Шунингдек тоғ олдиларига сув чиқариш учун сув чиқариш асбобларидан кенг фойдаланилган. Янги ўзлаштирилган ерларда зодагон деҳқонларнинг қалин хом ғиштан уриб чиқилган ва баланд пойдевор устига қурилган улкан қўрғонлари, истеҳкомлар юзага кела бошлаган.

Истеҳкомларнинг тўрт бурчаги баланд буржлар билан мустаҳкамланиб, девору-мўрилари бир неча қатор камондан ўқ узгич нишон туйнуклари билан таъминланган. Қалин мудофаали феодал қўрғонлари илк ўрта асрнинг ўзига хос меъморчилик намуналаридан бўлиб, Нахшаб воҳасидаги Заҳоки — Морон қалъаси, Бухородаги Шаҳри Вайрон, Хоразмдаги Фир қалъаси шулар қаторидандир.

Воҳаларни ташқи душмандан ҳимоя қилиш мақсадида бир неча чақиримлаб қалин деворлар барпо этилган. Самарқанд воҳасидаги 12 та дарвозага эга бўлган Девори қиёмат, Бухоро воҳасидаги узунлиги 336 км.ли Кампирақ, Тошкент воҳасидаги Кампирдевор истеҳком деворлари шулар жумласидандир.

Шу давр меъморчилигида қасрлар қурилиши айниқса аҳамиятли бўлган. Қасрлар одатда 2 қаватли, шипи текис, гумбазсимон ва равоқсимон ёпилган бир неча хонадан иборат бўлган. V асрдан бошлаб сарой, қасрлар қурилишида пахса ва хом ғишт билан бир қаторда кирпеч (пишиқ ғиштар) ҳам ишлатилина бошланган. Сарой ва ибодатхоналар деворлари одатда рангдор тасвирлар билан безатилган.

Бундай тасвирий санъат намуналаридан бири. Болаликтепа (Сурхондарё) қасри деворларида қайд этилган. Бу нодир тасвирий санъат асарларида башанг кийинган

аёл ва эркакларнинг зиёфати тасвири берилган. Расмлар катта дид ва маҳорат билан ишланган.

Шу давр моддий маданият ёдгорлиги сифатида Хоразмдаги Тупроққалъа харобасини ҳам кўрсатиш мумкин. Бу қалъа қалин истехком деворига эга бўлиб, қалъа ичидаги тўғри йўналтирилган кўчалар шаҳарни 10 та мавзегга бўлиб турган. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида кўтарма супа устига хом ғиштдан сарой қурилган. Унинг ёнида арк биноси бўлган. Шунингдек 100 га яқин турар жой, хўжалик бинолари, 8 та сарой зали харобалари, қадимги Хоразм ёзувларида битилган 80 тадан ортиқ ҳужжатлар топилган.

Эфталитлар меъморчилигининг ажойиб намуналаридан бири Бухоро яқинидаги Варахша саройи бўлган. Бу қўрғон улкан тўртбурчак шаклидаги тепа устига қурилган. Деворлари ганч қилиниб, суратлар билан безатилган. Хоналар кенг-кенг бўлиб, қалин деворлар билан бири-биридан ажралиб турган. Бу қаср бухорхудотларнинг VI—VII асрларда қароргоҳи бўлган. Шунингдек Тошкент воҳасидаги Оқтепадан, Жўн ариғи яқинидан, Пойкентдан ва бошқа бир қатор жойлардан эфталитлар даври ёдгорликлари топиб тадқиқ қилинган.

Эфталитлар даврида ҳунармандчилик ҳам ривож топган. Айниқса кулолчилик, шишасозлик, чилангарлик, бўзчилик, заргарлик, қуролсозлик касб-ҳунарлари раванқ топган. Чочда ясалган ўқ ва ёй «камони чочий» номи билан машҳур бўлган. Катта-кичик шаҳарлар сони кўпайган. Биргина Зарафшон воҳасида Ривдад, Кушония, Хариман, Арқуд, Ромитон, Варахша, Пойканд каби савдо-ҳунармандчилик шаҳарлари мавжуд эди. Айрим маълумотларга кўра Пойканд шаҳри эфталитларнинг пойтахти бўлган.

Эфталитлар халқаро савдо соҳасида Эрон, Византия, Ҳиндистон, Хитой билан савдо-сотик муносабатларини олиб боришган. Эфталитлар «Ипак йўли» ни назоратда тутишга ҳаракат қилганлар. «Ипак йўли» савдосидаги ва умуман савдогарлар ичида сўғдлар етакчи ўринни эгаллаган эди. Бу пайтда Марказий Осиёда олтин, кумуш, Бадахшон лаълиси, рангли шиша ва шиша буюмлар, турли хил мевалар, ип-газдама, қоракўл, зотдор тулпорлар билан савдо қилинарди.

Аввал бошда эфталитлар сосонийлардан бўлган Варахран V ва Перознинг кумуш тангаларидан ўзаро савдо-сотикда фойдаланар эдилар. Кейинчалик эфталитлар

Эрон шоҳи Варахран V Баҳромгўр тангаларига тақлид қилган ҳолда кумуш тангалар зарб қилдилар. Бундан ташқари, Бухоро, Пойканд, Самарқанд, Хоразмдаги маҳаллий ҳокимлар томонидан чиқарилган тангалар ички савдода кенг муомалада бўлган.

V—VI асрларда диний эътиқод ва тасаввурлар билан узвий боғлиқ бўлган тасвирий санъат сопол ҳайкалча-ларни яшаш ва уларга топиниш кенг ёйилади. Сопол ҳайкалчалар жой турларига кўра турлича бўлиб, кийим-кечаклар, юз сиймолари, тақинчоқлари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилганлар. Улкан ҳудуддаги эфталитлар давлати жуда кўп халқларни ўзида бирлаштирганлиги сабабли диний эътиқодлар ҳам турлича бўлган. Суғдда зардуштийлик кенг тарқалган бўлса, Тоҳаристон ва Шарқий Туркистонда буддийликка эътиқод қилувчилар кўпчиликини ташкил этган. Шаҳарларда насронийлар ва яҳудий жамоалари ҳам мавжуд эди. Монийлик ва Маздак таълимоти тарафдорлари ҳам пайдо бўлаётган эди. Наврўз куни Бухоро оташпарастилари Сиёвуш қабри устида хўроҳ сўйиб қурбонлик қилардилар.

Жанубда буддийлик таъсири кўпроқ эди. Чорвадор аҳоли туркийча сўзлашганлиги сабабли, туркий тил тобора кўпроқ ёйила бошланган. Утроқ аҳолининг катта қисми суғдий тилда сўзлашар эдилар. Суғд тили ва ёзуви Еттисув, Фарғонадан ўтиб Шарқий Туркистонга қадар етиб боради. Унинг «Самарқанд усули» кенг ёйилган эди. Бундан ташқари Хоразм, Қхароштий, Бухоро ёзувлари ҳам мавжуд бўлган. Бундай ёзув ёдгорликлари Зангтепа, Қоратепа, Афросиёб харобаларидан, Қофирқалъадан топилган.

V Турк ҳоқонлиги даврида Марказий Осиё

Марказий Осиё давлатчилиги тарихида Турк ҳоқонлиги давлати муҳим ўринни эгаллайди. Турк ҳоқонлиги хусусидаги манбалар етарли бўлса-да, лекин уларнинг кўпчилиги бир-бирига қарама-қарши маълумотлар беради. Биринчи навбатда VII—VIII асрларда тўпланган манбалар анча қимматлидир. Бу эпиграфик ёдгорликлар Урхун — Енисей, руний ёзувлари, Хитойнинг «Тан хонадони тарихи» (VII—IX аср) тарихий манбаси, VI аср охирида яшаган византиялик тарихчилар Менаандр Протектор, Феофан Византийский, суриялик тарихчи Ионна Эфессийларнинг тарихий асарларидир.

Шунингдек бу тўғридаги маълумотлар араб тарихчилари ат-Табарий, Деноварий (IX—X аср) ўлкамиз фузалоларидан Абу Райхон Беруний, Наршаҳий (X аср) ва бошқалар асарларида ҳам учрайди. Кейинги вақтда бу масалага янада эътибор кучайди. Археолог олимлар, тарихчилар, адабиётшунослар, антропологлар бу хусусда янги тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Турклар, туркий қабилалар тарихи масаласи Тошкентда ўтказилган III жаҳон Туркология анжуманида ҳам кенг муҳокама этилди.

«Алпомиш», «Гўрўғли», «Манас», «Дада қўрқут» каби умумтуркий халқ дostonлари, Ўрта асрлардаги Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар асарларида туркий маданият, адабиёт, тарих тўғрисида турли маълумотлар келтирилади.

XI асрда яшаган аллома, Маҳмуд Қошғарийнинг замондоши Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» (Саодатга йўлловчи билим) асарида афсонавий турк саркардаси Алп Эр Тунга тўғрисида шундай деб ёзади: «... у билимдон, заковатли, катта ҳунар эгаси эди, бу фазилатлари унинг шон-шухратини дунёга таратган. У турк бекларининг сараси, овозаси оламни тутган, ҳунари талай эди. Унинг тенги топилмасди. Форслар уни Афросиёб деб аташган».

Тарихда туркларнинг келиб чиқиши хусусида кўплаб афсона, ривоятлар ҳам мавжуддир. Абу Исҳоқ Нишопурий жам қилган (VIII аср) «Қиссаи-ал анбиё» асарида туркларнинг келиб чиқиши Нуҳ пайғамбарга бориб тақалади.

Унда айтилишича Нуҳ пайғамбар дунёни тўфон босганида 3 ўғли Сом, Хом, Ефас ҳамда 3 та келини билан 6 ой кемада сув пасайгунча қолиб кетади. Шунда Нуҳ пайғамбар учинчи ўғли Ефасдангина иззат-ҳурмат кўради. Шунга жавобан Аллоҳ Субхону ва таоло унга Туркистонни берди.

Бошқа бир афсонада кўрсатилишича, ғарбий денгиз қирғоғида яшаган туркийларнинг ота-боболари қўшни қабилалар томонидан қириб ташланади. Шунда 10 ёшли бола яшириниб тирик қолади. Ўша ердаги урғочи бўри унга хотин бўлади. Болани бўри Тўрфон тоғларига олиб чиқиб кетади. Ўша ерда бўри 10 та бола туғади. Болаларининг отаси эса ўша турк йигити бўлади дейлади афсонада. Ўғилларидан бирининг номи Ашин бўлиб у кейинчалик янги қабиланинг раҳбари бўлади. Афсонага кўра, «Турк» сўзи Олтой тоғларининг энг қадимги

номидан келиб чиққан экан. Хитой ёзма манбаларида Турклар «хун» номи остида эрамизнинг 92 йилида Олтойнинг этакларига келиб ўрнашганлиги ва жужанлардан рухсат олиб улар учун темир қазиб чиқаришни бошлаганлари ҳақида маълумот берилади. Бу уруғ Ашин уруғи номи билан аввал бошда аталиб келган Хитойлар Ашин қабиласини «Ту-кю», деб ҳам юритганлар. П. Пельо бу сўзни «Турк-ют» (яъни туркийлар) деб изоҳлаган. «Турк» атамаси кучли, бақувват деган маънони англади.

Аввал бу уруғга берилган турк атамаси кейинчалик уларга яқин турган барча қабила-уруғларга ҳам умумий ном сифатида айтилиб кетилади.

Ашин уруғидан бўлган Асан (Асян), ва Туу, (460—545) туркий қабилалар иттифоқига асос соладилар. Туунинг ўғли Бумин (бу туркча ном, хитойча Тумин) ўзига Теле қабиласини бўйсундиради. Эндиликда анча мустақамланган бу қабилалар иттифоқи ўзлари қарам бўлиб турган жужанлардан халос бўлиш йўлини қидиришади. Бумин 551 йили Марказий Осиёдаги энг кучли бўлган жужанлар хонини мағлуб этади.

Уша йили Бумин янги давлат — Турк ҳоқонлигига (551—744) асос солади. Или дарёси бўйида ҳукмдор деб эълон қилинган «Илихон» деган унвонни олади. Турклар ҳукмдори ўзини ҳоқон (туркча-қаған) деб юрта бошлайди. Олтойдаги Утукан шаҳри янги Турк ҳоқонлигининг пойтахти қилиб белгиланади. Бумин ўз укаси Истамига (Истеми — туркча, Сэдами — хитойча, Синжибу — арабча, Стамби — хаган юнонча) биринчи саркарда, давлатнинг биринчи амалдори даражасига тўғри келувчи «Ябғу» (баҳодир) унвонини бериб у билан биргаликда ўз давлатини кенгайтириш пайига тушади. Истами кўпроқ ғарбий йўналишга бошчилик қилиб тез орада Шарқий Туркистондаги нушиби, туркаш, ўзли қабилаларини ўзига бўйсундиради.

Муқанхон ҳукмронлиги даври турк ҳоқонлигини энг қудратли паллага олиб кирди. 554 йил Муқан ҳоқон Шарққа юриш қилиб Узоқ Шарқ ўлкаларини ўзига бўйсундиради ва Тинч океани қиргоқларига чиқади. У Ўрхун, Туғла, Селенга дарёлари бўйларидаги қабилаларни, Енисей дарёси бўйларидаги қирғизларни, Байкал атрофларидаги уйғурларни ўзига бўйсундиради. Муқан ҳоқон эфталитлар давлатини тугатиш учун 554 йил Эрон шоҳи Хусрав I Анушервонга элчи жўнатади.

558 йил турклар Урал ва Волга бўйларини забт этиб Шимолий Кавказдаги кўчманчи оварлар билан тўқнашади. Турклар эфталитлар ва оварларга қарши курашишда Византия ва Эрон билан дўстона алоқани мустақамлашга ҳаракат қила бошлайдилар. Византиядан фойдаланган Эрон эфталитлардан Тоҳаристон, Чағаниён, Қобул атрофидаги ерларни тортиб олади.

563 йилдан эфталитларга қарши шимолдан турклар Чоч водийсига бостириб кирадилар. Тез орада улар томонидан Самарқанд, Кеш, Нахшаб эгалланади. Эфталитлар Хутталон, Термиз, Балх, Амул, Замм шаҳарларидан ёрдам олиб Бухоро яқинида катта жангга тайёргарлик кўрадилар. 8 кунли шиддатли жангда эфталитлар турклардан енгилдилар.

Турклар тезлик билан ҳаракат қилиб иложи борича эфталитларнинг ерларини кўпроқ ўз қўлларига олишга ҳаракат қиладилар. Амударёнинг жанубий соҳилигача бўлган ерлар, Эрон, унинг шимолий соҳилларидан Каспийгача бўлган ерлар турклар қўлига ўтади. Бирмунча вақт эфталитларнинг қолган-қутгани Зарафшон воҳасида яшаб туркларга солиқ тўлаб туради. Жанубдаги ярим мустақил эфталитлар ерлари сосонийлар томонидан бир оз вақтдан кейин буткул бўйсундирилиб олинади. Эфталитлар давлатининг мағлубиятидан сўнг бевосита иттифоқчилар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлайди.

Ҳоқонликнинг бевосита ғарбий қисмини бошқариб турган Истами ва бош ҳоқон Муқанхон ҳам савдо йўли ва унинг аҳамиятини яхши тушуниб бу масалани тинчлик билан ҳал қилишга ҳаракат қила бошлайдилар. Истами Ябғу Суғд ихшидига бу масалани ҳал этиш вазифасини топширади. Эронга машҳур Суғд савдогари ва дипломати Мониах бошчилигида элчилар гуруҳи жўнатилади. Хусравшоҳ ўз атрофидаги амалдорларнинг маслаҳатига кириб, суғдийлар олиб келган ипакликларни сотиб олиб, сўнг уни элчилар кўз ўнгида йиғиб ёқиб ташлайди.

Истами бу воқеадан сўнг қаттиқ ранжиса-да, Хусравшоҳ ҳузурига 2-маротаба ўз элчиларини юборади. Бу элчилар гуруҳи эндиликда фақат турклардан иборат бўлиб, унинг натижасидан яқин орадаги сиёсат намён бўлиши керак эди. Бу сафар турк элчилари заҳарлаб ўлдирилади. Уларнинг фақатгина бир нечасигина ҳоқон ҳузурига етиб келади. Ўз ишларини сосонийлар

«Турклар иссиқ об-ҳавони кўтариша олмадилар» деб беркитишади. Истами Ҳусрав I Анушервон қўшинларини тор-мор қилиб Эроннинг шимолига бостириб киради. Эфталитлар ўз ерларининг Эронга тушиб қолган қисмини яна ўз қўлларига қайтариб олади. Эрон тинчлик сулҳига келишиб 40000 Византия тилласи тўлаш мажбуриятини олади. Ундан сўнг Эрон билан Византия ўртасида ҳам уруш бошланиб, кетиб, сосонийлар давлати жуда ночор аҳволга тушиб қолди.

1576 йили Муқан ҳоқон ва Истами ябғуларнинг вафотидан сўнг Турк ҳоқонлигининг таъсири анча заифлаша бошлайди. Эрон саркардаси Баҳром Чубин Чур-Баға ҳоқон қўмондонлигидаги 300000 кишилиқ турк қўшинини тор-мор қилади. Чур Баға жангда ҳалок бўлади. Баҳром Чубин Бухоро яқинидаги Пойкенд шаҳрига бостириб кириб ҳоқоннинг ўғли Бармуда Тегинни асирга олади. Ҳоқон ҳазинасини эса Эрон шоҳи Хурмуздга юборади.

Муқан ҳоқон вафотидан (576 йил) сўнг тахтга унинг укаси Арслон Тўба ўтирди. Арслон Тўба буддийликка берилган бўлса-да, мамлакатни мустақкамлаш учун Ци салтанати билан шартнома тузади. Бундан ташқари у мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш чораларини ҳам кўрди. Аммо, 581 йилда Арслон Тўба вафот этгач Турк ҳоқонлари ўртасида ўзаро курашлар авж олиб кетди. Бу курашлар натижасида ҳоқонлик икки қисмга: Шарқий ва Ғарбий қисмга бўлиниб кетди. Шарқий Ҳоқонлик Хитой ва Мўғулистонни бир қисмини ўз ичига олиб уни Арслон Тўбанинг кичик ўғли Ишбара бошқара бошлайди.

Иккинчи ҳоқон ғарбий ерларини — Еттисув, Марказий Осиёнинг асосий қисми, Шарқий Туркистон, ҳозирги Қозоғистон тасарруфини олган Истами ябғунинг ўғли Қора Чуриин бошқарар эди. Қора Чуриин Истамининг вафотидан (576 йил) сўнг бу лавозимга ўтирган бўлиб, бошқа ҳоқон ва хонлар ичида энг қобилиятлиси ва тадбиркори эди. Кейинги хонлар — Тўрамон ва Амроқ эди. Улардан ташқари яна кичик 4 та хон бўлган. Бу ҳокимлар ўртасида зимдан адоват кезар, уларнинг кўпи бирига душман бўлиб, қулай вазият келишини кутиб турар эдилар. Ўзаро курашлар натижасида мамлакат ичида ҳам аҳвол кескинлашиб, иқтисодий таназзул бошланиб кетди.

1 Шу вақтда кескин вазият пайтида туркий шаҳзода

Обрўй бошчилигидаги халқ ҳаракати (585—586 йиллар) бўлиб ўтди. Обрўй ҳаракати тўғрисида узук-юлуқ маълумотлар сақланиб қолган. Хусусан Абдурахмон Муҳаммад Нишопурийнинг (XI аср) «Ҳазинат-ал-улум» асаридаги бу масалага бағишланган парча Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» асарига киритилган. Унинг ёзишича Обрўйнинг қароргоҳи Пойкандда бўлиб, у бой зодагонлар ва савдогарлар устидан қаттиқ назорат ўрнатган. Бунга чидай олмаган зодагонлар Туркистон томонга йўл олишган. Обрўй атрофида эса қашшоқ деҳқонлар гуруҳлари йиғила борган.

(Ўзаро муттасил урушлар ҳамда тахт талашишлар мамлакатни парчаланиб кетиши ва маънавий иқтисодий инқироз ҳолатига олиб келди.) Қора Чури қариб қолган вақтида тахминан 600 йилларга келиб ўзини хоқон деб эълон қилади. Қора Чури Буғу хоқон (қаҳрамон хоқон) деган номни олган эди. Хоқонликдаги оғир вазиятдан фойдаланган Хитой императори ички низолар келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. 582—603 йиллардаги ўзаро урушлардан сўнг 603 йил хоқонлик тўла мустақил 2 қисмга: Шарқий ва Ғарбий қисмларга айланди. Ғарбий хоқонлик таъсири остида Еттисув, Чу водийси, Волга, Кубаннинг қуйи қисми, Иртиш, Ишим дарёлари бўйидаги ерлар, Марказий Осиёнинг кичик ярим мустақил давлатлари унинг таркибида бўлди.

Феодал муносабатлар ривожланаётган Ғарб хоқонлигининг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анча-мунча мураккаб эди. Ярим асрлик ҳукмронлик жараёнида туркларнинг бир қисми ўтроқлашади, қолганлари ерли чорвадорлар билан аралашиб кетади. Ўтроқ ҳаётнинг анъанавий-маъмурий удумлари таъсирида бошқарув таркиблари аста-секин ўзгариб, туркларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб боради. Турклар сиёсий ҳаётда фаол қатнашиб, Марказий Осиё сиёсатининг ҳамма жабҳаларида тенг қатнаша бошладилар. Хоқон Шегуй вафотидан кейин (618 й.) ҳокимиятга келган Тўн ябғу (Тўн баҳодир) даврида Ғарбий хоқонлик яна кучаяди.

Унинг даврида бошқарув тартиблари ислоҳ этилди. Маҳаллий сулолалар, ҳокимлар билан бевосита боғланиш, уларнинг устидан назорат кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳукмдорларга «Ябғу» унвонлари берилади. Улар ўз вақтида хоқоннинг ноибига айланадилар. Шу билан бирга хоқон дипломатик тарзда ҳам иш тутар эди.

Масалан у Самарқанд ҳокими ва Қашқар хоқонлари билан қуда-андачилик ипини боғлаб, улар билан муносабатни яхшиларди. VII асрнинг ўрталарида хоқонлик заифлашиб бир неча қисмларга бўлиниб кетди. Вазиятдан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси қўшинлари 657—659 йилларда Еттисувга бостириб кирдилар. Хитой босқинчиларига қарши озодлик курашлари бошланиб кетди. Фақатгина VII асрнинг охирига бориб хоқонлик ўз мустақиллигини тиклаб, Хитой гумаштаси бўлган Хусрав Бўришод мамлакатдан қувиб чиқарилди.

! Турк хоқонлигида бутун салтанат устидан олий ҳукмронликни Хоқон олиб борган. Бу лавозим меросий бўлган. Хитой манбаларига кўра ота доимо ўз ўғлига тахтни қолдиравермай, балки ундан каттароқ турган қариндошларига қолдириши лозим бўлган. Бундан ташқари, шундай ҳоллар бўлганки, тахт соҳибини «улус оқсоқоллари» тайинлаган. Хитой манбаларига кўра, туркийлар хонни тахтга ўтказишда махсус маросим ўтказганлар: амалдорлар бўлажак хонни кигизга ўтказиб, қуёш юриши бўйлаб 9 маротаба айлантирганлар! иштирокчилар уни қутлаб турганлар. Кейин хонни отга ўтказиб, бўйнига ипак мато боғлаганлар. Кейин ундан сўраганлар: «Сиз неча йил хон бўлмоқчисиз?» У неча йил хон бўлишини айтган, шу муддат тугаганидан кейин тахтдан кетган. Хоқондан, кейинги шахс «Ябғу» (Баҳодир) давлатдаги биринчи амалдор (вазир) вазифасида бўлган, (масалан Истами ябғу). Аммо ябғу тахтга меросхўрлик қила олмас эди. Тахт меросхўри «тегин» (шаҳзода) деб юритилган. «Тудун» унвони ҳукмдорнинг жойлардаги ноиби (назоратчиси)га берилган. Улар маҳаллий ҳокимлар сиёсатини, бож солиқ ишларини назорат қилганлар.

Чорвадор туркларда уруғ-жамоатчилик анъаналари ниҳоятда кучли бўлиб, қабила ва уруғ жамоаларининг негизи катта оилалардан иборат эди. Бундай оилаларда уй қуллари ҳам мавжуд бўлар эди. Қулларнинг кўпайиши билан синфий муносабатлар таркиб топа бошлаган. Лекин қулчилик ижтимоий ҳаётга кенг кириб келмади. Кўпинча жамоада аёллар қул қилиб олиб кетилар эди, лекин қул аёллардан оғир ишларда фойдаланилмай, балки уй-рўзғор ишларида ишлатилинар эди. Қул эркакми, аёлми бари бир қочиб кетаверган. Қочган қул таъқиб қилинмаган. Унинг учун ҳеч ким товон тўламаган.

Кўчманчиларнинг асосий қисми чорвадорлардан иборат эди. Бундай халқ оммасини турклар «бўдун» ёки «қора бўдун» деб аташган. Ҳоқонликнинг марказий бошқарув тизими асосан йирик сиёсий давлат тадбирлари (салтанат осойишталигини сақлаш, давлат ҳудудини кенгайтириш, солиқ тизими, ички ва ташқи савдо, дипломатик муносабатлар ва ҳоказо) билан машғул бўлиб жойлардаги маҳаллий ишларга маълум даражада эркинликка йўл қўйилган. Шунинг учун ҳам Фарғона, Суғд, Шош, Тоҳаристон, Хоразм ва бошқа жойларда бошқарув иши асосан маҳаллий сулолалар қўлида бўлган. Хитой манбаларига кўра Суғдда келиб чиқиши юечжилардан бўлмиш Қан сулоласининг мавқеи кучли бўлиб, Суғд ҳукмдори ихшид унвонига, тобе ҳокимлар ҳам ўз унвонларига эга бўлган. Масалан: Кеш ҳукмдори ихрид унвонига эга бўлган.

Деҳқонлар мавжуд сув манбалари ҳамда лалмикор ерлар имкониятларидан фойдаланиб асосан дон экинлари ҳамда, қовун, тарвуз, беда, узумчилик, пахтачилик соҳаларидан юқори ҳосил етиштирганлар. Мевали дарахтлардан боғ-роғлар етиштиришга алоҳида аҳамият берганлар, манба тили билан айтилганда «(мевали) дарахтлар савлат тўкиб турган».

Шаҳар аҳолиси асосан ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билган шуғулланганлар. Деҳқончиликдаги тараққиёт кўлами ва сифати ўзидан кейинги уч тармоқ — ҳунармандчилик, қурилиш, савдо-сотиқ равнақи учун катта туртки бўлиши табиий ҳол. Шунинг учун бу вақтда темирчилик, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, қурол-созлик, тўқимачилик, шишасозлик, кўнчилик кенг ривож топган. Турклар саррожлик, руда қазиб олиш ва ундан қурол-яроқ ясашда айниқса моҳир эдилар. Турклар ясаган қурол-яроғи, зебу-зийнат буюмлари хилма-хиллиги, пишиқлиги билан ажралиб турган. Қончилик фаолияти ҳам шу пайтда анча ривожланган. Олтин, темир, қумуш, мис, тузнинг бир неча хили, қимматбаҳо тошлар, турли маъданлар Суғдиёна, Шош, Фарғона, Қашғар, Тоҳаристон каби вилоятларда қазиб олинганлиги манбаларда аниқ кўрсатилган.

Турк ҳоқонлиги улкан ҳудуд ичида зарур тинчликни таъминлаганлиги, бўйсундирилган халқларнинг ички ишларига аралашмаслик ва уларнинг кўпгина ишларига кенг имкониятлар очиб берилиши билан савдо-сотиқ ишлари ҳам жуда ривож топди. «Буюк ипак йўли» сама-

рали ишлашда давом этди. Улканнинг асосий савдо ҳамкорлари Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Византия эди. Бу мамлакатларга тўқимачилик, ипакчилик маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар, улардан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, дориворлар, наслдор аргумоқлар, бир неча хил туз, шароб, боғдорчилик маҳсулотлари, қазилма боёликлари ва ҳоказолар олиб борилган.

Суғд савдогарларининг айниқса мавқеи кучли бўлган. Шу маънода хитойлик муаллифнинг қуйидаги гувоҳлиги эътиборга сазовордир: «(суғдиёналик) эркаклар йигирма ёшга тўлишлари билан қўшни мамлакатларга ошиқадилар ва (савдо-сотикда) қаерда (қулайлик) ва манфаат бўлса (албатта) у ерга қадам ранжида этадилар». Марказий Осиёнинг шу даврдаги Марв, Пойканд, Бухоро, Самарқанд, Чоч, Исфижоб, Суёб шаҳарлари савдо-сотик ишларида катта аҳамият касб этган.

Марказий Осиёда шу пайтда 15 тага яқин майда давлатчалар бўлиб, шулардан Суғдда ихшидлар, Тоҳаристонда маликшоҳлар, Бухорода бухорхудотлар, Хоразмда хоразмшоҳлар, Чоч ва Илоқда бўдунлар, Фарғонада ихшидлар ҳукмронлик қилишган. Уларнинг ҳаммаси Турк ҳоқонлигига қарам бўлиб, амалда ярим мустақил ҳолда эдилар.

Шу даврларга келиб ҳайкалтарошлик, ўймакорлик, наққошлик, мусиқа, рақс санъатлари ривожланган. Турк раққослари ва қўғирчоқ ўйнатувчилари Хитойда ҳам машҳур бўлганлар. Суғориш иншоотлари, қўрғон-шаҳарлар кўплаб пайдо бўлди (масалан, Варахшадаги 12 та канал).

Туркийларнинг дини ҳақида «Бэй-ши» ва «Суй-шу» Хитой йилномаларида қайд этилган. Унда Туркийлар дини одатлари ҳақида шундай маълумотлар бор: 1) Ҳоқон қароргоҳига Шарқ томондан киритилган, бу билан кун чиқиш тарафга ҳурмат маъноси ифодаланган, айни пайтда куёшга сиғинишни ҳам билдирган. 2) Ҳар йили ҳоқон ўз амалдорлари билан ғорга бориб, ота-боболари руҳига қурбонлик келтирган. 3) Ҳар йилда 5 маротаба ой чиқишида ҳоқон яқинларини йиғиб, дарё бўйига борган ва осмон руҳи (Тангри)га қурбонлик келтирган. Қабилалар учун ягона асосий худо бўлган. Унга доимий қурбонликлар келтирганлар. Улар руҳ абадийлиги, нариги дунё борлигига ишонганлар. Бирор киши қазо қилса унинг ёнига бошқа кишилар, буюмларни ҳам қўшиб кўмишган. Масалан 576 йил Истами Ябғу вафот

этганида у билан бирга 4 та ҳарбий асир ўлдирилиб кўмилган. Кейинчалик турклар ичида буддийлик, насронийлик ва бошқа динлар ҳам тарқалган. Тош битикларда ўлган одамга мадҳиядан ташқари, кўплаб тарихий ҳодиса ва воқеалар ҳам битилган. Бундай битигтошлар ичида энг маълумлари Култигин битиктоши, Билга ҳоқон битиктоши, Тўн юқуқ битиктоши ва бошқалардир. Булар биргаликда Ўрхун-Енисей ёзувлари деб аталади. Шунингдек қоғозга ёзилиб, Хитойдан топилган 104 сатрли «Таъбирнома» асарида ҳам турклар ҳаётининг саҳифалари ёритилган.

√ 2- §. МАРҚАЗИЙ ОСИЁГА АРАБЛАР БОСҚИНИ. АРАБ ИСТИЛОЧИЛАРИГА ҚАРШИ ХАЛҚ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

√ Ислом динининг келиб чиқиши.
Арабларнинг Марказий Осийёга дастлабки юришлари.

Ислом динининг ватани Арабистон ярим оролидир. Араблар селий қабилалари гуруҳига мансуб бўлиб, асосан кўчманчи, чорвачилик билан ҳаёт кечирган. Кўчманчилар «бадавийлар» деб юритилган. Воҳалардаги аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган. Денгиз бўйлари, воҳаларда, шаҳарлар қад ростлагаң бўлиб, уларда асосан савдо-сотик ва ҳунармандчилик билан кун кўрадиган аҳоли яшар эди.

VI асрнинг иккинчи ярми, VII асрнинг биринчи ярмидаги араб ижтимоий ҳаёти жуда мураккаб ва рангбаранг эди. Унда уруғ-аймоқчилик муносабатлари қулчилик муносабатлари билан, шунингдек, эндигина куртак очиб келаётган феодал муносабатлар билан чатишиб кетган эди. Асосий савдо йўлларининг бу ҳудуддан ўтишидан араб зодагон — савдо аҳли жуда манфаатдор эди. Лекин мамлакатда бу пайтда сиёсий парокандалик ҳукм сураг эди. Ўзаро қабилавий урушлар натижасида деҳқончилик ва савдо-сотик ишларига катта зарар етказилар, хонавайронлик авж олган эди.

Аҳоли ичида кўп худолик — бутпарастлик урф эди (хусусан Қаъбада 360 та бут бўлиб, уларнинг энг йириклари Хубал ва Лут бўлган).

Шундай бир вазиятда Ислом тўғри ва ҳақ йўлни кўрсатувчи дин сифатида юзага келди. Ислом — бу Аллоҳ ягона деб эътироф этиб, унга бўйсунмоқлик ва бутун қалби билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга иймон келтирмоқлик демакдир. Ислом «итоат», «бўйсунуш» маъноларини билдиради. Бу диннинг асосчиси Муҳаммад пайғамбар (570—632) маккалик Абдуллоҳнинг ўғли бўлган. Унинг бобоси Абутолиб қурайш қабиласининг бошлиғи бўлган.

Муҳаммад пайғамбарнинг таълимотига эргашганларни «муслим», яъни «итоаткорлар» деб юритганлар. Ўз пайғамбарлик фаолиятини Муҳаммад Маккада бошлаган. Макка Бекаа водийсида жойлашган шаҳар бўлиб, бу ерда Каъба жойлашган эди. Диний таълимотга кўра Каъбани Одам Ато барпо қилган бўлиб, уни Иброҳим пайғамбар ўз ўғли Исмоил билан бирга қайта қурган ва биринчи Ҳаж сафарини уюштирган. Каъбанинг ичидан муқаддас тош «Хажар-ул-асвод» ўрнатилган. Ҳар йили бу муқаддас жойга миллионлаб мусулмонлар зиёратга келадилар.

Муҳаммад пайғамбар муслим (мусулмон)ларнинг ягона Аллоҳ олдида тенг эканликларини, Яратганнинг ўзи ризқ-рўз улашини, жамиятдаги адолатсизликка қарши жазо муқаррар ва ҳар бир киши бу дунёдаги ишларига кўра тақдирланиши, инсон Яратган, ёлғиз Аллоҳгагина эътиқод қилишини тарғиб қилади. Бу таълимот аҳолининг барча қатламлари манфаатларига мос бўлиб, тез орада биринчи навбатда шаҳар аҳли ичидан тарқала бошлайди. Лекин янги дин тарафдорларининг аҳволи уларнинг эътиқодларига кўра оғирлашиб боргандан сўнг бир қисм мусулмон аҳоли Хабашистонга, баъзилари шимолга қараб кетишга мажбур бўлдилар. Муҳаммад ҳам ўзига қарши турган қурайш қабиласи, аъзоларининг таъқиби кучайиб кетган 622-йил 16 июлда (баъзи адабиётларда 15 июл дейилади) ўзининг энг яқин дўсти ва сафдоши Абу Бакр билан Маккадан Мадинага кўчишга мажбур бўлади. Бу араб тилида «ҳижрат» деб аталиб, шу кундан бошлаб мусулмон оламида қабул қилинган ҳижрий йил бошланади. (Ҳижрий йил ҳисоби 2 хил бўлади: ҳижрий-қамарий, яъни ой ҳисоби бўйича ва ҳижрий-шамсий, қуёш ҳисоби бўйича).

Мадинада Муҳаммад ўз таълимотини давом эттиради. Мадинада шуҳрат қозонган маккаликлар бутпараст-

лик ғояларига қарши ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий зарба бера бошлайдилар.

VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Халифалик кенгая бориб ўз чегараларини ғарб ва шарқ томон кенгайтиришга ҳаракат қилди. Яқин ва Урта Шарқнинг бой вилоятлари қўлга олиниб, ниҳоятда уюшган ва жанговар араб қўшини шиддат билан ҳаракатларни бошлаб юборган эди. Бир вақтнинг ўзида араблар ўз юришларини Византия ва Эронга қарши олиб бордилар. Эрон шоҳи Ёздигард III (632—651), Сосонийларнинг сўнгги вакили арабларга қарши туришга ҳаракат қилди. Лекин Қадисия (636 й) ва Наҳаванд (642 й) даги жангларда араблар қўшини форсларга қақшатқич зарба бериб Сосонийлар сулоласига барҳам бердилар. 10 йил давомида Эронни эгаллаш ҳаракати олиб борилди. Византияга қарши қилинган ҳарбий ҳаракатлар натижасида Фаластин, Миср, Сурия, Ироқ эгалланди.

Арабларнинг кейинги ҳарбий ҳаракатлари 650—651 йилларга тўғри келади. Бу юришларга араб саркардаси Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилик қилди. 651 йилда Марв шаҳри эгалланди.

Араблар Амударёдан (Жайхун) шимолда жойлашган ерларга «Мовароуннаҳр», яъни, «дарёнинг ортидаги ерлар» деб ном беришади. Ҳозирги Афғонистоннинг шимоли, Эроннинг шимоли-шарқий қисми ҳамда Жанубий Туркменистондан то Амударёгача бўлган ҳудудлар эса Хуросон деб юритилган. Аввал бошда Хуросоннинг марказий шаҳри Марв, кейинчалик эса Ҳирот шаҳри бўлган.

{ Арабларнинг Мовароуннаҳрга қарши ҳарбий юришлари ўз мақсад ва режалари билан 2 даврга бўлинади. Биринчи даврда халифалик истило этишни эмас, балки ҳарбий жиҳатдан тайёргарлик кўриш, маҳаллий ҳукмдорлар куч-қудратини синаб кўриш, мавжуд географик, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий жойлашувни ўрганиш, кичик юришлар орқали ўлжалар орттириш режасини амалга оширади.

651 йили ноиб Абдуллоҳ ибн Амир ҳукмронлиги даврида араблар Хуросондаги Нишопур, Обинаҳр, Тус, Жом, Обивард ва бошқа катта-кичик қўрғон шаҳарларни эгалладилар. Балх яқинидаги ҳал қилувчи жангда (652 й) араблар Балх шаҳрини эгаллашади. Уша йили Амударёдан ўтиб Мовароуннаҳрга ҳужум қилиш режаси араблар учун муваффақиятсиз тугайди. Лекин шу

билан бирга, ҳар ҳолда Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Амир 652 йил бошида Чағониённи эгаллашга муваффақ бўлади. Бу эса илк бор Мовароуннаҳр ерларини эгаллаш эди. 654 йили Суғддаги Маймурғ қалъасига арабларнинг биринчи ҳужуми бўлади. ↓

667 йили Чағониёнга араблар қайта юриш қилиб эфталитларга қарши қатъий зарба бердилар. Араблар кенг миқёсдаги ҳужумларга тайёргарлик кўра бошлаган эдилар.

Наршаҳийнинг ёзишича, 673 йилнинг кузида халифа Муовиянинг фармони билан Хуросон ноиби Убайдуллоҳ ибн Зиёд Амударёдан кечиб ўтиб Бухоро вилоятига бостириб киради, Пойканд ва Ромитонни эгаллаб, Бухоро шаҳрини қамал қилади. Ёрдамга келган турклар бухороликлар билан бир қаторда туриб арабларга қарши жангда қатнашдилар. Бу жангда араблар ғолиб келадилар. 676 йили Хуросоннинг янги ноиби Саид ибн Усмон Бухоро ва Самарқандга юришда Муҳаммад пайғамбарнинг жияни Қусам ибн Аббос ибн Абдул-Муталлиб иштирок этади. Самарқанд ёнидаги жанглардан бирида ҳалок бўлиб, сўнг кейинчалик Шоҳи Зинда (тирик шоҳ) номини олган қабристонга қўйилади.

Саид ибн Усмонга қарши Бухоро маликаси Хўтакхотун Суғд, Кеш, Насафдан ёрдамга келган 120.000 кишилик ҳарбий қўшин билан пешвоз чиқади. Лекин суғдликлар жанг майдонини ташлаб чиқиб кетганларидан сўнг малика каттагина бож (300.000 дирҳам) тўлайди.

Саид ибн Усмон Бухородан Самарқандга йўл олади. Самарқанд 1 ой давомида қамал қилинади. Суғдликлар жасорат билан қаршилик кўрсатадилар. Саид ибн Усмон суғдликлар билан сулҳ тузишга мажбур бўлади. У Самарқанддан 30.000 кишини асирга олиб; орқага қайтади ва йўл-йўлакай Термиз шаҳрини ҳам истило этади.

Халифа Язиднинг вафотидан (683 йил) сўнг тожухтаҳт учун кураш бошланиб кетади. Бундай вазиятда араблар яна Мовароуннаҳрга ҳужум қилишдан деярли тўхтаб, ўз ички низолари билан банд бўлиб қоладилар.

Халифа Абдумалик ибн Марвон (685—705) даврида ички низоларга чек қўйилгандан сўнггина араб сиёсий арбоблари ва зодагонлари Мовароуннаҳрга ҳақиқий юриш қилиш вақти келди деб топдилар. Янги тайин этилган Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслимга (704—705) Ироқ ноиби ал-Ҳажжож Мовароуннаҳрни буткул

эгаллашни ва қатъият билан ҳаракат қилишни топширади.

✓ Қутайба ибн Муслимнинг ҳарбий юришлари

Марказий Осиёдаги сиёсий парокандалик ва кичик давлатларнинг бир-бирлари билан тез-тез низоларга бориб туриши Қутайбага кўл келди. Ўз ҳарбий юришларини Қутайба 705 йил Балх вилоятини босиб олиш билан бошлади. Бу юриш билан арабларнинг Мовароуннаҳрга 2-асосий ҳарбий ҳаракати бошланди. Балхдан ташқари Қутайбага Чағониён, Шуман, ва Марказий Осиё жанубидаги кичик вилоятлар бўйсунди. Хусусан, Чағониён ҳокими Тиш араблар томонига ўтиб кетди.

706 йил Қутайба катта қўшин билан Мовароуннаҳрга кириб келди. Табарийнинг маълумотларига кўра Қутайба энг обод ва бой шаҳарлардан бири Пойканд томон ҳаракат қилди. Унинг қўшини таркибида араблар хизматига ўтган Балх ва Чағониён ҳокимларининг ҳам қўшинлари бор эди. Пойканднинг кўпчилик аҳолиси савдогарлар эди. Шаҳарда қолдирилган ҳарбий қўшинга турк саркардаси бош эди. Суғд ва бошқа вилоятлардан келган кучлар билан пойкандликлар арабларга қаттиқ туриб қаршилиқ кўрсатдилар. Араблар суғдлар томонидан ўраб олиниб Қутайбанинг барча йўллари кесиб қўйилди.

Лекин ички иттифоқнинг йўқлиги, ўзаро низолар натижасида Пойканд ҳимоячиларининг кучи заифлаша борди. Қутайба қалъага биринчилар сафида борган ва шахид бўлган кишиларнинг оилаларига катта мукофот ваъда қилди. Кетма-кет 15 кун давом этган жанглардан сўнг араблар қалъа деворини тешишга муваффақ бўлдилар. Шаҳардаги оғир жанглардан сўнг Пойканд араблар қўлига ўтди.

Пойканд фожиасидан сўнг Қутайба бошлиқ кучли рақибга зарба бериб уни мағлуб этиш мақсадида Суғд подшоси Тархун, Бухоро ҳукмдори Хунукхудод, Шопурқом ҳокими Варданхудод бошлиқ катта қўшин йиғилди. Уларга турклар ёрдамга келиб, жами қўшиннинг миқдори 40.000 киши атрофида эди.

Иттифоқчилар қўшини Бухоро яқинида Тороб, Хунбун, Ромитон оралигида тўпланди. Қутайба қуршовда қолди. Арабларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлаша борди. Шунда бу аҳволдан қутулиш учун Қутайба маккорлик

йўлини тутиб, найранг ишлатади. Наршаҳийнинг ёзишига кўра, Қутайба Хаён-ан-Набатий исмли ўз кишис-ни иттифоқчилар ичида қудратли бўлган Суғд подшоси Тархунга махфий суратда вакил қилиб юборади. Набатий Тархунга араблар ҳаво совуши билан шундоқ ҳам Марвга қайтиб кетажакларини, ҳолбуки турклар Суғд-ни араблар кетгандан сўнг буткул эгаллаб олажаклари хусусида сохта хабар етказди. Бу хабар иттифоқчилар ичида бўлинишга сабабчи бўлади. Туяда саросимага тушган Тархун Қутайба лагерига совға-саломлар билан 2 млн. дирҳам юбориб, эвазига сулҳ шартномаси мат-нини олади.

Араблар иттифоқчиларни заифлаштириб, кетма-кет улар ерларини эгаллай бошладилар. 708—709 йиллар мобайнида Қутайба Бухоро ва унинг атрофига бир не-ча бор ҳужум қилиб Бухорони забт этади. У Бухоро вилоятига ҳоким қилиб Бухорхудот Туғшодни ва унга амир этиб ўз яқинларидан бирини тайинлайди. Амир Бухорхудот устидан назорат қилиб туриш, Бухорода қолдирилган ҳарбий қисмга аскарбошилиқ қилиш, аҳ-лидан солиқ ундириш ва уни ўз вақтида халифаликка етказиб бериш вазифасини адо этар эди.

Хоразмда бошланган ички зиддиятлар Қутайба фик-рини ўзгартирди. Хоразмда халқ ғалаёни бошланган бўлиб, унга Хоразмшоҳ Чағоннинг укаси Хурзод бош-чилик қилар эди. Қутайба Хурзод бошчилигидаги қўз-ғолончиларни тор-мор келтиради. 710—712 йилларда Хоразмшоҳ Қутайба билан тинчлик сулҳини тузиб, унга 10.000 қорамол миқдоридида бож тўлайди. Хоразм шу би-лан ўз мустақиллигини йўқотиб араблар ҳокимиятини тан олади. Қутайба эса ўз қўшини, Хоразмшоҳ ва Бу-хорхудод қўшинлари билан биргаликда Самарқандга йўл олади.

Шу пайтда норозилик ва қўзғолон натижасида ша-ҳар подшоси Тархун тахтдан ағдарилган эди. Суғд под-шоси ва Самарқанд афшини этиб Тархуннинг укаси Ғурак (710—737) тахтга ўтиради. Тархун ҳибсда ўзини ўзи ҳалок этади.

Ғурак тадқиқотчилар фикрига кўра, ватанпарвар ва кучли давлат арбоби бўлиб Қутайбага қарши чиқади. Каттақўрғон яқинидаги Арбинжон мавзесида шиддатли жанг бўлиб ўтади. Аммо Ғуракнинг кучи озлик қилиб Самарқандга чекинишга мажбур бўлади. Араблар то-монидан Хоразм ва Бухоро ҳокимлари қўшинининг қат-

нашуви, суғдийларнинг яккаланиб қолишлари ва атрофдан ёрдам ололмасликларига сабаб бўлади.

Ундан ташқари Самарқанд зодагонлари ичида ҳам бирлик йўқолади. Тархуннинг ўлиmidан сўнг унинг тарафдорлари кўпроқ арабларга ён боса бошлашди. Панжикент ҳокими Деваштич шу гуруҳга раҳбарлик қила бошлайди. Қутайба эса «Тархун ўлими учун қасд олан» деб эълон қилади.

Қамалда қолган Ғурак Шош подшоси, Турк ҳоқони ва Фарғона ихшидига мурожаат қилиб улардан ёрдам сўрайди. Турк қўшини бу пайтда Суғд чегараси яқинда бўлиб Фарғона ва Шош қўшинлари билан биргаликда иттифоқчилар лашкарини вужудга келтиради. Иттифоқчилар қўшинининг тепасига лашкарбоши этиб турк ҳоқонининг кичик ўғли Инал ҳоқон тайинланади. Қутайба дарҳол ўз укаси бошчилигида сараланган қўшин тузиб, иттифоқчилар йўлига тузоқ қўяди. Араблар иттифоқчиларни тор-мор келтириб, уларнинг мол-мулкларини талайдилар.

Қутайба шундан сўнг Самарқандга ҳужумни кучайтиради. Шаҳар қамал ҳолида қолади. Ғурак бу ҳолатни шундай тасвирлаган эди: «... Шундан сўнг араблар шаҳарни қамал қилдилар. Улар 300 та манжаниқ (девор тешувчи замбарак) ўрнатиб, учта жойдан ҳандак қазидилар. Улар бизнинг шаҳримизни ва давлатимизни йўқ қилмоқчи эдилар».

Шаҳар раъданроз (тош отғич)лардан ўққа тутилди. Бу жангларда айниқса бухороликлар ва хоразмликлар катта жонбозлик кўрсата бошлайдилар. Бир ой давомида шаҳар мудофаачилари Самарқандни қаҳрамонона мудофаа қилдилар. Араблар охир-оқибатда шаҳар деворларини бузиб шаҳристонга бостириб кирдилар. Самарқанд арабларга таслим бўлди. Ғурак ва Қутайба ўртасида сулҳ тузилди. Сулҳ шартномасига кўра Қутайба Ғуракни Суғд, Кеш, Насаф ҳокими сифатида тан олди. Ғурак 3000 та қўй, 50.000 мисқол олтин (бу ибодатхоналар хазинасидан эди), 2 млн. дирҳам пул, 2000 бўлак дибо газмоли бериш мажбуриятини олади.

Шундай қилиб Ғурак ҳукмдорлиги остида Суғд арабларга муте бўлиб қолади. Қутайба жўнаб кетиши олдидан шаҳарда ўз укаси Абдураҳмон ибн Муслим бошлиқ яхши сараланган қўшинни қолдириб кетади. Лекин матонатли Суғд аҳолисининг қаршилиги бу билан тугамайди. Ал-Яқубийнинг ёзишича, 712 йил кузида Самар-

қанда араб ноибига қарши қўзғолон кўтарилади. Уларга турклар ёрдам беради. Фақатгина 713 йил баҳорида Қутайбанинг етиб келиши билан шаҳардаги қўзғолон бостирилади.

Муғ тоғидан топилган ҳужжатга кўра Қутайба ўзининг кейинги юришларида Шош, Фарғона ва Турк ҳоқонлиги қўшинларидан иборат яна бир ҳарбий иттифоқнинг қаршилигига дуч келади. Суғд, Чоч, Фарғона иттифоқига Панжикент ҳокими Деваштич ҳам қўшилади. У Чоч ва бошқа ерларга ўз элчиси Фатуфарни юборди. Фатуфарн номани Чоч ҳукмдори Моҳеду тудун (Баҳодир тудун) га топширади. Қолган икки мактубни Фарғона элчиси орқали турк ҳокими ва Фарғона ихшидига бериб юборган.

Қутайба бу ўлкаларни тезда ўзига бўйсундириш ҳаракатига тушади. Табарийнинг маълумотларига кўра, Қутайба 713 йил Бухоро, Кеш, Насаф ва Хоразм аҳолисидан 20.000 аскар тўплаб беришни талаб қилади. Ўз қўшини билан уни қўшиб/қўшинни 2 га бўлиб ажратади. Кеш, Насаф, Хоразмдан келган қўшин Чоч вилоятига, ўзи эса асосий куч билан Уструшона орқали Фарғона водийсига йўл олади. Биринчи қўшин Чоч қўшинини тор-мор этиб, Чоч вилоятини эгаллайди. Қутайба эса Уструшонда ҳал қилувчи жанг олиб бориб Хўжанд ва Косонни забт этади.

714 йил Қутайба Турк ҳоқонлигидан ҳарбий ёрдам келиш йўлини тўсиш мақсадида Чоч воҳасига қайта бостириб киради. Уша йили асосий йўлдаги Исфижоб (Сайрам) ни ишғол этади. 715 йил бошида эса Фарғона подшоси қочиб кетишга мажбур бўлади. Қутайба ўша йили Қашғаргача бўлган ерларни истило этади. Ҳамма вилоятларга араблардан бўлган амирларни ноиб этиб тайинлайди. Уша йили араб халифаси Волид вафот этади. Халифалик тахтига Сулаймон ибн Абдумалик ўтиради. Қутайба Сулаймонга нисбатан ғанимлик муносабатида бўлиб уни қўлламамас эди. Қутайба уни тахтга чиқишидан норози бўлиб исён кўтаради. Натижада бу исён муваффақиятсиз тугаб Қутайбанинг ўзи Фарғонада ўлдирилади (715 й).

Шундай қилиб, 10 йил давомида олиб борилган доимий курашлар натижасида Мовароуннаҳр халифалик ихтиёрига (кирада) аммо унинг мағрур аҳолиси ўзини буткул тобе этилган деб ҳисобламайди. Шунинг учун

ҳам Қутайба ҳар йили қишлаш учун Марвга жўнаб кетар, баҳорда эса Мовароуннаҳрга ҳужум қилар эди. Шундай бўлса-да, араблар Мовароуннаҳрни эгаллашда муваффақият қозондилар. Бунинг сабаблари қуйидагича эди. Аввало мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий тарқоқлик ва кичик ҳукмдорларнинг ўзаро курашлари арабларга жуда қўл келган эди.

Бу вазиятдан улар усталик билан фойдаланишар эди. Улар кичик давлатларнинг ўзаро бирлашувига йўл қўймасликка ҳаракат қилдилар ва бунинг уддасидан чиқдилар. Араблар ўзаро курашаётган ҳокимларнинг бирига иккинчисини енгизиши учун ёрдам кўрсатиб, кейин уларнинг ҳар иккисини ҳам бирин-кетин бўйсундирдилар. Суғдни забт этишда Қутайба араб қўшини билан бир қаторда Хоразм, Бухоро ва Насафнинг кучларидан фойдаланган эди.

Айниқса араблар кўчманчи жанговар турклар билан ўтроқ деҳқончилик вилоятлари аҳолиси ўртасида баъзан юзага келган келишмовчиликлардан фойдаланиб, уларнинг бирини иккинчисига қарши қўядилар ва иттифоқчиларни ажратиб юборишга муваффақ бўладилар. Шу билан бирга, халифалик Мовароуннаҳрдан ҳарбий қурол-аслаҳалар жиҳатидан унчалик устун бўлмаса ҳам, бироқ қўшин сафларини тўлдириб туриш имконига эга эдилар.

Араблар қўшинига мунтазам равишда янги ҳарбий кучлар ички вилоятлардан сафарбар қилиб турилар эди. Ундан ташқари кескин қаршилиқ курашини олиб борган халқ, маҳаллий ҳукмдорларнинг хоинона ҳаракатлари, араблар билан махфий тил бириктиришлари туйғайли муваффақиятсизликка учради. Яна бир нарсани очиқ-ойдин таъкидлаш лозим-ки кўпхудолик таъсирида, мавҳум мафкура остида қолган халқ Ислом динининг ягона эътиқод ва умумий тенглик ғоясини қабул қила бошлаган эди.

✓ **Араблар босиб олгандан кейин**
Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол

Араблар Марказий Осиёни босиб олгач бу ҳудуддаги ҳамма шаҳарлар ва аҳоли жойларида ўз қўшинларини жойлаштирдилар. Бу ҳарбий кучлар ўз вақтида маҳаллий аҳоли устидан назорат қилиб турарди. Араб ха-

лифалигининг ҳукмронлиги аҳоли учун оғир юк бўлиб қолди.

Истилочилар аввал бошда Мовароуннаҳрнинг ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари, обод вилоятларига бос-тириб кириб, уларни таладилар ва катта ўлжаларга эга бўлдилар. Улкаларни босиб олиш чоғида деҳқончилик воҳалари оёқ ости қилиниб, шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Сув иншоотлари бузиб ташланди. Кўпгина жойларда қурғоқчилик юз бера бошлади. Шаҳарлардан катта миқдорда қимматбаҳо ўлжалар, Бухоро, Пойканд ва Суғд ҳукмдорларидан эса катта миқдорда товон олинди.

Араб қўшини таркибига маҳаллий аҳоли ичидан кўп-лаб эркаклар мажбуран сафарбар қилинди. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида аҳолининг бир қисми ҳалок бўлди, бир қисми асирга олинди. Барча шаҳар ва қишлоқларда ўз ҳарбий гарнизонларини жойлаштиришган араблар, шу ҳарбий кучга таяниб аҳолидан турли солиқлар ундиришар, уларни турли жамоа ишларига сафарбар қилишар эди.

Марв, Пойканд, Бухоро, Самарқандда уйларнинг қоқ ярми араблар ихтиёрига топширилди. Баъзи истилочи зодагонлар деҳқончилик воҳаларидаги энг унумдор ер майдонлари ва сув иншоотларини эгаллаб ола бошладилар. Араб оилалари қишлоқ ва шаҳарларга келиб ўрнаша бошладилар. Ариқ қазиш, кўприк қуриш, биноларни таъмирлаш ва бошқа жамоа ишларида аҳолидан бепул фойдаланар эдилар. Шу билан бирга маҳаллий аҳоли араб зодагонлари ва қўшинини от-улов, кийим-кечак, озиқ-овқат, қуллар ва бошқа нарсалар билан таъминлаб туриши керак эди.

Иқтисодий ҳаётни ўз қўлларидан чиқармаслик мақсадида араблар бу ерда сосонийлар тартибидаги солиқ тизимини жорий қилдилар. Бу тизимга ер солиғи—хирож (ҳосилнинг ўндан бир ёки ўндан икки қисми миқдоридан), чорва ҳунармандчилик савдо-сотиқдан закот (қирқдан бир миқдорда) ҳамда исломни қабул қилмаган шахслардан олинадиган жизъя солиғи ҳам қўшилди.

Араблар ўз ҳукмронлиги сиёсий негизини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашда ислом динини кенг ёйишга ва тарғиб қилишга катта эътибор бердилар. Марказий Осиё аҳолиси ичида эътиқод қилаётган зардуштийлик, монийлик, буддизм, насроний ва бошқа динлар сохта деб эълон қилинди. Айниқса зар-

душтийликка қарши кескин кураш олиб борилди. Босиб олинган ерларда унинг барча ибодатхоналари йўқ қилинди. Унинг ўрнига мачитлар барпо қилина бошланди. Зардуштий адабиётлар, хусусан диний китоблар, сўғд тилидаги номалар, халқ адабиёти йўқ қилиб юборилди.

«Қутайба ибн Муслим Хоразм хаттотларини қатл эттирди ва дин пешволарини қириб ташлаб, уларнинг китоб ва қўлёзмаларини ёқиб юборгандан кейин,— деб ёзган эди Беруний,— хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар, уларнинг фақат ёдда сақлаб қолган хотираларигина қолди, аммо вақт ўтиши билан бу унутилиб, фақат ўзлари учун мос бўлган хотираларигина сақланиб қолди».

Сўғд тилидаги дунёвий адабиётлар йўқ қилиб ташланди. Ислом динини қабул қилган, муслмон бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари дастлабки йилларда хирож ва жизья солиқларидан озод этилиб, уларга анчагина имтиёзлар берилди. Номоз ўқиш учун масжидларга борган шахсларга 2 дирҳамдан пул ҳам берилар эди. Жизья солиғини ўз вақтида тўламаган кишилар тутиб олиниб бўйинларига «қарздор» деб ёзилган тахтачалар осиб қўйилган.

Ўзаро тенглик ва мустаҳкам эътиқод дини бўлган исломни биринчи навбатда камбағаллар қабул қила бошладилар. Аҳолининг ўрта ва юқори қатламлари уни бир неча вақт қабул қилмай турдилар. Араб босқини шубҳасиз ўлка халқларининг маданий маърифий ёдгорликларига қаттиқ таъсир кўрсатди. Улар шу пайтгача сақлаб келган ёзувлари, маданиятлари, адабиёти ва уларнинг дини билан боғлиқ обидалари тикланиб бўлмас даражада йўқ қилинди.

Қутайбанинг ўлиmidан сўнг араб ҳокимиятининг Мовароуннаҳрдаги мавқеи бироз заифлаша борди. Янги Хуросон ноиб Ал-Жарроҳ (717—719) янги муслмон аҳолисига исломга зид равишда шафқатсиз муносабатда бўла бошлайди. Сулаймон вафотидан сўнг тахтга ўтирган янги халифа Умар ибн Абдулазиз (717—719)— Умар II— хорижийлар таълимоти тарафдори эди. Хорижийлар шиалардан ажралиб чиққан гуруҳ бўлиб илк ислом таълимоти тартибларини ва умумий тенглик ғояларини илгари сураётдилар. Умар II Мовароуннаҳрдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, бўйсундирилган халқлар билан муросачилик сиёсатини

юргаза бошлади. У Мовароуннаҳр аҳолисини исломни қабул қилишга чақириб, катта аҳамиятли фармон қабул қилди. Унга кўра арабларга янги ерларни забт этиш ман қилинди ва молиявий ислоҳат ўтказиш кўзда тутилди. Араблар билан бир қаторда янги мусулмонлардан ҳам жазья ва хирож солиғи олиш бекор қилинди. Умар II солиқ йиғувчилардан ва халифалик амалдорларидан Қуръон ва Ҳадисларга қатъий амал қилишни буюрди.

Араб феодал-зодагонлари турли йўллар билан хирож солиғи йиға бошладилар. Халифа хазинасига келадиган солиқлар эса камайиб кета бошлади. Хирож ерларини давлат мулки сифатида сақлаб қолиш мақсадида Умар II арабларга ўз ерларини кенгайтиришни ман этди ва ҳижрийнинг 100 йилидан (719 й.) кейин сотиб олинган барча хирож ерларини қайтиб беришни буюрди. Шу пайтгача олинган ерлардан эса хирож эмас ушр (ўндан бир қисми) солиқ олиш кўзда тутилди.

Умар II ислоҳатларидан руҳланган Самарқанд аҳли зодагонлари унга элчилар юбориб Самарқанд шаҳристонини қайтариб беришни сўрадилар. Умар II Самарқанд ҳокими Сулаймон ибн-Абус-Сарияга мактуб ёзиб, қози бу ишни ҳал қилиб беришни сўради. Самарқандликлар шикоят кўриб чиқилиб, бу иш самарқандликлар фойдасига ҳал бўлди. Қози Самарқанддан араб гарнизони олиб чиқиб кетилиши керак деб ҳукм чиқарди. Бу эса урушни билдирар эди. Араблар куч-қудратини билган самарқандликлар ўз даъволаридан яна воз кечдилар. Маҳаллий зодагонлар ўзларини мусулмон ҳисоблаб ғазнага солиқ тўламай қўйдилар. Шундан сўнг халифалик барчадан солиқларни олишни белгилади. Натижада Мовароуннаҳрда норозилик кучайиб кета бошлади. Маҳаллий зодагонлар билан араб маъмурияти орасида зиддият кескинлаша борди.

✓ Араб босқинига қарши халқ озодлик ҳаракатлари

Мовароуннаҳрда ҳижрийнинг 100 йилида (719й) араб ҳокимияти тугайди деган гап-сўзлар тарқала бошлайди. Араблар олиб бораётган босқинчилик сиёсатига қарши биринчи бўлиб 720 йилда Суғд аҳолиси бош кўтарди. Қўзғолонга Самарқанд ихшида Ғурак ва Панжикент ҳокими Деваштичлар бошчилик қиладилар.

Суғдларга ёрдам бериш учун Турк ҳоқони шаҳзода Кўрсул бошчилигидаги турк лашкарини Самарқандга

юборадиди. Суғддаги қўзғолон умумхалқ қўзғолонига ай- ланиб кетди. Қўзғолончилар арабларга қатъий зарба бера бошладилар. Фақат айрим шаҳар ва қалъалар ичи- да қуршовда қолган араб ҳарбий қисмларигина катта бож ва эътиборли вакилларни қўзғолончилар ихтиёрига гаровга бериш билан жон сақладилар. Хуросон ноибиди Саид ибн Абдулазиз бу қўзғолонни бостиришга муваф- фақ бўлолмади.

721 йил Халифа Язид ибн Абдумаликнинг тавсияси билан Хуросон ноибиди этиб Саид ибн Амир ал-Хароший тайинланади. У Ироқдаги халқ қўзғолонини бостиришда ўз шавқатсизлиги билан ном чиқарган эди. Саид ал-Харошийнинг қўзғолончилар билан олиб борган музока- ралари натижасида Фурак бошлиқ зодагонларнинг бир қисми араблар томонига ўтиб кетади. Қўзғолончилар- дан бир қисми эса курашни давом эттиришни лозим кў- радилар. Араблар 400 та бой савдогарлардан бошқа ҳамма Суғд қўзғолончиларини қириб ташладилар. Қўз- ғолончиларга ёрдам берган Хўжанд аҳли ҳам жазо- ланди.

Мовароуннаҳр аҳолисини тинчлантириш ва араб ҳо- кимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Хуросон ноибиди Ашрас ибн Абдуллоҳ (727—730) ислом динини қабул қилганларидан хирож ва жизья солиғи олишни бекор қилади. У ислом динини кенг тарғиб қила бошлайди. Чегарадаги ерларда янги истехком қурилиб, чегаралар мустаҳкамлана борди. Лекин ғазнага кам даромад ту- шаётганлиги, зодагонларнинг шикоятли туфайли хирожни қайта тиклайди. Маҳаллий зодагонлар орасида бу пайт- да ислом кенг тарқала бошлаб, Суғд ва Бухорода улар томонидан янги масжидлар қурила бошлайди. Лекин даромадлар камайиб бораётганлигидан норози бўлган Ашрас зодагонлар ҳам илгариги солиқларни тўлаши тўғрисида қарор чиқаради. Ашрас «Куч — исломда» де- ган шиор ўрнига «Куч — хирожда» деган шиорни ўрта- га ташлайди. Ўз сиёсатини тарғиб қилиш мақсадида 2 та таниқли араб руҳонийси Ас-Саид Солиқ ва Робия ибн Умранни Самарқанд ва Бухорога жўнатади. Хирож солиғи зодагонлардан ҳам, камбағаллардан ҳам зўрлаб ундирила бошлайди.

Самарқандда Абу Саид бошчилигидаги 700 та суғд- ликлар хирож тўлашдан бош тортадилар. Улар шаҳар- дан 7 фарсах нарига ўтиб, қаршилиқ ҳаракатига тай- ёргарлик кўра бошладилар. Абу Саидни ҳийла ишлатиб

музокара учун Самарқандга чақиртиришади ва ўша ернинг ўзида уни ва сафдошларини зиндонбанд этадилар.

Ўзаро курашлар, 733—734 йилдаги Зарафшон воҳасидаги қурғоқчилик, мустамлака зулмининг кучайиши — буларнинг ҳаммаси Мовароуннаҳрдаги норозиликнинг янада авж олишига олиб келди. Норозилик араб ҳарбийлари ва қисман зодагонлар ичида ҳам кучая борди. Шу пайтга келиб хорижийлар ҳаракати ва мафкураси янада кенг тарқала бошланди. Хорижийлар юқорида қайд қилинганидек шиаларнинг гуруҳидан VII аср охирида ажралиб чиққан бўлиб: бу сўзнинг луғавий маъноси қўзғолончилар дегани эди. Аввал бошда бу ҳаракат оддий араб ва бошқа мусулмон халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилар эди. Кейинчалик бу гуруҳдан ибодийлар, азракийлар ва бошқа жамоалар ажралиб чиққан. Хорижийлар таълимотига кўра мусулмонлар — зиммийлар (бошқа, диндагилар) устидан ҳукмрон бўлишлари керак эди.

Мовароуннаҳрда Хорижийлар ҳаракатига шу пайтда Хорис ибн Сурайж бошчилик қилади. Хорис Мовароуннаҳрда тезда шуҳрат қозонди. У Самарқанд ва Дабусиядаги Абу Саид тарафдорларини ўз қўли остида бирлаштирди. Мовароуннаҳрлик хорижийлар бошлиғи Абу Фотима унинг ёрдамчиси ва ҳарбий маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Хорис Уммавий халифаларни исломга риоя этмасликда айблаб, бутун Хуросон ва Марв аҳолисини хирож ва жизъядан озод қилишни талаб этади. Кеш халқ оmmasига таяниб у Хуросоннинг шимолига юриш қилади. Унинг қўшини таркибида Хутталон шаҳзодаси Сабил, қарлуқ ябғуси ва Абу Фотима гуруҳи ҳам бор эди. Халқ ҳаракатларидан норози бўлган халифа Хуросонга янги ноиб Осим ибн Абдуллоҳни тайинлайди. Хорис қўшинлари Хуросоннинг катта қисмини эгаллашиб Осимни чекинишга мажбур этишади. 735 йилга келибгина халифа катта куч ва янги ноиб Асад ибн Абдуллоҳни Хуросон валийси этиб тайинлаб, Хорисга қарши кураш бошлайди. 736—737 йилларда Асаднинг қўшини Хуросондан Хорисни сиқиб чиқаришга мувофиқ бўлади. Қўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби ҳам, талаблари ҳам турлича эди. Қўзғолонда аҳолининг деярли ҳамма табақалари қатнашди. Ватан учун кураш фикри уларни бир йўлда бирлаштирди.

Албатта ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро низолар хиёнаткорона ҳаракатлар қурол-яроғнинг етишмаслиги, яхши уюшмаганлик ва бошқалар ўзининг таъсирини кўрсатди. Шундай бўлса ҳам кўзғолонлар изсиз қолмай халифалик сиёсий ҳаракатида ўзининг аксини топди.

Улкан халифаликни 661 йилдан бошлаб Уммавийлар сулоласи бошқариб келар эди. Бу сулола даврида жуда кўп сиёсий ўзгаришлар, диний мазҳаблар, гуруҳларнинг кучайиши, бошқаришдаги номутаносиблик, мустамлакачилик сиёсати, зўравонлик, адолатсизликнинг авж олиши рўй бердики, бу нарса сулоланинг кейинги даврида унинг фаолиятини қийин аҳволга солиб қўйди. Марказий Осиёда ва бошқа халифалик ерларида халифаликка қарши норозилик кайфиятлари кучли эди. Уларнинг солиқ сиёсатидан, зўравонлигидан қуйи табақалар, ўз ҳуқуқларининг камситилганлигидан юқори табақалар норози эди. Уммавийларнинг ҳокимиятини араб аҳолиси ҳам қўлламас эди. Уларнинг ҳокимиятга келишини турли гуруҳлар, муҳолифат кучлари ноқонуний деб билишар эди. Аввало хорижийлар уларга қарши бўлиб, халифалик тахтининг меросий бўлишини нотўғри деб баҳолар эдилар.

718 йилдан бошлаб махфий тарзда Муҳаммад пайғамбарнинг амакилари Аббоснинг тарафдорлари ўз ғояларини тарғиб қила бошладилар. Уларнинг фикрига кўра ҳошимийлар уруғи (Пайғамбар ҳам шу уруғдан) вакиллари ҳокимиятга даъвогардирлар деб ҳисоблашар эдилар. Кейинчалик улар ўз курашларида шиалар билан бирга ҳаракат қила бошлайдилар.

Феодал муносабатларнинг ривожланиши, ижтимоий сиёсий вазиятнинг ўзгариши уммавийларнинг сиёсий саҳнадан кетишларини, уларнинг эътибори тугаганлигини кўрсатиб турар эди. Уммавийлар сиёсатидан оммавий норозилик айниқса Марвон II (744—750) ҳукмронлик даврида кучайиб кетди. Марвон II нинг хирож солиғи миқдорини кўпайтириш ва маҳаллий халқлар вакилларини оғир қурилиш ишларига кенг жалб қилиши норозиликнинг алангаланишига олиб келди. Марвон Уммавийлар хавфсизлигини сақлаш мақсадида бир қатор чоралар кўрди. Уз пойтахтини янги шаҳар Харронга Дамашқдан кўчириб ўтказди. Лекин норозилик кайфиятлари ниҳоятда кучая борди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Аббосийлар вакиллари катта ер эгаларини ўзлари томонга жалб қилишга ҳаракат қиладилар. Аббосий ва-

киллар халифа Хишом (724—743) давридаёқ Марказий Осиёда ҳаракат қила бошлаган эдилар. Уларнинг тарғиботчилари таъқиб остига олинар, улар қўлга тушгудек бўлса қўл-оёқлари кесилар эди. Айниқса Наср ибн Сайёр аббосийлар ва шиаларнинг катта душмани бўлиб уларни доимо таъқиб этиб келар эди. Аббосийларнинг ҳокимият тепасига келишида Абу Муслим ва унинг ҳаракати муҳим аҳамият касб этди.

Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихига оид манбаларда Абу Муслим шахсияти, унинг наслу насаби ҳақида турлича талқинлар боради. Масалан, уларнинг бирида Мирхонд («Равзад-ус-сафо» асарида) ёзишича, Абу Муслимнинг насаби қадимги Эрон баҳодирларидан Шударзга нисбат берилади. 746 йил Абу Муслим аббосийлар тарғиботига бошчилик қилиш учун Хуросонга юборилди. Абу Муслимга «Пайғамбар хонадонининг ишончли вакили» деган унвон берилади.

Ўз ташвиқотини Абу Муслим Хуросон зодагонларига мурожаат этиш билан бошлайди. У Марв шаҳридан 3 фарсаҳ Ғарбда Харкон ариғи соҳилидаги Сафизанж қишлоғини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Аббосийларнинг рамзий ранги ва байроғи қора рангда эди. Шу сабабли Абу Муслим ва унинг тарафдорлари қора кийим кийиб юришади. Хуросон аҳолисига мурожаатида у Қуръон ва ҳадисларга амал қилишга, пайғамбар авлодларига бўйсунушга чақиради. Араб, кейинчалик маҳаллий зодагонлар уни қўллаб-қувватлай бошлайдилар. Абу Муслим ташвиқоти Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларида тезлик билан тарқала бориб, унинг тарафдорлари сони орта бошлайди. Тўпланаётган отлиқ ва пиёдаларга бош бўлиб Абу Муслим Мохувон қалъасига кўчиб ўтади. Хуросон ноибни Наср ибн Сайёр Абу Муслимга қарши араб зодагонлари вакилларини бирлаштиришга ҳаракат қилади. Лекин унинг барча ҳаракатлари зое кетди. У Абу Муслимга юрак ютиб кураш бошлашга қурби етмай, 748 йилда Хуросон пойтахти Марвни ташлаб чиқиб Нишопурга йўл олди. Нишопурда унга Абу Муслимнинг саркардаларидан бири қақшатқич зарба бериб уни мағлубиятга учратди.

749 йил Абу Муслим қўшини халифаликнинг марказий вилоятларига юриш қилади. Ироқ ва Жазоирда Уммавийларга ҳал қилувчи зарба берилади. Қўзғолончилар пойтахт — Дамашқни ҳам қўлга киритадилар. Халифа Марвон II тахтдан ағдарилади. Аббосийлардан бўлган

Абулаббос Сафароҳ (749—754) халифалик тахтига ўтиради. Жойларда Уммавийларнинг барча вакиллари қириб ташланади. Шундай қилиб араб халифалиги ҳокимияти Аббосийлар қўлига ўтади. Унинг ҳокимият тепасига келишида йирик сиёсий арбоб ва саркарда Абу Муслим муҳим ўрин тутди.

751 йил Бухоро шаҳрида Шарик ибн Шайхулмаҳр бошчилигида қўзғолон кўтарилади. Қўзғолончилар шиалик талабаларини илгари суриб, Али авлодидан халифа тайинлаш ширини кўтариб чиқишди. Абу Муслим қўзғолонни бостиришда Зиёд ибн Солиҳ бошчилигидаги 10.000 кишилик қўшин юборади. Бу қўзғолон фақатгина Бухорхудод Қутайба ибн Туғшоднинг ёрдами билангина бостирилади.

Абу Муслим Марказий Осиёнинг шимолига кириб келган Хитой императорининг қўшинига ҳал қилувчи зарба беради. 751 йил Талас водийсидаги хитойликлар билан жангда, Хитой ҳарбийлари ҳайдаб юборилади. Шу билан халифаликнинг шимолий чегараси ҳам мустақамланиб, қатъий чегара ўрнатилади. Халифалик таъсири бутун Марказий Осиё ҳудудида асосий ва қонуний бўлиб қолади. Араб халифаси Абу Муслим тимсолида ўзининг кучли рақибини кўрар ва ундан қутилиш йўлини излар эди. Бир неча маротаба (жумладан 753 йил Зиёд ибн Солиҳга ҳам) яширин номалар юборилиб Абу Муслимга бўйсунмасликка чақирар эди. Гарчи Абу Муслим садоқат ила хизмат қилсада, араб ҳокимияти унга ишонмас эди. Халифа унга жангга юбориш ҳақида нома йўллаб, уни марказга қелишга мажбур қилади. 755 йил Ҳаж сафаридан қайтаётган Абу Муслим Халифа Абу Жаъфар (754—775) томонидан хиёнаткорона Бағдодда ўлдирилади. Унинг ўлими халқ оммасининг умумий норозилигига сабаб бўлади. Унинг мурдаси Самарқандга олиб келиниб Хўжа Темим Ансорий мақбараси ёнига катта ҳурмат билан кўмилди.

Аббосий халифалар даврида халқ оммасининг аҳволи янада оғирлашди. Суғорилмайдиган ерлардан ҳосилнинг ярми, суғориладиган ерлардан 1/3 қисми солиқ олинадиган бўлди. Кўп ҳолда солиқлар бир маротаба ўрнига икки маротабадан ҳам олинадиган бўлди.

Озод жамоаларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Ерлар зодагонлар томонидан ижарадор деҳқон — кадиварларга бўлиб берила бошланди.

Ҳамма ҳашар қурилиш ишларида аҳоли текин иш-

лаб бериши лозим эди. Шаҳар ҳунармандларининг аҳволи ҳам оғир бўлиб, улар ўз маҳсулотларидан катта солиқ тўлашар эди. Шунингдек оғир солиқлар кўчманчи чорвадорлар бўйнига ҳам қўйилар эди.

Шундай бир аҳволда халқ ҳаракатлари кучайиб кетади. Абу Муслимни ўчини олиш шиори остида унинг сафдоши Сумбод бошчилигида қўзғолон кўтарилади. 755 йил кўтарилган бу қўзғолон тез орада Хуросон ва Табаристонга ҳам ёйилади. Бу қўзғолон 70 кун давом этади. Бироқ бу қўзғолон қаттиққўллик билан бостирилиб, Сумбод Райда қатл этилади. Гарчи у қатл этилсада, Абу Муслим тарафдорлари яширин «муслимия» гуруҳига асос соладилар.

VIII асрнинг 70—80-йилларида Мовароуннаҳрда жуда улкан халқ қўзғолони кўтарилади. Қўзғолончилар оқ рангдаги кийим кийганлиги учун тарихда у «оқ кийимлилар» қўзғолони деб ҳам шуҳрат қозонади. Бу қўзғолоннинг раҳбари Муқанна (боши ва юзига ёпинғич ташлаб юргани учун унга шундай лақаб берилган) эди.

«Муқанна Марв атрофи аҳолисидан,— дейлади «Бухоро тарихи» номли Наршаҳий асарида, Қоза деб аталган қишлоқдан бўлиб, номи Ҳошим ибн Ҳаким эди. У илгари кудунгар (кигиз босувчи) лик қилар эди, кейин эса илм ўрганишга машғул бўлади ва ҳар хил илмларни: кўзбўямачилик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганади. Кўзбўямачиликни яхши билиб олиб, пайғамбарлик давъосини ҳам қилади. Муқанна кўзбўямачиликни ўрганган ва ғоятда зийрак бўлиб, қадимги олимлар илмларига оид кўп китобларни ўқиган ва жодугарликдан устоз бўлган эди. Унинг отасининг номи Ҳаким, у Абу Жаъфар давридаги Хуросон амири лашкарбошилари-дан бўлиб, асли Балхдан эди».

Муқанна ўз нуфузини ошириш мақсадида ўзини илоҳий шахс деб таърифлар эди. Муқаннанинг таъсири Суғдга ҳам ўтмаслигини араблар қаттиқ назорат қилиб, Амударё бўйларида ўз қўшинларини қўядилар.

Қўзғолон 776 йили бошланади. Муқанна ўзининг 36 та муриди билан Амударёдан ўтиб Кеш вилоятига йўл олади. Бухорхудод Туғшод уни қўллаб-қувватлай бошлайди. Муқанна Кеш яқинидаги Сом (Санам) қалъасини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Бутун Қашқадарё воҳаси қўзғолончилар қўлига ўтади. Муқанна таълимоти умумий мулкий тенглик ва арабларни Марказий Осиёдан ҳайдаб чиқариш ғояларини тарғиб этар эди.

Муқанна таълимоти Суғд, Илоқ (Оҳангарон), Шошда ҳам ёйила бошлади. Қўзғолонда турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари қатнашиб, уларни бир фикр-истилочиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқариш, мустақил давлат барпо қилиш ғояси бирлаштириб турар эди.

Қўзғолонга зарба бериш учун халифа Абу Жаъфар 776 йилда Жаброил ибн Яҳё бошлиқ катта ҳарбий кучни Мовароуннаҳрга юборди. Бироқ Жаброил қўзғолончилардан енгилди. У катта талофатлар бериб базўр Самарқандга етиб келади. 10.000 аскар билан Жаброилга ёрдамга юборилган Уқба ибн Салим Кеш ва Самарқанд оралиғида, Фарига бошлиқ 14.000 кишилик қўшин Термиз яқинида қўзғолончилар томонидан тор-мор келтирилади. Натижада Нахшаб ва Чағониён қўзғолончилар қўлига ўтади.

Қўзғолон маркази Наршаҳда, Бухоро атрофида жойлашади. Шу йили Наршаҳ яқинида Бухоро ҳокими Хусайн ибн Мувоз ва Самарқанд ноиб Жаброилнинг бирлашган қўшини ўртасида 4 ой жанг бўлади. «Оқ кийимчилар» бу жангда қўллари аввал устун келади, кейинчалик сон жиҳатдан кўп бўлган араблар Наршаҳ қалъаси девори остидан узунлиги 50 газли чуқур қазиб, уни қулатиб қалъага кирадилар. Наршаҳ қалъаси араблар томонидан эгалланади. Кеш ва Самарқанд эндиликда қўзғолоннинг асосий марказларига айланиб қолади.

Курашнинг охири босқичи Кеш воҳаси (Қашқадарё) да жуда авж олади. Муқанна қароргоҳи бўлган Сом (Санам) қалъасини қамал қилиш Хорошийга топширилади. Узоқ вақт қамалдан сўнг муқанначилар таслим бўладилар.

Уз даврининг энг қудратли давлати бўлган халифаликни ларзага солган Муқанна бошчилигидаги қўзғолон шу тариқа тугайди. Бу қўзғолоннинг енгилишига бир неча сабаблар бор эди. Аввало қўзғолончилар уюшқоқлик билан ҳаракат қила олмадилар. Маҳаллий зодагонлар алоҳида гуруҳни ташкил этиб, кейинчалик умумий хиёнат йўлига кириб араблар томонига ўтиб кетдилар. Муқаннанинг ўзи Сом (Санам) қалъасида бўлиб бевосита қўзғолонга раҳбарлик қила олмади. Унинг ўзи умумий тенглик ғоясини кўтариб чиқиб, ўзи кичик давлат бошлиғига айлана борди.

Узаро урушлар натижасида аҳоли жуда чарчади, экинзорлар пайҳон қилинди, иқтисодий таназзул бош-

лана борди. Муқаннадан сўнг унинг сафдошлари ҳаракатлари ҳам бўлиб ўтди. Бу қўзғолон халифалик кучини заифлаштиради ва бошқа ўлкаларда ҳам озодлик ҳаракатларининг чиқишига туртки бўлади.

Масаланинг яна бир жиҳати шунда-ки, Ислом динининг кўп жиҳатдан афзаллиги, ахлоқ ва интизом нуқтаи-назаридан оммавийлиги хусусияти араблар босиб олган мамлакатлар аҳолиси томонидан унинг тез орада қабул этилишига сабаб бўлади. Қутайба сингари уни пул ва қилич билан олиб келиш мумкин эмас эди. Қачонки ислом моҳиятига етилгачгина унга рағбат ва эътиқод кучайиб кетади. Олиқ-солиқ, маиший ҳаёт бобида, закот масаласида Қуръон ва Шариат аҳкомларининг қоидалари меҳнаткаш аҳоли томонидан тезда қабул қилинди. Аллоҳ олдидаги тенглик эса диннинг аҳамиятини кучайтирар эди. Исломнинг халқпарварлик руҳи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Зеро ислом маънавий бўшлиқни тугатди. Унинг аҳамияти билан истилочилар ҳаракатини адаштириб юбормаслик керак. ✓

✓ IV МАВЗУ: РИВОЖЛАНГАН ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ

1-§. IX—X АСРЛАРДАГИ ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАР. МАДАНИЙ ҲАЁТ

↓ Тоҳирийлар. Саффорийлар. Сомонийлар. IX—X асрлардаги асосий сиёсий воқеалар

✓ Мовароуннаҳр ва Хуросонда араб босқинчиларига қарши тинмай давом этган халқ ҳаракатлари халифаликнинг қудратига катта таъсир кўрсатди. Унинг сиёсий, маънавий ва иқтисодий пойдеворини маълум даражада заифлаштирди. Уз навбатида маҳаллий феодализм зодагонларнинг халифаликни идора этишда кенг иштирок этиши учун замин туғилди. Маълумки, халифалар бу қўзғолонларни бостириш давомида бир неча бор маҳаллий зодагонлардан ёрдам сўраганлар. Кўрсатилган ёрдам эвазига уларни маълум вилоят ва ўлкаларнинг ноиблари қилиб тайинлаганлар. Тез орада маҳаллий зодагонлар фақатгина Мовароуннаҳр ва Хуросонда эмас, балки халифалик марказида ҳам юқори лавозимларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Давлатни идора этишда юқори поғонага эришган маҳаллий зодагонлар сулоласидан бири бармакийлар бўлган. Халифа Хорун ар-Рашид (786—809 йиллар) бармакийлар қудратини ошиб бораётганидан қўрқиб, бу сулоланинг ҳаммасини ўлдириб юборган. Хорун ар-Рашид ўлимидан кейин тахт учун бўлган курашда яна бир маҳаллий зодагонлар сулоласи тарих саҳифасига кириб келди. Бу — Тоҳирийлар сулоласидир. Сулола асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайн Хуросоннинг энг йирик ер эгаларидан бўлиб у Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмунни тахтга ўтиришига ёрдам берган. Маъмун (813—833 й.) халифа бўлиб олгач, Тоҳир ибн Ҳусайн тез орада халифаликнинг энг нуфузли кишиларидан бирига айланди. У бир неча вақт халифа қўшинининг бош саркардаси лавозимида ишлади. 821 йили эса халифа уни

Хуросон ноибни қилиб тайинлади. Тоҳир Хуросон ноиблигини пойтахти қилиб Нишопур шаҳрини танлади. Хуросонга қайтгач у ўзига қарашли ноибликни мустақил давлатга айлантириш режаларини туза бошлади. Бир йил ўтмасданоқ Тоҳир ибн Ҳусайн халифа исмини жума намозидаги хутбада қайд қилишни ман қилди. Бу халифага нисбатан очиқ исён эди. Лекин унинг режалари амалга ошмади. У тўсатдан вафот этди. Тахмин қилинишича, унинг ўлимида халифанинг одамларини қўли бўлган.

Халифа Маъмун Тоҳир ибн Ҳусайн ўрнига Хуросон ноибни қилиб унинг ўғли Талхни тайинлайди (822—828 йиллар). Тоҳирнинг иккинчи ўғли Абдулло ноиблик қилган йилларида (830—844 йиллар) Хуросон халифага вассал ҳисобланса-да, аслида мустақил давлатга айланди. Халифа Мутасим (833—842 йиллар), бир неча бор Абдуллони бўйсундиришга ҳаракат қилди. Аммо бунда у муваффақиятсизликка учради.

Тоҳирийлар кучли ҳокимият тузишга, қишлоқ хўжалигини ташкил этишга астойдил ҳаракат қилдилар. Янги суғориш иншоотларини барпо этдилар. Маҳаллий амалдорларни ўз лавозимларини суистеъмол қилмасликларини назорат қилдилар. Албатта бунда улар деҳқонлар манфаатини эмас, балки аҳолидан олинадиган солиқни хазинага изчил келиб тушишини назарда тутганлар. Улар на деҳқондан олинадиган солиқ миқдорини, на улар ўтайдиган мажбуриятларни камайтирмаганлар. Солиқлар миқдори жуда катта бўлган. Манбаларда қайд қилинишича, 844 йил аҳолидан 48 миллион дирҳам солиқ йиғилган. Солиқларнинг кўпчилиги деҳқонларни қўзғолон кўтаришига олиб келган. Тоҳирийлар бу қўзғолонларни шавқатсиз бостириб турганлар.

Тоҳирийлар ислом динини халқ орасида кенг ёйиш сиёсатини давом эттириб, ислом руҳонийларини ўз режаларини амалга оширишда таянч деб билганлар. Талх ибн Тоҳир ноиблиги (842—864) даврида зардуштийлик дини сақланиб келган Уструшонада ҳам ислом дини қабул қилдирилган. Давлатни идора этишда тоҳирийлар малакали, билимли амалдорларга муҳтож эдилар. Шунинг учун улар билимдон одамларга ҳомийлик қилганлар. Маълум тоифадаги одамларга билим олиш учун кенг шароитлар туғдириб берганлар. Манбаларда қайд қилинишича Тоҳирийлар жуда билимдон бўлганлар.

Хусусан, Тоҳир ибн Ҳусайн ва Абдулло анча танилган шoir бўлганлар.

Абдулло вафотидан кейин Тоҳирийлар давлати аста-секин инқирозга юз тутди ва кўп вақт ўтмай уларнинг ҳокимияти бутунлай тугатилди. Тоҳирийлар сулоласининг сўнгги вакили Муҳаммад ибн Тоҳир (862—873 йиллар) Ёқуб ибн Лайс билан бўлган жангда мағлуб бўлди.

IX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ва Эрон чегарасида халқ ҳаракатлари кучайиб кетди. Бу халқ ҳаракатларидан ҳунарманд мисгар ака-ука Ёқуб ва Амр ибн Лайслар (саффорийлар) ўз ниятларини амалга оширишда фойдаландилар. Аввал улар қароқчилик қилдилар ва сўнгра Сейистондаги ғозийлар — «эътиқод учун қурашувчилар» қўшинига қўшилдилар. Лашкарбошилик қобилиятига эга бўлган Ёқуб тез орада бу қўшиннинг бошлиғи бўлиб олди ва 861 йилда Сейистоннинг пойтахти Заранж шаҳрини Тоҳирийлардан тортиб олди. Ёқуб 10 йил давомида Тоҳирийларга қарашли ерларнинг ҳаммасини босиб олди. 873 йилда Ёқуб Муҳаммад ибн Тоҳир қўшинини тор-мор қилди ва Тоҳирийлар пойтахти Нишопурни эгаллади. Халифа Хуросон ноиблигини Ёқубга топширишга мажбур бўлди. 876 йили Ёқуб катта қўшин билан Бағдод томон йўл олди. Бағдоддан 100 км узоқликда халифа ва Ёқуб қўшинлари тўқнашдилар. Бу жангда Ёқуб қўшини мағлубиятга учради ва у орқага қайтди. 879 йили Ёқуб ибн Лайс вафот этди. Тахтга Ёқубнинг укаси Амр ибн Лайсни ўтқазилди (879—900 йиллар). Амр ибн Лайс халифага ўз вассаллигини билдирди. Бунга жавобан халифа Амр ибн Лайсни Хуросон ва Эроннинг ноиблигини қайд қилувчи ёрлиқ юборди.

Саффорийлар ҳукмдорлиги даврида халқнинг аҳволи сезиларли даражада яхшиланмади. Ваҳоланки, улар халқ ҳаракати натижасида ҳокимият тепасига келганди. Саффорийлар асосан майда ва ўрта ҳол ер эгаларига суянган ҳолда давлатни идора қилдилар. Улар халқдан олинадиган солиқ миқдорини ўзгартирмадилар. Саффорийлар катта эътиборни қўшин тузишга қаратдилар. Қўшинда мустақкам интизом ўрнатдилар. Наврўз кунларида қўшинлар махсус кўрикдан ўтказилган. Амирдан тортиб оддий лашкаргача кўрик пайтида ўз отларини ва қурол-яроқларини назоратчига кўрсатган. Лашкарлар ҳар уч ойда маош олганлар. Қўшиннинг асосини

кўнгиллилар ташкил этган. Бу қўшин тури асосан қочоқ ва ерсиз деҳқонлардан иборат бўлган. Кўнгиллилардан ташқари Саффорийлар қўшини ер эгаларининг ўғиллари ва қуллардан иборат бўлган.

IX асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда сомонийлар сулоласи пайдо бўлган. Сомонийлар сулоласига асос солган Сомон йирик ер эгаси бўлган. Манбаларнинг бирида у Балх яқинидан, иккинчисида эса Самарқанд атрофидан ёки Термиздан бўлганлиги қайд этилган. Сомон Маъмун Хуросон ноиблиги пайтида унга хизматга ўтган ва тез орада унинг эътиборини қозонган, Маъмун таъсири остида халқ зардуштийлик динидан воз кечиб, ислом динига кирган. Худди шу вақтда Сомонийнинг ўғли Асад ҳам халифа Маъмун эътиборига тушган. Асаднинг тўртта ўғли бўлган ва улар Маъмун саройида хизмат қилишган. Маъмуннинг буйруғига биноан Хуросон ноиб Асаднинг ўғилларини 820 йилда Мовароуннаҳр ўлкаларига ноиб қилиб тайинлайди. Хусусан, Асаднинг катта ўғли Нуҳни Самарқанд, Аҳмадни Фарғона, Яҳёни Шош ва Уструшонани, Илёсни Хирот ноиб қилиб тайинлайди. Тоҳир ибн Хусайн Асаднинг ўғилларини яхши билган ва уларга керакли вақтда ёрдам қўлини чўзган.

Аҳмад Сомоний аста-секин Мовароуннаҳрни ўз оиласи бошчилигида бирлаштиришга киришади. Тоҳирийлар Аҳмаднинг бу фаолиятига қаршилик кўрсата олмадилар. 864 йилда Аҳмад вафот этди. Сомонийлар сулоласининг бошлиғи сифатида 865 йилда Аҳмаднинг ўғли Наср тан олинди. Лекин ҳамма Сомонийлар ҳам сулола бошлиғи сифатида Насрни бирдан тан олмадилар: хусусан Шош ҳокими Ёқуб Насрни тан олмай ўз номидан тангалар зарб қила бошлади. Айниқса, Насрнинг укаси Исмоил билан алоқаси кескин эди. Маълумки, 873 йили Бухоро вилоятини Тоҳирийларнинг сўнгги вакили Муҳаммад ибн Тоҳир босиб олди ва унга солиқлар солди. Бундан ғазабланган халқ Муҳаммадга қарши қўзғолон кўтардилар. Шаҳар амалдорлари Наср ибн Аҳмадга мурожаат қилиб, сомонийлардан Бухорога ноиб юборишни илтимос қилдилар. Бухорони сомонийлар давлатига қўшиб олишни режалаб юрган Наср бу таклифни хурсанд бўлиб қабул қилди ва Бухорога ноиб қилиб укаси Исмоилни жўнатди. Исмоил Бухорога келиб қўзғолонни бостирди.

Наср Исмоилни ўз ноиб деб ҳисоблар эди. Исмоил

ибн Ахмад Бухорода ўз ҳокимиятини мустақкамлаб ол-
гач, Самарқандга юбориладиган солиқни юбормай қўй-
ди. Шундан сўнг ака-ука ўртасида низо пайдо бўлди:
886 йили Наср ва Исмоил қўшинлари тўқнашдилар. Бу
жангда Исмоил мағлуб бўлди ва у вақтинча Бухоро
ноиблигидан туширилди. Лекин икки йил ўтгач ака-ука
қўшинлари ўртасида яна тўқнашув бўлди. Бу жангда
Исмоилнинг қўли баланд келди. Наср қўшини тор-мор
қилинди. Мовароуннаҳр ҳукмронлиги Исмоил қўлига
ўтди. Лекин Исмоил Насрдан тахтни тортиб олмади ва
Наср ўз вафотигача (892 йили) сомонийларнинг бош-
лиги сифатида Самарқандда қолди.

Наср вафотидан сўнг Исмоил давлат бошлиги бўл-
ди. Пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилди. Ўзаро
жанжал ва исёнларни бартараф этгач Исмоил 893 йили
кўчманчиларга қарши қўшин тортди ва Тарозни эгалла-
ди. У бу ерда хонни ва унинг 10 минг қўшинини аспр
олиб, бу жангда катта ҳарбий ўлжани қўлга киритди.
Халифа ал-Мутадис (892—902 йиллар) Исмоилни қуд-
рати кучайиб кетаётганлигини кўриб, Мовароуннаҳрдан
маҳрум бўлиб қолишидан саросимага тушди ҳамда ҳий-
ла йўллариини излай бошлади. У Мовароуннаҳрдан ўзи-
нинг барча одамларини саройга таклиф этди ва уларга
Исмоилни Мовароуннаҳр ҳокимлигидан туширилганли-
гини ва Амр ибн Лайсни у ерга ҳоким қилиб тайинлан-
ганлигини эълон қилди. Бу билан халифа ўзининг икки
душманидан бир йўла қутулмоқчи эди. Мовароуннаҳр
ноиблиги тўғрисида ёрлиқни олган Амр ибн Лайс Ис-
моилга қарши қўшин тортди. 900 йили Бухоро остонаси-
да Амр ибн Лайс қўшини тор-мор этилади. Наршаҳий
ва бошқа муаллифларнинг қайд қилишича, Исмоил Амр
билан бўладиган жангга қўшиндан ташқари Бухоро ҳу-
нармандларини ва ҳамда оддий халқнинг қўлига қурол
бериб, ўз озодлигини сақлаб қолишга чақирган. Кенг
халқ оммасининг бу жангда иштирок этиши Исмоилга
зафар келтирди. Исмоил араб босқинидан кейин бирин-
чи бўлиб ўзаро жанжаллар, босқинчилар томонидан та-
ланган ўлкани қудратли бир давлатга айлантиришга
муваффақ бўлди.

Энди Исмоил олдида асосий масала турар эди. У ҳам
бўлса араб халифалигидан ўз мустақиллигини сақлаб
қолиш учун марказлашган мустақкам давлат маъму-
риятини тузиш керак эди. Йирик ер эгаси бўлган Ис-
моил биринчи навбатда маҳаллий феодал зодагонлар ва

савдогарларнинг маанфаатларини кўзлаб иш тутди. Давлатнинг иқтисодий куч-қудратини ошириш, қишлоқ хўжалигини, ҳунармандчиликни ва савдонини ривожланиши учун кенг шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим эди. Шу мақсадда Исмоил катта ва яхши қуроолланган, сараланган қуроолли кучларни ташкил қилишга киришди. У айниқса, турк ғуломларидан иборат қисмларни тузишга катта эътибор берди. Натижада Сомонийлар давлати тез орада мусулмон шарқидаги марказлашган кучли давлатга айланди.

Йирик ер эгаси бўлган Исмоил маҳаллий феодал зодагонлар ва савдогарларга суяниб давлатни идора қилган. Лекин Исмоил ҳам, бошқа Сомонийлар ҳам ички ижтимоий зиддиятларни йўқота олмаган. Деҳқонларнинг ер эгалари томонидан қаттиқ эксплуатация қилиниши натижасида феодалларга қарши кўзғолонлар бўлиб турган. Бундан ташқари айрим чекка ўлкаларнинг ҳокимлари марказлаштириш сиёсатига иложи борица қаршилиқ кўрсатганлар. Хусусан, Хоразм, Афғонистон ҳудудларида жойлашган ҳокимлар сомонийларга вассал бўлса-да, улар ўз ерларида мустақил сиёсат юргизганлар. Улар сомонийлар саройига тўланадиган солиқнинг маълум қисмини эмас, балки совға-саломлар юбориш билан кифояланганлар.

907 йилда Исмоил вафот этгач тахтни ўғли Аҳмад ибн Исмоил эгаллади (907—914 йиллар). Аҳмад ҳукмронлиги даврида бир қанча кўзғолонлар бўлиб ўтди. Хусусан, амакиси Исҳоқ ибн Аҳмад Самарқандда, Рай ва Сейистон ҳокимлари исён кўтардилар. Бу исёнлар шавқатсизлик билан бостирилди. Аҳмад узоқ вақт ҳукмронлик қилмади. Давлатни идора этишда араб тилини қайта тикланиши кўпгина маҳаллий зодагон ва Турк ғуломларининг норозилигини уйғотди. 914 йилда у Турк ғуломлари томонидан ўлдирилди. Тахтга Аҳмаднинг 8 ёшли ўғли Наср ибн Аҳмад (914—943 йиллар) ўтирди. Саройнинг руҳсати билан давлат ишларини вазир Абдулло Жайҳоний бошқарди.

914 йилнинг охирида Самарқандда яна кўзғолон кўтарилди. Давлатнинг жанубий ҳудудларида бўлган Хусайн ибн Али Марвозий раҳбарлигидаги кўзғолон айниқса кескин тус олди. Кўзғолон карматлар ғояси байроғи остида бўлиб ўтди. Бу кўзғолон 918 йилда бостирилди. Марвозий асир олинди. Кўп ўтмай Марвозий раҳбарлигидаги кўзғолон бостирилгач Аҳмад ибн Нуҳ ҳокимиятга

қарши кўзғолон кўтарди. 922 йилда эса Илёс ибн Исҳоқ кўзғолон кўтарди. Тинмай давом этган кўзғолон ва исёнлар Сомонийлар давлатининг қудратига катта таъсир кўрсатди ва у аста-секин таназзулга юз тутди.

Наср ҳукмронлиги даврида Сомонийлар давлати ҳудудларида карматлар ҳаракати анча кескин тус олди. Карматлар исломни ёйилишга, феодал муносабатларни кучайишига қарши чиқдилар ва олдинги анъаналарни, қишлоқ жамоаларини қайта тиклашни ёқлаб чиқдилар. Шунинг учун бу ҳаракатга кенг халқ оммаси қўшилди. Карматлар ғоясини амалдорларнинг бир қисми ва ҳатто Насрнинг ўзи ҳам қабул қилди. Насрнинг бу қадами реакцион мусулмон руҳонийларнинг ва турк ғуломларини норозилигини кўзғатди. Натижада Наср тахтдан возкечишга мажбур бўлди. Тахтга Насрнинг ўғли Нуҳ ўтирди (943—954 йиллар). Нуҳ карматларга қарши шавқатсиз кураш олиб борди. Уларнинг мол-мулкларини мусодара қилинди. Нуҳ ҳатто ўз отаси Насрни занжирбанд қилиб, қалъага қамаб қўйишга буйруқ берди.

Нуҳ ҳукмронлиги даврида Сомонийлар давлатини инқирози кўзга яққол ташлана бошлади. Бўшаб қолган хазинани тўлдириш мақсадида Нуҳ солиқлар миқдорини кўпайтирди. Бу халқ норозилигини янада оширди. Халқ норозилигидан фойдаланган Нуҳнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад Хуросон ноибни Абу Али Чағоний ёрдамида вақтинча Бухоро тахтини эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Абу Али Чағоний Хуросонга қайтгач Нуҳ яна Бухоро тахтига қайтди ва исёнкор қариндошларини қаттиқ жазолади. Лекин Сомонийларнинг Абу Али Чағоний билан кураши Абдумалик ҳукмронлиги даврида (954—961 йиллар) ҳам давом этди. Абдумалик замонида турк лашкарбошилари давлат ишларига аралашини анча кучайди. Хусусан турк лашкарбошиси Алп Тегафотидан кейин Сомонийлар тахти учун кураш янада кескин тус олди. Алп Тегафотининг қатъий ҳаракати билан тахтга ўтирган Абдумаликнинг ўғли бор йўғи 6 кун ҳукмдорлик қилган. Тахтга Мансур ибн Нуҳ (961—976 йиллар) ўтирган.

Солиқларнинг йил сайин кўпайиб бориши, феодалларнинг ўзаро жанжаллари, ноибларнинг марказга бўйсунмай қўйиши ва саройдаги бўлаётган тахт учун курашлар сомонийлар давлатини жуда заифлаштириб юборди. Бу курашлар аниққса, Амир Мансур ибн Нуҳ

II (976—997 йиллар) ҳукмронлиги даврида кескин тус олди. Ички низолар оқибатида Нух II Еттисув ва Қашгарда вужудга келган Қорахонийлар давлатининг Мовароуннаҳрга қилган юришларига кескин қаршилиқ қилолмади. Сомонийлар давлатидаги сиёсий беқарорликдан фойдаланган Қорахоний Ҳорун Буғрохон 990 йили Фарб томон қўшин тортди ва икки йил давомида сомонийларга қарашли бир қанча вилоятларни ўз давлати таркибига қўшиб олди.

Талас, Илоқ ва Шошда айтарли ҳеч қандай қаршилиқсиз ўз ҳукмронлигини ўрнатган Ҳорун Буғрохон 992 йили Сомонийлар пойтахти Бухоро томон қўшин тортди. Бу жангда Нух II қўшинлари тор-мор этилди. Сомонийлар амири Нух II Бухорони ташлаб, Амударёдан кечиб ўтди ва Амул шаҳрида яна Қорахонийларга қарши қўшин тўплай бошлади. Қорахоний Буғрохон Бухорони ҳеч қаршилиқсиз эгаллади. Лекин бу ерда у меваларни кўп истеъмол қилиш оқибатида касал бўлди ва орқага қайтишга жазм қилди. Ҳорун Буғрохонни орқага қайтишига яна бир сабаб, аҳолини унга қарши бўлганлигидадир. Шунинг учун у Мовароуннаҳрни бу вақтда ўз қўли остида ушлаб қолишга кўзи етмаган.

Ҳорун Буғрохон Нухнинг ўғли Абдулазизни ўз қосиғига чақириб, тахтни унга топширган. Ваҳоланки, агар у Мовароуннаҳрни ўз қўли остида сақлаб қолишга кўзи етганда, Бухорога ўз ноибини тайинлар эди. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Ҳорун Буғрохон Бухорони ташлаб чиқиб кетганидан сўнг унинг қўшини йўл йўлакай аҳолига ҳужум қилиб катта зиён етказган. Орқага қайтган Қорахонийлар қўшинига ўғуз—туркман қабилалари ҳам ҳужум қилиб, уларнинг кўп мол-мулкларини тортиб олганлар ва ўлдирганлар. Ҳорун Буғрохон Бухорони ташлаб чиқиб кетганидан хабар топган амир Нух II 992 йили 12 августида пойтахтга қайтган ва чекинаётган Қорахонийлар қўшинига зарба бериш йўлларини излаган. Самарқанд аҳолиси ҳам Қорахонийлар қўшинига ҳужум қилиб турганлар. Соғлиғи ёмонлашган Ҳорун Буғрохон Самарқанддан ватанига йўл олди ва Қўчқорбоши деган жойда вафот этди (992 й.).

997 йили Нух II вафот этди. Тахтга ўтирган Мансур ибн Нух ўз амалдорлари билан келишишга ҳаракат қилди. Аммо бу ҳаракат яхши натижа бермади. Сомонийлар саройидаги энг нуфузли амалдорлардан ҳисобланган Абу Али Муҳаммад Исфижобий амирга қарши исён

кўтарди. Исфижобийни илтимосига биноан Қорахоний ҳукмдори Элик Наср сомонийларга қарши қўшин тортди. Лекин Элик Наср Исфижобийни ўзини амир қилиб Узгандга жўнатди. Бу пайтга келиб сомонийлар саройида ўзаро келишмовчиликлар янада кучайди. 999 йили Мансур тахтдан туширилди, ва кўзи кўр қилинди. Тахтга Мансурнинг укаси Абдумалик ибн Нуҳни ўтқазди.

Маҳмуд Ғазнавий 999 йилнинг май ойида Мансур учун ўч олиш шиори остида Мовароуннаҳрга қарши қўшин тортди. У Сомонийлар қўшинини тор-мор қилиб катта ўлжалар билан Ғазнага қайтди. Юзага келган бу вазиятдан Элик Наср ҳам фойдаланишга ҳаракат қилди. Негаки, бу жанг оқибатида Хуросон Маҳмуд Ғазнавий қўлига ўтган эди. Шу йилнинг декабр ойида Элик Наср сомонийлар сулоласини тугатиш мақсадида Бухорога қўшин тортди. Сомонийлар Бухоро аҳолиси ёрдамида Қорахонийларни шаҳарга киргизмасликка ҳаракат қилдилар. Лекин аҳолининг кўп қисми Сомонийларни қўллаб-қувватламади ва Элик Наср Бухорони 999 йилнинг 23 октябрида айтарли қаршиликсиз босиб олди. Элик Наср Бухорога Жафар Тегинни тайинлаб ўзи Урганчга қайтди.

Қорахонийлар Бухорони босиб олгач, сомонийлар сулоласига мансуб ҳамма одамларни Узгандга жўнатган эдилар. Булар орасида амир Абдумалик ва Нуҳ II нинг яна бир ўғли Абу Иброҳим Исмоил ҳам бор эди. У Узганддан қочишга муваффақ бўлиб, маълум вақт Бухорода Қорахонийлардан бекиниб юрди. Сўнгра Хоразмга бориб, сомонийларнинг қолган қўшинларини тўплашга киришди. Абу Иброҳим Арслон Баму раҳбарлигида Мовароуннаҳрга қўшин юборди. Бу қўшин Бухорога ҳужум қилиб Қорахоний амалдорларидан 17 кишини, Бухоро ноиб Жафар Тегин билан бирга асир олди. Арслон Баму Қорахонийлар қўшинини Самарқандгача таъқиб қилди. Самарқанд ноиб Тегин хон ўз қўшини билан қочаётган Қорахонийлар қўшинига ёрдамга чиқди. Лекин Тегин хон қўшини ҳам Сомонийлар томонидан тор-мор қилинди. Бу ғалабадан сўнг Абу Иброҳим Исмоил Бухорога қайтди ва Мунтасир (Зафар қилувчи) лақаби билан тангалар зарб қила бошлади. Мунтасир Сомонийларнинг аввалги шон-шуҳратини тиклашга киришди. Бундан хабар топган Элик Наср катта қўшин билан Мовароуннаҳрга йўл олди. Мунтасир ҳа-

ли ҳарбий кучи Қорахонийлар билан тўқнашувга етишмаслигини сезиб, ўз қўшини билан Мовароуннаҳрни ташлаб Хуросонга йўл олди.

1001 йилнинг март ойида унинг қўшини Хуросоннинг энг йирик шаҳарларидан бири Нишопурни босиб олди. Аммо кўп ўтмай у бу шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди ва Рай шаҳри томон йўл олди. Мунтасирнинг қудратини ошиб бораётганидан хавотир бўлган Маҳмуд Ғазнавий Қорахонийлар билан битим тузишга ҳаракат қилди. У Элик Насрга элчилар юбориб, биргаликда Мунтасирга қарши курашишга даъват этди. Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ўртасида тузилган ўзаро битимга кўра икки давлат чегараси қилиб Амударё қабул қилинди ва Маҳмуд Ғазнавий Элик Насрнинг қизига уйланди.

1001 йилнинг сентябр ойида Сарахс яқинидаги жангда Мунтасир қўшини Ғазнавийлар томонидан тор-мор қилинди. У бу жангда ўзининг кўп лашкарбошиларидан ва аскарларидан ажралди. 1003 йилнинг ёзида бир қанча мағлубиятлардан сўнг Мунтасир яна Мовароуннаҳрда қайтди ва кўчманчи Салжуқийлар ёрдамида Қорахонийларга зарба бермоқчи бўлди. Элик Наср бундан хабар топиб, ўз қўшини билан Самарқандга яқинлашди. Ал-Утбининг ёзишича, Мунтасир ва Салжуқийлар кечқурун Қорахонийларга тўсатдан ҳужум қилганлар ва душман қўшинини бир қисмини қириб ташлаганлар, кўп асирларни қўлга киритганлар. Катта ҳарбий ўлжаларни қўлга киритган Салжуқийлар, кейинчалик ўзларининг бу ишларидан афсусланиб Қорахонийлар билан алоқаларини яхшилашга ҳаракат қилганлар. Мунтасир Салжуқийларнинг бу ишларидан гумонсираб ўзига содиқ жангчилар билан Амударёдан ўтиб Хуросонга кетган ва Султон Маҳмуд билан ўз алоқаларини яхшилашга ҳаракат қилди ва Султон Маҳмуддан Қорахонийларга қарши ёрдам сўради.

1004 йилда Хоразмшоҳдан мағлуб бўлган Мунтасир яна Мовароуннаҳрда қайтди. Дабусия (Каттақўрғон) яқинида унинг қўшинлари тўсатдан Қорахонийларга ҳужум қилиб, уларни тор-мор қилди Бу ғалаба Мовароуннаҳр аҳолисининг Қорахонийларга қарши ҳаракати бошланишига туртки бўлди. Самарқанд ғазнавийларининг бошлиғи Ибн Аламдор ўзининг уч минг қўшини билан Мунтасирга келиб қўшилди. Самарқанд шайхлари 300 та қуролланган ғуломларни Мунтасир қошига

жўнатдилар. Салжуқийлар Мунтасирга ёрдамга келдилар. Мунтасирнинг ҳарбий қудратини ошиб бораётганлигини кўрган Элик Наср тезда қўшин тўплаб унга зарба бермоқчи бўлди. Лекин Уструшонадаги Бурғаз (Бурнамада) қишлоғи яқинида унинг қўшинлари мағлуб бўлди, ва орқага чекинди. Элик Наср яна кўп сонли қўшин тўплаб Жиззах ва Ховос яқинида Сомонийлар қўшини билан тўқнашди. Ҳал қилувчи жангда Мунтасирнинг лашкарбошиларидан бири Хасан ибн Тариқ 5000 қўшини билан Қорахонийлар томонига ўтиб кетди. Хасан ибн Тариқнинг бу хиёнати ва салжуқийларнинг жанг майдонини ташлаб кетиши оқибатида Сомонийлар қўшини жангда мағлуб бўлди.

Амир Мунтасир яна Хуросонга қочишга мажбур бўлди. Хуросон ҳокимлари билан бўлиб ўтган бир неча тўқнашувлардан сўнг Мунтасир яна Мовароуннаҳрга, тўртинчи марта Қорахонийларга қарши курашиш мақсадида қадам қўяди. Қорахонийлар қўшини билан бўлиб ўтган бир неча муваффақиятсиз тўқнашувлардан кейин ҳолдан тойган Мунтасирнинг лашкарлари Қорахонийлар томонига ўтиб кетдилар. Мунтасир эса бир неча яқин кишилари билан қочишга муваффақ бўлди ва кўчманчи араблар қароргоҳига келди. Бу ерда уни Султон Маҳмуднинг ноиб Маҳруйнинг буйруғи билан ўлдиришди. Ал-Утбининг ёзишича, бу воқеа 1005 йилнинг бошларида рўй беради ва у Маймуғ қишлоғига кўмилади. Шундай қилиб сомонийларнинг энг сўнгги вакили бўлган Мунтасир сомонийларнинг аввалги шон-шухратини тиклай олмасдан ўлиб кетди. Сомонийлар ҳукмронлиги шу тариқа Мовароуннаҳр ва Хуросонда тугатилиб, уларга қарашли ўлкаларни Қорахонийлар ва Ғазнавийлар бўлиб олишди.

❖ Сомонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий тузум. Халқ ҳаракати

Сомонийлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил давлат тузиш учун авваламбор, кучли марказлашган ҳокимият тузиш кераклигини яхши тушунишган. Бу айниқса Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврида куннинг долзарб масаласига айланди. Чунки Исмоил Сомоний Мовароуннаҳр ва Хуросонни бирлаштиришга ва ягона марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлди. Энди бу давлатни идора қилиш лозим эди. Шунинг учун у

бир қанча ислоҳотлар ўтказди. Мана шундай ислоҳотлардан бири давлатни бошқариш маъмуриятини жорий қилиш бўлди. Бу ислоҳотга биноан давлатни идора қилиш саройи (даргоҳ) ва 10 та девон (ҳарбий—фуқаро маҳкамалари) ташкил этилди. Исмоил Сомоний давлатнинг мажмуини ташкил этишда Сосонийлар Эрони ва Араб халифалигида қабул қилинган тажрибалардан фойдаланди ва уни замон талабига қараб мукамаллаштирди.

Ҳокимиятнинг энг юқори поғонасида сомонийлар туриб, улар амир унвони билан идора қилганлар. Давлат мажмуини мустаҳкамлашда, Наср II Сомонийнинг маърифатли вазирлари Абуабдулло Муҳаммад Жайхоний ва Абуфазл Муҳаммад Баламийларнинг хизматлари катта бўлган. Умуман, Сомонийлар ҳукмдорлиги даврида вазирлик мансабига асосан шу икки сулола вакиллари тайинланганлар. Давлат мажмуини даргоҳ ва девонларга бўлиниши маълум даражада расмий бўлган. Чунки саройнинг нуфузли кишилари кўп ҳолларда девонларнинг ишларига аралашиб турганлар. Саройда сиёсий ҳокимият «Соҳиб хорас» қўли остида бўлган. Соҳиб хорас Амирнинг фармонлари бажарилишини назорат қилган. Саройда шарбатдорлар, дастурхончилар, таштадорлар, отбоқарлар, хўжалик бекалари каби турли хизматчилар бўлган. Саройдаги ҳамма хўжалик ишларини «вакил» бошқарган. Вакил саройдаги энг эътиборли кишилардан бири ҳисобланган. Наршахийнинг ёзишича Наср II Сомоний ҳукмронлиги даврида 10 девонга Бухоро регистонида 10 та махсус бино қурилган.

Девонлар орасида вазир ёки «хўжа бузург» девони алоҳида ўрин тутган. Бу девонга бошқа ҳамма девонлар бўйсунган. У ҳамма—маъмурий, сиёсий ва хўжалик маҳкамаларини назорат қилган.

Давлатни идора этишда «мустауфи девон» ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу девон давлатнинг бутун молия ишларини бошқарган ва назорат қилган. Девон хазинадор томонидан бошқарилган.

«Девон амир-ал-мулк» ёки «ал-расаил» давлат аҳамиятига молик бўлган расмий ҳужжатларни тузиш билан шуғулланган. Бундан ташқари бу девон чет давлатлар билан бўладиган муносабатларни ҳам бошқарган.

«Соҳиб аш-шурат» девони давлатнинг бутун ҳарбий ишларини, шу жумладан амирнинг шахсий қўшинини

бошқарган. «Соҳиб аш-шуратнинг махсус ёрдамчиси — ариз бўлган. Бу маҳкама ва унинг бошлиғи амир қўшини хазинаси билан шуғулланган. Қўшинга бир йилда тўрт марта маош тўланган. Давлатни идора этишда «соҳиб ал-борид» девонини аҳамияти ҳам жуда катта бўлган. Бу девон давлат аҳамиятига молик бўлган ҳужжатларни ва хабарларни етказиш билан шуғулланган. Девоннинг ҳамма шаҳар ва вилоятларда маҳаллий маҳкамалари бўлган.

«Мухтасиба» девони бозорларни, сотувчиларни, қадоқбошларнинг оғирлигини, бозордаги молларнинг нархини, сифатини назорат қилган.

Давлат хазинасининг даромадларини ва харажатларини «мушриф» девони назорат қилган. Бундан ташқари «қози аз-зия» ва «вақф» девонлари бўлган. «Қози аз-зия» девони давлат ерларини, «вақф» девони ҳадя этилган ерларни ва мусулмон руҳонийларининг бошқа мол-мулкларини назорат қилишган.

Девонларнинг айтарли ҳаммасини вилоятларда бошқармалари бўлган. Девонларнинг вилоятлардаги бошқармалари бир томондан ўз девонларига иккинчи томондан вилоят ҳокимига бўйсунган. Бундан фақат «Соҳиб ал-борид» девонининг амалдорлари мустасно бўлган.

Вилоят ва туманлар амир томонидан тайинланган ҳокимлар томонидан идора этилган. Одатда бундай лавозимга маҳаллий бой феодаллар тавсия этилган.

Сомонийлар давлатида мусулмон руҳонийларнинг таъсири ниҳоятда кучли бўлган. Улар марказий ҳокимият ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Сомонийлар давлатининг диний ҳаётида ҳанифийлар мазҳабига мансуб руҳонийлар ҳамма диний лавозимларни ўз қўлларига олишган. Руҳонийларнинг бошлиғи «устод», кейинчалик «Шайх ул-ислом» деб аталган. «Устод»дан сўнг ўз лавозими бўйича руҳонийлар орасида «хатиб» турган. У жомеъ масжидларида жума намозида хутба ўқиш ҳуқуқига эга бўлган.

Давлат амалдорлари асосан бой деҳқон ва руҳонийлардан танланган. Бунда юқори табақага мансуб бўлишдан ташқари, маълум билимларга эга бўлиш талаб этилган. Амалдорлар араб ва форс тилларини, қуръон ва шариатни яхши билиши ва турли фанлар тўғрисида маълум даражада тасаввурга эга бўлиши керак бўлган.

Ҳар бир ўлкалар ва вилоятлар ҳокими кўнгилли-

лардан иборат қўшин сақлаган. Одатда кўнгиллилар озод ва бой деҳқонларнинг ўғилларидан иборат бўлган. Кўнгиллилар ҳарбий ҳолат вужудга келган вақтда йиғилган. Улар вилоят ва давлат даромади ҳисобига сақланган. Давлат ҳудудлари вилоят қўшинлари ва ғозийларнинг қисмлари билан қўриқланган.

Сомонийлар даврида қудратли марказлашган давлатнинг вужудга келиши натижасида Мовароуннаҳр ва Хуросонда маълум барқарорлик қарор топди. Бу ҳолат мамлакат иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Мовароуннаҳр ва Хуросон бу вақтда Шарқнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ўлкаларидан ҳисобланган. Тарихчилар ва географлар бу борада жуда яхши таърифлар ёзиб қолдирганлар. Улар, бу ерлар жуда серҳосил, табиий бойликларга бой унда кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар борлигини, аҳоли учун керакли ҳамма нарсалар мавжудлигини зўр эҳтирос билан битганлар.

Хуросон ва айниқса, Мовароуннаҳр деҳқончилик ўлкалари қаторига кирган. Бу ерларда деҳқончилик асосан сунъий суғоришга асосланган. Кўплаб сой ва дарёлардан чиқарилган катта-кичик каналлар мавжуд бўлган. Бухоро воҳасида Шопуркон, Шоҳруд, Кармина, Пойканд, Самарқанд воҳасида Барш (Дарғом), Барменш, Бузмадисон, Иштихон каби каналлар шаҳар ва қишлоқларни сув билан таъминлаган. Бундан ташқари бундай каналлар Хоразм, Қашқадарё, Фарғона ва Шошда ҳам бўлган. Манбаларга қараганда Шош аҳолиси халифа Мутасимга (833—842 йиллар) мурожаат қилиб, воҳада сув етишмаслигини ва канал қурилишига ёрдам сўраган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликдан ташқари лалмикор деҳқончилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Канал қурилиши учун халифа давлат хазинасидан 20 миллион дирҳам ажратган.

Далаларда буғдойнинг турли навлари, арпа, шоли ва бошқа бошоқли экинлар экилган. Қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришга алоҳида эътибор берилган. Пахта, айниқса, Зарафшон, Қашқадарё ва Марв воҳасида кўп экилган. Боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Боғларда олма, шафтоли, нок, беҳи, анор, анжир, ёнғоқ каби турли мевалар етиштирилган. Узум етиштириш яхши йўлга қўйилган. Айниқса, Самарқанд, Марв, Ҳиротда етиштирилган узумлар жуда қадрланган. Уму-

ман Хуросон ва Мовароуннахрнинг мевалари ўзининг турли навлари ва юқори сифатлилиги билан бутун Шарқда донг таратган. Жуда кўп қуруқ мевалар Европанинг турли шаҳарларига жўнатилган.

Умуман сомонийлар даврида Хуросон ва Мовароуннахр қишлоқ хўжалигини турли тармоқлари хусусан, деҳқончилик яхши ривожланган. Сомонийлар даврида деҳқончилик билан бир қаторда ҳунармандчилик ҳам кенг суръатлар билан тараққий қилди. Шаҳар аҳолисининг кўп қисми ҳунармандчиликнинг турли соҳалари билан машғул бўлишган. Манбаларда қайд қилинишича Мовароуннахрда, айниқса, тўқимачилик яхши тараққий қилган. Бу ерда ипак ва жундан тайёрланган турли-туман газламалар ўзининг юқори сифатлилиги, бежирим ва нафис нақшлари билан ажралиб турган. Бухоронинг Зандана, Самарқанддаги Ведар ва Сурхондарёдаги Дарзанги тўқимачиларининг маҳсулотлари фақатгина Мовароуннахр ва Хуросондагина эмас, балки Ироқ, Эрон ва Ҳиндистонларда ҳам маълум бўлган. Хусусан, Наршаҳийнинг ёзишича, Занданада тайёрланган газламаларга Шарқ бозорида эҳтиёж жуда катта бўлган. Ибн Хавқал ва Муқаддасийнинг қайд этишича Ведарда тайёрланган юқори сифатли газламалар аҳолининг юқори табақалари орасида жуда қадрланган. Бу газламалардан асосан амирлар, вазирлар, турли амалдорлар, қозилар ўзларига либослар тиктирганлар. Ведар газламаси ҳатто Хуросон парчаси ҳам деб аталган. Газламаларнинг турли навлари бундан ташқари Кешда, Насафда, Бинкетда, Дабусияда ва кўпгина бошқа шаҳарларда ҳам тайёрланган.

Кулолчилик ҳам сомонийлар даврида ўз тараққиётининг энг юқори босқичларига кўтарилган. Кулолчилик чархини янада мукаммалланиши натижасида идишларни безашда сирлардан фойдаланишни кашф этилиши бу борада жуда катта ютуқ бўлди. Натижада идишларни турлари ҳам, шакллари ҳам кўпайди. Уларнинг сифати кескин даражада ошди. Идишлар турли рангдаги сирлар билан безатила бошланди. Манбаларда қайд қилинишича айниқса, Самарқанд, Бинкен ва Марв кулоллари тайёрлаган идишлар ўзининг бежирим шакли, юқори сифати, ажойиб ва нафис нақшлари билан ажралиб турган. Эпиграфик нақш билан безатилган турли-туман идишлар айниқса, диққатга моликдир. Шу даврга оид шаҳарларда олиб борилган архео-

логик изланишларга қараганда, кулоллар шаҳарда маҳалла-маҳалла бўлиб яшаганлар. Мана шундай маҳаллалар Самарқандда, Марвда, Ахсикатда, Термизда очиб ўрганилган.

Бу даврда шишасозлик ҳам кенг ривожланган. Марказий Осиё шишасозлари турли шаклдаги катта-кичик шиша идишларни тайёрлашган. Идишлар асосан кўкимтир ва шаффоф рангдаги шишалардан тайёрланган. Уларнинг маълум қисми нақшлар билан безатилган. Шишасозларнинг устахоналари Нисо, Марвда, Термизда, Пойканд каби шаҳарларда очиб ўрганилган. Марказий Осиё шишасозларнинг маҳсулотига бошқа ўлкалардан эҳтиёж катта бўлган.

Сомонийлар даврида металлургия соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилган. Ёзма манбаларга ва олиб борилган археологик қазиниш ишларига қараганда бу даврда кон саноати тараққиётида катта ўзгаришлар рўй берган. Бу даврда Бадахшонда кумуш, олтин, биллур, ложувард каби қимматбаҳо металл ва тошлар қазиб олиш давом этган. Уструшонанинг Минк туманида катта миқдорда темир рудаси, Буттамда олтин, кумуш, мис ва бошқа металллар, Тузкон кўлида туз, Фарғонадаги Нокад деган жойдан олтин, кумуш, Исфара яқинида тошкўмир қазиб олинган. Фарғонада нефть ҳам борлиги ёзма манбаларда қайд қилинган.

Марказий Осиёда сомонийлар даврида қоғоз ишлаб чиқариш ҳам яхши ривожланган. Қоғоз ишлаб чиқариш бўйича энг йирик марказ Самарқанд бўлиб унда қоғозларнинг маҳсулоти фақат Марказий Осиё ёки Шарқда эмас, балки Европада ҳам машҳур бўлган. Самарқанд қоғозининг олти нави манбаларда қайд қилинган.

Юқорида қайд қилинган ҳунармандчилик турларида ташқари сомонийлар даврида Марказий Осиёда тоштарошлик, заргарлик, дурадгорлик каби соҳалар анча ривож топган.

Сомонийлар даврида кучли ва мустақил давлатнинг пайдо бўлиши деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг тараққиёти ўз навбатида ички ва ташқи савдони янада узвийлашувига ва тараққиётига олиб келди. Аввало шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги савдо кенгайди. Иккинчи томондан шаҳар ва қишлоқларни қўшни кўчманчи халқлар ва бошқа давлатлар билан алоқаси ривожланди.

Езма манбаларда қайд қилинишича, бозорлар катта-кичик шаҳарларда ва ҳатто қишлоқларда бўлган. Айниқса карвон йўллари бўйида жойлашган шаҳарларда бир нечтадан бозорлар бўлган. Бухоро, Хўжанд, Кеш, Термиз, Хирот, Марв, Нишопур шаҳарларидаги бозорлар катта ва жуда гавжум бўлган. Истахрийнинг ёзишича, Самарқандда Мовароуннаҳрнинг бош бозори жойлашган. Бу ерга ҳамма ердан савдогарлар келган. Мовароуннаҳрда тайёрланган маҳсулотларнинг катта қисми Самарқандга келтирилган ва ундан кейин бошқа ўлкаларга тарқатилган. Ички ва ташқи савдода айрим кичик шаҳарларнинг ҳам ўрни катта бўлган. Бу борада Пойканд шаҳри муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда ёзилишича, бу шаҳарда сомонийлардан олдин ҳам савдогарлар Хоразм, Каспий бўйидаги ўлкалар ва Хитой билан олди-сотти ишлари олиб боришган. Шаҳар ҳокимлари савдогарлар учун ҳамма шарт-шароитларни туғдириб беришга ҳаракат қилган. Шаҳарда ўнлаб карвонсаройлар мавжуд бўлган, улар бозорга яқин жойларда жойлашган. Савдо расталари карвонсаройнинг ўзида ҳам бўлган. Карвонсаройлар йўлларда ҳам қурилган.

Бозорларда сотиладиган моллар аввало маҳаллий аҳолининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Ҳунармандлар ўз молларини сотиб озиқ-овқат молларини харид қилишган, ўз навбатида деҳқонлар ҳунармандчилик молларини харид қилишган. IX—X асрларда Марказий Осиёнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотиқ катта аҳамиятга эга эди. Бу борада кўчманчилар билан чега-радош бўлган шаҳарларнинг аҳамияти катта бўлган. Кўчманчилар шаҳарларга келиб деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларини харид қилганлар, тери сотганлар.

Марказий Осиёлик савдогарлар ўз молларини араб халифалиги таркибига кирган давлатларга, Кавказга, Хазар ва Булғорияга, Хитой ва Ҳиндистонга олиб бориб сотганлар. Марказий Осиёдан Хитой билан Урта Ер денгизини бирлаштирувчи ва Жануби-Шарқий Европага олиб борувчи карвон йўллари ўтган. Айниқса Урта Ер денгизи билан боғловчи карвон йўли анча гавжум бўлган. Бу йўл Бағдод, Хамадон, Нишопур, Марв, Амул, Бухоро, Самарқанд, Уструшона, Чоч, Баласоғун орқали Хитойга олиб борган. Хитойга Марказий Осиёдан отлар ва шиша буюмлар олиб борилган. Хитойдан

эса турли-туман ипак газламалар келтирилган. Хазар, Булғор ва Рус ерларига Марказий Осиёдан қуруқ ме-валар турли-туман газламалар, гуруч ва кумуш чиқарилган. Ўз навбатида Жануби-Шарқий Европадан Марказий Осиёга мўйна, мис, тери, қорамол, қуллар келтирилган. Жануби-Шарқий Европа билан бўлган савдо алоқаларида хоразмлик савдогарларнинг ўрни катта бўлган.

Дастлабки сомонийлар Мовароуннаҳрга ноиб қилиб тайинланганида, Хуросон ва Мовароуннаҳрда халқ ҳаракатлари ҳали давом этаётган эди. Бу халқ ҳаракатлари исломга, араб халифалигига ва уларнинг ноиблари олиб бораётган жабр-зулмларига қарши қаратилган эди. Халқ ҳаракатида иштирок этувчиларнинг таркиби турлича бўлган. Лекин унинг ҳаракатга келтирувчи асосий қисми камбағал ҳунарманд ва деҳқонлар эди. Халқ ҳаракатларида йирик маҳаллий бой деҳқонлар ҳам иштирок этар эдилар. Уларнинг бу қўзғолонларда иштирок этишларидан мақсадлари, араблардан ҳокимиятни тортиб олиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатиб олиш эди. Кўп ҳолларда улар халқ ҳаракатларини жиддий тус олганидан қўрқиб, араблар томонига ўтиб кетар эдилар.

Мовароуннаҳрда Ҳамза ибн Атрок ал Хориж раҳбарлигида 806 йилда қўзғолон бошланиб, у Мовароуннаҳрдаги қатор ўлкаларни қамраб олди. Қўзғолон, айниқса, Чоч, Фарғона, Уструшона, Бухоро, Кеш, Насаф, Чағаниён каби вилоятларда кескин тус олди. Қўзғолончилар Муқанна ғояларини олға суриб исломга, му-сулмонларга, араб босқинчиларига қарши курашишга кенг халқ оммасини даъват этдилар. Бу тасодиф эмас эди. Зўрлаб исломни қабул қилдирилган Кеш, Насаф ва Бухоро аҳолиси Муқанна тарғиботини давом эттирар ва халқни араб босқинчиларига қарши курашга даъват қилар эдилар. Хуросон ноibi Али ибн Исо ўз ўғли Исони катта қўшин билан Мовароуннаҳрга жўнатди. Бундан хабар топган Насаф аҳолиси Рофи ибн Лайдан ёрдам сўрадилар. Рофи ибн Лайс насафликларга мадад сифатида Шош ҳокими бошчилигида қўшин жўнатди. 807 йилнинг сентябр ойида қўзғолончилар Исо қўшинини қуршаб олиб, уни қириб ташладилар. Исонинг ўзини эса ўлдирдилар.

Халифа Маъмун Тоҳир ибн Ҳусайн раҳбарлигида қўзғолончиларнинг маркази — Самарқандга қўшин

юборди. Тоҳир ибн Хусайн қўшинида хизмат қилаётган сомоний Асаднинг ўғиллари Рофи ибн Лайсни ва яна бошқа қўзғолончиларни таслим бўлишга кўндирди. Самарқанддаги қўзғолон 809 йилнинг октябрида бостирилди. Аммо, Мовароуннаҳрда бу қўзғолон 810 йилгача давом этди.

IX асрнинг 20-йилларидаги арабларга қарши Фарғона ва Уструшонада яна қўзғолон кўтарилди. Фарғона ноиби қилиб тайинланган Аҳмад ибн Асад маълум вақт бу ердан кетишга мажбур бўлди. Қўзғолон Талх ибн Тоҳир томонидан бостирилгандан сўнг Аҳмад яна Фарғонага қайтди. Бундан кейин ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросонда бир неча қўзғолонлар бўлиб турди. Лекин бу қўзғолонлар аввалгидек кескин тус олмади ва шунинг учун улар қисқа муддат ичида хокимият томонидан бостирилди.

↓ Сомонийлар давридаги маданий ҳаёт

IX—X асрларда меъморчилик санъати ва қурилиш услуги ўз тараққиётида яна бир босқич юқорига кўтарилди. Бу давр қурилишида аввалги асрлардаги каби хом ғишт ва паҳса асосий қурилиш материали ҳисобланган. Турар жойларнинг айтарли ҳаммаси, ҳатто йирик бинолар шу жумладан амир саройлари ҳам хом ғишдан қурилган бўлиб, улар лой сувоқлар билан сувалган. Маъмурий бинолар эса одатда лой сувоқ устидан ганч билан сувалган. Айрим ҳолларда хоналарнинг ички қисми ўйма ганч ва рангли нақшлар билан безатилган. Қурилишда ёғочдан кенг фойдаланилган. Уйларнинг устунлари ва тўсинлари ёғочдан қилинган, томлар ясси бўлган. Маъмурий бинолар, йирик бойларнинг ва амалдорларнинг уйлари устунлар ва ўйма нақшлар билан безатилган. Бу даврга келиб, қурилишда синч деворлар кенг қўлланила бошлади. Синчларнинг орасига хом ғишт ва гувалалар қўйилган.

Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилик санъатининг юқори тараққиётдан ёрқин далолат берувчи ёдгорлик бу Бухородаги Исмоил Сомоний мақбарасидир. Бу мақбара асрлар оша бизнинг ва шу билан бирга оддийлиги билан инсонни ҳайратга солади. Исмоил Сомоний мақбараси ўрта аср Марказий Осиё меъморчилигининг энг нодир дурдонаси ҳисобланиб, халқ орасида сақланиб қолган ривоятга қа-

раганда, уни Исмоил ўз отаси шарафига қурдирган. 1937 йили мақбаранинг шарқий деворидаги эшикнинг юқори қисмида ёзувлар битилган, тахта топилган. Бу тахтада Сомонийлар амири Наср ибн Аҳмаднинг номи қайд қилинган (914—943 йиллар). Аммо бу ёзув қачон битилган? Мақбара қурилаётган вақтда, ёки ибн Аҳмад бу ерга кўмилгандан сўнг қўйилганми, ҳозирча номаълум. Қандай бўлмасин бу мақбара Сомонийларнинг сулолавий мақбараси бўлган ва у 892—943 йиллар орасида қурилган.

Мақбара ўта оддийлик ва маҳобатли шаклга хос бўлиб, бу ўзининг бағоят чиройли қилиб ишланган ташқи кўриниш билан ажралиб туради. Меъмورнинг нозик диди, унинг юксак ижодий парвози, баркамоллиги шундай ўз ифодасини топганки, у оддий пишиқ фиштни турли усулда териш йўли билан мақбаранинг ташқи кўринишига маҳобатлилиқ, сирли гўзаллик ва тантанаворлик бахш эта олган. Шубҳасиз, Исмоил Сомоний мақбараси дунё меъморлик санъатининг ноёб дурдонасидир.

Сомонийлар меъморлигининг яна бир ноёб дурдонаси Каттақўрғондан 60 км, жанубдаги Тим қишлоғида жойлашган Араб ота мақбарасидир. Араб ота мақбараси ҳашаматли меъморчиликнинг анча ривожланганлигидан далолат беради. Мақбарада битилган ёзувларга қараганда бу иншоот 977—978 йилларда қурилган бўлиб, бу ерда сомонийлардан бири кўмилган. Араб ота мақбараси Исмоил Сомоний мақбараси билан ўхшашлик топади. Бу ўхшашлик мақбаранинг умумий кўринишида, иншоотнинг тузилишида, умумий безатилишида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга Араб ота мақбараси мисолида сомонийлар давридаги меъморликнинг тараққиёт ва ривожланиш йўлларини кўра-миз. Авваламбор, бу мақбаранинг битта эшиги бўлган ва у маҳобатли пештоқ билан безатилган. Мақбаранинг гумбази бир оз учли бўлиб, пештоқ «П» шаклида бўлган, унинг икки бурчаги кўп қиррали устун билан безатилган. Бу кўп қиррали устун пештоққа мукаммаллик ва маҳобатлилиқ бахш этади.

Сомонийлар даври меъморчилигининг нодир намуналарини Карки (Туркменистон) яқинидаги Аламбардор, Узун (Сурхондарё) яқинидаги Хўжа Нахшрон, Карманадаги Мир Саид Бахром мақбараларида ҳам учратиш мумкин. Бу ёдгорликлар ҳам IX—X аср меъ-

морлиги юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.

IX—X аср меъморлигининг ривожланиш йўллари-нинг сақланиб қолганлигини кўплаб масжидлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, сомонийлар давридаги кўпгина масжидлар ўз вақтида арабларгача бўлган ибодатхоналарнинг масжидга мослаштириш асосида қурилган. Улар бир хонали бўлиб, масжиднинг томлари устунга таяниб турган. Масжидларнинг томи одатда гумбаз шаклида бўлган. Масжидларда, айниқса, меҳроб чиройли қилиб безатилган. Айрим масжидларнинг меҳроблари шаклли, ёзувли қилиб қирқилган ғиштлар, ўйма ганчлар ва ҳатто тилла сувлар билан безатилган. Бу даврга оид масжидлар тўғрисида сўз юритилганда, Бухородаги Мағоки Атторон, Пойканд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шаҳристондаги Чилдухтарон масжидларини қайд қилиш мумкин. Бу ёдгорликлар Марказий Осиё диний меъморчилиқнинг ривожланиш йўллари кузатиш имконини беради.

Наршахийнинг ёзишича, амир Наср ибн Аҳмад Бухоро Регистонида ўзи учун катта сарой қурдирган ва унинг қурилишига катта маблағ сарфлаган. Бу сарой ғоятда гўзал бўлган. Саройнинг олдида эса девонлар учун бинолар қурилган. Амир ва ҳокимлар саройи Нишопур, Марвда, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Бу саройлар ўзларининг катталиги ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Кўп ҳолларда бундай саройлар хушманзара жойларда, боғлар ичида бунёд этилган.

Саройларнинг гўзаллигини Термиз шаҳридаги сарой мисолида кўриш мумкин. Бу сарой тўлиқ очиб ўрганилган. Сарой шаҳар мудофаа деворларидан ташқарида, боғлар орасида жойлашган ва 10 гектарга яқин майдонни ишғол этган. Сарой мудофаа деворлари билан ўралган. Сарой ўзининг маҳобатлилиги, серҳашамлиги ва бағоят гўзал, нафис безаклари билан одамни ўзига жалб қилади.

Сомонийлар даврига оид шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг уйлари тўғрисида ҳозир археология анча маълумотларга эга. Бу борада қадимий Самарқанд—Афросиёб, Хорашкент—Канка, Бинкент, Термиз, Марв, Даҳистон каби ўнлаб ёдгорликларда олиб борилаётган изланишларнинг натижаси диққатга моликдир. Афро-

сиёбда бу даврга оид катта бир маҳалла очиб ўрғанилган.

Сомонийлар даврида меъморчилик ўз тараққиётида катта ютуқларни қўлга киритган. Марказий Осиё меъморлари бу даврда шундай ноёб бинолар, санъат дурдоналари бунёд этганларки, улар асрлар оша одамларни ҳайратга солиб келмоқда.

Араб босқинчилари ўз ҳукмронлигининг дастлабки даврида босиб олинган ўлкалардаги билимли одамларни, минглаб санъат дурдоналарини йўқ қилди, китобларни кулга айлантирди. Улар ислом дини билан боғланган янги ғояни халқ орасида тарғиб қилди ва уни мажбуран қабул қилдириш сиёсати юритди. Вақт ўтиши билан араблар босиб олинган ердаги халқларни ўз тасарруфларида фақат зўравонлик билан ушлаб туриш мумкин эмаслигини тушундилар. Улар босиб олинган халқларнинг моддий-маданий ютуқларини ўз ғоялари, замон талабига мослаштиришга ҳаракат қилдилар. Маърифатли ва билимли кишиларни пойтахтга тўплашга интила бошладилар. Хусусан, халифа Хорун ар-Рашид Бағдодда «Байт ул-ҳикма»—«Донишмандлар уйи» деб аталган бино қурдирди ва халифалик тасарруфидаги ўлкалардан қатор билимли одамларни таклиф этди. Тез орада Бағдод ўз замонасининг энг йирик маданий шаҳарларидан бирига айланди.

Халифа Маъмун «Донишмандлар уйи»га махсус ўринлар ажратди. Хусусан, «Донишмандлар уйи» қошидаги кутубхонада 400.000 жилддан ортиқ турли ўлкалардан келтирилган ҳинд, юнон, форс тилларида битилган қўлёзмалар тўпланган эди. Тез орада кўплаб тарих, фалсафа, мантиқ, география, метематика, астрономия, табобатга бағишланган китоблар араб тилига ағдарилди ва уларга изоҳлар ёзилди. Фаннинг турли соҳаларига бағишланган кашфиётлар қилинди.

Арабларнинг ўзга халқлар маданиятини йўқ қилиш борасидаги сиёсати Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам ўз ифодасини топди. Улар бу ердаги минглаб моддий маданият дурдоналарини ваҳшиёна бузиб, ўт қўйдилар. Билимли кишиларни ўлдирдилар ёки асир қилиб, олиб кетдилар. Маҳаллий шаҳарларда билим ва маърифатни ривожлантиришга тиш тирноқлари билан қаршилик кўрсатдилар. IX асрнинг бошларига келиб, бу ўлкалар ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бера бешлади. Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиблигига маҳаллий халқ

вакилларининг тайинланиши ва сўнгра маҳаллий сомонийлар давлатининг ташкил топиши бу ўлкалар маданий ҳаётида катта ўзгаришлар ясади.

Марказий Осиё халқларининг асрлар давомида эришган маданий ютуқлари ва билимлари IX—X асрларда яшаган ва ижод қилган олимларга катта илмий пойдевор вазифасини ўтади. Агарда бу илмий пойдевор юқори бўлмаганда эди, сомонийлар давридаги илмий тараққиёт ҳақида ғапириш қийин бўлар эди. Бухоро, Марв, Самарқанд, Нишопур, Балх, Бинкент, Кеш, Хўжанд, Урганч каби шаҳарлар бу давр ичида йирик маданият ва фан марказларига айландилар. Сомонийлар ўз давлатлари ҳудудида жойлашган ўлкалардан чиққан замонасининг етук маърифий ва фан соҳибларини Бухорога таклиф этдилар. Улар амир саройларида ўтказиладиган илмий мунозаралар ва адабиёт учрашувларига таклиф қилиниб турдилар. Ўз билимларини янада чуқурлаштириш мақсадида амир кутубхоналарида сақланадиган қўлёзмаларни ўргандилар.

Сомонийлар даврининг энг кўзга кўринган шоирларидан, маърифатпарварларидан бири Абдулло Рудакий эди. У IX асрнинг охирларида Панжикент яқинидаги Панжруд қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган. Унинг ёшлик йиллари тўғрисида манбаларда айтарли маълумотлар сақланиб қолмаган. Рудакий ўзининг ёқимли овози, поэтик истеъдоди ва чанг мусиқа асбобини яхши чалиш билан тезда Мовароунннҳрда донг таратди ва уни сомонийлар амири Наср ибн Ахмад саройига таклиф этди. Унинг бутўн ҳаёти саройда ўтди. Амир ғазабига учраган Рудакий кўр қилинди ва умрининг сўнгги икки йилини ночорликда ўтказди. Манбаларда ёзилишича, Рудакий 941 йили ўз қишлоғида вафот этди. Абуфазл Баламийнинг ёзишича, шеърлар битишда Рудакий ўз замондошлари орасида биринчи ўринда турган. На араб, на форс тилида шеър битган шоирларнинг бирортаси, унга тенг келолмаган. У кўплаб шоирларга устозлик қилган. Бу унинг обрў-эътиборини янада кўтарилишига сабаб бўлган. Бизгача унинг фақат 2000 га яқин мисралари қолган. Унинг шеърларида муҳаббат, олий ҳимматлик, саҳийлик, мардлик, гўзал табиат қуйланган. Рудакийнинг шеърларида унинг дунёқарашлари ўз ифодасини топган. Рудакийнинг фикрича, дунёдаги ҳамма нарсаларни худо яратган. Шу билан бирга у моддий дунё бор-

лигини инкор этмаган. У дунёнинг доимий ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда эканлигини тушунган.

Ўз замонасининг энг машҳур шоирларидан бири Абумансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий бўлган. У ўз ижодини Чағониён ҳокимининг саройида бошлаган ва кейинчалик Бухорога амир саройига тақлиф этилган. Бу даврда шоирлар орасида турли ривоятлар ва афсоналар тўплаш кенг тарқалган. Бу билан улар кенг халқ оммасини ўзининг тарихий анъаналари билан таништириш ва бу орқали мустаҳкам мустақил давлат тузишга, курашишга чақирганлар. Бу ғоя Сомоний амирларининг таклифи билан кўтарилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам тасодиф бўлмаса керакки, амир Нух Дақиқийга «Абумансур шоҳномасини» шеърини услубга ағдаришга буюрган. Лекин Дақиқий ўз ишини охирига етказишга муяссар бўлмади. У 977 йилда базм пайтида ўз кули томонидан ўлдирилди. Кейинчалик Абулқосим Фирдавсий асарнинг Дақиқий томонидан тайёрланган қисмини ўзининг «Шоҳномасига» қўшган.

Бу даврнинг энг буюк шоирларидан яна бири Абулқосим Фирдавсий эди. Фирдавсий Хуросоннинг Тус шаҳри яқинидаги Банс деган қишлоқда бой зодагон оиласида туғилган. Унинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Айрим манбаларга қараганда, Фирдавсий 934—941 йиллар ўртасида туғилган.

Абулқосим Фирдавсий форс тилидан ташқари араб тилини ҳам жуда яхши билган. У 35 ёшида Бухорога келган ва Абумансурнинг «Шоҳнома»сига янги маълумотлар тўплаган ва ўзининг «Шоҳнома» асарини шеърини услубда баён қилишга киришган. Абулқосим Фирдавсий бу асарни ёзишда суғдийлар орасида кенг тарқалган паҳлавон Рустам, хоразмийларнинг Сиёвуш ва бақтрияликларнинг Исфандиёр тўғрисидаги афсоналаридан фойдаланган. Асарнинг асосида яхшилик билан ёмонлик тўғрисидаги кураш ғояси ётади. Паҳлавон Рустам образи орқали Фирдавсий маҳаллий аҳолини босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашини тасвирлайди. Асарда македониялик Искандар юришидан то сосонийлар салтанатининг араб босқинчилари томонидан қулатилишигача бўлган катта тарихий давр ёритилган. Бу буюк асар Абулқосим Фирдавсий томонидан 994 йили якунланган. Бу вақтга келиб, сомонийлар давлати инқирозга юз тутган ва шоирнинг аввалги ҳо-

мийларидан ҳеч ким қолмаган эди. Шоир ўзининг қолган умрини ночорликда ўтказди ва 1020 йили, баъзи маълумотларга қараган 1025 йили Тусда вафот этди. Мусулмон руҳонийлари Фирдавсийни бидъатчиликда айблаб, мусулмон қабристонига қўйишга рухсат бермаганлар. У ўзининг отасидан қолган боғида дафн этилган.

Сомонийлар даврида адабиёт билан бир қаторда табиий фанлар ҳам тез ривожланди. Абдужаъфар Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, (қисқача ал-Хоразмий) VIII асрнинг охирларида Хоразмда туғилган ва IX асрнинг ўрталарида Бағдодда вафот этган. Ал-Хоразмий математика, астрономия, тарих, география каби фан соҳаларида ижод этиб, бу фанларнинг ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди ва Шарқ қомусчилари мактабига асос солди. У дунёга сон ва ўнли саноқ тартибини ҳада этиб, алгебрани фан даражасига кўтарди. Олимлар ал-Хоразмийни ҳамма асрларнинг энг машҳур одами деб ҳисоблайдилар. Албатта бунга асос бор, чунки ҳозирги математика, алгебра, геометрия, физика, астрономия ва бошқа фанларнинг ривожланиши пойдеворига ал-Хоразмий асос солган. Унинг асарлари XII асрлардаёқ лотинчага таржима қилинган. Ал-Хоразмийнинг лотинча нисбаси Алгоритмус; Алхокрисмус каби шаклларида келтирилган. Ҳозир унинг асарлари юзлаб халқларнинг тилига таржима қилинган.

Ал-Хоразмийнинг бутун фаолияти Бағдоддаги машҳур «Байтул-ҳикма» («Донишмандлар уйи») билан боғланган. У халифа ал-Маъмуннинг машҳур олимларидан бири бўлган. Ал-Хоразмий ўзининг «Ҳиндларнинг қўшув ва айирув ҳисоби»га бағишлаган («Китобли араб дунёси ва Европани ҳиндларнинг ҳисоблаш тартиби билан таништирди. У бу китобда ҳар қандай сонни ҳиндларда қўлланадиган тўққизта рақам ва нол билан ифода этиш мумкинлигини кўрсатган.

Ал-Хоразмий астрономия соҳасида ҳам фаол ижод этди. Унинг бу соҳадаги «Зидис» асари назарий астрономияга бағишланган. Бу китобда биринчи марта синуслар жадвали ва тангенслар киритилган. Унинг бу асарида Птоломейнинг назарияси ривожлантирилган ва унга аниқликлар киритилган.

Ал-Хоразмий география фанида ҳам ўчмас из қол-

дирди. Уни Шарқ географиясининг отаси деб ҳисоблайдилар. У халифа Маъмуннинг топшириғи билан осмон ва ернинг тўлиқ харитаси тузаётган гуруҳга раҳбарлик қилган. Бу гуруҳга 70 дан ортиқ олимлар таклиф қилинган бўлиб, улар маълум бўлган ҳамма ўлка ва мамлакатларнинг аниқ қаерда жойлашганлигини харитага туширганлар. Бу харита «Маъмун дунё харитаси» деб аталади ва у тахминан 840 йилларда тугатилган.

Марказий Осиёнинг йирик қомусий олимларидан бири, Шарқ уйғониш даврининг энг кўзга кўринган арбоби, Шарқ фалсафасининг отаси Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Фаробийдир. У 873 йилда Фароб яқинидаги Васиж шаҳарчасида таваллуд кўрган ва 951 йили Дамашқда вафот этган. Манбаларда қайд қилинишича, Фаробийнинг отаси қамоқхона соқчиси бўлган. Фаробий фанининг бир қанча соҳаларида ижод этиб, уларни ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Айниқса, фалсафа, тилшунослик, мантиқ, риёзиёт, мусиқа назарияси борасида олиб борган илмий ишлари унга катта шухрат келтирди ва дунё фани тарихида номига боқийлик бахш этди. Бу борада XIII асрда яшган олим Ибн Али Усайбининг Фаробий тўғрисидаги сўзларни келтириш диққатга моликдир: «Раҳматлик етук файласуфлардан, фозил донишмандлардан эди, ҳикмат — фалсафага оид фанларни мукамал биларди, математика, фалакиёт (астрономия) илмларига моҳир, покиза, йирик аллома эди... Тиб илмидан ҳам дурустгина хабардор эди. Бу илмга оид назарияни яхши билар эди».

Фаробий дастлабки бошланғич сабоқни Фаробда олди. Сўнгра у Шош, Самарқанд, Бухоро ва Эроннинг бир неча шаҳарларида бўлиб, ўз билимларини мукамаллаштирди ва турли тилларни ўрганди. Бағдога келгач Фаробий фанининг турли соҳалари бўйича билимини чуқурлаштиришни давом эттирди. Бағдодда яшаб турган вақтларида у Мовароуннаҳрга келган ва сомонийлар амири илтимосига кўра ўзининг «Ат-таълим ас-соний» асарини ёзган. 931 йили Фаробий Бағдоддан Дамашқга келган ва у ерда ўзининг энг машҳур асарларидан бири «Фозил одамлар ҳақида китоб»ни («Китоб аро аҳл ал-маданат ал-фазила») ёзиб тугатди.

Фаробий фаннинг турли соҳаларига бағишланган 160 дан ортиқ турли асарлар ёзган. У ўз асарларида фаннинг назарий ва фалсафий томонларини ёритишга

ҳаракат қилган. Унинг асарлари тилининг равонлиги ва оддийлиги билан ажралиб туради.

Фаробий кўп қиррали олим ҳисобланса-да, фалсафа соҳасидаги қилган ишлари унга ҳақиқий шуҳрат келтирди. У фалсафага бағишланган ўз асарларини ёзишда антик файласуфларнинг ютуқларидан кенг фойдаланди. Фаробий Арасту, Суқрот, Евклит ва бошқа файласуфларнинг асарларини чуқур таҳлил қилган ва уларга шарҳлар ёзган. Айниқса, у Арасту асарларини, фалсафий қарашларини мукамал ўрганган. Фаробийни замондошлари тириклигидаёқ «ал-муаллим ас-соний», «иккинчи муаллим» деб аташган.

Фаробий математика, астрономия, астрология, тиббиёт соҳаларида ҳам кўплаб рисолалар ёзди. Унинг «Астрологиянинг тўғри ва нотўғри қондалари ҳақида», «Мантиқдаги чалкаштирувчи жойлар ҳақида китоб», «Мантиққа оид муқаддима китоб», «Тирик мавжудот аъзолари ҳақида сўз», «Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида сўз», «Ўғай тиллар ҳақида китоб» каби асарлари шулар жумласидандир.

Фаробий мусиқа соҳасида ҳам ажойиб асарлар яратди. Бастакор, мусиқа асбобларини тайёрловчи моҳир уста, ихтирочи бўлган Фаробий Шарқ мусиқа санъатини юқори поғоналарга кўтарди. Унинг мусиқа асарларига боғлиқ асарлари дунё мусиқа санъатининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Шарқнинг буюк алломаларидан, қомусий олимлардан яна бири Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллох ибн Синодир. У шарқ фан оламида «Шайх ул-раис» тахаллусини олган. Европада бу олим Авицена номи билан маълум. Ибн Сино 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Унинг отаси асли Балхлик бўлиб, Сомонийларнинг девонларидан бирида кичик амалдор бўлиб ишларди.

Ибн Сино ёшлик йиллари илк сабоқларни ўз қишлоғида олди. Кейин уларнинг оиласи Бухорога кўчиб ўтди. Бухорода Ибн Сино ўз билимларини ошириш мақсадида, фаннинг турли соҳаларига бағишланган китобларни мутолаа қилишни давом эттирди ва ўзининг ёзишича, 18 ёшга кирганда ўз замонасининг турли фанлари бўйича етук билим олган. У айниқса, тиббиёт соҳасида катта муваффақият қозонди. Ибн Сино ёшлик йилларида ноқ яхши табиб сифатида халқ орасида ном чиқарди. Ибн Сино саройга таклиф қилинди ва у бу ерда бемор

ётган сомонийларнинг амири Нуҳ ибн Мансурни даволади. Бунинг эвазига Ибн Синога сомонийлар саройига жойлашган кутубхонадан фойдаланишга рухсат берилди. У кутубхонада сақланаётган ноёб китоблар билан танишди ва ўзининг билимини янада мукамаллаштирди.

Ибн Сино Бухорони тарк этиб Хоразмга йўл олди. У бу ерда 10 йил яшади. Хоразмда Ал-Беруний билан ижодий изланишларни давом эттирди. Лекин Султон Маҳмуд Газнавий саройига бориб ишлашдан бош тортгани учун Ибн Синони Хоразмда ҳам тақиб қила бошладилар. У Хоразмдан Абивардга, у ердан Гурганчга, Райга, Қазвинга, Ҳамадонга, Исфарага ва яна Ҳамадонга қайтди. Ибн Сино ҳаётнинг ҳар қандай қийинчиликларига қарамай қаерда бўлмасин ўз илмий изланишларини, табибликни давом эттирди. Кўплаб асарлар ёзди. Ибн Синонинг оғир кунларида ҳам, яхши кунларида ҳам содиқ шогирди Жузжоний бирга бўлди. Ҳамадонда Ибн Сино маълум вақт шаҳар ҳокими Шамсуддавланинг шахсий табиби ва вазири лавозимида ишлади. Шамсуддавла вафотидан кейин у қамоққа олинди. Кейин у Исфахонга қочиб кетди. Исфахон ҳокими Алауддавла Ибн Синони саройга таклиф этди. 1037 йили Алауддавланинг Ҳамадонга юриш қилган вақтида Ибн Сино касалликдан вафот этди ва Ҳамадонда дафн этилди.

Ҳозир Ибн Синонинг тиббиётга бағишланган 40 дан ортиқ, фалсафага оид 180, астрономия ва бошқа табиий фанларга бағишланган 30, мусиқага бағишланган 3 та асари маълум. Афсуски, унинг асарларидан кўпи бизгача етиб келмаган. Ибн Сино ўз асарларини асосан араб тилида ёзган. Ибн Синонинг кўп қиррали фаолияти ва ижоди Европа фанларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Айниқса, унинг тиббиёт ва фалсафа соҳасига бағишланган ишлари дунёнинг илғор олимлари томонидан юқори баҳоланган.

Ибн Синонинг шоҳ асарларидан бири, тиббиётга бағишланган, «Ал қонун фи-т-тиб» («Тиб қонунлари») деб аталмиш бу асар ўзига хос тиббий қомуснома бўлиб, беш қисмдан иборат. Китоб XIII асрдаёқ лотин, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Бу асар тиббиётчилар учун асосий қўлланма вазифасини бажарди ва ҳозирги кунда ҳам у ўзининг илмий аҳамиятини йўқот-

гани йўқ. Шифокорлар ундан беморларни даволашда кенг фойдаланмоқдалар.

Ибн Синонинг яна бир қомусий асари «Китоб уш-шифа» («Даволаш китоби») бўлиб, у 18 қисмдан иборат. Китоб фалсафанинг турли соҳаларига, мантиққа, математика, геометрия, метафизика билан боғлиқ масалаларга бағишланган. Шунингдек бу асарда ундан олдин яшаб ва фаннинг турли соҳаларида ишлаган олимларни мерослари, хусусан, Эвклид, Птоломей ва бошқа антик олимларнинг китоблари тахлил қилинган ва бойитилган.

Ибн Синонинг яна бир машҳур асари «Донишнома» дур. Аллома бу китобини форс тилида ёзган. Китобда фалсафа, мантиқ, математика, астрономия ва бошқа табиий фанлар тўғрисида сўз юритилган.

Ибн Сино ўз замонасининг энг етук файласуфларидан бири ҳисобланган. Унинг фалсафий қарашлари илмий изланишлари билан узвий боғланган. Ибн Сино ўзининг фалсафий қарашларини «Китоб уш-шифо», «Донишнома», «Китоб ал-ишорат ва танбеҳат», «Китоб ал-хидоят» ва бошқа асарларида ифодалаган. Ибн Синонинг фалсафий қарашларида билим муаммоси алоҳида ўрин эгаллайди. У билимни материалистик назардан кўриб чиқиб, инсон билимлари мавжуд нарса ва воқеаларни билиш орқали вужудга келишини кўрсатди. У ҳиссий билимнинг аҳамиятига катта эътибор беради ва ҳиссий билиш мавжуд нарсаларни сезиш ёрдамида акс эттириш асосида пайдо бўлишини қайд қилади. Ибн Сино билимда ақл ва тафаккурнинг роли юқори эканлигини кўрсатади.

Ибн Синонинг ботаника фанининг ривожланишида ҳам хизмати беқиёсдир. У «Тиббиёт қонунлари» ва «Даволаш китоб»ларида 500 га яқин тиббиётда фойдаланиладиган ўсимликларни қайд қилган. Унга аллома ҳар бир ўсимликнинг тарқалган жойлари, унинг тузилиши, гуллар, уруғ бериш жараёнлари ва уларнинг фармакологик хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумот келтирган. Ибн Сино адабиёт ва шеърят бобида ҳам моҳир ижодкор бўлган. Бу борада унинг «Ат-Тайр» («Қуш») асарини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу асарда у инсон жонини қафаста солинган қушга ўхшатган ва халқ оммасининг бир гуруҳи ҳукмрон табақалар томонидан аёвсиз жабр зулмга мавҳум қилинаётганини тасвирлаган. Бунда Ибн Сино шоҳ зиндонла-

рини қафасга, зиндонда ётган одамларни эса қушга ўхшатган.

Шундай қилиб, Ибн Сино ўз замонасининг буюк олимигина эмас, балки йирик маърифатпарвари ҳамдир. У ўз билимини кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилиб, уни ҳам маърифат сари чорлади. Шунинг учун Ибн Синонинг номи фақат олимлар ўртасидагина эмас, балки халқ орасида ҳам кенг тарқалган ва улар томонидан чуқур эъзозланган.

Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал Фарғоний IX асрда яшаб ижод этган. Олимнинг туғилган йили ва вафоти аниқ маълум эмас. Тахмин қилинишича у 861 йилда вафот этган. Аҳмад Фарғоний ўзининг ўлмас асарлари билан фан тарихида катта из қолдирди. Кўп қиррали олим бўлган Аҳмад Фарғоний математика, география, астрономия, тарих соҳаларида ижод этиб, бу фанларнинг ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. У мусулмон Шарқда «Ҳисоб», яъни, «математик» лақабини олган. Шундай бўлсада у астрономия, география соҳаларидаги ишлари билан шуҳрат қозонган. Унинг бу фан соҳаларидаги қилган ишлари XI асрлардаёқ Испанияда латин тилига таржима қилинган ва ундан Фарб олимлари ўзларининг илмий изланишларида кенг фойдаландилар. Аҳмад Фарғоний ўз асарларини араб тилида ёзган ва шунинг учун Фарб олимлари уни биринчи араб астрономи деб ҳисоблайдилар.

Аҳмад Фарғоний Птолемейнинг «Юлдузлар жадвали» номли асарларидаги маълумотларни текширишда қатнашди ва унга қатор янгиликлар киритди. Бу Аҳмад Фарғонийнинг «Географияга кириш» («Мадҳал ал-нужум») асарида ўз ифодасини топган. Расадхонада ишлаб юрганида, у астрономия бўйича бир қанча ихтиролар қилди. Хусусан, у 812 йилда юз берган қуёш тутилишини олдиндан айтиб берди. Ернинг думалоқ эканлигини янги илмий далиллар билан исботлаб, бир хил фазо ёриткичларининг ҳар хил вақтда кўрилишини, тутилишини ҳамма жойда ҳам кузатиш мумкинлигини изоҳлаб берди.

Аҳмад Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб» («Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жовоши илм ан-Нужум») асари астрономияга бағишланган араб тилидаги биринчи китоб бўлиб, Европада тарқалган асарларнинг энг маш-

хуридир. Мазкур асарда Аҳмад Фарғоний мураккаб бўлмаган-геометрик асосларда астрономиянинг элементар тўпламини баён қилган. Унда машҳур пунктлар жадвали шарқдан ғарбга қарата етти иқлимга ажратиб берилган ва уларнинг аниқ координатлари келтирилган. Аҳмад Фарғонийнинг астрономия ва география фанлардаги хизмати ҳам мана шу билан юқори баҳоланади.

Сомонийлар даврининг энг машҳур тарихчиларидан бири Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршаҳий эди. Унинг таржимаи ҳоли тўғрисида манбаларда маълумотлар сақланиб қолмаган. Айрим маълумотларга қараганда Наршаҳий 899 йилда таваллуд қилган ва 959 йилда вафот этган. У Бухоро яқинидаги Наршаҳ (ҳозирги Вобкент) қишлоғида туғилган. Наршаҳийнинг илмий асарлари тўғрисида ҳам маълумотлар жуда камдир. Унинг фақат «Таърихи Бухоро» (Бухоро тарихи) асари бизгача етиб келган. Бу асар 943—944 йилларда араб тилида ёзилган бўлиб, унинг асл нусхаси ва номи ҳозирча номаълум. Бизга етиб келган «Таърихи Бухоро» асари 1128 йилда Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал Қубовий (Қува шаҳридан), томонидан араб тилидан форс тилига ағдарилган. Абу Наср Қубовий бу асарни форс тилига дўстларининг илтимосига биноан таржима қилган.

Бу асар ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмаган ва ҳозирча Сомонийлар даври тарихи бўйича энг ноёб, қимматли манба ҳисобланади. Асарда Сомонийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётига боғлиқ маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари бу асарда Бухоро шаҳри ва атрофида жойлашган қишлоқлар тарихи бўйича ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг араб босқинчиларига қарши Муқанна бошчилигидаги кўзғолон билан боғлиқ бўлган маълумотлар ҳам бу асарда маълум даражада ўз ифодасини топган. Асарнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Наршаҳий сарой тарихчиларидан бўлган. Шунинг учун у ҳукмрон табақа сиёсатини ёқлаб, халқнинг ҳокимиятга қарши чиқишларини қоралаган.

Сомонийлар давлати бўйича ўзимизнинг қисқача баёнимизни тугатар эканмиз, яна бир бор шуни қайд қилмоқчимизки, марказлашган қудратли маҳаллий давлатнинг таркиб топиши Мовароуннаҳр ва Хуросон ўл-

каларининг тарихида муҳим бир босқич бўлди. Марказлашган давлатнинг вужудга келиши натижасида юзага келган сиёсий барқарорлик жамият ҳаётининг турли томонларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бу ривожланиш ижтимоий ҳаётда ҳам иқтисодиёт ва маданиятда ҳам ёрқин ифодасини топди. Бу ердаги шаҳарлар қисқа муддат ичида мусулмон Шарқининг ҳар томонлама ривожланган йирик шаҳарларига айландилар ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.

Бу даврда Марказий Осиёнинг қўшни давлатлар ва халқлар билан маданий ва савдо алоқалари янада кенгайди ва узвийлашди. Мовароуннаҳр ва Хуросонлик олимлар ўзларининг буюк ихтиролари билан фақат ўз ўлкаларидагина эмас, балки бутун машриқу мағрибда машҳур бўлдилар. Эътиборли томони шундаки, бу олимлар қомусий билим соҳиблари бўлишган. Улар фаннинг турли соҳаларида ижод этиб, дунё маданиятининг ва фанининг ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Улар ҳатто ихтиро этган кашфиётлар фақатгина, уларнинг номларига боқийлик бахш этмай балки бутун халқимизнинг обрў-эътиборини дунёга таратди. Бу даврга оид моддий топилмалар, меъморий ёдгорликлар халқимизнинг юксак маданиятидан, нозик дидидан, чуқур билимидан ва ижодий парвозидан гувоҳлик бериб келмоқда.

✓ 1 §. ҚОРАХОНИЙЛАР, ҒАЗНАВИЙЛАР ВА САЛЖУҚИЙЛАР. XII—XIII АСРНИНГ БОШЛАРИДА ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

✓ Қорахонийлар давлати. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.

Еттисув ва Қашғарда яшовчи туркий қабилалар — қарлуқлар, чиғиллар, яғмолар ва бошқалар X асрнинг иккинчи ярмига келиб кучли феодал давлат тузишга муваффақ бўлдилар. Тарихий манбаларда қорахонийлар давлати деб юритиладиган бу давлатнинг пойтахти Еттисувдаги Болосоғун шаҳри бўлиб, Қашғар шаҳри бу давлатнинг диний ва маданий маркази эди. Илк

СОМОНИЙЛАР ШАЖАРАСИ

819—1005

СОМОН

Асад

Нух ибн Асад 819—841 Самарқанд	Аҳмад ибн Асад 819—864 Фарғона	Яҳё ибн Асад 819—855 Чоч ва Уструшона	Илёс ибн Асад 819—866 Ҳирот
--------------------------------------	--------------------------------------	--	-----------------------------------

Наср ибн Аҳмад
864—875
Самарқанд
875—892
Мовароуннаҳр

Исмоил ибн Аҳмад
874—892.
Бухоро
892—900
Мовароуннаҳр
900—907
Мовароуннаҳр ва Хуросон

Аҳмад ибн Исмоил
907—914

Наср ибн Аҳмад (Наср II)
914—943

Нух ибн Наср (Нух II)
943—954

Абдумалик ибн
Нух 954—961
Наср ибн Абду-
малик (Наср III)
961 йилда 1 кун
ҳукмронлик қил-
ган.

Мансур ибн Нух
961—975
Нух ибн Мансур
(Нух III)
975—997

Абдумалик ибн
Нух 999—1000

Мансур ибн Нух
(Мансур II)
997—999

Абуиброҳим ибн
Нух (Мунтасир)
1000—1005

Ўрта асрлардаги Буюк Турк ҳоқонлигининг ўзига хос «меросхўри» бўлган бу давлатнинг асосчиси Сотуқ Абдукарим (Буғраҳон) бўлиб унинг даврида кўчманчи туркий қабилалар ислом динини қабул қилдилар. Сотуқ Буғраҳон ўзини Афросиёб (Алп—Эр—Танга)нинг авлодидан деб ҳисоблар ва Мовароуннаҳрни қорахонийлар давлати таркибига киритишни орзу қилади.

Бутун Тангри тоғ (Тянь-Шян) ва Еттисувни эгаллаб бўлгандан сўнг, қорахонийлар Сомонийлар давлати таркибида бўлган Мовароуннаҳрга ҳам ҳарбий юришлар уюштира бошлайдилар ва тез орада Фарғона ва Исфижоб (Сайрам) ни босиб олишга эришадилар. Қорахонийларнинг янги ҳукмдори Ҳорун Буғраҳон катта қўшин билан 992 йилда Самарқандни эгаллайди ва сомонийлар давлатининг пойтахти Бухорога юриш қилади. Сомонийлар давлатида катта таъсирга эга бўлган турк лашкарбошлари Абу Али Симжурий ва Фоиқ бу вазиятда очиқдан-очиқ қорахонийларга ён босдилар. Сомонийларнинг Хуросондаги ноиб бўлган Симжурий қорахонийлар билан яширин музокаралар олиб борди ва ўз қўли остидаги қўшинларни Бухоро ҳимоясига юбормади.

Сомонийлар ҳокими Нух II қорахонийларга қарши Балх ҳокими, турк лашкарбошиси Фоиқ бошчилигида катта қўшин юборди. Лекин Кармана яқинидаги жанг да лашкарбоши Фоиқнинг қорахонийлар билан тил бириктирганлиги туфайли сомонийлар қўшини тор-мор этилди ва 992 йилнинг май ойида Ҳорун Буғраҳон Бухорони эгаллайди. Нух II эса янги қўшин тўплаш учун Амул (Чоржуй) томонга қочиб кетади. Ҳорун Буғраҳон касаллиги туфайли Бухорода қолмасдан Наср Сомонийни Бухоро ҳукмдори этиб тайинлаб, ўзи қўшинлари билан Самарқандга, у ердан эса Болосоғунга жўнайди, лекин йўлда вафот этади.

Нух II 992 йилнинг август ойида қорахонийлар билан ораси ёмонлашган Симжурий ёрдамида яна Бухоро тахтини эгаллайди. Лекин тез орада Симжурий ва Фоиқ бошчилигидаги турк қўшинлари Хуросонда Нух II га қарши исён кўтаради. Бу вазиятда Нух II сомонийларга расмана қарам бўлган, амалда эса мустақил бошқариладиган Ғазна вилояти ҳокими Сабуктегинга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Тажрибали ва довурак турк қўмондони Сабуктегин вазиятни тўғри тушуниб, яъни сомонийлар давлатида ўз таъсирини

мустаҳкамлаш ниятида катта қўшин билан Нуҳ II га ёрдамга келади ва 993 йилнинг I ноябрида сомонийларга сотқинлик қилган Симжурий ва Фоиқ бошчилигидаги исёнчи қўшинларни тор-мор келтиради. Унинг хизматини юқори баҳолаган сомоний ҳукмдори Нуҳ II Сабуктегиннинг ўғли Маҳмудни Нишопур шаҳрининг ҳокими этиб тайинлайди. Кучсизланиб қолган Симжурий ва Фоиқ эса шавқат сўраб Нуҳ II га элчи жўнатдилар. Фоиқни асло кечирмаслигини билдирган Нуҳ II Симжурийни авф этиб, уни кичкина қўшин билан Хоразмга жўнатади. Лекин Хазорасп яқинида у Нуҳ II нинг яширин буйруғи билан асир олиниб, Бухорога олиб келинади ва зиндонга ташланади.

Сомонийлар давлатидаги ички низоларни — Сомоний ҳукмдорлари ва турк лашкарбошчилари ўртасидаги келишмовчиликларни диққат билан кузатиб турган қорахонийлар 996 йилда Наср Илекхон бошчилигида Бухорога янги ҳарбий юриш уюштирдилар. Нуҳ II яна ёрдамга Сабуктегинни чақирди. Балхдан катта қўшин билан етиб келган Сабуктегин Кеш ва Насаф оралигида жойлашиб, ўз қўшинлари билан келиб қўшилишни сўраб, Нуҳ II га элчи юборади. Лекин ўз «васали»га унча ишонмаган Бухоро ҳукмдори ўз вазири Узайрининг фикрига кўниб, бу таклифни рад этади ва Сабуктегиннинг ўзини Бухорога чақиради. Бундан ранжиган Сабуктегин ўғли Маҳмудни 20 минглик қўшин билан Бухорога жўнатади, ўзи эса Қорахоний Наср Илекхон билан музокара олиб бориб, уларга сомонийларга тегишли бўлган шимолий районларни тақдим этади.

Сомонийлар ва қорахонийлар давлати ўртасидаги янги чегара Жиззах яқинидаги Қатвон чўли белгиланди. Сабуктегин эса вазир Узайрини ҳамда Симжурийни банддан озод қилиб, асир сифатида ўзи билан Ғазнага олиб кетади. Шундан сўнг Сабуктегин сомонийларга тегишли Хуросоннинг ягона ҳукмдорига айланган. 997 йилда Сомоний ҳукмдор Нуҳ II Бухоро шаҳрида 35 ёшида вафот этади.

Шу йили Ғазна ҳокими Сабуктегин ва унинг асири Симжурий вафот этишади. Вазир Узайри эса Ғазна шаҳридан (асирликдан) қочиб Самарқандга келади ва сомонийлар тахтига ўтирган 19 ёшли Мансур Ибн Нуҳга қарши исён кўтаради ва ёрдамга Қорахоний Наср Илекхонни чақиради. Катта қўшин билан етиб келган

Наср Илекхон эса исённи бостириб (демак сомонийларга тегишли Самарқанд шаҳрини тўлиқ ўзиники деб ҳисоблаган) ўзининг хизматига ўтган Фоиқни қўшин билан Бухорога жўнатади. Мансур Ибн Нух Амул (Чоржўй) тарафга қочиб кетади, лекин Фоиқ тахтга ўтиришга журъат қилмасдан яна Мансурни орқага чақиртириб келади ва унинг хизматига киради. Катта тахтга ўтирган Мансур Сабуктегиннинг ўғли Маҳмудни сомонийларнинг Хуросондаги ноиб ва бош қўмондон вазифасидан озод этиб, унинг ўрнига Бектузун исмли кишини тайинлайди. Маҳмуд бу янги ҳукмдорни тан олмасдан уни Хуросондан қувиб чиқаради ва катта қўшин билан Бухоро тарафга юриш қилади. Бундан хабар топган Мансур Ибн Нух ва лашкарбоши Фоиқ (у Қорахоний Наср Илекхоннинг сомонийлар саройидаги жосуси эди) қўшин тўплаб Серахсга етиб келадилар. Бу ерда Бектузун ҳам ўз қўшини билан келиб қўшилди. Лекин қўшинлар жангга кирмасдан туриб лашкарбошилар Бектузун ва Фоиқ Мансур Ибн Нухга қарши фитна уюштиради ва унинг кўзини кўр қиладилар. Шундан сўнг Мансур Бухорога қайтиб келади. Сомонийлар тахтига эса Нух II нинг иккинчи ўғли — 20 ёшли Абдумалик ўтиради.

Маҳмуд Ибн Сабуктегин Ғазнавий эса Бағдодга — Халифа Қодирга мактуб йўллаб, сомонийлар халифани тан олмаганликлари учун уларга қарши уруш очганлигини ва сомонийлар сулоласи энди ҳокимият тепасида қолмаслиги кераклигини билдиради. Бунга жавобан халифа сомонийлар давлатининг ҳукмдори қилиб Маҳмуд Ибн Сабуктегин тайинланганлигини тасдиқловчи ёрлиқ юборди. Бу воқеа ҳақида шоир Ҳамадоний «Маҳмуднинг қуёши сомонийлар юлдузини сўндирди» деган машҳур иборани қолдирган.

Халифанинг Маҳмудга берган ёрлиғидан хабар топган Фоиқ Бухорода жинни бўлиб қолади ва вафот этади. Бу воқеаларни диққат билан кузатиб турган Қорахоний Наср Илекхон ўз қўшинлари билан Бухорога юриш қилди. Ёш сомоний ҳукмдори Абдумалик халқни ҳимояга кўтаришни сўраб уламоларга мурожаат қилган бўлса-да, уламолар ва халқ сомонийлар ҳокимияти ҳимояси учун ҳаракат қилмадилар ва 999 йилнинг 23 октябр душанба кунда Наср Илекхон Бухоро тахтини эгаллади. Шундан сўнг сомонийлар давлати ўрнида 2 та янги турклар давлати ташкил топди. Илгари со-

монийларга тобе бўлган Хуросон энди Маҳмуд ибн Сабуктегин асос солган қудратли Ғазнавийлар давлати таркибига кирди. Мовароуннаҳрда эса Қорахонийлар ўз ҳукмдорлигини ўрнатдилар. Бу икки давлат ўртасидаги чегара қилиб Амударё белгиланди.

Сомонийлар ҳукмронлигини тиклаш учун Нух II нинг учинчи ўғли, халқ орасида «Мунтасир» — (ғолиб, юқори) номи билан машҳур бўлган Исмоил ибн Нух ҳаракат қилиб кўрди. Сомонийлар сўнгги ҳукмдорига бу курашда кўчманчи туркман қабилалари (ўғузлар) анча ёрдам бердилар. Улар ёрдамида Мунтасир 1000 йилда Қорахонийлар билан бўлган жангда ғалаба қозониб, Бухорони эгаллади ва бир оз вақт ўз номидан таъга зарб қилишга эришди. Лекин Наср Илекхоннинг асосий қўшинлари уни Бухорёдан қувиб чиқаради. Шундан сўнг Мунтасир янги қўшин тўплаб яна бир неча марта ҳокимиятни қорахонийлардан тортиб олишга уриниб кўрди. Лекин баъзи бир ҳарбий муваффақиятларга қарамадан бу вазифани бажариш унга насиб этмади. 1005 йилда Мунтасир Маҳмуд Ғазнавий ва Наср Илекхоннинг буйруғи асосида Амударё бўйида яшовчи кўчманчи қабилалар томонидан ўлдирилди. Шундан сўнг сомонийлар сулоласи бутунлай тугатилди.

Шу тариқа XI асрнинг бошига келиб Қашғардан Амударёгача чўзилган жуда катта ҳудуд Қорахонийлар давлати таркибига кирди. Шарқий Туркистоннинг бир қисмини, Еттисувни, Фарғона ва Тошкентни қадимги Суғд ерларини (Зарафшон ва Қашқадарё воҳасини) ўз ичига олган бу давлат бир неча вилоятларга бўлинган бўлиб, Мовароуннаҳрда дастлаб Наср Илекхон ҳокимлик қилган. Шижоатли ва моҳир саркарда Наср Илекхон дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдори эканлигини билдириб, тобора кучайиб бораётган Маҳмуд Ғазнавийга қимматбаҳо совғалар—(қорабайир отлар, Насафнинг машҳур 2 ўркачли туяларини, қора мўйна, нефрит тош ва келин сифатида ўз синглисини қўшиб элчи жўнатади.

Шимолий чегараларнинг ҳавфсизлигини таъминлашдан манфаатдор бўлган Маҳмуд Ғазнавий бу элчиларни яхши кутиб олади ва жавоб тариқасида Наср Илекхонга катта карвон билан соф олтин тортиқ қилади. Лекин тез орада Қорахонийлар дўстона муносабатларни бузиб, Маҳмуд Ғазнавийга тобе бўлган Хуросон ерларига ҳарбий юришлар уюштирдилар. Маҳмуд Ғазна-

вийнинг шимолий Ҳиндистонда уруш олиб бораётган-лигидаң фойдаланиб Наср Илекхон 1006 йилда катта қўшин билан Амударёни кечиб ўтиб Балх, Тус, Нишопур шаҳарларини босиб олади. Лекин Ғазнавийлар қўшини Қорахонийларни Хуросондан қувиб чиқаришга эришди. 1008 йилда Қорахонийлар яна Хуросонга ҳужум қилдилар. Маҳмуд Ғазнавийнинг ўзи 500 та жангга ўргатилган филларга эга бўлган катта қўшин билан Қорахонийларга қарши чиқди ва уларнинг қўшинини бутунлай яқсон қилди. Шундан кейин Қорахонийлар Хуросонга ҳарбий юриш уюштиришга бошқа журъат этмадилар.

Наср Илекхоннинг ўлиmidан сўнг бир оз вақт ўтгач Мовароуннаҳрдаги ҳокимият Қорахонийларнинг Ҳасанийлар сулоласига мансуб Алитегин қўлига ўтди. У 1034 йилгача Мовароуннаҳр ерларини мустақил хон сифатида бошқарди. Шу туфайли Алитегин билан бутун Қорахонийларнинг улуғ хони (тамғачхон) ҳисобланган, Қашғарда ҳокимлик қилувчи Юсуф Қодирхон ўртасидаги муносабатларнинг кучайиб кетишидан қўрққан Маҳмуд Ғазнавий бу икки хон ўртасидаги келишмовчиликлардан усталик билан фойдаланди. Алитегинни кучсизлантириш учун Юсуф Қодирхон билан Маҳмуд Ғазнавий келишиб Мовароуннаҳрга 1025 йилда юриш қилдилар. Самарқанднинг жанубида бу икки хон — Маҳмуд Ғазнавий ва Юсуф Қодирхон шахсан учрашиб, Алитегиндан Мовароуннаҳрни олиб Қодирхоннинг ўғли Йўфонтегинга беришга келишиб олдилар. Алитегин Зарафшоннинг ўнг оқимида яшаётган кўчманчи туркман қабилалари ва Салжуқхоннинг неваралари Исмоил, Тоғрул ва Довудлардан ёрдам сўрайди. Маҳмуд Ғазнавий қўшинлари салжуқийлар қўшинини тор-мор этиб, Исмоилни асир олдилар. Лекин Алитегин Мовароуннаҳрда ўз ҳокимиятини сақлаб қолишга эришди. XI асрнинг ўртасига келиб Хуросондаги ғазнавийлар давлати салжуқийлар томонидан йўқ қилинди. Мовароуннаҳрни эса аввалгидек Қорахонийлар ўз қўлларида сақлаб қолдилар ва Иброҳим Ибн Насрнинг сиёсий фаолияти бошланди. У ўз қўшинлари билан аввало Амударё бўйидаги Хутталён, Вахш, Чағаниённи босиб олади ва тез орада бутун Мовароуннаҳр ерларини забт этади. Мовароуннаҳрнинг янги пойтахти қилиб Самарқандни танлади ва бу ерда 1040-1068 йилларда ҳукмронлик қилди.

Иброҳим Ибн Наср билан Салжуқийлар орасидаги муносабат анча ёмон эди. Салжуқийлар томонидан бир неча марта Мовароуннаҳр ерларига юришлар бўлди. Лекин Иброҳим Ибн Наср (бу пайтда у тамғачхон унвонига эга эди) Салжуқийларнинг ҳужумларини қайтаришга муваффақ бўлди. Унинг ўлиmidан сўнг Самарқандда ҳокимият Шамс-ул-Мулк қўлига ўтди. 1072 йилда Салжуқий Султон Алп Арслон Мовароуннаҳр ерларига катта ҳарбий юриш режасини тузди, лекин унинг ўлдирилиши бу режани чиппакка чиқаради. Бундан фойдаланган Қорахоний Шамс-ул-Мулк ҳужумга ўтди ва Термиз, Балх вилоятларини эгаллади. Лекин тез орада Алп Арслон вориси Султон Маликшоҳ бошчилигидаги Салжуқийлар Қорахонийларни қайтариб юбордилар.

Қашғар хони Қодир Юсуфхон ва унинг ўғиллари Мовароуннаҳр хонига тегишли бўлган ерларга ҳужум қилдилар, натижада Фарғона ва Сирдарёнинг шимолидаги ерлар яна шарқий Қорахонийлар — Қашғар хонлари қўлига ўтди.

1080 йилда Шамс-ул-Мулк вафот этади ва тахтга Аҳмадхон ўтиради. Унинг даврида мусулмон уламолари ва ҳарбий турк лашкарбошилари ўртасидаги келишмовчилик янада кучайиб кетди. Бундан фойдаланган Салжуқий Султон Маликшоҳ катта қўшин билан Амударёни кечиб ўтди ва қаттиқ жанглардан сўнг Бухоро ва Самарқандни эгаллайди ҳамда Аҳмадхонни асир олади. Лекин Мовароуннаҳрни ўз қўлида сақлаб қолмаслигини сезган Маликшоҳ яна Аҳмадхонга ўз тахтини қайтаради ва ўзи катта ўлжа билан орқага қайтади. 1095 йилда Аҳмадни уламолар ва ҳарбий лашкарбошлари фитна уюштириб ўлдирадилар.

XII асрнинг бошларига келиб Қорахонийлар тахтига Арслонхон (1102—1130) ўтирди. У мустақил давлат сийёсати олиб боришга интилди ва бир қадар бунга эришди. Лекин уламолар билан бўлган келишмовчиликлар натижасида Арслонхоннинг ўғли Наср ибн Арслон ўлдирилди. Шунда Арслонхон Салжуқийларнинг машҳур ҳукмдорини ёрдамга чақиради. У катта қўшин билан Мовароуннаҳрга кириб келади. Лекин Арслонхоннинг иккинчи ўғли Аҳмадхон йсёнчиларнинг бошлиқларини қатл эттиради. Шунга қарамасдан ёрдамга келган Салжуқийлар Арслонхоннинг илтимос қилишига қарамасдан, орқага қайтмасдан 1130 йилда Самар-

қанди эгаллайди. Оғир касал бўлиб ётган Арслонхонни Балхга жўнатадилар ва у ерда хон тез орада вафот этади. Шундан сўнг Самарқандда ҳукмронлик қилаётган Қорахонийлар ўз мустақиллигини деярли йўқотдилар ва Салжуқий Санжарга қарам бўлиб қоладилар.

XII асрнинг 30-йилларда Мовароуннаҳрга янги кўчманчи халқлар, тарихда «Қорахитойлар» номи билан машҳур бўлган қабилалар бостириб киради. 1137 йилда Хўжанд яқинида бўлган жангда Қорахитойлилар қўшини Қорахоний Маҳмудхон қўшинларини тор-мор этади. Бу вақтда Хоразмни эгаллаш билан банд бўлган Султон Санжар ўз вассали Маҳмудхонга етарли ёрдам бера олмади. Лекин қорахитойлар Мовароуннаҳр ичкарисига юрмасдан бой ўлжа билан орқага қайтдилар. 1141 йилда қорахитойлар яна Мовароуннаҳрга юриш қилдилар. Уларнинг ҳужумини тўхтатиш учун Султон Санжар катта қўшини билан Самарқанд яқинига етиб келади. Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлидаги ҳал қилувчи жангда Султон Санжар ва Маҳмудхоннинг бирлашган қўшинларини қорахитойлар мағлуб этадилар.

Самарқанд, Бухоро ва бутун Марказий Мовароуннаҳрни эгаллаган қорахитойлар катта ўлжа билан орқага қайтадилар. Бу воқеалардан сўнг Марказий Осиёда сиёсий вазият анча ўзгарди. Қорахонийлар энди қорахитойларга қарам бўлиб, уларнинг пойтахти Болосогунга ҳар йили ўлпон юбориб туришга мажбур бўлдилар. XIII асрнинг бошларида Хоразмшоҳ Муҳаммад Мовароуннаҳрни эгаллайди ва Қорахонийлар сулоласи бутунлай тугатилди. Шундан сўнг Қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга бўлган таъсири ҳам бутунлай йўққа чиқди. Ғалабаларидан руҳланиб кетган Хоразмшоҳ Муҳаммад ўзини македониялик Искандарга (Искандар Зулқарнайн) қиёслаб Искандари Соний деб улуғлади. Лекин улкан Хоразм давлатида ички низолар анча кучли эди, бу айниқса мўғуллар истилоси даврида яққол кўринди.

Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрни эгаллаши билан бу ердаги сиёсий ҳаётда катта ўзгаришлар рўй берди. Қашғардан Амударёгача чўзилган улкан Қорахонийлар давлати бир беча вилоятларга бўлинган бўлиб, Мовароуннаҳр вилоятининг пойтахти Самарқанд, Фарғонаники эса Ўзганд шаҳри эди. Бу вилоятлар бошлиғи илоқхон деб аталган ва улар Қашғардаги бу-

тун Қорахонийлар хони ҳисобланган «Тамғачхон» ун-
вонли хонга расман тобе бўлган. Қорахонийлар мусул-
мон уламолари билан қалин алоқа ўрнатдилар ва
имомлар, сайидлар, шайхлар, садрларни ҳар томонла-
ма қўллаб-қувватладилар.

Сомонийлар даврида жуда катта сиёсий кучга эга
бўлган деҳқонлар, йирик ер эгалари қорахонийлар дав-
рида ўз таъсирини аста-секин йўқота бордилар. Қора-
хонийлар бу йирик ер эгаларининг мулкларини, ерла-
рини зўрлик билан тортиб олиб ўзларига хизмат
қилувчи амалдорларга, лашкарбошиларига бўлиб бер-
дилар. Шартли равишда фойдаланишга берилган бу ер-
лар тарихий манбаларда «иқта» деб, ер эгалари эса
«иқтадор» деб аталган. Аста-секин бу ерлар авлоддан-
авлодга мерос сифатида ўтадиган бўлди. Иқта билан
бир пайтда ерга эгалик қилишнинг бошқа турлари ҳам
мавжуд эди. Қорахоний ҳукмдорлари қўлида «Султон
ерлари» деб аталувчи ерлар бўлиб, хон хазинасига ту-
шувчи асосий даромад шу ерлардан олинган.

Бу даврда Мовароуннаҳрда диндорларга ва диний
идораларга тегишли вақф ерлари ҳам анча кенгайди,
бу эса ижтимоий ҳаётда мусулмон уламоларининг ўр-
ни катта бўлганлигидан далолат беради. Ерга эгалик
қилишни хусусий шакли оз миқдорда сақланиб қолин-
ди. Бу ерда шуни унутмаслик керакки, Мовароуннаҳр-
га Қорахонийлар билан бирга жуда кўп кўчманчи тур-
кий қабилалар кириб келди. Бу қабилалар Қорахоний
ҳукмдорларга кўрсатган хизматларига қараб катта-
катта ерларга, серунум яйловларга эгалик қилдилар.
Баъзи ҳолларда суғориладиган деҳқончилик ерлари
ҳам кўчманчиларга яйлов тариқасида бўлиб берилди.

Суғориладиган районлардаги қишлоқ аҳолиси қиш-
лоқ жамоаси шароитида яшар эди. Барча кўринишда-
ги ерлардан шариат қонунларига биноан давлат хаз-
насига турли солиқлар, хирож ва бошқалар олинган.
Ерга ёлланиб ишловчи кишилар — мардикорлар фао-
лияти ҳам сақланиб қолинди. Улар иқтадорлар ва ки-
чик ер эгалари қўлида маълум шартлар асосида иш-
лаганлар.

Қорахонийлар даврида Марказий Осиёда феодал-
муносабатлар кенг илдиз отган бўлса-да, лашкарбо-
шилар, амалдорлар ва йирик диндорлар уйларида
қуллар ҳам ишлаган. Бу ўша пайтда «уй қуллари»
сақланиб қолганлигини билдиради.

Қорахонийлар Марказий Осиёни босиб олгандан сўнг бу ердаги маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, шаҳарлар тараққий этди, ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланди. Шаҳарлар ривожланиши билан шаҳар аҳолиси сони ҳам кўпайиб борди. Сомонийлар давридаёқ йирик шаҳарлар бўлган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Қорахонийлар даврида янада кенгайди. Бу шаҳарлар энди уч қисмли — арк, шаҳристон, работдан иборат шаҳарларга айланди. Уларда янги-янги ҳашаматли иморатлар пайдо бўлди. Бу иморатлар ўз тузилиши ва нақшлари билан ажралиб туради.

Қорахоний ҳукмдори Шамс-ул-Мулк Бухоро яқинида сарой барпо этди ва бундан ташқари Ҳазара қишлоғи яқинида Дингарон масжидини ва унинг ёнида Барат-и-Малик номи билан машҳур бўлган карвонсарой қурдиради. Бухоро шаҳрида 1127 йилда Қорахоний Арслонхон томонидан машҳур иморат — Минораи Калон барпо этилди. Вобкентда XII асрнинг охирида Бухоро садри Абдулазиз II томонидан қурилган минорани, Жарқўрғонда (Сурхондарё вилояти) Қорахонийлар томонидан 1108—1109 йилларда барпо этган минорани, шунингдек Бухородаги Номозгоҳни ва Атторий масжидини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Қорахонийлар даврида Самарқанд шаҳрида ҳам кўплаб бинолар барпо этилди. Афросиёбдаги археологик қазилмалар шундан далолат бериб турибди, лекин мўғуллар истилосидан сўнг бу бинолар вайронага айланди.

Термиз шаҳри XI—XII асрларда анча ривожланди, янги мустақкам мудофаа девори қурилди, бу ерда барпо этилган Термиз ҳукмдорлари саройи айниқса машҳурдир. Бу саройни қазиб очган археологлар турли идишлар билан бирга афсонавий ҳайвонлар тасвирини ҳам топишди. XI—XII аср бошларида Хоразмда ҳам кўпгина бинолар қад кўтарди, жумладан Урганчдаги Фахриддин Розий ва Шайх Шариф мақбарасини, кўлаб карвон саройларни, Буронқалъа, Наифқалъа, ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Шаҳарлар тараққиёти ҳунармандчиликнинг ривожланишига ҳам олиб келди. Ҳунармандчилик тараққиёти Марказий Осиё фойдали қазилмалар, хом ашё манбаларга бойлиги билан белгиланади. Ҳунармандчиликнинг асосий марказлари йирик шаҳарлар эди. Марка-

зий Осиёнинг турли жойларида олиб борилган археологик қазинмалар ва ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда XI—XII асрларда шаҳарлар ва баъзи йирик қишлоқларда тўқимачилик, кулолчилик, металл ва шиша буюмлари ишлаб чиқариш ва бошқа ҳунармандчилик турлари анча ривожланган.

Халқ амалий санъати — меъморликда, металл ва сирли сопол идишларида ўз аксини топди. Улар турли-туман нақшлар ва тасвирлар билан безатилган. Сақланиб қолган меъморий иншоотлар ва археологлар томонидан очилган шаҳарлардан олинган маълумотлар тасвирий санъатнинг, нақшинкорликнинг ўзига хос йўлдан ривожланиб борганлигидан далолат беради. Меъморий иншоотларда кичик фишталардан чиройли қилиб чиқарилган нақшлар, ўйма нақшлар турли геометрик шакллар билан безатилган. Исломот таълимоти-нинг расмий таъқиқига қарамасдан турли кўринишда тасвирлар — ов манзаралари, ўйинга тушаётган аёллар ва бошқалар (ғазнавийлар саройида), турли афсонавий ҳайвонлар (Термиз ҳукмдорлари саройида) тасвирлари саройларни безаб турган. Бу даврда Марказий Осиёда ёғоч ўймакорлиги ҳам анча ривожланган.

XI—XII асрларда Марказий Осиёда товар-пул муомаласи ва савдо-сотик ҳам анча ривожланади, нафақат ички савдо балки ташқи савдо ҳам гуллаб яшнади. Бу ўринда Хитойни Волга бўйлари, Шарқдаги мусулмон мамлакатлари ва Византия билан боғловчи карвон йўлларининг Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу йирик савдо йўллари Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари — Фарғона, Шош, Самарқанд, Бухоро, Насаф, Кеш, Термиз, Урганч, Марв, ва бошқалар орқали ўтиб, уларнинг савдо марказлари сифатидаги аҳамиятининг кучайишига катта таъсир кўрсатган.

↓ Ғазнавийлар ва салжуқийлар

Ғазна шаҳрини Хуросоннинг сиёсий марказига айланиши X асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Ғазнавийлар давлатининг асосчиси Сабуқтегин бўлиб, бу давлат унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий даврида мусулмон оламининг энг кучли давлатига айланди. Бу давлатнинг ҳудуди Маҳмуд Ғазнавийнинг истилочилик юришлари туфайли шимолий ва шимоли-ғарбий Ҳин-

дистондан Чағаниён ва Хоразмгача чўзилган бўлиб, унга Эроннинг катта қисми ҳам кирган эди. Маҳмуд Ғазнавий Мовароуннаҳрдаги қорахонийлар сиёсатига ва айниқса Хоразмга катта таъсир кўрсатар эди. Уз даврининг иқтидорли саркардаси ва қаттиқ қўл ҳукмдори бўлган, Султон Маҳмуд Ғазнавий 1030 йилда вафот этади. Шундан сўнг тахтни унинг ўғли Маъсуд (1030—1041) эгаллайди. Лекин Маъсуд отаси тузган давлатни бутунлигича сақлаб қололмади.

Маҳмуд Ғазнавийга расман тобе бўлган, лекин амалда мустақил бошқариладиган Хоразм шоҳи Хорун ибн Олтинтош 1034 йилда Хоразмни бутунлай мустақил деб эълон қилди ва катта қўшин билан Хуросонга юриш қилди. Лекин Султон Маъсуд томонидан сотиб олинган кишилар Хоразм шоҳи Хорунни ўлдирадилар. Уни қўллаб-қувватлаган қорахонийлар қўшини яна Самарқандга қайтиб кетади. Шундан сўнг Султон Маъсуд қорахонийлар билан музокаралар олиб боради ва шу йўл билан ғазнавийлар ҳокимиятига бўлган хавфни бир оз камайтиради.

Ғазнавийлар султони Маъсуд Хуросонга юриш қилган турк-салжуқийлари билан кўп бор жанг олиб боришга мажбур бўлди. Маҳмуд Ғазнавийнинг руҳсати билан шимолий Хуросонга жойлашиб олган салжуқийлар бу даврга келиб ғазнавийлар учун катта хавф тугдира бошлади. 1035 йилда салжуқийларнинг Хуросонга янги ҳужуми бошланади. Нушопурдан Нисо шаҳрига етиб келган ғазнавийлар қўшини салжуқийларга зарба берган бўлса-да, Салжуқийнинг невараси Тоғрул ва Чангри бошчилигидаги туркманлар кечаси Ғазнавийлар қароргоҳига ҳужум қилади ва ғалаба қозонади. 1037 йил апрел ойида туркманлар Мари вилоятини узил-кесил эгаллашга эришдилар ва Бағдодда, халифага ҳокимият учун ёрлиқ беришни сўраб элчи жўнатадилар. Шу тариқа Хуросондаги янги давлатга — салжуқийлар давлатига асос солинди.

Кейинги йилларда туркманлар Тоғрул бошчилигида бир қанча зарбалар бериб Хуросоннинг катта қисмини босиб олдилар. Шундан сўнг Маъсуд катта қўшин билан салжуқийлар устига юриш қилди. 1040 йилда Мари яқинидаги Данданакон деган жойда ҳал қилувчи жанг бўлиб, бунда Маъсуд армияси қаттиқ мағлубиятга учради. Жангдан зўрага қочиб қутилган Маъсуд тез орада (1040) вафот этди. Унинг ворислари

Ғазнавийлар давлатининг аввалги қудратини тиклашга муваффақ бўла олмадилар. Аста-секин ўз қудратини йўқотиб бошлаган ғазнавийлар давлати XII асрнинг охирида Афғонистон ҳудудида ташкил бўлган янги давлат Ғурийлар томонидан бутунлай тугатилди.

Ғазнавийларга тегишли Хуросон аста-секин салжуқийлар қўлига ўтди. Салжуқийлар давлатининг бош султони бўлиб Тоғрулбек (1038—1063 йил) сайланди, у катта истилочилик юришлари олиб бориб, Балхни, Ироқнинг шимоли, Озарбайжонни, Курдистонни ва Кўхистонни ҳам босиб олишга эришди. 1055 йилда у катта қўшин билан Бағдодга кириб келди ва халифадан ўз номига хутба ўқитишни талаб этди. Шундан сўнг халифа диний ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиб, дунёвий ҳокимиятни судтон унвони билан Тоғрулбекка топширди. Салжуқийлар давлатининг пойтахти қилиб Тоғрулбек Рай шаҳрини танлади. Унинг ҳукмронлиги даврида салжуқийлар Кавказда Византия қўшинларига ҳам катта зарба бердилар. У Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилаётган қорахонийлар билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Лекин, унинг вориси Алп Арслон (1063—1072) Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди, Византия императори Роман IV Диоген қўшинларини мағлуб этди. Ундан кейин тахтга ўтирган Маликшоҳ (1072—1092) 1089 йилда қорахонийлар ўртасидаги ички низолардан фойдаланиб Бухоро ва Самарқандни эгаллади ва катта ўлжа билан орқага қайтди. Лекин қорахонийлар салжуқийларнинг ярим вассалига айландилар. Маликшоҳнинг ўлиmidан кейин салжуқийлар давлатида тахт учун ўзаро курашлар қизиб кетади ва 1118 йилда ҳокимият буюк салжуқийлар сулоласининг сўнгги йирик вакили Султон Санжар (1118—1147) қўлига ўтади. Унинг даврида Салжуқийлар давлатининг пойтахти Марв шаҳрига кўчирилади. У Мовароуннаҳрдаги қорахонийларнинг ички ишларига, сиёсатига катта таъсир ўтказа олишга эришган салжуқийлардан эди. Лекин 1141 йилда қорахитойлар билан Султон Санжар ва унинг вассали, иттифоқдоши қорахоний Маҳмудхоннинг бирлашган қўшинлари ўртасида, Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида бўлиб ўтган жангда қорахитойларнинг ғалаба қилиши Салжуқийлар давлатини анча заифлаштирди. Салжуқийларнинг мағлубиятидан Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳам-

мад Отсиз усталик билан фойдаланиб, 1141 йилнинг қишида салжуқийларнинг пойтахти Марвни босиб олди, 1142 йилда эса Нушопурга юриш қилди. Лекин Султон Санжар Хоразм қўшинларини Хуросондан қувиб чиқарди ва Хоразмшоҳ Отсизни яна ўзига бўйсундиришга эришди. Султон Санжарнинг ҳаракатларига қарамасдан Салжуқийлар давлати ўзининг аввалги қудратини йўқота борди. Салжуқийларга ҳал қилувчи зарбани Балх ва Хутталон вилоятларида яшовчи кўчманчи Ғўз қабилалари берди. 1153 йилда улар Султон Санжар қўшинларини тор-мор этиб, унинг ўзини асир олдилар. Ғўзлар ҳимоясиз қолган Марв, Нишопур шаҳарларини талаб, ўт қўйдилар. Султон Санжар 1156 йилда асирликдан қочишга муваффақ бўлса ҳам, лекин Салжуқийлар давлатини тиклай олмади ва бир йилдан кейин вафот этди.

↓ Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши ва кучайиши

Хоразм Сомонийлар даврида уларга тобе эди. X аср охири ва XI асрнинг бошларига келиб Хоразм ҳокими Маъмун I ва унинг ўғли Али ибн Маъмун Сомонийлар давлати тугаганидан сўнг мустақил давлат тузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Лекин Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар ва Хуросондаги Ғазнавийлар давлати олдида Хоразм давлати жуда кучсиз бўлиб, кўп ҳолларда Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Маъсудга қарам эди. Ғазнавийлар давлатининг инқирози ва Хуросонда Салжуқийларнинг ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин Хоразм дастлабки йилларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилган бўлса-да тез орада Салжуқийларга қарам давлатга айланди.

Хоразмни мустақил давлат сифатида шаклланишида кўп хизмат қилган ҳукмдор Қутбиддин Муҳаммад Отсиз (1127—1156) эди. Салжуқий Султон Маликшоҳ даврида Хоразмни ҳукмдори бўлган Ануштегиннинг невараси Отсиз ўзи тобе бўлган Салжуқий султонларининг ҳар бир хатосидан усталик билан фойдаланди. Айёр, дипломат ва моҳир саркарда бўлган Отсиз мустақил ташқи сиёсат олиб борди. У Хоразм ерларини анча кенгайтириб, Сирдаёнинг қуйи оқимидаги ерларни, Манғишлоқни босиб олади. Шундан сўнг у бир не-

ча бор (1138, 1141—1142, 1147—1148 й.й) Султон Санжарга қарши исён қилди ва мағлубиятга учраб Салжуқийларга бутунлай тобе бўлиб қолди. Лекин шунга қарамадан у Хоразмни мустақиллиги учун мустаҳкам асос ярата олди. Султон Санжарнинг ўлиmidан сўнг (1157 й) Салжуқийлар давлати деярли йўқ бўлди ва Хоразмни мустақил давлат сифатида сиёсат олиб бориш учун кенг йўл очилди. Муҳаммад Отсизнинг ўлиmidан сўнг ўғли Эларслон тахтга ўтирди. У отасига қараганда анча қулай вазиятда давлатни бошқарди. Хуросондаги воқеалардан фойдаланиб у Каспий бўйидаги Деҳистон районини босиб олишга эришди. Эларслон отаси даврида Хоразмга бўйсундирилган кўчманчи туркман ва қипчоқ қабилалари ёрдамида Мовароуннаҳрнинг ички ишларига ҳам тез-тез аралаша бошлади. 1158 йилда у катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Бу вақтда қорахитойларга вассал бўлган қорахонийлар кўчманчи қарлуқ қабилалари билан жанг олиб боришаётган эди. Эларслан қарлуқларга Бухоро ва Самарқанд учун олиб борган жангларда ёрдам берди. Лекин қорахитойлар қўшинлари ёрдамга етиб келиши билан Эларслон Хоразмга қайтишга мажбур бўлди. У бир неча марта Хуросонга юриш қилган бўлса-да, муваффақиятга эриша олмади. 1171—1172 йилларда қорахитойларнинг катта қўшини Хоразмшоҳнинг ўлпонни ўз вақтида тўламаётганлигини баҳона қилиб Хоразм устига юриш қилди. Эларслоннинг буйруғи билан Сирдарёдаги катта тўғон бузиб ташланди ва катта майдон сувга бостирилади. Бу қорахонийлар қўшини юришини қийинлаштирди ва Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч)ни талон-тарож қилишдан сақлаб қолинди.

Лекин қорахонийларнинг бу босқини даврида Эларслон вафот этди. Ундан кейин Хоразм тахтини унинг кичик ўғли Султоншоҳ эгаллайди. Эларслоннинг катта ўғли Алоуддин Такаш Қорахитойлар ёрдами билан ўкаси Султоншоҳдан тахтни тортиб олишга эришди. Султоншоҳ Хуросонга қочишга мажбур бўлди. Шундан сўнг Алоуддин Такаш (1172—1200 й) Хоразмда маҳкам ўрнашиб, қорахитойларга ваъда берган ўлпонни тўлашдан бош тортади. Бунга жавобан қорахитойлар Хоразмга яна юриш қиладилар, лекин муваффақиятсизликка учраб, Султоншоҳ ихтиёрига бир кичик қўшин қолдириб ўзлари орқага қайтадилар. Султон-

шоҳ эса қўшин билан Марв шаҳрини, Серахс ва Тусни эгаллади.

Қорахитойларнинг муваффақиятсиз юришларидан кейин, Такаш ўз давлатини янада мустақкамлади, Мовароуннаҳрга, Хуросонга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. У Мовароуннаҳрни эгаллай олмаган бўлса-да, лекин Хуросонни бир неча туманларини босиб олди. Лекин Хоразмшоҳ Такашнинг Хуросонда кучли ва хавфли рақиби бор эди. Бу тобора кучайиб бораётган Ғурийлар давлати эди. Ғур вилояти ҳозирги Афғонистондаги Херируд дарёси бўйида, Хиротдан Балхгача, Қобулдан Ғазнагача чўзилган вилоят бўлиб, бу ерда асосан форсий қабилалар яшаган. Сўнги Салжуқийлар даврида Ғур вилояти ўз мустақиллигини анча мустақкамлади.

1150—51 йилларда ғурийлар ҳокими Алоуддин Ғазнавийлар сулоласи султони Баҳромшоҳ устидан ғалаба қозониб, Ғазна шаҳрини вайрон қилган эди. Ғазнавийларга сўнги зарбани 1186—87 йилларда Ғурийлар ҳокими Ғиёсиддин Муҳаммад берди. Шундан сўнг Ғурийлар ҳозирги Афғонистонни ҳамда Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий районларини ҳам маълум вақт эгаллаб турдилар. Хуросонда Салжуқийларнинг кучсизланганидан фойдаланиб Ғурийлар Султони Ғиёсиддин Муҳаммад 1175 йилда Хиротни эгаллади ва Хуросоннинг марказий районларига ҳужумлар уюштириб турди. Қорахитойларнинг вассали ҳисобланган Хоразмшоҳ Такаш эса Хоразмни қорахитойлар қўлидан қутқариш учун катта куч сарфлашга мажбур бўлди. Фақат XII асрнинг 80 йилларида у Хуросонда баъзи бир ютуқларни қўлга киритди. 1187 йилда у Нишопурни, 1192 йилда Рай шаҳрини, 1193 йилда Марв шаҳрини эгаллади. Бағдод халифаси Наср (1180—1225) ва Ғарбий Салжуқийлар Султони Тоғрул II ўртасидаги низодан фойдаланиб, Такаш қўшинлари 1194 йилнинг март ойида Тоғрул II га қарши уруш очди ва уни енгиб Ғамадон шаҳрини эгаллади. Тоғрул II эса жангда ўлдирилди.

Хоразмшоҳнинг тобора кучайиб бораётганидан хавфсизираган Халифа Наср қўшинлари Такашга қарши чиқдилар. 1196 йилнинг июн ойида хоразмликлар халифа қўшинларини енгдилар. Шу тариқа Эроннинг катта қисми Хоразмшоҳлар қўлига ўтди ва Хоразм давлати ҳу-

дуди бирданига икки бараварига кенгайди. Хоразм давлати энди Бағдод халифасига тегишли жойлар ва Ғўрийлар билан чегарадош бўлиб қолди. 1200 йилда Такаш вафот этди ва шундан кейин Ироқда халқ қўзғолони кўтарилди, бу ердаги Хоразм қўшинларининг катта қисми қириб ташланди, қолганлари Хуросонга чекинишга мажбур бўлди. Хоразмшоҳлар ичида Такаш энг талантли лашкарбоши ва ҳукмдор эди. У жуда оғир вазиятда Олд Осиё ва Марказий Осиёнинг катта қисмини бирлаштириб қудратли давлат тузишга муваффақ бўлди.

Лекин Такашнинг катта хатоси шунда эдики, у ўзининг хотини Туркон Хотун мансуб бўлган қипчоқлар қабиласига катта эркинликлар берди, уларни доимо қўллаб-қувватлади. Туркон Хотуннинг давлат ишларига аралашуви Хоразмдаги ички низоларнинг кучайишига олиб келди. Такашнинг ўлиmidан кейин Хоразм тахтига унинг ўғли Алоуддин Муҳаммад ўтирди (1200—1220 й.й) 1203 йилда Муҳаммад қорахитойларнинг ёрдами билан Хуросонни бутунлай босиб олди. Ҳиротни ва яқин атрофларини эгаллади, 1207 йилда у ўз пойтахтига қайтиб Мовароуннаҳрни босиб олиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Шу йилнинг ўзидаёқ Муҳаммад Мовароуннаҳрга катта куч билан ҳарбий юриш бошлади. Бунинг сабаби Бухорода кўтарилган халқ қўзғолони эди. Бу қўзғолон 1206 йилда Бухоро садри (ҳокими) Муҳаммад ибн Абдулазизга қарши қаратилган эди. Бухоро садрларига хос барча ёмон хислатлар бу одамда мужассам эди. У халқдан катта солиқлар олиб, уларни шафқатсизларча эзар эди. У диний раҳбар бўлишига қарамасдан айш-ишратга, овга муккасидан кетган эди.

Бухорода унинг зулмига қарши халқ ҳаракатининг асосий кучлари шаҳар ҳунармандлари эди, қишлоқ аҳолиси — деҳқонлар бу ҳаракатни қўллаб қувватлади. Бу қўзғолоннинг бошлиғи қалқон ясовчи устанинг ўғли Малик Санжар исмли шахс эди. Қўзғолончилар садр Муҳаммадни оиласи билан қувиб чиқардилар. У қорахитойлардан ёрдам сўради. Лекин Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахитойлардан олдинроқ ҳаракат қилиб Бухорони босиб олди ва шу тариқа Мовароуннаҳрни Хоразм таркибига қўшиб олиш бошланди. Қўзғолончиларнинг бошлиғи Малик Санжар Урганчга олиб кетилди.

Мовароуннаҳр халқи Хоразмшоҳни қорахитойлар

зулмидан қутқарувчи куч сифатида қарши олди. Муҳаммад Хоразмшоҳ қорахитойларнинг вассали бўлган Самарқанд ҳокими (қорахонийлар сулоласидан) Усмон билан дўстона муносабат ўрнатди. Бу эса қорахитойларнинг Самарқандга юриш қилишига олиб келди ва улар шаҳарни босиб олдилар. Бу вақтда мўғул қабилаларидан бири бўлган найманлар қорахитойларнинг Еттисувдаги ерларига бостириб кирдилар. Шунинг учун қорахитойлар шошилини равишда орқага қайтишга мажбур бўлдилар. Қорахитойларнинг қийин аҳволга тушиб қолганидан фойдаланган Хоразмшоҳ Самарқандни эгаллаб (Усмон унинг вассалига айланди) қорахитойлар устига юриш қилди ва Талас водийсида 1210 йилда қорахитойлар қўшини устидан ғалаба қозонди. Бу ғалаба туфайли Муҳаммад Хоразмшоҳнинг аҳволи анча мустаҳкамланди. Самарқанд ҳокими Усмон Хоразмшоҳнинг тўлиқ вассалига айланди ва унинг куёви бўлди.

Солиқларнинг ҳаддан ташқари ошиб кетганлигидан норози бўлган Самарқанд халқи 1212 йилда қўзғолон кўтарди. Катта қўшин билан Хоразмшоҳнинг ўзи Самарқандга кириб бориб қўзғолончилардан шавқатсизларча ўч олди ва ўз куёви Усмонни ҳам ўлдирди. Шундан сўнг у Мовароуннаҳрдаги вазиятни ўз фойдасига ҳал этиш учун Фарғонани Усмоннинг укаси Қодирдан тортиб олди. Ўзган шаҳрини ҳам эгаллади ва шу тариқа қорахонийлар сулоласи бутунлай тугатилди. Қорахитойлар сулоласини эса кўчманчи найманлар Кучлук раҳбарлигида тугатдилар. Хоразмшоҳ Марказий Осиёни бутунлай эгаллагандан сўнг Ғарбга юриш қилди ва тез орада Эрон ва Афғонистонни босиб олди. Ҳаттоки Бағдод халифасини ағдаришга уриниб кўрди.

3- §. УРТА ОСИЕ ХАЛҚЛАРИ МЎҒУЛ ДАВЛАТИ ТАРКИБИДА

Мўғуллар давлатининг ташкил топиши ва улар ҳужуми арафасида Хоразмшоҳлар давлати

ХII асрда Хоразмшоҳлар Мовароуннаҳр вилоятларини бирлаштиришга ҳаракат қилаётган бир пайтда Мўғулистондаги турли қабила ва уруғлар ўртасида сиёсий курашлар авж олган эди. Бу даврда уларда уруғ ай-

моқчилик муносабатлари кучли бўлиб, асосан улар кўчманчи чорвачилик, овчилик, ва ўзаро мол айирбошлаш билан шуғулланар эдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, XII асрнинг охири—XIII асрнинг бошларида ўзаро бир-бирига душман бўлган турли қабилалар (мўғуллар, татарлар, найманлар, керайтлар, маркитлар ва бошқ.). Ўртасида синфий ва сиёсий курашлар натижасида кўчманчи феодал оқсуякларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган давлатнинг ташкил топиши жараёни юз бермоқда эди. XIII асрнинг бошларида Мўғулистон жамиятида феодал муносабатларнинг ривожланиши бу жараёни янада тезлаштирди.

Бир-бирлари билан ўзаро кураш олиб бораётган кўчманчи мўғулларни бирлаштирган ва ҳарбий жиҳатдан анчагина кучли бўлган ярми кўчманчи давлат тузган кишининг исми Темучин бўлиб, у 1206 йилда чақирилган мўғул зодагонлари қурултойида «Чингиз» лақабини олди, бу ном кучли, бақувват деган маънони билдиради. Чингизхон кўчманчи қабилалар орасидан чиққанлигига қарамай ҳарбий ишда анчагина юқори қобилият эгаси эди. У ўз давлатини янада мустақкамлаш ва барқарорлаштириш ҳамда доимий ҳарбий юришлар олиб бориш мақсадида кўп сонли, интизомли ва уюшган ҳарбий қўшин тузишга катта эътибор қаратган эди.

XII асрда яшаб ўтган эронлик муаррих Жувайний маълумотиغا қараганда, ҳарбий юришлар бўлмаган тинч шароитларда Мўғулистон аҳолиси ўз ихтиёрича чорвачилик билан машғул бўлган, ҳарбий даврларда эса барча мўғул аҳолиси ўн, юз, минг, ўн минг, аскар—туман бўлинмаларидан иборат мунтазам қўшинга айлантирилар эди. Чингизхон жорий этган қонунга мувофиқ ҳар бир жангчи уруш пайтида ўзига зарур бўладиган барча анжом-аслаҳани ўқ-ёй, ханжар, қилич, қалқон, найза, арқон, қозон, игна, болта кабиларни ўзи билан олиб юришга мажбур этилган. Ҳарбий қўшинларнинг бошлиқлари ўнбоши, юзбоши, мингбоши, туманбоши деб аталиб улар мўғул оқсуякларидан иборат бўлган. Мўғул қўшинлари жангларда ниҳоятда интизомли бўлиши билан бир қаторда душманга нисбатан шавқатсиз эдилар. Асосий қўшинлардан ташқари Чингизхон ихтиёрида махсус тузилган хос навкарлар ҳам бўлиб, у «кешик» деб аталган. Кешик сараланган ҳарбий зодагонлардан иборат бўлиб, фақат фавқулоддаги ҳоллардагина жангга кирар эди.

Чингизхон кучли мунтазам ҳарбий қўшин тузиш билан биргаликда ўз давлатининг маъмуриятини марказлаштириш чораларини ҳам кўрди. (Шу мақсадда у Мўғулистондаги Қорақурум қалъасини ўз давлатининг марказига айлантирди. Мўғуллар кўчманчи қабилалар бўлиб, асосан чорвачилик билан шуғулланганликлари сабабли улар маданий жиҳатдан анчагина қолоқ эдилар. Шунинг учун ҳам Чингизхон ўз давлатининг бошқарув тизимида, айниқса, хат-савод ва муншийлик ишларида уйғурлар ва Мўғулистон билан алоқада бўлган шарқ савдогарларидан кенг фойдаланди. Чингизхон ҳамда унинг нўёнларининг маслаҳатчилари ва мирзолари асосан уйғурлар эди. Масалан, Шарқий уйғур вилоятининг ҳукмдори Эдиқут (Саодатбек) Чингизхоннинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси эди. Ташатун номли уйғур эса давлат муҳрдори лавозимини ҳамда мўғул шаҳзодаларини саводини чиқарувчи устод вазифасини бажарган.

Кўчманчиларнинг улкан ва мустаҳкам давлатини барпо этиш ҳамда беҳисоб бойликлар орттириш иштиёқида ёнган Чингизхон, табиийки, фақат Мўғулистонда ҳокимиятни қўлга олиш билан чекланиб қолмади. У ўзининг интизомли ҳарбий кучларига таяниб истилочилик юришларини бошлаб юборди ва қўшин давлатларни бирин-кетин босиб ола бошлади.

1206 йилда Чингизхон ўжар найман қабилаларини ўзига бўйсундирди. 1207—1108 йилларда Энасой (Енисей) ҳавзаси, Еттисув вилоятининг шимолий қисми босиб олиниб уйғурлар ҳам таслим бўладилар. 1209 йилда Чингизхон Хитойнинг шимоли-шарқий томонидаги Танғут мамлакатига ҳужум қилиб катта ўлжалар ва кўп-кўп одамларни қул қилиб Мўғулистонга олиб кетди. 1211—1214 йиллар мобайнида Чингизхон Хитойга бир неча марта талончилик юришлари қилиб ўша вақтда донғи кетган Цзинь армиясига зарбалар берди. 1215 йилда у Шимолий Хитойга яна бир бостириб қириб бу сафар унинг пойтахти Чжунду (Пекин) шаҳрини ишғол қилди ва Цзинь сулоласини ағдариб ташлаб Шимолий Хитойни ўз давлатига қўшиб олди.

Чингизхон Марказий Осиёга юришга катта эътибор бериб қаттиқ тайёргарлик кўрди. Ўз навбатида Хоразмшоҳ ҳам Чингизхон давлатининг куч-қудратини билиб олиш ва у ҳақда маълумотлар тўплашга киришган эди. Шу мақсадларни кўзлаб иккала давлат ўртасида

элчилик муносабатлари қарор топди. Ҳар иккала томондан савдо—карвонлари сафида юборилган элчилар ва савдогарлар ўз навбатида турли маълумотлар тўплаб айғоқчилик вазифасини ҳам бажарар эдилар. Элчилик муносабатлари 1215 йилда бошланиб бунда Муҳаммад Хоразмшоҳ Баҳовуддин Розий бошчилигидаги ўз элчиларини Чингизхон ҳузурига юборади. Чингизхон элчиларни Пекинда қабул қилади. У элчилардан, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳни «Ғарбнинг соҳибқирони» деб, ўзини эса «Шарқнинг подшоҳи» деб ҳисоблашини Хоразмшоҳга етказишларини сўрайди. Шунингдек, Чингизхон, ўзаро тотувлик ва дўстлик қарор топиб, икки мамлакат ҳудудларида савдогарларнинг эркин қатнови тарафдори эканлигини билдиради.

Чингизхон ҳам ўз навбатида қимматбаҳо моллар ва совғалар ортилган катта карвонни ўз элчилари билан Хоразмшоҳ ҳузурига юборади. Бу савдогарлар ва элчилар карвонига хоразмлик савдогар Маҳмуд Яловоч бошчилик қилар эди. Муҳаммад Хоразмшоҳ бу элчиларни 1218 йил баҳорида Бухоро шаҳрида қабул қилади. Элчилар Чингизхон Хоразмшоҳ ҳақида яхши фикрда эканини ва уни қудратли подшоҳ деб билиб ўзининг энг ардоқли ўғиллари қаторида кўриб дўстона шартнома тузишга тайёр эканлигини билдиришади. «Энг ардоқли ўғиллари қаторида кўриш», шубҳасиз Шарқ дипломатиясида Чингизхоннинг Хоразмшоҳни ўзига қарам қилиб олиш нияти бор деган маънони англатар эди. Уша пайтда Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзини «Искандари соний» («Иккинчи Искандар Зулқарнайн») деб атаганлиги сабабли бундай «илтифот» унга ёқмайди. У элчилар бошлиғи Маҳмуд Яловочни ўз ҳузурига пинҳона чақириб Чингизхонга эмас Хоразмшоҳга хизмат қилишни, Чингизхон ва унинг давлати ҳақида маълумотлар беришини, кейинчалик Чингизхон давлатида Хоразмшоҳнинг жосуси бўлиб қолишини таклиф этиб; унга қимматбаҳо буюмлар ҳадя этади. Уша пайтдаги қалтис вазиятдан қўрққан Яловоч Хоразмшоҳ таклифини қабул қилади ва Чингизхон ҳузурига боргач буларнинг барчасини унга маълум қилади.

1218 йилнинг ўзидаёқ Чингизхон Хоразмшоҳ ҳузурига жуда катта савдогарлар ва элчилар карвонини жўнатади. 500 та туядан иборат бу карвон олтин, кумуш, хитой ипағи ва бошқа қимматбаҳо буюмлар олиб келатган эди. Карвон таркибида 440 киши бўлиб улар —

савдогарлар, оқсуяк мўғуллар ва хоннинг ишончли одамларидан иборат эди. 1218 йилнинг охирида қарвон чегара шаҳар бўлган Утрорга етиб келади. Шаҳар ноиб Иналхоннинг буйруғига кўра қарвон талон-тарож қилиниб, барча савдогарлар ва элчилар қатл этилган.

Бундан хабар топган Чингизхон қарвонни талон-тарож қилиб элчиларни ўлдирганлиги учун жазолаш мақсадида Утрор ҳокими Иналхонни ўзига беришни талаб қилиб Хоразмшоҳга одам юборади. Аммо Хоразмшоҳ унга рад жавобини беради. Бу ҳар иккала давлат ўртасида дўстона ва элчилик муносабатлари бузулганлигидан ва улар ўртасида ҳарбий тўқнашувлар муқаррар эканлигидан далолат берар эди.

Мўғуллар ҳужуми арафасида Хоразмшоҳлар давлатида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол анчагина мураккаб эди. XIII асрнинг бошларида Хоразмшоҳлар давлатида мансабдор шахсларнинг кўпчилик қисми катта ер-сувли маҳаллий оқсуяк бойлардан иборат эди. Ўзлари йирик феодал гуруҳларга мансуб бўлган бу мансабдор шахслар давлат танг аҳволга тушиб қолган пайтларда подшога итоат этмай ўз билганларича иш тутар эдилар. Кўпгина вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари расмий Хоразмшоҳни тан олсалар ҳам аслида ҳокимиятни муштақил бошқарар эдилар. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳокимлиги қудратли давлат доирасида кучли нуфузга эга эмас эди. Ҳарбий феодал мулк эгалари ҳамда олий табақадаги руҳонийлар ҳукмдорнинг ҳукмронлик доирасини маълум чегарада ушлаб туришга ҳаракат қилар эдилар.

Мўғуллар ҳужуми арафасида мамлакат тушкунликка тушишининг яна бир сабаби шунда эдики, бу ерда оддий аҳолининг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Халқ барча солиқларни доимий тўлаб туриш билан бирга баъзи йилларда уч мартадан солиқлар тўлашга мажбур этиларди. Бунинг натижасида 1206 йилда Самарқандда, 1212 йилда Самарқанд ва Бухорода оддий аҳолининг кўзғолонлари кўтарилди. Аммо бу ҳаракатлар Хоразмшоҳ томонидан шафқатсизларча бостирилди. Хуллас, ўзаро ички низолар ва оддий халқнинг норозилиги кучайиб мамлакат тобора инқирозга юз тутиб бормоқда эди. Чингизхон буларнинг барчасидан хабардор бўлиб, агар ўзи Марказий Осиё ерларига ҳужум қилса оддий аҳоли ва алоҳида вилоятлар ҳукмдорлари Муҳаммад Хоразмшоҳни қўллаб-қувватламаслигини, халқ орасида

унинг обрўйи ниҳоятда пасайиб кетганини яхши биларди.

Мўғулларнинг Марказий Осиёга ҳарбий юришлари. Темур Малик. Жалолоiddин

1218 йилги Утрор воқеалари анча вақтдан буён Хоразмшоҳ давлати устига ҳужум қилишни режалаштириб юрган Чингизхонга баҳона бўлди холос. 1219 йилнинг сентябрида Чингизхон барча қўшинларини Утрор шаҳар атрофига тўплади ва уларни тўрт йўналиш бўйича ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун тақсимлади. Қўшинларнинг бир қисмини ўғиллари Уқтой (Уғадой) ва Чигатой бошчилигида Утрор шаҳрини қамал қилишга қолдирди. Иккинчи қисмига Жўжихон бошлиқ этиб тайинланди, ва Сирдарёни қуйи оқими бўйлаб ҳаракат қилиб, Сигноқ, Узганд, Жанд, Яникент, шаҳарларини эгаллаш лозим эди. Учинчи қўшинга Олоқнўён бошлиқ қилиб бу қўшин Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб ҳаракат қилиб Бинокат ва Хўжанд шаҳарларини эгаллашлари лозим эди. Чингизхоннинг ўзи эса асосий кучлар билан марказдан Бухоро томон ҳаракатлар бошлади.

Утрор воқеаларидан бирмунча олдинроқ мўғуллар ҳужуми хавфини сезган Хоразмшоҳ юксак мартабали феодал зодагонлар ва ҳарбий бошлиқлари билан ҳарбий кенгаш чақирган эди. Кенгашда душманга зарба беришда ягона, пухта режа ишлаб чиқиш ўрнига фикрлар турлича чиқди. Шунингдек, кенгашда ҳозир бўлган Хива вакили Шаҳобиддин Хевақий энг тўғри фикр билдирди. Унинг режаси бўйича, Хоразмшоҳ қўшинлари ягона қўмондонлик остида Сирдарё бўйларида тўпланиб узоқ йўлдан ҳориб келган душманга чегарадаёқ тўсатдан зарба бериши лозим эди. Бироқ Султон Муҳаммад бу режани қабул қилмади. Чунки у ўз лашкарбошиларига унчалик ишонмас эди. Хоразмшоҳ таклифига биноан қўшинлар мўғуллар билан урушда асосан мудофаа усулини қўллайдиган бўлди. Унинг фикрича, қўшинлар қалъа ва шаҳарларга бўлиб ташланди. Қўшинларнинг бўлиб ташланиши эса қудратли рақиб билан курашда мағлубиятга олиб келарди.

Хоразмшоҳ унча ишончли бўлмаган маълумотларга асосланиб мўғуллар барча кучлар билан ягона йўналишда яъни, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига ҳужум

қилади деб ўйлаган эди. Шунинг учун ҳам бу шаҳарларни мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга фармон берди. Самарқандда баъзи бир мудофаа ишлари бошланган бўлса ҳам улар охиригача етказилмади. Бухорода эса бу мақсадда ҳеч қандай чоралар кўрилмади. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, Чингизхон „Утрор атрофида пухта режа асосида ўз қўшинларини ҳужумга тайёрлаган пайтда Хоразмшоҳ на ҳужумга ва на мудофаага тайёр эмас эди.

Утрорни эгаллаш учун қолган мўғул қўшинлари уни беш ой давомида қамал қилиб турдилар. Шаҳар ҳокими Иналхон мудофаани қаттиқ ташкил этишга харчанд уринмасин бунинг уддасидан чиқолмади. Ундан ташқари Муҳаммад Хоразмшоҳ сиёсатидан норози бўлган ҳимоячиларнинг ярми Қорача Ҳожиб бошчилигида мўғулларга таслим бўлди. Утрор шаҳри эгаллангандан кейин, шаҳристон аҳолиси бирмунча фурсат қаршилиқни давом эттирдилар. Аммо кўп ўтмай уларнинг ҳам қаршилиги синдирилди. Утрорда оммавий қирғин бошланиб, шаҳар шавқатсиз талон-тарож этилди.

Асосий қўшинлар билан Бухорога йўналган Чингизхон йўлда Зарнуқ ва Нур (Нурота) қалъаларини эгаллади. Бу шаҳарлар аҳолиси мўғул қўшинларини кейинги юришлари учун зарур бўлган қуроллар, отлар ва маҳсулотлар билан таъминлаганидан сўнг шаҳарлар тор-мор қилинди.

1220 йил февралининг бошларида Чингизхон катта кучлар билан Бухорога етиб келди ва уни қамал қилди. Шаҳар ҳимоячилари мўғул қўшинларига нисбатан жуда кам сонли эдилар ва ҳимояга деярли тайёр эмасдилар. Шунга қарамасдан мўғуллар Бухорода жуда қаттиқ қаршилиққа дуч келдилар. Мудофаачиларга Ихтиёрдин Қушлу, Ҳамид Пура Қорахитой, Суюнчон кабилар бошчилик қилардилар. Аммо қаршилиқ кўрсатиш узоқ давом этмади. Камалнинг учинчи куни ҳимоячиларнинг катта қисми уларни ўраб турган мўғул қўшинлари ҳалқасини ёриб ўтдилар ва Амударёнинг нариги ёғига қочиб кетдилар. Лекин ўз жонажон шаҳарини ташлаб кетишни хоҳламаган Гўрхон бошлиқ бир неча юз ҳимоячилар шаҳар аркига кириб олиб ҳимояни давом эттирдилар. Аркдаги ҳимоя бир неча кун давом этди. Куч жиҳатдан тенг бўлмаган ҳимоячилар қаҳрамонона ҳалок бўлганларидан кейингина арк эгалланди.

Мўғуллар Бухорони эгаллаганларидан сўнг шаҳарга

ва унинг аҳолисига ваҳшийларча муомалада бўлдилар. Марказий Осиёнинг қадимий марказларидан бўлган ва бутун Шарқда «Бухорои Шариф» ёки «Бухоро қуббатул Ислому» деб шарафли номлар билан эъзозланган шаҳар ва унинг кўпгина маданий-меъморчилик ёдгорликлари вайрон этилди ёки оёқ ости қилинди. Мингларча аҳоли, ҳунарманду—меъмор, фозилу— олим, савдогару—деҳқон кул қилиниб Мўғулистонга олиб кетилди ёки мўғул аскарлари ва нуёнлари томонидан таҳқирланди. Бундай хўрликларга чидолмаган, омон қолиб қурол ушлашга қурби етадиган аҳоли кечалари мўғулларга тўсатдан ҳужумлар уюштириб уларга кўплаб зиён етказа бошлади. Бундан ниҳоятда ғазаби кўзгаган Чингизхон Бухорога ўт қўйишни буюрди. Бир неча кун ичида шаҳар олов ичида қолиб куйиб кул бўлди.

Бухоро эгалланганидан кейин 1220 йилнинг мартада Чингизхон қўшинлари Марказий Осиёдаги яна бир қадимий ва йирик шаҳар Самарқандга юриш бошлади. Хоразмшоҳ Муҳаммад бу шаҳарни ҳимоя қилишга катта эътибор қаратган бўлиб, бу ерга кўп минг сонли қўшинларни тўплаб ва шаҳар деворлари қисман таъмирланган эди. Муаррих Рашидиннинг маълумотларига кўра шаҳарда жами 110 минг мудофаачи бор эди.

Уша давр тарихчиларининг маълумот беришларича, Самарқанд бир неча йиллик қамалга ҳам дош бериши мумкин эди. Чунки, шаҳарда ҳарбий ишларга мўлжалланган 20 та фил бор эди. Шаҳар ҳоқими Хоразмшоҳнинг тоғаси Тўғайхон эди. Шаҳардаги оз сонли оқсуяк зодагон гуруҳлари ва кўп сонли ҳунармандлар, майда савдогарлар, атроф деҳқонлар мудофаа учун бир тан бир жон бўлишга тайёр эдилар. Улар Самарқанднинг мудофаа қувватига, озиқ-овқат жамғармаси етарлиликка, Хоразмшоҳнинг ёрдамига ва ниҳоят ўз ғалабаларига ишонар эдилар.

Самарқанд остонасида мўғуллар ва самарқандликлар билан уч кун давомида шиддатли жанглар давом этади. Учинчи кун ҳимоячилардан катта гуруҳи қамални ёриб чиқиб мўғулларга қарши ҳужумга ўтдилар. Афсуски, бу ерда Хоразмшоҳ лашкарбошиларининг ўқувсизлиги туфайли шаҳарликлар қўшинлари қуршаб олинди ва қириб ташланди. Бу эса шаҳар мудофаачилари кайфиятига қаттиқ таъсир кўрсатди. Шундан сўнг шаҳар қозиси ва шайхулислом мудофаани тўхтатиб таслим бўлишга қарор қилдилар ва вакиллари Чингиз-

хон қароргоҳига юбордилар. Тўғайхон бошлиқ 30 минг нафар Хоразмшоҳ қўшинлари Чингизхон томонига ўтдилар.

1220 йилда апрел тонгларидан бирида шайхулислом бошлиқ Самарқанд руҳонийлари ва оқсуяк зодагонлари шаҳар дарвозасини мўғулларга очиб бердилар. Шаҳарда оммавий қирғин бошланди. Мўғуллар фақат руҳонийлар ва уларнинг раҳнамоларига шавқат қилдилар холос. Қолган тирик жон борки қаршилиқ кўрсатса қиличдан ўтказилди. Тўғайхон бошлиқ 30 минг аскар ҳам тунда қуршаб олинди ва битта қўймай қириб ташланди. Самарқандни бутун дунёга машҳур қилишда катта аҳамиятга эга бўлган қўли гул уста меъморлар ва ҳунармандлар ҳамда Самарқанд атрофида ажойиб боғлар барпо этган боғбонлар умуман 30 мингга яқин аҳоли қул қилиб олиб кетилди. «Сайқали рўи замин» деб ардоқланган шаҳар вайрон этилиб харобазорга айлантирилди.

Энди шу ўринда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қўрқоқ ва субутсизлигига эътибор бериш лозимки, Самарқанд остонасида унинг лаёқатсиз қўшинлари мўғуллар билан жанг қилаётган бир пайтда у Амударё бўйларида жанг натижаларини кутаётган эди. Самарқанд таслим бўлаётганини эшитгач Амударёдан ўтиб Эрон ҳудудларига — Табаристонга қочиб кетди ва Қаспий денгизининг жанубидаги ороллардан бирида жон сақлашга қарор қилиб кўп ўтмай шу ерда касалланиб вафот этди. Хоразмшоҳ қочиб ҳукмдорсиз қолган Мовароуннаҳр аҳолисининг бундан кейинги қаршилиги унчалик қаттиқ бўлмади (баъзи шаҳарлар бундан мустасно) ва мўғул ҳужумининг натижалари аввалдан маълум бўлиб қолди.

Бу даврда мўғуллар бошқа йўналишларда ҳам истилочилик юришларини давом эттириб Марказий Осиё шаҳарларини бирин-кетин қўлга олардилар. Жўжиҳон бошляқ Сирдарёнинг қуйи оқими шаҳарларни йўналиши бўйича жўнатишган қўшинлар Сигноқ шаҳрига ҳужум бошлади. Шаҳар аҳолиси Жўжининг таслим бўлиши ҳақидаги таклифни рад этди. Унчалик катта бўлмаган Сигноқ аҳолиси етти кун давомида кучлар тенг бўлмаган қаттиқ қамалга дош бериб турдилар. Саккинчи кун шаҳар таслим бўлди ва унинг аҳолиси битта қўймай қириб ташланди. Бу воқеалардан даҳшатга туш-

ган Узган аҳолиси эса мўғулларга жангсиз таслим бўлди.

1220 йилнинг апрелида Жўжи Жанд шаҳри устига қўшин тортди. Жанд шаҳри ҳокими Қутлуғхон қочиб кетган бўлса ҳам шаҳар аҳолиси уч кун давомида мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Аммо, тўртинчи кун шаҳар эгалланиб, унинг қаршилик кўрсатган аҳолиси қаттиқ жазоланди.

Марказий Осиёда мўғул босқини ҳақида гап борар экан, Хўжанд мудофааси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Шаҳар мудофаасига маҳаллий феодаллардан бўлган шаҳар беги Темур Малик бошчилик қилди. Мўғул қўшинлари бир муддат шаҳарни муваффақиятсиз қамал қилиб турдилар. Мудофаачилар қаттиқ қаршилик кўрсатганидан хабар топган Чингизхон Бухоро ва Самарқандни қамал қилган катта кучларни Хўжандга ташлаш ҳақида буйруқ берди. Шундан сўнг Темур Малик қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини тушуниб, мингдан зиёд ўзига содиқ қўшинлари билан Хўжандни ташлаб чиқиб, шаҳардан бир километр чамаси узоқликда жойлашган Сирдарёдаги оролчага жойлашиб олди.

Бу оролча мудофаа учун катта қулайликларга эга эди. Мўғуллар асирлар кучидан фойдаланиб оролча ўтадиган йўл (кўтарма) тиклашга ҳарақат қила бошладилар. Чунки душман ўқлари оролчага етиб бормас эди. Темур Малик аскарлари кўтармани тунда ва тонгда бориб бузиб ташлайвердилар. Шунинг учун ва қирғоқларга қўққисдан ҳужумлар қилиб туриш мақсадида оролчадаги ҳимоячилар 12 та қайиқнинг устига наमत ёпиб унинг устидан лой суваб ўқ ва олов ўтмайдиган қилиб қўйган эдилар.

Мўғулларни катта кучлар билан ҳаракат қилишларига қарамай мудофаачилар қаттиқ туриб қаршилик кўрсатдилар. Оролчани уларга беришни асло хоҳламادилар. Лекин ҳимоячиларда озиқ-овқат заҳиралари тугагач, Темур Малик қолган жангчиларини омон сақлаш мақсадида оролчани ташлаб кетишга мажбур бўлди ва тунда дарё оқими бўйлаб сузиб кетади.

Дарёнинг иккала соҳили бўйлаб кўп сонли мўғул отлиқлари борар ва хўжаңдликларни қамондан тинимсиз ўққа тутар эди. Баъзи бир ўша давр муаррихларининг маълумотларига қараганда мўғуллар дарёдагиларнинг олдидан чиқиб, иккала қирғоқда занжир кўринишида

ҳужум қиладилар. Темур Малик бу занжирни қийинчилик билан ёриб чиқади. Жанд шаҳри ёнида эса мўғуллар дарёни кемалар ва сузувчи кўприклар билан тўсишга муваффақ бўладилар. Мудофаачилар қирғоққа чиқиб улар билан жанг қилишга мажбур бўладилар. Кучлар тенг бўлмаган бу жангда Темур Маликнинг деярли барча аскарлари ҳалок бўлади. Узи эса кичик бир гуруҳ билан Хоразмга, қолган қутган Хоразмшоҳ қўшинлари тўпланган ерга етиб олади.

Хоразмда Темур Малик урушга қурби етадиган каттагина қўшин тўплаб, мўғулларга қарши кураш олиб боради. Ҳатто Сирдарёнинг қуйи оқимларидаги Яникент шаҳрини улардан тортиб олади. Лекин Темур Малик билан бошқа Хоразмшоҳ лашкарбошилари ўртасида бирлик йўқ эди. Шу сабабли Темур Малик енгилиб дастлаб Хуросонга, кейин эса Сурияга ўтиб кетади. Умрининг охирида Хўжандга дарвеш сифатида келиб шу ерда вафот этади.

1220 йилнинг кузида мўғуллар қаттиқ ҳужумлар билан Термиз шаҳрини эгаллаб уни талон-тарож қилди ва вайронага айлантирди. Энди Чингизхон Шарқнинг энг бой ва гўзал шаҳарларидан бири Хоразмшоҳларнинг маркази, таянчи бўлган Урганч шаҳрини эгаллашга бел боғлади.

1221 йилнинг бошида Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғиллари Узлоқшоҳ, Оқшоҳ ва Жалололидинлар Эрондан қайтиб келиб, Хоразмшоҳ вафот этганини ва Жалололидинни тахтга ворис этиб қолдирилганлиги ҳақида хабар берадилар. Бу хабарга саройдаги лашкарбошилари қаттиқ норозилик билдирадилар. Улар Жалололидинни ёмон кўрардилар ва шунинг учун Узлоқшоҳ билан биргаликда унга қарши турли хил ифволар қила бошлайдилар. Орадан кўп ўтмай Жалололидинга қарши уюштирилган фитна ҳам фош этилади.

Жалололидин бундай шароитда тахтни бошқара олмаслигига кўзи етгач укаси Узлоқшоҳ фойдасига тахтдан воз кечади ва Темур Маликнинг кичик гуруҳига қўшилиб яширинча Хуросонга ўтиб кетади. Кўп ўтмай Узлоқшоҳ ҳам Урганчдан қочади. Хоразм тахти кўрқоқ ва бўшанг қипчоқ амири Хумортакин қўлида қолади ва у Урганч мудофаасини яхши ташкиллаштиришга ваъда беради.

Бу пайтга келиб Шимолдан Жўжиҳон, Бухоро тарафдан эса Чигатой бошлиқ мўғуллар Урганчга яқин-

лашиб қолган эди. Шаҳар аҳолиси мудофаага яхши тайёргарлик кўриб, мўғулларга қаршилиқ кўрсатдилар. Аммо кўрқоқ амир Хумортакин мўғулларга шаҳар дарвозасини очиб берди. Шаҳарда даҳшатли хунрезликлар бошланди. Урганч ичида олиб борилган қаршилиқ ҳаракатларига ўз даврининг буюк алломаси—шайх Нажмиддин Кубро номи билан шуҳрат қозонган 76 ёшли Аҳмад ибн Умар Хивакӣй бошчилик қилди. Нажмиддин Кубронинг «Е. Ватан, ё шарофатли ўлим», деб қилган хитоби урганчликларга куч-қувват бағишлади. Манбаларда ёзилишича, Нажмиддин Кубро бошчилигидаги қаршилиқ ҳаракати беш ой давом этади. Мўғуллар ҳеч бир шаҳарда бунчалик кўп талофат кўрмаган эдилар.

Чингизхон Нажмиддин Куброга аҳли аёнлари билан шаҳар ташқарисига чиқиб жон сақлашни таклиф этади. Нажмиддин Кубро унинг бу таклифига рад жавоб бериб ўз ватандошлари билан ҳалок бўлишни афзал кўради. Шиддатли жангларда оғир ярадор бўлган Нажмиддин Кубро кўп ўтмай ҳалок бўлади.

1221 йилнинг охирларига келиб Чингизхон деярли бутун Марказий Осиё ҳудудида ўз ҳукмдорлигини ўрнатиб бўлган эди. Бу ҳудудда энди унга хавф соладиган куч йўқ эди. Аммо Ғарбда—Эронда, Шарқда—Ҳиндистонда мўғулларга қарши кураш давом этарди.

Жалолоддин Хоразмдан Эронга ўтар экан бу ҳудудларда мўғулларга қарши кураш олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У Нисо шаҳрида кичик гуруҳи билан мўғулларнинг 700 кишилиқ қўшинларини тормор этди. Йўл-йўлакай ўзига жангчилар тўплаб Ғазна шаҳрига 30 минг кишилиқ қўшин билан кириб борди. Ғазнада ҳам кўп сонли ва яхши қуролланган қўшинлар бўлса-да, улар орасида тез-тез низолар бўлиб турар эди. Жалолоддин бу ерда ички низоларни енгиб, лашкарбошилариини ўз қўмондонлиги остига бирлаштиришга муваффақ бўлди ҳамда мўғулларга қарши тура оладиган кучларни бир ерга тўплади. Мўғуллар қўшинларининг ўз ортидан таъқиб этиб келаётганини сезган Жалолоддин улар билан жангга пухта ҳозирлик кўрди.

1221 йилнинг ёзида мўғулларнинг Шики Қутуҳу нўён бошчилигидаги қўшинлари билан Жалолоддин қўшинлари ўртасида Панжшер воҳасининг Парвона даштида қаттиқ жанг бўлиб ўтди. Бу жангда Жалолоддин тўла ғалаба қозонди. Шики Қутуҳунинг қолган-қутган қўшинлари Чингизхон ҳузурига қайтиб кетдилар. Ўзига

тенг келадиган рақиб пайдо бўлганидан қўрқиб кетган Чингизхон Жалололдиннинг куч тўплашига ҳалақит бериш учун барча чораларни кўрди.

1221 йилнинг охирларида Парвона даштидаги ғалабадан сўнг мўғуллардан тортиб олинган ўлжаларни бўлиб олиш пайтида Жалололдин амирлари ўртасида низолар чиқди. Натижада кўпгина амирлар қўшинларини олиб ўз вилоятларига кетиб қолдилар. Бу эса кейинги жангларда ўз таъсирини кўрсатди.

Жалололдин қўшинларининг кучсизланиб қолганлигидан фойдаланган Чингизхон қўшинларга шахсан ўзи бошчилик қилиб Жалололдин устига юриш бошлади. Ғазна шаҳрида Жалололдин муваффақиятсизликка учраб Ҳинд дарёси соҳилларига чекинди. 1221 йилнинг ноябрида бу ерда қаттиқ жанг бўлиб, Жалололдин оғиб кетди. Бу ерда у 10 йил давомида мўғулларга қарши кураш олиб бориб, 1231 йил Курдистон тоғларида ҳалок бўлди.

Араб тарихчиларидан бири Ибн ал-Асир (1160—1244 й.) Марказий Осиёдаги мўғул босқини ҳақида шундай ёзади: «Улар (Чингизхон ўрдаси) ҳеч кимга шафқат қилмадилар, аксинча, хотинлар, болалар, эркакларни ўлдирдилар, ҳомиладор хотинларнинг қорниларини ёриб туғилмаган гўдакларни жувонмарг қилдилар... Бу мусибат тўлқинлари турли томонларга тарқалди ва унинг фожиаси умумий бўлиб қолди ҳамда у шамол булутларни турли томонга ҳайдагани каби бутун вилоятларга ёйилди. Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб Туркистондаги Қашғар ва Баласоғун каби вилоятларни, Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни... вайрон этиб, қирғин қилиб, талон-тарож қилиб эгаллади, Татарлар ҳеч қайси шаҳарни омон қолдирмадилар, кетаётиб вайрон этдилар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар ўзларига ёқмаган нарсаларга ўт қўйдилар».

Дарҳақиқат, мўғул босқини Марказий Осиё халқларига ниҳоятда кўп азоб-уқубатлар келтирди. Талончилик ва ёнғинлар оқибатида Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаробага айланиб уларнинг меҳнаткаш аҳолиси оммавий қирғин қилинди. Натижада кўпгина шаҳарлар ҳувиллаб қолди. Экин майдонларининг пайхон қилиниши, суғориш иншоотларининг бузилиши оқибатида эса қишлоқ хўжалиги ҳам бутунлай издан чиқди.

Шунга қарамасдан Марказий Осиё халқларининг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу кураш мўғул босқинчиларини анчагина кучсизлантириб, уларни ғарбга томон ичкарилаб боришига тўсқинлик қилди.

Мовароуннаҳр Чигатой улуси таркибида

Чингизхон ҳали ўзи ҳаётлиги давридаёқ босиб олган ҳудудларини ўғилларига тақсимлаб берган эди. Уйғурлар ўлкасидан Самарқандгача ва Олтойнинг жанубий қисмидан Амударё соҳилларигача бўлган ҳудудларнинг иккинчи ўғли Чигатойга берилган бўлиб Чигатой улуси деб аталарди.

Мўғуллар кўчманчи халқ бўлганликлари учун давлатни бошқарув ишида анчагина нўноқ эдилар. Шунинг учун ҳам улар жойларда ўзларига ноиблар тайинлаб қўяр эдилар. Мовароуннаҳрни бошқариш хоразмлик йирик савдогар Маҳмуд Яловочга топширилган эди. У Чигатойнинг ноиби ҳисобланиб, Мовароуннаҳрда жуда катта ҳуқуқга эга эди. Жумладан, Мовароуннаҳрдаги солиқ йиғувчи босқоқлар бошчилигидаги мўғул ҳарбий гуруҳлари Яловочга бўйсунар ва у аҳолидан солиқ йиғишни қаттиқ назорат остига олган эди.

Мўғул босқини Марказий Осиёда мавжуд бўлган ижтимоий тузумни ўзгартира олмаган бўлса-да; мамлакатдаги турли синфлар ҳаётида турлича намоён бўлди.

Рухонийлар, савдогарлар ва йирик ер эгалари кўп ўтмай мўғул истилочиларининг таянчига айландилар. Муаррих Рашиддуннинг маълумот беришича, мўғул хонлари ва шаҳзодалари йирик ер эгалари ва савдогарларга маҳаллий аҳолидан солиқлар йиғишларига асосланиб, саҳийлик билан қимматбаҳо ҳадялар улашганлар. Аммо, шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам меҳнаткашларнинг аҳволи ниҳоятда оғир эди.

Деҳқонлар ва хунармандлар ишлаган ерларидан давлатга тўлайдиган йиллик солиқ—хирождан ташқари яна кўплаб солиқлар тўлашлари керак эди. Аҳоли махсус ёрлиқларга асосан ўзлари яшаб турган ҳудудлардан ўтувчи амалдорлар, савдогарлар, руҳонийлар ва хоннинг қариндошларини (улар тўхтайдиган жойлар «ём»—«бекат» деб аталган) турар-жой, озик-овқат ва от-улов билан таъминлашга мажбур эди. Шунингдек шаҳар ва

қишлоқларда жойлашган ҳарбий гуруҳларни ҳам ки-
йим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам оддий
аҳоли зиммасида эди. Ҳунармандлар айниқса қаттиқ
назорат остига олинган бўлиб, улар юқорида эслатил-
ган солиқлардан ташқари мўғул ҳукмдорларига маълум
миқдордаги маҳсулотлар ишлаб берардилар.

Мўғул истилоси Марказий Осиё хўжалигига ҳам кат-
та зарар етказди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошим-
чалиги туфайли белгилаб қўйилган турли тўловлар ва
солиқларнинг бир неча марта оширилиши халқнинг аҳ-
волини чидаб бўлмас даражага етказди. Ўзбошимчалиқ
ва зўравонлик, хавфсизликка қарши ҳеч қандай кафо-
лат берилмагани омон қолган шаҳар ва қишлоқ аҳоли-
сида хўжаликни ривожлантиришга бўлган иштиёқни бу-
тунлай сўндирган эди. Шунинг учун ҳам мўғул босқи-
нидан кейинги дастлабки ўн йилликлар Марказий Осиё
хўжалиги янада ёмонлашиб борди.

Бу маънода шаҳар ҳаёти ва ички савдо нисбатан
бирмунча яхшироқ эди. Мўғул босқинидан бирмунча
муддат ўтиб Самарқандга келган Хитой солномачиси
Чан Чунь маълумотларига кўра, шаҳарда аҳолининг
тўртдан бир қисми қолган бўлиб улар қашшоқ ва оч
эди. Шунга қарамасдан савдо-сотиқ тўхтаб қолмаган
бўлиб бозорларда маҳсулот кўп бўлган. Аммо кейинги
йилларда вазият барқарорлашмай, аҳвол ёмонлашиб
борди. Уша даврга оид Самарқанд тангалари шаҳар-
ларда пул савдоси инқирозга юз тута бошлаганидан да-
лолат беради.

Мўғуллар истилосига қадар иқтисодий жиҳатдан гул-
лаб-яшнаган бошқа йирик вилоятларда ҳам савдо-сотиқ-
нинг аҳволи оғир эди. Масалан, Фарғона, Шош, Термез,
Чағаниён каби бошқа вилоятлар ва шаҳарларда мўғул-
лар босиб олгач деярли тангалар зарб этилмади. Бу
ҳудудларда қандайдир ички савдолар давом этган бўл-
са-да, у кўпинча маҳсулот айрбошлашга асосланган эди.
Савдо-сотиқнинг бундай аҳволда бўлиши ҳунарманд аҳо-
ли ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

XIII асрнинг 30- йилларидан бошлаб деҳқончилик во-
қалари аҳолиси ва шаҳар ҳунармандлари орасида мў-
ғуллар зулмига қарши кураш кучая бошлади. Бундай
ҳаракатлар Бухорода айниқса кучли эди. 1238 йилда
Бухоро яқинидаги Тороб қишлоғида кўтарилган қўзғо-
лонга тороблик ҳунарманд (элак созловчи) Маҳмуд То-
робий бошчилик қилди.

Бу пайтда Бухорони маҳаллий зодагонлар вакиллари бошқарар ва уларнинг зулмлари мўғул хонларникидан кам эмас эди. Шунинг учун ҳам Торобдаги деҳқонлар ва ҳунармандлар иштирок этган қўзғолон ҳам мўғул зулмига ҳам маҳаллий феодаллар зулмига қаратилган эди.

Қўзғолончиларнинг бошлиғи Маҳмуд Торобий бошқа қишлоқлар кўчаларида нутқ сўзлаб аҳолини мўғуллар ва уларнинг гумашталарига қарши курашга чақирар эди. Унинг бу ҳаракатлари Бухоро феодаллари диққатини жалб этди. Улар Маҳмуд Торобийни найранг йўли билан Бухорога чақириб олиб қатл этиш ва қўзғолончиларни йўлбошчисиз қолдиришни режалаштирдилар. Аммо, Маҳмуд Торобий душманларининг режаларини сезиб қолиб Бухорога ўзининг кўп сонли тарафдорлари билан келди. У йўл-йўлакай аҳолини истилочиларга қарши курашга чақирди. Барча атроф қишлоқдаги аҳоли қўзғолончиларга қўшилди.

Маҳмуд Торобий катта қўшинларни тўплагач Бухородаги садрлар руҳонийлари ва бошқа ҳукмдор қатламлар вакилларини чақириб ўзини халифа деб тан олишларини талаб қилди. Улар бу талабга рози бўлмасдан иложлари йўқ эди. Чунки халқ батамом Торобий томонига ўтган эди. Маҳмуд Торобий ҳокимиятни қўлга олгач ўз режаларини амалга оширишга киришди. Садрлар ва бошқа ҳукмрон доиралар вакиллари шаҳардан ҳайдаб юборилди.

Тарихчи Жувайний Маҳмуд Торобий қўзғолонига ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлади ва унинг шаҳар амалдорларига бўлган муносабатини шундай изоҳлайди: «Маълум ва машҳур бўлган кўпчилик одамларни у ҳақорат қилди, уларнинг бир қисми эса ундан қочиб қутулдилар». Ўз навбатида Жувайний «у (Маҳмуд Торобий) оддий халққа ва уй-жойсиз дайдиларга самимий муносабатда бўлди... бойларнинг уйига одам юборди, уларнинг уйларидан қароргоҳ қуриш учун гиламлар ва ўтовлар келтирди» деб ёзишга ҳам мажбур бўлади.

Бухородан қочиб кетган садрлар ва бошқа амалдорлар Қарманда мўғуллар билан биргаликда Торобийга қарши урушга қаттиқ тайёрланган. Бухородан унча узоқ бўлмаган жойда қўзғолончилар билан мўғул қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Қўзғолончилар яхши уюшган ва жангга яхши тайёрланган эдилар. Маҳмуд Торо-

бийнинг ўзи жанг майдонининг энг қизғин жойида жанг қилди. Мўғуллар ва маҳаллий зодагонлар қўшинлари мағлубиятга учраб чекиндилар. Қўзғолончилар уларни Қарманагача таъқиб этдилар.

Аммо, қўзғолон боришида ўзгариш юз берди, у муваффақиятсизликка учради. Қўзғолоннинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси Маҳмуд Торобий Қарамана остонасида ҳалок бўлди. Қўзғолоннинг яна бир моҳир раҳбари, Торобийнинг дўсти Шамсуддин Маҳбубий ҳам ўлдирилди. Орадан бир неча кун ўтгач бошлиқсиз қолган қўзғолончилар бостирилди.

Маҳмуд Торобий қўзғолони нафақат истилочилар ва уларнинг зулми балки, босқинчиларга таянч бўлган маҳаллий руҳонийлар, савдогарлар ва феодалларга ҳам қарши қаратилган эди. Маҳмуд Торобий бойларнинг чекланмаган ҳуқуқларига қарши чиқиб уларнинг мулкларини камбағалларга бўлиб беришни талаб қилгани учун халқ уни қўллаб-қувватлаган эди.

Маҳмуд Торобий қўзғолони бостирилгандан сўнг Чигатой Маҳмуд Яловочни вазифасидан озод этди (1238 йил) ва ўрнига ўғли Маъсудбекни ноиб этиб тайинлади. Яловоч эса Пекинга губернатор этиб тайинланди. Маъсудбек ҳам отасининг сиёсатини давом эттириб улусдан солиқлар йиғиб ҳоқон хазинасига тўлаб турди.

1251 йил Қорақурум (Мўғулистон) шаҳрида бўлиб ўтган умуммўғул қурултойида Тулухоннинг тўнғич ўғли Мункехон Мўғулистоннинг улуг ҳоқони қилиб сайланди. Мункехон ҳукмронлик қилган даврида Ботухон билан Мункехон ўзаро келишиб Чигатой улусини бўлиб олдилар. Аммо, орадан кўп ўтмай яъни, XIII асрнинг 60-йилларида Чигатойнинг набираси Олғухон Олтин Урдага қарши кураш олиб бориб Чигатой улусини қайта тиклашга эришди.

Турли давлатларга ҳукмронлик қилган мўғул хонлари давлатни мустақил бошқарган сари улар ўртасидаги ўзаро курашлар авж ола бошлади. 1272 йилда Эрондаги Хулагухон қўшинлари Мовароуннаҳрга бостириб кириб Кеш ва Наҳшаб (Қарши) шаҳарларини талон-тарож қилдилар. 1273 йилда улар Бухорони ҳам талондилар.

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб мўғул ҳукмрон доиралари ўртасида бой маданий вилоятлардан фойдаланиш масаласида икки хил муносабат пайдо бўлади. Кўчманчи ҳарбий зодагонларнинг катта қисми, хонзода-

лар ва айрим ҳоқонлар ўтроқ ҳаётга мутлақо қарши эдилар. Улар мамлакатни бутунлай яйловларга, шаҳарларни харобазорга айлантириш тарафдорлари бўлиб, маданий вилоятларни талаш, ўт қўйиш, вайрон этиш ва аҳолисини асир олишга қизиқар эдилар.

Маҳаллий зодагонлар, руҳонийлар ва савдогарларнинг асосий қисми ҳамда баъзи бир хонлар ўтроқ ҳаётнинг тарафдорлари эдилар. Улар ўзаро урушларга қарши кураш олиб бориб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилар эдилар. Шунингдек улар, маданий вилоятларни ҳар томонлама ривожлантириш учун ўтроқ аҳолини талашни тўхтатиш, турли тўлов ва солиқларни тартибга солиш, шаҳарлар ривожланишини таъминлаш лозим деб ҳисоблардилар.

Бундай сиёсат тарафдорларидан бири Мўғулистоннинг улуг ҳоқони Мункехон ва Чигатой улуси ноиб Маъсудбек эди. Айниқса, Мункехоннинг қонулаштирилган чора-тадбирлари чекланмаган солиқ ва йиғимларни тартибга солиб, аҳолини ўзбошимчалик билан йиғиб олинадиган солиқлардан озод этди, шаҳар, ички ва ташқи савдонинг ривожланишига имконият яратди. Бунинг натижасида XIII асрнинг 70—80 йилларига келиб Мовароуннаҳрда аста-секинлик билан шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик ва савдо муносабатлари жонлана бошланди.

1271 йилда Маъсудбек пул ислоҳоти ўтказди. Бу ислоҳот Мовароуннаҳр шаҳарларининг ички ҳаётини, айниқса пул муносабатларининг тикланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Маъсудбек Самарқанд, Бухоро, Термез, Тароз, Утзор, Хўжанд, Нахшаб каби кўпгина шаҳарларда бир хил вазн ва юқори қийматли соф кумуш тангалар зарб эттириб, уларни бутун мамлакат бўйлаб муомалага чиқарди.

Мовароуннаҳр Чигатой улусига кирган давр деҳқончилик ҳақида кам маълумотлар сақланган. XIII асрнинг охирларида Бухоро атрофларининг обод этилиши тўғрисида 1289 йилга мансуб вақф ҳужжати бизгача етиб келган. Ушбу ҳужжатда кўрсатилишича вақф хўжалигининг ташкилотчиси Бухородан 4 фарсаҳ (30 км га яқин) узоқликдаги обод қишлоқ Ҳаманани экин ерлари билан сотиб олган. Бу қишлоқ яқинида у яна бир қишлоқ барпо этиб унда икки масжид, корандалар учун турар жойлар, тегирмон ва бир нечта тўқимачилик корхонасини бино этган.

Шундай қилиб XIII асрнинг биринчи ярмида мўғул-

лар ҳужуми натижасида Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ниҳоятда оғир бўлиб қолган эди. XIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Чинғатой улуси ҳукмдорлари Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларини тартибга келтириш ва ривожлантириш учун айрим ҳаракатлар қилган бўлишларига қарамай, бу жараён жадаллик билан амалга ошмади. XIV асрнинг бошларида ҳам мўғуллар истилоси натижасида вайрон этилган ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ XIII асрнинг бошларидаги даражасига кўтарила олмаган эди.

V МАВЗУ: АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ

1-§. АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол

XIII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Чингизхон меросхўрлари қўли остида бўлган Мовароуннаҳр зами-нида бир асрдан зиёд вақт мобайнида аҳолининг яшаш даражаси нотекис аҳволда эди. Мўғул нўёнлари ва хон-зодаларининг тутуруқсиз сиёсати, улар ўртасидаги ўз-аро низо жанжаллар, маҳаллий ҳукмдорларнинг икки-юзламачилиги ва чингизийларнинг мулк талашишлари-га аралшиб туриши халқни оғир аҳволга солиб қўйди. Кўҳна маданият маркази бўлган юртимиз қишлоқ аҳ-ли, шаҳарлардаги савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик қат-лами ўз машғулотлари билан шуғулланишлари учун осойишталик, тинчлик бўлишини истардилар.

Чингизхон Осиёнинг катта қисмини — Шарқда Тинч Океанидан тортиб то Уралгача ва ҳозирги Россиянинг жанубидаги бир қисм ерларни босиб олиб, улкан мўғул давлатига асос солган эди. Бундай кенг ҳудуддаги эт-ник жиҳатдан турли гуруҳларга оид бўлган халқлар ва элатларни сиёсий, иқтисодий ва маъмурий жиҳатдан ягона марказлашган давлат қилиб идора этиш қийин кечди. Шунинг учун ҳам Чингизхоннинг маслаҳатчиси Ело Чу Цой: «От устида юриб бутун дунёни забт этиш мумкин, лекин отдан тушмай бу жойларни идора этиш мумкин эмас», — деб маслаҳат берар эди.

Чингизхон ўзи ҳаётлик давридаёқ забт этган ерла-рини тўртта ўғлига бўлиб берган эди. Катта ўғли Жў-чига Урта Осиёнинг шимолидаги Дашти Қипчоқ дала-ларидан тортиб Урал тоғларининг ғарби ва ҳозирги Россиянинг жанубидаги ерлар берилган бўлиб, Жўчи

вафотидан кейин Ботухон бу ерларда Олтин Урда хонлигига асос солди.

Иккинчи ўғли Чигатойга эса бутун Туркистон, Амударёнинг ўнг қирғоғигача бўлган ерлар, Еттисув вилояти ва Шарқий Туркистондаги Тангри тоғнинг жануби ва шимолидаги жойлар бўлиб берилган ва бу ҳудуд Чигатой хонлиги ёки Чигатой улуси деб аталган.

Учинчи ўғли Уғидой (Уғитой)га эса ҳозирги Мўғулистоннинг ғарбидаги ерлар: Байкалдан тортиб Балхашгача, Олтой ва Торбоғотойнинг шимолидаги кенг яйловли ҳудудлар берилган эди.

Кичик ўғли Тулига эса ҳоқонликнинг марказий қисми: Мўғулистон ва Хитойнинг шимолидаги ерлар берилди.

XIII асрнинг охирида Бароқхон вафотидан кейин Чигатой улуси тахтига ўғли Дувахон (1291—1306) ўтирди. Андижоннинг таъмир этилиши ва Фарғона водийсининг пойтахтига айлантирилиши Дувахон номи билан боғлиқ. Шунингдек у Мўғулистон устига юришлар қилиб турди.

Дувахон вафот этгандан кейин Чигатой улусида яна тартибсизликлар бошланди. Олмалиқ яқинидаги Сабху боло мавзеида тахтга ўтказилган Кунжакхон ва ундан кейинги хон Тоғухонларнинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмади. Ҳар иккаласининг ҳукмронлиги икки йилгина бўлди. Уғадой авлодидан бўлган Курсабо бошчилигидаги хонзодаларнинг ўз улусларида кўтарган исёнлари шу даврга тўғри келади.

Дувахоннинг иккинчи ўғли Кепакхон ўз уруғдошларининг бошбошдоқликларига бирмунча бўлса-да, барҳам беришга муваффақ бўлди. У Эсон Буғони тахтга ўтказишга (1309—1318) муваффақ бўлди. Кепакхон билан Эсон Буғо Мўғулистон хони Чопарга (Хайдухоннинг ўғли) қарашли ерларнинг кўп қисмини эгаллашга ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини бирмунча тартибга келтиришга эришдилар. Лекин улус аҳволини тамоман яхшилаш улар қўлидан келмади.

Кепакхон Чигатой хонлигини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор иқтисодий ва маъмурий ислоҳотлар ўтказиб, хонлик пойтахтини яйловдан деҳқончилик воҳаларига кўчириш ташаббуси билан чиқди ва натижада ҳозирги Қарши (Қашқадарё) шаҳрини барпо этди ҳамда уни Чигатой хонлигининг янги маркази қилиб белгилади. Лекин бир гуруҳ мўғул ҳарбий оқсуяклари ота-

боболаримиз давом эттириб келган урф-одат, анъаналар бузилди, деб қарши чиққанларидан сўнг Эсон Буғо Мовароуннаҳрдан кўчиб Или дарёси қирғоғидаги Олмалик (Шарқий Туркистондаги Или дарёсининг ўнг қирғоғи) деган жойнинг ўзининг пойтахти қилиб белгилади.

Эсон Буғо хонлигини эътироф этган Кепакхон эса Мовароуннаҳрда қолди. XIV асрнинг биринчи чорагида бир бутун Чигатой хонлиги Шарқий ва Ғарбий хонликларга бўлиниб кетди. Жуда кўплаб араб ва форс манбаларида Кепакхон қўл остидаги ерлар Ғарбий Чигатой хонлиги, Эсон Буғо ҳукмронлиги остидаги ерлар эса Шарқий Чигатой хонлиги деб тилга олинади.

Кепакхоннинг (1318—1326) маъмурий ва пул ислоҳоти мамлакатни бошқаришни такомиллаштириш ва пул муомаласини тартибга солиш, шунингдек амалдорлар ва олиб-сотарлик, бошбошдоқликга барҳам бериш мақсадида амалга оширилган эди.

Маъмурий ислоҳотга кўра мамлакат Бухоро ва Самарқандда туманларга, Фарғона ва Шарқий Туркистонда орчин (пойтахт атрофидаги туман)ларга бўлинар эди.

Кепакхоннинг пул ислоҳоти Марказий Осиёда пул тартибини бирликка келтиришда маълум аҳамиятга эга бўлди. Бу ислоҳот ўтказилишида Олтин Урда хонлари билан Эрондаги хулагийлар пул тартибидан кенг фойдаланилди. Янги пул бирлиги тарихда «Кепаккий» пул деб (баъзи тадқиқотчилар рус тилидаги «копейка» Кепакхон номи билан боғлиқ деб изоҳлайдilar) ном олди. Бир динор кепаккийнинг вазни икки мисқол (8,8 г) кумуш ва дярҳам кепаккийнинг вазни эса мисқолнинг учдан бир қисмига (1,5 г) тенг эди.

Шунга қарамай Кепакхоннинг маъмурий ва пул ислоҳотлари Чигатой улусидаги феодал тарқоқликка барҳам бера олмади. Унинг маъмурий ислоҳоти охир-оқибат юзаки бўлиб чиқди. Катта ер эгаллиги туманларга, эгалари туман бегига айлантирилди. Хуллас, ислоҳот мамлакат ва халқ миқёсида таъсирсиз бўлиб, ички масалаларга даҳл қилмади. Бироқ бу нуқсонларга қарамай, ислоҳотлар Мовароуннаҳрда феодал давлатчилиги тараққиётида ижобий таъсир кўрсатди. Манбаларнинг етарли бўлмаганлигидан XIV асрнинг биринчи ярмида, Чигатой улусининг ижтимоий-иқтисодий, сийёсий ва маданий аҳволи ҳақида тўла-тўқис ва ҳар томонлама фикр

юритиш қийин. Тангашунослик ва баъзи ёзма манбаларга (Жувайний, Рашидиддин, Жамол Қарший асарлари) маълумотларига қараб бу давр ҳақида қисман фикр юритиш мумкин.

Иқлим шароити туфайли Мовароуннаҳр (ёки Чигатой улуси) қадимдан сунъий суғоришга асосланган бўлиб, ривожланган деҳқончилик ўлкаси ҳисобланган. XIV асрнинг биринчи ярмида бу ерда пахта, ғалла, боғдорчилик маҳсулотлари, узумчилик экинлари экилган. Узининг қулай географик жойлашуви туфайли «Буюк ипак йўли»нинг савдо қарвонлари шу ердан ўтган ва савдо марказига айланган. Бу ўлка XIV асрда ҳам Хитойнинг Яқин ва Урта Шарқ, Шарқий Европа мамлакатлари билан олиб борилган савдо муносабатларида муҳим мавқени эгаллаган. Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо бирмунча ривож топди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Ахсикат, Исфара, Кеш, Қубо шаҳарлари маданий марказлар эди.

1326 йилда Кепакхон вафот этгач, Чигатой улусида ўзаро жангу-жадаллар авжига чиқди. Бунга мисол қилиб ўша йилнинг ўзида Дувахоннинг Элчигидой ва Дурра Темур деган ўғиллари тахтга икки бор алмашганларини қайд этиш kifоядир. Исломга бўлган эътиқоди туфайли Алоуддин лақаби олган Тармаширин (1326—1334) Чигатой улусининг Ғарбий қисмида мустаҳкам мавқени эгаллади. Олмалиққа эса қайтиб бормади. Улуснинг Шарқий қисми Фарғонанинг бир қисми билан кўчманчи феодал гуруҳлари қўлига ўтиб кетди. Дувахоннинг набиралари Бузан, Чанкши ва Есун Темурийлар 1334—38 йилларда номигагина, хон бўлдилар. XIV асрнинг 40-йилларида Ғарбий ва Шарқий Чигатой хонликлари расмий тарзда шаклланиб, улар ўртасидаги курашлар кучайиб кетди. Шарқий улус Еттисув, Фарғонанинг шарқий қисми, Шарқий Туркистонни ўз ичига олувчи Мўғулистон ва Ғарбий улус Мовароуннаҳрдан иборат эди.

1340—1370 йиллар фитна-фасод, ўзаро феодал кураш ва улусда феодал тарқоқликнинг кучайган даври бўлди. XVI асрнинг 50-йиллари охирида Чигатой улусининг ҳар иккала қисми майда мустақил бекларга бўлиниб кетди. Улуснинг Ғарбий қисмида ҳокимиятни асосан турк-мўғул қабила бошлиқлари эгаллади. Масалан, Кеш шаҳри ва вилояти амир Хожи барлос, Хўжанд вилояти Боязид жалоир, Балх вилояти Амир Қозағон-

нинг набираси Амир Хусайн қўлига ўтди. Шибирғонда найман қабиласи бошлиғи Муҳаммадхўжа Апверди мустақиллик яловини кўтарди. Маҳаллий мулкдорлар қўлида бўлган вилоятлар ҳам бор эди: Бухоро ва унинг атрофлари садрлар тарафидан бошқариларди, Термизни маҳаллий саййидлар, Чочни маҳаллий маликлар қўлга олган эдилар.

Бундай аҳволни Чигатой улусининг Шарқий қисми Мўғулистонда ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда ҳам уруғ-қабилачилик удумларининг мустаҳкамлигига қарамай, исёнлар ва мулкдорларнинг ўзаро жангу жадаллари авж олди. Хонлар муайян бир ҳокимиятга эга эмас эдилар. Бутун ҳокимият кўчманчи феодаллар қўлида эди. Хуллас, ана шундай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан оғир шароит ҳукм сурган бир даврда, XIV асрнинг 60-йилларида барлос уруғидан бўлган Амир Темур тарих саҳнасида пайдо бўлди.

Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва марказлашган давлат тузиш учун кураши

Ягона марказлашган қудратли мамлакатда ҳаёт кечириш халқ оммаси қиёфасида яққол сезиларди. Турли ижтимоий — қатлам ва гуруҳларга мансуб аҳоли истагини ҳис қила оладиган идрокли ва кучли иродага эга шахсгина бу вазифани ҳал қила олар эди. Шундай шахсгина ёйилган ва тарқоқ ҳолдаги кучларни ягона бир оқимга йўналтира олиши мумкин эди. Бўлажак ҳукмдор замона нуқтан назаридан қарайдиган бўлсак энг аввало ҳарбий истеъдод ва қобилиятга ҳам эга бўлиши талаб этилган. Мана шундай сифатларга эга бўлган шахс Мовароуннаҳрда XIV асрнинг 50-йилларида айнан Чигатой улусининг тарқоқ мулкларга ажралиши юз берган вақтда тарих саҳнасига чиқа бошлаган. У жаҳон тарихида чуқур из қолдирган Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир эди.

Амир Темур 1336 йил 8 апрелда (ҳижрий 736, шабон ойининг 25 кунда) Кешга қарашли Хўжа Илғор (ҳозирги Яккабоғ райони) қишлоғида барлос бекларидан бири Амир Тарағай ибн Барқал оиласида дунёга келди. Унинг мучали сичқон, юлдузи буржи эса ҳамал эди. Темурнинг онаси Тегйна Бегим Моҳ Тарағай Баҳодирнинг иккинчи хотини бўлиб у Бухоро Садр аш-

шариатининг қизи, асли туркий қавмлардан ҳисобланган Тегина Бегим Моҳни Тегина хотун деган номда ҳам аташади.

Темурнинг болалиги ва ўспиринлик йиллари Кешда ўтди. Ибн Арабшоҳ, Рюи Гонзалес де Клавиҳо ва бошқа тарихшунослар 1360 йилга қадар унинг ҳаётини айрим маълумотлар билан изоҳлашади.

1350—1360 йиллар оралигида Амир Темур унчалик катта бўлмаган отличлар, яхши қуролланган кишилар гуруҳини тузди. Клавиҳо маълумот беришича ёш Темур қўшини 300 суворийдан иборат бўлган. 300 отличқа бош бўлган Амир Темур Марказий Осиёда юз берган сиёсий тарқоқликдан моҳирона фойдаланган.

1360—1361 йилларда Мўғулистон ҳукмдори ҳоқон Туғлуқ Темур яна Мовароуннаҳрнинг ички ҳаётига раҳна сола бошлайди. Унинг босқинчилик тадбирлари Марказий Осиёлик мустақил ҳукмдорларга маълум бўлганидан кейин улар саросимага тушиб қолганлар. Шулар қаторига Кеш амири Хожи Барлосни ҳам киритиш мумкин. Туғлуқ Темур Хўжандни ишғол этиш ниятида Сирдарёдан ўтганидан сўнг Мовароуннаҳр амирлари ва Хожи Барлос қўрқувдан ўз жонларини халос этиш учун Амударёдан ўтиб Хуросонга кетиб қолдилар.

Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур Хуросонга қочаётган тоғасини кузатар экан шундай дейди: «Сизнинг Хуросонга қараб йўл олишингиз, менинг эса вилоятни вайронагарчиликдан қутқариб қолишим учун Кешда қолмоғим маъқулдир ва давлатни идора қилморим ва сақлаб қолмоқлик учун Мўғул хонининг хизматига кирганим фойдалироқдир» дейди. Шу ўринда Али Яздий Темурнинг маъна бу сўзларини ҳам келтиради: «Бошлиқсиз мамлакат жони суғуриб олинган танага ўхшайди. Жонсиз тана унинг ҳалокати билан баробардир». Шундай қилиб, ўзига хос ватанпарварлик ҳислари билан руҳланган, ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеаларини ўзича тушунган Амир Темур 25 ёшида кичик, лекин бой вилоят — Кеш ҳокими бўлишга муяссар бўлди.

1360—1370 йилларда Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётидан Амир Темур билан бир қаторда таъсир ўтказган шахслардан яна бири Амир Қозоғоннинг набираси амир Хусайн эди. Балх ва унинг атрофидаги ер-мулклар унинг тасарруфида эди. 1361 йилда Амир Темур амир Хусайнга яқинлашган эди. Энди иккала ҳукмдор бирлашиб,

мўғул хонларига қаршилиқ кўрсатиш имконига эга бўлдилар. Маълумки, Амир Темур мўғул ҳокимига қарам эди. Вақти келиб, Мовароуннаҳрни бошқаришни Туғлуқ Темур ўз ўғли Илёсхўжага топширди. Мустақил бўлишга ҳаракат қилиб юрган Амир Темур янги ҳукмдорга итоат этмади. Бунинг оқибатида янги зиддият юзага чиқди. Амир Хусайн билан Соҳибқирон Темурнинг бир-бирлари билан жуда яқинлашган ва яхши муносабатда бўлган даврлар 1361—1365 йилларни ўз ичига олади.

Айниқса Амир Темурнинг Хусайннинг синглиси Улжой Туркон оғага уйланиши улар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлади. Улжой Туркон оға Соҳибқироннинг иккинчи хотини, ҳисобланади. 1361 йилдан 1365 йилга қадар сезиларли кучга эга бўлган ҳар иккала амирнинг ўзга юртларга ҳарбий юришлари даври эди. Улар Жайхундан (Амударёдан) ўтиб Хуросон даштлари, Моҳон, Бовард (Абивард) атропофларини эгаллаганликларига далиллар келтирилган. Моҳон (Моҳувон) да 1362 йилда улар туркман Али Бекка асир тушиб 62 кун тутқунликда ҳаёт кечирганлар. Бундай оғир вазиятда уларга туркманларнинг санжари қабиласи бошлиғи Муборақшоҳ ёрдам беради.

Амир Темурнинг ҳаётида рўй берган ва бир умрга унга тан жароҳатини муҳрлаган воқеа 1362 йилда Сейистонда бўлиб ўтган. Амир Темур жанг вақтида ўнг қўлини тирсагидан ва ўнг оёғидан камон ўқи тегишидан қаттиқ жароҳатланади. Бунинг оқибатида у бир умр оқсоқланиб юради. Шу боис ундан даҳшатга тушган душманлари ҳасад билан Темурланг деб аташган.

Амир Темур ва Хусайннинг бир-бирига дўст бўлиши давридан бошлаб то 1366 йилга қадар айрим воқеа тафсилотларидан улар ўртасида зиддият мавжудлигини пайқаш мумкин. Иккала амир ўртасида қарама-қаршилиқнинг юзага келишига кўпроқ Хусайннинг Мовароуннаҳрда ягона ҳукмдор бўлишга интилганлиги эди. Улар ўртасидаги зиддият кейинги давр воқеаларида яққол намоён бўлди.

Туғлуқ Темур ўлиmidан сўнг 1363 йилда Мовароуннаҳр тупроғидан ҳайдалган Мўғул хони Илёсхўжа янгидан жуда катта лашкар билан аввалги мулкларини эгаллаб олиш мақсадида Мовароуннаҳр томон ҳаракат қила бошлайди. Мўғул хони айниқса ўзининг рақибларига нисбатан қаҳрли кайфиятда эканлиги ҳам маълум эди. Темур ва Амир Хусайн бўлғуси қақшатқич тўқна-

шувга имкон борича ҳарбий кучларни йиғдилар. Тарихда «Лой жанги» номи билан кирган мазкур жанг Чиноз билан Тошкент ўртасида 1365 йилнинг баҳорида рўй берган. Тўқнашув бўлаётган аснода жуда қаттиқ жала қуйиб ҳаммаёқ сирғанчиқ, лой бўлганки, ҳатто жанговар отлар ҳам ўз қаддини тутиб тура олмаган. Амир Темур ва Амир Хусайн Чирчиқ дарёси бўйидаги бу жангда мағлубията учраганлар. Мазкур мағлубият сабабларини, ҳар хил баён этишади. Айрим солномачилар мўғул хонининг ғолиб чиқишида Амир Хусайннинг суст ва лаёқатсизлик билан ҳаракат қилиши деб изоҳлайди. Эҳтимол шундандир, ёки мўғул хони қўшинининг сони кўплиги ҳамда яхшироқ тайёрланганлиги бу ютуқнинг асосий омили бўлса керак.

Қайта уриниш беҳуда эканлигини англаб етган Амир Темур жанг майдонини тарк этиб, қолпан-қутган аскарлари билан Самарқанд томонга қайтиб кетган. Самарқанд шаҳрига келгандан сўнг бу ерда ҳам узоқ турмасдан аввалига Кешга сўнгра Амударё орқали Балхга ўтиб кетади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу пайтда Мовароуннаҳрнинг бош амири Хусайн эди. Бирор қарорга келиш эса унинг иродасига боғлиқ бўлган. Шу сабабли Амир Темур ҳам унинг кўрсатмаси билан, кўп ҳолларда Хусайннинг розилиги билан иш тутишга мажбур эди. Самарқанд шаҳри, қолаверса, бутун Мовароуннаҳр ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мўғул хони чангалидан қутилиш самарқандликларнинг ўзига боғлиқ эди. Бу шароитда Самарқанд мудофаасини сарбадорлар ўз қўлларига олдилар.

Сарбадорлар мўғуллар зулмидан озод бўлиш йўлида ўзларини қурбон қилишга тайёр эдилар. Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг 30-йилларида Эронда ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлиб, 50—60 йилларда Мовароуннаҳрга ҳам ёйилади. Ҳаракат қатнашчиларининг асосий мақсади мўғул истилочилари ва зулм ўтказувчи маҳаллий қатламларга қарши кураш эди.

Хуросондаги сингари Самарқандда ҳам бу ҳаракат қатнашчиларнинг ижтимоий таркиби айнаиб бир хил бўлган. Ҳунармандлар, дўкондорлар айрим мадраса мударислари мазкур ҳаракатга фаол қўшилди. Илёсхўжа тўғридан-тўғри Самарқандга томон йўл олади. Шаҳар жомеъ мечитига йиғилган аҳоли олдида сарбадорларнинг бўлажак раҳбаридан бири бўлган мадраса мудариси Мавлонзода чиқиб, шаҳарнинг ҳар бир аъзосидан

катта миқдорда солиқ ва тўлов йиғиб, уни ўз билганича сарф этиб юрган ҳукмдорнинг шаҳарни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигини уқтириб ўтади.

Мавлонзода, ҳаётимизни сақлаб қолиш учун қанча миқдорда тўлов берсак-да, лекин зодагонлар жавобгарликни ўз бўйниларига олмайдилар деб тушунтирди. Охир-оқибатда йиғилганлар Мавлонзодани шаҳар мудофаасига бошлиқ этиб сайлашади. Мудофаа раҳбарлигига Мавлонзода қаторига Мавлоно Хўрдак Бухорий ва Абу Бакр Қалавий ҳам қўшилдилар.

Уч кун давомида шаҳар аҳли куну-тун кўчаларда мудофаа тўсиқлари, ҳимоя воситаларини ташкил этдилар. Мудофаачилар таркибида Мавлонзода раҳбар этиб сайланганда унга қасамёд қилган 10 минг яхши қуролланган ёшлар ҳам мавжуд эди.

Мудофаа ташкил этилганлигидан хабарсиз мўғуллар ҳукмдорсиз шаҳарни ҳимоясиз деб ўйлашарди. Уларнинг асосий қўшинлари шаҳарга кираверишдаги бош кўчадан ҳужум қиладилар. Хавф-хатардан шубҳаси бўлмаган босқинчилар Мавлонзода қамончилари билан пистирмада турган жойга яқинлашганларида тўсатдан камон ўқларига дуч келадилар. Шаҳар мудофаачилари мўғулларга уч тарафдан ҳужум қилдилар. Биринчи ҳамладаёқ шаҳарни эгаллаймиз деб ўйлаб бостириб кирган мўғуллар катта талофат кўриб, орқага чекинишга мажбур бўлдилар.

Самарқандликларнинг ишлаб чиққан ҳарбий режаси пухта чиқди ва ўз самарасини берди. Бир неча ҳужум самарасиз тугагач мўғуллар шаҳар атрофини қуршаб олиб узоқ вақт қамал қилиш режасини ўйлаб чиқдилар. Лекин лашкар сафида юқумли касаллик тарқалди. Буни от вабоси (ўлати) деб аташади. Улат оқибатида Илёсхўжа қўшинларига мансуб отларнинг катта қисми қирилиб кетди. Илёсхўжа катта йўқотишлар билан дастлаб Самарқандни кейин эса Мовароуннаҳрни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Сарбадорларнинг Илёсхўжа устидан ғалабаси бутун Мовароуннаҳрга овоза бўлди. Бу пайтда Кешда бўлган Амир Темур бу хабарни Амударё бўйларида бўлган Амир Хусайнга етказди. 1366 йилнинг баҳорида улар Самарқандга етиб келадилар ва сарбадорлар раҳбарларини ўз ҳузурларига чорладилар. Учрашув Самарқанддаги Кониғил деган жойда бўлди. Бу ерда сарбадорларнинг раҳбарлари билан келишмовчилик юз бера-

ди ва улар қатл этилади. Амир Темурнинг илтимоси билан фақат Мавлонзода омон қолдирилиб, Хуросонга жўнатилади. Сарбадорлар ҳаракати бостирилгандан сўнг Амир Хусайн ва Амир Темур ўртасидаги муносабатлар кескинлашади. Бунга Амир Хусайннинг сарбадорларга нисбатан адолатсизлиги ҳам бир қадар сабаб бўлган.

Амир Хусайн Амир Темурга яқин бир неча бекларни исён кўтаришда гумонсираб, уларга катта жарима солди. Темур дўстларига ёрдам бериш мақсадида бисотидан бор жавоҳирларни қайноғасига тўлаб яқин кишиларини қутқариб қолди. Тўланган бойликлар ичида Хусайннинг синглиси Улжой Турконнинг қулоғидаги олтин сирға ҳам қўшиб товоғга киритилган бўлиб уни аслида Темур ва Улжой Турконнинг тўй кунларига яқин Хусайн томонидан ҳадя қилинган эди. Жавоҳирлар ичида сирға эгаси кимлигини билиб туриб Хусайн уни қайтариб бермаган. Амир Темур бундан қаттиқ ғазабланган. 1366 йилда Улжой Туркон хотуннинг ўлими ҳам икки ҳукмдорни бир-биридан ажралишини тезлаштирган омил десак бўлади. Мана шу воқеалар сабаб бўлиб Темур ўзининг олийжаноблиги, саҳийлиги билан дўстлари, яқин мулозимлари орасида ҳақиқий саркарда ва раҳбар сифатида обрў-эътибор қозонди.

Хусайн эса ўзининг қизғанчиқлиги, қўрслиги ва худбинлиги билан ўзини амалдорлар эътиборидан четлаштирди. Мовароуннаҳрда аҳолининг марказлашган қудратли давлатга эҳтиёжи кучли эканлигини Амир Темур Хусайнга нисбатан яхши пайқаган эди ва ўзининг зукколиги, тадбиркорлиги билан теварак-атрофида керакли амалдорларни йиға бошлади. Мамлакатнинг қудратини ошириш учун эса аввало уни ички аҳволини яхшилаш зарур эди. 1366—1370 йиллар оралиғида Амир Темур ўз эътиборини ички ишларга қаратди. Амир Хусайн ва Амир Темур ўртасидаги зиддиятлар 1370 йилда Хусайннинг ўлдирилиши ва Амир Темурнинг тахтга ўтириши билан якунланди. Уша йили Амир Темур хонлик уйвонидан воз кечди ва ўзини амир деб эълон қилди ҳамда Қеш шаҳридан Самарқандга кўчиб ўтди ва уни ўз давлатининг пойтахтига айлантирди. Соҳибқирон қурилиш ишларига кўпроқ эътибор берган эди. 1365—66 йиллардаёқ у Қаршини теварак атрофида деворлар, мудофаа иншоотлари барпо этди. 1370 йилда Самарқандда де-

ворлар ва кўхандиз, 1380 йилда эса Шаҳрисабзда Оқсарой қасри ва деворлари қурилди.

Амир Темурнинг ўз олдига қўйган муҳим вазифаларидан ~~яна~~ бири феодал тарқоқликни йўқотиш, алоҳида мулкларни мустақкам, марказлашган ва кучли давлат остида бирлаштириш эди. Мамлакатларни туманларга ажратган вақтда ҳам у ўзининг сафдошлари ва яқин кишиларини турли мансабларга ўтказган эди ва бу билан ўзига ишончли таянч вужудга келтирди. 1370 йилда Соҳибқиронга хизмат қилишга сўз берган ва қасамёд қилган амирлар орасидан хиёнат қилганлар ҳам бўлган. Айрим шахслар билан бир қаторда бутун бир қабилалар ҳам янги ҳукмдорга итоат этишдан бош тортди. Мовароуннаҳр шимолида, Хўжанд яқинидаги ҳудудда яшаб келган жалойирлар шундай қабила ҳисобланган. Бўйсунмаслик жалойирларга қимматга тушди. Мазкур қабиланинг қисмати аянчли тугади. Унинг қолган-қутганлари 1376 йилда бошқа амирларга бўлиб тарқатилиб юборилди.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрдаги бирлаштириш сиёсати бошланган эди. У Амударё ва Сирдарё оралиғида турган ерларни ўзига бўйсундириб, ўзига итоат эттирди. Фарғона, Шош вилоятларини ўз тасарруфига киритиш унга қийин бўлмади. Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Олтин Урдага қарашли ерларни эгаллашда у бу ерлардаги ички сулолавий урушлардан фойдаланди. Мўғуллар ҳукмдорлиги даврида икки қисмга бўлиб юборилган қадимий маданият маркази Хоразм XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрдаги бошбошдоқликлар даврида алоҳида мустақил давлат бўлиб қолган эди. Қўнғирот сулоласига маъсуб ҳукмдорлар (суфилар сулоласи) дан Хусайн Суфи хон Бердибек ўлиmidан сўнг Олтин Урдадаги ички низолардан фойдаланиб Олтин Урдага қарашли Шимолий қисмни пойтахт Урганч билан, Чигатой улусига қарашли Жанубий қисмни пойтахт Қиёт билан ўз тасарруфига олди.

Амир Темур Хоразмни ҳам қайтадан Мовароуннаҳрга киритишга интилди. 1372 йилда Хусайн Суфи Амир Темурга бож тўламасдан, бунинг устига Соҳибқирон томонидан юборилган элчига шундай жавоб берди: «Мен мамлакатни қилич билан фатҳ этганман, шунинг учун ҳам уни фақат қилич билан олиш мумкин» деган жавобни айтди.

Уша йили Амир Темур Хоразмга қўшин тортиб ке-

лади. Урганчга бориш учун Қиёт шаҳри орқали ўтиш керак эди, бу шаҳар бир оз қаршилик кўрсатгандан кейин Темур қўшини томонидан ишғол қилинади. Қиётнинг қўлдан кетиши Хусайн Суфига кучли таъсир кўрсатади. У Амир Темур билан ярашишга, уни талабларини бажаришга рози бўлади. Лекин айрим ҳокимлар Амир Темурнинг тез баланд мартабага эришишини кўролмади Хусайнни унга қарши гиж-гижлай бошладилар. Хусайн уларнинг ёрдамига ишониб Амир Темурга қарши чиқади, аммо унинг томонидан тор-мор этилади. Шундан сўнг Хусайн Урганч қалъасига беркинади ва тезда вафот этади. Унинг ўрнига акаси Юсуф Суфи (1372) ҳокимиятга келади ва Амир Темур билан яраш шартномаси тузади. Лекин у яраш шартларини хиёнат-корона бузиб, Амир Темур қайтиб кетгандан кейин Қиёт шаҳрини босиб олади ва унга қарши очикдан-очик душманлик ҳаракатларига ўтади. Шундан сўнг Амир Темур Хоразмга иккинчи мартаба юриш қилишга мажбур бўлади. (1373—1374 йиллар). Аммо бу ҳарбий тўқнашув-гача бормади, чунки Юсуф Амир Темурга тавба қилиб яраш шартларини сўзсиз бажаришга ваъда беради. Бу иккинчи юриш натижасидан Жанубий Хоразм Амир Темур давлати таркибига киради.

1374 йилдан кейин Амир Темур Хоразмга уч мартаба юриш қилди. Бунинг сабаби Олтин Урда хони Тўхтамишнинг Хоразмга даъвоси туфайли эди. Амир Темур Олтин Урда ва Оқ ўрдаинг катта куч эканлигини яхши билган ҳолда Жўжи улусида нималар бўлаётганини зийраклик билан кузатиб борар эди. 1360—1380, яъни 20 йил ичида Олтин Урдада 25 та хон алмашди. Оқ Урда хони Урисхон 1375 йилда Жўжи улусида ҳар иккала қисмни бирлаштирамоқчи бўлди. Урдalar бирлашиб Темур учун хавфли душманга айланиши мумкин эди. Бунга йўл қўймаслик мақсадида Соҳибқирон қулай пайтдан оқилона фойдаланди.

Оқ Урданинг ўзбек амирларидан бўлган Тўйхўжа ўғлон Урисхон билан биргаликда Олтин Урдага қарши юришга унамагач, у Урисхон томонидан ўлдирилади. Тўйхўжа ўғлоннинг ўғли Тўхтамиш Оқ Урдадан 1376 йилда Темур ҳузурига қочиб келади ва уни Темур ўз хизматиغا олади. Урисхоннинг рақиби бўлган Тўхтамишни ўзида тутиб туриш ва ундан Урисхонга қарши фойдаланиш кераклигини Темур дарҳол англайди. У Тўхтамишни ўзининг собиқ вассали, Жўжи улусида ўз сие-

сатини ўтказувчи ўз одами бўлади, деб жуда ишонган эди. Бироқ иш бундай бўлиб чиқмади. Тўхтамиш Оқ Урдага хон бўлиб сўнг, Урисхон тутган йўлдан борди, яъни Жўжи улусининг ичкарасида кучли Олтин Урда тузиш ва уни бирлаштириш учун кураш бошлади. 1380 йилда Кулиководаги жангда катта талофат кўрган Мамайнинг кучсизланиб қолганидан фойдаланиб Тўхтамиш Мамай устига қўшин тортади ва Калка дарёси бўйида унинг устидан ғалабага эришади. Бу муваффақият Олтин Урдада Олий Ҳокимиятга эга бўлишга ва Жўжи улусини ҳар иккала қисмини янгидан бирлаштиришга имкон берди.

Амир Темур билан серғайрат, лекин маккор Тўхтамиш ўртасидаги қарама-қаршиликлар ўсиб, кейинчалик кучайиб кетди. Олтин Урдани Ўзбекхон замонасидан (1312—1340 йиллар) энг яхши пайтларига қайтаришга интилиб, Тўхтамиш Олтин Урда ҳудудларини кенгайтириш мақсадида юришлар бошлади. Кавказорти ва Озарбайжонга бостириб кирди. Табризни босиб олди. Тўхтамиш Амир Темур фаолиятини бўғиб қўйишга, ўз шахсий манфаатларини ўйлаб буюк давлатчилик сиёсати юргиза бошлади.

1387—1388 йилларда Тўхтамиш, Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, Хоразмга ҳужум қилди. Хоразм ҳокими бўлган Сулаймон Сўфини Амир Темурга қарши қўзғолон кўтаришга ундади. Сулаймон Сўфи бунга рози бўлди. Бу воқеалар Амир Темурни 1388 йили Хоразмга яна юришга мажбур этди. Темур Урганчни ишғол қилди ва суфийлар сулоласини тугатди.

Шу вақтдан буён Хоразм Амир Темур давлати таркибига, кейин эса Темурийлар давлати таркибига кирган. Шундай қилиб, Еттисувдаги ва Сирдарё этакларидаги ерлардан ташқари, Туркистон ерларининг ҳаммаси Амир Темур қўлига ўтди.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари тарихда «уч йиллик» (1386—1388) «беш йиллик» (1392—96) «етти йиллик» (1399—1405) урушлар деб ном олади. Темур 1381 йилда Хиротга юриш қилади. Бу даврда Хиротни курдлар сулоласи бошқарар эди. Уларнинг ҳукмдори Ғиёсиддин Пир Али Темурга қаттиқ қаршилик кўрсат-

мади. Лекин 1383 йилда Хиротда кўзғолон кўтарилди. Кўзғолон бостирилди ва курдлар сулоласи қулаши билан сарбадорларнинг сўнги ҳокими бўлган Али Муайёд ихтиёрий суратда ўз ерлари ва ҳокимиятини Темурга топширди. XIV асрнинг 80-йиллари ўртасига келиб бутун Хуросон Амир Темур ихтиёрига ўтди. «Уч йиллик» уруш даврида Амир Темур Озарбайжон, Табриз, Мозандарон, Ғилонни бўйсундиради. Шундан кейин у Кавказга юриш бошлаб, Тифлис, Арзирум ва Ван қалъасини эгаллади. Худди шу вақтда Тўхтамишнинг Мовароуннаҳрга юриш бошлаганини эшитди. Бу ҳақда юқорида айтиб ўтилган, лекин воқеалар мантиқий даражаси шундаки, Тўхтамиш ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Амир Темурга номигагина бўйсунди, қулай пайт келиши билан мустақил бўлиш ниятини яширган эди.

Шундай қулай пайт келганидан, яъни Амир Темурнинг Эрондалигидан фойдаланган Тўхтамиш Мовароуннаҳрга Қамариддин етакчилигида қўшин юборди. Абдуразоқ Самарқандий бу ҳақда шундай ёзади: «Қамариддиннинг Мўғулистонда иши юришмагач, Тўхтамиш ҳузурига келиб, у ерда ўзаро урушлар келиб чиқишига замин ҳозирлади. Тўхтамишхон Қамариддин билан Оқхўжа ўғлонни кўп минг кишилик қўшинга бош қилиб юборди».

Низомиддин Шомий маълумотига кўра, эҳтиёткор Соҳибқирон Мовароуннаҳрни қўшинсиз ташлаб кетмаган эди. Андижонда ҳарбий соҳада отасидан қолишмайдиغان Умаршайх, Самарқандда эса амирлардан Сулаймон ва Аббос Баҳодир қўшинлари қолдирилган эди. Лекин бу кучлар Тўхтамиш қўшинларига қарши туришга ожизлик қиларди. Душман Мовароуннаҳрга кириб аҳолини талай бошлади. Бухорога яқинлашиб, унга ҳужум ҳам қилдилар. Бироқ уни ололмагач, атроф туманларни таладилар, Занжирсаройга ўт қўйдилар. Самарқанд ва Кешга хавф сола бошладилар.

1388 йил январиде Амир Темурнинг қайтишини кутган душман орқага қайта бошлади. Амир Темур амирлари Ҳусайн, Шайх Али Баҳодир ва бошқаларга душманни даф қилишни топширди. Улар Сирдарё бўйидаги Сарисув деган жойда душманни қувиб етиб унга катта талофат етказдилар. Тўхтамиш 1388 йил охирида Амир Темурга қарши қайта ҳужум бошлади. Амир Темур эса урушга тайёрланиш учун Сағорон (Каттақўрғон) да қа-

роғоҳини тикиб, қўшинларини жанговар ҳолатга келтирди. Амир Темур душманнинг орқа тарафидан ҳужум қилиш учун Қўнғи ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Шайх Али Баҳодир қўмондонлигидаги қўшинларни юборди. Ҳужум муваффақиятли бўлди. Душман тор-мор этилиб, Тўхтамиш зўрға қочиб қутулди.

Амир Темур 1389 йил баҳорида Тўхтамишни батамом йўқ қилиш учун Сирдарё бўйидаги Зарнуқ туманида қўшинларини жангга шайлади. Қўшинлар сафига Хуросондан Мироншоҳ бошчилигида, Балх, Қуддуз, Балқон, Бадахшон, Хутталон ва бошқа вилоятлардан келган кўллаб сарбозлар қўшилдилар.

Амир Темурнинг Қутлуғ Темур ўғлон, Сунлиқ Баҳодир, Усмон Баҳодир бошчилигидаги зарбдор кучлари Арис туманида Тўхтамиш қўшинларига зарба берган душман чекина бошлади. Темур энди Тўхтамиш ҳужумини кутиб ўтирмай катта қўшин билан Дашти Қипчоқ чегараларига бостириб кирди ва уни ўз давлати сарҳадида жазоламоқчи бўлди.

Амир Темур Чўлпон Малик оғадан бошқа аёлларни ва ортиқча амирларини қўшинлари билан орқага қайтариб, 1391 йил 22 январда душманни қувишга тушди. Йўлда эса сулҳни таклиф қилиб келган элчиларга дуч келади, бироқ уларнинг таклифи рад этилади.

1391 йил 21 феврал куни қурултойдан сўнг Соҳибқирон ўз амирлари билан кенгашич, Тўхтамиш элчиларини олиб Ясси Қоратов, Саброндан ўтиб уч ҳафта юрди. Ниҳоят кўп қийинчиликдан сўнг Сарғўзонга келиб бир неча кун дам олди.

Шундан кейин Амир Темур таъқибни давом эттириб, 1391 йил 29 майда Ёйиқ (Урол) дарёсигача етиб келади. Душманнинг бу ердан ўтганини билгач дарё оқимига қарши юришни давом эттирди ва олти кундан кейин душман аскарларидан бирини асир қилиб олди. У Темурга душманни ўтиш жойини кўрсатиб берди.

Низомиддин Шомий ва Али Яздий фикрича, Амир Темур мазкур юришда Ёйиқ дарёсидан бошқа яна бир дарёни кечиб ўтди. А. Моллер ёзишича у Итил (Волга) нинг ирмоғи Қундузча бўлган. Соҳибқирон Итил дарёси бўйлаб Шимолга йўл олган. Али Яздий бу ҳақда шундай ёзади: «Орадан олти ой вақт ўтди ва унинг музаффар байроғи шимол томон силжиб борди. Шундай жойга етиб келишдики, шом тушгунга қадар субҳ нишонлари намоён бўлди. Қуёшнинг шимолий буржида

бўлиш вақти ҳисобга олинди, шом намозини ўқиш мажбурий эмас. Тўхтамишга қулай пайт пойлаб, тўсатдан ҳужум қилиш учун Дашти Қипчоқ ичкарисига тобора кириб бориш фикри Амир Темурга тинчлик бермас эди». Амир Темур 1391 йил 18 июнда душманни қувиб етиб, қўшинни жанговар ҳолатга солди. Амир Темур бу жангда янги усул қўллаб, қўшинни етгита мустақил бўлимга ажратди. Қанот қисмларига ўғилларидан Мироншоҳ ва Мирзо Умаршайх, марказга эса набираси Муҳаммад Султон бошчилик қилдилар.

Соҳибқирон жанг олдидан ўзини ниҳоятда совуққонлик билан тутган. Бу сон жиҳатдан устун душман қаршисида ўзини мардона тутиш эди. Тўхтамиш бундан ташвишга тушган. Унинг қўшинларига Жўжи улусининг таниқли амирларидан Боштемир ўғлон, Сулаймон Сўфи Қўнғирот (Хоразм собиқ ҳукмдори) Наврўз Қўнғирот ва бошқалар бошчилик қилган.

Тарихчилар маълумотича, 18 июнда бошланган жангда Амир Темур жангчилари катта жасорат кўрсатдилар. Амир Сайфуддин Хожи қўшинлари биринчи бўлиб душманни пароканда қилади. Тўхтамиш қўшинларининг марказ ва қанот бўйлаб қилган ҳаракатлари Амир Темур қўшинлари аҳводини мушкуллаштириб қўйса-да, Соҳибқироннинг махсус амри билан жангга кирган 20 бўлакдан иборат заҳира кучлари жанг тақдирини ҳал қилди. Олтин Урда қўшинлари катта талофат кўрди. Тўхтамиш қўшинларини ташлаб қочди. Ғалабадан сўнг Амир Темур ўз амирлари ва ўғилларидан қутловлар олиб, унинг бошидан совғалар сочилди.

1391 йилги мағлубиятдан кейин Тўхтамиш ўз ожизлигини таъ олиб Амир Темурга қарши курашда иттифоқчилар қидириб Польша ва Литва ҳукмдорларига яқинлаша бошлади. Тўхтамиш устидан ғалаба қозониб, Мовароуннаҳрга қайтган Амир Темур бир йилдан кейин Эронга юриш бошлади. 1392—93 йилларда Аҳмад Жадорий ва Амир Темур ўртасида уруш ҳаракатлари бошланди. Бироқ уларнинг боришига яна Тўхтамиш ҳалақит берди.

1393—94 йили Амир Темур Шеки (Озарбайжоннинг шимолий қисми) да турган пайтда Тўхтамиш Кавказ-орти вилоятларига ҳужум қилди. Амир Темур Шекидан чиқиб Қура дарёси бўйлаб юрди. Олтин ўрдаликлар Амир Темур қўшинлари келаётганини эшитиб чекинишга мажбур бўлдилар. 1395 йил апрелида Амир Темур ва

Тўхтамиш ўртасида уруш ҳаракатлари яна бошланиб кетди. Жангнинг асосий қисми ўнг қанотда бўлди. Ушбу қанотда мушкул вазият пайдо бўлган. Амир Темур заҳира қўшини билан жангга кирди ва душманни чекинишга мажбур қилди. Тўхтамиш учинчи жангдан кейин ҳокимиятдан ажралди.

Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда Сарой Берканинг хароб қилиниши Олтин Урдага жуда кучли зарба бўлди. Шундан кейин у ўзини ўнглай олмади.

Амир Темур ғалаба шарафига амирлар, лашкарбошилар ва фарзандларидан қутловлар қабул қилди, жангда жонбозлик кўрсатганлар тақдирланди. Фавқулотда жасорат учун Шайх Нуриддин зарбоф чопон, қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар, 100 минг динар ва яхши от билан тақдирланди.

Муғиниддин Натанзийнинг «Искандар қиёс» асарида баён қилинишича, оғир мағлубиятга учраган Тўхтамиш Литва князи Втиота ҳузурига қочган эди. Энди Темур қўшинларининг Волга бўйларида бемалол юришларига ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди. Соҳибқирон қўшинларнинг бир қисмини орқага қайтарди. Пирмуҳаммад бошчилигидаги 6 минг қўшин Шерозга, амир Шамсиддин Аббос етакчилигидаги 8 минг суворий Самарқандга жўнади.

Али Яздийнинг ёзишича, «Темур ҳар бир ишни охирига етказгандагина мамнунлик туярди». Амир Темур Россиянинг жанубидаги Елец шаҳригача борган. Москва Руси Амир Темур яқинлашаётганини билгач жангга тайёрланган. София солномасига кўра, Москва князи Василий қўшин йиғиб, аввал Коломна сўнг Ока дарёси бўйларида душманни кутган, Яздий эса Темурнинг Москвага юришини ёзади: «Қимматбаҳо нарсаларга шунчалик бой эканки, саноғига етиб бўлмас экан. Ой ёғдусини қолдирадиган кумуш-олтин, газлама-ю, бўз матолар қор тоғидай уюлиб ётарди, қундузу сувсар терғиси беҳисоб эди». Аммо Амир Темур бу ерда узоқ турмади. У ўша йили Волга бўйига қайтди.

Амир Темурнинг бир мамлакатга қилган юришлари унинг бошқа мамлакатларга қилган юришлари билан кетма-кет борганлигини уруш воқеалари кўрсатиб туради. Амир Темур Озарбайжонга бир неча маротаба ҳужум қилиб борди ва 1387 йилда уни бўйсундиришга муяссар бўлди. Арманистон ва Грузияни Амир Темур

1392 йилда бўйсундиради. Темурнинг узоқ Ҳиндистонга юриши 1398 йилда тамомланди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати шунда эдики, у ўз душманларини эркин нафас олишга қўймаган. 1400 йилда Амир Темур қўшинлари турк султони Боязид I ва Миср султони Фараж билан кураш олиб бордилар. 1402 йилда Амир Темур Анқара ёнида Боязид билан иккинчи марта тўқнашди ва уни тор-мор этди.

Амир Темур ўз қўшинлари билан 1404 йилнинг охирида Хитойга қараб йўлга чиққанди. Уша йили қиш Марказий Осиё тарихида энг қаҳратон қиш бўлган. Сирдарёнинг суви 1 метрга музлаган, аскарлардан кўпини қулоқ-бурунларини, қўл-оёқларини совуқ олган эди. Амир Темурнинг ўзи ҳам кўп ўтмай шамоллаб қолади. 1405 йил январ ойининг ўрталарида Утрорда тўхташга қарор қилишади ва шу ерда 18 феврал куни буюк жаҳонгир Соҳибқирон Амир Темур вафот этди.

Амир Темур 35 йил давомида ҳарбий юришлар қилди. Бу юришлар натижасида у буюк давлат ташкил қилишга эришди. Унинг таркибига Мовароуннаҳр, Хоразм, Қаспий атрофидаги вилоятлар, ҳозирги Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия, Кавказ ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари киради. Амир Темурнинг муваффақиятига аввало унинг нодир ҳарбий истеъдоди сабаб бўлган. Амир Темур армиясида қатъий тартиб ва интизом ўрнатилган эди. Ҳар бир жанг режасини ва барча қисмлар учун йўл-йўриқларни ўзи ишлаб чиқарди. Унинг ҳарбий истеъдоди Анқара яқинида Султон Боязидга қарши жангда айниқса ёрқин намоён бўлди. Армиянинг юрагини ва қўмондонлик ўзани барлос уруғи вакиллари ташкил этарди. Шу давр воқеаларининг шоҳиди бўлганларнинг гувоҳлик беришича барлослар ҳарбий қўнимсизликка ниҳоятда чидамли, ёйдан ўқ узишга жуда уста, ўз ҳўкмдорларига содиқ ва сабр-тоқатли бўлганлар.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари албатта ғалаба билан тугалланиши керак эди. Чунки унинг мақсади ёзгулик, бирлик, тинчлик, эрк бўлган. Ҳар қандай мағлубият давлатни инқирозга ва ҳалоқатга олиб келиши халқни қийин аҳволга солишини Амир Темур яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай жанг, ҳар қандай қамални пухта ўйлаб амалга оширган.

Амир Темур лашкарлари орасида доимо мардликни, ор-номусни ҳар нарсадан юқори қўйишни, оғир пайт-

ларда бир-бирига кўмаклашишни таъкидлаган. Амир Темур аввало моҳир лашкарбоши эди, оғир жангларда ҳам тadbиркорлик қилиб, ҳарбий санъатини ишлатиб ғалаба эришган.

2- §. АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Амир Темур давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

Амир Темур ҳокимиятга келган даврда ўз фаолиятини ижтимоий-иқтисодий тушқунликка тушган ва кучли феодал тарқоқлик ҳукм сураётган Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан бошлади. У марказлашган мустақил давлат тузишга киришди. Давлат ишларини зафарли юришлар билан бирга олиб борди.

Давлат бошқаруви борасида мукаммал бўлган қонунлар ишлаб чиқди. Соҳибқирон ўзининг тузган қонуллари — «Темур тузуқлари»да Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, давлат тузуми, умуман 1342—1405 йилларда амал қилинган тартиб, қондалар ҳақида мукаммал ёзади.

Амир Темур давлати феодал тузумнинг юқори босқичи ҳисобланади. Бу даврда феодал муносабатлар ҳаётга кенг жорий этилди. Ерга эгаллик қилишнинг чекланмаган ҳукмронлиги ўрнатилди. Қайси мамлакат босиб олинса, ўша ерда ерга эгаллик қилишнинг феодал муносабатлари қарор топа борди.

Давлат тузумига Темур бир қатор ўзгаришлар киритди. Мамлакат хонликларга ажралиб, ўлкалар суюрғол сифатида ҳукмронларга тақсимлаб берилди. Бу даврда суюрғол—феодал ер инъом қилишнинг асосий тури ҳисобланган. Суюрғолни бошқариш ҳам оила аъзоларига, қариндошларига ўз хизматлари билан садоқат кўрсатган кишиларга топширилиб, бу ерлар кейинчалик авлоддан-авлодга мерос бўлиб қоларди.

Амир Темур ўзи истило қилган мамлакатларда ҳукмронликни ўғиллари ва набиралари, ғайратли ва истеъдодли саркардалари, барлос уруғидан чиққан қабиладошларига суюрғол тарзида топширган, улар орқали бошқарган. Мовароуннаҳрдан ташқари ўз тасарруфидаги барча вилоят ва мамлакатларни тўрт улусга бўлди.

Катта ўғли Жаҳонгирга Балх вилоятини, иккинчи ўғли Умаршоҳга Форс вилоятини, Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ ва Арманистонни, кичик ўғли Шоҳруҳга Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сейистонни берди.

XV асрда суюрғол ҳажми турли катталиқда бўлиши мумкин эди. Катта вилоят ҳам, кичик бир қишлоқ ҳам суюрғол бўлиши мумкин эди. Инъом этилган ҳар қандай нарса ёки қимматбаҳо буюм ҳам шу сўз билан ифода қилинарди. Суюрғолдан келадиган фойданинг учдан икки қисми давлат хазинасига, учдан бир қисми суюрғол эгасига тегишли ҳисобланган.

Бу даврда ерга эгалик қилишни «тархон» деб номланган тури ҳам мавжуд бўлган. «Тархон» деб — ер, мулк ёки бирор-бир корхона эгасининг давлат хазинаси фойдасига тўланадиган солиқ, ўлпон ва мажбуриятлардан озод қилинган қисми тушунилади.

Тархон ёрликлари амирлар, беклар, лашкарбошилар, амалдорлар, рухонийларга берилган. Тархондан келадиган фойда давлатга эмас, балки шахсий хазинага тушган. Ушбу мулк эгалари катта ҳуқуққа эга бўлиб, уларнинг гуноҳлари тўққиз маротаба кечирилган, фақат ўнинчи марта қилган гуноҳларидан бошлаб жавобгарликка тортилган.

Диний бошқармаларга қарашли бўлган — вақф ерларини мутаввалилар бошқарган. XV асрда вақф ерлари кенгайиб кетганди. Қурилган масжид, мадраса ва хонақолар учун вақф ерлари ажратилган ва улар дахлсиз ҳисобланган. Булар ҳаммаси шайхлар, дарвешлар, эшонлар учун бойиш манбаи ҳисобланган. Амир Темур вақф ерлари ва мулкларидан давлат фойдасига асосан солиқлар олмаган.

Ерларга, мулкка нисбатан мавжуд бўлган бу тартиб ва қоидалар феодал муносабатларни кенгайтириб боради. Темур даврида фойдаланиш учун юқоридаги тартибда ерлар, мулклар феодалларга бўлиб берилган. Фақат Мовароуннаҳрни Темур ҳеч кимга бермади, ўз қўлида сақлаб қолди. Феодал мулкдорлар ичидаги энг қудратлиси ўзи эди. Гарчи мулкдорлар марказий ҳукумат бошлиғига итоат этсаларда, улар маълум мустақилликка эга эдилар. Улар Самарқандга хирожнинг бир қисмини юбориб туриши, олий ҳукмдорнинг ҳарбий юришларида ўз қўшини билан қатнашиб туриши ёки талаб қилинган аскарни юбориб туриши лозим эди.

Амир Темур вилоятларни суюрғолга бўлиб, феодал-

ларга тақсимлаган вақтда, улардан албатта эҳтиёт бўлган. Чунки ривожланган феодализм шароитида феодал гуруҳлар маҳфий тил бириктириши ва ўз манфаатлари йўлида Темурга қарши бирлашуви мумкин эди. Бундай воқеалар бўлиши мумкинлигини у олдиндан кўра билган ва бу борада ўз вақтида чора ва тадбирлар кўрган эди. Амир Темур вафот этиши биланоқ шундай вазият вужудга келиб, ҳокимият учун курашлар натижасида Амир Темур давлати парчаланиб кетди.

Соҳибқирон давлатни қаттиққўллик билан бошқарди. Вассалларини доимо ўз ҳоҳиш ва иродасига бўйсундириб турди. Бўйсунмаган ҳокимларни даҳшатга солди. Унга қаршилиқ кўрсатганларни эса қаттиқ жазолади. 1376 йили жалоирлар қабиласи бошлиғи Амир Темурга итоат этишдан бош тортганлиги сабабли у ўлдирилган, қолган жалоирлар бошқа жойларга кўчириб, тарқатиб юборилган. 1388 йилда Темурдан норози бўлган амирлар қатл этилган. Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишича Соҳибқироннинг ҳукмига итоат этмаслик учун жазо бериш ҳуқуқи Амир Темур авлодларига ҳам таълуқли бўлган. Ўз мавқеидан фойдаланган амалдорлар ҳам жазодан қочиб қутулмаганлар. Темурнинг ўғли Мироншоҳ, невараси Амирзода Пирмуҳаммадлар халқ олдида қаттиқ жазога тортилганликлари тўғрисида тарихий манбаларда ёзилган.

Темур ёнида соҳта хонлар сақларди. Аввал ўз ҳузурда Суюрғатмишни (1370—1388) сўнгра унинг вафотидан кейин эса Суюрғотмишнинг ўғли Султон Маҳмудхони (1388—1402 йиллар) расмий хон қилиб кўтариб, уларнинг номидан ёрлиқлар чиқартиради, пуллар зарб эттирарди. Лекин бу ҳукмдорлар номигагина «хон» бўлиб, давлатнинг сиёсий ҳаётига ва Амир Темур берган фармонларга мутлақо аралашмаганлар.

Амир Темур давлати бошқаришда жуда тартибли бўлган. У вақти-вақти билан тафтиш, текшириш ўтказиб турган. Ўз амалини сунистеъмол қилиш, порахўрлик, ичкилик, маиший бузуқлик оғир гуноҳ ҳисобланиб, бундай одамлар албатта жазоланган. Ўз давлатининг обрўси, нуфузи, манфаати учун авлодлари, қариндош-уруғлари, ҳарбий бошлиқларини ҳам аямаган. Давлат ишларини оғишмай, қатъийлик билан бошқарган.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мураккаб феодал дунёни бошқаришда Темурнинг шахси катта эътиборга эга бўлган. Бошқариш сиё-

сатига у ҳукмронлик тусини берган ҳолда катта феодал кучларни ўз қўл остида маҳкам ушлаб турди. Вассалларни доимо шай туришга чорлади, кучли интизом ва тартиб-қондага асосланган ҳарбий ҳолатни вужудга келтирди.

Мўғуллар даврига нисбатан олганда Амир Темур даврида деҳқон ва ҳунармандларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволида бир қадар ижобий ўзгаришлар содир бўлганлиги ҳақида ёзма манбалар далолат беради. «Темур тузуклари»да ёзилган солиқлар йиғиш тўғрисидаги сиёсат юргизилиши ниҳоятда аҳамиятлидир: «Солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур, халқни хонавайрон қилиш, давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг кам қувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқлашишига, бу эса ўз навбатида, ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади».

Деҳқонлар ғаллани йиғиб олмасдан олдин, солиқ тўплаш қатъий ман этилган. Агар фуқаро солиқни гапсўзсиз ўз вақтида тўлайверса унда солиқ йиғувчига ҳожат қолмасди. Солиқ йиғувчига зарурат бўлган тақдирда сўз ва таъсир кучи билан ҳаракат қилинган. Ҳеч қачон куч ишлатилмаслиги керак эди.

Хирож ер солиғи сифатида йилда икки маротаба йиғиб олинган. Олинган ҳосилга қараб маҳсулот ёки пул ҳолида қатъий белгиланган миқдор ҳажмида солиқ тўлаш талаб этилган.

Мўғуллар давридан то XV асргача сақланиб қолган жон солиғи асосий солиқлар сифатида мавжуд эди. Урушлар даврида қўшимча солиқлар солинган. Ҳукмдорлар бу солиқни тинчлик даврида ҳам йиғишга ҳаракат қилганлар.

Янги босиб олинган мамлакатларда ҳам асосан шундай солиқлар жорий этилган. Аввало забт этилган ўлкалар ҳаёти ҳақида керакли маълумотлар йиғиларди. Тобе бўлган халқ аввалги ўзларини тартиб ва қондаларини сақлаб қолишни истаса уларнинг талаблари қондирилар эди.

Амир Темур давлатида деҳқонларнинг ерни ишлашдаги фидойилиги эътиборга олинган. Масалан: бирор шахс ўзлаштирилмаган ерни ишлаб, яроқли ҳолга келтирса ва экин экса, у одам бир йил солиқдан озод этилган. Иккинчи йили ҳоҳишга қараб ҳоҳласа тўлаган, ҳоҳламаса тўламаган. Учинчи йили солиқ ҳақидаги умумий

қонунга бўйсунган. Агар бадавлат деҳқон камбағал деҳқонга тазйиқ ўтказса ёки зарар келтирса бой жавобгарликка тортилган.

Шундай қилиб Амир Темур давридаги солиқ сиёсатининг ижобий томони шунда эдики, жорий этилган қонунларга қатъий риоя қилинган, ҳукмдорларнинг ўзбошимчаликларига йўл қўйилмаган. Бу тадбирлар деҳқонларнинг бойиб кетишига йўл бермаса-да, ҳар қалай уларни хонавайрон бўлишдан асрарди.

XV асрда Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик тез ривожланиб кетди. Бу масалани ёритиш, тарихий шароитга ҳолис ёндошишни талаб қиларди. Ривожланишга туртки ва сабаб бўлган талаб ва эҳтиёжларнинг ошганлиги ҳунармандчиликнинг равнақиға олиб келди. Ҳунармандчиликдаги айрим тармоқларнинг юксалиши мўғуллардан фарқли равишда ҳунар соҳибларини ярим қул ҳолатидан эркин ҳунармандларга айлантирди. Аҳолининг камбағал ва ўрта табақаси орасида феодаллашув содир бўлди. Ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўла бошлади. Амир Темур ва Темурийлар нишонлаган маросимларда, байрамларда моҳир усталар ўз маҳорат ва саъятларини намоиш этишга ҳаракат қилган. Бу даврда халқнинг истеъмол даражаси ўсиб борди. Натижанда маҳсулот ишлаб чиқариш кенгайди. Буларнинг ҳаммаси Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўсишига олиб келди.

Мамлакатда амалга оширилган улкан ишларнинг ҳаммаси давлат бошқарув тартиби орқали амалга оширилди. Асосий бош бошқарма — Девони Бузургдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма ҳам бор эди. Девон барча давлат ишлари: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, жамоат бинолари — бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, суғориш тармоқларига қараб туриш ва аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳаракатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланар эди. Ҳар бир девонда кирим ва чиқимларни ҳисобга олиш дафтарлари бўлган. Дафтарга кирим ва чиқимларни қайд этиш турк-ўзбек ва форс-тожик тилларида олиб борилган.

Давлат ишларида ҳам, ҳарбий юришларда ҳам Амир Темурнинг асосий ва содиқ таянчи ўз қўшинлари эди. Чунки у ҳарбий куч билан ўз давлатида яшовчи халқларни ва забт этилган мамлакат халқларини зўрлик билан ҳокимияти остида бирлаштириб турарди. Шунинг

Масъул

учун у ҳарбий ислоҳотга, айниқса қўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашкарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички интизом масалаларига катта аҳамият берарди.

Амир Темур мамлакатда ҳарбий ислоҳот ўтказди. Шу босидан у манбаларда замонасининг машҳур саркардаси ва йирик лашкарбошиси сифатида тилга олинди. Унинг ҳарбий маҳорати икки йўналишда бўлган. Биринчиси — аскар қисмларни қайта ташкил қилишда, иккинчиси — лашкарбоши қўмондонликда намоён бўлади.

Амир Темур қўшини ўзининг ташкилий тузилиши жиҳатидан, Чингизхон тартибларини ўзлаштирди ва янги асосда давом эттирди. Чингизхон даврида қўшин фақат кўчманчилардан иборат бўлиб, ўтроқ аҳоли аскарликка кам ҳолларда жалб этилган. Амир Темур замонида ўтроқ аҳоли қўшиннинг асосий қисмини ташкил қилмаса ҳам, кўчманчилар билан баробар аҳамиятга эга бўлган ва улар алоҳида қисм бўлиб хизмат қиларди. Ўтроқ аҳоли яшайдиган вилоятлар пиде аскарларни, шунингдек тош отувчи радандозни, ўзюатар қуролларни ва бошқаларни ишлата биладиган жангчиларни етказиб берардилар.

Амир Темурнинг қўшини ўнталиқ аскарий бирикмалар асосида тузилган лашкарлардан иборат эди. Лашкар «Туман» — ўн минглик, «Хазорат» — минглик, «Хушан» — юзлик ва «Айл» — ўнлик бирикмаларига бўлинган. Туманда аскарларнинг сони 10.000, қўшинда 100.000 нафардан ортиқ бўлган. Темур ўн минглик лашкарни бошқариш учун «туман оғаси», минглаб бўлинмалар учун «мириҳазора», юзлик учун «хушунбоши» ва ўнликлар учун «айлбоши» каби ҳарбий мансабларни таъсис этади.

Шу масалани ёритишга аниқлик киритиб, умуман кўчманчи халқларда маош тўлашда, муомалада тангалар қўлланилганлигини айтиб ўтиб, баҳолар от, қўй, туя ва бошқаларнинг нарҳи билан белгиланганлигини таъкидлаш лозим. Аскарларга маош тўлашни Темур оддий сипоҳий минган отнинг баҳоси миқдорида тайинларди. Баҳодирлар икки-тўрт от баробарида, айлбоши қарамоғидаги навкарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши эса ўнбошидан икки баробар кўп маош олган. Жангларда баҳодирлик кўрсатиб, ғалаба қозонган амирлар учун инъомлар ҳам белгилаб қўйилган-эди.

XV аср муллифи Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзи-

шича, ҳарбий сафарда ҳар бир жангчи ўзи билан бирга бир йилга етадиган озиқ-овқат, қурол-аслаҳа, 30 та ўқи билан камон, совут, найза ва қалқон олиб юриши керак бўлган. Ҳар икки отлиқ жангчида битта ортиқча от, ҳар ўн кишига битта чодир, 2 темир курак, битта болта, битта бигиз, 100 игна, йўғон арқон, бир пишиқ тери ва бир қозон бўлиши керак эди.

Амир Темур аскар ва аскар бошлиқларига алоҳида эътибор берган. Ҳар бир зобит жанг қилиш усулларини яхши билиши фарз саналган. Оддий навкар низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда у аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала қилиши ва адолатли бўлиши лозим ҳисобланган. Қўшинлар ҳарбий юришга чиққан вақтда, айниқса интизомга қаттиқ риоя қилишар эди.

Амир Темур юриш қилмоқчи бўлган мамлакатлари ҳақида узоқ маълумотлар тўпларди. Кўп кишилик қўшин — от ва туяларда қисмларга бўлиниб, маҳфий равишда ахборотлар тўплашга киришар эди. Ёки савдо карвонлари жўнатиладди. Хуфя одамлар мамлакат ҳақидаги маълумотларни тўплар эдилар. Улар чегара қўшинларининг ҳолати, уларнинг урушга тайёр ёки тайёр эмаслигини аниқлар эдилар. Маълумотларга асосланиб керакли чора-тадбирлар кўрилар эди. Амир Темур ҳам Чингизхон сингари савдогарларни турли хил моллар билан Хитойга, Ҳиндистонга, Мисрга, Сурия, Грузияга, ҳатто Европа мамлакатларига ҳам юборган. Булардан ташқари дарвиш — қаландарлардан ҳам айғоқчи сифатида кенг фойдаланилган. Бу соҳада улар Темурга катта хизмат кўрсатганлар.

Амир Темурда уруш қилишга нисбатан сулҳ тузишга мойиллик кучли эди. У босиб олиши керак бўлган мамлакатларга аввал сулҳни таклиф этиб, беҳуда қон тўкмасликка ҳаракат қилган. Сулҳ тузишга рози бўлмаган тақдирдагина ҳарбий ҳаракатлар бошлаган.

Амир Темурнинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни

Амир Темур ҳокимиятга келган давриданоқ ҳарбий сиёсатга ва давлат бошқарувида оид қонунлар юқорида тилга олинган «Темур тузуклари»да ифода этилган эди. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу-тахт эгаларининг вазифалари, вазир ва қўшин бош-

лиқларини сайлаш, мамлакатни идора этиш тартиби, давлат арбоблари ва кўшин бошлиқларининг бурчи ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу-тахтга хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусидаги масалалар ҳам баён этилади.

Манбаларда кўрсатилишича Амир Темур турк, араб ва эрон тарихини яхши билган. Аниқ фанларга ҳурмат билан қараган, амалий жиҳатдан фойда келтирадиган ҳар қандай билимни қадрлаган. У давлат ишлари учун ҳамма нарсанинг фойдали томонларини олишга ҳаркат қилган. Давлат аҳамиятига молик бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда шу соҳа билимдонлари ва уламолари билан маслаҳатлашган. У одатда тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт, тилшунослик, диний илм соҳиблари билан суҳбатлар ўтказиб турарди. Уларнинг маслаҳатларидан фойдаланарди ва давлатни одил бошқаришда уларга суянарди.

Амир Темур саройида уламолардан Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Баҳриддин Аҳмад, Хўжа Афзал, Алоуддин Коший, Жалол Хокий ва бошқа олимлар фаолият кўрсатишган. Ўз соҳаси фанида аллома бўлган кишилар саройга тўпланган. Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, хандаса, маъморлик, илми нужум, адабиёт, тарих, муסיқа соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берган.

Амир Темур ўз режа ва мақсадларини амалга оширишда олимлардан кўра кўпроқ мулкдор зодагонларга, ҳарбий кишиларга ва халққа таъсир эта оладиган обрўли, шухратли, тақводор руҳонийларга таянган. Маълумки, Амир Темурнинг ҳаётида учта пири бўлган. Улардан Сайид Барака унинг учун алоҳида эътиборга, ҳурматга сазовор бўлган пир ҳисобланган. Ҳарбий юришларда у доимо бирга бўлган, ғалабага илҳомлантирган. Қилич билан ниманики қўлга киритган бўлса, шўларни дуолар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Пирига нисбатан эътиқод-ҳурматни Сайид Барака вафотидан кейинги ўз васиятига қараб баҳолашимиз мумкин. В. В. Бартольднинг ёзишича «Темур ўлганидан сўнг унинг жасади пирига қаратиб кўмилиши кераклигини айтиб кетган». Ҳақиқатдан ҳам Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасида Амир Темур, Сайид Барака қабрининг оёқ тарафига дафн этилганлигини кўриш мумкин.

Соҳибқирон сиёсий мақсадни ҳар нарсадан юқори

қўйган. Ислом мазҳаблари ўртасидаги баъзи-бир келиш-мовчиликлардан усталик билан фойдаланган. Агар вилоятларда бирор-бир мазҳаб кишилари камситилса уларни ўз ҳимояси остига олиб, айбдорларни жазолаган. В. В. Бартольднинг эътирофича, Сурияда Алини ва унинг авлодларини ҳимоя қилганлиги учун Сурияликлар уни шиа мазҳаби тарафидан деб аташган. Хуросонда эса у сунний таълимотни тиклаган. Мозандаронда пайғамбар халифалар — чориёрларнинг қабрларини оёқ-ости қилган шиа дарвишларини қаттиқ жазолаган.

Темурнинг мамлакат фаровонлиги, унинг гуллаб-яшнаб камол топишдаги хизматлари беқиёсдир. Мовароуннахрнинг шон-шуҳратини у дунёга намоиш этди.

Амир Темур тарихига доир манбалар кўп. Лекин уларда бир-бирига зид фикрлар ҳам ифодаланади. Уларни чуқур ўрганиш, мушоҳада қилиш, ҳақиқатни топишга интилиш, тарихни холис ёритишга ёрдам беради.

Амир Темурдан аввалги муғул ҳукмдорлари ўзлари босиб олган мамлакат аҳолисини қириб, шаҳар ва қишлоқларни текислаб, вайрон қилган бўлсалар, сохибқирон мамлакатни ободонлаштириш йўлида тиним билмай ҳаракат қилди. Мамлакатни бошқаришни ҳарбий юришлар билан биргаликда олиб борар экан, ҳар бир зафарли воқеа ёки қувончли ҳодисани мухташам меъморлик обидасини барпо этиш билан нишонлади.

Амир Темур забт этган мамлакатларнинг фақат моддий бойликларини олиб келмасдан, у ердан уста-ҳунармандлар, олимлар, санъаткорларни Мовароуннахрга олиб келарди. Мамлакатни обод қилиш ишларида улардан фойдаланарди.

Амир Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса қурдирди. Туркистонда Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара қурдирди. Катта қурилишлар Кеш ва Самарқандда ҳам амалга оширилди.

Узининг она-Юрти Кешда отаси қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан бирга масжид қурдирди. Темур ҳукмронлигининг бошланғич даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлган. Шунинг учун уни ободонлаштириш ишларига катта аҳамият берди. Кешда машҳур бўлган сарой — Оқсарой қурдирди. Хоразмлик меъморларнинг маҳорати билан қад кўтарган бу мухташам саройнинг пештоқи, тоқуравоқлари ва деворлари зангори ва олтин рангдаги арабий нақшли, гулдор ўймакор қилиб безатилган. Ман-

баларда ушбу сарой ҳақидаги ривоятларни учратамиз. Амир Темур Кешга алоҳида эътибор қаратган, уни Урта Осиёнинг маънавий марказига айлантиришга ҳаракат қилган.

Кейинчалик Амир Темур ҳокимиятининг маркази қилиб Самарқандни танлади. Бу борада олимларнинг ҳар хил фикрларига дуч келамиз. Айрим олимлар Темурнинг биринчи бўлиб эгаллаган шаҳри Самарқанд бўлганлигидан десалар, бошқалари Самарқанд обҳавосининг гўзал бўлганлиги учун деб изоҳлайдилар. Яна бошқалар эса «Самарқанднинг қадимдан бутун дунёга маълум бўлганлиги, машҳур Афросиёб худди шу шаҳардан туриб Турон мамлакатини бошқарганлигини Темурнинг ушбу шаҳарни пойтахт қилиб танлашган сабаб бўлган бўлса керак» деб таҳлил қиладилар. Бизнинг фикримизча, Самарқанд милоддан аввалги VI—V асрлардаёқ (Афросёб ҳаробалари) қадимги Сўғдиёнанинг маркази ҳисобланиб марказий шаҳар сифатидаги аҳамиятини ўрта асрларда ҳам сақлаб қолган. Шунингдек географик қулай шароитда жойлашганлиги сабабли Темур бу шаҳарни ўз давлатига марказ қилиб танлаган.

Албатта, бу таҳлилларнинг ҳаммасида маълум ҳақиқат ётади. Испания элчиси Гонзалес де Клавихо ҳам, қадимги юнон йилномачилар ҳам, З. М. Бобур ҳам Самарқандни таърифлаб, унга катта баҳо берганлар. Урта аср шоир ва ёзувчилари Самарқандни: Сайқали рўйи замин — бутун ер юзининг сайқали — ҳусни, деб таърифлаганлар.

Самарқанд салтанат пойтахти қилиб олингач, у алоҳида имтиёзга эга бўлган шаҳарга айланади. Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқанд гўзаллиги, катталиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан устун туриши керак эди.

Мўғуллар босқини давомида бутунлай вайрон этилган Самарқанд шаҳри Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўзининг қадимги ўрnidан бирмунча жануброқда қайта қурилди. Шаҳар атрофи қалъа девори билан ўралиб, Оханин, Шайхзода, Чорсу, Қаризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталган мустақкам дарвозалар, Темурнинг қароргоҳи — Кўксарой ва Бўстонсаройлар қурилди.

Темур мамлакатида, ҳусусан унинг пойтахти Самарқандда кўркам ва муҳташам бинолардан турли касбдаги ҳунармандлар маҳаллалари барпо этилди. Ҳунарманд-

чилиқнинг кенгайишига соҳибқирон алоҳида эътибор берди. Шу давр хотираномаларида, Амударёнинг шимолӣ қирғоғидан, яъни Мовароуннаҳрга ўтмоқчи бўлган ҳар қандай кишини бемалол ўтказиб юборилар эди. Бироқ ҳеч ким ижозат олмай туриб Мовароуннаҳрни ташлаб, Амударёнинг жанубий қирғоғига ўтиб кетолмасди. Ишга яроқли бўлган ҳар бир кишига ўзига яраша иш топиб бериларди. Мамлакатдан сабабсиз чиқиб кетишига йўл қўйилмасди. Клавиҳо бу ҳолатлардан ҳайратга тушиб ўз саёҳатномасида «Темур ишга яроқли бўлган одамларни камайиб кетишини истамасди» деб ёзган эди.

Амир Темур Самарқанд атрофида ўз қариндош-уруғларига атаб гўзал боғлар қурдирди. Моҳир меъмор, тажрибали қурувчилар меҳнати, маҳорати билан барпо этилган Боғидилқушо, Боғичинор, Боғибаланд, Давлатобод, Боғинов, Боғишамол каби боғлар ўша давр санъати намуналарини ифодалайди. Самарқандда Бибиҳоним масжиди, Шоҳизинда мақбаралари қурилди. Йўллар қурилди, Қўҳак-Зарафшон дарёси орқали кўприк, кейинчалик Амударё ва Сирдарёга кўприк бунёд этилди. Тошкент атрофида каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилди. Шаҳар кўринишидаги Оҳангарон қишлоғи қурилди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвонсаройлар ва бошқа қурилишлар билан бирга суғориш иншоотлари пайдо бўлди. Шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган даражада олиб борилди.

Янги-янги қишлоқлар барпо этилди. Амир Темур Самарқанд атрофидаги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Дамашқ (Димишқ), Миср (Қоҳира), Бағдод, Султония, Шероз деб атади. Чунки Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак атрофининг обод эканлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан устунроқ турмоғи керак эди.

Шу билан бирга бу даврда Мовароуннаҳр шаҳарларида, айниқса унинг пойтахтида савдо ва ҳунармандчилик ғоятда ривожланган. Янги бозорлар ва савдо расталари барпо қилинди. Шаҳар билан деҳқончилик воҳалари ва чорвадор кўчманчи аҳоли ўртасида савдо алоқалари кенгайди. Шаҳарлар мол айрбошлаш савдосида муҳим ўрин тутган.

Амир Темур йўл қурилишига катта аҳамият берди. Қарвон йўллари қароқчилардан тозаланди. Йўловчилар

хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг кўчиб ўтиши учун манзилгоҳлар қурдирди. Қулайлик яратиш мақсадида катта йўлларга соқчилар қўйди. Соқчилар йўловчиларнинг моли учун жавобгар эдилар.

Европа мамлакатларидан Ҳиндистон ва Хитойга олиб борадиган ва у ерлардан Урта Осиё орқали ўтадиган тарихда «буюк Ипак йўли» деб аталган халқаро йўлнинг барча асосий йўналишларини эгаллаб олган Темур бу йўлда карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тадбирлар кўрди. Машриқ ҳамда Мағриб, яъни шарқ ва ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларининг ҳар томонлама ривожланишига ғоят эътибор берди.

Амир Темур катта дипломат сифатида ҳам машҳурдир. У Византия, Венеция, Генуя, Испания—Кастилия, Франция, Англия билан яъни ўша даврдаги маълум ва машҳур бўлган Европа давлатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини ривожлантирди. Тил, дин, миллатларнинг ҳар хиллиги Амир Темурни Европа мамлакатлари билан дипломатик, савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ишида ғоят муҳим қадамлар қўйишга ҳалақит бермади. Темур турк Султони Боязид устидан ғалаба қозонганидан сўнг ташқи муносабатларни янада кучайтириб юборди. Амир Темур энг донг таратган подшоҳ сифатида танилди. Буни ўша мамлакатларда ёзилган ва нашр этилган китоблардан ўқиб билишимиз мумкин. Ғарб ва Шарқда уни доно раҳбар, ҳарбий санъат устаси сифатида тан олишган. XV асрда Амир Темурга «Европа халоскори» деган ёдгорлик ўрнатилган. XVI асрда К. Марло «Буюк Темурлан» деган пьеса яратади. А. Г. Гендель XVIII аср бошида «Темурлан» деган опера ёзади.

Амир Темурнинг Туркистон тарихидаги роли беқиёсдир. Энг аввало унинг хизматлари Мовароуннаҳрни муғул ҳукмронлигидан холос этганлиги ва марказлашган давлат тузганлиги билан изоҳланади.

Амир Темур парчаланиб кетган давлатни бирлаштириб, унинг иқтисоди, маданияти ва қадриятларини тиклади. У савдо муносабатларини ривожлантирди. Кўп давлатлар билан аҳил муносабатларни ўрнатди. Унинг ҳукмронлиги даврида меъморчилик ривожланди, шаҳар қурилишига катта эътибор берилди; ҳунармандчилик камол топди, фан ва маданият ривожланишига кенг имкониятлар яратилди, ҳарбий соҳа баркамолликка етишди.

Унинг доно сиёсатчи, машҳур давлат арбоби ва буюк лашкарбоши бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқдир. Шу хусусиятлар билан бир қаторда унинг қаттиққўл ҳукмдор, ўзига ва ўзгаларга талабчан бўлганлиги унинг фаолиятига баҳо беришдаги қарама-қарши бўлган фикрларни келиб чиқишига сабаб бўлган бўлса керак.

Амир Темурнинг таржимаи ҳолида шундай фикрларни ўқиймиз, «... ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шамини ва иккинчи қўлимда беғаразлик шамини олиб, бу икки шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қондаларига риоя қилдим. Мен ўзимга шундай ғояларга амал қиладиган тўрт вазирни танладим. Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Насриддин Маҳмуд ал-Аромий эрди. Бу икки вазиримга доимо мени кузатиб туришни ва агар мен адолатсизлик қиладурсан бўлсам, дарҳол мени тўхтатишни, кимнингдир ёлғон сўзларига ишонсам ёки бегона кимсани мулкидан фойдаланадурсан бўлсам, дарҳол мени огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйдим». Ана шундай ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлиги туфайли XIV асрнинг 80- йилларига келиб мамлакатда осойишталик ўрнатилган.

Шўролар даврида Соҳибқироннинг серқирра ва қарама-қаршиликларига бой даврдаги фаолиятига бир томонлама баҳо берилди. Оқибатда кўпчилик онгида Амир Темур жоҳил ва шафқатсиз ҳукмдорга айланди.

Тўрри Амир Темур кўп жанг қилди. Улардан «уч йиллик», «беш йиллик» ва «етти йиллик» юришлари айниқса машҳур бўлди. Амир Темур бу жанглар натижасида Қора, Эгей ва Урта ер денгизларидан то Ҳиндистоннинг шарқи, Мўғулистон ва Ҳитойга, Ҳинд океанидан то Урол тоғларигача бўлган ҳудудни забт этди ва улкан салтанат барпо қилди. Бу улкан давлатнинг ҳудудлари Чингизхон давлатидан кейинги ўринда турарди, лекин Искандар Зулқарнайн давлати ҳамда Араб халифалигидан кичик эмас эди. Албатта бу жангларда кўп қон тўкилган, аммо, Амир Темур юришларига тарихийлик ва адолат юзасидан қараш тақозо этилади.

Инсоният тарихида бўлган урушлар сабаблари таҳлил қилинса, кўпгина чигалликлар ойдинлашади. Амир Темур яшаган даврда жамиятда шундай вазият юзага келган эдики, ё сен душманларингни мағлуб этган ҳолда давлатни сақлаб, кенгайтириб, қудратингни ошира-

сан, ёки душманларнинг сенинг давлатингни босиб олади. Бунга Темур билан Тўхтамиш ўртасидаги муносабатлар яққол мисол бўла олади. Урисхоннинг таъқибидан сўнг олтин Ўрдага қочиб, бир неча йил Самарқандда, Амир Темур паноҳида жон сақлаган Тўхтамиш ўзи тахтга чиққач, ҳомийси Амир Темурнинг давлатини босиб олишга бир неча бор уринади. Натижада Амир Темур ўз қўйнидаги илонни янчиб ташлашга мажбур бўлди. Бироқ буюк Жаҳонгир вафот этганидан сўнг, у тириклигида журъат қилолмаган ёвлар, Мовароуннаҳр шаҳарларини босиб олдилар, ҳатто Амир Темур қабри устига ўрнатилган тошни кўчириб олиб кетишдан ҳам ор қилмадилар. Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, агар буюк Жаҳонгир қудратли давлат барпо қилиб, атрофидаги душманларни тинчитиб турмаганида, унинг ўзи ва авлодлари қарийб бир ярим аср Мовароуннаҳр тахтини ўз қўлларида ушлаб тура олмас эдилар.

Академик В. В. Бартольднинг бир томонлама, унинг вайронагарчиликлар қилганлиги ҳақида фикрига зид ўлроқ Темурнинг буюк саркарда, давлат арбоби, бунёдкор ва ижодкор эканлигини тан олишга мажбурмиз. Чунки, Амир Темур ташаббускор қурувчи эди, у буюк иморатлар барпо этди ва уларни улкан боғу-роғлар билан ўради, шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сув иншоотлари қурдирди ва бузилганларини тузатди. Амир Темурнинг ижодкорлик фаолияти ҳам кишини хайратда қолдиради. Мусулмон меъморлигидаги энг яхши давр Амир Темур ва унинг авлодлари даври билан боғлиқдир.

Амир Темур фаолиятига (давлат бошқариши, ҳарбий юришлари, ислоҳотлар ўтказиши ва бошқаларга) баҳо берар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Амир Темур ўз замонининг фарзанди эди ва шу замонда яшади. У феодал гуруҳларнинг ўзбошимчалигига ва давлат тарқоқлигига қарши қаттиқ кураш олиб борган. У ўз юртини севади ва шу ОНА юртида парчаланган вилоятларни бирлаштириб қудратли марказлашган давлатга асос солди. Фан ва адабиёт ҳомийси бўлди, турли ислоҳотлар ўтказди, катта қурилишлар қилди, Мовароуннаҳрни дунё миқёсида тан олинишига олиб келди. У жаҳон тарихидан энг буюк сиймо — Соҳибқирон сифатида шарафли ўрин эгаллашга ҳақлидир. ЮНЕСКО томонидан 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиниши унинг жаҳон тарихидаги буюк хизматлари ва қол-

дирган меросига нисбатан авлодлар ҳурматини кўрса-
тади.

3-§. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МОВАРОУННАҲР ВА ХУРОСОН. СИЕСИЙ, ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Амир Темур давлатининг бўлиниб кетиши.
Темурий шахзодалар ўртасида ягона ҳукмдорлик
учун кураш

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг бутун куч-қудрати, ақл-заковати ва ноёб ҳарбий истеъдоди билан Мовароуннаҳрни қудратли давлатга айлантиришга муваффақ бўлди. У қурган ва асос солган сиёсий-ҳарбий пойдевор Шарқ оламида Мовароуннаҳрни энг етакчи мамлакат бўлишини таъминлади. Қарийб 35 йил давомида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар оқибатида 25 дан ортиқ каттаю-кичик давлатлар Соҳибқиронга итоат этди. Темурнинг тасарруфидаги ҳудуд ғарбда Шарқий Африка, Урта Ер денгизи соҳиллари, Кичик Осиёнинг Европа билан туташ қисмлари билан чегараланса, Шарқда Қашғаргача етиб борган эди. Бу давлатнинг шимолий қисми Волга бўйлари, ҳозирги Россия жанубий даштларидан бошланса, жануб қисми Форс кўрфази, Ҳиндистоннинг марказий қисмига қадар етган. Дунё халқлари, мамлакатларини ларзага солган кучли давлатлар буюк жаҳонгир Темур олдида тиз чўккан эди. Мана шундай катта ҳудуд Соҳибқирон вафотидан сўнг унинг фарзандлари ва кейинги поғона авлодларига мерос қолди.

Амир Темур тириклигидаёқ ўзи билан юришларда қатнашган ва ҳарбий истеъдодини у ёки бу даражада намоён қилган айрим фарзандларини баъзи вилоятларга ҳукмдор этиб тайинлаган эди. 1366 йилда туғилган учинчи фарзанди Мироншоҳ шундайлардан бири бўлди, уни 14 ёшида отаси ҳали истило этилмаган Хуросон вилоятига ҳукмдор этиб тайинлайди. Мироншоҳ Ўзбек хоннинг неварасига уйланганлиги учун Кўрагон деб аталган. Дастлаб, Мироншоҳга Хуросон ҳукмдорлиги берилганда унинг пойтахти Ҳирот шаҳри эди. 1393 йилдан эса чингизий Хулағухоннинг Форсдаги мулклари

Темур тассарруфига ўтказилганлиги сабабли, Форс муғуллари ҳукмдорининг тахти Мироншоҳга берилди. Шимолий Форс, Кавказ орти, Бағдод ҳудудларидан иборат йирик ҳудуднинг марказлари Табриз ва Султония бўлган.

Невараси Пирмуҳаммад Жаҳонгирни Қундуз, Бағлон, Қобул, Ғазна, Қандаҳор ва уларга қарашли ерларга ҳоким этиб тайинлаган эди. 1399 йилда Соҳибқирон, «етти йиллик уруш» олиб боришидан илгарироқ Самарқандни Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султонга, Фарғонани эса Умар Шайхнинг ўғли Искандарга топшириб кетади. Соҳибқирон йўқлигида 1399—1400 йил қиш фаслида улар ўртасида низо чиқди. 1400 йилнинг баҳорида Искандар Муҳаммад Султон ҳохиш-иродаси билан Самарқандга олиб келиниб асир қилинган. 1400 йилнинг ўзида Пирмуҳаммаднинг турли баҳоналар билан юришдан бош тортганлиги, 1400 йилнинг охирида Султон Хусайннинг Дамашқ қамали пайтида қамалдагилар томонига ўтиб кетиши сабабли уларнинг ҳар иккаласи калтак билан уриб жазолашга буюрилган. 1401 йилда Искандар ҳам шундай жазога дучор қилинди. Жасурлиги ва фаросатлиги туфайли Хулағухоннинг тахтига ўтказиб қўйилган Мироншоҳ кейинги вақтларда ўзбошимчаликка кўп йўл қўйган эди. Айниқса 1396 йили у отдан йиқилиб ақлий жиҳатдан заифлашиб қолган бўлиб, ўзининг тасарруфидаги ерларни идора қила олмай қолди. Мироншоҳ ўз вилоятини обод қилиш ва одилona бошқариш ўрнига бузғунчилик, вайронгарчиликка йўл қўйди. Унинг салбий фаолияти ҳақидаги хабар 1399 йилда Амир Темурга ҳам маълум бўлиб қолди. Мироншоҳнинг мансабига 1401 йилда Самарқанддан чақирилган Муҳаммад Султон ўтқазилди. Кичик Осиёдаги юришларда мазкур шахзода жасурона фаолият кўрсатган эди. Лекин касаллиги туфайли у 1403 йили оламдан ўтди.

1404 йилда эса Ғарбий Форс ва Месопотамия Мироншоҳнинг иккинчи ўғли Умарга тақдим этилди. Унинг ўғли Абу Бакир тасарруфига Бағдод кирган бўлса, Умаршайх (Темурнинг иккинчи ўғли) нинг ўғли Рустам Исфаконнинг ҳукмдори этиб тайинланади. Марҳум Умаршайхнинг тўнғич ўғли Пирмуҳаммадга Шероз 1403 йилда қайтиб берилди. Пирмуҳаммаднинг Рустамдан кейинги инисига Ҳамадон тақдим этилган. Темур ўзига тахт вориси этиб тўнғич ўғли Жаҳонгирни белги-

лаши лозим эди. Бироқ Жаҳонгир эрта ўлганлиги сабабли тахт унинг тўнғич ўғли Муҳаммад Султонга тегиши керак бўлган. Қасаллиги сабабли, у ҳам 1403 йилда Кичик Осиёдаги юришда ўлганлигини юқорида эслатиб ўтдик. Амир Темур ўлимидан олдин ўзининг содиқ амирлари ва бекларини чақириб, Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғли Пирмуҳаммад Мирзони валнаҳд этиб тайинлашни буюради. У Самарқанд тахти ҳукмдори ва арқони давлат унинг ҳукми-фармонида бўлишини ҳам ўзининг аъёнларига тайинлайди. Бунга қадар Пирмуҳаммад Ҳиндиқуш жануби-ғарбдаги ҳудудлардан Ҳиндга қадар ерларни идора қилиб турган эди. Амир Темур вафот этган вақтда ундан 2 ўғил 19 невава ва 15 чевара, шунингдек қизлари Оға бегим, Султон Бахт бегим ва Оға бегимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзолар қолган эди.

Амир Темур вафотидан кейин унинг йирик давлати бўлина бошлади. Темурий шаҳзодаларнинг тахт учун кураши қудратли давлатнинг бўлинишига асосий сабаблардан бири бўлди. Биз юқорида Темур ҳаётлигидаёқ унинг авлодлари орасида низо-жанжаллар, ҳокимият учун курашларни кўриб ўтдик. Темур Утрорда оламдан ўтгандан сўнг, унинг маслаҳати билан қазо этганлиги сир тутилиб, яширин суратда Самарқандга олиб келинишининг сабаби ҳам Мовароуннаҳрда саросималик ва бош-бошдоқликка йўл қўймаслик учун эди. Соҳибқирон Темурга унинг ҳохиш-иродасини сўзсиз бажаришга ваъда берган амирлар ва бошқа амаддорлар, шаҳзодалар Пирмуҳаммадни ҳукмдорлигини тан олишмади. Тез фурсат ичида Темурнинг ўлими ҳақидаги хабар бутун Мовароуннаҳрга тарқалди. Бир неча ой мобайнида қудратли давлат бўлакларга ажралди.

Ҳокимият учун кураш бошланиб, бу вақтда Темур армиясининг сўл қанотини унинг невараси Султон Ҳусайн бошқариб турган бўлиб, мазкур қисмлар Ясса ва Сабронда қишлаётган эди. Бобоси ўлимини эшитган ва ҳокимиятга даъвогар бўлган Султон Ҳусайн ҳарбий қисмларни ташлаб, ўзига содиқ 1000 киши билан Самарқанд томонга йўналди. Буни эшитган қўшиннинг марказий кучлари саркардалари Утрордан туриб, Ҳитойга ҳарбий юришни тўхтатишга қарор қилдилар. Қўшиннинг ўнг қанотини Мироншоҳнинг учинчи ўғли Халил Султон ва Умар шайхнинг тўртинчи фарзанди Аҳмад бошқариб турган бўлиб, улар ўз ҳарбий куч-

лари билан Шоҳруҳия, Тошкент ва Сайрамда турган эдилар. Аҳмад ўзининг лашкарбошлари билан бирга Халил Султонга содиқ қолишга аҳд қилишади. Амир Темурнинг васияти бузилганлигини кўрган турли ҳарбий қисмлардаги амирлар, амалдорлар ҳар хил гуруҳларга бўлиндилар. Тошкентдаги ўнг қанот раҳбарлари Пирмуҳаммадга қўшилиш ва уни қўллаб-қувватлашни маъқул кўрдилар. Лекин Халил Султон олдиндан амир Арғуншоҳ билан тил бириктириб, Самарқандга у келгунга қадар, ҳеч кимни киритмаслигини илтимос қилган. Келишувга мувофиқ Хитойга юриш қиладиган қўшинларнинг учта асосий қисми Чўқлик мавзеида қўшилиб, сўнгра биргаликда юришни давом эттиришлари лозим эди. Афсуски, бундай ҳодиса юз бермади. Иброҳим Султон амирлари билан бирга айтилган жойга келаётганда юборган чопарлари Халил Султон ва Султон Хусайнларнинг боболари васиятига хилоф иш тутиб, Самарқандда ҳокимиятни эгаллаш учун аҳд қилганликлари ҳақида хабарни етказган эди. Темир қўшинининг марказий қисмида амирзода Иброҳим Султон билан бирга Улуғбек Мирзо ҳам бор эди. Мазкур қисмнинг ҳарбий бошлиқлари амир Шоҳмалик ва Шайх Нуритдинлар бўлган. Улар Самарқандга 1405 йил март ойининг бошларида тобут ортилган тахтиравон билан келишади. Бироқ Халил Султонга ён берган амир Арғуншоҳ уларни Самарқанд шаҳрига киритмайди. Тобут ортилган тахтиравон эса қабул қилинади. 1405 йилнинг 18 мартада Самарқанд шаҳри, қалъаси ва Темурнинг хазинаси Халил Султонга топширилди. Шаҳарга киришдан маҳрум этилган Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султон ва амирлар Бухорога равона бўладилар. Лекин бу ернинг доруғаси амир Ҳамза барлос, унинг укаси Рустам барлослар Халил Султонга ён бериб унинг фойдаси учун Улуғбек, Иброҳим Султон ва амирларга қарши фитна уюштирдилар. Улуғбек ва унинг ҳамроҳлари Бухородан Хиротга Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига кетишдан ўзга йўл топмайдилар. Айни шу аснода Темур давлати қуйидаги ҳолга тушди: Мовароуннаҳрнинг олий — ҳукмдори Халил Султон; Пойтахти Хирот бўлган Хуросоннинг ҳукмдори Шоҳруҳ, Балх, Ғазна ва Қандаҳор ҳукмдори Пирмуҳаммад Жаҳонгир; Ғарбий Эрон ва Озарбайжон Мирзо Умар билан Абу Бакр Мирзо қўли остида бўлиб, улар ҳам ўзлаётганининг ҳокими мутлақ деб атадилар; Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрам каби ерлар темурийлардан бўл-

маган Амир Бердибекнинг қўлида; амир Худойдод Хусайн эса Уратепа ва Фарғонани ишғол этди; Олтин Урданинг амири Идику 1406 йил бошларида Хоразмни қўлга киритди.

Бир тарафдан Темурий шаҳзодалар ўртасида тахт учун низо — жанжаллар бошланган бўлса, бошқа томондан Амир Темур ҳокимиятдан четлатган сулолаларнинг вакиллари ўз ҳудудларини қайта қўлга киритиш учун кураш бошлади. Амир Темур тахти учун курашда Шохруҳ жонбозлик кўрсатди. Шохруҳнинг қўшинлари Пирмуҳаммад Ибн Жаҳонгир билан бирлашган ҳолда 1406 йилнинг 21 февралда Насаф атрофида Мирзо Халил Султон қўшинлари билан муҳорабага киришди. Шохруҳнинг ўзи қатнашмасида, унинг ўғли Мирзо Улуғбек ва амир Шохмаликлар иштирок этган бу жанг Мирзо Халил Султон қўшинларининг ғалабаси билан якунланди. Бундан кейинги воқеалар Мирзо Шохруҳнинг муваффақиятлари билан алоқадор ҳолда кечди. Тус ва Машҳадда исён кўтарган амир Сайидхожи 1406 йилнинг июл — август ойларида Шохруҳ томонидан олиб борилган ғолибона юриш натижасида мағлуб бўлди ва Шерозга қараб қочди. Она юрт Мовароуннаҳрнинг тахтини эгаллаш учун Шохруҳ ва Улуғбекнинг режалари эса амалга ошмади.

Амир Темурнинг валиаҳди Мирзо Пирмуҳаммад ибн Мирзо Жаҳонгирнинг хоинона ўлдирилиши ўша вақтдаги воқеаларни янада кескинлаштирди. Мирзо Пирмуҳаммад Ҳ. Вамберининг маълумотига қараганда айшу-ишрат ва кайфу-сафога берилиб, ўзининг қўли остидаги ҳокимиятни аввалги хизматкори, кейинроқ эса вазирлик мартабасига кўтарилган Пир Али Тозга ишониб топширган эди. 1407 йил Балх қалъасида ширин уйқуда бўлган Пирмуҳаммад ва унинг хотинлари ҳамда хизматкорларини Пир Али Тоз бошлиқ бир гуруҳ фитначилар чопиб ташлайдилар. Машъум хабар кўпчилик Темурийларни ташвишга солиб қўйди. Шу аснода Пир Али Тоз билан Халил Султоннинг яқинлашуви сезилди.

Эрон Озарбайжонда бу вақтда туркманларнинг Қора қуюнли сулоласига мансуб Қора Юсуф (1389—1420) чиқиб, шу ерда мавжуд Темурийларга қарашли мулкларни ўз тасарруфига кирита бошлади. Табризда 1408 йилнинг 22 апрелида Мироншоҳ ва Мирзо Абубакрнинг қўшинлари Қора Юсуф қўшинларидан енгилди. Мироншоҳ жангда ҳалок бўлди. Бу ердаги

қўплаб ер-мулк ва ҳудудлар ҳам қўлдан кетган эди. Шоҳруҳ бу вақтда жуда қийин аҳволга тушиб қолади. Унинг зўр бериши сабаб бўлиб, 1407 йил июн ойида Пир Али Тознинг исёни Балхда бартараф этилди. Мозандаронда исён кўтарган Пир Подшоҳ 1407 йилнинг охирларида мағлуб қилинди. 1408 йилнинг бошларида эса Сейистон ҳокими Шоҳ Қутбиддин ва унинг олдига қочиб келган Кирмон подшоси Султон Увайснинг марказий ҳукуматга қарши бош кўтариши бостирилди. Шунча ҳарбий зафарларга эришган Шоҳруҳ 1409 йилнинг март ойларида Халил Султонга қарши юришга бел боғлади.

Аmmo уларга қадар амир Худойдод Хусайний мўғул ва қалмоқларни бирлаштириб Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Халил Султон Арғуншоҳ ва амир Оллодод раҳбарлигида душманга қарши қўшин юборади. Х. Вамберининг фикрича, Арғуншоҳ ва Оллодод Худойдод билан яширинча иттифоқда бўлганлар. Самарқанднинг ёнида бўлиб ўтган мазкур жангда Халил Султон енгилиб Худойдодга асир тушган. Унинг суюкли хотини, Мовароуннаҳрдаги сиёсий воқеаларга салбий таъсир кўрсатиб турган Шодимулк Худойдод томонидан тортиб олинган, Самарқанд эгалланиб, бутун хазиналар таланди.

Шоҳруҳ тез фурсат орасида қўшини билан Мовароуннаҳрга кириб Худойдод қўшини устидан устун келди. Худойдод аввалига Андижонга қочиб кетади. Бироқ тез орада бу ердан Мўғулистонга Муҳаммадхон ҳузурига йўл олиб ундан ёрдам сўрайди. Муҳаммадхон уни яхши қабул қилиб олиб, ярим кеча бўлганда бошини танасидан жудо қилади ва уни Шоҳруҳга юборади. Халил Султон Худойдод ўлганидан кейин тутқунликдан қочиб ўзининг ҳалоскори Шоҳруҳ олдига келиб, унга тавба-тазарру қилади. Мирзо Шоҳруҳ Мирзо Халил Султонни гуноҳларини авф этиб ўзи билан бирга Хиротга олиб кетади ва тез орада Рай вилоятига уни ҳукмдор этиб тайинлайди. Шу тарзда Мовароуннаҳр тахти Мирзо Шоҳруҳ қўлига ўтди. У мамлакатни бошқарувни қайтадан тузиш ишларини амалга оширди. Шоҳруҳ улўғвор ҳукмдор, ақл-заковатли давлат бошлиғи эди. У ҳақда Х. Вамбери қуйидагиларни ёзган: «Шоҳруҳ — Темурийларнинг энг машҳур ва олийжаноб бир шаҳзодаси бўлиб, унинг саройи замонасининг фан ва маориф ўчоғи эди. Хуросоннинг маорифга мойил Эрон унсури орасида у ўзини ниҳоятда бахтли ҳисобларди. Шу бойс Мовароуннаҳрда ҳокимият масаласи ва отасининг ва-

фотидан кейинги воқеалар унинг эътиборини қаттиқ тортарди. Лекин сулола манфаати таҳликага тушганлигини кўрганидан кейин, урушни қанчалик севмаса-да, ўзини тутиб туrolмади». Мажор тарихчисининг берган тавсифи Шоҳруҳнинг феъл-атвориға айнан мос тушади десак муболаға бўлмайди. Унинг ҳатти-ҳаракати ва шижоати туфайли Мувароуннаҳрда Амир Темур ўлиmidан сўнг юз берган саросималик, тарқоқлик вақтинча бўлса ҳам ўз ўрнини осойишталик ва тинчликка бўшатиб берди. Шоҳруҳ мамлакатни бошқаришда кўпроқ ягона ҳукмдорликнинг афзаллигига ўз диққатини қаратди. Сиёсий тажрибаға эға Шоҳруҳ ўзининг пойтахти қилиб Ҳиротни танлади. Шу ердан туриб у мамлакатни бошқариб турди. Темур барпо этган давлатнинг ер мулклари шаҳзодаларға бўлиб берилганлиги учун уларнинг кўплари ўзларини сулола бошлиғи Шоҳруҳға нисбатан вассаллик муносабатида деб тушунганлар. Шоҳруҳ ишончсиз «шаҳзодалар» таркибини ўзгартириш йўлини тутиб, иложи борича ўзининг фарзандларини ҳукмдор этиб тайинлайди. Бундан Шоҳруҳнинг кўзлаган мақсади шундай эдики, жиянлари ёки бошқа қариндошларидан кўра ўзининг фарзандлари унга яхшироқ итоат этадилар. Шу сабабдан ҳам ўзининг оғалари Жаҳонгир, Умар Шайх ва Мироншоҳларнинг авлодларига қарши курашға тўғри келди. Айниқса, Умар Шайхнинг фарзандлари билан қаттиқ кураш олиб борганини-юқорида кўриб ўтдик.

XV асрнинг 20-йилларига келиб Амир Темур мулкларининг қарийб ҳаммаси Шоҳруҳ ва унинг оила аъзолари кўли остида эди. Шоҳруҳнинг тўнғич ўғли Улуғбек 15 ёшидаёқ Самарқанд ҳукмдори этиб тайинланган бўлса, иккинчи ўғли Иброҳим Султонға 1414 йилдан бошлаб Шероз ҳукмдорлиги топширилди. Кейинги фарзанди Бойсунқур Ҳиротда вазир лавозимига ўтказилди. Тўртинчи ўғли Суюрғатмиш Қобул, Ғазна ва Қандаҳор мулкани 1418 йилда бошқариш ҳуқуқига эға бўлди.

**Улуғбек ҳукмронлиги ва унинг ўлиmidан сўнг
Мувароуннаҳр ва Ҳуросондаги сиёсий воқеалар**

Мирзо Улуғбек Амир Темурнинг тўртинчи фарзанди Шоҳруҳнинг тўнғич ўғли бўлиб, 1394 йилнинг мартида Султония шаҳрида дунёға келган. Онаси Гавҳаршод оға

чиғатой зодагонларидан бўлган Гиёсиддин Тархоннинг қизи эди.

Ун ёшга тўлган Улуғбек амакиси Муҳаммад Султоннинг қизи Оғабегимга унаштирилади. Оғабегим она томондан Олтин Урда хони Ўзбекхонга бориб тақалар эди. Болалигидаёқ Улуғбек сарой хаёти ва тартиблари билан яхши танишиб олган эди.

Ун беш ёшга тўлган Улуғбекни Самарқанд ҳокими деб эълон қилишади. Ёш бўлганлиги сабабли унга оталиқ тайинланади. У Шоҳмалик бўлиб икки йил мобайнида Самарқандни идора қилиб турган.

Улуғбек ўзининг давлатини мустақкамлайди; истилочилик юришлари олиб бормайди. Улуғбек давлатининг чегараси қарийб ҳозирги Ўзбекистон Республикаси сингари бўлган. Ундан ташқари уни тасарруфига Утрордан, Сирдарё хавзасининг муайян қисмидан Сигноқ шаҳрига қадар бўлган ҳудудлар ҳам кирган. XV аср бошларида, Улуғбек ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Дашти Қипчоқдан кўчманчи ўзбек қабилалари унинг давлати чегарасига икки йўналишда босиб кела бошлади: Бир йўналиш Амударё бўйлаб бўлса, иккинчиси Сирдарё йўналишида эди. Қўнғиротлардан бўлган суфийлар сулоласига қарашли ерлар Амир Темур давлати тасарруфида эди. Лекин 1406 йили Олтин Урда ҳокими Идику мазкур ҳудудни ўз қўлига киритиб олишга муваффақ бўлди. 1413—1414 йилларда Шоҳмалик Хоразм аслзодаларини ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлиб, у ерда Муборакшоҳ ҳамда унинг тарафдорларини ҳайдашга эришди. Ҳудди шу даврдан бошлаб Хоразм Темурийлар тасарруфига ўтди. Бу ернинг ҳукмдори эса Шоҳмалик бўлиб, у 1425—26 йилга, яъни вафот этгунига қадар бу мансабни эгаллаган. Кейинроқ унинг ўғли Иброҳим отасини вазифасини бажаришни ўз қўлига олади.

1414 йилда Улуғбек Фарғона ҳукмдори шаҳзода Аҳмадга қарши қўшин тортди. Бунга сабаб, Улуғбек тасарруфида бўлган Фарғонани унинг ҳукмдори Умаршайхнинг ўғли Аҳмад мустақил бошқарувга ҳаракат қилганлиги ва Улуғбекка бўйсунмаганлигидир. Улуғбекнинг қўшинлари бу ерда ғалаба қозониб, Фарғонани ўзига қайта итоат эттириш билан бир қаторда Қашғарни ҳам Мовароуннаҳр давлатига қўшиб олишга муваффақ бўлди.

1419 йили Улуғбек олдига Сирдарё қўйи оқимидан

мадад сўраб, Урусхоннинг невараси Буроқхон келади. Дашти Қипчоқда ўзининг ноиб бўлишидан умидвор бўлган Улуғбек Буроқхоннинг таклифини қабул қилади ва 1419 йилнинг сентябр ойида у билан биргаликда Сирдарё томонига юриш қилишади. Бу ерда душманни учратмаганликларидан сўнг Улуғбек қайтиб Самарқандга келган. Анча вақт ўтгандан сўнг Буроқ ўзбеклар юртида Катта улуснинг хони даражасига кўтарилди. 1425 йилдагина бу хабар Улуғбекка маълум бўлди.

Муғулистон масаласига ҳам Улуғбек катта эътибор берган. Мободо, Муғулистонда хон ҳокимияти кучайиб кетса, у Мовароуннаҳрга ҳам хавф солишини Улуғбек билиб, мўғул хонлари ўртасидаги ўзаро курашлардан фойдаланишга интилди. Унинг ёрдамида мўғул хони Шермуҳаммад ғалаба қозонган. Муғулистонда Шермуҳаммад, Дашти Қипчоқда Буроқхонларнинг хонлик даражасига кўтарилиши Улуғбекни энди ўзининг ишончли ноибларига эга бўлишидан умидвор қилган эди. Бироқ, Мирзо Улуғбекни ниятлари пучга чиқди. Шермуҳаммад Улуғбек маслаҳатларига қулоқ тутмай, Муғулистонга катта юриш қилишга ҳозирлик кўра бошлади. 1423 йилнинг ноябрида Улуғбек Муғулистон томонга юриш бошлади. Унинг қўшини сон жиҳатдан катта эди. Ҳарбий қисмлардаги марказий кучлар Шоҳруҳияда турган бўлса, ўнг қаноти Фарғонада, сўл қаноти Утторда жойлашганди. 1425 йилнинг баҳор фаслида Улуғбекнинг ўзи асосий кучлар билан Чу дарёсидан ўтиб Қетмон тепа тоғлари ёнида Шермуҳаммад аскарлари устидан ғолиб келди. Ғалабасини янада мустаҳкамроқ қилиш учун, иложи борича мўғулларни сусайтириш ва кучсизлантиришда интилди. Шу мақсадда у асирларни жазолади, уларнинг энг яхши подалари, ҳар хил турдаги бойликлардан катта миқдорда ўлжага эга бўлди. Қўлга киритилган бойликлар орасида ғолибларга икки бўлак нефрит тошининг ҳам ўлжа тушганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур қимматбаҳо тош маъданлар шу даражада оғир бўлганлиги учун уларни Самарқандга юборишда махсус арава ясаттириш буюрилган. Кейинроқ Улуғбек фармони билан нефритдан Амир Темур қабри учун қабр тош тайёрланган. Гўри Амирдаги бу тошга соҳибқирон Амир Темурнинг қазо қилган санаси битилган. Муғулистон ҳудудидаги ғалабаларнинг яна бир ёрқин далили Жиззах ва Самарқанд оралиғидаги Жилонўтти даштидаги тошга ўйилган ёзув-

дир. Ёзма ёдгорликда Улуғбек юриш уюштиргани ва ўша халқ тупроғидан эсон-омон ғалаба билан қайтиб келганлиги хабари берилади.

1425 йилнинг 27 июнида Улуғбек Самарқандда яхши кутиб олинди. Кузга бориб эса уни отаси Шоҳруҳ Мирзо ўз ҳузурига, Хиротга чорлайди. Самарқанд ва Хиротда Улуғбек Мирзонинг қўлга киритилган ғалабаларига ҳамду-санолар ўқилган. Айниқса унинг аъёнлари ва мулозимлари бу ютуқларни роса мақташган.

Муғулистондаги ғалабалардан сўнг тез орада Улуғбек ва хон Буроқнинг муносабатлари ёмонлашди. Буроқхон энг аввало тўлиқ мустақилликка эришишга интилди. Буроқхоннинг мақсадларидан бири авваллари бобосига қарашли бўлган ва у томондан ободонлаштирилган Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Сигноқ ва унинг теварак-атрофидаги ерларни ишғор этиш эди. Улуғбек тасарруфида бўлган Сигноқ вилояти XV асрнинг биринчи ярмида бой ва обод шаҳар ҳамда серунум ерларга эга қишлоқлардан иборат бўлган. Буроқхоннинг бу ерга даъвогарлиги Улуғбекни мазкур хон устига юриш уюштиришига сабаб бўлди. Кўчманчи ўзбекларга қарши ҳарбий юришда қўшиннинг асосий қисмини бошқариб бораётган Улуғбек қаторида унинг иниси Жўқи ҳам иштирок этган. Юриш ва ҳарбий муҳораба 1427 йилнинг ёзида бўлиб ўтган. Жанг Улуғбекнинг маълум даражадаги эътиборсизлиги ва ташаббускорлик кўрсатмаганлиги, шунингдек, амирларнинг ҳам сустлиги сабабли ўзбекларнинг ғалабаси билан якунланди. Мағлубият Улуғбек ҳаётидаги энг аянчли кунларидан эди. Самарқанддаги тахт, Мовароуннаҳрдаги ҳокимият ҳам унинг қўлидан кетиш хавфи туғилди. Улуғбекни душманлари уни мағлубиятини эшитиб шаҳар дарвозасидан ичкарига киритмасликка уриндилар. Кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳр тупроғига бостириб кириб, кўп жойларни хароб қила бошладилар. Хирот томонидан Мирзо Шоҳруҳнинг катта қўшин билан келиб кўрсатган мадади Дашти Қўпчоқликлар ҳаракатини тўсиб қўйди. Ҳарбий мағлубиятнинг айбдорлари калтакланиш жазосига тортилди. Улуғбек ҳокимиятдан четлаштирилди. Лекин Шоҳруҳ ўғлини гуноҳини авф этиб, уни қайта ўз ўрнига ўтқазди.

Шу тарзда Улуғбек кейинги 20 йил ичида ҳарбий юришлар уюштирмади. 1447 йилгача, яъни отаси ўлимига қадар Сирдарё ёки Муғулистон томондан ўзбек-

мадад сўраб, Урусхоннинг невараси Буроқхон келади. Дашти Қипчоқда ўзининг номи бўлишидан умидвор бўлган Улуғбек Буроқхоннинг таклифини қабул қилади ва 1419 йилнинг сентябр ойида у билан биргаликда Сирдарё томонига юриш қилишади. Бу ерда душманни учратмаганликларидан сўнг Улуғбек қайтиб Самарқандга келган. Анча вақт ўтгандан сўнг Буроқ ўзбеклар юртида Катта улуснинг хони даражасига кўтарилди. 1425 йилдагина бу хабар Улуғбекка маълум бўлди.

Муғулистон масаласига ҳам Улуғбек катта эътибор берган. Мободо, Муғулистонда хон ҳокимияти кучайиб кетса, у Мовароуннаҳрга ҳам хавф солишини Улуғбек билиб, мўғул хонлари ўртасидаги ўзаро курашлардан фойдаланишга интилди. Унинг ёрдамида мўғул хони Шермуҳаммад ғалаба қозонган. Муғулистонда Шермуҳаммад, Дашти Қипчоқда Буроқхонларнинг хонлик даражасига кўтарилиши Улуғбекни энди ўзининг ишончли ноибларига эга бўлишидан умидвор қилган эди. Бироқ, Мирзо Улуғбекни ниятлари пучга чиқди. Шермуҳаммад Улуғбек маслаҳатларига қулоқ тутмай, Муғулистонга катта юриш қилишга ҳозирлик кўра бошлади. 1423 йилнинг ноябрида Улуғбек Муғулистон томонга юриш бошлади. Унинг қўшини сон жиҳатдан катта эди. Ҳарбий қисмлардаги марказий кучлар Шоҳруҳияда турган бўлса, ўнг қаноти Фарғонада, сўл қаноти Утрорда жойлашганди. 1425 йилнинг баҳор фаслида Улуғбекнинг ўзи асосий кучлар билан Чу дарёсидан ўтиб Қетмон тепа тоғлари ёнида Шермуҳаммад аскарлари устидан ғолиб келди. Ғалабасини янада мустаҳкамроқ қилиш учун, иложи борича мўғулларни сусайтириш ва кучсизлантиришда интилди. Шу мақсадда у асирларни жазолади, уларнинг энг яхши подалари, ҳар хил турдаги бойликлардан катта миқдорда ўлжага эга бўлди. Қўлга киритилган бойликлар орасида ғолибларга икки бўлак нефрит тошининг ҳам ўлжа тушганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур қимматбаҳо тош маъданлар шу даражада оғир бўлганлиги учун уларни Самарқандга юборишда махсус арава ясаптириш буюрилган. Кейинроқ Улуғбек фармони билан нефритдан Амир Темур қабри учун қабр тош тайёрланган. Гўри Амирдаги бу тошга соҳибқирон Амир Темурнинг қазо қилган санаси битилган. Муғулистон ҳудудидаги ғалабаларнинг яна бир ёрқин далили Жиззах ва Самарқанд оралиғидаги Жилонўтти даштидаги тошга ўйилган ёзув-

дир. Ёзма ёдгорликда Улуғбек юриш уюштиргани ва ўша халқ тупроғидан эсон-омон ғалаба билан қайтиб келганлиги хабари берилади.

1425 йилнинг 27 июнида Улуғбек Самарқандда яхши кутиб олинди. Кузга бориб эса уни отаси Шохруҳ Мирзо ўз хузурига, Хиротга чорлайди. Самарқанд ва Хиротда Улуғбек Мирзонинг қўлга киритилган ғалабаларига ҳамду-санолар ўқилган. Айниқса унинг аъёнлари ва мулозимлари бу ютуқларни роса мақташган.

Муғулистондаги ғалабалардан сўнг тез орада Улуғбек ва хон Буроқнинг муносабатлари ёмонлашди. Буроқхон энг аввало тўлиқ мустақилликка эришишга интилди. Буроқхоннинг мақсадларидан бири авваллари бобосига қарашли бўлган ва у томондан ободонлаштирилган Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Сигноқ ва унинг теварақ-атрофидаги ерларни ишғор этиш эди. Улуғбек тасарруфида бўлган Сигноқ вилояти XV асрнинг биринчи ярмида бой ва обод шаҳар ҳамда серунум ерларга эга қишлоқлардан иборат бўлган. Буроқхоннинг бу ерга даъвогарлиги Улуғбекни мазкур хон устига юриш уюштиришига сабаб бўлди. Кўчманчи ўзбекларга қарши ҳарбий юришда қўшиннинг асосий қисмини бошқариб бораётган Улуғбек қаторида унинг иниси Жўқи ҳам иштирок этган. Юриш ва ҳарбий муҳораба 1427 йилнинг ёзида бўлиб ўтган. Жанг Улуғбекнинг маълум даражадаги эътиборсизлиги ва ташаббускорлик кўрсатмаганлиги, шунингдек, амирларнинг ҳам сустлиги сабабли ўзбекларнинг ғалабаси билан яқунланди. Мағлубият Улуғбек ҳаётидаги энг аянчли кунларидан эди. Самарқанддаги тахт, Мовароуннаҳрдаги ҳокимият ҳам унинг қўлидан кетиш хавфи туғилди. Улуғбекни душманлари уни мағлубиятини эшитиб шаҳар дарвозасидан ичкарига киритмасликка уриндилар. Кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳр тупроғига бостириб кириб, кўп жойларни хароб қила бошладилар. Хирот томонидан Мирзо Шохруҳнинг катта қўшин билан келиб кўрсатган мадади Дашти Қўпчоқликлар ҳаракатини тўсиб қўйди. Ҳарбий мағлубиятнинг айбдорлари калтакланиш жазосига тортилди. Улуғбек ҳокимиятдан четлаштирилди. Лекин Шохруҳ ўғлини гуноҳини авф этиб, уни қайта ўз ўрнига ўтказди.

Шу тарзда Улуғбек кейинги 20 йил ичида ҳарбий юришлар уюштиради. 1447 йилгача, яъни отаси ўлимига қадар Сирдарё ёки Муғулистон томондан ўзбек-

лар, мўғуллар Мовароуннаҳр тупроғига раҳна солиб турсада, у айрим ҳарбий қисмларни ташқи ҳужумни бартараф этишга юборган-у, лекин ўзи бош бўлиб ҳарбий ҳаракатлар олиб бормаган. Унинг юборган қўшинлари ҳам ғалаба нашидасини сурмаган. Қўчманчи ўзбеклар — Сирдарё бўйидаги бир қатор шаҳарларни ва Хоразмнинг бир қисмини тортиб олишга муваффақ бўлса-да, Хоразмни улар тўла вабт этолмаган эдилар. Шу сабабли кўчманчи ўзбеклар Улуғбек тасарруфида бўлган Урганчни 1433—1435 йилларда босиб олганлар. Бу истило жараёнида Хоразмнинг шаҳару-қишлоқларини талаб қайтиб кетганлар. Озарбайжонда Амир Искандар Қора Қуюнлу (1420—1437) борган сари Темурийлар мулкига хавф солиши, Шохруҳнинг кўчманчи ўзбекларга жиддий куч йиғиб катта юриш уюштиришига имкон бермас эди. Бунинг устига кўчманчи ўзбекларнинг Астробод ва Мозандаронга ҳам босқинлари кўпайиб кетди. Шу боисдан Шохруҳ Мирзо XV асрнинг 30-йилларида Гўргон ва Астрободда катта қўшин сақлаб, уни Бойсунқур Мирзо ихтиёрига топширди. 1433 йилда Бойсунқур Мирзо вафот этгандан сўнг бу амални Алоудавла эгаллади. Шимолий ҳудудларни ўзбеклар хавфидан сақлаш учун эса Улуғбек қиш ойларида ҳар вақт қўшин билан Бухоро ёки Тошкентда бўлар эди. Шохруҳнинг вафотига қадар Мозандаронда ўзбеклар фаолашиб қолдилар.

Улуғбекнинг Мовароуннаҳрдаги ички сиёсатига назар ташласак, у кўпроқ ўзининг бобосига тақлид қилганини сезиш мумкин. Унинг отаси Шохруҳ ҳаддан зиёд тақводор ва динга қаттиқ ҳирс қўйган эди. Шохруҳни ҳатто мусулмон подшоси деб аташган. Улуғбек Ислом динига эътиқод қўйган бўлса-да, уни динга содиқ кишилар (яъни, ортодаксал дин пешволари) динсизликда айблаганлар.

Ички ислоҳатлар ичида Улуғбек киритган пул ислоҳоти ўша вақтда савдо-сотик ва пул муомаласини тартибга солишда катта аҳамият касб этган. 1428 йилда жорий этган бу ислоҳотнинг моҳияти шундаки, аввалги оғирлиги кам бўлган мис чақалар зарб қилиш ман этилиб уни ўрнига катта оғирликка эга мис чақа зарб қилинадиган бўлди. Олдин зарб қилинган мис тангаларни янгисига алмаштириш учун вақт берилган. Янги мис тангалари бирданига кўпгина шаҳарларда зарб этила бошланди. Эски чақаларни янгисига алмаштириш туга-

ши билан танга зарб этиш фақат Бухоро шаҳрида мар-қазлаштирилиб бошқа шаҳарлардаги танга зарб қилиб чиқарувчи устахоналар таъқиқлаб қўйилди. Улуғбек ўлимига қадар ва ундан кейин ҳам анча вақтгача Улуғбек ислоҳоти вақтини кўрсатувчи, бир хил кўринишдаги Бухоро мис тангалари ўрта аср temuрийлар давлатини ҳамма жойида савдо-сотик ишларини тенг асосда таъминлаб турди. Феодализм даври учун бундай пул ислоҳоти катта аҳамиятга эга эди. Ислоҳот ички савдонини мавжуд талабларига жуда мувофиқ келди.

Аҳолининг асосий қисми истеъмолчи бўлиб, айнан шулар учун маҳсулотлар кенг ҳажмда ишлаб чиқарилган ва бу жараён мис тангаларни муомаласини тартибга келтиришни талаб этган. Улуғбек даврида ер солиғи XV асрнинг иккинчи ярмига нисбатан кам қилиб белгиланган. Отасидан мустақил ҳолда Самарқандни 40 йил бошқарган Улуғбек бошқарувда ва ҳуқуқ ишларида одил подшо софитади иш олиб борди. Шу боис ҳам у аҳолининг эътиборини, ҳурматини қозонди.

Мирза Шоҳруҳ вафотидан кейин Хуросон ва Марказий Осиёда исёнлар, тахт учун ўзаро курашлар бошланиб кетди. Шоҳруҳ тахти учун унинг авлодлари кураш бошладилар. Султон Муҳаммад Форсни шаҳзода Абдуладан тортиб олган бўлса, қора-қуюнлилардан бўлган Жаҳоншоҳ (1437—1467 йил) Султония ва Қазвинни ишғол этди. Хутталон, Арханг хукмдори марҳум Муҳаммад Жўқининг ўғли шаҳзода Абубакр Балх, Шибирғон ва Бағлонни босиб олди. Шоҳруҳнинг ўлимига қадар унинг сиёсий ишларига аралашиб турган эпчил хотини Гавҳар Шод эри қазо қилгандан сўнг шаҳзодалар ўртасидаги ихтилофларга ҳам фаол таъсир кўрсатди. Чунончи, у Темурийлар тахтида невараси, Бойсунқур Мирзонинг ўғли Алоуддаврани кўрмоқ ниятида бўлган. Шоҳруҳ тахтининг ҳақиқий меросхўри эса Улуғбек бўлган. Шоҳруҳ тахтини эгаллаш тадбири ва режаси Мирзо Улуғбекнинг ҳам хаёлида бўлган. Улуғбек Мирзо билан баҳс-мунозара ва тўқнашувга очиқдан-очиқ бормаслик мақсадида, ҳарбий қўшинларни Улуғбекнинг ўғли Абдулатифга Гавҳар Шоднинг ўзи топширди. Ҳокимият масаласини тинч йўл билан ечишга қанчалик ҳаракатлар қилмасин Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алоуддавла ва Абулқосим Бобурлар Улуғбекка қарши очиқдан-очиқ уруш ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Алоуддавла Машҳадни эгаллаган бўлса, Абулқосим Бобур Мозандаронни ишғол этди.

1447 йилнинг баҳорида Алоуддавла Хирот томонга юриш қилиб Абдулатиф ҳарбий қисмларини тор-мор этиб уни асирга олди. Х. Вамбери берган маълумотларига қараганда «марҳаматли Улуғбек боласининг ҳаёти-мамотини ўз қўлида тутган душман билан урушишни хоҳламади» ва Алоуддавла билан сулҳ тузиш йўлини излади. Лекин Абулқосим Бобур Алоуддавлага ҳам, Улуғбекка ҳам бўйсунмасдан якка ўзи Хиротни ёхуд Темурийлар тасарруфидаги мулкларни анчасини ўзининг қўл остига туширмоқни истаб, ўз билганича ҳаракат қилди. Алоуддавла эса шартга риоя қилиб Абдулатифни асирликдан озод этди ва Самарқандга отаси ҳузурига қўйиб юборди. Улуғбек эса сулҳга мувофиқ Хирот ва Хуросонга даъвогарлик қилишдан бош тортди. 1448 йилга келиб Улуғбек Абдулатиф билан биргаликда Алоуддавла томонига ҳарбий юриш қилиб, Хирот яқинидаги Тарноб деган жойда унинг қўшинлари устидан устун келди ва унинг тож-тахтини йўқ қилди. Хирот Улуғбек тасарруфига ўтди, Алоуддавла эса Машҳадга қочишга мажбур бўлди. Хуросонни эгаллаш учун Улуғбек жадал суръатлар билан ҳарбий юришни давом эттириши лозим эди. Лекин у бунга ҳаракат қилмади ва бу билан катта хатога йўл қўйди. Шундан сўнг Улуғбекнинг фаолиятида кетма-кет мувафақиятсизликлар рўй бера бошлади. Унинг рақиблари ва душманлари секин-секин бош кўтара бошладилар. Хоразм, Мозандарон, Тошкент ва Самарқанд вилоятига қарашли ҳудудларга кўчманчи ўзбеклар кундан-кунга хавф сола бошладилар. Мазкур ҳудудлар чегарасида уларнинг тазйиқи кундан-кунга кучая борди. Темурий Абулқосим Бобур ҳам бу вақтга келиб куч йиғишга тушди. Лекин Улуғбекнинг асосий душмани унинг ўз ўғли Абдулатиф эди.

Мирзо Улуғбек куюниб, азиятлар чекиб ўғлини тутқунликдан холос қилишга қарамай у кўрнамаклик қилди. Отасига миннатдорчилик билдириш ўрнига турли даъволар ва ифволар уюштирди. Абдулатиф шухратпараст, худбин ва мол-дунёга ҳирс қўйган шахсга айланди. Тарнобдаги муваффақиятни бош сабабчиси қилиб ўзини кўрсатди. Шуниси етмагандай Хирот қалъасидаги хазинани ўзига тегишли деб отасига нотўғри даъволар билан чиқди. Ўғлида салбий кайфиятлар ва ҳолатларни пайқашга қарамай Мирзо Улуғбек валиаҳдини

Хиротга ҳукмдор этиб тайинлайди. Ҳзи эса бобоси Амир Темурнинг собиқ пойтахти Самарқандни Темурийлар давлатининг асосий маркази этишни кўзлаб шу шаҳарга қайтади. Маълум вақт ўтиши билан Улуғбек давлатидаги сиёсий вазиятнинг беқарорлашуви яққол намоён бўлди. Абдулатиф пайт пойлаб турган эди. Мирзо Улуғбекдан норози доираларнинг кучаюви юз бериши, ўзбеклар истилосининг хавфи тобора ошиши билан Абдулатиф отасининг сиёсатига очиқдан-очиқ қарши чиқа бошлади. Охир-оқибатда Улуғбек Самарқандда иккинчи ўғли Абдулазизни қолдириб ўзи исёнкор фарзандга қарши муҳораба қилишга бел боғлади ва қўшин тортиб Амударё бўйига келиб бу ерда ўрдасини жойлаштирди. Лекин, худди шу вақтда Самарқанддан нохуш хабар келди. Абдулазиз отаси қўшинидаги амирларнинг оилаларига маъмурий томондан чоралар ўтказиб ўз мансабини суистеъмол қилган эди. Улуғбек ўз қўшинлари билан қайта Самарқандга йўл олади. Абдулатиф ҳам ўз рақиби отаси қўшинлари кетиши билан уларни орқасидан бориб, аввалига йўл-йўлақай Шаҳрисабзни эгаллаб, сўнг Самарқандга яқинлашади. Дамашқ деган жойда бўлиб ўтган муҳорабада Абдулатиф устун желади. Мағлубиятга учраган Мирзо Улуғбекни Самарқанд шаҳрига унинг ўз амирлари ўтказмайди. Шаҳарга кириш имконияти бўлмаслигига кўзи етиб Улуғбек ўз ўғлига таслим бўлади. Абдулатиф отасининг ҳаж сафарига боришига рухсат берсада, аслида бошқача ҳукмни ўйлаб топган. эди. Шафқатсиз ўғли амри билан эронлик Аббос ва унинг ҳамтовоқлари ҳажга эндигина чиқиб кетиб, илк бор дам олиш учун ўрнашиб олган Мирзо Улуғбекни бошини танасидан жудо қилади. Бу мудҳиш воқеа 1449 йилнинг октябр ойи охирларида қопқоронғу ва намгарчил тунда рўй берган эди. Тез кунлар ичида эса падаркуш Абдулатиф ўзининг укаси Абдулазизни ҳам жонига қасд қилади.

Шу тарзда Мовароуннаҳр тарихида чуқур из қолдирган одил ҳукмдор, улуғ олим ва ажойиб инсон, олийжаноб Мирзо Улуғбекнинг умри тугади. Х. Вамбери маълумотида қайд қилинишича, Улуғбек отасининг ноёби сифатида 38 йил, ўзи мустақил тарзда икки йилу 8 ой Мовароуннаҳрда ва шимолий-шарқ ҳудудларидаги ерларда ҳукмронлик қилган.

Падаркуш номини олган Абдулатиф Самарқанд тахтига ўтириб, ўзининг золим ва жоҳил ҳукмдорлигини

намоён эта бошлади. Мирзо Улуғбекнинг душманлари ва ўзининг ҳақиқий мусулмон деб атаган сохта дин пешволарига таяниб, мамлакатни идора қилишга киришган нонкўр Абдулатиф амалдорлар ва зодагонларнинг ҳам жиғига тега бошлади. Натижада, ўз отасининг қотили ҳисобланган Абдулатиф 1450 йилнинг 8 майида Боғинов боғи яқинида, фитна оқибатида ўлимга маҳкум этилди. Ҳ. Вамбери фикрича, уни Улуғбекнинг илғариги хизматчиси Бобохусайн, хўжайинининг ўчини олиш учун ўлдирган. Мирхонд маълумот беришича бу фитнада қатнашганлар ўз қилмишларини очиқдан-очиқ намоён қилганлар ва буни исбот қилиб Абдулатифнинг кесилган бошини Регистонга келтириб Улуғбек мадрасаси аркининг пештоқига қўйиб халққа кўрсатганлар.

Бундан кейинги давр сиёсий воқеаларига назар ташласак, Мовароуннаҳр ва Хуросонда тахт учун курашларнинг авж олишини, тарқоқликнинг янада кучайишини кўриш мумкин. Абдулатиф ўлдирилгандан сўнг, Самарқанд тахтига Мирзо Иброҳим Султоннинг ўғли Абдулла ўтказилди. Абдулланинг тахтга чиқиши сарой тўнтарилиши оқибатида юз берган бўлиб, унда Улуғбек сиёсати тарафдорларини кўпроқ иштироки борлигини пайқаш мумкин. Янги ҳукмдор Самарқандда Улуғбек замонасидай сиёсий ва маданий ҳаётни қайта жонлантиришга интилди. Турк зодагонларига таянган ҳолда мазкур жараёнга у бутун куч-қудратини сарф этди. Бироқ ўша вақтдаги носоғлом кучлар Абдуллани ҳам тахтда узоқ туришига тўсқинлик қилдилар. Улуғбекнинг собиқ душманлари кўмагида Бухоро ҳокими, теурийлардан бўлган Абусайид Мовароуннаҳр тахтининг даъвогари бўлиб чиқди.

Шижоатли, шу билан бирга сиёсатдан хабардор Абусайид хокимиятни қўлга олишда сохта руҳонийлар ва ўзбек улуси ёрдамига таянди. Кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайр бунга рози бўлди. Чунки у бундай ёрдам катта миқдорда ўлжа келтиришига ишонган эди. Аввалига ўзбеклар Яссани ишғол этиб олганларидан кейин 1451 йилнинг ёзида Самарқандга яқинлашадилар. Шаҳарнинг атрофида жойлашган Шероз қишлоғи ёнида бўлиб ўтган асосий жангда Абдулхайрхон устун келади. Мағлубиятга учраган Абдулланинг ўзи муҳорабада ҳалок бўлган, қўшинлари эса парчаланиб кетган. Реакцион руҳонийлар, Абдулхайрхон бош бўлган кўч-

манчи — ўзбекларнинг ҳарбий кучлари қўллаб-қувватлаши орқасида Мовароуннаҳр салтанатини Абусайид ишғол этди.

Шоҳруҳ қўли остидаги мулклар ҳамда пойтахти Хирот бўлган Хуросон эса Абулқосим Бобур тасарруфида бўлиб, у 1452 йилдан 1457 йилга қадар ҳукмдорлик қилган. Абулқосим Бобур ва Абусайид орасидаги муносабатлар бир-бирига зид бўлган. Лекин ҳудудлар чегарасида ўзгариш содир бўлмади. Абулқосим вафотидан сўнг унинг ҳокимиятига Абусайид даъвогар бўлиб чиқди ва номигагина бўлса ҳам темурийлар давлатини бирлаштирди. Бироқ бирлашув юзаки кўринишга эга эди. Чунки, кўпгина ҳудудлар, мулклар мустақил ҳукмдорлар, амирлар итоатида бўлган. Абусайид ҳарбий куч билан бўлса ҳам тарқоқ амирларни ўзига бўйсундиришга интилган. Бироқ бу фавқулодда бир ҳол эди. XV асрнинг ярмига келиб темурийлар давлатининг тарқоқлиги энг юқори нуқтага етди. Абусайид Мовароуннаҳрда қисман бўлса-да тартиб ўрнатган. Бироқ Хуросонни ўзига қаратиши мушкул эди. Уша вақтда бу ҳудудда тарафкашлик кайфиятида бўлган ҳукмдорлар кўпчиликини ташкил этган. Мустақил ҳукмдор бўлиш, ўзини мулкани алоҳида қилишга интилган шундай шахслардан бири Умаршайх Мирзонинг эвараси Шаҳзода Султон Хусайн эди.

Абулқосимнинг энг содиқ кишиларидан ҳисобланган Султон Хусайн ўз қариндошининг ҳарбий тажрибаларини чуқур эгаллаган, шу билан бирга унинг теваратрофидаги ҳарбий зодагонлар доирасининг бир вакили бўлиб, қолган эди. Абулқосим Бобур ўлиmidан сўнг Султон Хусайн Марвга бориб, ўзининг қайнотаси Мирзо Санжарга хизмат қилади. Бу хизматлар вақтинча эди. Мирзо Султон Санжар Марвдан чиқиб кетган пайтлардан бирида Султон Хусайн унинг мулкани эгаллаб олади. Бироқ қайнотасининг мулкани узоқ ушлаб турмади ва Ғарбий Эронга бориб у ердан Хуросоннинг мулкларига раҳна сола бошлайди. Гургонда 1459 йилда Абусайид юборган элчиларнинг Султон Хусайн билан музокаралар олиб бориши ҳам вақтинчалик эди. 1460—1461 йиллари Султон Хусайн Хоразмга икки маротаба юриш қилди, иккинчи юриши пайтида Абусайид Астрободни ишғол этиб, бу ерга ўзининг ўғли Султон Маҳмудни ўтказди. 1464 йили эса Султон Хусайн яна қатор ғалабаларга эриша бошлади. Унинг муваффақиятли ҳарбий

ҳаракати натижасида Абивард, Нисо, Машҳад сингари шаҳарлар босиб олинади.

Абусайид ҳарбий куч-қудратига қарши кураш олиб бориш мушкуллигини чуқур хис этган Султон Ҳусайн Бойқаро ўз даврида унинг рақиби Абулхайр ўрдагоҳига ёрдам сўраб боради. Бу учрашув 1468 йилда юз берган. Кўчманчи ўзбеклар хони бу вақтга келиб анча қариб касалланиб қолган эди. Шу боис у шахсан ўзи бундай юришда қатнаша олмади. Ғарбий Эронни ишғол этишга отланган Абусайид 1468 йилда қазо қилади. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳокимиятни эгаллаши учун қулай вазият содир бўлди. Абусайиднинг фарзандлари кураш олиб боришдан бош тортиб Мовароуннаҳрга кетиб қолдилар. Бўйсунмас Султон Ҳусайн Бойқаро 1469 йилнинг 24 мартида Хироғга тантанавор келиб, унинг ҳукмдори бўлиб қолди.

Темурийлар даврида маданий ҳаёт

Темурийлар жаҳоннинг моддий-маънавий маданият хазинасига улкан ҳисса қўшдилар. Мовароуннаҳр ва Хуросонда яратилган санъат дурдоналари, муҳташам меъморлик обидалари, илм-фан, бадий ижод намуналари ўзининг жозибадорлиги, гўзаллиги ва ноёблиги билан кураи заминимизда ном қозонди. Темурийлар Мовароуннаҳрнинг мўғулларга қадар мавжуд маданиятини қайта уйғотишга эришдилар. Маҳаллий маданият заминда ва негизида Осиё халқларининг маданий унсурлари қўшилиб янги ўзгача маданият пайдо бўлди. Буюк саркарда ва жаҳонгир Амир Темур бошлаб берган маданий жонлашиш жараёнида унинг кейинги авлодлари фаолияти муҳим ўрин эгаллади, Темурийлар ўз аجدодлари ишига содиқ қолиб уни ташаббускорлик, ижодкорлик анъаналарида давом эттирдилар. Натижада авлодлар довоида янги ижодий муваффақиятлар қўлга киритилди. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги кўплаб шаҳарлар ободонлашди ва кўркам, чиройли қиёфага эга бўлди.

Самарқанд шаҳридаги мўжизавий иморатлар, боғлар Амир Темурнинг ўзи ҳаётлигида барпо этилган бўлса, Улуғбек даврида қурилишлар, ободончиликлар янада кенг авж олди. Улуғбек 1409 йилда тахтга кўтарилган пайтида Самарқанд гуллаб-яшнаган шаҳар эди. Ҳунармандчилик устахоналарида, дўконларда савдо-

сотик расталари ва бозорларда доимо ҳаёт қайнаб турган. Тахт учун курашлар, исёнлар шаҳарнинг жонли ҳаётига салбий таъсири умуман кўринмаган. Амир Темури ўзи билан бошқа мамлакатлардан ва вилоятлардан олиб келган олимлар, усталар, ҳунармандлар ҳали ҳам кўп эди.

Улуғбек биз юқорида кўриб ўтдик, ҳарбий ишга қизиқмас эди. У илм-фан билан шуғулланар эди. Айниқса илми нуҷум, табиий фан соҳаларига иштиёқи баланд бўлган. У йиғинлар, баҳс-мунозаралар, шеърхонлик ва хушчақчақликларга эътибор бериб, бундай жараёнларда ўзи ҳам иштирок этган.

Улуғбек ўғил кўрса ёки бирор бино битса мусиқачиларни чақириб тантанали мусиқа, ашула ва рақсларни ўтказишда ташаббускор бўлган. Улуғбекка тақлид қилиб тўй-тантаналарда мусиқачиларни чақириш асилзодалар орасида ҳам одатга айланган. Шу боис Самарқандда мусиқачилар, ашулачилар, раққосаларга талаб катта бўлган.

Табиий фанлар соҳасига қизиқиш Улуғбекнинг қурилиш фаолиятига ҳам таъсир кўрсатди. Унинг фармони билан Бухоро ва Самарқандда мадрасалар қурдилар. Бухоро мадрасаси 1417 йилда қуриб битказилган бўлса, 1420—25 йиллар орасида барпо этилган. Самарқанддаги мадрасада ўша вақтда «ўз даврининг Афлотуни» Қозизода Румий дарс ўтган бўлиб, унинг мавзую астрономия фани саналган. Астрономиядан бу ерда Абдурахмон Жомий маърузалар тинглаган. Табиий фанлардан ташқари мазкур мадрасаларда илоҳий илмлар ҳам ўқитилган.

Улуғбек барпо этган қизиқарли ёдгорликлардан бири, бу унинг расадхонасидир. Астрономия объекти саналган мазкур қурилма мадраса билан бир даврда қурила бошланган бўлиб, у 1428—29 йилларда битказилган. Расадхона Афросиёб шаҳар ҳаробасидан шимолда Обираҳмат ариғи бўйидаги Нақши жаҳон деган жойда бунёд этилган. Расадхона уч қаватдан иборат бўлган. В. Л. Вяткин бу ерда 1908 йилда қазилган ишлари олиб бориб уни очишга муваффақ бўлди. Расадхонани тўлиқ очиб, уни тузилишини аниқлаш 1948 йилгача давом этган. Тадқиқот натижасида иншоотни лойиҳада доирасимон шаклга эгаллиги, радиуси 40 м дан ошиқ эканлиги аниқланган. Унда бир қанча зал, даҳлиз, майда хоналар ҳам бўлиб, улар асосан хизматчилар учун мўлжалланган.

Улуғбек расадхона ёрдамида «Зичи Кўрагоний»ни тузган. Мазкур астрономик жадвалларни—1437 йилда тугатган.

Расадхонада Улуғбекнинг устози Қозизода Румийдан ташқари унинг шогирдлари Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчилар ҳам бўлган. Айнан шу Али Қушчи астрономия соҳасидан анча ишларни амалга оширган. Улуғбекдан анча ёш бўлган Али Қушчи ўз устозининг саройида қушчи лавозимини эгаллаб олган бўлиб, овда унга кўп ҳамроҳ бўлганидан астрономия билимларини ҳам ўрганган. Али Қушчини ўша замонда ўз даврининг «Батлимуси» деб атаганлар.

Темурийлар давлатининг сиёсий ва маданий ҳаётида элчилик ҳам катта ўрин тутган. Ҳирот ва Самарқанд ўртасида бир томондан элчилар қатнаб турса, бошқа тарафдан Хитой билан ҳам элчилар орқали алоқа ўрнатилган. Амир Темурнинг Хитойга юриши унинг ўлими туфайли қолдирилган бўлиб, унинг натижасида 1407 йилдан 1421 йилга қадар иккала давлатнинг элчилари ўзаро алмаштириб туришган. Иккала мамлакат элчиларининг бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга келиб туришлари ҳар йили бўлиб турган. Ҳофизи Абрунинг маълумот беришича, 1414 йилда Хитой элчиларининг келиши арафасида Ҳирот аҳолиси ўз уйларини ипак матолар ва гиламлар билан безатиб, уларни алоҳида тантана билан кутиб олганлар. 1420 йилга келиб, иккала мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар анча катта аҳамият қозонди. Марказий, Осиёлик Ғиёсиддин Наққош Хитойга борадиган элчилар—бошлиғи сифатида катта шуҳрат қозонди. Унинг мазкур мамлакатга сафаридида Ҳофизи Абру ҳам қатнашиб, ўз эсдаликларини қолдирган. Мирзо Бойсунқур томонидан юборилган Ғиёсиддин Наққошнинг асосий вазифаси Хитойнинг турли санъат соҳаларидаги ютуқлари билан танишиш ва Ҳирот билан Хитой орасидаги йўл ҳақидаги ҳам батафсил маълумот тўплаб ёзишдан иборат эди. Мазкур элчи Хитой сарой тантаналари, ҳар хил удумлар, бу ерда меъморлик обидаларининг ўзига хослиги ҳамда санъат асарлари ҳақида маълумотларни жамлаб ёзиб қолдирган.

Шоҳруҳ даврида 1441—1442 йилларда тарихчи Абдураззоқ Самарқандий бошчилигида элчилар Ҳиндистонга сафар қилишган. У Биджингар ҳукмдорининг саройига ташриф буюради. Абдураззоқ Самарқандийнинг

Ўзишига қараганда Ҳинд ҳукумдорлари уни катта ҳур-
мат эътибор билан кутиб олганлар. Тарихчи Ҳинд ер-
ларига Кермон, Ормуз ва Форс кўрфази орқали ўтиб
кетгани ҳақида, шу ердан ўтган йўл сафарномасини
Ўзиб қолдирган.

Темурийлар салтанатидаги маданий марказлардан
ҳисобланган Ҳирот XV асрда аҳоли кўп жойлашган ва
мустақил шаҳар эди. Унинг майдони 3—4 км ни ташкил
этган. Шаҳарнинг тевараги баланд деворлар билан
ўралган бўлган. Шаҳарда 149 та кичик миноралар
мавжуд эди. Шаҳар деворидан ташқарида чуқур ва
кенг ҳандақлар қазилган бўлиб, ундан бешта осма кўп-
рик ўтказилган. Шаҳарда бешта дарвоза жойлашган:
Малик, Қипчоқ, Хуш, Ферузаобод ва Ироқ. Ҳар бир
дарвоза тўғрисида қайд этилган осма кўприклар турган
бўлган. Шаҳарнинг шимолий қисмида Ихтиёриддин
қалъаси жой олган бўлиб, унинг деворлари пишиқ
ғишдан териб чиқилган.

Ҳиротнинг ободончилиги Шоҳруҳнинг фаолияти би-
лан боғлиқ. Унинг ташаббуси билан Ҳиротда меъмор-
чилик обидалари қайта қурилган. Шаҳарнинг маркази-
да чорсу — усти ёпиқ бозор барпо этилган. Унинг тўрт
томонида бир-бирини кесишга йирик тўрт кўча ўтган.
Бозорнинг кўчалари кенгайтирилган ва усти том билан
ёпилган.

Ҳиротда икки қаватли уйлар ҳам анчагина бўлиб,
уларнинг деразаларига ойна қўйилган. Шимол томони-
да Инжил канали ўтган бўлиб, шаҳарнинг кўп қисмини
ичимлик сув билан таъминлаган. Шаҳарнинг айрим
қисмларида қудуқдан сув олишган.

Шаҳарнинг шимолий қисмидаги Боғишаҳар боғида
сарой иншоотлари ва девонларнинг маркази ўрнашган.
Султон Ҳусайн қароргоҳи шаҳар ташқарисидаги боғ-
ларда — Боғизоғон ва асосан Боғижаҳонарода жойлаш-
ган эди. Бу қасрларда саройнинг қабул маросимлари
ва байрамлари ўтказилган.

Ҳирот шаҳрида Самарқандга қараганда табиий фан-
лар суст ривожланган. Бу ерда адабиёт, шеърят, та-
рихга қизиқиш катта эди. Бу кўпроқ Ҳиротни ўзига
пойтахт қилиб олган Шоҳруҳнинг таъсиридан бўлса
керак. Алишер Навоийнинг гувоҳлик беришича, Шоҳ-
руҳ адабиётни ниҳоятда қадрлаган, лекин ўзи шеър ёз-
маган. Дунёвий фанлар соҳасида кўпроқ тарихни ёқтир-
ган ва Ҳиротга қатор тарихчиларни чорлаган. Улар

орасида Шарафиддин Али Яздий (1454 йилда вафот этган) ҳам бўлиб у Шоҳруҳ, айниқса унинг ўғли Иброҳим Султоннинг ҳам ҳамроҳи эди. У 1424—1425 йилларда «Зарафнома»ни тугатди. Ҳофизи Аbru Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳга Шоҳруҳ 1414—1415 йилларда йирик жуғрофик асар ёзишни буюрган. У 1417 йилда «Тарихий йилномалар»ни, 1423 йилда Бойсунқур учун «Бутун жаҳон тарихи»ни ёзди. Шоҳруҳнинг кўзга кўринган тарихчилардан яна бири Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий бўлиб унинг «Матлаъи саъдаин ва мажмаъи баҳрайн» асари Темур вафотидан кейинги давр тарихини, кўпроқ Шоҳруҳ давридаги тарихий воқеаларни ёритишга хизмат қилди. Ҳиротни адабиётнинг равнақи, унинг бадий ижод маркази бўлишига Бойсунқур Мирзонинг хизматлари бениҳоя каттадир. Вазирлик лавозимини эгаллаган мазкур шахзода ёзувчилар, шоирлар ва рассомларга ҳомийлик қилди. У сарой кутубхонасига асос солди. Бу ерда хаттотлар, миниатюра усталари, китоб босмаси билан шуғулланувчилар, адабиётчилар меҳнат қилишган. Бойсунқур раҳбарлигида қатор адабиётлардан нусхалар кўчирилди. XV асрнинг 20-йилларида Бойсунқур Мирзонинг ўзи шахсан иштирок этган хаттотлар, миниатюрачилар гуруҳи Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» асарини қайта кўчиришга муваффақ бўлишди. Мазкур нусха ҳозирги вақтда ҳам энг яхши намуналардан саналади. Бойсунқурнинг кутубхонасидан кўплаб бундай китоб нусхалари қайта кўчирилиб, тартибга келтирилган.

Ҳирот бадий-ҳунармандчилик маркази ҳам эди. Шаҳарнинг ҳаёт қайнаб турган марказларида махсус дўконлар турли ҳунармандчилик устахоналарини учратиш мумкин эди. Бу ерда бадий матолар, бронза идишлари, олтин, кумуш, мис билан безатилган заргарлик ашёлари, нақшланган сопол идишлар ишлаб чиқарилган.

Шоҳруҳнинг хотини Гавҳар Шод бегим ҳомийлигида 1432—33 йилларда Ҳиротда хонақо, мадраса ва жомъе мачитлари бунёд этила бошланган. Гумбази сабз деб ном олган мазкур меъморчилик обидаларини қуриш учун 21 йил сарф этилган. Гумбаз остидаги мазорда Бойсунқур Мирзо (вафоти 1433 й.), Мирзо Султон Аҳмад (вафоти 1445 й.) Гавҳаршоднинг ўзи

(1457 й.) Бойсунқурнинг ўғли Алоуддавла (1459 й. вафот этган) Иброҳим Султон, унинг ўғли, Бойсунқурнинг яна бир ўғли Султон Муҳаммад вафоти (1451 й.) Шохруҳнинг ўғли Муҳаммад Жўқи (вафоти 1464 й.) лар дафн этилган. Гумбазда Бойсунқур шарафига марсия битилган.

Шохруҳнинг юқорида зикр этилган адабиётга қизиқиши билан бир қаторда унинг ислом динига содиқлиги ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Шохруҳ пок ва ҳақиқий тақводор шахс эди. Унинг ислом динига қаттиқ берилиши таъсиридан Ҳиротда мусулмон меъморлик обидалари қурилишига чуқур эътибор берилган. 1428 йилда унинг фармони билан Ҳиротдан уч километр шимолий шарқда жойлашган Гузаргоҳ деган жойда Абдулла Ансорий қабри устига мақбара қурилган. Ҳиротдан шимолий шарқда 1418 йилдан 1437 йилга қадар уста меъмор Қавмиддин Шерозий назорати остида мадраса, мақбара ва катта мачитдан иборат қурилишлар мужассамаси бунёд этилган. Мазкур меъморий мужассама Мусалло номини олган бўлиб, Самарқанддаги Амир, Темур мақбарасини эсга солади.

Ҳирот маданий ҳаёти гуллаб яшнашининг юқори чўққиси XV асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Ҳирот шу пайтда Олд Осиё ва Марказий Осиёдаги энг чиройли ва маданияти юксак шаҳар ҳисобланган. Уз ўзидан маълумки бу вақтда Ҳирот Султон Ҳусайн Бойқаронинг пойтахти бўлиб қолган эди. Темурий шаҳзода ва унинг энг яқин дўсти, машҳур шоир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг фаолиятлари, ташаббуслари билан Ҳирот кўркам ва обод шаҳарга айланди. Ҳиротда усти ёпиқ муҳташам бозорлар, шаҳар ичи ва теварагидаги бору бўстонлар, катта ҳовузлар, мачитлар, мадрасалар, саройлар, ҳаммомлар кўплиги, жозибадорлиги унинг ҳуснига ҳусн қўшган.

Ҳирот Алишер Навоийнинг фаолияти даврида янада гуллаб-яшнади. У чиройли саройлар, мачит мадрасалар, мақбаралар қуриш билангина кифояланмасдан яна қатор ижтимоий-фойдали иншоотлар ҳам барпо этди: ҳаммомлар, касалхоналар, ҳовузлар, кўприклар, йўл ёқаларида работлар Амир Алишер томонидан бунёд этилган.

Ҳирот Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий замонида меъморчилик соҳасида, ўзбек ва тожик адабиёти, шеърляти, тарихий адабиёти, рассомлик, ҳаттотлик, муси-

қада энг юксак чўққига эришди. Алишер Навоий кўп қирралаи истеъдод эгаси, инсонпарвар шахс бўлиши билан бир қаторда илм-фан, маданият ҳамда санъатга ишқибоз, иштиёқманд ҳар бир кишига раҳнамолик ва ҳомийлик қилган.

Ҳирот тарих фанининг маркази эди. Бу ерда XV асрда истеъдодли муаррих Ҳофиз Абу «Зубдатуат товарих»ни ёзди. XV асрда Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд (1498 йилда вафот этган), Хондамир каби муаррихлар ҳам Ҳирот муҳитида яшашган, ижод қилган тарихчилардандир.

Абдураззоқ Самарқандий Ҳофиз Абурунинг ишини давом эттириб XV асрнинг бошидан то 70- йилга қадар Темурийлар тарихини ёритди. Мирхонд эса Алишер Навоийнинг таклифи билан «Равзат ус-сафо»ни ёзди. Мирхонднинг невараси Хондамир кейинги асрнинг биринчи чорагида «Умум жаҳон тарихи» асарига монанд «Ҳибс ус-сайар» тарихий асарини ёзиб қолдирди. Уни асарининг кўпгина қисми Султон Ҳусайн подшолигига бағишланади. Умуман олганда Хондамирнинг тарихи XV асрнинг охири учун муҳим манбадир.

XV асрда Ҳирот адабий ҳаётини тасвирловчи Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират ул-шуаро» асари Алишер Навоийга бахшида этилган.

Темурийлар даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрда қўлга киритилган маданий ютуқлар ҳақида жуда кўп-лаб далиллар келтириш мумкин. Маданиятнинг турли бўғинларида янги кашфиётлар, янги аломатлар юз берди. Меъморчилик обидаларида Урта аср Шарқ қурилиш санъати турли унсурларнинг иштирокида ўзига хос бино турлари яратилди. Ижтимоий билимлардан тарих, адабиёт, табиий билимлардан астрономия, география, математика янги поғонага кўтарилди. Рассомлик, хатотлик, тоштарошлик, ганчкорлик ва наққошлик соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Муסיқа санъатига ҳам эътибор кучайди. Кулолчилик, кошинпазлик, ёғоч ўймакорлиги соҳасидаги муваффақиятлар ҳам анча юқори эди. Умуман олганда, Темурийлар давридаги маданий тараққиёт «Темурийлар уйғониши (ренессанси)» (Пугаченкова, Ремпель) атамасига мувофиқ келади. Бу ҳақиқатдан ҳам турли маданий доиралар — фан, адабиёт, бадий ижоднинг ягона Урта Шарқ заминида ўзига хос уйғониши эди.

IV-МАВЗУ: XVI—XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ

1-§. ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

Кўчманчи ўзбеклар томонидан
Мовароуннахрнинг босиб олиниши.

Темурийлар давлатининг тарқоқлиги кучайган бир даврда шимолда — Дашти Қипчоқда кўчманчи ўзбеклар давлати ташкил топди. Қипчоқлар номи билан аталган Дашт (чўл) Ғарбда Днепр дарёси ва Қора денгиз, шимол-шарқда Иртиш дарёси ва Балхаш кўлигача, Жанубда эса Хоразм ва Сирдарё қуйи оқимлари оралиғида жойлашгандир. Чингизхоннинг катта ўғли Жўчи улусига теккан минтақада, унинг ўлимидан сўнг, Шарқий қисмидаги Оқ ўрда давлати иккига бўлиниб Итил (Волга) билан Ёйиқ (Урол) дарёлари ўртасида Нўғой (манғит) давлати тузилди. Ёйиқдан то Иртиш ва Чу дарёлари, Хоразм ва Сирдарё қуйи оқимлари ўртасида Дашти Қипчоқ деган ном билан кўчманчи ўзбеклар давлати ташкил топди. XVI аср Хива тарихчиси Абулғозининг ёзишича баъзи ўзбек қабилалари ёзни Ёйиқнинг юқори оқимида, қишни Сирдарёнинг қуйи оқимида ўтказарди. Бу ердаги қипчоқлар, қўнғирот, уйшун, найман ва бошқа қабилалар ўзбеклар таркибига кирган.

1405 йил охирида кўчманчи ўзбекларнинг Хоразмни босиб олганидан кейин бутун XV аср мобайнида Дашти Қипчоқ ўзбеклари билан Темурийлар ўртасида тўхтовсиз кураш кетди, оқибатда XVI аср бошида бу кураш Темурийлар давлатининг енгилиши билан тугади. Дашти Қипчоқдаги кўчманчилар давлатининг асосчиси Абулхайрхон 1420 йилдан 1468 йилгача ҳукромлик қилди. Аввалги хон Бароқхон ўзгаларнинг ёрдамида тахтга ўтирган бўлса Абдулхайрхон ўзбек қабилаларининг қунончи, найман, қўнғирот, қиёт, дўрмон, уйгур, уйшун

ва бошқа қабилаларнинг ёрдамида тахтни эгаллади ва қисқа вақт ичида йирик давлатни вужудга келтирди. Абдулхайрхонни тахтга чиқишига йирик манғитлар қабиласи ёрдам берди. Буларнинг етакчиси Олтин Ўрда хони Эдигейнинг набираси Ваққосбий эди. Бу давлат минтақасида йирик Ясси (Туркистон), Ўтрор, Сигноқ, Саврон, Узган, Оққўрғон, Сўзақ каби шаҳарлар бўлиб, булар кўчманчи-чорвадорлар билан Мовароуннаҳрнинг ўртоқ аҳолиси ўртасида савдо алоқасини олиб борди.

Амир Темур ворислари ўртасида олиб борилган тўхтовсиз феодал урушлар темурийлар давлатининг кучсизланишига олиб келди ва бирин-кетин улар қарамидаги давлатлар ва мулклар ажралиб чиқиб кетди. Хоразмдан Астрообдгача бўлган кенг масофада жойлашган туркманлар бир неча қабилалардан ташкил топган бўлиб кўпинча ўзаро келиша олмас эди. Лекин улар қулай вазиятдан фойдаланиб Темурийлар давлатидан ажралиб чиқадилар. Фарғона водийси ҳам ажралиб мустақил давлатни ташкил этди. Бундан ташқари форсий деҳқон аҳоли жойлашган Ҳисор ва Бадаҳшон ҳам мустақил давлатга айланди. Мовароуннаҳрда темурий ҳукмдорларининг ўрнини Абдулхайрхоннинг невараси Шайбоний асос солган ўзбеклар давлати эгаллади.

—Муҳаммад Шоҳбахт Шайбоний 1451 йили туғилган бўлиб фоят катта жисмоний кучга, ҳарбий ташкилотчилик қобилиятига эга эди. Муҳаммад Шайбонийхон босиб Абулхайрхоннинг ҳаракатларини давом эттиришга ҳаракат қилиб кўрди. XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдаги темурийларнинг жиддий рақиби шимолдаги мўғуллар эди. Улар кўп маротаба Мовароуннаҳрга ҳужумлар қилар, аҳолини талон-тарож қилиб, чорваларни ҳайдаб кетар эдилар. Бундай шароитда темурий шаҳзодалар Шайбонийхонни мўғулларга қарши қўйиш мақсадида иттифоқ туздилар. Аммо Шайбонийхон ўз иттифоқчилигига доимо содиқ қолмасдан ўз йўналишини доимо ўзгартириб турди. Яъни, гоҳ темурийлар, гоҳ мўғуллар томонидан туриб ҳаракатлар қилди. Ниҳоят, 1487—88 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясса (Туркистон) Сигноқ шаҳарларини босиб олди ва 1499 йилда Мовароуннаҳрга жиддий ҳарбий ҳаракатлар бошлади.

Шайбонийхон дастлаб Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқандни қамал қилди. Аммо Бухоро ҳокими Боқи

Тархон Самарқандга ёрдам учун катта ҳарбий кучлар билан келаётганини эшитгач, Самарқанд қамалини тўхтатиб Боқи Тархон қўшниларига қарши чиқди. Шайбонийхон Бухоро қўшинларини тор-мор этгач кучсизланиб қолган Бухорога томон юрди. Шаҳардаги руҳоний феодаллар ва зодагонлар уни Шайбонийхонга топширдилар. Бухоронинг Шайбонийга топширилиши ҳокимлар ўртасидаги зиддиятларни янада кучайтириб юборди.

Бу пайтга келиб Самарқанд ҳокими Султон Алига душман бўлган амалдорлар Самарқанддан қочдилар ва ўша пайтдаги Андижон ҳокими бўлиб турган 17 ёшли Темурий шаҳзода Бобурдан ва Тошкент ҳокими Султон Маҳмуддан ёрдам сўрадилар. Шунингдек йирик руҳоний Хўжа Аҳрорнинг ўғли Муҳаммад Яҳё Бобур билан яширин музокаралар бошлади. Муҳаммад Яҳёнинг Самарқандни Бобурга топширмақчи бўлганидан хабар топган Султон Али Шайбонийхон билан алоқалар ўрнатишга киришди. Шунингдек шаҳардаги бир гуруҳ феодал-зодагонлар ҳам турли совға-саломлар билан Шайбонийхон ҳузурига ошиқдилар. Ундан ташқари Султон Алининг Шайбонийхон билан алоқалар ўрнатишга Тошкент ҳокими Султон Маҳмуд ҳам катта ёрдам берди. Пировард натижада 1500 йили Самарқанд Шайбонийхонга жангсиз топширилди.

Самарқанд 4 ой мобайнида кўчманчи ўзбеклар томонидан талон-тарож этилди. Бу эса шаҳар аҳолисининг кўчманчи ўзбекларга қарши қўзғолон кўтаришига ва феодал-зодагонларнинг қаттиқ норозиликларига сабаб бўлди. Натижада бундан фойдаланган Бобур баъзи феодаллар кўмагида 1500 йилнинг охирида Самарқанд тахтини эгаллади. Самарқандни Шайбонийхон эгаллаган пайтида қочиб кетган кўпгина зодагонлар яна қайтиб келдилар. Тез орада атрофдаги бошқа шаҳарлар ҳам Бобур ҳукмронлигини эътироф эта бошладилар.

Энди ёш Темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шайбонийхоннинг асосий рақиби бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам Шайбонийхон Бобур билан жанг қилишга пухта тайёргарлик кўрди. 1501 йилнинг баҳорида Зарафшоннинг Қўҳак дарёси бўйида улар ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Бу жангда ўз кучларига етарли баҳо беролмаган ҳамда қўшини орасида субутсиз амирлар билан Бобур енгилди ва Самарқандга яшириниш-

га мажбур бўлди. Шайбонийхон шаҳарни бир неча ой қамал қилиб турди.

Бобурнинг ўзи «Бобурнома» асарида ёзишича, шаҳардаги оддий аҳоли ва ҳунармандлар дастлаб шаҳар мудофасига фаол иштирок этадилар. Шайбонийхоннинг кўплаб ҳужумлари қайтарилди. Аммо, бу мудофаа узоққа чидай олмайди. Шаҳарда қурол дярли йўқ эди. Ундан ташқари шаҳарда даҳшатли очарчилик бошланди. Бобур турли атрофдаги ҳокимларга ёрдам сўраб мурожаат этган бўлса-да, ҳеч ким унга ёрдам бера олмади. Шаҳарликлар, ҳарбийлар, ҳатто Бобурга энг яқин бўлган кишилар ҳам Самарқанддан қоча бошладилар. Бобур ҳам шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Натижада Самарқанд иккинчи маротаба Шайбонийхон қўлига ўтади.

Шайбонийхон бир неча вақт ўз ҳокимиятининг орқа томони хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрди. Кейин эса Темурийларнинг жанубий ерларига ҳарбий ҳаракатлар бошлади. Бу ҳудудларда ҳам илгаригидек турли вилоятлар ҳокимлари бирлашишни ҳоҳламадилар. Улар орасидаги бир-бирига ишонмаслик, ўзаро низо ва жанжаллар кўчманчи ўзбеклар учун айни мудлао бўлди. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланган Шайбонийхон жанубга томон силжиб бора бошлади.

XVI асрнинг бошларида Ҳисор вилоятида ҳокимлик қилиб турган Ҳусравшоҳ жуда кучли ва бой ҳисобланган ўз вилоятининг кучига етарли баҳо бера олмади. Шу билан бирга ўша пайтда вужудга келган вазиятни тушунмади. Темурий шахзодалар билан бирлашиш, ҳеч бўлмаса уларга ёрдам бериш ўрнига улардан қўрқди ва Шайбонийхоннинг Ҳисорга яқинлашиб келаётганини эшитган заҳотиёқ қўрқоқлик қилиб қочиб кетди. У ҳокимлик қилиб турган ерлар Жанубий Тожикистон, жанубий Ўзбекистон, шимолий Афғонистоннинг бир қисми 1504 йилда Шайбонийхон қўлига ўтди.

Шундан сўнг Шайбонийхон Хуросон ва Хоразм султони Ҳусайн Бойқаро бошқариб турган катта давлатни забт этишга тайёргарлик кўрди. Бунда у иккита мақсадни кўзлаган эди. Биринчидан, Хоразм шаҳарлари орқали Волга дарёсининг этаклари томонидаги шаҳарларга, ундан кейин эса Рус ерлариға, иккинчидан, Хуросон орқали жанубий-ғарбий Эронга ва Ҳиндистонга чиқмоқчи эди. Бунинг устига, Хуросоннинг темурийлар қўлида қолиши Шайбонийхон учун анча хатарли эди.

√ 1504 йилда Шайбонийхон Хоразмга юриш бошлади. 10 ой давом этган оғир жанглардан сўнг 1505 йилнинг августида Урганч шаҳри эгалланди. Ундан кейин эса Хуросоннинг пойтахти Ҳиротга юриш бошланди. Фақат шундагина Султон Ҳусайн ҳокимларни бирлаштириб асосий қучларни тўплашга ҳаракат қилди. Аммо қарилги ва касаллиги туфайли 1506 йилда вафот этди. Тахтга эса бирданга унинг иккита ўғли, Музаффар Ҳусайн ва Бадиуззамон ўтирди. Ҳокимиятда ҳам иккита қарама қарши гуруҳ пайдо бўлди. Ака-укалар қўшинларни бир ерга тўплагунча ва амирлар бир қарорга келолмай жанжаллашиб турган бир пайтда Шайбонийхон Балхни қамал қилиб уни эгаллади. 1507 йил майда Ҳиротга ҳужум бошланди. Жангга ёмон тайёргарлик кўрган темурийлар тор-мор этилди. Амирларнинг кўпчилиги жанг майдонидаёқ қочиб кетдилар. Ака-ука ҳокимлар эса бири Фарбга, яна бири Шарққа қочди. Қисқа вақт ичида темурийларга тегишли бўлган Бухоро, Самарқанд, Марв, Балх, Ҳирот, Машҳад, Нишопур каби шаҳарлар эгалланиб, Шайбонийхон Сирдарёдан то марказий Афғонистонгача бўлган катта ҳудудда ҳоким бўлиб олди. Фақат Фарғона, Сирдарё бўйидаги шаҳарлар Тошкент, ҳукмронлигида бўлиб, бу ерлар Шайбонийхонга ярим қарам эди. Темурийлар давлатида феодал тарқоқлик, айрим ҳукмдорларнинг ажралиб мустақилликка интилиши бу давлатнинг емирилишига олиб келган бўлса, Шайбонийхон бундай тарқоқликга чек қўйди ва мамлакатнинг бирлигини мустаҳкамлай олди. У турк ва тожик тилларини мукамал билган, билимдон шахс эди. Мусулмон руҳонийлари билан иттифоқ бўлиб ўзбек хонларининг ҳокимиятини кучайтирди.

— Шайбонийхоннинг жануб томон юришлари Эрон шоҳи Исмоил I томонидан тўхтатилди. 1510 йил Марвдан 24 км жойда Исмоил I нинг 1700 минг кишилиқ қўшинлари кўчманчи ўзбеклар қўшинини тор-мор келтирди. Шайбонийхон халок бўлди. Исмоил Шайбонийхонни бош суягини олтин билан қоплаб тўйларда шароб ичадиган бўлди.

Шайбонийхон босиб олган ўлкаларни ўзининг қариндошлари, ўзбек қабилаларининг зодагонлари, ҳарбий қўмондонлари ўртасида тақсимлади. Вилоятларни тақсимлашда шайбоний уруғлари ўртасидаги келишмовчиликлар, зиддиятлар ўзбеклар давлатини заиф-

лаштирди ва шайбонийлар кейинги жангларда биринкетин мағлубиятга учрадилар. Хуросон тўлиғи билан, шу жумладан, ҳозирги Туркменистон, Хоразм, Шимолӣ Афғонистон Эрон шоҳи Исмоил ҳукмронлигига ўтди. Қобул ҳукмдори Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоҳ Исмоилнинг ёрдами билан 1511 йили Ҳисор, Қўлоб, Қундуз, Бадахшон ва Самарқандни эгаллади.

—Шайбонийхон юришларида қатнашган мўғул, чиғатой қўшинлари Бобур томонга ўтди. Шайбонийхон қариндошларидан айримлари Қуйи Сирдарё томон кетди: Муҳаммад Темур Султон ва Убайдулла Султон Туркистонга келдилар. Бобурнинг буйруғи билан ҳар жума номоз қуни Исмоил Шоҳ номига хутба ўқитиладиган бўлди.

Бобурнинг бу ҳаракати, айниқса, Исмоил Сафойй етакчилигини тан олиши махаллий халқнинг (суннийларнинг) норозилигини кўзгади. Исмоил Сафойй эса Мовароуннаҳрни тўла бўйсундириш, Бобур ҳукмронлигини яна ҳам мустақкамлаш учун қўмондон Нажми Соний етакчилигида 12 минг кишилик қўшинини Қарши томон йўналтирди. Шаҳарни уч кун қамал қилиб эгаллади ва лашкарбошининг буйруғи билан «Қизил бошлилар»¹ шаҳарни талон-тарож қилдилар, аҳолисининг деярлик ҳаммаси қириб ташланди. Қаршидан Бухоро томон йўл олган Исмоил Сафойй қўшинлари 1512 йили 12 ноябрда ўзбек султони Убайдулла (Шайбонийхонни жияни) томонидан тор-мор келтирилди, Нажми Соний ўлдирилди. Бобур Ҳисорга қочди.

Ғиждувон яқинидаги ғалабадан кейин Шайбонийлар Мовароуннаҳрда тўла ҳукмронлик ўрнатилар. Фақат Хоразм мустақил қолиб 1511 йили эроний шиалар ҳукмронлигидан норози бўлган сунний руҳонийлар Дашти Қипчоқли ўзбеклардан Элбарсхонни чақириб ўзларига хон сайладилар. Шайбонийлардан мустақил Хоразмда янги сулола иноқлар икки юз йилдан кўпроқ ҳукмронлик қилди. Бу даврда Хоразм хонлари Каспий билан Амударё оралиғида туркманлар яшайдиган ўлкани ҳам ўзларига бўйсундирдилар.

Хуросоннинг маркази Ҳирот ҳам Сафоййлар томонидан босиб олинди ва Эроннинг чекка бир ўлкасига ай-

¹ «Қизил бошлилар» бошига шиаларни 12 имомининг ҳурмати-га 12 йўл қип-қизил рўмол боғлаб юради. Отлиқ аскарлар соқолларини қирқиб, узун мўйлов қўяди, сочларини қириб пешонасида бир тугам соч қолдиради.

ланди. Лекин Марказий Осиё шаҳарлари билан маданий алоқаларни узмади, аммо иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлиб қолди.

Ғиждувондаги мағлубиятдан сўнг Исмоил Сафойининг Бобур билан иттифоқи бузилди. Бобур яна Қобулга кетишга мажбур бўлди. 1525 йил чигатойликлардан ташкил топган қўшинга бош бўлиб Ҳиндистоннинг Панжоб водийсида Лаҳор шаҳрини эгаллади. 1526 йил пойтахт шаҳарлар Деҳли ва Аграни ишғол қилди ва ҳозирги Бангладеш, Покистон, Ҳиндистоннинг шимоли ва Афғонистон ҳудудида Буюк Бобурийлар салтанатига¹ асос солди, бу давлат XIX асргача (300 йил) яшади. — Муҳаммад Шайбонийхон вафотидан кейин Мовароуннаҳрда марказий ҳукумат анча заифлашди. Амирлар ва султонлар марказий ҳукуматга кўп ҳам бўйсунмай қўйди. 1512 йилдан Бухоро ҳукмдори Убайдулла Султон бўлди, 1534 йилда у бутун марказлашган ўзбек давлатининг Олий ҳукмдори этиб сайланди. Унинг даврида Бухоро ҳам иқтисодий, ҳам маданий соҳада кучайди, савдо алоқалари кенгайди.

XVI асрнинг 40-йилларидан бошлаб феодаллар ва сулолалар ўртасида шаҳарлар ва ерлар учун кураш кучайди. Айниқса Бухоро билан Самарқанд ўртасида кураш кескин бўлди. Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхон (1541—1552 йй.) билан Бухоро хони Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540—1550 йй.) ўртасидаги курашни Тошкент ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларнинг ҳукмдори Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон, Абдулхайрхон уруғидан) кучайтирди. У тез-тез шаҳарларга уруш бошлаб ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлди. 1551 йилда Самарқандни босиб олиб беш йил идора этди ва ўз номидан пул чиқарди. Бароқхонга қарши унинг жияни Қармана ва Миёнқол ҳукмдори Абдулла Султон кураш олиб борди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон II тахтга даъвогар бўлиб чиқди. У кучли Шайбонийлар давлатини қайта тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. У Тошкент ҳокимлари, Ҳисор амирлари, Самарқанд султонлари билан тўхтовсиз урушлар олиб борди. Бу курашлар давомида шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб турди, мамлакат вайрон бўлиб аҳолининг катта қисми қи-

¹ Бобур асос солган давлат жаҳон тарихида «буюк мўғуллар империяси» номи билан аталади.

рилиб кетди. Уша даврдаги даҳшатли воқеалар Ҳофиз Таниш Бухорийнинг Абдуллахон II фаолиятига бағишланган «Абдулланома» асарида ўз аксини топган.

Абдуллахон II олиб борган тинимсиз урушлар натижасида 1573 йилда Фарғона, 1574 йилда Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятлари, 1578 йилда Самарқанд босиб олинди. У Тошкентга ҳам бир неча марта юриш қилди ва ниҳоят 1582 йилда шаҳарни ўз мулкларига қўшиб олишга эришди. Уша йили Абдуллахон Дашти Қипчоқ ҳукмдори Бобохон (Бароқхоннинг ўғли) устига қўшин тортди. Оғир жангларда Бобохон ҳалок бўлиб унинг қўшинлари тор-мор этилди. Шоҳруҳия, Сайрам, Оҳангарой ва бошқа қалъалар таслим бўлди. 1583 йилда Балх шаҳри ҳам эгалланди.

Уша йили Абдуллахон II нинг отаси Искандар Султон вафот этди. (Искандархон расмий даражадаги хон бўлиб ҳокимият аслида Абдуллахон қўлида эди) ва Абдуллахон ўзини хон деб эълон қилди. Бу пайтга келиб Абдуллахон деярли бутун Марказий Осиё ерларини ўз қўл остига бирлаштиришга муваффақ бўлган эди.

У ҳам Шайбонийхон каби Хоразм ва Хуросонни босиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. 1584 йилда Бадахшон, 1588 йилда Ҳирот забт этилди. Абдуллахон Қобулга ҳам ҳаракат қилмоқчи эди, аммо Акбаршоҳнинг қаршилиги туфайли бу фикридан воз кечди. Лекин Хоразмга юриш анча қийин кечди. Хоразм ҳукмдорлари Абдуллахонга қаттиқ қаршилик кўрсатганликлари туфайли бу ерга бир неча марта юриш қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят 1595 йилда Хоразм ҳам Абдуллахон II мулкларга қўшиб олинди. 1598 йилда Абдуллахон II вафот этгач унинг ўғли Абдулмўмин узоқ вақт ҳокимиятни сақлаб қололмади. Отаси ўлиmidан олти ой ўтгач у ҳам ўлдирилди ва ҳокимият бошқа сулола вакиллари қўлига ўтди.

Шайбонийлар давлатининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий аҳволи

Абдуллахон II даврида Шайбонийлар давлатининг пайтахти сифатида Бухоро мустақкамланди ва сиёсий, маъмурий, иқтисодий марказга айланди. Шу даврдан бошлаб марказга тобе бўлган ҳудудлар Бухоро хонлиги деб атала бошланди. Россияда бутун Марказий Осиёни

XVI аср охирларидан бошлаб (Хоразм бундан истисно). «Буюк Бухория» деб атай бошладилар.

Абдуллахон II ҳукмронлигининг сўнгги йиллари Шайбонийлар давлати учун оғир бўлди. Шимолда унинг иттифоқчиси бўлган Тавакалхон (Тауке) Москва подшоши Феодор Ивановичга мактуб юбориб ўзини Москва подшосининг вассали (қарам) деб тан олди ва Абдуллахонга қарши курашни кучайтирди, кўп ўтмасдан Тошкент, Туркистон, Андижон ва ҳатто Самарқандни ҳам босиб олди. Жанубда Эрон шоҳи Аббос I Хуросонни эгаллади, Хоразм эса яна мустақил давлатга айланди.

Шайбонийлар даврида давлатнинг маъмурий тузилиши ҳам ўзига хос эди. Ҳокимият тепасига хон турарди. Хон тахтга таклиф қилинган вақтда у оқ кигизга ўтирғизилиб, тўрт томонидан энг мўътабар ва нуфузли тўртта зодагон кўтариб борарди. Анъанага кўра катта ҳаётий тажрибасига эга ва обрўли амирлар оталиқ унвонини олиб улар вояга етмаган шахзодаларни тарбиялашарди.

Давлат бир неча вилоятларга бўлинган бўлиб, уларга султонлар бошчилик қилар эди. Пойтахт Самарқанд шаҳри эди ва Убайдуллахон (1533—1539) даврида Бухорога кўчирилди. Саройдаги девонларга давлат маҳкамаси ва молия ишларининг бошлиғи девонбеги раҳбарлик қиларди. Шайбонийлар даврида қуйидаги энг олий мартабали давлат лавозимлари мавжуд эди: Кўкалдош (бир онадан сут эмган маъносида) муассасаларни бошқарар ҳамда бутун мамлакатдан хоннинг дўстлари ва душманлари ҳақида маълумотлар тўпловчи шахс; мушриф-хон маълум шахсларга инъом этадиган ашёларни рўйхатга олиб борувчи ҳамда солиқлар йиғилишини бошқарувчи шахс; қушбеги-хонлар ва султонлар шикорга чиққан пайтда ов анжомларини назорат қилувчи шахс; мунши (мирза) — хоннинг фармонини ёзувчи шахс. Булардан ташқари Шайбонийлар давлатида миршаб, додхоҳ (аҳолидан шикоят тингловчи шахс), мироҳўр (отхона бошлиғи), парвоначи (ёрлиқ топширувчи шахс) каби лавозимлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Давлатда амалдорлардан ташқари руҳоний феодаллар ҳам ҳукмрон синф тоифасига кирарди. Уламоларнинг бир қисми ўзларини Муҳаммад пайғамбар авлодлари деб ҳисоблар ва улар саййидлар эди. Бир қисми ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг чорёр — халифала-

ри — Абубакр, Умар, Усмон ва Али авлодлари деб ҳисоблардилар ва улар хўжалар деб аталарди. XVI асрнинг ўрталарига келиб хўжаларнинг обрўи ниҳоятда ошиб кетди, ҳатто кимнинг хон бўлиши ҳам уларга боғлиқ эди. Хўжалар орасида энг обрўилари жўйбори шайхлар эди.

Шайбонийлар давлати, айниқса, Абдуллахон II даврида чет давлатлар билан сиёсий алоқаларини кенгайтиради. Яқин қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатлар анча жиддий эди. Хоразм давлати билан тез-тез урушлар бўлиб турди. Қозоқ султонларининг айримлари баъзан шайбонийларни қўллаб-қувватлади, айримлари эса шайбонийлар билан уруш олиб борди. Энг хавфли душман Эрон давлати бўлиб Хуросон ва Туркман ерлари учун у билан бир қанча тўқнашувлар бўлди.

Бухорода марказий ҳокимият мустаҳкамланиши натижасида Ҳиндистон билан алоқани яхшилаш учун ҳаракатлар олиб борилди. 1572 йилда Ҳиндистон подшоши Акбаршоҳга Эронга қарши иттифоқ тузиш мақсадида юборилган биринчи Бухоро элчиси Хўжа Олтамиш миссияси натижасиз тугади. Ҳиндистон холис туриш ниятини билдирди. Абдуллахон II томонидан 1576 йил Абдураҳим бошчилигида иккинчи марта вакиллар юборилди. Абдуллахон II нинг нияти фақат Эронга қарши Ҳиндистондан фойдаланиш эмас, балки Бадахшонни қўлга киритиб, Маккага бўлган тўғри йўлни шиалардан тозалаш эди. Шу мақсадда бирин-кетин тўрт марта Деҳлига элчилар келди. Лекин Эрон тахтига Шох Аббос келганидан сўнг Бухоронинг жанубдаги ниятлари амалга ошмади.

Шайбонийлар давлатида хўжаликнинг асоси деҳқончилик бўлиб, деҳқонлар асосий ишлаб чиқарувчи куч эди. Мамлакатдаги тарқоқлик, тўхтовсиз урушлар мамлакат иқтисодини инқирозга, деҳқонларни эса қашшоқланишига олиб келди. Уруш ҳаракатлари натижасида солиқлар кўпайди. Фарғона ва Андижон водийларидан деҳқонлар қоча бошлади. Шайбонийхон ва унинг авлодлари — хонлар деҳқончиликни жонлантириш мақсадида солиқларни маълум вақтгача камайтирди. Суғориш ишларини яхшилаш ниятида янги каналлар қурилди. Шу даврда боғдорчилик, узумчилик кенгайди, полиз экинларидан эса қовуннинг хилма-хил турлари экилди. Лекин асосий ўринни пахтачилик ва ғаллачилик эгаллади. Бухорода гулчилик кенг ривожланганди. Деҳқон-

чиликнинг ҳар қайсисида ўзига хос, айримларидан пул ҳисобида, айримларидан натура шаклида солиқ олинадди. Масалан, пахтакорлардан «ғўза пули» олинган.

Чорвачилик XVI асрда ҳам хўжаликнинг муҳим соҳаси бўлиб қолаверди. Лекин кўпчилик камбағал хўжаликларда қўй сони бармоқ билан санайдиган даражада бўлса, йирик феодаллар, амалдорларда минглаб эди. Бобурнинг ёзишича, уларнинг айримлари 30—40 минггача қўйга эга эди. Жўйборий шайхлардан Хўжа Саъдининг 25 мингдан ортиқ қўйи бор эди. Йилқичиликка катта эътибор берилди. Айрим феодаллар минглаб йилқига эга бўлган. Юқорида номи аталган Хўжа Саъдининг 1.500 йилқиси, 1000 дан ортиқ туялари ва бошқа моллари бўлган.

Шайбонийлар даврида Мовароунаҳрда мулккий муносабатларда айтарлик ўзгаришлар юз бермади. Дашти Қипчоқдан келган кўчманчи ўзбеклар, илк феодал муносабатларни бошидан кечириётган бўлиб улар Марказий Осиёга янги ишлаб чиқариш муносабатларини олиб келгани йўқ, балки темурийлар даврида шаклланган ижтимоий-иқтисодий тузумни қабул қилди, ҳамда унга мослашди.

Аграр муносабатлар эскича қолиб, ерларнинг асосий қисми мамлака-и-подшоҳ ёки мамлака-и-султон деб аталган, бу умумдавлат ерлари бўлиб, унинг эгаси давлат бошлиғи — хондир. Бу ерларга нафақат экинзорлар балки шаҳар ерлари, бозорлар ҳам кирган. Булардан ташқари умумдавлат ерига «ташландиқ ерлар», «экин экилмайдиган ерлар» ҳам кирган ва бу ерлардан фойдаланган маҳаллий феодаллар шу жумладан руҳонийлар ерни деҳқонларга фойдаланишга топширган. Деҳқонлар ҳам давлатга, ҳам феодалга солиқ тўлаганлар. Бу солиқ «малваджиҳат» деб аталган. Бундан ташқари яна бир қанча каттаю кичик солиқлар йиғилар эди. Жумладан, доруғаш — солиқ йиғувчилар ва вилоят ҳокимлари фойдасига, закот — мол бошига, умуман мол-мулкдан олинади. Зобитона-ҳукмдор фойдасига махсус солиқ; танобона — боғ ва боғчадан олинади; мадади лашкар — ҳарбий солиқ. Солиқлар ҳажми ҳар ерда, ҳар даврда турлича бўлган.

Феодаллар эгаллаган давлат ерларининг шакллари ҳар хил: суюрғол, иқта, танҳо ва бошқалар эди. Суюрғол ҳукмрон сулола аъзолари, йирик давлат арбоблари ва ҳарбий қўмондонларга берилиб улар ерни тўлиғи

билан ўзлари бошқарарди ва солиқлар йиғиб олади ва бир қисмини давлат хазинасига топширади. Суюрғол эгалари ғоят катта сийёсий ҳуқуқга эга бўлган. XVII асрдан бошлаб суюрғол хонга содиқлиги учун дин арбоблари, шоирлар, олимларга мукофот сифатида бериладиган бўлди.

XV асрда темурийлар даврида мавжуд бўлган ерга мулк шакли — иқта сақланиб қолди, бу ерлар ҳукмрон хон авлодларига, йирик давлат ва ҳарбий арбобларга берилган. Иқта ҳажми ҳар хил бўлиб, иқта эгалари — иқтадорлар ўзларининг ҳарбий кучларига эга бўлган.

XVI асрдан бошлаб Марказий Осиёда янги феодал ер эгаллиги танҳо, кичик хизматкорларга бериладиган ерлар пайдо бўлди. Танҳо ҳажми — танҳодорлар хизматига яраша — бир неча уйдан, ёки бир неча қишлоқлардан олиниши мумкин. Танҳога экин экиладиган ерларгина эмас, балки тегирмон, мойжувозлардан келадиган даромадлар ҳам қўшиб берилган.

Ернинг кичик ва йирик феодалларга, амалдорларга ҳар хил шаклда тақатиб берилиши давлат хазинасидаги даромадни камайтирди ва хон ҳоқимиятини бўшаштирди, мамлакатда тарқоқлик кучайди.

Феодал ер эгаллигининг алоҳида кўринишини вақф ерлар ташкил қилган. Вақф ерлар хон томонидан мусулмон руҳонийларга мос қилиб бериладиган ерлар бўлиб бу ерлардан келган даромадлар кўпинча қози-калонларга, мутавалиларга (васийларга) тушарди. Вақфга тарқатилган ерлардан ташқари мулкларнинг ҳажми баъзан катта миқдорни ташкил қиларди. Р. Г. Муқмино-ва ўша давр ёзма манбаларидан фойдаланиб шундай ёзди: «XVI асрни биринчи чорагида Меҳр Султон Хонимнинг вақф берган ҳужжатида кўра у саккиз қишлоқ ва аҳоли яшайдиган жойлар, икки юзга яқин ер участкаси, уйлари, тегирмонлари, мойжувозлари билан 36 дўкон, ҳаммом, омборларни» вақфга тарқатган. Бу шунч кўрсатяптики, XVI асрдан бошлаб Марказий Осиёнинг сийёсий ва иқтисодий ҳаётида руҳонийлар таъсири кучайди. Уз навбатида мусулмон аҳоли ўртасида хоннинг мавқеи ошди.

Шайбонийлар давридаги аҳолининг асосий қисмини деҳқонлар, ярим кўчманчилар ва қисман кўчманчи — чорвадорлар ташкил этарди. Тўхтовсиз феодал тўқнашувлар, меҳнаткаш аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир қилди. Деҳқонларни феодал эзишнинг асо-

сий шакли — давлат, вақф ва мулк ерларини ижарага беришдан иборат эди. Бу ер деҳқоннинг мероси ҳисобланса ҳам ер эгаси ҳоҳлаган вақтда тортиб олиши ва бошқага сотиши мумкин эди. Шунинг учун деҳқон меҳнат унумдорлигини оширишдан манфаатдор эмасди. Ундан ташқари деҳқонлар учун ўз маҳсулотларини бозорга чиқариб сотиш кўп қийинчиликларни бартараф этишни талаб қиларди. XVI аср бошларида Дашти Қипчоқдан келган ўзбекларнинг кўпчилиги, биринчи навбатда қашшоқлашган кўчманчилар ўтроқликка ўтди. Қабила бошлиқлари қанчалик бойиб, янги суғориладиган ерларга эга бўлса кўчманчи чорвадорлар эса аксинча шунчалик зарар кўрди ва яна хонавайрон бўла бошлади.

Ижтимоий зулм халқ норозилигини кучайтириб, баъзан қўзғолонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. XVI асрда деҳқонлар, ҳунармандлар ва шаҳар камбағалларининг норозилиги ҳар хил шаклдаги халқ ғалаёнларини келтириб чиқарди. Чунончи, деҳқонларнинг қочиби кетиши, шаҳар қашшоқларининг очлик эълон қилиши ва баъзи қўзғолонлар уюштириши кенг қулоқ ёйди. Самарқанд вилоятида деҳқонлар қочоқлиги кучайиб, қочоқларни ўз жойларига қайтариш тўғрисидаги хон фармонлари натижа бермади.

Самарқанд, Бухоро ва Қаршида нархлар ошиб, очарчилик кучайган вақтларда халқ ғалаёнлари қўзғолонга айланди. 1501 йили Қорақўл шаҳрида қўзғолончилар шайбонийлар ҳукмдорларига қарши чиқиб шаҳарни қўлга олдилар. Улар қўрғон бошлигини ва унинг ёрдамчиларини ўлдириб, аҳолини қуйи табақаси вакилини қўрғонга бошлиқ қилиб қўйдилар, унга феодал зодагонлар «гадбўй» деб лақаб бердилар. Қўзғолон шунчалик хавфли бўлганлигидан Шайбонийхон ўзи катта қўшинга бош бўлиб шаҳарни қўлга қайтиб олди ва қариндоши Бубай Султон бошчилигида катта гарнизон қолдирди. Лекин хон кетиши билан қўзғолончилар яна бош кўтариб шаҳарни қўлга олдилар ва Марв ҳукмдори теурийлардан Абдул-Мухсинни чақириб шаҳарни унга топширдилар. Бу гал қўзғолончиларга раҳбарлик феодал зодагонлар қўлида бўлди. Шайбонийхоннинг акаси Маҳмуд Султон катта куч билан шаҳарни қайтариб олди. Қўзғолончиларнинг бошлари кесилиб улардан минора ясалди.

XVI асрнинг 40-йилларида Фарғонанинг Косон шаҳрида катта қўзғолон кўтарилди. Шайбоний султонлари

кучларини бирлаштириб, уч ойдан кейингина Қосонни қўлга олдилар ва қўзғолончилардан шафқатсизлик билан ўч олдилар. Уларнинг бошлиғи қийнаб ўлдирилди. 1588 йили Хўжанд ва Шоҳруҳияда бой амалдорлар бошчилигида аҳолининг камбағал қисмидан иборат кўпчилик қатнашган ғалаён бўлди. Абдуллахон II ва унинг амакиваччаси, вилоят ҳукмдори Ўзбек Султонга қарши қаратилган бу ҳаракат уч ой давом этди.

Шайбонийлар давлатида деҳқончиликдан ташқари шаҳар хўжалиғи ҳам алоҳида ўрин тутади. Самарқанд, Бухоро, Тошкент илгаригидек Марказий Осиёнинг сиёсий, иқтисодий, маданий маркази бўлиб қолаверди. XVI асрнинг 80-йилларигача Самарқанд мамлакат пойтахти бўлиб келган бўлса, эндиликда бутун Марказий Осиёнинг маркази, давлат пойтахти Бухорога кўчди.

Бу даврга келиб иқтисодий ва маданий юксалиш натижасида Тошкентнинг мавқеи ошди. Бароқхон мадрасаси (Ҳозирги Мовароуннаҳр мусулмонлари маркази ёки Хастимом), Кўкалдош мадрасаси қурилди. Қўшни кўчманчи қабилалар ва кенг водий чегарасида жойлашганлиги учун Тошкент чорвадорлар ва деҳқонларни боғлаштирувчи савдо маркази ҳам эди. Иккинчи томондан Тошкент учун тез-тез тўқнашувлар ҳам бўлиб, қон тўкилди, вайронгарчилик бўлди. Айниқса Абдуллахон томонидан етти марта ҳужум уюштирилганлиги ва ниҳоят 1582 йили босиб олинганлиги Тошкент аҳолиси учун катта кулфат келтирди. XVI асрнинг иккинчи ярмида янги қурилишлар Қарши, Қорақўл, Чоржўй, Фиждувон шаҳарларида ҳам олиб борилди.

XVI аср шаҳарларида ҳунармандчилик ривожланиб, унинг маҳсулоти феодалларнинг талабларинигина эмас балки кенг омманинг талабларни қондиришга қаратилди. Шайбонийлар давлатида кучли ривожланган хўжалик соҳаси тўқимачилик бўлди. Бу даврда Марказий Осиё шаҳарларида пахта, ипак, қисман жундан газмол тўқиш кенгайди. Муҳими шундаки, Самарқанд ва Бухорода тўқувчилик билан кичик ишлаб чиқарувчилар шуғулланадиган бўлди. Тўқимачиликнинг ривожланиши бўёқчиликнинг ривожланишига асос бўлди. Самарқандда қоғоз ишлаб чиқарила бошланди. Қоғоз сифати шунчалик юқори эдики бу ҳақда Бобур «Жаҳонда энг яхши қоғоз Самарқандда тайёрланган», деб ёзади. Самарқандда қоғоз тайёрлайдиган асбоб-ускуналар омборлари XIX асргача сақланиб келган. Қоғозни энг яхшиси

ипакдан тайёрланган, уни «қоғози ипак» дейишган. Бошқа хили ипак ва каноп аралашмасидан тайёрланган («нимакатани»). Пахтадан ҳам қоғоз тайёрлаш мумкин бўлган. Самарқанд қоғозининг додруғи жаҳонга тарқалган бўлса-да, уни тайёрлаш сири, усталар билан бирга кетган.

Самарқанд, Бухоро ва Тошкент воҳасида металл буюмлар ишлаш кенг йўлга қўйилган. Айниқса қимматбаҳо буюмлар, қурол-аслаҳалар жуда усталик билан тайёрланган. Ривож топган хўжаликлардан яна бири сопол буюмлар, идиш товоқлар тайёрлаш эди. Самарқандда бундай усталар номига ҳалигача сақланган кўча бор: «Хумданак», Бухоро ва Ғиждувонда «Косагарон» номида турар жойлар мавжуд. Ёғоч ўймакорлари бутун дунёга маълум бўлиб уларнинг ҳунарлари ҳозир ҳам кенг тарқалган.

Шайбонийлар даврида деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг умуман, шаҳарлар ҳаётининг ривожланишига Марказий Осиё хонликларининг ташқи ва ички савдоси, ҳалқаро алоқаларнинг кенгайиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бухоро, Хива, Тошкент савдогарлари Ҳиндистон, Эрон ва Қашғарга, Сибир, Қозоқ, Нўғой хонликларига мол олиб бориб бу ерлардан мол олиб қайтарди. Марказий Осиё хонликларининг Ҳиндистон давлати ва Туркия билан иқтисодий ҳамда дипломатик алоқалари кенгайди.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро ва Хиванинг Россия билан савдо алоқалари ривожланди. Айниқса, Москва давлати (Иван IV подшолиги) томонидан Қозон (1552 й.) ва Астрахань (1556 й.) хонликларининг босиб олиниши икки ўртадаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларни кучайтиради. Россия орқали шарқий ва ғарбий Европа мамлакатлари билан ҳам алоқа боғланади. Бу борада 1558—1559 йиллари Марказий Осиё шаҳарларига инглиз Антони Женкинсоннинг Лондон савдо компанияси номидан ташрифи катта аҳамиятга эга бўлди. У рус подшоси Иван IV дан (Грозний) ҳам махсус ёрлиқга эга бўлиб элчилик вазифасини бажарди. Женкинсон Хивага минг туялик савдо қарвонини бошлаб келди. Ўз навбатида у билан Москвага Бухоро ва Хива элчилари ҳам бордилар. Мақсад икки ўртадаги савдо алоқаларни яна ҳам кенгайтиришдан иборат эди.

Ўзбек хонликларидан Россияга асосан қимматбаҳо матолар: ипак газлама, бахмал, парча ва гиламлар;

олтин ва кумушлардан безаклар, идиш-товоқлар, қурол аслаҳалар олиб борилди.

Москва давлатидан Марказий Осиёга қимматбаҳо терилар, мих, тугмалар, игналар ва бошқа нарсалар олиб келинди. Урта Осиё хонликлари Сирдарё бўйидаги шаҳарлар, чўлдаги қозоқ қабилалари, туркманлар билан қизғин савдо олиб бордилар. Кўчманчи қозоқлар қора мол, чорва маҳсулотлари, тери ва теридан ишланган маҳсулотлар келтириб сотарди. Туркманлар жун матолар, кийин-кечаклар, қимматбаҳо гиламлар, асл зотли йилқилар билан савдо қилганлар. Қозоқ ва туркман савдогарлари асосан ип-газлама, тайёр кийимлар, қиммат баҳоли безаклар, идиш-товоқлар, қурол-аслаҳа олиб кетганлар.

Ички ва ташқи савдонинг ривожланиши муносабати билан пул ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. XVI асрда фақат Шайбонийхон ва Абдуллахон даврларида қисман олтиндан ва асосан кумушдан, кумуш билан мис аралашмасидан танга пуллар зарб этилган.

Айрим тадқиқотчилар, жумладан XIX асрда Марказий Осиё шаҳарларида илмий изланиш ишларини олиб борган венгриялик олим Г. Вамбери Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳрни босиб олиши билан бу ерларда маданиятнинг тушкунликка учраганини ёзади. XVI—XIX асрлардаги Марказий Осиё тарихининг йирик мутахассисларидан П. П. Иванов эса ўзбекларнинг ҳукмронликлари эски маданий меросни давом эттирди, илгариги маданий ва диний анъаналарни яна ҳам ривожлантирди, деб ёзади.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда XVI асрда ҳаёт юксак даражада бўлиб, улар сиёсий, иқтисодий марказ бўлибгина қолмай, балки маданий турмуш ўчоғи ҳам эди. Феодаллар ва амалдорлар, савдогарлар ва ҳунармандлар маданий ҳаётни ривожлантиришга маълум ҳисса қўшдилар. Мусулмон руҳонийларининг олий мактаби — мадраса илгаригидек маданий ҳаётда катта ўрин тутди. Шайбонийлар кўплаб янги бинолар қуриб, уларни мадраса ва мечитлар ихтиёрига топширдилар. Бундай бинолар Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Балх ва бошқа шаҳарларда қурилиб, айримлари ҳозирги кунга қадар сақланиб турибди. Бу қурилишларнинг меъморлик санъати, мутахассисларнинг айтишича, илгариги ўтган меъморчилик анъаналарига асосланган

ва уларни яна ҳам ривожлантирган. Фақат Абдуллахон II даврида 500 дан ортиқ ҳар хил бинолар қурилган.

Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бу даврда ҳар хил дарвишлар уюшмаларини бирлаштирган суфийлик муҳим ўрин эгаллади. Булар орасида ғоят катта таъсирга эга бўлгани Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд бошқарган уюшмадир.

XV аср иккинчи ярмидаги суфийлик асосчиларидан бири Хўжа Ахрор Нақшбандийлар мақсадини шундай ифодалайди: «Бизнинг мақсадимиз бошқа мусулмонларни эзувчилардан ҳимоя қилиш. Шу мақсадда биз подшолар билан муносабатда бўлиб уларнинг динини ўзимизга қаратишимиз зарур ва шу йўл билан Ислом вазифасини бажарамиз». Баҳоуддин Нақшбандий инсонни меҳнатга ва ҳалолликка чақирди: У: «Дил ба ёру, даст ба кор», яъни: «Имонингни дилга ёр тутиб, кўнгилини ишдан айирма» — дейди. XVI асрда Бухоро хонлигида маданий ҳаётнинг жонланишига яна бир сабаб Эрон шоҳи Исмоилнинг ўз давлатида айниқса Ҳиротда суфийларни таъқиб этганлиги бўлди. Бунинг оқибатида кўплаб шоирлар ва дин арбоблари Бухорога кўчиб ўтди. Буларнинг деярлик ҳаммаси ҳам хонлар ва амирлар хизматида бўлди. Ҳиротлик Биноий форс тилида, Муҳаммад Солиҳ турк тилида Шайбонийхон тўғрисида, Мушфиқий эса Абдуллахон II тўғрисида поэмалар яратди-ки, бу асарлар тарихий маълумотларга бой. Уша даврдаги тарихчилардан Ҳофиз Таниш Бухорий форс-тожик тилида «Абдуллонома» асарини яратди, бу асар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. XVI аср бошларида Бобур томонидан яратилган буюк асарлар «Мубойин» (1521 й.), «Бобурнома» (1526—1530 йй.) жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир.

Бу даврда ўзбек хонликларида оилавий мактаблар кенг тус олди. Бадавлат оилалар муаллим ёллаб болаларини ўқитар, кейин улар мадрасаларда таълим олиб дин асосларини ўрганардилар. Махсус билимлар мадрасалардан ташқарида ўқитиларди.

Маълумки, ўзбек халқининг шаклланиши асрлар давомида содир бўлди. XVI асрнинг бошларида эса Дашти-Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳрга кириб келиши билан ўзбек халқи аجدодларига яна бир қанча қабиалар келиб қўшилди ва «Ўзбек» деган номга эга бўлди. «Ўзбек» этнонимининг келиб чиқиши ўз тарихига эга ва бу тўғрисида бир қанча фикрлар бор. Бир гуруҳ олим-

лар — Н. А. Аристов, А. Ю. Якубовский, П. П. Иванов-лар «Ўзбек» этнонимининг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбек хоннинг (1312—1341) номи билан боғлайдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар, жумладан А. А. Семенов, Амир Темур йилномачиси Шарафиддин Али Яздий («Зафарнома»да) бу фикрни инкор этадилар ва «Ўзбек» номи Ўзбекхонгача Оқ Ўрда минтақасида, унинг Фарбий Сибир ва Қозоғистонда яшаган турк-мўғул қабилаларига мансуб (хон номи қабилалар номидан олинган бўлиши мумкин), деган фикрни илгари сурадилар.

Туркий тилдаги қабилаларнинг бир қисмини Шайбоний бошчилигида Мовароуннаҳрга келиши билан бу қабилаларнинг «Ўзбек» номи маҳаллий турк қабилалари томонидан қабул қилинди деган фикрни А. Ю. Якубовский келтиради. Илмий адабиётларда XVI асргача икки дарё оралиғидаги «турк ва тожиклар» деб, ёки илгариги қабилалар номи билан юритган бўлса, XVI асрдан кейин «Ўзбек» ва «тожиклар» деб юритилади. Лекин, таниқли олим Ъўрибой Аҳмедов Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Европа олимларининг (А. А. Семенов, Г. Вамбери ва бошқ.) тадқиқотларига суянган ҳолда, Дашти Қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари ўзларини эркин тутганликлари сабабли Ўзбеклар (Ўз-Ўзига беклар) деб атаган бўлиши мумкин деб ёзади. «Ўзбек» номиининг Бухорога кириб келишини Шайбонийлардан анча илгари, яъни XIV асрнинг биринчи ярмида, балким ундан ҳам илгарироқ юз берган деб кўрсатади. Ҳазрати Саид Ота (Занги отанинг халифаси) ва Султон Муҳаммад Ўзбекхон шериклари билан Мовароуннаҳрга келганларида «Булар ким? деб сўраганларида етакчиси номи билан «Ўзбек» — деган экан.

Ўзбек этноними келиб чиқиши даврига қараб ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ халқларини аниқ бир пайтда вужудга келган деб асло айтиб бўлмайди. Бу халқлар минг йиллар давомида ҳозирги яшаётган минтақаларда яшаганлар, лекин у пайтда ҳали ҳозирги ном билан аталган эмас ва бу номлари билан айтилмаган. Уларни умумий ном билан «турк» деб ёки бўлмаса ўзларини қабилалари номи билан атаганлар.

XVI асргача Волга ва Урал дарёларининг оралиғида турк қабилаларидан ташкил топган нўғойлар улусининг давлати яшади. Бу улус ўзбек қабилаларининг бир қисмидан иборатдир. XVI аср охирларида нўғой (манғит) улусининг парчаланиб кетиши оқибатида қабилаларнинг

бир қисми ўзбеклар, бошқа бир қисми қozoқлар билан аралашиб кетди.

Шундай қилиб, XV—XVI асрларда ўзбек халқининг шаклланиш жараёни яна бир муҳим босқични ўтди ва ниҳоясига етди.

Ўзбек халқининг этник тарихидан

Халқнинг келиб чиқиши мураккаб долзарб муаммо ва умум тарих фанининг ютуқлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу кунларга қадар халқнинг келиб чиқиши ёки этногенези алоҳида фан сифатида шаклланиб етгани йўқ, аммо яқин келажакда ўзида қатор ижтимоий ва табиий фанлар ютуқларини мужассамлаштирган этногенез фани юзага келиши шубҳа туғдирмайди. Кейинги йилларда дунё олимлари ҳамкорликда «Жаҳон халқларининг этник тарихи» номли кўп жилдлик залворли (фундаментал) асар устида илмий тадқиқотлар олиб бориши фикримизнинг исботидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси олимлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

Халқларнинг келиб чиқиши муаммоси устида илмий тадқиқот олиб борувчи мутахассислар бир неча шартларга риоя қилиши мақсадга мувофиқдир. Халқнинг келиб чиқиши узоқ давом этган мураккаб жараён эканлигини ҳамиша кўзда тутиб, илмий тадқиқотларни комплекс тарзда олиб боришимиз керак. Сабаби, айрим фан соҳаси ютуқлари (тарих, археология, этнография, антропология, тарихий тилшунослик ва ёзма манбалар) кўп қиррали этногенез муаммосининг бир томонинигина очиб беришга қодир. Бу эса яна бир бор халқнинг келиб чиқиши муаммоси ниҳоятда мураккаблигидан далолат беради.

Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиши тарихига бағишланган қатор илмий анжуманлар ўтказилишига қарамасдан, бу соҳада кўпгина ечилмаган масалалар мавжуд. Кейинги 25 йил давомида Ўзбекистонда кент миқёсда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ўзбек халқи этногенези соҳасида муҳим маълумотларни қўлга киритишга муваффақ бўлинди. Бу эса Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихига оид янги фикр ва мулоҳазалар юритиш имконини бермоқда. Қуйида биз ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихига катта ҳисса қўшаётган ижтимоий ва табиий фанларга чегарадош антропология (одам ҳақида-

ги фан) натижалари асосида ўзбек халқининг этник тарихига оид фикрлар ва мулоҳазалар тўғрисида гап юритамиз.

Марказий Осиё ҳудудида қадимги тош (палеолит) давридан то ҳозирги замонга қадар 270 нафар қадимий ёдгорлик топилмалари ва ҳозирги даврда яшовчи 51 этнографик гуруҳ (30 минг киши)нинг антропологик ўрганилиши бу мулоҳазаларнинг асосини ташкил этади.

Фанда ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганишни қайси даврдан бошлаш кераклиги ҳақида умий фикр йўқ. Қатор олимлар этногенезни ёзма манбаларда халқ номи (этноними) тилга олинган даврдан бошлашни мақсадга мувофиқ деб биладилар. Иккинчи гуруҳ олимлар эса бу жараёни мумкин қадар қадимий даврлардан бошлаш керак, деб ҳисоблайдилар. Биринчи фикр тарафдорлари ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини бундан икки ярим минг йил олдиндан, яъни Эрондаги Беҳистун қоя тошида, миҳхат ёзувларида Марказий Осиёда яшовчи сак, массагет, Сўғд, Хоразмий ва ҳоказо қадимий халқлар ҳақидаги маълумотлар учраган даврдан бошлашни айтади. Шахсан биз иккинчи гуруҳ тадқиқотчилари нуқтаи назари тарафдоримиз. Чунки бу масалада фан ҳозирги кунда қатор ютуқларни қўлга киритди. Фарғона водийсидаги Селўнғур ва Сурхондарёдаги Тешиктошдан топилган қадимги аждодларимиз қолдиқлари Ўзбекистонда, Африка ва Олд Осиё ҳудудлари билан бир қаторда, ҳозирги замон одамларининг пайдо бўлиши жараёни юз берган ҳудуд таркибига кириши фанда узил-кесил исботланди. Айрим олимлар томонидан билдирилган Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон, қадимий даврлардаги монголоид ирқ шаклланган ҳудудга киради, деган фикрнинг илмий асоссизлигини антропологик маълумотлар тасдиқлади. Бизнинг фикримизча, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганишни қанча эрта даврлардан бошласак, унинг таркибида ҳозирги кунларгача сақланиб келинаётган ирқий ва этник унсурларнинг маҳаллий халқ таркибига кирган даври ва унинг нисбий миқдори тўғрисида шунчалик кенг фикр юрита оламиз.

Ўзбек халқига хос Марказий Осиё икки дарё оралиғи ирқининг шаклланиш даври, макони ва тарихи масалаларида фанда яқингача ягона фикр йўқ эди. Бир гуруҳ олимлар бу ирқ бундан 6—8 минг йил илгари, иккинчи гуруҳ мутахассислар 3 минг йил илгари шаклланган

деса; учинчи гуруҳ олимлари эса XVI асрда шаклланди деб ҳисоблар эдилар. Антропологик изланишлар натижасида муаллифлар икки дарё оралиғи ирқининг шаклланиши, жуда бой антропологик маълумотлар асосида, бундан 2200—2300 йил илгари бошланганини исботладилар. Қатор илмий асарларда ўзбек халқининг шаклланишида саккиз муҳим даврлар санаб ўтиларди. Булар қаторида Аҳмонийлар, Македониялик Искандар, Араб Халифалиги ва Мўғуллар истилоси тилга олинади. Ҳақиқатан, бу забт этишлар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари маданиятига, тилига, турмуш тарзига албатта ўз таъсирини ўтказган. Аммо бу юришларнинг маҳаллий халқларни ирқий ва этник тарихига бўлган таъсири кам бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Антропологик нуқтан назардан қараганда, улар маҳаллий халқ «қонини» ёки генетикасини тубдан ўзгартира олмадилар. Улар сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этган маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетган. Бу ўринда маҳаллий (субстрат) ва келгинди (суперстрат) аҳоли орасида ўзаро муносабатларнинг фанда маълум ҳолатларини эслатиб ўтиш жоиз. Кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига келгинди гуруҳларнинг сингиб кетиши; келгинди гуруҳларнинг маҳаллий аҳолидан устун бўлиши; келгинди халқлар тенг сонли бўлиши ва ниҳоят, маҳаллий ва келгинди халқлар аралашуви натижасида иккаласига ҳам ўхшаш янги халқ, гуруҳ, элат пайдо бўлиш ҳолларини кузатиш мумкин. Ўзбекистон ҳудудида, барча тарихий даврларда махсус антропологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, маҳаллий халқ келгинди аҳолидан ҳаминша устун бўлган.

Антропологик изланишлар орасида ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихида муҳим аҳамият касб этган уч тарихий даврга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Биринчидан, милоддан аввалги III—II асрларда Урта Осиё дашт минтақаларида ҳозирги ўзбек халқига хос антропологик қиёфа шакллана бошлаган. Бу эса фанда яқингача кенг тарқалган фикрлар, яъни ўзбекларга хос Марказий Осиё икки дарё оралиғи ирқи аввало Волга дарёси бўйларида ва Уролда сармат қабилалари таркибида шаклланиб тарқалди, деган ёки бир ирқ Байкал қўли атрофида ва Мўғулистон чўлларида шаклланиб, тайёр ҳолда маҳаллий аҳолига ўз ирқини тарқатди, деган фикрлардан воз кечишни тақозо этади.

Олиб борилган тадқиқотлар ўзбекларга хос антро-

пологик қиёфа, даставвал, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси туманларида, яъни Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, қисман Хоразмда ва Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент вилоятларида, Еттисув минтақасида милоддан аввалги I минг йиллик охирида шакллана бошлаганлиги аниқланди. Милоддан аввалги III—II асрларда бу аҳоли бир неча йўналишда Марказий Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига кириб борган. Бу антропологик тадқиқот натижалари ёзма манбаларда маълум бўлган халқларнинг жанубга юриши ва Юнон-Бақтрия давлатининг истило этилиши ва Буюк Кушон салтанатининг барпо бўлиши даврига мос келади. Антропология бу юриш ҳақида қуйидаги маълумотларни беради. Кўчманчи ва ярим кўчманчи чўл аҳолиси Сирдарё қуйи оқимидан Марказий Қизилқум орқали (Учқудуқ, Томди, Юзқудуқ, Кўкпатош) Самарқанд атрофларига (Каттақўрғон, Орлат), сўнгра Қашқадарёнинг Қарши шаҳри атрофлари (Ерқўрғон) орқали Сурхондарё вилоятидаги (Кўҳна термиз, Далварзин, Шоҳтепа, Айритом) қадимий шаҳар ва йирик қишлоқларига кириб жойлашганлар. Кейинчалик улар жанубий Тожикистонга ўтиб кетганлар. Уларнинг иккинчи гуруҳи қадимий Бухоро воҳаси орқали Туркменистоннинг жанубий вилоятларига, бир қисми эса ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг Шибирғон шаҳри атрофларигача етиб борган. (Тилла-тепа). Натижада ўзбеклар ва текисликларда яшовчи тожикларга хос помир-фарғона антропологик унсур Марказий Осиёда кенг тарқалган.

Ўзбек халқининг шаклланишидаги иккинчи муҳим давр бу IX—XII асрлар ҳисобланади. Бу даврда Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳозирги ўзбекларга хос қиёфа маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Илгари биз бу жараённи XI—XII аср этник жараёнлари билан боғлар эдик. Кейинги йилларда шу давр материалларини икки тарихий даврга IX—X ва XI—XII асрларга ажратишга муваффақ бўлинди. Натижада Ўзбекистон худудида IX асрда, бизнинг тадқиқотлар бўйича, аҳолининг антропологик қиёфасида кескин ўзгаришлар юз берганлигини кузатдик. Бу ўзгаришлар археологик изланишларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, мўрдаларни астадонларда кўмиш маросимлари, аҳоли орасида кенг тарқалган бош шаклини сунъий ўзгартириш одатлари йўқолади. Ўзбекларнинг элат сифатида шаклланиш даври фанда XI—

XII асрлар билан изоҳлаб келинмоқда. Юқорида қайд этилган антропологик тадқиқот натижаларимиз бу жараёнга кўчиш даврини IX—X асрларига оид дейишга асос беради.

Фанда мўғул истилоси Марказий Осиё аҳолисини кескин мўғуллаштириб, ўзгартириб юборди, деган фикр кенг тарқалган. Лекин махсус тадқиқотларимиз бу масалага ҳам ойдинлик киритди. Мўғул истилоси Ўзбекистон аҳолисининг ташқи қиёфасига сезиларли изларини қолдирмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтамыз. Сабаби, Чингизхон XII аср охирида ташкил этган йирик Мўғул давлатида мўғуллар сони тахминан 0,7 миллион кишидан иборат бўлган. Агар ҳар 6 кишидан биттаси аскарликка олинган бўлса, унда унинг қўшинлари сони 100—110 минг кишидан иборат бўлган. Лекин ўша даврдаги 80 миллион аҳолиси бўлган Хитойга юриши даврида мўғуллар қўшинларининг кўп қисмини йўқотганлар. Улар Ўрта Осиёга бостириб келганида қўшинларнинг кўпчилиги туркий халқлардан ташкил топгани маълум. Бу даврда Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатида 20 миллион аҳоли яшаган. Мўғул қўшинлари кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига ўз асоратини ўтказа олмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолида мўғул ирқи аломатлари деярли намоён бўлмаганлигини кўриш мумкин.

Ўзбек халқининг шаклланишида учинчи муҳим давр XV аср охири ва XVI аср ҳисобланади. Бу даврда Марказий Осиёга Дашти Қипчоқ ўзбеклари кириб келади ва улар маҳаллий аҳолига ўз номини беради. Шу билан бирга IX—X асрларда элат, халқ сифатида шаклланган ҳозирги ўзбек этник қиёфасидаги муғулий белгиларнинг бир оз фаоллашувига олиб келади.

Шундай қилиб ўзбек халқининг этник шаклланиши узоқ давом этган мураккаб жараён эканлигининг гувоҳи бўлди. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий сугдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, сақлар, массагетлар, қанғлар ва доволликлар ташкил этади. Турли даврларда келган қабилалар, элатлар ва халқлар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўз таъсирини қisman ўтказган. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёнининг барча босқичларида маҳаллий аҳоли ташқаридан келган аҳолига нисбатан устун бўлган. Аммо келгинди аҳоли маҳаллий аҳолига ўз тилини берди. Лекин антропологик нуқтаи назаридан маҳаллий аҳолининг этник

қиёфасини ва ташқи кўринишини тубдан ўзгартира олмади. Бу фикримизнинг исботловчи далиллардан бири кейинги икки минг йил давомида Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг тили уч марта ўзгарди — шарқий эрон тиллари ўрнига ғарбий эрон тиллари (форс тили) ва эрамизнинг биринчи асрларидан туркий тиллар кенг тарқала бошлади. Аммо маҳаллий халқнинг «қони», яъни генетикаси айтарли ўзгармади ва қадимий халқларга хос антропологик хусусиятлар шу кунларга қадар сақланиб келмоқда, ўзбек халқининг келиб чиқиши асосини қадимий даврлардан бошлаб, шу ҳудудда яшаб келган халқлар ташкил этган. Икки ярим минг йил давомида маҳаллий аҳолига келиб қўшилган туркий тилли элат ва халқлар ўзбек халқининг шаклланишида асосий таркибий қисм сифатида қатнашган.

2-§. АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ

(XVII—XVIII асрнинг биринчи ярми)

**Аштархонийларнинг давлат тепасига келиши.
Улар давлатидаги сиёсий воқеалар**

Шайбонийлар (1500—1599) давлатини Абдуллахон II (1557—1598) бошқаруви охирида Бухоро хонлиги ҳудудида бошланган феодал урушлар унинг меросхўри Абдулмўмин даврида янада кучайди. Натижада отаси каби йирик давлат арбоби бўлмаган Абдулмўмин кучайиб кетган феодал зодагонлар гуруҳлари томонидан ўлдирилди. У Бухоро хонлигини бор йўғи олти ой давомида бошқарган эди. Абдулмўминдан кейин тахтга ўтирган сўнгги Шайбоний Пирмуҳаммадхон II ҳам марказий ҳокимиятга душман бўлган феодал зодагонларни тийиб қўя олмади. У Шайбонийлар давлатининг кичик бир бўлагига ҳукмронлик қилиб ўзаро феодал урушларнинг бирида ҳалок бўлди. Юз йил ҳукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласи барҳам топди. Вужудга келган вазиятдан Эрон сафовийлари, хиваликлар сулоласи ва қозоқлар унумли, фойдаландилар.

Эрон шоҳи Аббос I Сабзавор, Машҳад ва Ҳиротни босиб олди. Кўп ўтмай Шайбонийларнинг таянч нуқта-

ларидан бири бўлган Балх Аббос I нинг қўлига ўтди. Шоҳ Аббос Балхга ўз малайи Муҳаммад Иброҳимни ҳукмрон қилиб қўйди. Қozoқ султонларининг лашкарлари Шайбонийларнинг йирик марказларидан бири бўлган Тошкентни босиб олдилар. Бу ердан қozoқ султони Таваккалхон марказий Мовароуннаҳрга ҳужумлар қилиб Самарқандни ҳам босиб олди. Бухоро атрофида қozoқларнинг мағлубиятга учраши ва Таваккалхоннинг ўлимига қozoқларни ҳужумни тўхтатишга мажбур қилди. Абдуллахон II жуда катта қийинчиликлар билан Шайбонийлар давлатига қўшиб олган Хоразм хони мустақил бўлиб олди. Абдуллахон II ва унинг ўғли Абдулмўмин Шайбонийлар сулоласининг барча аъзоларини Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлида олиб борган курашлар давомида қириб тугатган эдилар. Шу сабабли ҳокимиятни бошқаришга Шайбонийлар сулоласидан вакил қолмади.

Феодал зодагон гуруҳлар Жони Муҳаммад Султон (Жонибек) ни тахтга таклиф қилдилар. Жонибек Султон Чингизийлар авлодидан бўлиб унинг аждодлари Олтин Урда инқирозидан кейин Астраханга ҳукмронлик қилишган. 1556 йил Астраханни Рус князлари босиб олганидан кейин Ермуҳаммадхон болалари ва қариндошлари билан Искандархон ҳукмронлиги йилларида (1501—1583) Бухорога келди. Тарихий маълумотларга қараганда, Искандархон Ермуҳаммад ва унинг ҳамроҳларини иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, қизи Зухраҳонни унинг ўғли Жонибек Султонга берган. Жонибек Султон Зухраҳонимдан уч ўғил (Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад) кўрган. Динмуҳаммад Абдуллахон II замонида Нисо ва Абивард ҳокими бўлган. Абдулмўмин ўлдирилганидан кейин амирлар ва руҳонийлар наслидан тожу-тахтга муносиб бошқа бирон киши топилмагач, феодал гуруҳлар Жонибек Султонни хонлик тахтига ўтказмоқчи бўладилар. Лекин Жонибек катта ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечди ва унинг номига хутба ўқиди. Аммо Динмуҳаммад Ҳирот яқинида сафовийлар билан бўлган урушда ҳалоқ бўлди. Шундан сўнг тахтга Жонибек Султоннинг ўртанча ўғли Боқимуҳаммад ўтқазилиб у давлатда тартиб ўрнатишга ҳаракат қилди. Шу тариқа 1599 йилдан бошлаб Марказий Осиёда Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги (ёки Жонийлар сулоласи) бошланди. Боқимуҳаммаднинг муваффақиятларидан бири Балхни Эронийлардан қай-

тариб олди ва укаси Валимуҳаммадни у ерга ҳоким этиб тайинлади. Унинг ички жанжалларини тугатиш ва кўчманчиларга қарши олиб борган курашлари самарали натижалар бермади. 1605 йилда Боқимуҳаммад вафот этганидан сўнг тахтга унинг укаси Валимуҳаммад ўтирди. (1605—1611). Валимуҳаммад ўзи мустақил ҳаракат қилолмас ва давлат аҳамиятига молик масалаларни бекларнинг розилиги билангина ҳал этарди, ёки қарорлар чиқарарди.

Бу даврга келиб ўзбек уруғларининг беклари шунчалик кучайиб кетган эдики, улар сиёсий жиҳатдан мустақил хонга бўйсунмас эдилар. Тарафма-тарафликка қарши кураш, ички жанжалларни тугатиш, ҳарбий феода-л-зодагонлардан мустақил сиёсат юргизиш учун бўлган ҳаракат Валимуҳаммадга қарши фитна билан якунланди. 1611 йили Валимуҳаммаднинг жияни Имомқулихон (Боқимуҳаммаднинг ўғли) амакисини тахтдан ағдариб ўзи ўтирди (1611—1642). Имомқулихон давлатни бирмунча кенгайтиришга муваффақ бўлди. У Тошкентни қозоқлардан тортиб олди ва ўғли Искандар Султонни бу ерга ҳоким этиб тайинлади. Аммо Искандарнинг ҳукмронлиги халқ ғалаёнига сабаб бўлди ва у ўлдирилди. Имомқулихон Бухоро қўшинлари билан Балх ва Бадахшондан катта ёрдам олиб Тошкентга юриш қилди. Тошкентликлар бир ой давомида қаршилик кўрсатган бўлсалар ҳам Имомқулихон шаҳарни эгаллаб, ўғлининг ўчини олиш мақсадида жуда кўп аҳолини қириб ташлади.

Имомқулихон кўчманчилар — қозоқлар, қалмоқлар, муғуллар ва қорақалпоқларга қарши ҳам курашлар олиб борди. Уларга қарши олиб борилган муваффақиятли курашлар Имомқулихоннинг мавқеини мустаҳкамлади. Унинг узоқ давом этган ҳукмронлик даври Бухорода хон ҳокимиятининг нисбатан кучайиш даври бўлди. Имомқулихон феодалларнинг қарши чиқишлари ва ўзаро курашларининг бирмунча тўхтатишга муваффақ бўлди. Бироқ феодал ер эгалиги ривожланиб катта ерлар амирлар қўлига ўтиб борган сари феодал зодагонларнинг аҳамияти кучайиб борди. Шу туфайли марказий ҳокимиятдан қочувчи кучлар кучая бошлади. Бу ҳол давлатнинг емирилиши ва бўлиниб кетишига ёрдам берди. Имомқулихон даврида бу жараён эндигина бошланиб кенг миқёсда авж олмаган эди.

Имомқулихоннинг укаси Нодирмуҳаммад димоғдор

ва зулми қаттиқ бўлганлиги учун тахтда узоқ вақт ўти-
ра олмади (1642—1645). Унинг юргизган сиёсатидан
норози бўлган феодал зодагонлар фитна уюштириб уни
тахтдан ағдардилар ва ўғли Абулазизхонни хон қилиб
қўтардилар (1645—1680). Нодирмуҳаммад эса Балхга
ҳоким этиб тайинланди. Бу орада Нодирмуҳаммаднинг
бошқа ўғиллари ҳам тахтга даъвогар бўлиб чиқдилар.
Ўзаро урушлар бошланди. Нодирмуҳаммад Ҳиндистон-
даги Бобурийлар сулоласининг ҳукмдори бўлган Шоҳ-
жаҳондан ёрдам сўради. Шоҳжаҳон икки ўғли бошчили-
гида қўшинларни Балхга юборди. Балхни босиб олиб
икки йил давомида бу вилоятни талон-тарож қилдилар.
Абулазизхон катта қўшинлар билан келиб Балхни Шоҳ-
жаҳон қўшинларидан тортиб олди (1649). Нодирмуҳам-
мад яна Балх тахтига ўтирди, аммо кўп ўтмай (1651)
унинг иккинчи ўғли Субхонқулихон Балхни отасидан
тортиб олди. Мамлакат ичкарасида бўлаётган ўзаро
урушлардан фойдаланган хиваликлар 1655 йилда мар-
казий Мовароуннаҳрга қарши юриш қилдилар. Улар
хатто Бухоронинг бир қисмини ҳам эгаллаб олдилар.
Шаҳар аҳолисининг ва Абулазизхон қўшинларининг
қаршилиқ кўрсатиши туфайли, хиваликлар ҳайдаб
юборилди. Шунга қарамасдан хиваликлар аштархоний-
лар устига яна кўплаб ҳужумлар уюштирдилар (1657
йилда Карманага, 1658 йилда Варданзага, 1662 йилда
Бухорога, 1663 йилда Бухоро атрофларига). Бу ҳужум-
лар дастлаб Хива хони Абулғози кейин эса ўғли Ануша
томонидан уюштирилди.

Хива билан олиб борилган узоқ урушлар мамлакат
ҳаётига қаттиқ таъсир кўрсатди. Қариб қолган Абдул-
азизхон ҳокимиятни бошқаролмай қолган эди. Тахт
учун зимдан кураш олиб бораётган унинг укаси Субхон-
қулихон 1680 йилда тахтга ўтиришга муваффақ бўлди
(1680—1702). Субхонқулихон катта қийинчилик билан
хиваликлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эриш-
ди. Бунинг учун Субхонқулихонга қатағон уруғидан бўл-
ган оталиқ Маҳмудбий кўп ёрдамлар берди. Бунинг
эвазига Субхонқулихон Маҳмудбийга аввал Балхни ке-
йин эса Бадахшон ҳокимлигини берди. Маҳмудбий Балх-
да маълум даражада тинчлик ўрнатгач, ўша пайтда
Бадахшонда ҳокимлик қилиб турган Ербекхон устига
юриш бошлади. Аммо бу юриш муваффақиятсиз чиқиб,
Ербекхон билан сулҳ тузишга мажбур бўлди.

Маҳмудбий Балхга яхши ўрнашиб мустақил бўла

борди ва Субхонқулихон билан ҳисоблашмай қўйди. Бундан хавотирланган Субхонқулихон уни Балхдан ҳайдаб, ўрнига набираси Муҳаммад Муқимхонни тайинлади. Аммо маҳаллий зодагонлар (Муқимхонни тан олмай Балхга Солиқхўжани ҳоким этиб кўтардилар.

XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида мамлакатда феодал тартибсизликлар ҳукм сурарди. Субхонқулихон маҳаллий қаршиликларни синдира олмади. Тинимсиз урушлар олиб бориб, меҳнаткаш халқ оммага жабр-зулм қилишни янада кучайтирди. Халққа солинадиган солиқлар ва порахўрлик ниҳоятда авж олиб кетди. 1702 йилда Субхонқулихон вафот этиб ўрнига Убайдуллахон тахтга ўтиради (1702—1711). Убайдуллахон феодалларнинг ўзбошимчалигига чек қўйишга, марказий ҳокимиятни кучайтиришга ҳаракат қилган сўнгги Аштархонийлардан эди. Унинг даври ва ички сиёсати ҳақида Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома» асарида тўлиқ маълумотлар сақланган. Убайдуллахон даврида ўзбек уруғларининг амирлари ўзларини бутунлай мустақил деб ҳисоблар эдилар.

Одатга кўра бу амирлар ўз жойлашган шаҳар ва ҳудудларда ҳокимлик қилиб бу ҳудудларда улар йирик ер эгалари бўлибгина қолмай, бутунлай хўжайин эдилар. Улардан кўпчилиги ўз гуруҳлари кучига таяниб марказий ҳокимиятга деярли бўйсунмасдилар. Убайдуллахон улар билан кураш олиб бориш учун етарли қўшин ва кучларга эга эмас эди. Шунинг учун ҳам у амирларнинг бир-бирлари устига юришлардан кўп фойдаланар эди. Убайдуллахон қандай қилиб бўлса ҳам амирларни кучсизлантириб, марказий ҳокимиятни кучайтиришга ҳаракат қилиб, оддий аҳоли орасида ўз обрўини кўтариш чораларини кўрди. Убайдуллахон даврида феодаллар ўртасидаги жанжал ва низолари, ўзбек уруғларининг бир-бирлари билан кураши устига Сирдарё бўйидаги чўл ва даштларда яшовчи кўчманчиларнинг ҳужумлари бўлиб турарди. Кучли қалмоқ уруғлари ҳужумига учраган қозоқлар Тошкентга қочиб боришга мажбур бўлди. Убайдуллахон қалмоқлар Самарқанд ва Бухорога келармиш деган хабарни эшитиб 1709 йилнинг майида Самарқандга қўшин тортади, лекин йўлда қалмоқлар қозоқлар билан урушиб, уларни талаб орқасига қайтганини эшитгач қайтишга мажбур бўлади.

Убайдуллахон мутлақ ҳокимлик учун курашганлиги туфайли унинг душманлари кўп эди. Оқибатда 1711 йил-

да унга қарши фитна уюштирилиб, у ўлдирилди. Хазинаси ва мол-мулки талон-тарож қилинди. Тахтга Убайдуллахоннинг укаси Абулфайзхон ўтиради (1711—1747). Абулфайзхон даврида марказий ҳокимият ўз аҳамиятини яна йўқота борди. Мамлакат ўзини мустақил ҳисобловчи вилоятларга бўлина бошлади. Мамлакатни бошқариш манғит уруғлари томонидан қўллаб-қувватланган ва феодаллар орасида обрўга эга бўлган Муҳаммад Ҳакимбий қўлига ўта бошлади. Аммо кўп ўтмасдан Ҳакимбийдан феодал гуруҳлар норози бўла бошладилар ва у Қаршига ҳоким қилиб юборилди.

1740 йилнинг бошларида Эрон шоҳи Нодиршоҳ Мовароуннаҳрга яна қўшин тортиб боришга қарор қилди. Дастлаб у Балхга юриш қилди. Бухоро оталиғи Муҳаммадбийнинг ўғли — ёш ва ниҳоятда шуҳратпараст Муҳаммад Раҳим Нодиршоҳнинг Балхга келганлигини эшитиб, отасининг розилиғи ва маъқуллаши билан бўлса керак, Қаршидан чиқиб кетади ва Қарки (Туркистон) яқинида шоҳ аскарларига қўшилди. Нодиршоҳ Муҳаммад Раҳимни жуда яхши кутиб олди ва ўз қароргоҳида қолдирди.

Нодиршоҳнинг яқинлашиб келаётганидан хавотирланган Абулфайз ўз ғазабига дучор бўлган оталиқ Ҳакимбийни шошилишчи равишда Қаршидан чақиртирди ва унга Нодиршоҳ ҳузурига элчи бўлиб боришни, шоҳни қаҳридан тушириб, давлатнинг хароб қилинишга йўл қўймасликни топширди. Муҳаммад Ҳакимбий шоҳнинг лашкаргоҳига келиб Нодиршоҳга жуда бой совғалар ҳадаё қилди. Шоҳнинг расмий қабули вақтида оталиқ шоҳнинг хонлиқнинг аҳволи тўғрисида берган муфассал саволларига очиқдан-очиқ жавоб қайтарди. Шунингдек оталиқ Бухорода қандай воқеалар юз бераётганлигини айтиб, Абулфайзхоннинг давлатни қандай бошқараётганини, давлатнинг умуман издан чиқиб, қулаб бораётганлигини, аҳолининг норозилигини жуда ҳам нохушлик билан тасвирлаб берди ва ўзининг шоҳ манфаатларини кўзлаб унга хизмат қилишга тамомила тайёр эканлигини билдирди. Муҳаммад Ҳаким ҳуқуқлар берувчи шоҳ ёрлигини олиб Бухорога жўнади, энди у Абулфайзхоннинг элчиси сифатида эмас, балки шоҳнинг вақилии сифатида келган эди.

Шундан сўнг Абулфайзхон номигагина ҳукмдор бўлиб, амалда Ҳакимбийга қарам эди. Ҳакимбий тазйиқи остида Абулфайзхон Нодиршоҳ билан музокаралар олиб

боришга рози бўлди ва Эронийларга катта солиқлар тўлаб турди. Бухоро хонлиги Эронга қарам давлатга айланди. Натижада хонликнинг иқтисодий аҳволи ниҳоятда мушкуллашиб, аҳоли ғоят қашшоқ ва хонавайрон аҳволга тушиб қолди.

1747 йилда Нодиршоҳ ўлганидан кейин, орадан кўп ўтмай Абулфайз ҳам вафот этди. Муҳаммад Раҳим зодагонлар ва руҳонийларнинг розилигини олиб 1753 йилда амир унвони билан Бухоро тахтига ўтирди ва 1920 йилга қадар ҳукм сурган манғитлар сулоласининг асосчиси бўлди.

Аштархонийлар даврида феодалларнинг оғир жабр-зулмлари, ўзаро урушлар, очарчилик ва қашшоқлик халқ оммаси норозилик ҳаракатларининг кучайишига олиб келди. Урта Осиёнинг турли вилоятларида доимо халқ ҳаракатлари ва қўзғолонлари бўлиб турди. Шоир Саидо Насафийнинг ёзишича (XVIII аср) Абдулазизхон даврида Самарқанд атрофидаги Даҳбед қишлоғи аҳолиси қўзғолон кўтаради. Бу халқ ҳаракатининг кўламин шунчалик кенгайиб кетдики, Абдулазизхоннинг ўзи катта қўшинлар билан бу ерга келиб қўзғолонни бостирди ва қишлоққа ўт қўйди.

1703 йилда Ҳисорда катта қўзғолон кўтарилди. Бу кураш дастлаб икки феодал ўртасида бошланади: Оталиқ Муҳаммад Раҳимбий Бухоро қўшинлари билан Ҳисор вилояти ҳудудидаги қаълалардан бирига ҳужум қилди. Қаъла ҳокими йирик феодал Ўтқон эди. Бухоро қўшинлари маҳаллий аҳоли ва юз уруғи томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Халқ Бухоро ҳукмдорига бу иккала феодал ўртасида урушни тўхтатиш лозим акс ҳолда кўп қон тўкилиши мумкин деган мазмунда нома юборди. Натижада қалъада оддий халқдан мағлубиятга учраган оталиқ Раҳимбий қўшинлари Бухорога чақириб олинди.

1708 йилда Бухорода оддий халқ Убайдуллахон ўтказган пул ислоҳотига қарши қўзғолон кўтарди. Норозилик жамиятдаги турли табақалар орасига ёйилди. Дастлаб қаршилик кўрсатишнинг энг содда усуллари қўлланилди: дўконлар, устахоналар ёпилди, бозорларда савдо-сотик тўхтади. Сўнг эса ҳаракат камбағалларнинг очикдан-очик қўзғолон билан чиқишига айланди. Амин Бухорийнинг ёзишича, қўзғолон шафқатсизларча бостирилди, ҳаракатнинг кўплаб иштирокчилари дорга осилди. Қўзғолон бостирилишига қарамай, ҳукумат вакил-

лари бундай чиқишлардан қўрқиб кетдилар ва пул ислохотиغا бирмунча ўзгаришларни киритишга мажбур бўлдилар.

1714 йилда Бухорода бошқача хусусиятга эга бўлган қўзғолон кўтарилди. Кенагас уруғидан бўлган феодаллар гуруҳи оталиқ Иброҳим бошчилигида аркка бостириб кириш ва сарой тўнтариши ўтказишга ҳаракат қилдилар. Бу ерда оддий халқ ҳукуматга ёрдамга келди. Шаҳарнинг турли жойларида тўсиқлар қурилди. Хон оддий халқ ёрдамида фитнани фош этиб фитначилардан ўч олишга муваффақ бўлди.

XVIII асрнинг биринчи ярмида қўзғолонлар шунчалик кўп бўлгандики, улар ҳақида деярли барча сарой тарихчиларининг қўлёзмаларида маълумотлар сақланган.

Юқорида эслатилган қўзғолонлардан ташқари 1713—1714 йилларда Бухорода, 1713 йилда Самарқандда, 1719 йилда Балхда, 1746 йилда Тошкентда, 1751 йил Шаҳрисабз ва Қаршида халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Бу чиқишлар хонлар ва амирлар юргизаётган сиёсатга, тобора ўсиб бораётган феодал зулмга, ўзаро урушларга, очлик ва қашшоқликка қарши қаратилган эди.

Аштархонийлар давлатидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва маданий ҳаёт

Жонийлар давлатида Бухоро ва Балх расмий даражадаги марказ ҳисобланган. Хоннинг ўзи Бухорода бўлиб, Балхни шаҳзодалар ёки йирик саркардалар бошқарарди. Жонийлар ҳукмдорлари аслида ҳаётда катта ўрин тутган феодал-зодагон уруғларга тобе эдилар. Шайбонийлар даврига қараганда жонийлар даврида оталиқларнинг ҳуқуқлари, ўзбек уруғлари зодагонларининг ўзбошимчаликлари анча кучайди. Деярли барча бошқарув ишлари уларнинг қўлларида бўлиб, улар маъмурий ҳокимиятдаги муҳим лавозимларни эгаллаб олдилар.

Феодал ва сиёсий тарқоқликнинг кучайиши, кўплаб ўзаро урушлар, шаҳарларнинг ҳувиллаб қолиши, турли феодал гуруҳлар томонидан солиқлар солиниши натижасида ўтроқ аҳолининг хонавайрон бўлиши, воҳалар ва савдо карвонларининг талон-тароғ қилиниши, буларнинг барчаси аштархонийлар даврига хос эди. Айнан ма-на шу сабабларга кўра, XVIII асрда Урта Осиё вилоят-

лари ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан анча оғир аҳволга тушиб қолдилар.

Қишлоқларда хўжалик издан чиқди. Феодал ер эгаллигининг солиқлари ошиб борди. Солиқлар ҳатто бир неча йил олдин ва кўпроқ ундириб олинадиган бўлди. Масалан: Субхонқулихон даврида солиқлар етти ҳисса ортиқ олинди. Амин Бухорийнинг ёзишича, Субхонқулихон ўзининг бутун давлатидан айниқса Самарқанддан ҳар йили солиқларни етти ҳисса кўп оларди. Агар бирор киши бир танга солиқ тўлаши лозим бўлса, ундан етти танга ундириб олинарди. Солиқлар «моли жиҳот» ва «хирож» деб аталарди. Солиқ зулми жуда авж олиб деҳқонлар шунчалик хонавайрон бўлдиларки, XVIII асрнинг бошларига келиб ҳукумат солиқларни ошириш ҳақида ўйламай қўйди. Доимий ўзаро урушлар ва чидаб бўлмас солиқлар натижасида деҳқон жамоалари хонавайрон бўлди.

Аштархонийлар даврида ҳунармандлар ҳам катта ва кичик феодаллар томонидан турли сиқув остига олиндилар. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ учун катта-катта солиқлар тўлаш лозим эди. Феодал зулм ва оғир солиқлар натижасида йирик-йирик қадимги шаҳар марказлари ҳам ҳувиллаб қолди.

Давлатни аштархонийлар давридаги маъмурий бошқарилишига келсак давлат, вилоят ва туманларга бўлинган бўлиб ҳокимият тепасида хон турарди. Аштархонийлар давлат тузуми юз йиллар давомида мавжуд бўлган ўтроқ аҳоли аъаналарини давом эттирибгина қолмай, ярим кўчманчи жамиятни ҳам ўзида акс эттирарди. Хон чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, мустақил сиёсат юргизарди. Шунга қарамасдан баъзи вилоятлар ҳокимларининг кучайиб кетиши, маълум хонлар, айниқса Абулфайзхонни амирлар сўзларига қулоқ солишга мажбур қилди. Ялангтўшбий (Самарқанд ҳокими), Мухаммад Раҳимбий (Манғитлар ҳокими) каби амирлар ўз уруғларининг ҳарбий кучларига таяниб мустақил сиёсат олиб бордилар ва хонлар фаолиятини назорат остига олдилар.

Мавжуд қонунга кўра султонлар ва уруғ бошлиқлари Чингизийлар уруғидан ёши энг каттасини хон қилиб кўтарар эдилар. Аммо кам ҳолларда бу қонунга амал қиларди. Кўпинча эса мулкдор зодагонлар орасида қўлаб-қуватланган шахс хон қилиб кўтариларди.

Давлатдаги энг марталабали лавозим оталиқ эди.

Оталиқлар хонлар ҳузуридаги энг муҳим ишларни назорат қилардилар. Давлатдаги энг олий қароргоҳ девон деб аталарди. Уни бошқариш девонбеги зиммасига юклатилган. Шунингдек, давлат ишларида кўкалдош вазифаси ҳам юқори аҳамиятга эга эди. Кўкалдош давлат ҳақида, хон атрофидаги одамлар ва душманлар ҳақида тўпланган маълумотларни назорат қиларди. Булардан ташқари аштархонийлар давлати маъмурий бошқарувида миршаббоши (тунги қоровуллар бошлиғи), додхоҳ (аҳолидан шикоят ва аризалар қабул қилувчи шахс), иноқ (хонга амирлар чиқарган буйруқларни етказувчи шахс), мирохўр (отхона бошлиғи), дастурхончи (ошхона бошлиғи), мунши (хон мирзаси), тўқсабо (овқат ва ичимликлар тарқатувчи) каби давозим ва мансаблар ҳам бор эди. Мансабга қўйилганлик ҳақидаги ҳукм парвоначи орқали бериларди.

Маъмурият тизимидаги амалдорлар фақат ўз мажбуриятларини бошқариб қолмасдан, сиёсий ва ҳарбий ҳаракатларда ҳам фаол иштирок этардилар. Маъмурий амалдорлардан ташқари олий табақали диндорлар (уламо) ҳам давлат ишларига аралашардилар. Ҳатто энг кучли хонлар ва амалдорлар ҳам уламолар билан маслаҳатли сиёсат олиб борардилар. Уламолар орасида сайидлар ва хўжаларнинг мавқеи ниҳоятда баланд бўлиб, уларга жуда катта имтиёзлар берилган эди. Айниқса хўжалар орасида жўйбор шайхларнинг обрўи катта бўлган. Давлат ишларини Шайхулислом (ислом йўлбошчиси) бошқариб турган. Бу лавозим авлоддан-авлодга қолдирилган. Аштархонийлар давлатида Шайхулислом жўйбор шайхларидан эди.

Мамлакатдаги аштархонийлар даври ички ва ташқи савдосига эътибор берадиган бўлсак, бу даврдаги ўзаро урушлар туфайли ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг ривожланиши учун етарли шарт-шароит йўқ эди. Бир қатор шаҳар ва вилоятлар шундай талон-тарож ва вайрон этилдики, улар узоқ вақт ўзларини ўнглаб ололмас эди. Лекин, шунга қарамасдан, халқ ўз ҳунарини ва имкониятларини сақлаб қолди.

Қйшлоқ ҳунармандлари ўз маҳсулотларини шаҳарларга олиб борардилар. Ҳунармандчиликка оид асосий маҳсулотлар шаҳарларнинг ўзларида тайёрланарди. Бозорларда эҳтиёж учун сотиб олувчилардан ташқари, маҳсулотларнинг маълум турларини сотиб олувчи савдогарлар ҳам бор эди. Уларнинг баъзилари йирик сав-

догарлар бўлиб, йирик-йирик бозорларни эгаллаб олган ва кўплаб дўконлари мавжуд эди.

Бухоро ва Самарқанд бозорларида пахта, ипак, юнги матолар, тайёр кийимлар, металл буюмлар, ҳарбий қуроллар, заргарлик буюмлари, бўйра, наMAT, китоблар, бўёқлар, ғалла, мева-чевалар сотиларди. Баъзи шаҳарларда маҳсулотларнинг маълум турларига ихтисослашган бозорлар ҳам бор эди. Бозорларда чорва моллари сотиш ҳам кенг йўлга қўйилган, йирик шаҳарларда чорва моллари сотиш учун қўй бозор, мол бозор, от бозор деб номланувчи махсус майдонлар ажратилган эди. Бухоро ва Тошкент бозорларида қозоқ даштларидан кўплаб қўй ва от келтирилди. Туркман отлари ва маҳаллий қорабайирлар қадрланган. Бозорлар фақатгина хўжалик ҳаётининг маркази бўлибгина қолмасдан, бу ерда хонларнинг буйруқ ва эълонлари ўқиб эшиттирилди, айбдорларга жазо бериларди. Ундан ташқари бозорлар ўзига хос маданий ўчоқлар ҳисобланарди, ҳунармандлар уруғларидан етишиб чиққан шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, меъморлар дўконларда адабий суҳбатлар ўтказиб турардилар.

Ички савдонинг кенг кўламда олиб борилиши ва баъзи турдаги маҳсулотларни қўшни давлатларга чиқарилиши натура хўжалигининг йўқолиши ва товар-пул муносабатларининг ривожланишига олиб келди. Аммо товар-пул муносабатлари фақат шаҳарларда ва уларга яқин бўлган ҳудудлардагина мавжуд эди.

Бу даврда четга чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бирмунча яхши аҳволда эди. Четдан бўлган эҳтиёж бунинг учун имкониятларни яратарди. Бу ўринда Марказий Осиёнинг Россия билан бўлган савдо муносабатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки аштархонийлар даврида бу муносабатлар мустаҳкамланиб ва кенгайиб борди. Рус давлати Марказий Осиё билан савдо алоқаларини мустаҳкамланишидан анча манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам бунга имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қиларди. Марказий Осиёлик савдогарлар учун энг қулай йўл Сибирь орқали савдо қилиш эди. Бу ерда савдогарлардан жуда кам солиқ олинарди. 1735 йилда Оренбург шаҳрига асос солиниганидан сўнг бу ерда бирмунча муддат Марказий Осиёлик савдогарлардан солиқ умуман олинмади.

Маҳаллий савдогарлар Россияга асосан пахта мато-

лари ва улардан қилинадиган маҳсулотларни олиб борардилар. Манбаларнинг маълумот беришича, бу даврда ипак матолар ишлаб чиқариш деярли тўхтаб қолди. Уни чиқариш ҳам тақиқлаб қўйилган эди. Россияга чиқазиладиган маҳсулотлар асосан тери, юнг, гилам кабилар эди. Рус давлатида бу маҳсулотларга талаб катта эди. Марказий Осиёлик савдогарлар Россияга нафақат ўз маҳсулотлари балки, чет эл маҳсулотларини (айниқса ҳинд маҳсулотларини) ҳам олиб борардилар. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россияга олиб чиқиладиган маҳсулотларнинг тури кўпайибгина қолмасдан, балки бу муносабатда кўплаб рус элчи-савдогарлари ҳам иштирок эта бошладилар. Рус савдогарлари ёки уларнинг вакиллари Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида 2—3 йил яшашар, рус маҳсулотлари келтириб, маҳаллий маҳсулотларни олиб кетардилар, улар савдогарчилик ниқоби остида ҳарбий аҳамиятга молик маълумотлар ҳам тўплаб, Россия давлатига етказиб турганлар.

Марказий оснелик савдогарлар Россиядан ташқари Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Хитой каби давлатлар билан савдо-сотиқ муносабатларини кенг йўлга қўйдилар. Убайдуллахон даврида қўшни давлатлар билан савдо муносабатларини олиб боришга катта эътибор берилган бўлишига қарамай XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида Шарқ давлатлари билан олиб борилган савдо муносабатларига анчагина путур етган эди.

XVII—XVIII аср бошларидаги хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзига хос хусусиятлар меъморчиликда сезиларли даражада акс этди. Ўзбек қабилалари феодал бошлиқлари ва амирларнинг таъсири кучайиб, бойлиги ошиб борди. Шаҳарлар ва бутун-бутун вилоятлар деярли уларнинг қўлларида эди. Бу типдаги феодалларда бойлик кўп эди. Шунинг учун ҳам улар ўз номларини қолдириш, шон-шўҳрат қозониш мақсадида кўплаб меъморчилик иншоотлари қурдиришга қодир эдилар. Йирик бой феодаллардан бири Ялангтўшбий бўлиб у Самарқанд регистонида катта қурилиш ишларини бошлаб юборди ва бу ерда ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган ёдгорликлар қурдирди.

Улуғбек мадрасасининг рўпарасида Ялангтўшбий буйруғи билан меъмор Абдулжаббор янги мадраса бар-

по этди. Мадрасага кираверишдаги пештоқнинг икки томонида ўлжасига ташланаётган ҳайвонлар (шерлар) тасвири туширилган. Шунинг учун ҳам мадрасанинг номи «Шердор» деб аталади. «Шердор» мадрасаси режаси тўртбурчак пештоқ, бурчакларда миноралар ва пештоқ ораларида гумбазлар ва дарсхоналар (ҳужра-лар) мавжуд. Иншоотларнинг қурилиш режаси Улуғбек мадрасасига (XV аср) ўхшаб кетади. Уймакорлик ва нақшларда бетакрор безаклар ва ўзига хослик кўриниб туради.

Орадан бирмунча муддат ўтгач Ялангтўшбий Регистон майдонида учинчи иншоотни қурдира бошлайди. Бу иншоотнинг безаги учун жуда кўп олтин ишлатилганлиги сабабли у «Тиллакори» деб номланган. Шунингдек у мачит вазифасини ҳам ўтаган. Бу ёдгорлик қурилишида ўзига хос томонлар кўп бўлиб, у XVII аср меъморчилигининг нодир намунаси ҳисобланади. Аштархонийлар даврига оид яна бир меъморлик ёдгорлиги Бухорода бўлиб, у Абдулазизхон мадрасасидир. Ундан ташқари XVII асрда Марказий Осиёнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида саройлар, мачитлар, бозорлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар қурилдики, ўша давр феодал урушларга, ўзаро жанжалларга қарамай меъморчилик санъатида олдинги давр иншоотларига нисбатан ўзига хос томонлар пайдо бўлди. Айниқса бу давр меъморчилигида биноларни безаш, усуллари таҳсинга сазовор бўлди. Безакчилар ва наққошлар ўтган асрлар меъморчилик анъаналарини ривожлантириб маълум ютуқларга эришдилар.

Бизгача етиб келган XVI аср рассомларининг миниатюралар билан безатилган қўлёзмалари унчалик кўп эмас. Шунга қарамасдан Ўрта Осиё минатюра мактаби XVI аср анъаналари XVII асрга келиб давом эттирилди, ривожлантирилди. Бу жиҳатдан Шарофиддин Али Яздийнинг «Зарафнома»сидаги миниатюралар айниқса диққатга сазовордир. Бу қўлёзма 1624 йилда Самарқандда тайёрланган ва унда ўн иккита минатюра мавжуд. Булар орасида Темурнинг Ҳиротни қамал қилиши, Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриши, Темур саройидаги зиёфат тасвирлари бор.

Кейинги даврлардаги шарт-шароитлар қурилиш, меъморчилик ва санъатнинг ривожланиши учун етарли имконият яратиб бермади. XVII асрнинг II-ярмида хў-

жалик вайронагарчилиги, ўзаро урушлар, шаҳар ва қишлоқларнинг бузилиши, халқ ҳаракатлари, Хива хонларининг ҳужумлари ҳамда кўчманчиларнинг ҳуруж қилган даври эди. Айниқса Марказий Мовароуннаҳр ва Балх хароба ҳолга келиб қолди. Аҳоли ҳар томонларга тарқалиб, Бухоро ва Самарқанд каби маданий марказлар вайрона ҳолатда эди.

Жонийлар давридаги бадий ва тарихий адабиёт соҳасидаги илмлар бирмунча кўзга кўринарлидир. Бу даврда Бухорода ва Балхда адабий марказлар бор эди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда Марказий Осиё халқлари адабиёти аввалги даврларга нисбатан сезиларли ривожланди. Субхонқулихон даврида тартибнинг қаттиқлигидан баъзи бир сарой шоирлари мамлакатни тарк этдилар. Аммо шаҳар ҳунармандлари орасида тушқунлик кам эди. Ҳунармандлар орасидан машҳур шоирлар етишиб чиқдилар.

Фитрат Зардўз Самарқандий 1657 йилда Самарқандда тилла суви билан ишлов берувчи ҳунарманд оиласида дунёга келди. Унинг ўзи ҳам бу ҳунарни пухта эгаллади. 1685 йилда у Бухорога боради ва мадрасага киради. Шоир қийинчилик билан кун кечириб, XVIII асрнинг бошларида вафот этди. Фитрат зардўз назм ва наср жанрларида ижод этган. Унинг ижодий меросидан бизгача «Толиб ва Матлаб» маснавийси, битта сатира, бир неча асарлари етиб келган. Унинг девони ҳалигача топилгани йўқ.

Сайидо Насафий бу даврнинг йирик шоирларидан эди. У Абдулазизхон, Субхонқулихон ва Убайдуллахон замонларида яшади ва ижод қилди. Уз ижодий фаолиятини дастлабки даврда Сайидо бир неча ҳукмрон доира вакиллари билан яқинлашиб, уларнинг таъсири остида бир неча қасидалар битди.

Кейинчалик Сайидо Насафий сарой аҳлидан бутунлай алоқани узиб, яратаётган асарларини сеvimли халқига, оддий ҳунармандлар ва кәмбағалларга бағишлади. Сайидо асарлари орасида бизгача етиб келган «Баҳориёт» асари катта аҳамиятга эгадир. Шоир бу асарида ҳайвонлар образи орқали феодал жамиятдаги турли қатламларни ифодалар экан, оддий меҳнат аҳлини чумолига қиёслаб, агар улар жипслашса шерни ҳам енгиши мумкин деган ғояни илгари суради. Сайидо Насафий аштархонийлар хонлари даврида биринчи бўлиб феодал

тузумни танқид қилиб, меҳнаткаш оммани ҳимоя қилиб асарлар яратди.

XVII асрда адабий асарлардан ташқари тарихий асарлар ҳам яратилган. Бу давр тарихчиларидан бири Маҳмуд ибн Вали бўлиб, унинг «Ахборотлар асосида сирлар денгизи» («Баҳрул-ал-асрор фимунақиб ал-ахбор») номли тарихий асари маълумдир. Бу асар ўзига хос қомус бўлиб, тўрт китобдан иборат. Асарнинг тарихий қисми Чингизхон давридан аштархонийлар давригача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу ерда ўша давр Урта Осиё тарихи ҳақида қизиқарли маълумотларни учратиш мумкин.

Бу даврларга оид тарихий асарлар орасида Муҳаммад Амин Яроқчининг «Тарих уммони» («Муҳит ат тарих») асарини ҳам санаб ўтиш лозим. Яроқчи бу асарида аштархонийлар даври ҳақида кўпгина маълумотлар беради. Муҳаммад Юсуф Муншининг «Муқимхон тарихи» асари 1704 йилгача бўлган аштархонийлар даври тарихига бағишланган ва ниҳоят, шу даврга оид энг қимматли тарихий асар Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома» асаридир. Бу асар аштархоний ҳукмдори Убайдуллахон даврини тўла ёритиб, 1702—1711 йиллар воқеаларини ўз ичига олади.

Аштархонийлар даври тарихи ҳақидаги қисқача хулосаларни якунлар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда феодаллар ўртасидаги ўзаро урушлар ҳаддан зиёд кескинлашиб кетди. Бу даврда Марказий Осиё шаҳарлари ва вилоятлари учун тинимсиз курашлар авж олди. Бунинг натижасида хўжалик ҳаёт издан чиқиб, ҳаётдаги барча оғирликлар оддий меҳнаткашлар бошига тушди. XVIII асрнинг бошларида (биринчи чорагида) юқоридаги сиёсий воқеалар, хонавайронлик, ўзаро урушлар Марказий Осиё ҳудудида учта мустақил хонликни пайдо бўлиши билан якунланади.

XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқлар

XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб Марказий Осиё ёзма манбаларида алоҳида халқ сифатида қорақалпоқлар ҳам тилга олинади. Қорақалпоқлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1598 йилда Бухоро хони Абдуллахон томонидан берилган ёрлиқда эслатилади. Ёрлиқдаги

маълумотларга қараганда қорақалпоқлар бу даврда Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзаларида яшайдилар. Шунингдек қорақалпоқлар кўчманчи ва ярим ўтроқ қозоқ аймоқлари сифатида берилади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда қорақалпоқлар Орол бўйида яшаган халқлардан шаклланган ва келиб чиқиши жиҳатдан Марказий Осиёдаги кўпгина туркий тилли халқларга яқиндир. Юнон муаллифлари асарларидаги «ботқоқлик ва оролдаги массагетлар» уларнинг авлодлари деб тахмин қилинади. Эрамининг I асридан бошлаб Орол бўйидаги ҳудудларда шарқдан хунлар қабилалари кириб келиб, маҳаллий аҳоли билан аралаша бошлайди. IV асрга келиб, бу ҳудудга хионит-эфталит қабилалари кириб келади. VI асрда Олтойда Турк хоқонлигининг пайдо бўлиши билан Орол бўйида ҳам Турк қабилалари пайдо бўлди. Юечжилар, Хионит-эфталитлар, туркларнинг кириб келиши қорақалпоқлар этногенезига ҳам таъсир ўтказган бўлишига қарамай, бу халқнинг шаклланиши жараёни кейинроқ печенег, ўғузлар ва асосан қипчоқлар таъсирида рўй берди.

X—XI асрларда печенег қабилалари бўлиниб кетади. Уларнинг бир қисми (шарқий ёки турк гуруҳи) Орол бўйида қолади. Бир қисми эса ғарбга шимолий русларга кириб боради. Печенеглар ва ўғузлар билан биргаликда қорақалпоқларнинг ўрта асрлардаги баъзи гуруҳ авлодлари шимолий чўлларга бориб қоладилар. Бу ҳақда рус йилномаларида «қора қулоқлар» («черные клобуки») деб эслатиб ўтилади. «Қора қулоқлар» рус князлари билан шартлашган ҳолда Днепрнинг irmoғи бўлган Рос бўйларига жойлаштирилади. Улар Киев Русининг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этадилар.

Орол бўйида қолган печенег—ўғуз қабилалари гуруҳи Дашти Қипчоқдан келган қипчоқ қабилалари томонидан босиб олинди ва қипчоқлар иттифоқи таркибига киритилди. Ўрта асрлар муаллифи Жувайний асарларида шу иттифоққа кирувчи қабилалар санаб ўтилганда «қорабўркли» номли қабила эслатиб ўтилади. Қипчоқлар иттифоқи таркибида бўлар экан қорақалпоқларнинг аجدодлари, уларнинг тилларини ва маданиятини кўп томонларини ўзлаштирадилар. Қорақалпоқларнинг халқ бўлиб шаклланиши XV асрнинг охирида келиб нўғойлар иттифоқида тугалланади. Уларнинг

тили турк тиллари гуруҳига кирувчи нўғой ва қозоқ турларига яқинроқдир.

Қорақалпоқлар ярим кўчманчи халқ эди. Археологик ва тарихий манбалар қорақалпоқларнинг аجدодлар бўлган ўғуз қабилаларининг чорвачилик, қисман деҳқончилик ва балиқчилик билан шуғулланганларидан далолат беради. XVI—XVII асрнинг бошларида қорақалпоқлар Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларни эгаллаган бўлиб, бу ерлар Бухоро хонлиги таркибига кирар ва қорақалпоқлар Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида сезиларли даражада таъсир этганлар.

Муҳаммад Хсуф Муншининг маълумотларига қараганда Имомқулихон 1611 йилда Сирдарё бўйларига юришлар қилади. Уша йили Бухоро хонлигига қарши қозоқлар, қорақалпоқлар ва қалмоқлар кўзғолон кўтарган бўлиб Имомқулихоннинг бу юришдан мақсади кўзғолонни бостириш эди. Бу бостиришда кўпчилик қорақалпоқлар ҳалок бўлдилар ва асирга тушдилар. Кўпчилик қорақалпоқлар тоғларга қочиб кетдилар. XVII асрнинг бошларида қорақалпоқлар асосан Сирдарё қуйи оқимининг ҳар иккала қирғоғида яшар эдилар. Туркистонда Орол денгизигача бўлган бу ҳудудда ўтроқ аҳоли яшайдилар Туркистон, Сигноқ, Ўзган каби шаҳарлар мавжуд бўлиб, қорақалпоқлар вақти-вақти билан улардан солиқлар олиб турар эдилар.

XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида Сирдарё қорақалпоқлари қозоқ хонларига тобе эдилар. Бундан ташқари бу даврда қорақалпоқларнинг бошқа марказлари ҳам бор эди. Уларнинг катта қисми Эмбадарёси ҳавзасида ҳам яшар эди. XVII асрнинг 70-йилларида бошқирдлар кўзғолон кўтарган пайтда қорақалпоқлар уларни қўллаб-қувватладилар ва улар билан дўстлик алоқалари ўрнатдилар. Бошқирдлар ҳам қозоқлар билан кўчиб юрар ва кўпинча бирга яшар эдилар.

Манбаларга қараганда, XVII асрнинг охирларидан бошлаб қорақалпоқлар ўрта Зарафшонда яшай бошладилар. Зарафшон қорақалпоқлари «Бухоро улусларига» қарашли бўлиб, Бухоро хонларига тобе эдилар. Қорақалпоқлар Бухоро қўшинлари сафида «энг йшончли жангчилар» эдилар. 1691 йилда қорақалпоқлар Зарафшонда яшовчи ўзбеклар билан биргаликда Субхонқулихонга қарши кўзғолон кўтардилар. XVIII асрда

Хива хонлигида бўлиб ўтган воқеаларда қорақалпоқлар фаол иштирок этдилар.

XVIII асрнинг биринчи ярмида ҳам қорақалпоқлар Сирдарё ҳавзасидаги ҳудудларда яшар эдилар. Бу ерда улар хўжаликнинг чорвачилик, деҳқончилик ва балиқчилик каби турлари билан шуғулланар эдилар. Деҳқончилик хўжаликнинг асосини ташкил этар эди. Улар асосан ғалла маҳсулотларини етиштирар, ўз эҳтиёжларидан ортган ғалла маҳсулотларини бошқа маҳсулотларга, чорва молларига алмашар эдилар. Қозоқ хонлари ўзларига тобе бўлган қорақалпоқлардан солиқ сифатида кўплаб ғалла олар эдилар. Чорвачилик хўжалигида асосан йирик шохли чорва катта аҳамиятга эга эди. Йирик бойларда кичик туёқли минглаб чорвалар бор эди. Чорвалар асосан қозоқ даштларида боқилар эди.

Шунингдек қорақалпоқлар Қоратовдан руда қазиб олар эдилар. Қўрғошин, қизил мис каби рудани бошқа маҳсулотларга алмаштирганлар. Уқ отувчи қуроолларни Бухородан сотиб олишган. Ундан ташқари қорақалпоқлар Хива хонлиги, қозоқ хонлиги ва Россия билан савдо алоқалари қилиб турганлар. XVIII асрга оид манбалар қорақалпоқларда қўнғирот, қиёт, хитой, қипчоқ, кенагас, манғит, мўлтон каби уруғлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ҳар бир уруғни бий бошқарган. Бий солиқлар тўплаган, ҳукм чиқарган, турли муносабатларда ўз уруғидан вакил ҳисобланган. Қорақалпоқлар ижтимоий тузуми патриархал феодал муносабатдан иборат эди. Уларнинг ҳарбий бошлиқлари «ботир»лар деб аталар эди. Тарихий манбалар ва афсоналар XVIII—XIX асрнинг бошларида қорақалпоқлар тузумида «хонлар» ва «султонлар» бўлмаганлигидан далолат беради.

XVIII асрнинг 20-йилларида қозоқлар ва қорақалпоқларга жунғорлар ҳаракати катта хавф солди. Жунғорлар 1723 йилда Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳарларни, жумладан Туркистонни эгалладилар. Қорақалпоқларнинг бир қисми Марказий Осиёнинг марказига; бир қисми Россия томон — Уралга (Эмба) сиқиб чиқарилди. Бир қисми эса Сирдарё ҳавзасида қолди. Сирдарё ҳавзасидаги қорақалпоқлар ҳам икки қисмга бўлинди: юқори ва пастки қисмга. «Юқори» қорақалпоқлар Сирдарёнинг юқори оқимида Тошкентга ҳаракат қилдилар ва бу ерда жунғорларга тобе бўлиб қол-

дилар. «Пастки» қисми қорақалпоқлар эса Сирдарёнинг қуйи оқимига Орол денгизи қирғоқларига ўрнашиб қолдилар. 50-йилларга келиб қуйи оқимда тахминан 6 минг қорақалпоқ оиласи қолди. Асосий қорақалпоқлар эса ҳозирги кунда қуриб қолган Жонидарё ҳавзасига (Амударёнинг шарқида) жойлашади. XVIII аср ва XIX асрнинг бошларида бу ҳавза қорақалпоқлар мулклари деб аталади. Қорақалпоқлар янги ерларни тезлик билан ўзлаштириб, деҳқончиликни ривожлантирдилар. XVIII асрнинг охирида бу ерда суғориш каналлари ва бошқа иншоотлар бўлган йирик деҳқончилик воҳаси пайдо бўлди. Қорақалпоқларнинг маркази—Уринбойқалъа (қорақалпоқлар ҳокими Уринбой бийнинг қароргоҳи) қолдиқлари ҳозиргача сақланган.

Бу даврда қорақалпоқларнинг Хива хонлиги билан муносабатлари янада кескинлашди. Қорақалпоқларнинг бир қисми 1749 йилда Хива хонлиги ҳукмдорлигини тан олди ва ўнг қирғоқ Амударё ҳавзаси ботқоқлик ва ҳосилсиз ерларга кўчирилди. Аммо, Жонидарё қорақалпоқлари Хива хонлари устига кўп маротаба юришлар қилиб турдилар. 1811 йилда Муҳаммад Раҳимхон, қорақалпоқлар ҳокими Уринбой бийнинг ўз томонига ўтганидан фойдаланиб, қорақалпоқларни Жонидарёдан Орол бўйи ва Кегейли дарёси атрофларига мажбурлаб кўчиртирди.

3 §- XVIII АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ— XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ

XVIII асрнинг иккинчи ярми — XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги

XVIII асрнинг биринчи ярмида давом этган ўзаро феодал урушлар ва қўзғолонлар Бухоро хонлигини талон-тарож қилиб қолмасдан, балки мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий қудратини ҳам пасайтирди. XVIII асрнинг ўрталаридаги сиёсий инқироз ва хўжалик вайронагарчилиги шаҳар ҳаётининг бузилишига олиб кетди. Қабилалараро феодал урушлар савдо ва ҳунармандчилик тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ томонидан Бухорога

юклатилган солиқ мамлакат иқтисодий аҳволини яна оғирлаштирди.

Бу даврда хонлик бошқаруви тизимидан аштархоний ҳукмдорларининг мавқеи пасайиб манғит уруғларининг сиёсий фаоллиги кучайиб бораётган эди. Сўнги Аштархоний Абулфайзхон (1711—1747) даврида манғит уруғидан чиққан Муҳаммад Раҳимбий Бухорода чекланмаган ҳокимиятга эга бўлди. 1747 йил июнь ойларидаги Бухорода бўлиб ўтган қизилбошларнинг ҳужуми қайтарилгач, Муҳаммад Раҳимбий Абулфайзхонни ўлдириб Бухорода тўла ҳуқуқли ҳукмдорга айланди, лекин Чингиз уруғидан бўлмаганлиги сабабли ўзини хон деб аташга журъат этмади.

Ўз ҳукмронлигини қонунлаштириш учун Муҳаммад Раҳимбий Абулфайзхоннинг кичик ўғли Абдулмўминга ўз қизини берди ва уни тахтга ўтқазди. Орадан бир йил ўтгач Муҳаммад Раҳимбий Абдулмўминни қатл эттирди ва унинг ўрнига жуда ёш бўлган Убайдулла Султонни Бухоро тахтига чиқарди. Орадан сал вақт ўтмай Муҳаммад Раҳимбий уни ҳам йўқ қилиб Бухорода якка ва мустақил ҳукмронга айланди. Муҳаммад Раҳимбий ҳукмронлиги давридан бошлаб Бухоро хонлиги амирлик деб атала бошланди.

Муҳаммад Раҳимбий барча вилоятлар, шаҳарлар ва кўчманчи қабилалар ҳокимларини Бухорога чақириб уларга ўзининг бошқарув дастурини эълон қилди. Ишлаб чиқариш, хўжалик вайронагарчилиги даврида барчани ўзига бўйсуншини талаб қилди. Қимда-қим бўйсуншдан бош тортса қатл қилиши мумкинлигини айтиб огоҳлантирди. Бу — Марказий ҳокимият кучсизлигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётганларга тўғри келмас эди.

Муҳаммад Раҳимбий марказлаштириш сиёсатини савдо ва ер эгаллиги билан алоқадор бўлган феодаллар манфаатига мос равишда амалга оширди. Раҳимбий олдин Бухоро хонлиги вилоятларида ҳокимлик қилган йирик ер эгаларини, қabila бошлиқларини қаттиқ қўллик билан эгаллаб турган лавозимдан четлаштирди. Уларнинг ўрнига ўз қариндошларини ва қуйи табақадан чиққан амалдорларни қўйди. Бу ишлар ҳаммаси катта курашлар ва қийинчилик билан амалга оширилди.

Тўрт йил мобайнида Раҳимбий Миёнқалъа, Нурота, Кобадийн, Бойсун, Шаҳрисабз, Ургут мустақил фео-

далларига қарши бир неча бор урушлар қилиб уларни ўз ҳокимиятига бўйсундирди.

1748 йил 10 сентябрда Бухоро аркида зиёфат пайтида Раҳимбий ҳаётига суиқасд қилишга ҳаракат қилинди, лекин фитначилар ўз мақсадларига эриша олмадилар.

1752 йил кузи ва 1753 йил баҳорида Бухорода шаҳар девори қайта қурилди ва мустаҳкамланди. Чунки XVI асрнинг 30-йилларида Шайбоний Убайдуллахон даврида қурилган шаҳар девори эскирган, кўп жойлари бузилган ва шаҳарни яхши ҳимоя қила олмас эди. Янги мукамал қурол турларининг пайдо бўлганлигини ҳисобга олиб эски шаҳар девор ёнидан 3 метр қалинликдаги янги девор қуришга қарор қилинди. 1753 йилда Муҳаммад Раҳимбий Самарқанд, Ургут, Зарафшоннинг юқори оқимига, Жиззах ва Уратепага янги юришлар уюштирди. 3 йил давом этган юришлар натижасида Панжикент, Қўштут, Жиззах ва Зомин Бухорога бўйсундирилди. Муҳаммад Раҳимбий Кўқон хони Эрдонабий билан иттифоқда Уратепани босиб олишга ҳаракат қилди, лекин бу уриниш муваффақиятсиз тугади, Нурота ҳам Бухоро амирлигига бўйсунмади. Шундай бўлса ҳам манғитлар Раҳимбийни Чингизийлар одатига кўра оқ кигизда кўтариб расмийлаштиришга аҳд қилишди. 1756 йил 17 декабрда 4 ўзбек уруғи (манғитлар, баҳринлар, хитой-қипчоқлар, саройлар) амирлари Муҳаммад Раҳимбийни оқ кигизда кўтардилар. Манғитлар сулоласидан чиққан олий ҳоким Муҳаммад Раҳимбий амирлик унвонини олгач, Бухоро амирлигини якка ҳокимлик асосида бошқарди ва йирик феодалларнинг давлатни бошқариш ишларига аралashiш ишларига имкон бермади.

Муҳаммад Раҳимбий расмий ҳокимиятни эгаллагач, Нурота ҳокимлари унга тўла бўйсунма бошлади, лекин Ҳисор беклиги ундан ажралиб чиқиб қолди. 1757—1758 йилларда Раҳимбий катта вайронагарчиликларга сабаб бўлган. Ҳисор, Денов, Душанбе, Бойсун ва Термизга қарши янги юришларни амалга оширди. Баъзи шаҳарчалар амирга ихтиёрий таслим бўлишди. Хоразм аҳолисининг ўз ҳокимидан норози эканлигидан усталик билан фойдаланган Раҳимбий Хивага ўз одамини ўтказиб бир қанча вақт Хоразмни ўзига бўйсундирди. Бу пайтда Бухорога Раҳимбийнинг қонуний ҳукмдор эканлиги-

ни тап олган Қўқон, Тошкент, Марв, Балх ва Қундуз бекларининг элчилари келган эди.

1758 йил 24 мартда Раҳимбий вафот этди. Уша вақтда Миёнқалъа ҳукмдори бўлиб турган Дониёлбий оталиқни манғитлар Муҳаммад Раҳимбий ўрнига ҳукмдор қилиб кўтаришди. Муҳаммад Раҳимбий вафотидан кейин юз, кенагас, бургут, баҳрин ва сарой — ўзбек уруғларининг амирлари ўн мингга яқин қуроли қабилadoшлари билан марказий ҳокимиятга қарши қўзғолон кўтариб, Бухорога қарши юрдилар. Амирлар Бухородаги катта жомеъ мачити ҳовлисига йиғилишиб пойтахтдаги ҳокимиятни ўз қўлларига олишга ва манғитлар сулоласини ағдариб ташлашга қарор қилдилар.

— Дониёлбий оталиқ фитначиларга қарши бир неча тадбирлар кўрди. У арк ҳимоячиларини кучайтириб амирларни сулҳга қўндириш учун Махмуд Аъзамнинг наслидан бўлган Эшон Исоқхўжани уларнинг олдига юборди. Лекин Эшоннинг насихатларига баҳринлар бошлиғи Ғайбуллагина қулоқ солди, бошқа амирлар эса шаҳар аҳолисини исёнга чақира бошладилар. Манғитларнинг марказлаштириш сиёсати бирор даражада савдо, ҳунарманд аҳли манфаатларига мос келганлиги сабабли улар қўзғолончига қарши фаол курашдилар. 1758 йилда фитначилар тор-мор этилгандан кейин Тоғай Муродбий ва унинг ўғиллари каби йирик феодаллар, ўзбек қабилаларининг йўл бошчилари қатл этилдилар.

Лекин бу чоралар феодалларнинг Дониёлбийга қарши курашларини тўхтата олмади. Кўп ўтмай унга бўйсуниб керак бўлган қабилла бошлиқлари гоҳ Самарқандда, гоҳ Миёнқалъада, гоҳ Шаҳрисабзда, гоҳ Ҳисорда ғалаёнларни давом эттирдилар. Дониёлбий хон тахтига Муҳаммад Раҳимбийнинг набираси Фозилтўрани ўтқазиб, аслида ҳокимиятни қўлида сақлаб қолди. Дониёлбий (1758—1785) ҳукмронлиги даврида жуда кўп-лаб ғалаёнлар бўлиб турди. У қўзғолонларни босириб улгурмасди. Бир гал навбатдаги юришдан кейин сиёсий мухолифлар уни аркга қўймасликка уриниб кўришди, лекин бунинг уддасидан чиқиша олишмади.

1784 йилда Бухорода қўзғолон кўтарилиб, қўзғолон жараёнида мингга яқин киши ҳалок бўлди. Дониёлбий ҳокимиятни шаҳар аҳолиси орасида обрулироқ бўлган ўз ўғли Шоҳмуродга топширишга мажбур бўлди.

Шоҳмурод Бухоро амирлиги ва қўшни мамлакатлар-

да XVIII асрнинг охири чорагида анча ўзгарган иқтисодий ва ижтимоий аҳволни ҳисобга олиб, халқ оммасини ва дарвешлар биродарлигини ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилди.

Манғит сулоласининг учинчи вакили «Амир Масъум», яъни «беғуноҳ амир» деб номланган Амир Шоҳмурод (1785—1800) тахтга чиқишидан илгарнёқ отаси, ака-укалари ва бошқа йирик феодалларга ўзини кескин қарши қилиб қўйган эди. У ёшлигида жуда шўх бўлганлигига қарамай, шаҳар аҳолисининг кенг табақалари мададига сазовор бўлиш учун ниҳоятда камтарона турмуш кечирарди. Халқни ниҳоятда катта солиқлар билан қийнаб қўйган Дониёлбийга қарши Бухорода қўзғолон кўтарилган 80-йиллардагина Шоҳмурод ислом дини ақидаларини чуқур ўрганиб, беш вақт намозни қанда қилмайдиган бўлди. Бунгача Шоҳмурод Самарқанд вилоятининг ҳукмрони бўлиб, бошқа феодаллар сингари қўзғолонларни шавфқатсизлик билан бостирар ва катта солиқлар олар эди.

Амир Шоҳмурод даврида Зарафшон водийсида, Амударё ва Қашқадарё воҳаларида суғориш тизимлари қайта тикланди, йўллар ва кўприклар қурилди. У савдо-ҳунарманд қатламларининг аҳамияти ва таъсири кучайиб бораётган бир пайтда савдо ва ҳунармандчиликнинг ўсиши учун зарур шароитни таъминлай олман ва ўзаро урушларга чек қўя олмаган Дониёлбий сиёсатининг мувофиқ келмаслигини англаб олган эди.

Шоҳмурод маъмурий соҳадаги янгиликларни икки йирик давлат арбоби Давлат Қушбеги билан Низомиддин қозиққалонни давлат ишларидан четлаштиришдан бошлади. Раҳимбий ва Дониёлбий даврида кўп йиллар мобайнида Бухорода тўла ҳокимиятга эга бўлган амалдорларнинг четлаштирилиши ўжар феодалларга Шоҳмурод бошқарув усулларини ва амалдорлар тартибини тубдан ўзгартириш ниятида эканлигини яққол кўрсатди. Айни вақтда бу иши билан у илгари маъмуриятнинг ҳатти-ҳаракатларидан ғазабланган халқни тинчлантиришга уринди. Сўнгра Шоҳмурод Бухоро аҳолисига тантанали вазиятда Тархон ёрлигини топширди. Ана шу ёрлиққа биноан аҳоли савдо даромадидан бож тўлашдан, ҳунармандлар пул йиғишдан, мажбурий меҳнат ва олиқ-солиқлардан озод қилинди. Айни вақтда «хирож ва никоҳ пули миқдорлари» шунингдек бозорлардаги торози ҳақи ва бошқа йиғимларнинг миқ-

дори камайтирилди. Бунга қарши ўлароқ уруш бўлган тақдирда қўшинлар ҳаражати учун янги «жул» солиғи таъсис этилди.

Шоҳмуроднинг ташаббуси билан тўртта ислоҳот: молния, суд, маъмурий ва ҳарбий ислоҳотлар ўтказилди. У бу ислоҳотларни, хонликдаги халқ қўзғолонлари туфайли ўтказишга мажбур бўлди. Бу ислоҳотлар деҳқонлар ва ҳунармандларга жабр-зулм қилиниш даражасини янгиламай туриб, суд ва маъмурий идораларнинг солиқ ишларида маълум тартиб ўрнатиши, савдогарлар ва ҳунармандларнинг мол-мулкига феодаллар томонидан қилинадиган тажовузга баъзи кафолатлар бериш керак эди.

1786 йилда Қармана шаҳри ва атрофидаги қишлоқлар Бухоро амирлигига бўйсунидан очиқ бош тортди. Шоҳмурод Караманани бўйсундириш учун бир неча марта юриш қилишга мажбур бўлди. Шундан кейин Шоҳмурод Шаҳрисабз ва Хўжанд устига муваффақиятли юришлар қилди. 1786 йилнинг ўзида Шоҳмурод Марв устига бир неча юришлар қилди. Бу юришлар натижасида Марв ҳокими Байрамали ўлдирилди. Мурғоб воҳасини, жумладан Марвни сув билан таъминловчи Султонбанд тўғони бузиб ташланди. Шаҳар талон-тарож қилинди.

Дониёлбий ва унинг ўғли Шоҳмурод ҳукмдорлик қилган даврда Бухоро амирлиги нисбатан мустақкамланди. Аммо Шоҳмуроднинг вориси Амир Ҳайдар (1800—1816) ўз отасининг сиёсатини давом эттира олмади. Чунки Амир Ҳайдар Бухоро тахтига ўтирган пайтида Бухоро ҳокимлиги алмашинган пайтда одатдарўй берадиган феодал урушлар ва сулолавий қўзғолонлар авж олди. Умуман XIX аср бошларида Бухоро амирлигининг сиёсий тузуми аста-секин якка ҳукмдорликка айланиб бораётган марказлашган феодал якка ҳокимликдан (монархия) иборат эди.

Амир Ҳайдар ўз ҳукмронлигини ҳарбий юришлар билан бошлаб Амударё жанубий соҳилларини, Зарафшоннинг юқори оқимини, Шаҳрисабз ва Миёнқалъани Бухоро амирлиги таркибида сақлаб қолиш учун жанг қилди. У вақтинча Уратепани ҳам бўйсундиришга муваффақ бўлди Аммо шу билан бирга Бухоро амирлигининг ерларига Хива хонининг қўшинлари ҳужумлар қилишар, улар қишлоқларни талашар, чорва молларини ва одамларни ҳайдаб кетишар, экинзорлар ва боғлар-

ни пайхон қилишарди. Шунинг учун ҳам 1806 йилда Амир Ҳайдар Бухоронинг бутун аҳолисини мамлакатни ҳимоя қилиш учун қуролланишга даъват этди. Оддий ҳунармандлар, савдогарлар ва камбағаллар Хива хони Элтузарга қарши чиқдилар, унинг қўшинларини Амударё томонига ҳайдаб бориш, ўқлар остида дарёни кечиб чекинишга мажбур этдилар. Дарёдан кечиб ўтиш пайтида кўпгина хиваликлар ва Элтузарнинг ўзи сувга фарқ бўлишди.

Ундан ташқари Амир Ҳайдар ўз ҳукмронлигининг дастлабки кунларидан бошлаб марказий ҳокимиятга қарши кўтарилган қўзғолонларни шафқатсизларча бостирди. 1800 йилда Бухоронинг закот йиғувчилар зулмидан сабр косаси тўлган Марв туркманлари қўзғолон кўтардилар. 1801 йилда Карки ҳудудидаги туркманлар қўзғолони бўлиб ўтди: қўзғолончилар ўзларига қарши юборилган амир қўшинлари билан қаттиқ туриб курашдилар. Шунингдек Амир Ҳайдар қўзғолон кўтарган Миёнқалъа қабилаларини бостириш учун кўп куч ва маблағ сарф этишга мажбур бўлди.

Тез орада ички низоларга Бухорога вассал қарамликда бўлган Уратепа учун Қўқон хони Олимхон билан бошланган уруш ва қўқонликларнинг Жиззах, Зомин, Хўжанд, Уратепага қилган ҳужумлари қўшилди. Бу урушлар тинч аҳоли учун вайронагарчилик урушлари эди. 1807—1810 йиллар давомида Амир Ҳайдар ва Олимхон ўртасида Уратепа, Жиззах, Зомин ва Тошкент шаҳарлари учун бир неча марта қонли урушлар бўлиб ўтди. Бу шаҳарлар қўлдан қўлга ўтиб вайронага айланди.

Кейинроқ Марвда амирнинг укаси Динносирбек мустақил бўлиб олишга ҳаракат қилди. Амир Ҳайдар укасига қарши Ниёзбек парвоначини юборди. У Султонбанд тўғонини бузиб ташлади, натижада Марвдаги бутун экинлар сувсизликдан қуриб қолди. Динносирбек 1804 йилда ўз оиласи билан Машҳадга қочиб кетди. Мингга яқин Марв аҳолиси у билан бирга кетди. Шаҳарларни олгач, Марв аҳолисини амир Ҳайдар Зарафшон водийсига кўчирди, Марвга эса 200 туркман оиласини кўчиртириб келтирди. 1825 йилда хиваликлар Марвни яна бўйсундиришди.

Бухоро шимолидаги Тошкент шаҳри қўқонликлар томонидан олинган эди. 1815 йилнинг баҳорида Қўқон хони Умархон Тошкентдаги ўзининг ноиби бошчилиги-

да Туркистон шаҳарига қўшин юборди. Тунда тўсатдан қилинган ҳужум натижасида шаҳар қўлга олинди, эр-талаб Қўқон қўшинлари аҳолини талай бошладилар. Қўқонликларнинг Туркистонни олиши хонликлар ўртасидаги душманликни кучайтирди, ва бухороликларнинг Қўқон хонлиги шаҳарлари устига, қўқонликларнинг Бухоро хонлиги устига юришлар ва ҳужумлар қилишга олиб кетди.

1821—1826 йилларда Миёнқалъадаги ўзбек қабила-лари ўртасида амирлик жорий этган солиқ сиёсатиға қарши жуда катта қўзғолон кўтарилди. Чунки Бухоро хонлигининг энг бой районларидан бири бўлган Миёнқалъадан солиқларнинг ундирилмаслиги натижасида амир хазинаси анча бўшаб қолган эди. Бу қўзғолон Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётига жуда кучли таъсир кўрсатди. Хонликдаги қуроли кучларнинг катта қисми қўзғолонни бостириш учун юборилди, бу эса қўшни мамлакатлар томонидан мунтазам ҳужумлар қилинган чегараларнинг хавфсизлигини таъминлашга таъсир этмасдан қолмас эди.

Амир Ҳайдар вафотидан кейин Бухоро тахтига унинг учинчи ўғли Насрулло (1866—1860) чиқди. Амир Насрулло йўлида тўсиқ бўлмаслиги учун Ҳайдарнинг катта ўғиллари Ҳусайн заҳарланган ва Умар қатл қилдирилган эди. Насрулло ниҳоятда бешафқат бўлганлиги учун кейинчалик халқ орасида «Қассоб амир» деб аталди.

Амир Насрулло ўз ҳукмронлигини Бухоро амирлигидаги феодал парокандаликни тўхтатиш учун шиддатли курашдан бошлади. Тахтга чиқиб олгач, Насрулло тахтни эгаллашида унга ёрдамлашган кишиларни қириб ташлади; тахтга ўтиргандан кейин бир ой мобайнида кунига 50—100 кишини қатл қилиб турди. Ҳарбий юришлар пайтида у айниқса даҳшатли эди, бўйсулмаган шаҳар ва қишлоқ аҳолисини қиличдан ўтказарди.

Амир Насрулло ўз қўшинларига ғоят ғамхўр бўлиб, уларга таянган ҳолда руҳонийлар манфаатини ҳимоя қилиб, бутун кучини ўзбек зодагонларини бўйсундиришга қаратди. Бу йўлда ҳар қандай чоралардан қайтмасдан бўйсунмаганларни шафқатсизларча қириб ташларди. У юқори амалдорлар ва ҳарбий бошлиқларни аямасди, феодалларнинг мулкларини тортиб олар, уларни бадарға қилар ва қатл этарди.

Насрулло Бухоро амирлиги таркибига расмангина киритилган вилоятларни ягона давлатга бирлаштириш

учун қатъият билан кураш олиб борди. Бухорода оддий одамлар орасидан тўпланган ва машқдан ўтказилган сарбозлар, яъни мунтазам пиеда қўшинлари тузилди. Насрулло қўшинлари сафида 40 мингга яқин жангчи бўлсада, улардан бир қисмигина милтиққа эга эди, қолганлари қилич, найза ва камон билан қурулланган эди. Амир Насрулло Бухорода замонавий артиллерия вужудга келтиришга ҳаракат қилиб, тўп қуйиш ва аскарларни ўргатиш учун четдан усталарни таклиф қилди.

Бухоро амирлигининг ярим мустақил мулклари орасида энг бақуввати Шаҳрисабз беклиги бўлиб, амир Ҳайдар даврида у билан муносабатлар дўстона эди. Аммо, амир Насрулло тахтга чиққач, Шаҳрисабз ҳокимлари ўзларини мустақил деб эълон қилишди. Насруллодан норози бўлган кўпгина феодаллар ҳам Бухородан Шаҳрисабзга кўчиб, аҳолини Насруллога қарши гиж-гижлатар эди. Амир Шаҳрисабзга бир неча бор юриш қилиб, 1856 йилдагина уни забт этди ва айни вақтда Китоб беклигини ҳам қўлга олди.

Феодаллар парокандалигига ва давлат ичидаги ижтимоий норозиликка қарши қатъий кураш олиб борган амир Насрулло қўшни Қўқон ва Хива хонлиқларига нисбатан ҳам ўз ҳукмронлигини кенгайтиришга интилдди. 1842 йилда у Қўқон хонлигини эгаллашга муваффақ бўлиб, Қўқон хони Муҳаммад Алихонни қатл этди. Аммо кўп вақт ўтмай Хева хонлиги томонидан жиддий хавф туғилгач, амир Насрулло бутун кучини шу ёққа буришга мажбур бўлди. 1843 йилда Бухоро қўшинлари Хазорапс яқинида хиваликлардан катта муғлубиятга учрадилар. Ана шундай оғир шароитда ҳам Насрулло Бухоро амирлиги вилоятларини бирлаштириш учун курашни давом эттирди.

Бухоро амирининг 1842 йилда Қўқонга юришидан фойдаланган Хива хони ўз қўшинларини Чоржўйга бошлаб кетди. Амир Насрулло Қўқон қамалини тарк этиб, Бухорога қайтишга мажбур бўлди. Хива хони Оллоқулихон ҳам қозоқлар унинг юртига бостириб кирганини эшитиб, Чоржўйдан дарҳол Хивага қайтиб келди ва кўп ўтмай вафот этди. Унинг вориси ва ўғли Раҳимқулихон Хива қўшинларининг катта қисмини Марвга юборди. Бундан фойдаланган Насрулло Хива хонлиги ерларига бостириб кирди ва Хазораспни қамал қилди. Аммо бу ерда унинг қўшинлари тор-мор бўлиб, ўз юртига қайтиб келди. У чекинаётган пайтда туркманлар амир Насрулло

ло ҳузурига келиб, унга бўйсунишга тайёр эканликларини айтишди ва Насрулло Марвга ўз ноибини юборди.

1843 йилдан Амир Насрулло Хўжанд ва Уратепани қўлга киритиш учун Қўқон хонига қарши яна кураш олиб борди. Бу шаҳарлар ўн йиллар давомида қўлдан қўлга ўтиб турди ва ниҳоят Бухоронинг қўли баланд келди.

Шундай қилиб, Амир Насрулло ҳукмронлик қилган даврда Хива хонлиги ва янги ташкил топган Қўқон хонлиги билан узлуксиз урушлар очиб борди. Кураш асосан айрим чегарадош ҳудудлар (Марв, Чоржуй, Уратепа, Хўжанд) ва Шаҳрисабз ерлари учун олиб борилди. Амир Насрулло Шаҳрисабзни 32 марта юриш қилиб, умрининг охиридагина бўйсундиришга муваффақ бўлди.

Бухоро Амирлигининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг мустақамланиши давлат тарқоқлигини тамомида тугатолмади. Яқин атрофда амир ҳокимиятига бўйсунмайдиган бир қатор бекликлар ерлари мавжуд эди. (масалан, Шаҳрисабз, Жиззах, Уратепа, ҳамда бошқа мустақил ва ярим мустақил шаҳарлар ва туманлар).

Самарқанд Бухоро амирлигининг маркази эди. Бухоро амирлиги Эрон, Хива ва қозоқ жузлари билан чегараланган эди. XIX асрнинг бошларида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидан ташқари Сурхондарё вилояти, ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Ҳисор, Хўжанд, Панжикент ва Зарафшон дарёсининг юқори оқими, жанубий Туркистоннинг Мурғобгача бўлган барча ерлари ҳам амирликка кирар эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакатда хўжалик муайян даражада ривожланганлиги муносабати билан Бухоро амирлигининг аҳолиси ўса бошлади. Аҳолининг сони XIX аср бошларида салкам икки миллион кишига Бухоро шаҳрида эса 60 минг кишига етиб қолди. Самарқандда 50 минг аҳоли яшар эди. Бухоро атрофидаги бошқа шаҳарларда 300 та дан 500 та гача хонадон бор эди. Бухоро амирлиги аҳолисининг таркибига кўпгина элатлар кирар ва уларнинг кўпчилигини ўзбеклар ташкил қиларди. Ўзбеклар кўпгина қабилалардан ташкил топган бўлиб, улар орасида энг қудратлиси манғитлар эди. Кўп сонли сарой ва қўнғирот қабилаларининг ҳам нуфузи баланд эди.

Бухоро амирлигининг шаҳарларида ва айрим қишлоқларида тожиклар ҳам яшарди. Жанубий ва ғарбий туманларда асосан кўчманчи туркманлар яшардилар. Амирликда қисман форслар, яҳудийлар, ҳиндлар араблар, лўлилар, афгонлар ва бошқа халқ вакиллари ҳам яшарди. Масалан, Бухорода бир неча юз нафар қалмоқ истиқомат қиларди.

Кичик ва ўрта жузлардан чиққан қozoқлар Бухоро амирлигининг шимолий шарқида яшарди. Амирликда шунингдек Россия фуқароси бўлган уч мингга яқин татар ҳам яшарди.

Қишлоқ хўжалигининг бош тармоғи суғорма деҳқончилик эди. XVIII асрда ва XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигида анъанавий экинлар етиштириларди. Асосан бошоқли экинлар экиларди. Саноат экинларидан кўпроқ пахта етиштирилди. Деярли ҳар бир деҳқон хўжалиги ўз эҳтиёжи ва сотиш учун пахта экарди. Бухоро амирлигида пиллачилик ривожланган бўлса-да тарқoқ ҳолда эди.

Амирлик деҳқонлари кўчманчи чорвадорларга ғалла ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериб уларнинг эвазига чорва моллари, хомашё (тери ва жун) гўшт ва сут маҳсулотлари олишарди. Чорвадорлар қўй, қорамол, туя ва йилқи боқишарди. Чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотлари илгаригидек Бухоро ҳунармандларининг маҳсулотларига кўпдан-кўп бозорларда ва бевосита қишлоқларда айрибошланар эди. Бундай меҳнат тақсимиоти хўжаликнинг барча тармоқлар ривожини тезлаштириш, товар-пул муносабатларини ривожлантириш ва амирлик ҳудудида йирик шаҳарларнинг вужудга келишига ёрдам берди.

Амирликда XVIII асрнинг иккинчи ярми—XIX асрнинг биринчи ярмида катта сув иншоотлари барпо этилди. Бу ишлар айниқса Зарафшон водийсида жадал олиб борилиб, Жуй-Ҳурма ва Жуй-Саразм каналлари қазилди.

XVIII асрнинг 50-йилларидан эътиборан Зарафшоннинг суғориш тизимини тиклаш бошланиб, энг йирик Дарғом ариғининг тўғони тикланди. Шероз ва Ургутда ариқлар тозаланди ва бир қисми янгидан қазилди. Қашқадарё ва Оқдарёдан ариқлар чиқарилди. Зарафшондан Шоҳмурод даврида (1785—1800) айниқса кўлаб каналлар чиқарилди: Ургут туманини суғорувчи Қозонариқ. Шероз туманини суғорувчи Тайманариғи,

Сургут туманини суғорувчи Тўғуз ариғи шулар жумласидандир.

Суғориш шахобчаларининг ривожланиши ғалла ва пахта майдонларининг кенгайишига шунингдек сабзавотчилик ва боғдорчиликнинг ривож топишига олиб келди. Каналлар қазилишининг яна бир оқибати шу бўлдики, улар бўйлаб ўрнашган кўчманчилар деҳқончилик билан шуғуллана бошладилар. XVIII асрнинг охирларида Ғарбий Бухорода ҳам, Шарқий Бухорода ҳам кўчманчиларнинг ўтроқ аҳолига айланишидан иборат жараён давом этди.

Бухоро амирлигида олдинги асрлардагидек феодал ер эгаллигининг учала шакли ҳам яъни, давлат ер эгаллиги (амлок) хусусий ер эгаллиги (мулк), вақф ер эгаллиги тўла сақланиб қолган эди. Ер эгаллигининг асосий шакли бўлган давлат ер эгаллиги майдонида деҳқонлар ишлаган. Улар хазинага хирож ва бошқа солиқлар тўлаб туришган. XVII асрдан бошлаб ерга ишлашнинг танҳо кўриниши кенг тарқалган эди. Танҳодор ернинг эгаси бўлиб, унинг ҳуқуқи ерда ишлаётган деҳқондан солиқ олиш билан чекланарди Суюрғол қилиб берилган ерлар ҳам танҳонинг бир кўриниши ҳисобланарди.

Бу даврда хусусий ер эгаллиги (мулк) анча кенгайди. У икки қисмга бўлинган бўлиб учдан икки қисми давлат ерига, учдан бир қисми хусусий мулкка (мулки хурри холис) ажралган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рента солиғи (хирож, мавлуд, жиҳод-фавқуллода солиқ) нафақат давлат ерида, балки мулк ерида ҳам олиб борди. XVIII аср бошига келганда ҳукумат солиқни ошириш, ёки янги солиқ турини жорий қилишдан ҳам қўрқиб қолди. Жамоа тузуми қолдиги ҳисобланган деҳқон жамоалари тугатилиб, янги ижтимоий гуруҳ ижарачи деҳқонлар шакллана борди. Шундай қилиб, бу даврда ерга эгалик ва бойлик йирик феодаллар ва руҳонийлар қўлида тўплана борди.

Бухоро амирлигида солиқ турларидан энг кўзга кўринарлиси хирож эди. Хирож ҳосилнинг маълум қисми натурал ҳолда, яъни маҳсулот билан тўланадиган солиқ тури ҳисобланарди.

XIX аср бошларига келиб шаҳар ва шаҳар атрофи ерларидан хирожнинг маълум қисми пул кўринишида ундирила бошланган. Бу даврда Бухоро амирлиги солиқ тизимида XVI—XVIII аср биринчи ярмига нисбатан алоҳида ўзгариш кўзга ташланмайди. Қонунлаштирил-

ган ер солиғидан ташқари деҳқонлар зиммасига ҳар бир таноб боғ ёки полиз ерига алоҳида солиқ — таноб пули, бедазорларга алаф пули солинарди. Бу солиқларнинг миқдори ер майдонига кўра турлича бўларди.

XIX асрнинг 50-йиллари охирида, Амир Насрулло (1827—1860) даврида бу солиқларга ўзгартиришлар киритилди. Яъни, полизларга янги солиқ қўш пули белгиланди. Бунда қўшга қўшиладиган ва мавсумда маълум ер майдонини ҳайдай оладиган ҳар бир жуфт ҳўкиз ҳисобга олинарди.

Бошқа солиқлар орасида закот деб аталган давлат солиғи (солиқ солинадиган нарса қийматининг 40 дан 1 улуши миқдориди) энг муҳим солиқ эди. Чорвачилик ҳудудларида қорамолдан закот маҳсулот билан олинарди. Бундан ташқари тўла, далоли, сув ҳақи, пули тахта жой, яксара, нимсара каби солиқ турлари ҳам мавжуд эди.

Бухоро амирлигидаги шаҳар аҳолисининг кўпчилигини ҳунармандлар ва савдогарлар ташкил этарди. Аҳолининг катта қисми фуқаро деб аталарди. Ҳарбий, бошлиқлар, амалдорлар ўзи эгаллаб турган лавозими, даромади, турмуш тарзи, ҳатто кийиниш билан оддий фуқародан ажралиб турарди. Амир бошлиқ йирик феодаллар карвонсарой, бозор, дўкон ва бошқа даромад манбаи бўлган жойларнинг эгаси ҳисобланиб, улар бу жойларни ижарага беришар ва савдо-сотик ишларидан катта фойда олишарди. Ҳунармандлар ва мардикорларнинг аҳволи жуда оғир эди. Улар хизматига жуда кам ҳақ тўланарди. Шундай бўлса ҳам қишлоқ аҳолиси ўз тирикчилигини ўтказиш учун шаҳарга келишарди. Чунки қишлоқларда аҳвол янада оғирроқ бўлиб меҳнаткашларнинг кунини ўтказиши ҳам муаммо эди.

Амирларнинг пойтахти Бухоро шаҳри паҳса ва пишиқ ғиштли девор билан ўралган бўлиб, унда 12 та дарвоза ва 15 минг ҳовли бор эди. Бухоро аҳолиси қишда совуқдан, ёзда иссиқдан, қийналиб йил бўйи ичимлик сув етишмовчилигидан ҳаёт кечирарди. Бухорода 200 та масжид ва 100 дан ортиқ мадраса бор эди. Зиёратгоҳ мазорларга минглаб одамлар келиб туришарди. Мадрасалар ҳужраларида иккитадан талаба яшарди. Мадраса хусусий кишилар инъоми (вақф) ҳисобига яшарди.

Кўпгина иккинчи даражали шаҳарлар XVIII асрнинг иккинчи ярмида йирик савдо ҳунармандчилик

марказларига айландилар. Шундай шаҳарлардан бири Қарши шаҳри эди.

Ҳунармандчилик Бухорода ниебатан юқори даражада эди. Қўшни кўчманчилар билан ва Россия билан савдо алоқаларининг кенгайиши тўқимачилик саноати ривожланишини тезлаштирди. Лекин тўқимачилик кустар саноат кўринишида эди. Бухородаги тикувчилар жуда сифатли матолар тикишарди. Бухоро матолари қўшни мамлакатларда ҳам жуда қадрланган.

Пахта, ипак матолар билан бирга Бухоро ҳунармандлари жуң матолар ҳам тўқишарди. Металл ва сополдан санъат асарларини яратишарди. Ярим кўчманчи аҳоли орасида терини қайта ишлаш, ундан турли хил маҳсулотлар яратиш кенг йўлга қўйилган эди. Кумуш, темир, чўян Бухорода ҳамиша камёб хомашё ҳисобланган. Шу сабабли улардан ясалган асбобларга талаб жуда катта бўлган.

XIX аср бошларигача Россиядан металл чиқариш тақиқланган бўлиб, баъзан Бухоро амирлари илтимосига кўра металл юборилган. Масалан, 1731 йилда Бухоро амирига 3000 пуд кумуш сотиб олишга рухсат берилган.

Бухорода заргарлик ишлари ҳам анча ривожланган. Заргарчилик билан кўпроқ келгинди ҳиндлар ва маҳаллий лўлилар шуғулланар эди. Аёллар безаклари, от ва қурол-яроғларни қимматбаҳо металл билан тоқлардан ясаш кенг йўлга қўйилган эди. Бухоро амирлигида шунингдек, дурадгорлик, этикдўзлик ва кулалчилик ҳам анча ривож топган эди.

Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

XVII аср Бухоро хонлигидаги иқтисодий ва сиёсий тушкунлик хонликнинг парчаланишига олиб келди. Бу даврда Фарғона хонликдан алоҳида ўлка сифатида ажралиб чиқди. XVIII асрнинг бошларида, 1710 йилларда ўзини Чингизхон авлодидан деб ҳисоблаган ва ўзбекларнинг минг уруғидан бўлмиш Шоҳруҳбий ҳокимиятни қўлга олди.

Минглар судоласи кейинчалик Сирдарё ҳавзасини ва Еттисувнинг бир қисмини ҳам эгалладилар. XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Қўқон хонлигига Тошкент, Туркистон, Уратепа, Хўжанд қўшиб олинди. Бутун XIX

аср давомида Уратепа, Хўжанд ва Жиззах учун Бухоро амирлари билан шиддатли кураш олиб борилиб, улар тез-тез қўлдан-қўлга ўтиб турди.

Қўқон хонлиги сиёсий тарихидаги кўплаб воқеалар хонлик ҳудудида яшаган халқларнинг ички ҳаётида ҳам уларнинг атрофидаги халқлар ва мамлакатлар ҳаётида ҳам катта из қолдирди. XIX аср бошларида бир неча бекликларга бўлинган кичкина давлат бўлган Қўқон хонлиги 20—30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги энг йирик давлатдан бирига айланди. Унинг таркибига жанубда Помир тоғларидан то Шимол-шарқдаги Или дарёси ҳавзасигача бўлган катта ҳудуд кирар эди. Янгидан барпо бўлган давлат пойтахти Қўқон шаҳри бўлиб қолаверди. Қўқон шаҳри Шоҳруҳнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий (1722—1733) томонидан қурилгани учун дастлаб унинг номи билан «Қалъаи Раҳимбий» деб аталган. Ривоятга қараганда, Қўқон Раҳимбий томонидан атрофлардаги ерлари билан сотиб олинган тўртта қишлоқ ўрнида қурилган. Раҳимбий Хўжанднинг мустақил ҳокими бўлмиш қайнотаси Оқбутабийдан қочиб, бу ерга келган эди. Раҳимбий Оқбутабийни ўлдириш ва Хўжандни қўшиб олиш билан Фарғона водийси ерларини бирлаштириш ишини бошлади. Раҳимбий Хўжандни бўйсундирганидан кейин, Марғилон ва Андижонда ўз ҳокимиятини ўрнатди ва Самарқанд ҳамда Каттақўрғон устига юриш қилди. У урушиб олган шаҳарларида ўз ноибларини қолдирарди. Раҳимбийнинг вориси Абдулкарим (1733—1748) Хўжандда қолмади, у тезда Қўқонга келди ва уни қуриб битказди. 1748 йилда Абдулкарим вафот этганидан сўнг Қўқон тахтига унинг ўғли Эрдонабий ўтирди. Узидан олдинги ўтган хонлар каби Эрдонабий ҳам қўшни қабилалар ва вилоятлар устига ҳарбий юришлар қилиб хонлик ҳудудларни кенгайтиришга ҳаракат қилди.

XVIII асрнинг 70-йилларидан охирларигача Қўқон хонлигини Абдулкаримнинг невараси Норбутабий (1770—1800) идора этди. Унинг тахтга чиқиш даври сарой фитналари ва ўлдиришлар билан боғлиқ бўлди.

Норбута хонлик қила бошлаган даврнинг бошларидаёқ Чуст ва Наманган ҳокимларининг ўзбошимчилигини тугатиш зарурияти туғилди. Кейин у қўзғолон кўтарган Хўжанд ҳокими устидан ғалаба қилди ва бу шаҳарни Қўқон хонлигига бутунлай қўшиб олди, бу даврда Уратепа Бухорога номигагина бўйсунарди.

Норбутанинڭ ўгли ва вориси Олимхон XIX асрнинг дастлабки ўн йиллигида (1800—1809) хон тахтини эгаллагач Қўқон хонлигининг сиёсий қудрати мустақамлана бошлади. У Фарғонани қўли остида бирлаштиришга, Тошкент билан Чимкентни буйсундиришга муваффақ бўлди.

Олимхон қарийиб бутун вақтини қўшинлари билан урушда ўтказди. У Тошкентни босиб олгандан кейин бу ерга Юнусхўжанинڭ ўгли Ҳамидхўжани ҳоким қилиб тайинлади. Бироқ Ҳамидхўжанинڭ мустақил бўлишга интилиши қўқонликларнинг яна Тошкент устига юриш қилишга ва уни талашига сабаб бўлди.

Уратепага 12-марта юришга тайёрланар экан, Олимхон қурол ушлашга қодир ҳар бир одам лашкарга келмаса қатл этилади ва мол мулки мусодара қилинади деб эълон қилди. Узлуксиз жангу жадаллари учун уни халқ ёмон кўрар, бу норозилик эса пирвордида фитнага олиб келди. Тўғри, дастлабки, уринишда уни оғир ярадор қила олишди; холос. Лекин 1809 йили қозоқларга қарши юриш вақтида Қўқондан 7—8 чақирим масофада у фитначилар томонидан ўлдирилди. Унинг фитнада қатнашган укаси Умархон эса тахтга чиқди.

Умархоннинг (1809—1822) дастлаб қилган иши шу бўлдики, Бухорога қарашли Туркистонга қўшин тортди ва Сирдарёнинг юқори оқимида яшовчи қозоқларни қўли остига қўшиб олди. Тошкент, Бухоро, Ҳива йўллари чорраҳасида у Оқмачит қалъаси қурдирди. 1821 йили қозоқлар қўқонликларга қарши бош кўтарди. Бу қўзғолон кейинчалик бостирилди. Қўқон хонлигининг кучайиши ҳукмдорни мустақил давлат раҳбари сифатида расмийлаштиришга ҳуқуқий эҳтиёж уйғотди. Умархон дин пешволаридан ўзига «Амир ал-муслим» унвонини беришни талаб қилди. Қўқонлик уламолар қарамоғида 12 минг нафақахўри бўлган ҳукмдоргина бу унвонни олиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтириб беришди. Хон аҳоли рўйхати бўйича унинг қўл остида шундай одамлар қанчалигини ҳисоблаб чиқишни буюрди ва улар гўё 40 минг киши бўлиб чиқди. Натижада Умархонга «Амир ал-муслимин» унвони берилди, у энди ўз номидан танга зарб қилиш ва номи жума номозида хутбага қўшиб ўқилиши ҳуқуқига эришди.

Умархон вафотидан кейин 12 ёшли ўгли Муҳаммад Али (1822—1842) тахтга чиқиб, ўз ҳукмронлигини отаси даврида ёмон кўрган амалдорларни қатл этишдан

бошлади. Шу мақсадда у хонлиқнинг барча шаҳарларига махфий қотилларни юбориб турди, бу эса маҳаллий амалдорлар орасидан норозиликлар кўпайишига олиб келди.

1825 йилга келиб Муҳаммад Алихон хитойлар мусулмонларни Фарғонага кўчириб юбораётгани ва хўжалар қувғин этилаётгани хабари баҳонасида Шарқий Туркистонга юриш қилди. 1829 йили у яна Қашғарга юриш қилиб, 70 мингга яқин кишини кўчиртириб келди ҳамда Шаҳрихон ва унинг атрофидаги қишлоқларга жойлаштирди. Олтой тоғи ортидаги тоғлиқ тожикларни бўйсундириш бошланди, бироқ фақат Қоратегин бўйсундирилди холос. Шўғнон, Рўмон, Воқон беклари амалда мустақиллигича қолди. Хушомадгўйлар Муҳаммад Алихонни Ғозий — дин йўлида курашувчи деб аташарди. Бироқ ундан ҳам норозилар кўп эди, айниқса унинг оғир гуноҳи — иккита туғишган синглиси бўлгани ҳолда ўғай онасига уйлангани ҳақида уйдурма тарқатишди. Дин пешволари уни худодан қайтган, диндан чиққан шакок деб эълон қилишди. Хоннинг ғанимлари унинг устидан Бухоро амири Насруллога шикоят қилишди.

Бухоро амири 1840 йили Қўқонга юборган элчи Муҳаммад Алихон ўғай онасига уйлангани учун кофир деб эълон қилинган, деган фатвои олиб келди. Шунда Муҳаммад Алихон Бухорога қарши қўшин тортди. Лекин жангда енгилгач, ўзини амирга тобе деб тан олишга ва Хўжандни топширишга мажбур бўлди. Икки йилдан сўнг Қўқонда хоннинг зулмига қарши кўзғолон кўтарилди ва катта қийинчиликлар билан бостирилди. Амир Насрулло эса бундан фойдаланиб, 1842 йили Қўқонга янги юриш қилди ва уни босиб олиб талон-тарож этди. Насрулло Қўқон хонлигини Бухорога қўшиб олишни ва қўқонлик амалдорларни Бухорога кўчиришни эълон қилди. Шундан сўнг Муҳаммад Алихон, унинг онаси, катта ўғли ва укаси ҳамманинг кўз ўнгида ўлдирилди. Қўқонлик 250 нафар йирик амалдорлар оиласи билан асирга олиниб, Бухорога жўнатилди. Кўп ўтмай Тошкент ҳам Бухорога қўшиб олинди.

Бироқ уч ой ўтгандан кейин 1842 йилда ёзда Қўқонда кўзғолон кўтарилиб, Насруллонинг ҳокимияти ағдарилиб ташланди. Солиқ йиғувчиларнинг зулмидан тўйиб кетган қўқонликлар Фарғона водийсига кўчиб юрган қипчоқлар билан алоқа боғлашди ва Олимхоннинг Та-

ласда яшаётган жияни — Шерали хон деб кўтарилди.

Бухоронинг ноиб қочди, бухоролик қўшин ва амалдорлар қириб ташланди. Шерали (1842—1845) Қўқон чегарасини мудофаа деворлар билан айлангириб олди. Бухороликларнинг Қўқонни қамал қилиши муваффақиятсизликка учради. Қўқонликлар 40 кун мобайнида бухороликларнинг 9 та ҳужумини қайтаришди. Шу орада Бухорога Хива хони Оллоқули ҳужум қилгани ҳақида хабар келди ва Насрулло қайтиб кетишга мажбур бўлди. Кўп ўтмай Хўжанд ўз ихтиёри билан Қўқон хонлигига қўшилди, Тошкент қайта эгалланди ва хонлик чегаралари тикланди.

Бироқ Шералига тахтга чиқишга ёрдам берган қипчоқлар энди хонликдаги олий мансабларни эгаллашга урина бошладилар, хон эса унга йўл қўймади. Шунда қипчоқлар қўзғолон кўтариб, Қўқонга юриш қилишди ва шаҳарни босиб олишди. Қипчоқ оқсоқолларининг кенгаши тахтда Шералихонни ўзини қолдиришди, бироқ амири лашкар (бош қўмондон) мансабига қипчоқларнинг қўлон уруғи бошлиғи, Бухорода турган Мусулмонқулни тайинлади. Уша йили (1845) Қўқонда қўзғолон кўтарилиб, Шералихон ўлдирилди ва тахтга унинг ўғли, 13 ёшли Худоёрхон ўтқазилди.

1850 йилга келиб Худоёрхон вояга етгач, қайнотасининг васийлиги унга малол кела бошлади. Мусулмонқулнинг эса Тошкентга, Уратепа ва Хўжандга муваффақиятсиз юришларидан кейин пойтахтга қайтишга юраги бетламаётган эди. Ана шунда Худоёрхон маҳаллий аҳоли ёрдамига таянган ҳолда қипчоқлар ҳукмронлигига барҳам беришга қарор қилди.

1852 йил 9 октябрь Қурбон ҳайити куни эрта билан Худоёрхон салом қабул қилаётган эди. Шу маросим пайтида Тошкентдан чақирилган қўшин қипчоқларни қира бошлади. Улар ўз уйида, кўчада, боғлару, мажидларда ўлдирилар эди. Мусулмонқул Қўқонда қатл этилди, қипчоқларнинг ерлари мусодара қилиниб, аҳолига мажбурий суратда сотилди.

1853 йили рус қўшинларининг Оқмачит, Жўлак, Қумушқўрғонга юриши бошланди. Худоёрхон Қўқоннинг сўнгги мустақил хони бўлиб қолди.

Қўқон хонлиги XIX асрнинг биринчи ярмида шимолда Россия билан (улар ўртасида ҳувиллаб ётган чул бер эди); ғарбда Хива ва Бухоро билан; жанубда Қоратепа, Дарбоз ва Қўлоб билан; шарқда Шарқий Туркистон

билан чегарадош эди. Қўқон хонлиги таркибига қуйидаги вилоятлар ва шаҳарлар кирарди. Сирдарёнинг сўл соҳили билан Қоратегин оралиғидаги Қўқон вилояти; Сирдарёнинг ўнг соҳилидан то Олатовгача бўлган Наманган вилояти, Хўжанд шаҳри; Хўжанд билан Тошкент оралиғида Уратепа вилояти; хонликнинг энг шимолий вилояти Туркистон Бекпақдала саҳроларига бориб тақаларди. Бундан ташқари хонлик таркибига Балхаш кўли билан Сирдарёнинг юқори оқими оралиғидаги ерлар кирарди. Биллур тоғнинг ғарбий томонидаги Қоратегин, Барбоз, Қуллол, Шўғнон сингари бир қатор тоғли туманлар ҳам Қўқон хонлигига тегишли эди. Бу ерлар қўқонликларга XIX асрнинг 30-йилларида бўйсундирилган бўлса-да, улар тез-тез қўлдан кетиб, Бухоро амирлиги ихтиёрига ўтиб турарди.

Қўқон хонлиги аҳолисининг сони XIX асрнинг ўрталарида 3 миллионга яқин эди. Россия уни шимол-ғарбий вилоятларини босиб олгач, хонлик ҳудуди анча қисқариб, асосан Фарғона водийси билан чекланади ва аҳоли сони тахминан 2 миллионга тушиб қолди. Айрим шаҳарлар ҳақидаги муайян маълумотлар сақланиб қолган сайёҳларнинг маълумотларига кўра ўша даврда Қўқонда 80 минг, Тошкентда 60 минг киши яшаган.

Қўқон хонлигининг аҳолиси асосан ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар, қорақалпоқлардан иборат эди. Бу ерда оз миқдорда яҳудийлар, ҳиндлар, татарлар ва бошқа элатларнинг вакиллари ҳам яшар эдилар. Утроқ аҳолининг кўпчилиги ўзбеклар бўлиб, уларнинг асосий қисми бу ерда XIX асрнинг биринчи ярмида ва ундан олдин кўчиб келишган эди.

XVIII асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий воқеалар, айниқса, Бухоро хонлигидаги можаролар ва жунғорларнинг Тошкентга ва Урта Осиёнинг шимолий-шарқий туманларига бостириб келиши аҳолининг Фарғона водийсига кўчиб келишига сабаб бўлди. Ҳисор сингари Фарғона ҳам географик жиҳатдан қулай жойлашган бўлиб, турли можаролардан четроқда турганлиги сабабли кўплаб кишилар шу томонларга кўчиб келишарди.

Қўқон хонлигида ҳам аҳоли сувдан оқилона фойдаланарди, чунки улар ер суғориш маҳоратини мукаммал эгаллаган эдилар. 1819 йилда қазила бошланган янги ариқнинг чиқарилиши бунга яққол мисол бўла олади. Норин дарёсидан сув чиқариладиган канал бошлангач, хон фармойишига биноан Наманган вилоятидаги ҳар

бир хонадондан канал қазиб бўлунгунча биттадан ишчи ажратилди. Ҳар бир канал қазувчи кетмон ва 15 кунлик овқат билан келиши керак эди. Бошқа вилоятдан ҳам белгиланган миқдорда одам юборилиши керак эди. Канал қазишда кўпгина фалокатлар юз бериб турарди. Масалан, «Ҳикоятхон» ариғи қазилишида минглаб одамлар ишлади. Ариқнинг охири тик қиялик орқали ўтарди. Шу ерда тоғ кўчиб 180 кишини босиб қолди. Шунга қарамай Худоёрхон ишни давом эттиришни буюрди. Мажбуран ҳайдаб келтирилган одамлар ишлаётганда кўпгина одамлар кўчки остида қолиб ҳалок бўлишди. Шундан кейингина ишлар тўхтатилди.

Қўқон хонлиги ерларида буғдой, арпа, тарик, жўхори, шоли, мош, ловия, пахта, беда; полиз экинларидан: қовун, тарвуз, бодринг, қовоқ; мевалардан: узум, ўрик, шафтоли, олма, нок, беҳи, ёнғоқ, олхўри, олма, гилос; сазавотлардан: сабзи, пиёз, лавлаги ва ҳоказолар етиштирилди.

Қўқон хонлигида пахтачилик алоҳида ўрин эгалларди. Фарғона водийсининг кўпгина деҳқонлари пахтакор бўлиб, ҳатто Америка навларини ҳам экиб кўришди. Худоёрхон бунинг учун ўзининг ёзги қароргоҳи «Афғонбек» боғи яқинидан жой ажратиб берди. Лекин тажриба муваффақиятли чиқмади. Шунга қарамай пахтачилик йилдан йилга ривожлана борди. Россиянинг Марказий Осиёдан, аввало, Қўқондан пахта сотиб ола бошлаши экин майдонларининг кенгайишига сабаб бўлди. Пахта савдосига бож ҳам бекор қилинди, шу сабабли Қўқон савдогарлари Россияга серқатнов бўлиб қолишди. Талабнинг ўсиб бориши билан пахта нархи ошиб борди. Кўпроқ пахта етиштириш деҳқонлар учун фойдали бўлгани сабабли бошқа экин майдонлари чекланиб, пахта майдонлари кенгайверди.

XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигида кўпгина шаҳарлар бўлиб, улар орасида Қўқон, Тошкент, Андижон, Марғилон, Хўжанд, Уш, Чимкент, Туркистон йирик сийсий, иқтисодий ва ҳарбий муҳим марказлар ҳисобланарди. Хонликнинг пойтахти Қўқонда 80 мингга яқин аҳоли яшарди. 1709 йилда қайта тикланган Қўқон шаҳри 1742 йилда қалъа девори билан ўраб олинди ва 12 та дарвоза қурилди.

Пойтахтдаги 540 маҳалланинг ҳар бирида масжид ва шаҳарда 15 та мадраса бор эди. Шаҳар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчилик, савдо билан шуғулланарди.

гулланар, камбағал аҳолининг кўпчилиги мардикорчилик қилар, шунингдек хоннинг сарбозлари сифатида хизмат қиларди.

60 минг га яқин аҳоли яшайдиган Тошкент ўз аҳамияти жиҳатидан хонлик пойтахтидан кейин иккинчи ўринда турарди. Қўқон — Россия муносабатлари натижасида Тошкент муҳим иқтисодий ва йирик савдо марказларидан бирига айланди. Шаҳар аҳолиси асосан ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланарди. Шу билан бирга боғдорчилик ҳам кенг ривожланган эди.

Қўқон хонлигида қадимий шаҳарлардан ҳисобланган Марғилон шаҳрида бирорта кўзга ташланадиган ёдгорлик йўқ эди. Марғилолда тилла сотиладиган асосий бозор бўлган. Унда кўплаб пиллакашлик ва шойи тўқиш устахоналари бор эди.

Умуман Қўқон хонлигидаги шаҳарлар бир хилда бўлиб, бир-биридан аҳолисининг, мадраса ва масжидларнинг сони, маҳсулотининг сифати билангина фарқ қиларди. У ёки бу шаҳарнинг аҳамияти унинг мавқеи билан белгиланарди. Катта шаҳарларга хоннинг ўғиллари ёки яқин қариндошлари ҳукмронлик қилишган.

Қўқон хонлигида ҳам асосий солиқлардан бири хирож эди. Унинг миқдори экин тури ва ерига қараб турлича бўларди.

Тайинланган солиқлардан ташқари аҳоли зиммасига бир қанча мажбуриятлар ҳам юклатилган эди. Аҳоли қалъалар, сув иншоотлари қуришда ва уларни таъмирлашда, уруш ҳаракатларида қатнашишга мажбур эдилар. Ҳашар энг кўп тарқалган мажбуриятлардан бири эди. Ҳарбий хизмат мажбурияти энг оғир бўлиб, эркак аҳоли унда қатнашиши шарт эди. Ўзаро феодал урушлар мамлакат иқтисодиётига оғир таъсир қилар, кўплаб оилаларни боқувчисиз қолдирар эди.

Қўқон хонлигидаги халқ ҳаракатлари тўғрисида манбалар жуда кам. Шундай бўлса ҳам, баъзи манбаларда эслатиб ўтилган воқеалар асосида Қўқон хонлигидаги исёнлар ва халқ ҳаракатлари тўғрисида гапириб ўтиш мумкин.

«Ансоб ва салатин ва таводиҳ ал-хавакин» кўлёмасида Абдулкаримхон (1733—1749) ҳукмронлиги давридаги қипчоқлар кўзғолони ҳақида маълумот бор. Кўзғолон Фарғона водийсига қалмиқларнинг 1745—1746 йиллардаги талончилик юришлари оқибатида кўтарилган. Халқни ҳимоя қила олмаётган ҳукмдордан норози-

лик авж олади ва бундан қипчоқ задагонлари фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишди. Натижада хон ва унинг яқинлари Қўқонда қипчоқларни қирғин қилишади.

1799 йилда Чуст ҳокими Бузрукхўжа Норбутабийга (1770—1800) қарши чиқди. Лекин халқ уни қўлламади ва хонга ушлаб беришди.

Олимхон Тошкентни эгаллагач, унга яқин бўлган Ниёзбек қалъасида гарнизон қолдирган эди. Бу гарнизон тошкентликлардан кўп солиқ олиб сувни ўз вақтида беришмади. Натижада 1808 йилда тошкентликлар қўзғолон кўтаришди. Олимхон кўшинлари қаттиқ жангдан кейингина қўзғолонни бостирдилар.

1809 йилда Тошкент атрофидаги кўчманчи қозоқлар солиқ тўламай қўйишди ва Олимхон Қозоқ даштларида мустақамлаиш ҳамда қўзғолонни бостириш учун катта кўшин билан етиб келди. Унинг лашкарлари Чимкент, Сайрам, Туркистон ва Авлиё-Отани талон-тарож қилишди.

XIX аср Қўқон муаллифларининг кўпчилиги Умархон (1810—1822) ҳукмронлиги даврини мақтаб ёзишади. Лекин унинг давридаги исёнлар ва қўзғолонлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишади. Жумладан XIX асрнинг 20-йилларида Чимкент, Сайрам, Боғистон қозоқларининг хонлик тузумига очиқ норозилик билдирилганлигини кўрсатишади. 1821 йилда Тентак тўра бошчилигида Сайрам ва Чимкентда қўзғолон бўлган. Умархон кўшинлари қаттиқ жанглардан кейин қўзғолонни бостиришган.

1832 йилда қирғизлар қўзғолони, 1839 йилда халқнинг оғир аҳволи сабабли кўтарилган Қоратегиндаги қўзғолонлар ҳам қаттиқ қўллик билан бостирилиб турган.

XIX асрнинг 40-йилларидаги Хўжа Қаландар бошчилигидаги халқ ҳаракати ҳам алоҳида эътиборга молик. У хондан бир кунга хонлик ҳокимиятини сураб олади. Амир Насруллодан енгилиб, Хўжандни унга топшираётган, ҳаёти хавф остида бўлган Муҳаммад Алихон шунга мажбур бўлди. Халқ бундан фойдаланиб кўпгина маҳаллий амалдорлардан ўнларини ола бошлашди. Бу ҳаракат ҳукмдорларнинг ташқи душман олдида ожизлиги ва халқдан нажот излагандигининг натижаси эди. Лекин қўзғолончилар беҳосдан берилган ҳокимиятдан тўла фойдалана олишмади.

Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги давридаги феодал

урушлар, халқ аҳволининг оғирлашганлиги, солиқ ва туловларнинг кўпайиши натижасида 1841 йилда қўқонликлар умумий қўзғолон кўтаришди. Бундан фойдаланган Бухоро амири Насрулло 1842 йилда қийинчиликсиз Қўқонни босиб олди.

4-§. XVI—XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХИВА ХОНЛИГИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ

Хива хонлигининг ташкил топиши ва ривожланиши

Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган Хоразм қадимий деҳқончилик марказларидан бири ҳисобланади. Осийё ва Европа мамлакатлари орасидаги савдо йўллари шу ҳудуддан ўтиб, қуйи Волга ва ундан Фарбга кетгандир. Бутун ўтган тарих давомида бу вилоят бойлиги босқинчиларининг эътиборини тортиб келган.

XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрдаги бошқа ҳудудлар қатори Хоразм ҳам темурийлар тасаруффи остида эди. XVI аср бошидан бутун Мовароуннаҳрни Темурийлардан тортиб олган Муҳаммад Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбек қабилалари Хоразмни ҳам эгаллаб олиш учун юриш қилишди. Суфийлар сулоласидан бўлган Хоразм ҳукмдори Чин Суфи Темурий Султон Ҳусайндан ёрдам сўраб Муҳаммад Шайбонийхон ҳужумига қаттиқ қаршилик кўрсатди. Ёрдам етиб келмагач, 10 ойлик қамалдан кейин Урганч Муҳаммад Шайбонийхон томонидан эгалланди. Натижада Хоразм ҳам Шайбонийлар давлати таркибига кирди.

1510 йилда Шайбонийхон вафотидан кейин Хоразм Эрон шоҳи Исмоил Сафовий ҳукмронлиги остига тушиб қолди. Хоразм шаҳарларини бошқариш учун Эрон шоҳи ўз ҳукмдорлари, доруғаларини Хива, Хазорасп, Урганч ва Вазир шаҳарларига жўнатди. Абулғоziхон маълумотларига кўра Урганчга Субхонқули араб, Вазир шаҳрига Раҳмонқули араб доруға қилиб тайинланди. Янги ҳокимларга қарши маҳаллий аҳоли қаттиқ қаршилик кўрсатишган. Бу қаршилик ҳаракатига Вазир шаҳрида яшовчи Умар деган одам бошчилик қилган. Қизил бошлиқларни, яъни шоҳ Исмоил одамларини Хоразмдан ҳайдаш учун 2 йил вақт кетган. Ҳукмдорларни Дашти Қипчоқ вакилларига алмаштиришда шайх Саид ота авлодларидан бўлган Саид Хисомиддин

ҳаракат ташкилотчиларидан бири бўлган. У бошчилигида Жўжи авлодидан бўлган Берка султоннинг ўғли Элбарсхон Вазир шахрига таклиф этилди. Элбарсхон ўз укаси Бейбарс билан Хоразмга келаётганини эшитган аҳоли эронийларга қарши кўзғолон кўтариб уларни бутунлай қириб ташлашди. Элбарсхон Вазир шахрига кириб келди ва 1551 йилда Хоразм тахтини эгаллади. Вазир яқинидаги янги шаҳарлар ва Тирсак каби аҳоли яшайдиган ерларни Элбарсхон укаси Бейбарс Султонга ажратиб берди. Ҳамма шаҳарлар ҳам Дашти Қипчоқ султонларига дарҳол бўйсунгани йўқ. Урганч, Хива ҳокимлари уларга қаршилик кўрсатишди. Урганч доруғаси Субхонқули араб Элбарс кўшинларидан енгилгач; бошқа эронийлар ҳам ўз жонларини сақлаш мақсадида қочиб кетишди.

Шоҳ Исмоилнинг ўлими 1524 йилда ўзбекларнинг Урганчда мустақкам ўрнашиб, бу ҳудудда анчагина ерларни Шарқда ҳозирги Туркменистоннинг жанубий қисмини, Эроннинг шимолида эса Сарахс ноҳиясини, Орол ва Манғишлоқни қўшиб олишга имкон берди. Давлат тепасида Шайбоний Элбарс турди. Бироқ давлати мустақкам эмас эди ва вилоят ҳокимлари ўзларини мустақил ҳисоблашар эдилар. Элбарс вафотидан кейин (1525) Хива тахтида хонларнинг мунтазам алмашиниб туриши тезлашди, унинг бешинчи вориси бўлмиш Аванешхон (1537) ҳукмронлиги даврида Хоразм хонлигини Шайбоний Убайдуллахон босиб олди. Бироқ бу ерда мустақкам ўрнашиб ололмади, кўп ўтмай (1538) Хоразм Аванешхоннинг хеш-ақроблари томонидан озод қилинди.

Ҳажим Султон (1558—1602) даврида Хоразмни тобе қилишга уриниш 1575 йилда Абдуллахон II томонидан такрорланди, лекин ниятига эришолмади. Шунга қарамай Хоразмни олиш учун кураш давом этди ва ниҳоят 1593 йилда уни Абдуллахон эгаллади. Бироқ Абдуллахоннинг 1598 йили вафот этиши Шайбонийлар давлатига низо ва тартибсизликлар олиб келди. Бунинг оқибатида Хоразм ўз мустақиллигини ўзил-кесил қарор топтирди. Элбарс ҳукмронлик қилган Хива хонлиги тасарруфига Амударё этакларидаги қадимги Хоразм воҳаси шунингдек Манғишлоқнинг Абдуллахон тоғлари, Даҳистон (Машҳад, Мисриён ва Ўзбой), кўчманчи туркман ҳудудлари кирган. Амударёнинг ўз йўналишини ўзгартириб Каспий денгизига оқмай қўйиши

(1573—1575) ва 15 йил Орол денгизи томон бурилиб оқиши натижасида эски ўзан атрофидаги ерлар чўлга айланди ва бу Хива хонлиги иқтисоди учун катта талофат бўлди. Урганч ва унинг атрофлари, унга қарши қишлоқлар чўлга айланди, аҳоли кўчиб кета бошлади.

XVII асрда ҳам хонликда Дарвеш шайхларининг таъсири катта бўлди. Уларнинг кўпчилиги оддий аҳолига яқин бўлиб катта ҳурматга эга эди. Ҳатто улар билан ҳукмрон сулола вакиллари ҳам ҳисоблашар, чунки Дарвеш шайхлари сулолавий курашда фаол қатнашганлар. 1622 йилда Шайх ота авлодларидан бири Араб Муҳаммадхон (1602—1623) ўғилларига отасига қарши курашда ёрдам берган. Араб Муҳаммад ўғиллари Ҳабаш ва Илбарс отасига қарши чиқиб, уни қўлга олишди ва кўзини кўр қилишга буйруқ қилишган. Хива тахтига ўтирган Элбарс кўп ўтмай укаси Асфандиёр томондан тахтдан афдарилган.

Асфандиёр ҳукмронлиги (1623—1643) йилларида Хива хонлигида Амударё қуйи оқимларида жойлашган Орол ҳокимлиги алоҳида ўрин эгаллаган. Орол ҳокимлари бир неча марта Хива хонлигидан ажралиб, мустақил бўлиб олса ҳам Хоразм сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Шу билан бирга сулолавий курашларда туркман қабилалари ҳам қатнаша бошлади. Айниқса, туркман қабилалари ёрдамида тахтга ўтирган Асфандиёрхон туркманларни ўзига яқинлаштириб, ўзбек қабилаларини сиқиб чиқара бошлади. Асфандиёр ўлиmidан кейин хон тахтини унинг кичик укаси Абулғози (1643—1663) эгаллади. Лекин у ўз ҳукмронлигини мустақкамлаш учун узоқ йиллар давомида уруш олиб боришга мажбур бўлди.

Абулғозининг сўзларига қараганда, у Араб Муҳаммадхоннинг ўғли бўлиб, 1605 йилда Урганчда туғилган, 6 ёшида онасидан айрилган, Абулғози Урганчда отаси уйда тарбия топди. Отаси уни 16 ёшида уйллатириб Урганч шаҳрининг ярмини Абулғозига, ярмини Ҳабаш Султонга мулк қилиб берган. Араб Муҳаммаднинг ўзи эса пойтахтни Хива шаҳрига кўчирган.

Абулғозининг 5 та ака-укаси бор эди. Ҳабаш ҳамда Элбарс номли akalари билан келиша олмаган, аввал отаси ёнига, кейин эса Бухорога Имомқулихон олдига кетиб қолади. Тахтни эгаллаган Асфандиёр таклифи билан орадан 2 йил ўтгач Хоразмга қайтиб келади. Акаси унга Урганч шаҳри ҳокимлигини беради, лекин

ака-ука келиша олмай қолгач, Туркистонга Ишомхон хузурига қочиб кетади. «Шажари-турк» китобида ёзилишича Абулғози бир қанча вақт Тошкентда ҳам яшаган. Сулолавий курашлар натижасида Асфандиёрхон Абулғозини Эрон шоҳи Сефи I хузурига омонат тариқасида жўнатган. Абулғози Исфажонда назоратчилар кўзи остида 10 йил яшашга мажбур бўлди. Тутқунликнинг 11-йилида Абулғози қочиб озодликка чиқди ва 3 йил туркманлар орасида яшади. 1643 йили акаси Асфандиёр ўлиmidан кейин Абулғози хон қилиб қутарилди. Унинг 12-йиллик ҳукмронлик даври туркманлар ва қалмоқ қабилаларига қарши кураш билан ўтди. Умрининг охирида Абулғозихон давлат ишларидан четлашиб тарихий китоб ёзиш билан шуғулланди. «Шажараи-турк», «Шажараи-тарокима» тарихий асарлари маънавий меросимизнинг ажойиб ёдгорлиги ҳисобланади.

Бухоро хони Абдулазиз (1645—1680) ва укаси Субхонқули (1680—1703) ўртасидаги низодан фойдаланган Абулғози Бухорога қарши бир неча урушлар олиб борди. Хива аскарлари Чоржўй, Варданза, Қорақўл, Карманагача бўлган ерларни бир неча бор талашди. Абулғозихон ўзи раҳбарлигида 1658 йилда Варданза таланди. 1667 йилда Бухорога кириб борибди. 1662 йилда Абулғозихон Бухоро хони билан сулҳ тузди. Унинг ўғли Ануша (1663—1687) даврида Бухоро хонлигига ҳароб қиларли ҳужумлар бўлиб турди. 1685 йилда унинг кўшинлари Самарқандни забт этди. Лекин Ёғдудовон яқинида тор-мор этилди.

Бухоро хони Субхонқулихон Хивада Анушахоннинг ўғли Эрнак бошчилигида фитначи гуруҳи ташкил этишига муваффақ бўлди. Анушахон 1687 йилда кўр қилинди. Эрнак ҳокимиятни узоқ бошқара олмади. 1688 йилда қарши томон Субхонқулихондан Хивани Бухоро тарқибига қўшиб олишни илтимос қилди. Хон Шоҳниёзни Хива ҳукмдори этиб тайинлади.

Шоҳниёз кучли ҳрмий топиш учун ҳаракат қилди. 1770 йилда у ўз ҳомийсидан яширин ҳолда Пётр I га элчи юбориб, у орқали хонликни Россия тобелигига қабул қилишни сўрайди. Пётр I 1703 йилда янги Хива хони Араб Муҳаммадга (1707—1714) ёрлик юбориб хонликнинг тобелигини тасдиқлади. Бироқ чинакам тобелик бўлмади. Бундай муносабат Пётр I нинг Марказий Осиёга эътиборини тортди ҳолос. Хива хонлигининг

парокандалиги Шерғозихон даврида (1715—1728) айниқса намоён бўлди. Феодал мажоралар туфайли эмириллаётган давлатнинг ички аҳволи қўшни давлатларнинг аралашуви сабабли янада мушкуллашди.

Пётр I уюштирган А. Бекович — Черкасский экспедицияси (1714—1717) ўша пайтда Россия давлатининг Хоразмни ўз таъсирига олиш йўлидаги дастлабки уриниши бўлди. Бекович — Черкасскийнинг олти мингдан ортиқ аскардан иборат бутун отряди қириб ташланди. Шундан кейин Хива анча вақтгача Россия томонидан хужум бўлиши хавфи остида яшади.

Иккинчи томондан, Бухоро хони Абулфайз оролликларни Шерғозига қарши қўзғатди, улар эса Бухорода яшаётган шахзода Темур Султонни хон бўлишга таклиф қилишди. Хивада бошланган ўзаро уруш гоҳ у томон, гоҳ бу томоннинг муваффақияти билан то Шерғози вафотигача давом этди.

Темур Султон бутун хонлик ҳудудини ўзига бўйсундира олмади. Шерғозидан кейин Элбарс хон бўлди (1728—1740). Уша пайтда Афғонистон ва Ҳиндистонга юриш бошлаган Нодиршоҳнинг йўқлигидан фойдаланиб, Элбарс Хуросонга бир неча бор юриш қилди ва ҳар гап ўлжа ва асирлар олиб қайтди.

Хиваликларнинг Хуросонга ҳуружлари, Хива феодалларининг Бухоро томонига ўтиб Нодиршоҳ қўшинларига қарши чиқишлари Нодиршоҳни у Бухорони бўйсундирганидан кейин Хоразмга хужум қилишга ундади. У Ҳазорасп ва Хонқа жангларида хиваликлар устидан ғалаба қозонди. Хонқа қўлга олинган Хива хони Элбарсхон ўлдирилди.

Шу пайтда хиваликлар кичик қозоқ жузидан бўлган Абулхайрни ўзларига хон бўлишга таклиф қилишди. Абулхайрхон бундан саккиз йил илгари рус фуқаролигини қабул қилган эди: Хива тахтига чиққан куннинг эртасига Абулхайрхон Нодиршоҳга мактуб юбориб сулх тузишни таклиф қилди. У Хивада ҳаммаси бўлиб олти ёки етти кун хонлик қилди. Нодиршоҳ тўрт кунлик қамалдан кейин пойтахтни эгаллади. Хива аскарларининг катта қисми унинг қўшинлари сафига қўшилди. Барча қуллар, шу жумладан рус аскарлари озод қилиниб, улар йўлга чиқишлари учун от-улов, пул ва овиқовқат билан таъминладилар. Нодиршоҳ шу билан ўзини Хоразм халқига босқинчи эмас, балки халоскор қилиб кўрсатмоқчи бўлган эди. Хивада Нодиршоҳ ноиб

ва Эрон гарнизони қолдирилиб Эрон бошқаруви тизими ўрнатилди, аҳолидан «моли омон» солиғи ундирилди. 1741 йилда хиваликлар эронийлар ҳукмронлигига қарши қўзғолон кўтардилар, бунга Нурали бошчилик қилди. Хивани қўзғолончилар қамал қилиб қўлга олдилар ноиб ва унинг гарнизони қириб ташланди. Хон тахтини Нуралихон эгаллади.

Нодиршоҳнинг ўғли Насруллони Хоразмга хужуми сабабли Нуралихон чўл томонга қочиб кетди. Нодиршоҳ барибир Хива хонлигини тамомила бўйсундира олмади. XVIII асрнинг 40-йилларида бу ерда бир неча хон ўзгарди.

1746 йилда эронликлар Нуралихонни яна хон тахтини эгаллашга таклиф қилишди, лекин бу таклифнинг тагида бир гап бор деган гумон билан у Хивага бормади. Нуралига ғаним оиладан бўлган Ботирнинг ўғли қозоқ султони Каип (Таиб) хон бўлди. Каип (1747—1757) хон ҳокимият обрўсини оширишга ҳаракат қилиб кўрди. У ўзбек задогонларининг бошлиғи, катта обрў-эътиборли оталиқ Хузурбекни четлаштирди, ўз ғанимларининг кўпларини йўқ қилди, лекин барибир марказий ҳокимиятни бўйсундиришга эришолмади. Нуралихон давридаёқ жорий этилган фавқулодда оғир солиқлар умумий норозилик ва қўзғолон кўтарилишига сабаб бўлди. Натижада: солиқ йиғувчилар ўлдирилди ва хон чўлга қочишга мажбур бўлди.

Хивада Каипнинг укаси Абдулла хон бўлди. Унинг даврида рўй берган йсёндан фойдаланган Бухоро амири Муҳаммад Раҳим ўз одами Темур Ғозихонни Хива тахтига ўтказди. Шу пайтдан бошлаб тез-тез ўзгариб турган хонлар аслида ҳокимиятни қўлдан бериб қўйдилар, уларнинг номидан 1763 йилдан бошлаб ўзбекларнинг қўнғирот қабиласидан бўлган иноқлар ҳукмронлик қилдилар. Бу сохта хонларнинг келиб чиқиши унча аниқ эмас: улар асосан ўзларини Чингизхон авлоди деб ҳисобловчи қозоқ султонлари орасидан сайланарди.

Хонлик иқтисодиёти аввало феодал тарқоқликдан зарар кўрарди. Марказий ҳокимиятнинг заифлиги қабилла бошлиқларига хусусан туркман қабилла бошлиқларига ҳам деҳқон аҳолини сурбетларча талаш имконини беради. Одамлар босқинлардан қутулиш учун қўшни мамлакатларга қочиб кетарди. Ариқлар қаровсиз қолиб кўпгина ерлар ташландиқ ҳолатга тушиб

қолди. Хонлик пойтахти — Хивада аҳолининг сони кескин қисқарди. Шулар натижасида феодалларнинг ўзаро урушлари ва қабилалар ўртасидаги можароларни тўхтата оладиган марказлашган феодал монархиясини тузиш зарурати вужудга келди.

XVIII асрнинг 60-йилларида Хива хонлигида ҳокимиятни ўзбек қўнғиротлари аста секин ўз қўлларига ола бошладилар. Улар бадавлат шаҳарликлар ва руҳонийларни қўллаб-қувватлашига эришдилар. Иноқ Муҳаммад Амин (1763—1790) 1770 йилда туркманларнинг, 1782 йилда эса бухороликларнинг ҳужумларини даф эта олди. 1804 йилда Хивада қўнғиротлар сулоласи амалдагина эмас расмий равишда ҳам ҳукмрон бўлиб қолди.

Хива иноқи Муҳаммад Амин мустақил феодалларни бўйсундиргандан кейин Хива хонлигида хўжалик ва савдо ишлари аста-секин йўлга туша бошлади ва қочиб кетган одамлар ўз жойларига қайтиб кела бошладилар. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик аста-секин тиклана бошлади.

Муҳаммад Раҳим I (1806—1825) Хива хонлигини бирлаштиришни ниҳоясига етказди. У солиқ ислоҳотини ўтказди, ўлпонларни мунтазам ундириш йўли билан давлат даромадини оширди, божхона жорий этди ва олтин пул зарб қилишни йўлга қўйди. У феодаллар ўртасидаги можароларга чек қўйиб, уларнинг ерларини бирлаштирди. Орол эли қаттиқ қаршилик кўрсатди, чунки бу ерда Муҳаммад Раҳимга душман бўлган феодал гуруҳлари тўпланган эди. 1811 йилда оролликлар мағлуб бўлиб, бу ерлар ҳам хонлик таркибига қўшилди. Муҳаммад Раҳим қорақалпоқларни ҳам бўйсундирди. Улар XIX аср бошларида Хива хонлигининг шимоли-шарқий томонида мустақил бўлсаларда хонлик аҳолиси билан иқтисодий алоқалар қилиб туришарди.

Муҳаммад Раҳимхоннинг вафотидан сўнг унинг ўғли Оллоқулихон (1825—1842) тахтга чиқди. Бу давр ўзаро урушларга бой бўлди. Хонлик шимолида ярим кўчманчи туркман қабилаларидан така, али эли, сарик, салор ва бошқалар кучайди. Хива хонлари қарийиб ҳар йили Хуросонга қарши юришлар қилишар (Оллоқулихоннинг ўзи 5 марта юриш қилган) ҳар йилги талончилик босқинлари эса бу ҳисобга кирмасди.

Муҳаммад Аминхон (1845—1855) Хуросон ва Марвага 10 мартадан кўпроқ юриш қилган. Серахсни қамал этишда тор-мор этилиб, ўзи ҳам ҳалок бўлган. Бухоро

билан муносабат ҳамиша душманлик руҳида бўлган, ҳар икки хонлик ҳам Марвга даъво қилар эди.

XIX асрнинг биринчи ярми мобайнида туркман, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ бекларининг хонлик ҳокимиятига қарши чиқишлари ҳеч тинмади.

Муҳаммад Аминхон ҳалок бўлганидан кейин, 1855 йили туркманларга қарши юриш вақтида Серахсдан қочган қўшин Абдуллани хон қилиб кўтарди. Лекин у 6 ойдан сўнг туркманлар қўлида ўлгандан сўнг Қутлуғ Мурод хон деб эълон этилган эди. Евмутлар ва қозоқлар уни тан олмадилар. Евмутлар Ота Муродни, қорақалпоқлар ва қозоқлар Жорлиқ тўрани хон қилиб кўтаришади. Туркманлар Хивани босиб, олиб Қутлуғ Муродни ўлдиришди. Ҳокимиятсизлик даври вужудга келиб очлик бошланди, юкумли касаллар тарқалди.

1856—1864 йилларда Сайид-Муҳаммад хон бўлиб туркманлар ва қорақалпоқларни тор-мор қилди. Жорлиқ тўрани ўлдирди. Хоннинг шафқатеизлиги оқибатида қорақалпоқларнинг бир қисми Бухорога ва русларнинг қўли остидаги ерларга кўчиб кетди.

1859 йили Орол бўйи қабилаларининг мустақиллигини тиклашга уриниб кўрилди. Бу ерда ҳукмдор деб эълон қилинган Муҳаммад Паноҳ туркманлар билан яқинлашди, русларнинг ҳомийлигига ўтишга ҳаракат қила бошлади. 1859 йили Оренбургга Муҳаммад Паноҳнинг элчилари етиб келишди. Оренбург генерал-губернатори Сирдарё флотининг бошлиғи Бутаковга Амударё мансабига ўтишни буюрди. Хива хони қелиб Қўнғиротни қамал қилди ва Бутаковнинг флотилиясини кўрганидан кейин Хивага шошилди. Бутаков ҳам Сирдарёга қайтди. Орол ҳокимияти эса Хива хонини тан олди. Оролликларнинг қўзғолони шу тариқа барҳам топди.

Сайид Муҳаммаднинг вориси Сайид Муҳаммад Раҳимхон II даврида, 1873 йили Хива генерал Кауфман қўшинлари томонидан босиб олинди ва Россия таркибига тобе давлатга айланди.

Географик жиҳатдан Хоразм ўзаро катта қум саҳроси билан бўлинган Амударё суви билан сувориладиган сув бўйи деб номланувчи ва Копетдоғ ёнбағридаги тор бўйи деб номланувчи вилоятлардан ташкил топган эди. XIX асрнинг 40-йилларидаги маълумотларга кўра «Хива хонлигининг ҳудуди ўн тўққиз минг квадрат милга етиб, бу ерда тўққиз юз мингга яқин аҳоли яшарди». Хоразмга тегишли ерлар етмиш туманга бўлинган эди.

Хива хонлигининг чегаралари барқарор эмасди, у давлатдаги ва қўшни мамлакатлардаги сиёсий аҳволга қараб ўзгариб турарди. Хонлик қозоқ хонларининг ерлари, Эрон ва Бухоро амирлиги билан чегарадош эди. XVIII асрдан бошлаб унинг Россияга қарам ерлар билан умумий чегаралари вужудга келди.

Хива хонлигининг ҳудуди XIX асрнинг бутун биринчи ярми мобайнида доимо ўзгариб турди. Туркман, қозоқ, қорақалпоқ аҳолиси яшайдиган янги туманлар ва вилоятлар хонлик таркибига қўшилиб, Хива чегаралари анча кенгайди.

Хива хонлигининг аҳолиси этник, маданият ва тил жиҳатдан бир-биридан, кекин фарқланувчи, уч гуруҳга бўлинади:

1. Узига кўплаб четдан келган унсурларни сингдирган ва тил бўйича туркийлашган қадимги хоразмликларнинг бевосита авлодлари. Улар деҳқончилик ҳамда савдо-сотиқни яхши билишган.

2. Утроқ аҳолиси бўлган туманлардан ғарб ва жануб томонларда жойлашган туркман қабилалари. Улар асосан чорвачилик билан шуғулланган, на шаҳар ва на қишлоқлар бунёд этишган. Туркманлар ер-мулклардан умумий даромадларнинг ўндан бир улуши миқдоридан, шунингдек чорва молларидан солиқ тўлашган. Адоқли, хизр эли қабилалари эса хонни навкарлар билан, унинг хонадонларини эса ўлпон (қўй) билан таъминлаб турган.

3. Дашти Қипчоқдан Хоразмга Элбарс билан бирга кўчиб ўтган кўчманчи ўзбеклар, улар қабилаларга бўлиниб, ярим кўчманчилик билан ҳаёт тарзини сақлаб қолишган ва тўртта асосий гуруҳга бўлинган: қиёт-қўнғирот, уйғур-наймон, қанғли-қипчоқ ва нукуз-манғит. Ана шу қабила уюшмаларига иноқлар, раҳнамолик қилишган.

Ҳукмрон табақалар, оддий халқлардан (қорасуяк) фарқли ўлароқ, «оқ суяклар», ярим феодал қабила зодагонлари бўлиб, уларнинг қўлида жуда катта бойлик ва қуллари (асосан асирга тушган эронийлар ва руслар) тўпланган, зеро XVI асрда Хоразмда ишчи кучига эҳтиёж катта бўлган.

XVI асрда Хоразм ҳали марказлашган давлат даражасига етмаган, бу ерда уруғчилик тузумининг асоратлари ҳали кучли эди. Давлат хон авлодига қарашли бўлган. Ҳукмрон сулолада уруғ оқсоқоли хон деб эълон

қилинган. Тўла мўгул удумлари сақланиб қолинган. Хон деб эълон қилингандан кейин уни амирлар, мусулмон руҳонийлари, яқин қариндошлари оқ кигизга ўтқазиб кўтаришган. Хоннинг уруғлари ва хеш-ақроболари улущи сифатида вилоят ва шаҳарларни идора қилишган, айни пайтда мустақил бўлишга интилишган.

Хон ҳокимияти қабила зодагонлари билан чекланган. Низолар ва феодал урушлар деярли тинмаган. Феодал тарқоқлик даврида ҳар бир шаҳзода ўз мулкида мустақил бошқарув маҳкамасига эга бўлган.

XVIII асрнинг иккинчи ярми — XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё халқларининг маданияти

Марказий Осиё халқлари иқтисодий юксалтиришда уларнинг ҳудудлари орқали ўтган карвон савдоси муҳим ривожлантиришга хизмат қилиб халқларнинг кўчиш жараёни, улар маданиятларининг ўзаро таъсири аста-секинлик билан бўлса-да ижтимоий муносабатларнинг емирилиши ва янгиси пайдо бўлишига туртки бўлди.

XVIII асрнинг иккинчи ярми салмоқли иқтисодий ўзгаришлар билан изоҳланади. Марказий Осиё хонликлари бу вақтда Россиянинг сиёсий таъсирига тушадилар ва халқаро савдо муносабатлари жараёнига жалб қилиндилар. Чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли моддий жиҳатдан кам таъминланган эди. Шаҳар ва қишлоқ аҳли ўртасида хонликлар иқтисодиётида ҳунармандчилик катта аҳамият қасб эта бошлади. Пирик саноат ишлаб чиқариши эса ривожланмаган бўлиб, у ҳатто XV—XVI асрларда Европа мануфактураси даражасига ҳам етишмаган эди.

Бухоро, Хива ва Қўқон ҳудудида ҳунармандчилик билан бирга уй саноати ҳам тарқалган эди. Унинг маҳсулоти фақат оиланинг эҳтиёжларини қондириш, шу билан бирга қисман сотиш учун ишлаб чиқарилар эди. Бухоронинг тўқимачилик саноати уй ишлаб чиқариши кўринишида эди.

Бухоро хонлигининг баъзи бир ҳудудларида маҳсулоти асосан бозорга йўналтирилган яқка қолдаги ҳунармандчилик тармоқлари ажралиб турар эди. Айниқса жун ва пахтадан газламалар етиштириш кенг тарқалди. Қўқон, Бухоро, Хўжанд пахтадан газлама тайёрлаш саноатининг марказлари эди.

Тўқимачиликнинг ривожланишига аввало хонликлар

Ўртасидаги, кўчманчи қозоқ дашти, қўшни мамлакатлар ва Россия билан ўрнатилган савдо алоқалари кенг таъсир кўрсатди. Марказий Осиё газламалари катта миқдорда Волга бўйи ва Сибирга чиқазилар эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярми, XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёдаги маҳаллий саноат майда якка тартибдаги саноат чегарасидан чиқмаган эди. Бухоро хонлигидаги устахоналар йирик эмас, улар бир вақтнинг ўзида 4—5 киши бўлиб ишлашарди, холос. Хонликдаги устахоналарда меҳнат қилаётган хунарамандларнинг меҳнати арзон эди. Бўяш ва ипакчилик Бухоро хонлигида кенг тарқалган бўлиб, айниқса у Бухоро яҳудийларининг сеvimли машғулотига айланган эди. Е. К. Мейендоф маълумотларига кўра Бухорода 800 хонадонга яқин яҳудий яшаган.

Бухоронинг ташқарига маҳсулот чиқаришида кўнчилик хом-ашёси етакчи ўрин тутар эди, бу эса ўз навбатида Россия кўнчилик саноатининг ривожланишига катта таъсирини ўтказди, жумладан чегарадаги Оренбург губерниясида ҳарбий губернаторнинг 1837 йилдаги ҳисобот маълумотларига кўра 59 та тери-кўнчилик заводлари ишлаган.

Ўз металллар хом-ашёсининг озлиги туфайли металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш Бухоро хонлигидаги темирчилик иши билан чекланиб қолган эди. XIX аср бошига қадар Россиядан металл киритиш таъқиқланган бўлиб, онда-сонда Бухоро ҳукмдорлари орасида истисно тариқасида рухсат берилар эди.

Олтин ва кумушни аксарият ҳолларда Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан олиб келишар эди. XIX аср бошидан эътиборан Марказий Осиёга темир, мис, пўлат ва чўян киритишга рухсат берилган эди. У Россия билан савдо қилишда етакчи ўринни эгаллай бошлади. 1840—1850 йиллар давомида Россиядан биргина Оренбург орқали Марказий Осиё хонликларида қуйидаги миқдорда маҳсулот келтирилган эди: мис—40 минг пуд, темир 400 минг пуддан ортиқ, чўян—75 минг ва пўлат—25 минг пуддан ортиқ. Бухорода устачилик (ёғочга ишлов берилган) билан шуғулланишар, тикувчи-тўқувчилар эса айниқса машҳур эдилар.

Марказий Осиё хунарамандчилиги марказлари сифатида Бухоро, Қарши, Янги Урганч, Қўқон ва Наманган шаҳарлари олинар эди. Бу ерларда пахта газламалар ва ипак-а. т. тери-кўнчилик маҳсулотлари етиш-

тирилиб улар ички истеъмол бозори талабини қондириб қолмасдан шу билан бирга ташқи савдонинг асосий бўғинини ҳам ташкил қилар эдилар.

Урганилаётган даврда адабиёт, кўп тармоқли фан соҳалари, архитектура ва тасвирий санъат ривожланиши давом этди. Шеърят юксак поғоналарга кўтарилди. Тараққийпарвар шоирларнинг ижодида зулм, яққа ҳокимлик каби ҳолатлар танқид остига олинар эди.

Мужрим Обид тахаллуси остида ижод қилган шоир Обидхўжа ибн Мироқхўжа XVIII асрнинг иккинчи ярми, XIX асрнинг биринчи ярмида ҳаёт кечирган. У ўзбек ва тожик тилларида ўз шеърларидан махсус девон тузган.

Шавқий Каттақўрғоний (1786—1861) XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндаларидан ҳисобланади. Унинг ҳақиқий исми Муҳаммад Шарифдир. Шавқийнинг шеърларида оддий халқ, унинг меҳнати, сабр-тоқати, зўравонлик ва адолатсизлик тўғрисидаги ҳаётнинг ҳаққоний манзаралари бадий жиҳатдан акс эттирилган.

Мулло Қурбон Хиромий ушбу давр адабиётининг ёриқ намоёндасидир. У оғзаки халқ ижодиёти намуналари ва ўзбек классик адабиётининг илғор анъаналари таъсирида етукликка эришди. Бизгача Хиромийнинг «Чор дарвеш» (1834) «Махфилоро» (1844), «Тўтинома» (1854) асарлари етиб келган. Шоир ҳаёти ва ижоди даври Бухоро амирлигида феодал зулмининг авж олган пайтига тўғри келди. У халқ билан ғоявий-маънавий жиҳатдан бир бўлиб хизмат қилган эди.

XVIII аср охири, XIX аср бошидаги Қўқон адабий муҳити тўғрисида тўдиқроқ тасаввур берувчи манба сифатида, 1821 йилда тузилган «Мажмуаи шоирон» антологиясини айтиш мумкин. Мазкур асар 1821 йили Абдукарим Фазлий томонидан ёзилган, шунингдек булар қаторига Қори Қундузийнинг қўлёзма «Тазорихи манзума» асарини ҳам айтиш мумкин.

Шу нарса диққатга сазоворки, Қўқон адабий муҳитининг шоирлари ўзбек ва тожик тилларида ёзиб ижод қилганлар. Бошқа минтақалар сингари Қўқонда ҳам икки тиллик XVIII—XIX асрларнинг маданий ҳаётидаги характерли сифати эди.

XVIII асрнинг биринчи ярмидаги Қўқон хонлигининг адабиётида икки қарама-қарши йўналиш: сарой ва тараққийпарвар демократик йўналиш шоирлари қарор

топган эдилар. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошида сарой шоирларининг фаолияти авж олган эди. Айниқса Олимхон (1748—1810) ва Умархон (1810—1821) ҳукмронлиги даврида бу жараён яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари Умархон (тахаллуסי Амир) нинг ўзи шоирлик истеъдодига эга эди. Биринчи йўналишнинг таниқли вакилларида бири Қўқон хони, кейинчалик Бухоро амири саройида катта мансабга эгалик қилган Султонхон Тўра Адо эди.

Махмур, Гулханий, Ҳозиқ кабилар бу даврдаги тараққийпарвар шоирлар эди. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари XIX аср биринчи ярмида Қўқон адабий насрининг ёрқин тимсолидир.

Бизгача етиб келиб сақланиб қолган меъморчилик ёдгорликлари одамлар эътиборини муҳташамлиги ва бетакрорлиги билан жалб қилади. Уларнинг кўпчилиги ўрганилаётган даврда қад кўтарган. XVIII—XIX аср охири сўнгги феодал меъморлигининг янги даври эди. Унда Хоразм, Мовароуннаҳр, Фарғона, Тошкент, минтақа мактабларининг таъсири, белгилари бўртиб туради. Масалан, Хива шаҳар қурилишининг ноёб ансамбли XIX аср маҳсулидир. XIX асрнинг деворий ва шифтлардаги нақш жилоларида ранг тасвирларининг ўзига хос хусусиятлари — Хоразмда бир текис равон бўлса, Фарғона водийсида турли ранг ўйинлари акс этган. XIX аср биринчи ярмидаги меъмор усталарининг номлари ҳам маълум.

Паҳлавон Маҳмуд мажмуасини бунёд этишда бош меъмор хазорасплик Адона Муҳаммад Мурод иштирок этган, деворий ва шифт безакларини Мулла Нурмуҳаммад ва Сўфи Муҳаммад бошқаришган, улар учун жозибадор нақшларни уста наққош Абдулла Жин тайёрлаган.

Боғбонли мачити (1809) ни меъмор Паҳловонқул тиклаган. Ёғочга ганч билан ишлов беришни эса Рўзи-муҳаммад бошқарган. Тошҳовли саройини меъмор Нурмуҳаммад уста Тожихон бунёд этган. У қурилишни икки йилда тугатиши тўғрисидаги хон буйруғини бажаришдан бош тортгани учун қозиққа ўтказилган эди. Анча пайтдан кейин қурилишни уста Қаландар Хивақий тугатган. Оқ Мачитни безашда (1838—1842) нақш ўймакорлари Нурмуҳаммад ва Қаландар иштирок этган.

XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида қимматбаҳо металлларни қазиб чиқариш ишлари олиб борил-

ган. Бухоро мисгарлари уста Шакар (XVIII аср боши),
уста Баротбой ва Шоди Муҳаммад (XVIII аср охири
XIX аср боши), уста Шариф Салоҳиддин (XIX аср
биринчи ярми) ларнинг ишлари айниқса машҳур бўл-
ган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУЙХАТИ

- Абаев В. И. Миф и история в Гатах Зороастра В кн.: Историко-филологические исследования. М., 1974.
- Абдураимов М. А. Очерк аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой половины XIX века, т. I. Ташкент, 1966.
- Абдулхамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана, Ташкент, 1990.
- Археологлар ҳикоя қилади. Муаллифлар жамоаси. Тошкент. 1974.
- Алексеев В. П. Першиц А. И. История первобытного общества. М., 1990.
- Арциховский А. Археология асослари. Тошкент, 1970.
- Арриан. Поход Александра. Перевод М. Е. Сергеевко. М.—Л., 1962.
- Асқаров А. А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар, Тошкент. 1973.
- Асқаров А., Альбаум Л. Поселение Кучуктепа. Ташкент. 1979.
- Ахмедов В. А. Узбекистон халқлари тарихи манбалари. Тошкент, 1991.
- Ахмедов Б. А. Узбек улуси. Тошкент, 1991.
- Ахмедов Б. А. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994.
- Бартольд В. В. Бактрия, Балх и Тохаристан. Соч., т. 7, М., 1972.
- Бартольд В. В. Согд. Соч., т. 3, М., 1965.
- Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Соч., т. 1, М., 1963.
- Буниятов З. Государство Хорезмшахов-ануштегинидов (1097—1231). М., 1986.
- Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. М., 1986.
- Бичурин И. Я. Собрания сведений о народах Средней Азии в древние времена. М., Л., 1950.
- Борисовский И. И. Древнейшее прошлое человечества. М., 1980.
- Ваҳобов. Узбек социалистик миллатининг шаклланиши. Тошкент, 1961.
- Бойс М. Зороастрийцы. Верование о обычаях. М., 1987.
- Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент, 1991.
- Гафуров Б. Г. Цибукидис Д. И. Александр Македонский и Восток. М. 1980.
- Гафуров Б. Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. I—II т., Душанбе, 1989.
- Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1959.
- Ғуломов Я. Ғ. Исломои У., Асқаров А. Первобытная, культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966.
- Геродот. История в девяти книгах. Перевод и примечания Г. А. Стратановского. Л., 1972.
- Гумилев Л. Н. Древние тюрки. М., 1967.
- Гумилев Л. Н. Эфталты и их соседи в IV в.—ВДИ. 1959. № 1.

- Дандамаев М. А. Политическая история Ахеменидской державы. М., 1985.
- Дандамаев М. А. Луконин В. Г. Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980.
- Дьяконов И. М. История Мидии от древнейших времен до конца IV в. до н. э. М.—Л., 1956.
- Дьяконов И. М. Восточный Иран до Кира. В кн.: «История иранского государства». М., 1971.
- Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. М.—Л. 1962.
- Зиёев Х. З. Урта Осие ва Сибирь (XV—XIX асрлар). Тошкент. 1962.
- Зиёев Х. З. Урта Осие ва Волга бўйлари. Тошкент, 1965.
- Зеймадь Е. В. Амударьинский клад. Л., 1979.
- Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. Тошкент. 1993.
- Исомиддинов М. Х., Сулеманов Р. Х. Еркурган. Ташкент. 1984.
- Исламов У. Пешера Мачай. Ташкент, 1975.
- Исламов У., Тимофеев В. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент. 1986.
- Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I—II китоб. Тошкент, 1992.
- Иброҳимов Н. Иби Батгута ва унинг Урта Осиега саҳати. Тошкент, 1993.
- Итина М. А. История степных племен южного Приаралья. М., 1977.
- История Узбекистана. Т. III (XVI—первая половина XIX века). Коллектив авторов. Ташкент, 1993.
- Йулдошев М. Хива хонлигида ер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1959.
- Из истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Коллектив авторов. Ташкент, 1977.
- Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии (XVI—середина XIX в) М., 1958.
- Кабанов С. К. Нахшеб, на рубеже древности и средневековья (III—VII вв) Ташкент, 1977.
- Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Под ред. В. С. Соколова. М., 1963.
- Кабилов Ж. Сармишсойнинг қоя тошларидаги расмлар. Тошкент, 1976.
- Кабилов Ж., Сагдуллаев А. Урта Осие археологияси. Тошкент, 1990.
- Кадырова Т. К. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане в VIII—начале IX вв. Ташкент, 1965.
- Клавихо Р. Г. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406) М., 1970.
- Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М., 1964.
- Литвинский Б. А., Соловьев В. В. Средневековая культура Тохаристана. М., 1985.
- Лунина С. Б. Города Южного Согда в VIII—XII вв. Ташкент, 1984.
- Лунин Б. В. История Узбекистана в источниках. Ташкент, 1984.
- Лунин Б. В. История Узбекистана в источниках (XVIII—XVIII вв.) Ташкент, 1988.
- Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1959.

- Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА. 1959, № 73.
- Массон В. М. Страна тысячи городов. М., 1966.
- Массон М. Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и в Мавераннахр. Труды ЮТАКЭ. т. УП. Ашхабад. 1966.
- Массон М. Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Ташкент, 1973.
- Мец А. Мусульманский ренессанс. М., 1973.
- Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. Пер. Б. А. Ахмедова, Ташкент, 1977.
- Муминов И., Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, 1993.
- Муҳаммаджонов А. Р. Қадимги Бухоро. Тошкент, 1991.
- Муҳаммаджонов А. Р. Нёматов Т. Н. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. Тошкент, 1957.
- Муҳаммаджонов А. Р. Қадимги Тошкент. Тошкент, 1988.
- Набиев Р. XIV асрда Урта Осиёда сарбадорлар қўзғолони. Тошкент, 1942.
- Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Ташкент, 1973.
- Наршахий М. Бухоро тарихи. «Мерос» туркуми. Тошкент, 1991.
- Негматов Н. Н. Государство Саманидов. Душанбе, 1977.
- Неразик А. Е. Сельские поселения афригидского Хорезма. М., 1966.
- Нильсен В. А. Становление феодальной архитектуры Средней Азии (V—VIII вв) Ташкент, 1966.
- Низамиддинов И. XVI—XVII асрларда Урта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари. Тошкент, 1966.
- Окладников А. П. Палеолит и мезолит Средней Азии. «Средняя Азия в эпоху камня и бронзы». М.—Л., 1966.
- Оранский И. М. Иранские языки в историческом освещении. М., 1979.
- Ошанин Л. В. Зезенкова В. Я. Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. Ташкент, 1953.
- Пигулевская Н. В. Маздакидское движение. «Известия АН СССР». Отделение истории и философии, т. I, № 3. 1949.
- Пидаев Ш. Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. Ташкент, 1978.
- Пидаев Ш. Р. Сирли кушонлар салтанати. Тошкент, 1990.
- Пилипко В. Н. Поселения северо-западной Бактрии. Ашхабад, 1985.
- Пугаченкова Г. А. Пути развития Южного Туркменстана поры рабовладения и феодализма. М., 1958.
- Пугаченкова Г. А. Халчаян. Ташкент, 1966.
- Пугаченкова Г. А. Термез, Шахрисабз, Хива. М., 1976.
- Пугаченкова Г. А. Искусство Бактрии эпохи Кушан. М., 1979.
- Пугаченкова Г. А. Шедевры Средней Азии. Ташкент. 1986.
- Пугаченкова Г. А. Ремпель Л. И. Очерки искусстваа Средней Азии. М., 1982.
- Пугаченкова Г. А. Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия-Тохаристан, Ташкент, 1990.
- Пьянков И. В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Душанбе, 1975.
- Радкевич В. А. Великий шелковый путь. М., 1990.

- Ртвеладзе Э. В. Урта Осиёнинг қадимги танглари. Тошкент, 1987.
- Ртвеладзе Э. В. Лившиц В. А. Памятники древней письменности. Ташкент, 1985.
- Ртвеладзе Э. В. Сагдуллаев А. С. Памятники минувших веков. Ташкент, 1986.
- Самарқанд тарихи. I—II том. Муаллифлар жамоаси. Тошкент, 1971.
- Сагдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент. 1987.
- Сагдуллаев А. С. Огненные стрелы. Ташкент. 1993.
- Сагдуллаев А. С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент, 1996.
- Сарианиди В. И. Древние земледельцы Афганистана. М., 1977.
- Ставиский Б. Я. Средняя Азия в кушанский период. М., 1963.
- Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. М., 1970.
- Страбон. География в 17 книгах. Пер. Г. А. Стратановского. М., 1964.
- Струве В. В. Поход Дария I на саков—массагетов. В. кн. «Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии». М., 1968.
- Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографический очерк). Ташкент. 1958.
- Тарн К. Эллинистическая цивилизация. Пер. с. англ. С. А. Ляковского. М., 1949.
- Тереножкин А. И. Согд и Чач.—КСИИМК, вып. XXXIII. 1950.
- Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962.
- Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964.
- Тайлор Э. Б. Первобытная культура. Пер. с. англ. Д. А. Коропчевского. М., 1989.
- Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. I—II жилд. Тошкент. 1966.
- Ҳасанов Ҳ. Урта Осиёлик географ ва сайёҳлар. Тошкент, 1964.
- Ходжайов Т. К. К палеантропологии древнего Узбекистана. Ташкент, 1980.
- Ўзбекистон ССР тарихи. I—II жилд. Тошкент, 1956.
- Ўзбекистон ССР тарихи. I—II том, Тошкент, 1981.
- Ўзбекистон халқлари тарихи. I жилд, Тошкент, 1992.
- Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд, Тошкент, 1994.
- Умняков И. И. Тохары и тохарский вопрос.—Тр. Уз. ГУ. Новая серия, № 31.
- Фрай Р. Наследие Ирана. Пер. с англ. В. А. Лившица и Е. В. Зеймаль. М., 1972.
- Хлопин И. Н. Историческая география южных областей Средней Азии (античность и ранее средневековье). Ашхабад, 1983.
- Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. Ташкент, 1994.
- Шониёзов Қ. Ш. Қанг давлати ва қанглилар. Тошкент. 1990.
- Шишкин В. А. Архитектурные памятники Бухары. Ташкент, 1936.
- Шишкин В. А. Варахша. Ташкент, 1963.
- Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, 1941.
- Чебоксаров Н. Н. Чебоксарова И. А. Народы, расы, культуры. М., 1985.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЕДА ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ	9
1-§. Одамнинг пайдо бўлиши. Палеолит, мезолит ва неолит даври ёдгорликлари	9
Антропогенез—одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.	9
Қадимги тош (палеолит) даврида Марказий Осиё	15
Ўрта тош (мезолит) ва янги тош (неолит) даври ёдгорликлари. Ибтидоий маданият	19
2-§. Металлдан фойдаланишга ўтилиши ва бронза даврида. Марказий Осиё	24
Энеолит даври. Металлдан фойдаланишга ўтилиши.	24
Бронза даври ёдгорликлари	32
II-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЕДА ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.	40
1-§. Илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши ва Аҳмонийлар даврида Марказий Осиё	40
Қадимги аҳоли. Марказий Осиё ҳудудида илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши	40
Аҳмонийлар даврида Марказий Осиё	48
«Авесто». Эътиқодлар	56
2-§. Македониялик. Искандарнинг Марказий Осиёга юришлари ва унинг оқибатлари	62
Аҳмонийлар давлатининг қулаши. Македониялик Искандарнинг Марказий Осиёга юришлари	62
Юнон-македон босқинчиларига қарши курашлар	66
Искандар давлатининг қулаши. Марказий Осиёдаги эллин давлатлар	72
3-§. Марказий Осиёда антик давр давлатларининг ривожланиши. (мил. ав. III-мил. IV асрлари)	73
Қадимги Парфия, Довон, Қанғ давлатлари. Юечжи қабилаларининг Марказий Осиёни босиб олиши	76
Кушон давлатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.	84
Кушон даври маданияти	90
III-МАВЗУ. ИЛК ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЕ	94
1-§. Эфталит давлати. Турк ҳоқонлиги даврида Марказий Осиё	94
Қидарийлар, хионийлар, эфталитлар	94
Эфталитлар давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва маданият	99

	Турк ҳоқонлиги даврида Марказий Осиё	103
2-§.	Марказий Осиёга араблар босқини, Араб истилочиларига қарши халқ озодлик ҳаракатлари	112
	Ислом динининг келиб чиқиши. Арабларнинг Марказий Осиёга дастлабки юришлари	112
	Қутайба ибн Муслимнинг ҳарбий юришлари	116
	Араблар босиб олганидан кейин Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол	120
	Араб босқинига қарши халқ озодлик ҳаракатлари	123

IV-МАВЗУ. РИВОЖЛАНГАН ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ 132

1-§.	IX—X асрлардаги феодал давлатлар Маданий ҳаёт	132
	Тоҳирийлар. Саффорийлар. Сомонийлар. IX—X асрлардаги асосий сиёсий воқеалар	132
	Сомонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий тузум. Халқ ҳаракати	142
	Сомонийлар давридаги маданий ҳаёт	150
2-§.	Қорахонийлар. Ғазнавийлар ва Салжукӣлар.	163
	Қорахонийлар давлати. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.	163
	Ғазнавийлар ва Салжукӣлар	174
	Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши ва кучайиши.	177
3-§.	Марказий Осиё халқлари муғул давлати таркибида.	181
	Муғуллар давлатининг ташкил топиши ва улар ҳужуми арафасида Хоразмшоҳлар давлати	181
	Муғулларнинг Марказий Осиёга ҳарбий юришлари	186
	Темур, Малик, Жалолиддин	194
	Мовароуннаҳр Чигатоӣ улуси таркибид	194

V-МАВЗУ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ 200

1-§.	Амир Темур давлатининг ташкил топиши	200
	XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол	200
	Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва марказлашган давлат тузиш учун кураши	204
	Амир Темурнинг ҳарбий юришлари	212
2-§.	Амир Темур давлатидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар	218
	Амир Темур давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар	218
	Амир Темурнинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни.	224
3-§.	Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон.	232
	Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт	232
	Амир Темур давлатининг бўлиниб кетиши Темурий шаҳзодалар ўртасида ягона ҳукмдорлик учун кураш.	232
	Улуғбек ҳукмронлиги ва унинг ўлиmidан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий воқеалар	238
	Темурийлар даврида маданий ҳаёт	248

VI-МАВЗУ. XVI—XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХОНЛИҚЛАРИ 255

1-§.	Шайбонийлар давлати	255
------	-------------------------------	-----

	Кўчманчи ўзбеклар томонидан Мовароуннаҳрнинг бо- сиб олиниши	255
	Шайбонийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи	266
	Ўзбек халқининг этник тарихидан	273
2-§.	Аштархонийлар даврида Марказий Осиё (XVII—XVIII асрнинг биринчи ярми)	278
	Аштархонийлар давлати тепасига келиши Улар дав- латидаги асосий сиёсий воқеалар	278
	Аштархонийлар давридаги ижтимоий-иқтисодий муно- сабатлар ва маданий ҳаёт	285
	XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида Қорақалпоқлар	292
3-§.	XVIII асрнинг иккинчи ярми—XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё халқлари	296
	XVIII асрнинг иккинчи ярми—XIX асрнинг биринчи яр- мида Бухоро амирлиги	296
	Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти. Кўқон хонлигининг ташкил топиши ва ундаги ижти- моий-иқтисодий муносабатлар	309
4-§.	XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги Марказий Осиё халқлари маданияти	318
	Хива хонлигининг ташкил топиши ва ривожланиши	318
	XVIII асрнинг иккинчи ярми—XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё халқлари маданияти	327
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	332

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
I-ҚИСМ

Муҳаррир З. Тоҳиров
Бадиий муҳаррир С. Мунинова
Мусаввир О. Мунинов
Техник муҳаррир Д. Бекиева

Босмахонага берилди 14.01.97. Босишга рухсат этилди 31.03.97.
Бичими $84 \times 108 \frac{1}{2}$. Газета қоғозига юқори босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 17,9. Нашр. табағи 17,5. Адади 1500 нус-
ха. Буюртма № 15. Баҳоси келишилган нархда.

«Университет» нашриёти. Тошкент—700095. Талабалар шаҳарчаси,
ТошДУнинг маъмурий биноси. 5-қават.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг Янгийўл-
даги ижара пудратигадаги китоб фабрикаси. 702800, Янгийўл ш.,
Самарқанд кўчаси, 44. 1997 йил.

«УНИВЕРСИТЕТ» нашриёти қуйидаги дастурларни чоп этди

Университет таълими учун физика ва астрономия мутахассисликлари бўйича ўқув дастурлари. Ҳажми 16 босма табоқ. Адади 1000 нусха.

* * *

Университет таълими учун тарих мутахассислиги бўйича ўқув дастури. Ҳажми 13.75 босма табоқ. Адади 500 нусха.

* * *

Университет таълими учун журналистика мутахассислиги бўйича ўқув дастури. Ҳажми 16.75 босма табоқ. Адади 300 нусха.

* * *

Университет таълими учун кимё мутахассислиги бўйича ўқув дастури. Ҳажми 9.75 босма табоқ. Адади 500 нусха.